4. OECD (2017), OECD Digital Economy Outlook 2017, OECD Publishing, Paris. Rejim dostupa: http://dx.doi.org/10.1787/9789264276284-en
5. Аманиязова Света. (2022). Рақамлаштириш жараёнида ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатларини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мисолида). *Innovations in Technology and Science Education*, *1*(1), 253–265. Retrieved from http://humoscience.com/index.php/itse/article/view/36
6. Аманиязова, С., Наурузбаева, Г., & Шагилова, Г. (2021). Қорақалпоғистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида рақамли технологиялар жорий этилишининг ҳуқуқий асослари. *Збірник наукових праць ΛΟΓΟΣ*.
7. Ross C. (2014). The future of broadband in South-East Asia. The Economist. Ssılka: https://www.eiuperspectives. economist.com/technology-innovation/future-broadband-south-east-asia
8. Bosse J., Burnett M., Nielsen S. M., Rongione C. i Scholtens H. (2015). The Public Sector as Partner for a Better Society. Ssılka: http://www.epsa2017.eu/files/site/EPSA2015_Publication_updated.p
9. Горелов Н.А., Литун В.В. . Зарубежный опыт обучения населения цифровой грамотности. //экономика труда Апрель-июнь 2018□ Выпуск 2 □Том 5 Журнал экономики труда ISSN 2410-1613. ул. 345.
10. Грибанов Ю.В. I. Формирование ключевых компетенций в эпоху цифровой экономики /Материалы X Всероссийской (с международным участием) научно-практической конференции (Пермь, ПГНИУ, 7 декабря 2017 г.)/

11. Зарубежный опыт повышения квалификации госслужащих. //Москва-2021.
12. К общественным знаниям. Всемирный документ ЮНЕСКО. ЮНЕСКО. [Электронный ресурс].URL: http://www. intelros.ru/pdf/doklad_yunesko _2005_k_obshzestvam_znaniya.pdf]
13. «2020-2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida statistikani rivojlantirishning milliy strategiyasi». /Mualliflar guruhi. Toshkent -2019.
14. www.fasttrackdigital.net
15. https://tass.ru/nacionalnye-proekty/7422319?utm_source=yandex. ru&utm _medium =organic&utm _campaign=yandex.ru&utm _referrer=yandex.ru/

МАТЕМАТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ НЕУСТАНОВИВЩЕГОСЯ ДВИЖЕНИЯ ВОДЫВ КРУПНЫХ МАГИСТРАЛЬНЫХ КАНАЛАХ С КАСКАДАМИ НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ

Хайдарова Р.Д.[1], Омонов Ғ[2]. Абдурахманов Р. С [3] Шониёзов Ш.А[4]. Авезова М. Б[5]

[1]Термизский государственный университет, Термиз
[2.,3, 4, 5]Исследователь

АННОТАЦИЯ

В статье разработаны математических моделей неустановившегося движения водыв крупных магистральных каналах с каскадами насосных станций, учитывающих современные режимы эксплуатации режимы работы насосных станций и других крупных магистральных каналов между насосными станциями каскада Каршинского магистрального канала

Для достижения указанной цели решены задачи определения современных режимов эксплуатации объектов каскада насосных станций Каршинского магистрального канала, разработки математических моделей оптимального управления каналов между насосными станциями, современных режимов работы насосных станций каскада Каршинского магистрального канала, современных режимов эксплуатации каналов между насосных станций каскада Каршинского магистрального канала.

Ключевые слова: *математическая модель, нестационарное течение воды, магистральные каналы, задачи оптимального управления, фундаментальное решение, дифференциальные уравнения, гидротехнические сооружения.*

ABSTRACT

The article develops mathematical models of unsteady water movement in large main canals with cascades of pumping stations, taking into account modern operating modes, operating modes of pumping stations and other large main canals between pumping stations of the Karshi main canal cascade

To achieve this goal, the tasks of determining the modern modes of operation of the facilities of the cascade of pumping stations of the Karshi main canal, developing mathematical models for optimal control of channels between pumping stations, modern modes of operation of pumping stations of the cascade of the Karshi main canal, modern modes of operation of channels between pumping stations of the cascade of the Karshi main canal were solved.

Keywords: *mathematical model, unsteady flow of water, main canals, optimal control problems, fundamental solution, differential equations, hydraulic structures.*

ВВЕДЕНИЕ

В мире уделяется большое внимание на разработку критериев, математических моделей, методов и алгоритмов оптимального управления водными ресурсами магистральных каналов и других водохозяйственных объектов, с использованием современных информационных систем. В этом направлении также и в других странах мира, где развита водное хозяйство и ирригация, одной из необходимых задач является разработка оптимального управления водными крупных магистральных каналов с каскадами насосных станций, которое осуществлено на примере Каршинского магистрального канала с каскадом насосных станций. Это осуществлено на основе критериев и методов оптимального управления, математических моделей и алгоритмов, обеспечивающих экономию водных ресурсов.

При решении поставленных задач исследований использовались методы теории оптимального управления сложными системами, разработки математических моделей и их моделирования в современных условиях эксплуатации.

Поэтому решение проблемы доставки воды к потребителям в настоящее время является востребованной и ее актуальность заключается в повышении надёжности и точности водообеспеченности за счет оптимального управления распределением воды в каналах ирригационных систем по заданным критериям, что обеспечит уменьшение непроизводительных потерь водных ресурсов в каналах, что имеет большое народнохозяйственное значение для республики**.**

Развитие компьютеризации во всем мире, а в последние годы в государствах Центральной Азии, дает возможность использования ее для моделирования и управления водными ресурсами во всех водохозяйственных системах и объектах, к которым относятся участки рек, водохранилища и каналы (самотечные и с системами машинного водоподъема). Используя компьютер, можно имитировать поведение отдельных водохозяйственных объектов, их взаимодействие с учетом всех влияющих факторов в условиях близких к реальным, в процессе их функционирования.

Водохозяйственные системы и объекты имеют большую пространственную протяженность, множество технологических и технических


параметров, только методами математического моделирования можно получить количественные и качественные изменения их характеристик.

В настоящее время отсутствует единый системный подход к вопросу моделирования динамики водохозяйственных объектов, только существует широкий класс различных по степени сложности математических моделей отдельных объектов, поэтому выбор математических моделей, которые будут с требуемой степенью точности описывать сложные процессы водоподачи и водораспределения в водохозяйственных системах и объектах является задачей весьма проблематичной.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Результаты исследования современные режимы эксплуатации объектов каскада насосных станций Каршинского магистрального канала; математические модели оптимального управления каналов между насосными станциями; современные режимы работы насосных станций каскада Каршинского магистрального канала и результаты анализа региональных условий эксплуатации основных сооружений насосных станций; математические модели оптимального управления современных режимов эксплуатации каналов между насосных станций каскада Каршинского магистрального канала.

1. Канал от НС-1 начинается с ПК-204+57 и доходит до НС-2 (ПК-411+19) длиной 20,7 км. В правом берегу канала имеется 18 водозаборов, из которых забирается $4,65 m^3/s$ воды, в левом берегу имеется 7 водозаборов, из которых забирается $4,8 m^3/s$, всего 25 водозаборов на расход $9,45 m^3/s$. Схема канала приведена на рис. 1.



№	ПК	Наименование сифона канала и насоса	Водозаборный пункты		Год установки
			Сани	м³/сек	
7	227	Сифон Ø900/150/150/400	4	0,400	1994
8	230+15	Сифон Ø300/100	2	0,200	1992
9	237	Сифон Ø300	1	0,250	1992
10	248	Сифон Ø200/200	2	0,200	1994
11	263	Сифон Ø150	1	0,100	1992
12	279	Нас СНПЭ 500/10, НДН16	2	1,200	1985
13	280	Нас НДН-20	3	2,000	1985
14	297	Нас СНПЭ 500/10	1	0,500	1986
15	308	Уз.отр.канал	1	1,000	1998
16	309	Нас СНПЭ 500/10	1	0,500	1998
17	321	Нас СНПЭ 500/10	1	0,500	2000
18	363	Уз.отр.канал	1	0,600	2010
19	364	Нас СНПЭ 500/10, НДН20, НДН16	3	2,000	1992
			26	9,450	

Рис.1. Схема бетонного канала между НС-1 и НС-2

2. Канал от НС-2 начинается с ПК-411+19 и доходит до НС-3 (ПК-424+95) длиной $1,4km$. На этом участке канала на правом берегу имеется только один водозабор величиной $7m^3/s$ в канал Дружба. Схема канала приведена на рис. 2.

.




Рис.2. Схема бетонного канала между НС-2 и НС-3.

3. Канал от НС-3 начинается с ПК-424+95 и доходит до НС-4 (ПК-624+95) длиной $20,0km$. В правом берегу канала имеется 6 водозаборов, из которых забирается $2,45m^3/s$ воды, в левом берегу имеется 24 водозаборов, из которых забирается $6,9m^3/s$ воды, всего 30 водозаборов на расход $9,35m^3/s$. Схема канала приведена на рис. 3.




Рис.3. Схема бетонного канала между НС-3 и НС-4

4. Канал от НС-4 начинается с ПК 624+95 и доходит до НС-5 (ПК-677+23) длиной $4,7km$. В правом берегу канала имеется 8 водозаборов, из которых забирается $1,1m^3/s$ воды, в левом берегу имеется 9 водозаборов, из которых забирается $1,7m^3/s$ воды, всего 17 водозаборов на расход $2,8m^3/s$. На этом участке канала расположен водозабор в канал Миришкор с расходом $100m^3/s$. Схема канала приведена на рис. 4.




Рис. 4. Схема бетонного канала между НС- 4 и НС – 5.

5. Канал от НС-5 начинается с ПК-672-23 и доходит до НС-6 (ПК-756+23) длиной $8,4km$. В правом берегу канала имеется 6 водозаборов, из которых забирается $6,7 m^3/s$ воды, в левом берегу имеется 2 водозабора, из которых забирается $1,25 m^3/s$ воды, всего 8 водозаборов на расход $7,95 m^3/s$. Схема канала приведена на рис. 5.




Рис. 5. Схема бетонного канала между НС -5 и НС – 6.

Состояние каналов между НС каскада КМК характеризуется неустановившимся движением воды и описывается системой дифференциальных уравнений Сен-Венана в форме законов сохранения энергии [1,2,3].

$$B_i \frac{\partial z_i}{\partial t} + \frac{\partial Q_i}{\partial x_i} = q_i,$$

$$\frac{1}{g\omega_i}\left(\frac{\partial Q_i}{\partial t} + 2v\frac{\partial Q_i}{\partial x_i}\right) + \left[1 - \left(\frac{v_i}{c_i}\right)^2\right]\frac{\partial z_i}{\partial x_i} = \tag{1}$$

$$= \left[i_i + \frac{1}{B_i}\left(\frac{\partial \omega_i}{\partial x_i}\right)_{h_i = const}\right]\left(\frac{v_i}{c_i}\right)^2 - \frac{Q_i|Q_i|}{K_i^2}$$

$$i = \overline{1,10},\ 0 < x_i < l_i,\ t > t_0$$

Здесь $v_i = \frac{Q_i}{\omega_i}$, $c_i = \sqrt{\frac{g\omega_i}{B_i}}$; $Q_i = Q_i(x_i,t)$ - расход воды; $z_i = z_i(x_i,t)$ – ордината свободной поверхности; g – гравитационная постоянная; i_i – уклон дна; – ширина потока по поверхности живого сечения; $\omega_i = \omega_i(z_i)$ – площадь живого сечения потока; $c_i = c_i(z_i)$ – скорость распространения малых волн; $q_i = q_i(x_i,t)$ – боковые оттоки участков канала; $K_i = K_i(z_i)$ – модуль расхода.

Водозаборы на участках каналов являются сосредоточенными оттоками в точках водозабора.

Путевой отток для участков канала записывается следующим образом:

$q_i(x_i,\mathrm{t}) = 0$ при $i = \overline{1,N}$

$$q_2(x_2,t) = f_1\left(z_2(a_1,t), z_d(t), s_1(t)\right)\delta(x_2 - a_1)$$
$$q_3(x_3,t) = f_2\left(z_3(a_2,t), z_m(t), s_2(t)\right)\delta(x_3 - a_2) \tag{2}$$

.....

где $\delta(x)$ - дельта-функция Дирака; f_1, f_2 - интенсивность водного потока, поступающая в каналы Дустлик и Миришкор; z_d, z_m – ординаты свободной поверхность водного потока нижнею бьефа головного сооружения этих каналов; s_1, s_2 – площади открытий отверстий затворов головных сооружений каналов; α_1, α_2 – расстояния от начала участка канала до головных сооружений.

Функции $\omega_к$, $B_к$ и $z_{ок}$ определяются из морфометрических характеристик участков канала и зависят от x и z.

Дифференциальные уравнения в частных производных гиперболического типа в системе (1) есть уравнения сохранения массы и импульса потока и представляют собой математическую модель неустановившегося движения воды каналов между насосными станциями каскада Каршинского магистрального канала

В качестве функций, определяющих течение, потока воды здесь выбраны расход воды $Q_i(x_i,t)$ и ордината свободной поверхности $z_i(x_i,t)$. Независимыми переменными являются продольная координата x_i и время t. Русло канала задаётся ординатой дна $z_{0i}(x_i)$ и шириной его поперечного сечения $B_i(x_i,t)$ на расстоянии z_i (по вертикали) от дна русла.

Тогда:

- глубина потока: $h_i(x_i,t)=z_i(x_i,t)-z_{0i}(x_i)$;

- площадь поперечного сечения потока: $\omega_i(x_i,\mathrm{h}_i)=\int_0^h B_i(x_i,z_i)dz_i$;

- средняя скорость течения: $v_i=\frac{Q_i}{\omega_i}$;

- скорость распространения малых волн: $c_i=\sqrt{\frac{g\omega_i}{B_i}}$;

- уклон дна: $i_i=-\frac{dz_{0i}}{dx_i};\ i=\overline{1,5}$

Модуль расхода $K_i(x_i,z_i)$ характеризует величину сил трения и определяется по формуле

$$K_i=\omega_i\cdot C_i\sqrt{R_i}, \tag{3}$$

где R_i - гидравлический радиус русла; ω_i – площадь живого сечения русла; C_i – коэффициент Шези.

Для определения коэффициента Шези существует целая серия эмпирических формул. В качестве одной из них может быть принята известная формула Павловского

$$C_i=\frac{1}{n_i}R_i^{y_i},\ y_i=2{,}5\sqrt{n_i}-0{,}13-0{,}75\sqrt{R_i}\left(\sqrt{n_i}-0{,}1\right), \tag{4}$$

где n – коэффициент шероховатости дна каналов.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЯ

Расчёты отдельных задач оптимального управления режимами эксплуатации каналов и каскада насосных станций Каршинского магистрального канала проведены с использованием данного разработанного программного комплекса на языке Python.

1. Участок **Каршинского магистрального канала между** 1-насосной станций **и** 2-насосной станций. Длина канала – 20,7 км, ширина дна – 7 м, коэффициент шероховости – 0,0170, коэффициент откоса - 3, уклон – 0,00015.




Рис. 6. Изменение уровня воды во времени и по длине участка Каршинского магистрального канала между 1-насосной станций **и** 2-насосной станций




Рис.7. Изменение расхода воды во времени и по длине участка Каршинского магистрального канала между 1-насосной станций **и** 2-насосной станций**.**

На рис. 6, 7, приведены результаты численных экспериментов по определению изменения уровня и расхода воды на участке **Каршинского магистрального канала между** 1-насосной станций **и** 2-насосной станций.

Из рисунков видно, что, после пуска насосных агрегатов 1-насосной станций увеличенный расход в начале участка канала позволяет повысить уровень воды по длине указанного участка канала между 1-насосной станций **и** 2-насосной станций. В течение $t = 24615s\ (6{,}84h)$ уровень воды в конце участка канала увеличивается на 1,6 м.

Полученные результаты численных экспериментов показывают, что уровень и расход воды в конце участка канала стабилизируется, что необходимо для находящегося там НС-2.

2. Участок **Каршинского магистрального канала между** 2-насосной станций **и** 3-насосной станций. Длина канала – 1,4 км, ширина дна – 7 м, коэффициент шероховости – 0,0170, коэффициент откоса - 3, уклон – 0,00015.




Рис. 8. Изменение уровня воды во времени и по длине участка Каршинского магистрального канала между 2-насосной станций **и 3-**насосной станций**.**




Рис. 9. Изменение расхода воды во времени и по длине участка Каршинского магистрального канала между 2-насосной станций **и** 3-насосной станций**.**

На рис. 8, 9 приведены результаты численных экспериментов по определению изменения уровня и расхода воды на участке **Каршинского магистрального канала между** 2-насосной станций **и** 3-насосной станций.

Из рисунков видно, что после пуска насосных агрегатов 2-насосной станций увеличенный расход в начале участка канала позволяет повысить уровень воды по длине указанного участка канала между 2-насосной станций **и** 3-насосной станций. В течение $t = 14698s\ (4,08h)$ уровень воды в конце участка канала увеличивается на 1,7 м.

Полученные результаты численных экспериментов показывают, что уровень и расход воды в конце участка канала стабилизируется, что необходимо для находящегося там 3-насосной станций.

3. Участок **Каршинского магистрального канала между** 3-насосной станций **и** 4-насосной станций. Длина канала – 20,2 км, ширина дна – 7 м, коэффициент шероховости – 0,017, коэффициент откоса - 3, уклон – 0,00015.




Рис. 10. Изменение уровня воды во времени и по длине участка Каршинского магистрального канала между 3-насосной станций **и** 4-насосной станций




Рис. 11. Изменение расхода воды во времени и по длине участка Каршинского магистрального канала между 3-насосной станций **и** 4-насосной станций**.**

На рис. 10, 11 $t = 20823s\,(5,78h)$ приведены результаты численных экспериментов по определению изменения уровня и расхода воды на участке Карши нского магистрального канала между 3-насосной станций **и** 3-насосной станций

Из рисунков видно, что после пуска насосных агрегатов 3-насосной станций увеличенный расход в начале участка канала позволяет повысить уровень воды по длине указанного участка канала между 3-насосной станций **и**

4-насосной станций. В течение $t = 20823s$ $(5,58h)$ уровень воды в конце участка канала увеличивается на 1,9 м.

Полученные результаты численных экспериментов показывают, что уровень и расход воды в конце участка канала стабилизируется, что необходимо для находящегося там 4-насосной станций.

4. Участка канала между 4-насосной станций **и** 5-насосной станций. Длина канала – 4,5 км, ширина дна – 7 м, коэффициент шероховости – 0,0170, коэффициент откоса - 3, уклон – 0,00015.




Рис. 12. Изменение уровня воды во времени и по длине участка Каршинского магистрального канала между 4-насосной станций **и** 5-насосной станций**.**




Рис.13. Изменение расхода воды во времени и по длине участка Каршинского магистрального канала между 4-насосной станций **и** 5-насосной станций**.**

На рис. 12, 13 приведены результаты численных экспериментов по определению изменения уровня и расхода воды на участке КМК между 4-насосной станций и 5-насосной станций.

Из рисунков видно, что, после пуска насосных агрегатов на 4-насосной станций увеличенный расход в начале участка канала позволяет повысить уровень воды по длине указанного участка Каршинского магистрального канала между 4-насосной станций и 5-насосной станций. В течение $t = 12444s\ (3,46h)$ уровень воды в конце участка канала увеличивается на 1,8 м.

Полученные результаты численных экспериментов показывают, что уровень и расход воды в конце участка канала стабилизируется, что необходимо для находящегося там пятая насосная станция. Сравнение результатов численных экспериментов и натурных исследований, проведённых в этих участках Каршинского магистрального канала показывает, что параметры расхода и уровня воды в них отличаются незначительно, их погрешность составляет не более 3-5%.

Это подтверждает, что разработанные нами модель, алгоритмы и современный программный комплекс на языке Python решения задач оптимального управления водных ресурсов Каршинского магистрального канала с каскадом насосных станций, работоспособен и может быть использован в аналогичных объектах отрасли водного хозяйства республики. [10,11,12].

Область применение результатов исследований в каскадах эксплуатирующийся крупных магистральных каналов с каскадом насосных станций Республики Узбекистан

Практическая значимость: результаты работы в виде математических моделей оптимального управления объектами каскада насосных станций Каршинского магистрального канала обеспечат повышение уровня их эксплуатации за счет компьютеризации, а также улучшение эксплуатации объектов каскада насосных станций за счет уменьшения непроизводительных потерь водных ресурсов в каналах и электроэнергии на водоподъем в насосные станции.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

На основании проведённых исследований можно сделать следующие выводы:

Разработаны математические модели оптимального управления каналов между насосными станциями каскада Каршинского магистрального канала, учитывающие современные их параметры и режимы эксплуатации этих каналов. Разработаны математические модели оптимального управления современных режимов работы насосных станций каскада Каршинского магистрального канала, учитывающие необходимые параметры объектов и оборудования насосных станций. Приведены результаты расчетов задач оптимального управления режимами эксплуатации каналов и насосных станций Каршинского магистрального канала, из которых видно, что полученные изменения изображений переходных процессов потока воды на участке канала, в этом случае уровни или расходы воды, можно рассматривать в динамике их изменения в виде анимации по расстоянию и во времени

Данная статья написана по материалом прикладного проекта ҚХ-А-ҚХ-2018-279 –«Совершенствование режимов эксплуатации каскадов крупных насосных станций использованием современных методов управления и нового оборудования, уменьшающее потери водных и энергетических ресурсов» в 2018-2020 гг. согласно приоритетных направлений развития народного хозяйства республики ПФИ – 5 «Биология, биотехника, почвоведение, водные проблемы, вопросы генетики, селекций растений и животных». При подготовке рукописи к печати авторы учли весьма ценные замечания и пожелания рецензентов – докторов технических наук, профессоров научного исследовательского института ирригации и водных проблем, за которые авторы приносят им свою глубокую признательность.

REFERENCES

1. Kabulov, A., Normatov, I., Seytov, A., & Kudaybergenov, A. (2020, September). Optimal management of water resources in large main canals with cascade pumping stations. In *2020 IEEE International IOT, Electronics and Mechatronics Conference (IEMTRONICS)* (pp. 1-4). IEEE.
2. Rakhimov, S., Seytov, A., Nazarov, B., & Buvabekov, B. (2020, July). Optimal control of unstable water movement in channels of irrigation systems under conditions of discontinuity of water delivery to consumers. In *IOP Conference Series: Materials Science and Engineering* (Vol. 883, No. 1, p. 012065). IOP Publishing.
3. Kabulov, A. V., Seytov, A. J., & Kudaybergenov, A. A. (2020). Classification of mathematical models of unsteady water movement in the main canals of irrigation

systems. *International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology*, *7*(4), 2350-0328.

4. Kabulov, A. V., Seytov, A. J., & Kudaybergenov, A. A. (2020). Mathematical models of the optimal distribution of water in the channels of irrigation systems. *International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development (IJMPERD) ISSN (P)*, 2249-6890.

5. Rakhimov, S. K., Seytov, A. J., Jumamuratov, D. K., & Rakhimova, N. K. Optimal control of water distribution in a typical element of a cascade of structures of a machine canal pump station, hydraulic structure and pump station. India. *International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development (IJMPERD) ISSN (P)*, 2249-6890.

6. Rakhimov, S. K., Seytov, A. J., & Kudaybergenov, A. A. (2020). Optimal control of unsteady water movement in the main canals. *International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology*, *7*(4), 2350-0328.

7. Salaeva, M., Eshkaraev, K., & Seytov, A. Solving mathematical problems in unusual ways with excellent limits. In European Scientific Conference pp. 254-257. (2020).

8. Rakhimov Sh.Kh., Begimov I., Gapparov Kh,Sh., Seytov A.J. Теория оптимального управления распределением воды в каналах ирригационных систем в условиях дискретности водоподачи потребителям. Монография. Изд-во ООО «Белгим», Ташкент, 2017 с. 169.

9. Рахимов Ш.Х., Гаффаров Х.Ш., Сейтов А.Ж. Алгоритмы оптимального управления распределением воды в каналах ирригационных систем в условиях дискретности водоподачи потребителям, //Мелиорация и водное хозяйство РФ, 2016, №6, С. 6-10. (05.00.00; №51)

10. Рахимов Ш.Х., Сейтов А.Ж., Математические модели каскада насосных станций Каршинского магистрального канала. Проблемы информатики и энергетики. Ташкент, 2017 №5, с.13-20. (05.00.00; №5)

11. Рахимов Ш.Х., Сейтов А.Ж., Математические модели водоподачи куюмазарской насосной станции с водохранилищем сезонного регулирования. Проблемы информатики и энергетики. Ташкент, 2017 №6, с.22-28. (05.00.00; №5)

12. Рахимов Ш.Х., Гаффаров Х.Ш., Сейтов А.Ж. Prerequisites for optimal distribution of water in irrigation canal systems// Austrian Journal of Technical and Natural Sciences, № 9–10, Vienna. 2017. pp. 50-58.

УДК631.3:631.51:635.21

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТУПРОҚНИ КАРТОШКА ЭКИШ УЧУН ТАЙЁРЛАШ

Т.ф.ф.д., доцент Қодиров У.И.,
Ассистент Жониқулов Ж.Ж.
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада картошка етиштиришда тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатни яратиш зарурияти асосланган. Янги технология ва унинг афзалликлари, агрегат таркибидаги ишчи органлар шакли ва турини танлашга доир маълумотлар келтирилган. Шунингдек, муаллифлар томонидан ясалган комбинациялашган агрегатнинг умумий тузилиши ва унда ишчи органларнинг жойлашиш схемаси ҳамда дастлабки дала синов натижалари баён этилган.

Калит сўзлар: *комбинациялашган агрегат, ишчи органлар, чуқур юмшатгич, корпус, янги технология, ғалтак-мола, пушта-эгат, қатор ораси, энергия ва ёқилғи сарфи, оптимал муддат, ҳосилдорлик.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается технология минимальной обработки почвы при возделывании картофеля и необходимость создания комбинированного агрегата, реализующего ее. Приведены новая технология и ее преимущества, информация по выбору формы и типа рабочих органов в совокупности. Также описаны общая конструкция изготовленного авторами комбинированного агрегата и компоновка рабочих органов в нем, а также результаты предварительных полигонных испытаний.

Ключевые слова: *комбинированный агрегат, рабочие органы, глубинный умягчитель, кожух, новая технология, вальцовая мельница, толкатель, междурядье, расход энергии и топлива, оптимальная продолжительность, производительность.*

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг аграр секторида тубдан ўзгартиришлар ясаш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан мунтазам юқори ҳамда арзон ҳосил етиштиришни таъминлаш учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда [1].

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш мақсадида янги турдаги юқори унумли техника воситалирини ишлаб чиқариш, уларни таъминотини йўлга қўйиш, машина ва механизмларни чидамлилигини ошириш ва улардан самарали фойдалинишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда, аммо тупроқни картошка экишга тайёрлаш усуллари асосан аввалгидек қолмоқда, яъни анъанавий технологиядан фойдаланиб даладан агрегатларнинг бир неча бор ўтишида амалга оширилмоқда [2]. Бундай кўп марталаб ўтиб ишлов бериш ортиқча меҳнат, ёқилғи ва энергия сарфланишига олиб келиб натижада тупроқ структурасини бузилиши, экиш муддатларини чўзилиши ва ҳосилдорликни камайишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида минимал технологияларни жалб этиш имкониятлари очиб берилмоқда ва бу масалалар хукуматимиз томонидан қўллаб қувватланмоқда [3]. Ушбу таъкидланганларидан келиб чиққан ҳолда картошка етиштиришда сарфланадиган энергия, ёқилғи мойлаш материаллари сарфини камайтириш ва иш сифатини ошириш кўплаб миқдордаги сарф-ҳаражатларни камайтириш имконини беради.

ТАДҚИҚОТ УСЛУБИ

Тадқиқот объекти сифатида картошка экиш учун тупроққа ишлов беришнинг минимал технологияси ва комбинациялашган агрегат олинган. Минимал технологиялар комбинациялашган агрегатларни қўллаш орқали амалга оширилади. Бунинг ўзига хос шартлари мавжуд бўлиб, яъни агротехник тадбирлар кетма-кетлиги сақланиши лозим. Комбинациялашган агрегатларни қўллаш учун:

- бир мавсумда бажариладиган технологик жараёнлардан иборат бўлиши;
- агротехник талаб кўрсаткичлари алоҳида бажарилганига нисбатан паст бўлмаслиги;
- иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминланиши;
- ишчи органлар мослашувчанлиги ва уларнинг умумий рамадажойлашиш имкониятининг мавжудлиги;
- комбинациялашган агрегат билан ишни бажаришга етарли миқдорда тортишқувватига эга тракторларнинг мавжуд бўлиши;
- ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегатнинг ишончлилик даражаси


юқори,тузилиши оддий, хизмат кўрсатилиши қулай бўлиши лозим.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Юқоридагилардан келиб чиқиб муаллифлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилди ҳамда картошка етиштиришда тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ишлаб чиқилди [4]. Таклиф этиладиган технологиянинг амалдагидан фарқи ва тежамлиги шундан иборатки, далани шудгорлаш, текислаш, мола ва чизеллаш ишлари бажарилмайди.

Бу усулда комбинациялашган агрегат даладан бир ўтишда қуйидаги технологик жараёнларни биргаликда қўшиб олиб боради. Картошка экиш учун пушта шакллантириладиган чизиқ бўйича тасмали юза ва чуқур юмшатиш билан бир вақтда минерал ўғитларни икки ярусда муайян жойга тасмали бериш, тупроқ палахсаларини ағдариб пушта ва суғориш ариқларини шакллантириш ҳамда пушта-эгат профилига мос махсус ғалтак-мола ёрдамида тупроқни юза қисмига қўшимча ишлов бериб қисман зичлаб кетади. Далада ости юмшатилган, ўғитланган ва қатор оралари 70 см дан иборат агротехник талаб даражасида пушталар ҳосил бўлади (1-расм).


Технологиянинг афзаллиги картошка экиш учун тупроқни қисқа муддатларда пуштали экишга тайёрлаб, тупроқни емирилиш ва ўта зичланишидан сақлайди, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Пушта остини чуқур юмшатиш намликни йиғиш ва сақлашни таъминлайди. Шунингдек картошкани оптимал муддатларда экишга имкон беради ва ҳосилдорликни ортишига замин яратади.



1-расм. Комбинациялашган агрегат билан ишлов берилган даланинг кўндаланг кесим профили

Ушбу технологияни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг асосий ишчи органлари белгиланган технологияни кетма-кет бажаришга асосланган бўлиб, умумий рамага беркитилган қуйидаги[5]: бир-бирига қарама-қарши, яъни ўнг ва чап томонга ағдарувчи корпуслар, ишчи органлари поғонали

жойлашган чуқур юмшатгичлар, махсус ғалтак-мола ва ўғит бериш сошнигидан иборат (2-расм).



2-расм. Комбинациялашган агрегатнинг конструктив схемаси.

1 – чуқур юмшатгич; 2 – ўғит бериш сошниги; 3 – ўнгга ағдарувчи корпус; 4 – чапга ағдарувчи корпус; 5 – йўналтиргич; 6 – ғалтак-мола.

Комбинациялашган агрегатнинг дастлабки нусхаси ишлаб чиқилиб дастлабки тажриба синовлари Қарши тумани “Агрофирма” фермер хўжаликлари худудида ўтказилди. Дала майдони кичик нотекис, тупроқ тури – енгил қумоқли тупроқ. Агрегатнинг ҳаракат тезлиги 6-8 км/соат. ТЛ-100 трактори билан агрегатланиб дала синовлари ўтказилди. Пушта остини тасмали йўл-йўл юмшатгич, пушта ҳосил қилгич-корпуслар ва махсус ғалтак мола билан жихозланган агрегат бажарган технологик иш жараёнида тупроқ палахсалариағдарилиб, бегона ўтларнинг тўлиқ кўмилишига эришилди.

Шунингдек, кўпчилик олимларимизнинг фикрига мос ҳолда [6] далада қатор оралиғи 70 см, баландлиги 20 см ва асоси 55-65 см, юқори қисми кенглиги 10-12 см дан иборат ости юмшатилган пушта ҳосил бўлиб, ишчи органлар сифатли иш жараёнига эга бўлди.

Дала синовлари натижаларига кўра, комбинациялашган агрегатни қўллаш мавжуд машиналарга нисбатан фойдаланиш харажатларни, меҳнат ва ёқилғи сарфини камайтирди ҳамда иш унумдорлигини ошишига эришилди.

Ҳозирги кунда комбинациялашган агрегатни тажриба варианти ҳам ишлаб чиқилиб кенг хўжалик синовларидан ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин: минимал ишлов беришга йўналтирилган технологияни картошкачиликга жорий этиш энергия ва ресурсларни тежаш имконини беради; шакллантирилган пуштанинг параметрлари: баландлиги 20 см, асосининг эни 60-65 см, юқори қисми кенглиги 10-12 см, пушталар оралиғи 70 см бўлиши мақсадга мувофиқ; комбинациялашган агрегатнинг юмшатгичини ишлов бериш чуқурлиги 32-35 см, корпусларнинг ишлов бериш чуқурлиги эса 22-24 см бўлиши мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Қодиров У.И. Тупроқни картошка экишга тайёрлашни механизациялашнинг муаммолари ва ечимлари. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Қарши, 2014. - 207-209 б.
2. Қодиров У.И. Картошка экиш учун тупроқни тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат. XXI аср – интеллектуал авлод асри Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ёш олимлар ва талабалари иштирокидаги ҳудудий илмий-амалий анжумани тўплами. Қарши, 2014. - 313-314 б.
3. Худаяров Б.М., Жуматов Я.К., Саримсақов Б.Р. Кўп функцияли комбинациялашган агрегат ва унинг ишчи органлари тўғрисида // Ўзбекистон Аграр фани ҳабарномаси, 2010. №1-2 (39-40). - Б. 52-56.
4. ЎзР патенти IAP 04832. Қишлоқ хўжалик экинларини пушта ва жўякларга экиш учун тупроқни тайёрлаш усули/ Маматов Ф.М. ва бошқалар. // Расмий ахборотнома. – 2011. - №4.
5. Mamatov F.M., Kodirov U.I. Combination unit for the prepatation of soil for planting potatoes on ridges. // European applied sciences. - Stuttgart, 2015. - №10. - P. 57-58.
6. Зуев В.И., Бўриев Ҳ.Ч., Қодирхўжаев О., Азимов Б.Б. Картошкачилик. Дарслик. –Тошкент, 2005. – 147 б.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI QAYTA VA IJODIY HIKOYA QILISHGA O‘RGATISH

Ibodullayeva Dildora
SamDU Maktabgacha ta’lim fakulteti 2-kurs magistranti

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada maktabgacha yoshdagi bolalar nutqini o’stiruvchi vosita sanalgan qayta va ijodiy hikoya qilishga o’rgatish haqida ikr yuritilgan. “Sher va Durroj” hikoyatini nutq o’stirish mashg’uloti misolaida maktabgacha yoshdagi bolalarga o’rgatishning usullari yoritilgan.

Kalit so’zlar: *hikoya, masal, qayta hikoya, xotira, ijobiy va salbiy obraz, xayoliy uydurmalar, ertak to`qish.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье обсуждается обучение детей школьного возраста тому, как рассказывать историю ре-энд-арт, которая считается инструментом для роста их речи. Пример речевого упражнения из рассказа «Лев и Дуррой» выделяет способы обучения детей школьного возраста.

Ключевые слова и фразы: *рассказ, сказка, пересказ, память, положительный и отрицательный*

ABSTRACT

This article discusses teaching school-age children how to tell a re-and-art story, which is considered a tool for growing their speech. The example of a speech-growing exercise of the story of "Lion and Durroj" highlights ways to teach school-age children.

Keywords and phrases: *story, fairy tale, recount, memory, positive and negative image, imaginary fiction, fairy tale reading*.

KIRISH

Qayta so’zlab berish (hikoya qilish) – eshitilgan badiiy asarni ravon kelishtirib berishdir. Bola muallif tomonidan aytib berilgan tayyor mazmunni gapiradi va tayyor nutqiy shakllardan – so’zlardan, jumlalardan, ularning izchilligidan foydalanadi.

Hikoya qilish – biron bir voqeani ravon qilib mufassal gapirib berishdir. Hikoya uchun bolaning o’zi mazmun va nutq shaklini tanlaydi. Mazmuni bo’yicha hikoyalarni shartli ravishda ikki turga bo’lish mumkin:

a) hayotiy voqealarga asoslangan dalilli hikoyalar (bularga kuzatish yoki idrok qilish vaqtidagi hikoyalar, ko’rib turgan predmetni, o’yinchoqlarni tasvirlash, xotira

bo'yicha hikoyalar, ya'ni ko'rilgan narsalar haqidagi hikoyalar kiradi).

b) ijodiy hikoyalar (bolalar tomonidan o'ylab tuzilgan hikoyalar) xayoliy (uydirma) materiallarga asoslanadi. Lekin ularda bolalarning tajribasi ham ishga solinadi. Hikoyaning bunday turi maktabga tayyorlov guruhida o'tkaziladi.

Olti yoshlik bolalar o'z xayol kuchlari bilan uncha murakkab bo'lmagan hikoya va ertaklarni to'qiy oladilar. Bolalar ijodiy hikoyalarida ishtirok etuvchi shaxslarning yangi obrazlarni, ularning harakati, qiliqlarini o'ylab topadilar.

Hikoyalar shakli bo'yicha tasviriy va syujetli bo'lishi mumkin. Tasviriy hikoya – bu biror premet, masalan, o'yinchoq, kiyim yoki hodisaning tug'ilgan kun, bayram va boshqalarning xarakterli belgilarini gapirib berishdir.

Syujetli hikoya – bu qandaydir bir voqeani ijodiy gapirib berishdir. Masalan, «A'zam kuchukchani qanday qilib topib oladi?» va boshqalar.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bolalarni hikoya qilishga o'rgatishda maxsus usullardan foydalaniladi. Hikoya qilishga o'rgatish usullari turli-tumandir. Ularning eng asosiylari – tarbiyachining hikoya qilish namunasini aytib berishi, hikoyaning rejasini tuzib berishi, hikoyani qismlar bo'yicha tuzish, uning rejasini jamoa bo'lib muhokama qilish tarbiyachining savollar berishi, aytib turishi va bolalarning hikoyalarini baholash usullaridir.

Tarbiyachi har bir mashg'ulot uchun aniq bitta yoki ikkita usulni asosiy usul qilib tanlaydi. Masalan, hikoya qilish namunasini aytib berish va hikoyaning rejasini tuzib berish yoki hikoya qilish rejasini tuzib berish va rejani jamoa bo'lib muhokama qilishni tanlashi mumkin.

Tarbiyachining hikoya qilish namunasi – bu didaktik usul bo'lib, uning yordamida tarbiyachi bolalarni boshqalardan o'rnak olib hikoya qilishga o'rgatadi. Hikoya qilish namunasi qimmatli tarbiyaviy mazmunga ega bo'lishi, bolalarni o'z hikoyalarida yaxshi xatti-harakatlarni do'stlik tuyg'ularini tasvirlashga undashi lozim.

Hikoya qilish namunasini berish usuli eng yengil usul bo'lib hisoblanadi, chunki bolalar tarbiyachining surat, predmet, voqealar haqidagi savollarini yoki ko'rsatmalarini emas, balki tayyor hikoyasini eshitadilar. Shuning uchun hikoya namunasi berish usulidan hikoya qilib berishga o'rgatishning birinchi bosqichlarida yoki tarbiyachi bolalar oldiga yangi vazifalar qo'yganda foydalaniladi.

Hikoyaning rejasini berish – bu hikoya tuzishda amal qilish lozim bo'lgan ikki-uchta asosiy savollardir. Namuna bo'yicha ikki-uchta mashg'ulot o'tkazilgach, (masalan, o'yinchoqlarni tasvirlash), hikoyaning rejasini berish hikoya qilishga

o'rgatishning mustaqil, asosiy usuli bo'lib qoladi. Tarbiyachi mashg'ulotgacha rejaning asosiy va qo'shimcha savollarini tayyorlaydi. Chunki bir mashg'ulotda reja savollarining o'zgarib turishi bolalarni faollashtiradi. Hikoyani turli-tuman qiladi. Masalan, maktabgacha tayyorlov guruhi bolalari bilan ular yashaydigan ko'chalarini tasvirlash mashg'ulotida quyidagicha reja tavsiya qilish mumkin (bu savollar bittadan berilmay birdaniga beriladi):

1. Sening ko'changni nomi nima?
2. Sening ko'changda qanday binolar bor?
3. Sening ko'changda qanday transportlar o'tadi?

Uch-to'rt bola yuqoridagi reja savollari bo'yicha hikoya qilgach, quyidagi yangi savollarni berish mumkin:

1. Sening ko'changni nomi nima?
2. Sening ko'changda qanday daraxtlar bor?
3. Nima uchun sening ko'chang toza va chiroyli?

Maktabga tayyorlov guruhida dasturda yanada yuqoriroq talablarni qo'yadi. Bolalarni rejadagi savollarga quloq solishga unga rioya qilishga o'rgatiladi (ayniqsa suratga qarab hikoya qilishda va jamoa tajribasidan olib to'qilgan hikoyalarda).

Bu guruhda bolalar o'rtoqlarining hikoyalarini nazorat qilishga ko'proq jalb etiladi (hozir nima haqida gapirish kerak? Hammaga tushunarli bo'lishi uchun hikoyani nimadan boshlashi yaxshirok?).

Reja tuzib berish hikoyaning namunasini berish usuliga qaraganda eng qiyin usul bo'lib undan bolalarni hikoya qilishga o'rgatishda keng foydalaniladi. Rejani jamoa bo'lib muhokama qilish – bu usul bolalarni ijodiy hikoya qilishga o'rgatishning birinchi bosqichlarida ko'proq qo'llaniladi.

Bolalar hikoyaning qiyin turi, ya'ni tarbiyachi taklif etgan mavzu bo'yicha hikoyalar tuza olishlari va bu hikoyalar va bu hikoyalar turli-tuman bo'lishi uchun tarbiyachi bu usuldan foydalanishi mumkin. Tarbiyachi bolalarga mavzu va rejani beradi. Mavzu: Qizcha mushukchani qanday topdi?

1. Qizcha mushukchani qanday topdi .

2 Mushukcha qanday edi?

3. Qizcha u bilan nima qiladi?

Bolalarning joyida turib bergan javoblari hikoya bo'lmaydi, u bir necha yoki bitta jumladir. Maqsad – hikoyalarning turli-tuman bo'lishi mumkinligini ko'rsatishdir. Tarbiyachi reja tuzayotganda jamoa bo'lib muhokama qilish uchun eng qiyin savollarni oldindan aniqlashi lozim.

Qismlar bo'yicha hikoya tuzish. Odatda bu usul mazmuni qismlarga oson

bo'linadigan suratlar bilan ishlashda foydalaniladi. Suratlar bilan ishlashda tarbiyachi oldindan uni shartli ravishda qismlarga bo'ladi va bola biror qism haqida so'zlab berishi lozim.

Umumiy jamoa tajriba asosida hikoya qilishda tarbiyachi oldindan mavzuni juda mayda qismlarga bo'ladi, Masalan, «Bizning tipratikon» mavzusidagi tasviriy hikoyani tuzishda tarbiyachi bolalarni tipratikon haqida hamma narsani birdan so'zlamasdan, hammasini esga olish uchun tartib bilan so'zlaymiz deb ogohlantiradi. So'ngra tarbiyachi har bir qismga reja beradi. Hozir bolalar eslang tipratikonning usti nima bilan qoplangan? Uning tumshug'i qanday? U qanday yuradi?

Bu reja bolalarning ikkita-uchta hikoyalaridan keyin boshqa qismga o'tiladi. Bizda tipratikon qayerda yashaydi, uning qafasida nima bor, u nima uchun kerak aytib bering. Bolalarning javobidan keyin hikoyaning uchinchi qismiga o'tiladi. Ayting-chi biz tipratikonni nima bilan boqdik. Kim uni parvarish qiladi, qanday parvarish qildi va hikoyaning oxirida bolalardan biz o'z tipratikonimizni kimga sovg'a qildik, o'rta guruh bolalari bizga nima dedilar? deb so'rash mumkin. Jamoa hikoya uchun «Bolalar bog'chasida», «Yangi yil archasi», «Hayvonot bog'iga ekskursiya», «Shahar atrofiga sayohat» va boshqa mavzularni tanlab olish mumkin.

Mashg'ulotning oxirida tarbiyachi mavzuning hamma qismlari bo'yicha bitta umumiy reja beradi va yaxshi hikoya qiladigan 1-2 bola hammasi haqida birdan gapirib beradi. Masalan, «Bizning tipratikon» hikoyasida har bir qism rejalari bo'yicha bolalar hikoya qilganlaridan keyin mashg'ulotning oxirida tarbiyachi bunday reja beradi:

1. Bizning tipratikonimiz qanday edi?
2. Biz uni qanday parvarish qildik?
3. Biz uni kimga sovg'a qildik?

Savollar berish – bu keng tarqalgan usul. Lekin hikoya qilishda u ikkinchi darajali rol o'ynaydi. Savollar odatda javob berayotgan bolaga yoki butun guruhga hikoya tugagandan keyin uni aniqlash yoki to'ldirish uchun beriladi. Savollar metodik jihatdan to'g'ri bo'lishi lozim. Baland ovoz bilan hamma bolalarga qarata javob berish uchun bolani chaqirishdan oldin pauzaga rioya qilish kerak.

Aytib turish – hikoya qilish jarayonida bola yanglishib qolgan vaqtda savol berishdan ko'ra, so'zni yoki gapni aytib turishdan foydalanish yaxshiroqdir. Aytib turish yoki to'g'rilash yetarli darajada baland ovozda hayrixohlik ruhida bo'lishi lozim. To'g'rilangan so'z yoki jumlani bolaga takrorlash shart emas. Chunki bola hikoyaning davomini esdan chiqarib qo'yishi mumkin.

Bolalar hikoyasini baholash – o'rgatuvchi usuldir. Shuning uchun u

mashg'ulotning oxirida emas, balki mashg'ulot jarayonida qo'llaniladi. Baholash faqatgina hikoyasi baholanayotgan bolagagina ta'sir etib qolmay, qolgan bolalarga, ular tuzishi lozim bo'lgan hikoyalarga ham ta'sir etadi. Bolalar bahoni tinglab tarbiyachi maqtaganlarga taqlid qiladilar Har bir bolaning hikoyasi mufassal baho berish shart emas. Lekin ba'zi hikoyalarning qimmatli tomoni, ya'ni mustaqilligi, izchilligi ovoz kuchi, javob berganda turishi va hokazalar ajratib ko'rsatishi tavsiya etiladi.

Kichik guruh bolalarida boshlang'ich monolog tarzidagi nutqiy o'stirishda suratdan keng foydalanishadi. Bolalar suratlarni mashg'ulotlarda ko'radilar. Kundalik turmushda ham kitobdagi rasmlarni, suratlarni, taklifnomalarni ko'zdan kechiradilar. Yilning boshida birinchi kichik guruhda bolalar tarbiyachining savoliga xor bilan javob bera oladilar. Tarbiyachi o'z vaqtida bolalarga yordam berishi, ya'ni aytib turishi yoki birga javob berishi lozim. O'rta guruhda tarbiya dasturi asosida bolalarni hikoya qilishga o'rgatishning mazmuni bir muncha murakkablashadi. O'rta guruh bolalari faqatgina yaxshi tanish ertak va hikoyalarni kayta hikoya qilibgina qolmay, mashg'ulotda birinchi marta o'qib berilgan asarlarni ham qayta-qayta hikoya qilishga, predmetlar, o'yinchoq, o'simlik, kiyimlarning ko'prok xarakterli belgilarini tasvirlab berishga o'rganishlari lozim.

Agar bolalarga yaxshi tanish ertak va hikoyalarni qayta hikoya qilish malakasi kichkina guruhdan tarkib topa boshlasa, birinchi marta o'qib berilgan adabiy asarni qkayta hikoya qilish malakasi esa faqat o'rta guruhda tarkib topa boshlaydi.

Qayta hikoya qilish uchun asarlar tanlashda quyidagi talablarni hisobga olish tavsiya etiladi:

a) adabiy asar bolalarni ruhan tarbiyalash ishiga xizmat qilishi;

b) adabiy asarlar o'zining mazmuniga ko'ra bolalarga tushunarli va ularning tajribasiga yaqin bo'lishi;

d) adabiy asarlar badiiy bezatilgan bo'lishi lozim. Agar mazmunan aniq tuzilgan, tushunarli, ifodali tilda qisqa, aniq jumlalar bilan yozilgan bo'lishi kerak.

Tarbiyachi bu talablarga asoslanib qayta hikoya qilish uchun asarlarni to'g'ri tanlashi hamda bolalarning so'zlab berish malakalarini ham hisobga olishi kerak.

Asarni tanlab olgandan so'ng tarbiyachi uni ifodali o'qishga o'rganish unda bolalar uchun noaniq bo'lgan so'zlarni ajratishi va ularni yaxshiroq tushuntirish yo'llarini o'ylab ko'rishi lozim.

Mashg'ulotning tuzilishini belgilashda tarbiyachi unga quyidagi qismlar kirishi mumkinligini esda saqlashi kerak:

1. Kirish suhbati.

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

2. Matnni birinchi o’qib berish.
3. Asar yuzasidan suhbat o’tkazish.
4. Matnni ikkinchi marta o’qib berish.
5. Bolalarning qayta hikoya qilishlari.

Katta guruh bolalarini hikoya qilishga o’rgatishda qayta hikoya qilish muhim o’rin egallaydi. Bolalar bog’chasining tarbiyachilari bolalarni adabiy asarlarni qayta hikoya qilishga o’rgatishga alohida e’tibor berishlari lozim. Chunki maktabda o’qishning birinchi kunidan boshlab ular qayta hikoya qilishga duch keladilar Katta guruhda tarbiyachi bu malakalarni mustahkamlashi va taraqqiy etishi lozim. Yilning boshida qayta hikoya qilish bo’yicha o’tkaziladigan bir necha mashg’ulotning tuzilishi o’rta guruhdagidek bo’lishi kerak.

Maktabgacha tayyorlov guruhining dasturi ham katta guruhdagi hikoya turlari ko’rsatilgan. Lekin bu yoshdagi bolalarni hali jamoa tajribalaridan hikoya tuzishga tarbiyachi tomonidan taklif etilgan mazmun bo’yicha hikoyalar to’qishga o’rgatishi kerak bo’ladi. Birinchi mashg’ulotlarda tarbiyachi hikoyaning boshlanishida o’zi gapirib beradi. Gapni suratda tasvirlangandan oldin bo’lib o’tgan voqealardan boshlaydi. Masalan, qishki ko’ngilochar tadbirlar surati bo’yicha hikoyani boshlash namunasini beradi. U sayrgacha bolalar nima qilganliklari, nima bilan shug’ullanganliklari, kim ularga ko’chaga chiqishlarini taklif qilganliklari, bolalar qanday to’planganliklari, o’zlari bilan nimalar olib chiqqanliklari haqida hikoya qilib beradi.

Nutqni o’stirish mashg’ulotlari, ayniqsa hikoya qilish mashg’ulotlari har kuni o’tkaziladigan ikki mashg’ulotning birinchisi qilib o’tkaziladi. Hikoya qilish mashg’ulotlari muntazam o’tkaziladi. Haftada to’rt marta o’tkaziladigan ona tili mashg’ulotining bittasi hikoya qilishga bag’ishlangan bo’lishi zarur. Hamma dastur vazifalarini kiritish uchun oy davomida mashg’ulot turlarini xilma-xil qilish kerak. Masalan, katta guruhda bunday bo’ladi.

Birinchi oy. I hafta – predmetni tasvirlash, II hafta – qayta hikoya qilish, III hafta – suratli tasvirlash, IV hafta – o’z tajribalaridan hikoya qilish.

Ikkinchi oy. I hafta – tasvirlash bo’yicha didaktik o’yin, II hafta – qayta hikoya qilish, III hafta – mayda suratlarni tasvirlash, IV hafta – esga tushirib gapiradigan tasviriy hikoya.

Hikoya qilish bo’yicha dastur materiallarini, nutqni o’stirish bo’yicha mazmunan bir-biriga yaqin boshqa mashg’ulotlarga qo’shib amalga oshirish mumkin. Masalan, mashg’ulotning ikkinchi qismi bolalarga hayvonlar haqida topishmoq, hikoya tuzdirish.

Bir oyda har bir bola kamida bir martadan hikoya qilishga chaqirilgan bo'lishi lozim. Har bir mashg'ulotda 6-7 kishidan so'rash kerak.

Hikoya qilish mashg'ulotlarida tarbiyachi to'g'ri sur'atni saqlashi kerak. Bolalarni javob berishga shoshiltirmasligi, javobini o'ylashga vaqt berishi, har bir bolani aqliy ish jarayoniga tortishi lozim.

"Sher va Durroj" hikoyati

Bir o'rmonda zo'r Sher va Durroj yashar ekan. Sherning kichkinagina bolasi bo'lib, u hali yurishni bilmas ekan. Onasi uni juda yaxshi ko'rar va qumursqa halok qilmasin deb, doimo tishida tishlab yurar ekan. Kunlardan bir kuni Sher bolasini tishlab olib yurganida Durroj pirr etib, sherning boshi ustidan uchib o'tibdi. Sher cho'chib ketibdi va bolasini qattiq tishlab olibdi. Bolasining joni og'rib, yig'lab yuboribdi. Sher bu ishdan juda xafa bo'libdi. U bolasining yara bo'lgan joyini tili bilan yalab-yalab qo'yibdi. Bolasi tinchlanibdi.

Durroj Sherni doim shunday cho'chitib yurishni odat qilibdi. Nihoyat, Sher Durroj bilan do'stlashmoqchi bo'libdi va unga: "Kel, o'rmonda birga do'st bo'lib,tinchgina yashaylik. Sen ashulalar aytib meni xursand qil. Biror kimsa seni xafa qilsa, men hamma vaqt senga yordam beray", - debdi Durroj ham.

Kunlardan bir kuni Durroj:- "Men tuzoqqa tushdim, yordam ber!"-deb qichqiribdi. Sher yordam berish uchun yuguribdi. Qarasa Durroj uni aldabdi. U hech qanaqa tuzoqqa tushmagan ekan. Sher do'stidan xafa bo'libdi. Unga qarab: "Yolg'on so'zlamagin,yolg'onchi el oldida uyalib qoladi",-debdi. Ammo Durroj Sherning gapiga quloq solmabdi, yolg'onchiligini aldashini qo'ymabdi. Kunlardan bir kuni Durroj rostdan ovchi qo'ygan tuzoqqa tushib qolibdi. "Dod! Meni tutib oldilar! Yordam ber!"-deb jon-jahdi bilan chaqiribdi. Sher uni eshitibdi. Yordamga bormoqchi bo'libdi-yu, keyin o'ylab qolibdi: "Har doimgidek bu gal ham meni aldayotgandir. Bormayman" - debdi. Shunday qilib, Durroj o'z yolg'onchiligi tufayli do'stidan ayrilibdi va ovchi tuzog'iga tushibdi.

Masal bo'yicha savollar:

1.Kimlar do'st tutinishibdi?

2.Durroj Sherni nima deb aldabdi?

3.Durrojga kim qasd qasd qilibdi?

4.Sher nima uchun Durrojga yordamga kelmabdi?

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, bolalar hikoyasini baholash – o'rgatuvchi usuldir. Shuning uchun u mashg'ulotning oxirida emas, balki mashg'ulot jarayonida

Afshonaga tez-tez borib turgan. Abdulloh Afshonalik Sitora ismli qizga uylanib ikki o'g'il farzand ko'radi. O'g'illarining kattasi Husayn (ibn Sino), kenjasi Mahmud edi. Husayn 5 yoshga kirgach, Ibn Sinolar oilasi paytaxt - Buxoroga ko'chib keladi. Ibn Sino shu yerda o'qiy boshlaydi. 10 yoshga yetganda Qur'oni karimni yod olib, adab darslarini ham to'la o'zlashtirib oladi. Ayni vaqtda u hisob va al-jabr bilan ham shug'ullanadi, so'ngra arab adabiyotiga oid kitoblarni ham o'qib chiqadi. Uning bilimga bo'lgan zo'r qobiliyati hammani hayratga soladi. Ibn Sinoning ilm sohasidagi dastlabki ustozi Abu Abdulloh Notiliy bo'lgan. U Notiliy qo'lida mantiq, handasa va falakiyotni o'rganadi va ba'zi falsafiy masalalarda ustozidan ham o'zib ketadi. Ustozi uning ilmiga yuqori baho berib, yanada chuqurroq ilm olishni tayinlaydi. Abu Ali tinmay mutolaa qilib, turli ilm sohalarini o'zlashtirishga kirishadi. U musiqa, optika, kimyo, fiqh kabi fanlarni o'qiydi, xususan, tabobatni sevib o'rganadi va bu ilmda tez kamol topa boshlaydi. Tabobat ilmini olgan ustozi, bu ilmni qay darajada o'zlashtirganligi. Ibn Sinoning tib ilmida yuksak mahoratga erishishida Buxorolik tabib Abu Mansur al- Hasan ibn Nuh al-Qumriyning xizmati katta bo'lgan. Ibn Sino undan tabobat darsini olib va bu ilmning ko'p sirlarini o'rganadi. Abu Ali Ibn Sino aytishicha, tabobat ilmi uning uchun unchalik qiyin ko'rinmagan. U bu ilmni oson va tez o'zlashtirib olgan. Bu sohada Ibn Sino shu qadar yuksak obro' qozonadiki, hatto ko'zga ko'ringan tabiblar ham kasallikni aniqlashda qiynalganlarida, Ibn Sinodan maslahat so'raydigan bo'lganlar. Bu haqida allomaning o'zi shunday hikoya qiladi: "Keyinchalik tib ilmi bilan shug'ullangim kelib qoldi. Unga oid kitoblami o'qishga kirishdim. Tib o'zi qiyin ilmlardan emas, shu sababli qisqa muddat ichida bu sohada shunday natijalarga erisha oldimki, hatto fozil tabiblar ham huzurimga kelib, mendan tib ilmini o'rganadigan bo'ldilar" Ibn Sinoning tabiblik faoliyati. Abu Ali Ibn Sino faqat tibbiy kitoblar o'qish bilangina cheklanib qolmay, bemorlarni ham davolar, ularning kasalliklarini sinchiklab ko'zdan kechirar edi. Buning natijasida uning bilim va tajribasi yanada oshib ketdi. U kasallarni davolashda hammani lol qoldirar edi. Unga murojaat qiladigan kasallarning son-sanog'i bo'lmay qoldi. Bu haqida Ibn Sinoning o'zi bunday yozadi: "Bemorlarni ham ko'rib turardim. Erishgan tajribalarim tufayli men uchun davolash yo'llari shunday keng ochiladiki, buni ta'riflab berish qiyin. Bu vaqtda men endi o'n olti yoshga to'lgan edim".

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Demak, Abu Ali Ibn Sino o'n olti yoshidayoq mashhur tabib bo'lib tanilgan. Bu albatta o'z-o'zidan bo'lmagan, balki sobit-matonat bilan o'qish, kechalari uyquni tark etish va zo'r tirishqoqlik natijasidir. Ilm o'rganishga bo'lgan shijoati. Haqiqatan ham

Ibn Sino juda tirishqoq, o'z oldiga qo'ygan maqsadga erishmaguncha tinchimaydigan odam edi. Bu haqida Ibn Sino shunday yozadi: "O'sha kezlari biron kecha to'yib uxlamasdim, kunduzlari ham ilmdan boshqa narsa bilan shug'ullanmasdim. Har bir masalani o'rganayotganimda bir qancha qiyosiy faktlarni solishtirib, shu faktlar nuqtai nazaridan o'sha dastlabki masala haqida xulosa chiqarar edim. Nihoyat, bu masalaning asl mohiyati menga ayon bo'lib qolardi. Ana shu zaylda hamma bilimlarni mustahkam egallab oldim. Bir insonning imkoniyati darajasida ularni o'zlashtirdim".Abu Ali ibn Sinoning tirishqoqligi va sabr matonatliligini yana quyidagi misol yaqqol ko'rsatadi. U bunday yozadi: "Mantiq, tabiat va riyoziyot bilimlarini puxta o'rganib oldim. Keyin ilohiyotni o'rganishga o'tib, "Mo-ba'da at-tabia" kitobini o'qidim. Bu kitobni o'qidimu, lekin unda nimalar deyilganini tushuna olmadim, kitob yozgan kishining maqsadi menga qorong'i edi. Hatto uni qirq bir bor qayta o'qidim, kitob menga yod bo'lib ketdi. Lekin shunda ham men kitob va uning maqsadini to'la tushuna olmadim. Nihoyat umidimni uzub, "Bu tushunib bo'lmaydigan bir kitob ekan", degan xulosaga keldim. Ammo kunlardan bir kuni asr vaqtida kitobfurushlarning oldiga borib qoldim. Bir kitobfurush muqovalangan kitobni qo'lida tutganicha uni maqtardi. U meni ham chaqirib, kitobni ko'rsatdi... Lekin men kitobni sotib olishni rad qildim. Kitobfurush menga: "Bu kitobni ol, narxi arzon, uch dirhamga sotaman, egasi pulga muhtoj",- dedi. Kitobni noiloj sotib oldim. Qarasam, bu Abu Nasr Farobiyning o'sha "Mo-ba'da at-tabia" kitobi haqida yozgan sharhi ekan. Uyga qaytib, darrov uni o'qishga kirishdim. "Mo ba'da at-tabia" dilimda yod bo'lib qolgani sababli tezda bu kitobning maqsadini tushunib oldim. Bundan o'zimda yo'q juda xursand bo'lib ketdim" Ilmiy ijodini boshlanishi. Shunday qilib Ibn Sino zaruriy bilimlarning barchasini Buxoroda oladi. Ibn Sino juda erta o'zi ham asarlar yozishga kirishdi. Allomaning ilmiy ijodi 18 yoshdan boshlanadi. Avvalo u bu ishni o'ziga yaqin bo'lgan kishilarning iltimosi bilan bajaradi. Yosh bo'lishiga qaramay Nuh ibn Mansurga atab nafsoniy quvvatlar haqida risola, "Urjuza" tibbiy she'riy asari va o'z qo'shnisi va do'sti Abulhusayn al-Aruziyning iltimosiga binoan, ko'p fanlarni o'z ichiga olgan "Al-Hikmati-l-aruziy" ("Aruziy hikmati") asarini tasnif etadi. Ibn Sino Buxorada 20 jildli qomusiy asari "Al-Hosil va-l-mahsum" ("Yakun va natija"), 2-jildli "Kitobul-bir va-l-ism" ("Sahovat va jinoyat kitobi") asarlarini va o'zining tabobatga oid birinchi asari "Tabobat lug'ati"ni yozgan. Allomaning "Tabobat lug'ati" asaridan ko'p tabiblar nusxa olib, keng foydalanganlar. Ibn Sinoning tabobatda qilgan ishlari uning nomini bir necha asrlarga shu fan sohasi bilan chambarchas bog'ladi. Allomaning tabobat taraqqiyotidagi buyuk xizmati shundaki, u o'zigacha o'tgan turli xalq namoyondalari tomonidan asrlar davomida, tib ilmi

sohasida to'plangan ma'lumotlarni saralab, muayyan bir tartibga soldi va ularni o'z tajribalari bilan boyitgan holda ma'lum nazariya va qonun-qoida asosida umumlashtirdi. Uning "Tib qonunlari" va bu asarning jahon tib ilmi tarixida tutgan o'rni juda yuqoridir. Ibn Sino antik olimlarning, xususan Gippokrat, Galen, Dioskoridlarning ta'limotlarini o'rgangan va ularning qalamlariga tayangan. U tib nazariyasini, xususan anatomiya - inson gavdasi tuzilishini mukammal bilgan. Ibn Sino o'tkir diagnost edi. Uning ba'zi tashxis usullari hozir ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. A'zoga urush orqali diagnoz qo'yishgan. Tabobat tarixida birinchi bo'lib vabo bilan o'latni farqlagan, yuqumli kasalliklar bilan og'rigan bemorlarni boshqalardan ajratgan holda saqlashni ta'kidlagan. Bemorlarni davolashda olim 3 narsaga: tartib (parhyez), dorilar bilan davolash va turli tibbiy tadbirlarni qo'llash (qon olish, banka qo'yish, zuluk solish, huqna va boshqalar)ga ahamiyat berish kerakligini aytadi. Ibn Sino kasallikni davolashda shaxsiy gigiyena, uyqu va jismoniy mashqlarning ahamiyati kattaligini uqtirgan. Ibn Sino dorishunoslik sohasida ham chuqur tadqiqotlar olib borgan. U antik olimlarning formasiyasi asosida musulmon sharqida paydo bo'lgan yangi formasiyaning shakllanishiga yakun yasadi. Uning dorivor o'simliklarni yig'ish, saqlash, qayta ishlash usullari hozirda ham qo'llaniladi. Ibn Sino birinchilardan bo'lib kimyoviy usulda tayyorlangan dorilarni ham ishlatgan. Kasallikning turiga qarab avval sodda, so'ng murakkab tarkibli dori bilan davolagan. Eng muhimi, oziq- ovqatlarning shifobaxsh ta'siriga katta ahamiyat berib, davolashni shunday mahsulotlar (meva, sabzavot, sut, go'sht va boshqalar)dan boshlagan. Dori tayinlashda bemorning mijozi, yoshi, iqlim sharoitini hisobga olish zarurligini ta'kidlagan. Buxorodagi hayoti. Abu Ali Ibn Sino 17 yoshida Buxoro xalqi orasida juda tajribali va mohir tabib sifatida taniladi. Bu xabar podsho saroyiga ham yetib keladi. Shu vaqtda Buxoro hokimi Nuh ibn Mansur betob edi. Uni davolash uchun Ibn Sinoni ham saroyga chaqiradilar. Ibi Sino amirni davolashda ishtirok etib, o'zining o'tkir bilimi bilan kasallikni aniqlashga yordam beradi. Bu bilan u amirning ishonchiga sazovor bo'ladi va saroyga yaqin kishilar qatoriga kiradi. Buning natijasida Ibn Sinoning obro'si ham oshib ketadi. Saroyda nodir kitoblarga boy katta kutubxona borligini Ibn Sino bilardi. Ibn Sino amirni davolaydi, evaziga saroy kutubxonasidan foydalanishga izn so'raydi va bu imkoniyatga ega bo'ladi. Somoniylar kutubxonasi o'sha davrda butun O'rta va yaqin Sharqdagi eng katta va boy kutubxonalardan bo'lgan. Ibn Sino bir necha yil davomida shu kutubxonada kecha-yu kunduz kitoblarni mutolaa qilish bilan mashg'ul bo'lib, kutubxonadagi tibga oid kitoblarni qunt bilan o'qib chiqadi. Boshqa fanlar sohasidagi kitoblar bilan ham tanishadi. Shunday qilib Ibn Sino o'z davrining eng o'qimishli, bilim doirasi

keng kishilaridan biriga aylanadi. Buxoro kutubxonasi haqida Ibn Sino shunday yozadi: “Men ko’p xonalardan iborat kutubxonaga kirdim. Har bir xonada kitoblar solingan sandiqlar turardi, ulardagi kitoblar esa, ustma-ust taxlab qo’yilgan edi... Har bir xonada fanning ma’lum sohasiga oid kitoblar saqlanar edi. U yerda shunday kitoblarni ko’rdimki, ko’pchilik hatto ularning nomlarini ham eshitmagan bo’lsa kerak. O’zim ham bundan oldin ularni ko’rmagan edim, keyin ham uchratmadim”. Ibn Sino kutubxonadan chiqmasdi. Amirning kasalligi xuruj qilib, U Ibn Sinoni chaqirtirgandagina, kitob o’qishdan bir oz vaqtga bosh ko’tarardi. Shunday qilib, bu yerdagi nodir kitoblarni qunt bilan o’qish natijasida Ibn Sinoning bilimi yanada kengaydi va chuqurlashdi. Ibn Sinoning o’zi yozishicha, 18 yoshga yetganda u tabobat ilmi bilan bir qatorda o’z zamonasida ma’lum bo’lgan barcha boshqa fanlarni ham mukammal o’zlashtirib olgan edi. Buxoro hokimi sararoydagi faoliti. 997 yilda Buxoro hokimi Nuh ibn Mansur vafot etadi. Taxtga uning o’g’li Ibn Nuh Mansur II o’tiradi. Ibn Nuh Mansur II Ibn Sino bilan do’st edi. Manbalarda keltirilishicha Ibn Sinoni saroydagi vazifalardan biriga tayinlagan. Shunday qilib, Ibn Sino saroy tabibi vazifasidan tashqari, u yerda davlat xizmatchisi vazifasini ham bajargan. Lekin, ko’p o’tmay Ibn Nuh Mansur o’ldirilib, uning o’rnini ukasi Abdulmalik Ibn Nuh egallaydi. U olim bilan unchalik yaqin munosabatda bo’lmaydi. Shuning uchun Ibn Sino saroy xizmatidan ketib, o’z ilmiy-ijodiy ishlari bilan mashg’ul bo’ladi. Abu Ali Ibn Sinoning Buxorodagi tinch, ijodiy hayoti uzoq davom etmaydi. Qoraxoniylar 999 yil Buxoroni zabt etib, somoniylar davlatini ag’darganidan keyin Ibn Sino hayotida tashvishli, notinch va og’ir damlar boshlandi. Alloma 21 yoshga yetganda 1002 yil uning otasi vafot etadi. Buning natijasida Ibn Sino moddiy jihatdan og’ir ahvolga tushub qoladi. Chunki unga moddiy va ma’naviy jihatdan yordam beradigan boshqa yaqin kishisi yo’q edi. Buning ustiga mamlakatda katta siyosiy o’zgarishlar yuz berib, Ibn Sinoning tinch ijodiy hayoti uchun sharoit yo’qoladi. Xorazmdagi Ma’mun akademiyasidagi faoliti. Buxoroda vaziyat keskinlashib, taxt uchun kurash (1005 yilgacha) davom etadi. Ibn Sino 1002 yilda o’z yurtini tark etib, Xorazm davlatining paytaxti Urganch shahriga keladi. Bu davrda Xorazm qoraxoniylar hujumidan birmuncha tinch bo’lib, iqtisodiy va madaniy jihatdan ancha rivojlangan o’lka edi. Xorazm shohlari Ali ibn Ma’mun (997- 1007) va Ma’mun ibn Ma’mun (1007-1017) ilm-fanga e’tiborli hukmdorlar bo’lib, olimlarga ilmiy ijod uchun qulay sharoit yaratib bergan edilar. Shu bois Xorazmning poytaxti Gurganj (Urganch)da zamonasining ko’pgina taniqli olimlari to’plandi. Yirik matematik va Astronom Abu Nasr ibn Iroq (1034 yil vafot etgan), atoqli tabib va faylasuflar Abu Salh Masihiy (1010 yil vafot etgan), Abulxayr Xammor (942-1030) va buyuk olim Abu Rayhon

Beruniy shular jumlasidandir. Xorazmda Ibn Sinoni yaxshi kutib olishadi. U saroyda xizmat qiluvchi olimlar qatoriga kiritiladi va “Akademiya”ga qabul qilinadi. Ibn Sinoga boshqa olimlar qatori katta maosh tayinlanadi. Abu Ali Ibn Sino o’z tarjimai holida Xorazmda juda yaxshi qabul qilinganligini eslab, bunday deb yozgan edi: “Zarurat yuzasidan Buxoroni tark etib, Gurganj tomonga ko’chishimga to’g’ri keldi. U yerda ilmni sevuvchi Abul-Husayn as-Saxliy vazir edi. U yerning amiri huzuriga bordim. Uning ismi Ali ibn Ma’mun edi. Men u paytda sufiylar ridosini kiyib olgan edim. Menga yetarli miqdorda oylik tayin qilishdi”. Abu Ali Ibn Sino Xorazmga kelganida u yerda Abu Rayhon Beruniy yo’q edi. Bu vaqtda Beruniy bir sabab bilan Xorazmdan ketib qolgan va Eronning Ray shahrida yashayotgan edi. Ali ibn Ma’munning o’zi chuqur ilmli, odil shoh edi. U ilm ahllarini juda qadrlardi. Shuning uchun u Beruniyga katta hurmat bildirib, unga xat yozadi va Beruniyni o’z saroyiga taklif etadi. Shu xatga asosan Beruniy 1005 yilda yana Xorazmga qaytadi va podshoh saroyiga xizmatga kiradi. Ali ibn Ma’mun o’z saroyidagi olimlarga boshliq qilib Beruniyni tayinlaydi. Shu sabab bilan Beruniy “Akademiya”ga rahbar bo’lib qoladi. Shunday qilib, Ibn Sino bilan Beruniy bir-birlari bilan 1005 yilda Gurganjda uchrashadilar. Ular bundan ilgari bir-birlari bilan faqat xat orqali tanishgan edilar. Ali ibn Ma’mun saroyida ibn Sinodan tashqari tabiblardan yana Abul Xayr Hammar va Abu Sahl Masixiylar ham yashardilar. Ibn Sino ko’pincha Abu Sahl Masixiy bilan ishlar edi. Ba’zi ma’lumotlarga ko’ra, ular birgalikda bir necha murakkab jarrohlik amaliyotlarini amalga oshirganlar. Ibn Sino Xorazmda asosan matematika va astronomiya bilan shug’ullangan. Bu sohada Ibn Iroq va Beruniy bilan bo’lgan ilmiy muloqotlar katta ahamiyat kasb etadi. Ibn Sino Abu Sahl Masihiyning tibbiy tajribasi va bilimlaridan ham katta saboq oladi. Abu Ali Ibn Sino Xorazmda 9-10 yilcha yashadi. So’ng qo’shni davlat hukmdori Sulton Mahmud Xorazmni bosib olish xavfi bo’lganligidan unga xizmat qilishni istamay bu yerdan ham ketishga majbur bo’ldi. Ibn Sino 1010-1011 yillarda Masihiy bilan birgalikda yashirincha Xorazmni tark etadi. Shu vaqtdan olimning sargardonlik yillari boshlanib, umrining oxirigacha vatandan uzoqda hayot kechirishga majbur bo’ladi. Masihiy bilan Ibn Sino Jurjonga - Masihiyning vataniga yo’l oladilar. Lekin yo’ldagi qiyinchiliklar va suvsizlik tufayli Masihiy betob bo’lib, vafot etadi. Natijada Ibn Sino azob-uqubatlar chekib, avval, Niso, so’ng Obiverd, Tus, Shiqqon va Xurosonning boshqa shaharlarida qisqa muddat turganidan keyin, nihoyat Kaspiy dengizining janubiy-sharqida joylashgan Jurjon amirligiga yetib keladi. Ibn Sino Jurjonda (1012-1014) yillar yashaydi. Bu yerda U o’zining bo’lg’usi shogirdi Abu Ubayd Juzjoniy bilan tanishadi. Ibn Sino umrining oxirigacha Juzjoniy bilan sodiq do’st bo’lib qoladi. Abu Ubayd Juzjoniy

Ibn Sino bilan uning so'ngi damigacha, 25 yil davomida birga bo'ladi. Ibn Sinonning tarjimai holining yozilib qolishi, ko'pgina asarlarining yozilishi va tartibga tushishida hamda asarlarining keyingi avlodga yetib kelishida Juzjoniyning xizmati katta. Jurjonda yashagan vaqtida Ibn Sino ilmiy ijod bilan shug'ullanadi, ham tabib sifatida faoliyat ko'rsatadi. Bu yerda u shogirdining iltimosiga ko'ra, mantiq, falsafa va boshqa fanlarga oid bir necha risola yozadi va eng muhimi "Tib qonunlari"ning dastlabki qismlarini tasnif qiladi. Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra, Ibn Sino Jurjonda quyidagi asarlarni yozgan: "O'rtacha qisqa mantiq", "Tib qonunlari"ning ayrim boblarini, "Almajastiyning qisqartirmasi" va bir qancha kichik risolalar. Alloma hammasi bo'lib Jurjonda 21 yirik va 2 kichik kitob yozib tugatgan. Jurjonni tark etib, Rayga ko'chishi. 1014 yil Ibn Sino Jurjonni tark qilib Rayga ko'chdi. Ibn Sino Rayga kelgan vaqtda bu yerda buvayhiylardan bo'lmish Majduddavla Abu Tolib Rustam (997-1029) va uning onasi Sayyida Xotun hukumronlik qilar edilar. Ibn Sinoning qo'lida Sayyida nomiga yozilgan noma (maktub) bor edi. Nomani Abu Rayhon Beruniy yozib bergan bo'lishi kerak. Ma'lumki, Beruniy bir vaqt Rayda yashagan edi. Binobarin, Ray hukumdori Sayyida bilan Beruniyning munosabatlari yaxshi bo'lgan bo'lishi kerak. Shuning uchun Beruniy bu ayolga xat yozishga jur'at etgan. Xatda Ibn Sinoga yetarli darajada sharoit yaratib berish iltimos qilingan edi. Sayyida Ibn Sinoni hurmat bilan kutib oldi va uning uchun zarur sharoit yaratib berdi. Sayyidaning o'g'li Majduddavla qandaydir ruhiy kasallikka duchor bo'lgan edi. Ibn Sino uni muvoffaqiyatli davolaydi. Bundan ko'p xursand bo'lgan Sayyida Ibn Sinoga nisbatan yana ham hurmat bilan qaray boshlaydi. Ibn Sino Rayda ham o'z ijodiy ishlarini davom ettirib, bir necha asar yozadi. Ammo Sulton Mahmud Ibn Sinoni ta'qib etishni to'xtatmaydi. Ibn Sinoning Raydaligini bilib, Sayyidadan uni G'aznaga yuborishini talab qiladi. Aks holda Rayga qarshi urush ochishini bildiradi. Ammo zo'r aqlidrokli va tadbirkor Sayyida urushning oldini oladi. Rivoyatlarga ko'ra, Sayyida Sulton Mahmudga quyidagi mazmunda xat yozgan: "Agar urush natijasida siz meni yengsangiz, odamlar Sulton Mahmud faqat bir ojiza ayolnigina yengdi, deydilar xolos. Agar men yengsam, siz uchun juda katta nomus bo'ladi". Tarixchilar bu xatning matnini Ibn Sino yozgan, deydilar. Shunday qilib Sulton Mahmud Rayga harbiy yurishni to'xtatadi. Lekin Ibn Sino Raydan chiqib ketishga majbur bo'ladi. Ibn Sino Rayni tark etib, nisbatan kuchliroq bo'lgan Hamadonga Majduddavlaning akasi Shamsuddavla (997- 1021) huzuriga keladi. U yerda Shamsuddavlani sanchiq kasalidan davolaganidan keyin olimni saroyga taklif qiladilar. U avval saroy tabibi bo'lib ishlaydi, so'ng vazirlik mansabiga ko'tariladi. Davlat ishlari bilan band bo'lishiga qaramay ilmiy ishlarni ham davom ettiradi va qator asarlar yozadi. "Tib

qonunlari”ning 1-kitobini tugatgan. Bundan tashqari, mashhur falsafiy qomusiy asari “Kitob ash-shifo”ni ham shu yerda yozishga kirishadi. Hamodonda Ibn Sino o’z shogirdi Juzjoniy bilan birgalikda bir bemorni operasiya qilib, uning qovug’idan toshni olib tashlaydi. Shamsuddavla vafot etgandan so’ng taxtga o’tirgan uning o’g’li Samouddavla Ibn Sinoga unchalik hurmat bilan qaramaydi. Shu sababli u saroydan ketadi. Juzjoniyning yozishicha, Abu G’olib al-Attor ismli kishining uyiga ko’chib borib, o’sha joyda yashay boshlaydi. Bu yerda Ibn Sino o’z ilmiy ijodiy ishlariga yana berilib ketadi. Xususan “Kitob ash-shifo” asarining “Tabiat” va “Ilohyot” haqidagi boblarini yozib tugatib, “Mantiq” qismini yozishga kirishadi. Alloma “Tib qonunlari” asarining qolgan qismini ham Hamadonda yozib bitiradi. Ammo, Ibn Sino uchun Hamodonda xavfli vaziyat vujudga keladi. U vazirligida amalga oshirgan tadbirlaridan norozi bo’lgan saroy amaldorlari Ibn Sinodan o’ch olish uchun unga nisbatan dushmanlik qila boshladilar. Bunday sharoitdan qutulish maqsadida Ibn Sino qo’shni Isfaxon viloyati amiri Alouddavlaga xat yozib, undan o’zini saroyga qabul qilishini so’raydi. Biroq xat qandaydir yo’l bilan Samouddavlaning vazirlaridan biri Toji-l-mulk qo’liga tushadi. U xatni Samouddavlaga yetkazadi. Ibn Sinoni tutib olib, Fardajon qal’asiga qamab qo’yadilar. Ibn Sino qamoqda to’rt oy chamasi yotadi. Ammo u tushkunlikka tushmaydi. U qamoqda ham o’z ijodiy faoliyatini davom ettiradi. Abu Ubay Juzjoniyning yozishicha, Ibn Sino bu yerda tibga oid o’zining mashhur “Ichki sanchiqlar” nomli asarini yozgan. Bundan tashqari, u shu yerda ikkita falsafiy asar “Tirik o’g’li uyg’oq” va “To’g’ri yo’l haqida” kitoblarni yozdi. Shu vaqtda Isfahon amiri Alouddavla Hamodonni bosib olib, bir qancha vaqt uni ishg’ol qilib turadi. Buning natijasida Ibn Sino qamoqdan qutiladi.Ibn Sino qamoqdan chiqqan bo’lsada bari bir uning Hamodonda yashashi xavfli edi. Shu sababli u yashirincha Isfahonga jo’naydi. Isfahon amiri Alouddavla Ibn Sinoni yaxshi qabul qiladi. Alloma uchun bu yerda juda yaxshi sharoit yaratib beradi. Ibn Sino umrining qolgan 14 yilini Isfahonda o’tkazadi. Bu yerda ham u tinimsiz ilmiy ish bilan mashg’ul bo’lib, bir qancha asarlar yaratadi. Ular orasida tib, falsafa, aniq fanlar, tilshunoslik kabi fanlarga oid kitoblar bor. “Kitob ash-shifo”ning qismlari, fors tilidagi “Donishnoma” va 20 jildli “Insof-adolat kitobi” shular jumlasidandir. Ibn Sino Isfahondaligida shaharga G’azna hukumdori Sulton Ma’sud (Sulton Mahmudning o’g’li)ning askarlari bostirib kirib, aholini talon-taroj qiladilar. Bu to’polonda Ibn Sinoning ko’p asarlari va qo’lyozmalari yo’q bo’lib ketadi. Ibn Sino yo’qolgan asarlarini yana yoddan tiklaydi. Juzjoniyning yozishicha, Ibn Sino garchi, jismonan juda baquvvat bo’lsada, biroq shaharma-shahar darbadarlikda yurish, kecha-kunduz tinim bilmay ishlash va bir necha bor ta’qib qilinib, hatto hibsda

yotishlar olimning salomatligiga jiddiy ta'sir etdi. U qulanj (kolit) kasalligiga chalinadi. Alouddavlaning Hamadonga yurishi vaqtida Ibn Sino qattiq betobligiga qaramay, u bilan birga safarga chiqadi. Yo'lda dardi qo'zg'ab olimning tamomila madori quriydi va oqibatda u shu darddan 1037 yilda Hamadonda 57 (hijriy 58) yoshida vafot etadi. Alloma Hamadonda dafn etiladi. Uning qabri ustiga 1952 yil maqbara qurilgan (me'mori X. Sayxun). Maqbara Ibn Sinoga bag'ishlangan muzey xonalarini ham o'z ichiga olgan. Buyuk vatandoshimiz Abu Ali Ibn Sino o'zining qisqa umri davomida jahon fani va madaniyatida o'chmas iz qoldirdi. Allomaning ilmiy merosi. Jahon fani tarixida Ibn Sino qomusiy olim sifatida tan olingan, chunki u o'z davridagi mavjud fanlarning qariyb barchasi bilan shug'ullangan va ularga oid asarlar yozgan. Alloma asarlarini o'sha davrda Yaqin va O'rta Sharqning ilmiy tili bo'lgan arab tilida, ba'zilari fors tilida yozgan. Turli manbalarda uning 450 dan ortiq asar yozganligi qayd etilgan bo'lsa ham, zamonlar o'tishi bilan ularning ko'pi yo'qalib ketganva bizgacha ularning 242 tasi yetib kelgan, shulardan 80 tasi falsafa, ilahiyot va tasavvufga tegishli 43 tasi tabobatga oid, 19 tasi mantiqqa, 26 tasi ruhshunoslikka, 23 tasi tibiyat ilmiga, 7 tasi falakiyotga, 1 tasi riyoziyotga, 1 tasi musiqaga, 2 tasi kimyoga, 9 tasi odob ilmiga, 4 tasi adabiyotga va 8 tasi boshqa olimlar bilan bo'lgan ilmy yozishmalarga bag'ishlangan. Allomaning asarlari keyingi avlodlarga boy meros bo'lib qoldi. Ibn Sinoning ilmiy merosini shartli ravishda 4 qismga, ya'ni falsafiy, tabiiy, adabiy va tibbiy sohalarga bo'lish mumkin. U falsafa va tibbiyotga ko'proq qiziqqan. Ma'lumki, Ibn Sino ham boshqa mutafakkirlar kabi o'zining ta'lim- tarbiyaga oid qarashlarini ijtimoiy-falsafiy qarashlari bilan bog'liq holda ifodalagan, maxsus risolalarda talqin etgan. Shuningdek, fanlarni tasnif etadi. Bunda u birinchi o'ringa tibbiyot fanlarini qo'yadi. Falsafani esa ikki guruhga, ya'ni nazariy va amaliy guruhlarga bo'ladi. Nazariy guruh kishilarni o'zidan tashqaridagi borliq holati haqidagi bilimlarni egallashga yo'llasa, amaliy qism bizga bu dunyoda nimalar qilishimiz kerakligini o'rgatadi deydi. U birinchi guruhga etika, iqtisod, siyosatni kiritadi. Ikkinchi guruhga fizika, matematika, metafizika, dunyo qonuniyatlarini o'rganuvchi barcha fanlarni kiritadi. Ibn Sino «Avisenna» sifatida G'arbda mashhur bo'lgan uning tibbiy merosi, xususan, "Tib qonunlari" bo'lsa, "Shayx ar-rais" ("Donishmandlar sardori, allomalar boshlig'i") nomli asari buyuk faylasufligiga ishoradir. Tibbiyotga oid asarlari. Ibn Sinoning tibbiyot- ning umumiy nazariy va amaliy masalalariga bag'ishlangan eng yirik asari "Tib qonunlari" bo'lib u asar 5 katta kitobdan iborat bo'lib (1956-62 yillarda Toshkentda rus va o'zbek tillarda to'la nashr etilgan). Ularning har biri ma'lum sohani izchil va har tomonlama yoritib beradi. 1- kitobda tibbiyotning nazariy asoslari, uning predmeti va vazifalari,

kasallikning kelib chiqish sabablari, belgilari va Sog'likni saqlash yo'llari, kishi anatomiyasi haqida mazmundor aniq ocherk va sog'likni qanday saqlash kerakligi haqidagi ta'limot bayon etiladi. Turli yuqumli kasalliklarning kelib chiqishi hamda tarqalishida ifloslangan suv va havoning roli katta ekanini uqtirib, suvni qaynatib yoki filtrlab iste'mol qilishni tavsiya etadi. 2- kitobida 800 ga yaqin dorining xususiyatlari, ularni tayyorlash va iste'mol qilish usullari bayon etilgan. Ibn Sino simob va uning birikmalarini dori qilib ishlatishni birinchi bo'lib tavsiya etadi, sharobni quvvat kirituvchi va jarohatlarni tozalovchi dori sifatida ishlatadi. 3- kitobida ayrim organlarning (hatto soch, tirnoqlarning) kasalliklari va ularni davolash usullari bayon etiladi. Bu kitobda bosh miya, asab, ko'z, quloq, burun, tomoq, qorin, tish, yurak, me'da, jigar, buyrak kasalliklari batafsil tahlil qilinadi. 4- kitobi organizmning umumiy kasalliklariga bag'ishlangan, unda isitmalar, o'smalar, ularning sababi, xirurgik kasalliklar va ularni davolash usullari, har xil dorilardan zaharlanish va bunda ko'riladigan choralar to'g'risida ma'lumot beriladi. 5- kitobida murakkab dorilarning organizmga ta'siri, ularni tayyorlash va iste'mol qilish usullari bayon qilingan. Bu kitob dorishunsolik ilmiga - farmakologiyaga bag'ishlangan. Ibn Sinoning tibbiyotga oid muhim asarlaridan ikkinchisi nazm (she'r usul) bilan yozilgan "Tibbiy urjuza" kitobidir. Bu kitob 1326 bayt (2652 misra)dan iborat katta she'riy asardir. Kitob tib ilmini o'rganuvi talabalarga darslik sifatida yozilgan. Bu asar asosan tibbiyotning nazariy masalalariga bag'ishlangan. Lekin, unda amaliy tibbiyot haqida ham yetarli ma'lumot berilgan. "Tibbiy urjuza" o'z mazmuni va ahamiyati jihatidan "Qonuni"dan uncha qolishmaydi. "Qonuni"da bayon etilgan mavzu va masalalar "Urjuza"da qisqa va ixcham qilib keltirilgan. "Tibbiy urjuza" ikki bo'limdan iborat. Birinchi bo'limda tibbiyotning umumiy nazariy masalalari yoritilgan. Unda xususan, tibbiyotning tafsiri, uning qismlari, unsurlar, a'zolar, mijozlar, xiltlar, ruh (jon), quvvatlar haqida ma'lumotlar beriladi. So'ng inson organizmiga havo, ovqatlar, ichimliklar, uyqu va uyqusizlik, harakat va harakatsizlik, nafsoniy kayfiyatlarning ta'siri ko'rsatilgan. Shundan keyin ayrim a'zolar kasalliklari, ularning belgilari, tomir urishini tekshirish va shunga asosan kasallikni aniqlash usullari bayon etilgan. Bulardan tashqari siydik, axlat, balg'am terni tekshirib, kasallikka dalil topish usullari keltirilgan. Qon, safro, savdo va xiltning g'alaba qilishi (ustun kelishi) dagi belgilar ko'rsatilgan. Ikkinchi bo'lim tibbiyot amaliyotiga bag'ishlangan. Bu bo'lim o'z navbatida to'rt qismga bo'lingan. Birinchi qismda kishi sog'lig'ini saqlash tadbiri bayon etilgan. Ikkinchi qismda bemorlarga beriladigan dori va ovqatlar haqida so'z yuritiladi. Uchunchi qismda qo'l bilan amalga oshiriladigan muolaja usullari (jarrohlik) bayon etilgan. To'rtinchi qismda chiqqan-singanlami

davolash ko'rsatilgan. Masalan, chiqqan bo'g'inlarni (suyakni) joiga solish. Allomaning "Tibbiy urjuza" asari 1972 yilda o'zbek tiliga ham tarjima qilinib bosib chiqarilgan. Ibn Sinoning bu asosiy "Tibbiy urjuza" kitobidan tashqari, tibbiyotga oid yana bir necha she'riy "Urjuza" kitoblari bo'lgan. Ular tibbiyotning ayrim maxsus masalalariga bag'ishlangan bo'lib bizga quyidagilari ma'lum. 1. "Tana tuzilishiga oid urjuza" kitobi. Bu kitob 98 baytdan iborat bo'lib unchalik katta emas. 2. "Jinsiy mayllik haqida urjuza" 3. "Sog'liqni saqlash haqida tibbiy urjuza". Bu 15 bayt (30 misra)dan iborat kichik she'riy asardir. 4. "Yilning to'rt fasli haqida tibbiy urjuza". Bu kitob ham unchalik ktta emas. Hammasi bo'lib121 bayt (242 misra)dan iborat. 5. "Sinab ko'rilgan dori-darmonlar haqida tibbiy urjuza". Bu asarda Ibn Sino o'zi uzoq vaqt kasallarda sinab ko'rgan har xil dori-darmonlar haqida so'z yuritgan. 6. "Gippokratning vasiyatlari haqida urjuza". Bu asar 93 baytdan iborat. 7. "Tibbiy nasihatlar haqida urjuza". Bu asar 72 baytdan iborat. Ibn Sinoning tibga oid muhim asarlaridan yana biri "Tibbiy qoidalarda uchraydigan xatolarni tuzatish" kitobidir. Bu kitob "Tadbirda yo'l qo'yilgan har xil xatoliklarga qarshi chora ko'rish yo'li bilan tanaga yetkazilgan turli zararlarni yo'qotish", deb ham ataladi. Ibn Sino , o'zi ta'kidlab o'tganidek, tibbiyotning asosiy vazifasi kasallikning oldini olish, ya'ni uning rivojlanishiga yo'l qo'ymaslikdir. Bu masalaga alloma uzining bir necha asarini bag'ishlagan. Shulardan biri "Salomatlikni saqlash haqida risola"dir. Bu kitobcha 13 bobdan iborat. Asarda so'z asosan shaxsiy gigiyena haqida boradi. Ibn Sinoning boshqa asarlari tibbiyotning ayrim xususiy masalalariga bag'ishlangan katta-kichik kitoblardan iboratdir. Ular orasida 1-2 sahifalilari hab bor. Ibn Sinoning "Tib qonunlari" va "Urjuza fi-t-tib" ("Tibbiy urjuza") kabi tibbiy asari bilan bir qatorda tibbiyotning ayrim nazariy va amaliy masalalariga bag'ishlangan turli hajmdagi, "Al-Adviyati-l-qalbiya" ("Yurak dorilari"), "Kitob al-kulonj" ("Kulanj haqidagi kitob"), "Maqola fi-n-nabz" ("Tomir urishi haqida maqola"), "Risola fi-l-boh" ("Shahvoniy quvvat haqida risola"), "Risola fi-lfasd" ("Qon olish haqida risola") kabi risolalar ham bor. Falsafiy asari. Olimning falsafaga oid eng yirik va muhim asari "Kitob ash- shifo"dir. U 4 qismdan iborat: 1. Mantiq - 9 bo'lakka bo'lingan: 1. "Al-madhal" ("Mantiqqa kirish"); 2. "Al-maqulot" ("Kategoriyalar") 3. "Al-iborat" ("Interpretasiya"); 4. "Al-qiyos" ("Sillogizm"); 5. "Al-burhon" ("Isbot", "Dalil"); 6. "Al-jadal" ("Tortishuv", "Dialektika"); 7. "As-safsata" ("Sofistika"); 8. "Al-xitoba" ("Ritorika"); 9. "Ash-she'r" ("Poetika") (She'r san'ati); 2. Tibbiyot: (Bu yerda minerallar, o'simliklar, hayvonot olami va insonlar haqida alohida- alohida bo'limlarda gapiriladi). 3. Riyoziyot - 4 fanga bo'lingan: 1. "Hisob" ("Arifmetika"); 2. "Handasa" ("Geometriya"); 3. "Astronomiya"; 4. "Musiqa" 4. Metafizika yoki

ilohiyot. Bu asarlarning ayrim qismlari lotin, suryoniy, ibroniy, nemis, ingliz, fransuz, rus, fors va o'zbek tillarida nashr qilingan. Abu Ali ibn Sinoning bulardan tashqari turli sohaga oid "Al-Qonun", "Hayy ibn Yaqzon", "Risolat at-tayr", "Risolat fi-l-ishq" ("Ishq haqida risola"), "Risolat fi mohiyati-s-salot" ("Nomozning mohiyati haqida risola"), "Kitob fi ma'no ziyorat" ("Ziyorat qilishning ma'nosi haqida"), "Risolat fi daf al-g'am mina-l-mavt" ("O'limdan keladigan g'amni daf qilish haqida risola"), "Risolat al-qadr", "An- Najot", "Ash-Shifo", "Donishnoma", "Kitob al-ishorat" va "Attanbihot" kabi ko'plab asarlari ham bor. Allomaning "Hayy ibn Yaqzon" asari kishilarning did - farosatini o'stirishi, fikr doirasini kengaytirishi bilan ta'lim - tarbiyada katta ahamiyatga ega. Uning nomi ham shunga ishora qiladi: "Hayy ibn Yaqzon" ("Tirik o'g'li uyg'oq"). Bu asar farosat ilmi haqida ekanligini Ibn Sinonining o'zi ham ta'kidlaydi. Yuqorida aytganimizdek mazkur asarni Ibn Sino 1023 yilda Hamadonga yaqin bo'lgan Fardajon qal'asi qamoqxonasida yozgan. Ibn Sino axloqqa oid asarlarini "Amaliy hikmat" ("Donishmandlik amaliyoti") deb ataydi. Olimning fikricha, axloq fani kishilarning o'ziga va boshqalarga nisabatan hatti - harakati me'yorlari va qoidalarini o'rganadi. Ibn Sino axloqlilikning asosini yaxshilik va yomonlik kabi ikki tushuncha bilan ta'riflaydi: "Dunyoda mavjud bo'lgan jami narsalar tabiatiga ko'ra kamolot sari intiladi. Kamolot sari intilishning o'zi esa mohiyat e'tibori bilan yaxshilikdir..." Ibn Sinoning "Tadbiri manzil" risolasi ham "Kitob ash-shifo" asarining tarkibiy qismini tashkil etadi. Asar arab tilidan forsiyga eronlik olim Muhammad Najmiy Zanjoniy tomonidan tarjima qilinib, 1939 yilda Tehronda chop etilgan. U tarjima asar ikki qismdan iborat bo'lib, ikkinchi qismi tarjimonning izohlari va batafsil sharhlaridan tashkil topgan. Ibn Sino o'z davridagi tabiiy fanlarning rivojiga ham ulkan hissa qo'shgan olimdir. Uning tabiiy-ilmiy qarashlari "Kitob ash-shifo"ning tabiiy fanlarga oid qismida bayon qilingan. Allomaning ba'zi geologiya jarayonlarga oid mulohazalari hozirgi ilmiy nazaryalarga juda yaqindir. U vulqonlar va zilzilalar natijasida tog'larning paydo bo'lishi haqidagi o'z fikrlarini aytadi. Ibn Sino mineralogiya (ma'danshunoslik) sohasida ham salmoqli ishlar qilgan. U minerallarning original klassifikasiyasini taklif etdi. Unga ko'ra barcha ma'danlar 4 guruhga: toshlar, eriydigan jismlar (metallar), oltin-gugurtli yonuvchi birikmalar va tuzlarga bo'linadi. U boshqa tabiiy fanlar qatori kimyo bilan ham shug'ullangan va unga oid asarlar ham yozgan. Ibn Sino tabiiy fanlar qatori kimyo, botanika, astronomiya, matematika, she'riyat va musiqa bobida ham ilmiy yo'nalishlarini davom ettirgan va ularga oid asarlar ham yozgan. Buyuk qomusiy olim Ibn Sino musiqa bobida Forobiyning ilmiy yo'nalishini davom ettirgan yirik nazariyotchidir. Uning musiqa haqidagi "Javome' ilm-u-l- musiqiy" ("Musiqa ilmiga

oid to'plam") asari 6 bobdan iborat bo'lib, bunda tovushning sezgi a'zolariga ta'siri, uning yoqimli va yoqimsizligi, tovushni eshitganda lazzatlanish yo nafratlanish hissining paydo bo'lishi kabi masalalarga to'xtaydi. Ibn Sino musiqa ovozlarining kishi ruhiga ta'siri haqida ham o'z fikrlarini va o'z davri musqasining barcha muammolarini bayon etgan. Ibn Sinoning tibbiy fikrlari. Abu Ali Ibn Sino o'z davridagi fanlarning hammasini mukammal o'zlashtirib, tabiiyki, tibbiyot faniga alohida ahamiyat bergan va o'z kasbini asosan tabiblik deb bilgan. Aynan shu tabiblik sohasida uning talanti va qobiliyati ayniqsa, yaqqol namayon bo'ldi. Ibn Sino fikricha, tib ilmida nazariy bilimlar va amaliyot o'zaro bog'liq bo'lishi va bir-biriga asoslanmog'i zarur, aks holda u rivoj topmaydi va o'z maqsadiga erisha olmaydi. Tib ilmi avvalo ikki qismga - nazariy va amaliy qismlarga bo'linadi. Ibn Sino tabobat ilmining nazaryasi va amaliyoti sohasida juda chuqur bilimga ega edi. O'zining nihoyatda o'tkir zehni va chuqur bilimi tufayli Ibn Sino tabobat ilmi sohasida o'z davridan ancha ilgarilab ketdi. U tabobatning maqsad va vazifasini boshqalardan ko'ra chuqurroq va kengroq tushunardi. Chunonchi, Ibn Sino o'sha zamondayoq tibbiyotning asosiy vazifasi kishilarning salomatligini saqlashga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirishdan iboratdir, deb bilgan. Bu fikr hozirgi zamon tibbiyotining asosiy tushunchasiga tamomila mos keladi. Abu Ali Ibn Sino tabib sifatida ulug' gumanist edi. U inson manfaatini doimo hamma narsadan yuqori qo'yar va o'z shogirdlaridan ham shuni talab qilardi. Bu uning tibbiyotga bergan ta'rifidan ma'lum. Ibn Sino o'zining tibbiyotga oid mashhur nazmiy asari "Tibbiy Urjuza"da bunday deydi. "Tabobat - bu salomatlikni saqlash va kasalliklarni davolashdan iborat". Bu fikr olimning shoh asari "Kitobu-l-qonun fit-tib"da ayniqsa, yaqqol o'z ifodasini topgan. Ibn Sino o'zining bu shoh asarini shunday so'zlar bilan boshlaydi: "Tib shunday ilmki, u kishilarning salomatligini saqlash va kasalliklarni davolash maqsadida odam tanasini sog' va kasallik chog'ida o'rganadi" Bundan ko'rinib turibdiki, Ibn Sino kishi salomatligini, ya'ni profilaktikani birinchi o'ringa qo'ygan. Olimning o'z faoliyati umr bo'yi shu maqsadga xizmat qilishga bag'ishlangan edi. Uning butun hayoti tibbiyotning shu asosiy vazifasi bilan chambarchas bog'liq bo'lgan. "Qonun"da tibbiyot fanining vazifasiga bag'ishlangan maxsus qism bor. Ibn Sino yozadi: "Har bir hodisaning mohiyati uning sababini aniqlash yo'li bilan ochiladi. Shuning uchun tibda Sog'lik va kasallikning sababini bilish kerak. Sog'lik, kasallik va ularning sabablarini bilish kerak. Sog'lik, kasallik va ularning sabablari goho ochiq (aniq), goho esa yopiq (noaniq) bo'lishi mumkin. Bu sabablar o'z ko'rinishlariga qarab faqat o'qish bilangina emas, balki fikr qilish yo'li bilan tushuniladi. Shuningdek tabobatda sog' vaqtda ham, kasallikda ham sodir bo'ladigan

hodisalarni bilish kerak". Bundan kelib chiqadiki, tabib o'z faoliyatida, dastlab sog'likni yo'qotishga olib kelgan sababni aniqlab olish zarur. Ibn Sino sog'lik to'g'risida bunday deydi: "Sog'lik shunday holatki, bunda organlar o'z vazifasini to'la bajarish qobiliyatiga ega bo'ladi". Allomani bundan ming yil muqaddam aytgan bu fikrlari yuksak darjada rivojlangan hozirgi zamon tibbiyoti va uning profilaktik prinsiplariga tamomila mos keladi. Ibn Sino amaliy tabobatni ikkiga bo'ladi. Bulardan biri, sog'lom tana rejimi, ya'ni salomatlikni saqlashga qaratilgan tadbirlar bo'lsa, ikkinchisi nosog' (kasal) tana rejimidir. Bunda organizmni normal holatga qaytarish ko'zda tutiladi. Buni alloma davolash bilimi deb ataydi. Ibn Sino ta'limotining davomchilari. Ibn Sino o'zining boy va serqirra ilmiy merosi bilan keyingi davr Sharq va G'arb madaniyatining rivojiga katta ta'sir ko'rsatdi. Sharqning Umar Hayyom, Abu Ubayd Juzjoniy, Nasriddin Tusiy, Fariduddin Attor, Nizomiy Ganjaviy, Jaloliddin Rumiy, Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy, Ulug'bek, Bedil kabi mutafakkir va olimlari o'z asarlarida Ibn Sino ta'limoti va ilmiy g'oyalarini davom ettirdilar. Yevropaning mashhur faylasuf va tabiatshunos olimlaridan Jordano Buruno, Gundisvalvo, Vilgelm Overnskiy, Aleksandr Gelskiy, Albert fon Bolshtedt, Foma Akviyeskiy, Rojer Bekon, Dantem va boshqalar Ibn Sinoning ilg'or fikrlaridan o'z ijodlarida foydalandilar va uning nomini zo'r hurmat bilan tilga oldilar. Ayni vaqtda ham Ibn Sinoning asarlari dunyoning turli kutubxonalarida, faylasuflar, shifokorlar, matematik va tilshunoslarning kitob javonlarida avaylab saqlanmoqda. Butun ilg'or insoniyat, xususan o'zbek xalqi, ilm-madaniyat ahli aql va adolat tantanasi uchun kurashgan, fan, haqiqat yo'lida butun hayotini ilm-fanga, madaniyat va ma'rifatga bag'ishlagan ajoyib iste'dod egasi Ibn Sino bilan g'ururlanadi. Ibn Sinoga berilgan tavsif. U o'z ilmi, merosi bilan o'rta asr Sharqining ilmiy madaniy qudratini butun dunyoga namoyon qilgan. Butun insoniyat madaniyatining rivojiga ulkan hissa qo'shgan. Shuning uchun ham Ibn Sino jahon madaniyatining buyuk siymosi, eng katta faylasuf, tabiatshunos, insonshunos, mashhur ensiklopedist sifatida tan olindi. Ibn Sinoning jahon fani va madaniyati rivojiga qo'shgan hissasini e'tiborga olib, Jordano Bruno Ibn Sinoni qadimgi Yunonistonning buyuk faylasufi Aristotel, (vrach) tabib Golenlar bilan teng qatorga qo'ysa, A. Dante o'zining «Ilohiy komediya»sida olimni Ptolomey, Evklid, Gippokratlarga tenglashtiradi. Nemis faylasufi L. Feyirbax olimni "Mashhur tabib va faylasuf"dir desa, Hindostonning buyuk davlat arbobi J. Neru o'zining "Hindistonning ochilishi" degan asarida O'rta Osiyo olimlarining tilga olar ekan, Ibn Sino nomini alohida ta'kidlab: "Ulardan eng mashhuri tabiblar (vrachlar) podshohi degan nomni olgan Buxorolik Ibn Sino (Avisenna)dir",- deb, hurmat bilan tilga oladi. Demak, ibn Sinoning shaxsiy faoliyati

dunyoviy ilmlarni o'rganish haqidagi ta'limotlari, ta'lim-tarbiya haqidagi mulohazalari va tabobat taraqqiyotidagi buyuk xizmatlari dunyo taraqqiyotida o'ziga xos o'rinni egallaydi. Zamondoshlari Ibn Sinoni "Shayx ar-rais" ("Donishmandlar sardori, allomalar boshlig'i"); "Sharaf al-mulk" ("O'lka, mamlakatning obro'si, sharafi"), "Hujjat al-haqq" ("Rostlikka dalil"); "Hakim al-vazir" ("Donishmand, tadbirkor vazir") deb ataganlar. Ibn Sinoning bolaligidagi bir voqyea. Uzuk voqyeasi: Abu Ali ibn Sinoning onasi uni chaqaloqligida cho'miltirayotganida qimmatbaho uzugini yo'qotib qo'ygan ekan. U uzugini ko'p qidiribdi. Lekin hyech qayerdan topa olmabdi. Keyin uni kanizak olgan, deb gumon qilib, bechora kanizakni rosa kaltaklashibdi. Kanizakni urishayotganda Abu Ali yig'lay boshlabdi, kaltaklashdan to'xtashsa, chaqaloq ham yig'idan to'xtabdi. Hamma bundan ajablanib, uzukni yo'qoldiga chiqarishibdi. Ibn Sino tilga kirganida, birinchi aytgan gapi shu bo'libdi: Sizlar o'sha vaqtda kanizakni nohaq urgan edinglar. Onam meni cho'miltirayotganda, uzugi tog'oraga tushib ketgan edi. U tog'orani ag'darganida uzuk ham suv bilan birga kir o'raga tushib ketgan. Mening tilim chiqmaganidan, sizlarga aytolmagan edim. Kanizakni urganinglarda yig'lab, to'xtatganlaringda yig'idan to'xtashimning sababi shu edi. Shundan keyin o'rani kavlashgan ekan, uzuk topilibdi. Bu voqyeani eshitganu bilganlar Ibn Sino zehniga qoyil qolishgan ekan. Bemorlarni davolashdagi qo'llagan usullari haqidagi rivoyatlar. "Men ho'kizman": Buxorolik bir kishi kasal bo'lib, "Men ho'kizman, meni so'yinglar" deydigan bo'lib qolibdi. Kasalning qarindosh-urug'lari buni Abu Ali ibn Sinoga aytishibdi. Abu Ali kasalning oldiga qassob bo'lib kelibdi va "Qani so'yadigan ho'kizinglar!"- deb baqiribdi. Bemor uning oldiga chopib borib, "So'yiladigan ho'kiz menman", debdi. Abu Ali darrov bemorning qo'l-oyog'ini bog'latibdi, so'ng qo'lida pichoqni o'ynatib, bemorning biqinidan ushlab ko'ribdi-da: -Ho'kizimiz semiz demabmidilaring, bu juda oriq-ku, buni men hozir so'ymayman, sal semirsin, keyin so'yaman, debdi. Bemor bu gapni eshitib: "Qani menga ovqat beringlar, men semiray" deb ovqat talab qilaveribdi. Abu Ali Ibn Sino bemorning oilasiga dori qoldirib, uni ovqatiga qo'shib, bemorga berishni uqtiribdi. Uydagilar shunday qilishibdi. Natijada bemor hademay tuzalib ketibdi. Keyinchalik Abu Ali Ibn Sino bemorning uyiga kelib: - Semirgan ho'kizinglar qani, so'yib beray, debdi va sog'aygan bemorga ko'zi tushib: - E, ancha semiribsan-ku, endi so'ysa bo'ladi, debdi. Bemor tabibning gapidan juda taajjublanibdi va: Meni so'yadiganning boshi o'nta, tegib ko'rchi, menga, deya do'q uribdi. Yig'ilgan qarindosh-urug'larning hammasi avvalgi voqyeani eslab xoxolab kulib yuborishibdi. Ishq dardiga chalingan qizni davolashi. Rivoyat qilishlaricha, bir shohning qizi betob bo'lib qoladi. Tabiblar uni davolay olmadilar, shunda Ibn Sinoga murojaat qildilar.

Ibn Sino uni ko'rib: "Uning dardi - ishqdir",- dedi. Saroy kanizaklari uni inkor qildilar. Ibn Sino: "Agar xohlasalaringiz, men sizlarga uni kimni sevishini ham aytib beraman. Bu qizga yaqin bo'lgan yigitlarning nomlarini aytinglar, men uning tomirini ushlab turaman",- dedi. Saroydagilar birma-bir atrofdagi yigitlarning nomini ayta boshladilar. Uning ma'shuqasini ismini zikr qilishganda tomirlari qattiq ura boshladi va hushidan ketdi. Ibn Sino uning dardini shu tariqa aniqladi. Saroy a'yonlari uning dardining davosi nima ekanligi haqida so'radilar. Ibn Sino: "Ishq uning butun vujudini egallab olibdi, agar shu yigitga uni turmushga bermasalaringiz u halok bo'ladi",- dedi. Ibn Sino shu tariqa o'zining donoligi va ziyrakligi bilan bemorning dardini to'g'ri aniqlab, uni davolaganlar ekan. Ibn Sino: "Mening bisotimda (aniq tashxis qo'yish uchun) bor narsalarning eng azizrog'i,- bu bemorning to'g'ri so'zidir",- deydi. Abu Ali Ibn Sino hayotining solnomasi. 980 -Buxoro yaqinidagi Afshona degan joyda Abu Ali Husayn ibn Abdulloh dunyoga keldi. 985 -Ularning oilasi Afshonadan Buxoroga ko'chib o'tdi. 985-995 -Husayn ibn Abdulloh Buxorodagi Mahmud Massoh, Ismoil azZohidiy, Abu Abdulloh Notiliy, Al-Qumriy kabi ulug' olimlardan ta'lim oladi. 997 -Abu Ali Husayn ibn Abdulloh Buxoroning ulug' olim va tabiblaridan biri bo'lib tanildi. Buxoro amirining og'ir kasalini davolashda ishtirok etib, uning evaziga amir kutubxonasida mutolaa etmoqqa ruxsat oladi. 998 -O'zining dastlabki ilmiy asarlarini yaratdi. 999-Qoraxoniylar Buxoroni zabt etib, somoniylar davlatini ag'darganidan keyin Ibn Sino hayotida tashvishli, notinch va og'ir damlar boshlandi. 1002-Abu Ali ibn Sino 21 yoshga yetganda uning otasi vafot etdi. 1005 - Abu Ali ibn Sino Buxorodan Xorazm poytaxti Gurganjga kelib bu yerdagi olimlar davrasida xizmat qiladi. Asarlar yozadi. "Tib qonunlari", "Ashshifo" asarlarining dastlabki materiallarini ham shunda yig'a boshladi. Ibn Sino shu yili Abu Rayhon al-Beruniy bilan uchrashadi. 1012-1014 -Abu Ali Ibn Sino G'azna podshohi Sulton G'aznaviy ta'qibidan qochib Abu Sahl Masihiy bilan birga Xorazmdan chiqib ketdi. Ular Eron sari jo'nadilar. Yo'lda Masahiy vafot etdi. Abu Ali Ibn Sino Niso, Obivard, Shiqqon, Samanqon, Jojurli degan joylarda tentirab yurdi. So'ng Jurjonga keldi. Undan Dehistonga o'tdi. So'ng yana Jurjonga qaytdi. Bu yerda unga Abu Ubayd al - Juzjoniy kelib uchradi. Shundan so'ng ustoz Abu Ali ibn Sino va shogird Abu Ubayd Juzjoniy hamisha birga bo'ldilar. 1014 - Abu Ali ibn Sino Ray shahriga keladi. Bu yerda tabiblik bilan shug'ullanadi, ilmiy ishlarini davom ettiradi. 1016 - Sulton Mahmud G'aznaviyning ta'qibidan qochib Abu Ali Ibn Sino Raydan Kozvin orqali Hamadonga o'tadi. Bu yerda amir Shamsuddavlaning vaziri bo'lib xizmat qiladi. So'ng harbiylarning ig'vosi bilan farajon qal'asiga hibs etiladi. Bu yerda Abu Ali Ibn Sino "Alhidoya" ("Bag'ishlov"), "Hay ibn Yakzon" ("Uyg'oqning

o'g'li Tirik"), qulanj kasali to'g'risidagi "Kitobu-l-Kulanj" asarlarini yozadi. "Yurak dorilari" kitobini yoza boshladi. 1025 - Abu Ali Ibn Sino Hamadondan Isfahonga o'tdi. Bu yerda umrining oxirigacha yashadi. "Tib qonunlari", "Ash-shifo", kabi shoh asarlarini tugalladi. "Kitob ul-Aloyi" asarini yozdi. 1037 - Abu Ali Isfahon amiri Alouddavla bilan Hamadon safarida birga bo'ldi. Shu safar davomida eski kasali qo'zg'ab qoldi va 1037 yilda Hamadonda 57 (hijriy 58) yoshida vafot etadi. Abu Ali ibn Sinoni Hamadon shahrining g'arb tomonida qo'rg'on devorining yonida dafn etiladi. 1952 - Alloma qabri ustiga maqbara qurilgan (me'mori X. Sayxun). Maqbara Ibn Sinoga bag'ishlangan muzey xonalarini ham o'z ichiga olgan.

XULOSA

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak,Ibn Sinoning ilimiy ijodi nafaqat o'z davri uchun,balki undan keying davrlar va bugungi kun uchun o'ta dolzarb va kerakli manba hisoblanadi. Uning asarlaridan G'arb Yevropasida XVII asrgacha tibbiy fanlarda dastur-ul-amal bo'lib xizmat qilganligi uning asarlarining qanchalik qimmatli ekanligidan dalolat beradi.Ibn Sino faqat tibbiyot fani bilan cheklanib qolmasdan o'z davri uchun muhim bo'lgan hisob-kitob,mantiq,falsafa fanlari bilan ham shug'ullangan,Uning asarlarisda falsafiy qarashlar ham yoritilgan.

REFERENCES

1. Abu Ali ibn Sino-Falsafiy qissalar(Abdusodiq Isirov Tarjimasi)-T.2016.
2. Zohidov V. Uch daho (Farobiy, Beruniy, Ibn Sino). - T., 1987.
3. Isaev Y. Abu Ali ibn Sino. - T.: Tafakkur. 2010
4. Abu Ali ibn Sino haqida hikoyalar va rivoyatlar
5. Oqiljon Xusan-Ibn Sino visoli-T.1989.
6. Maqsud Qoriyev-Ibn Sino(II jild)-T.:Sharq.2000.
7. N.Q.Yo'ldoshev-Abu Ali Ibn Sino,Abu Nasr Forobiy,A.Navoiy,Beruniy,Mirzo Ulug'beklarning bozor,extiyoj,moddiyu manfaat haqidsagi qarashlari.-T.2009.
8. Aziz Qayumov-Abu Rayxon Beruniy,Abu Ali ibn Sino-T.1987.
9. Y.B.Rustamov-Abu Ali ibn Sinoning "Donishmandsnoma" va "Ruh haqida" asarlarida psixologik g;oyalar-(Bitiruv malakaviy ishi).2013.
10. U.I.Karimov,X.Xikmatullayev,M.M.Xayrullayev-Abu Ali ibn Sino-Salomatlik Sirlari-T.2000.

ARABISTON YARIM OROLIDA DAVLATCHILIKNING SHAKLLANISHI

Mamarajabov Bobir Normo‘min o‘g‘li
Denov tadbirkorlik va pedagogika institute
Tel: 998909724466
Email:mamarajabovbobur137@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Arabiston yarim orolida ilk davlatchilikning shakllanishi, ilk shahar davlatlar Yasrib, Xijoz, Toif, shuningdek, qadimgi arab va yahudiy qabilalari haqida ma’lumot berilgan.

Kalit so‘zlar: *Yasrib, arab, yahudiy, qabila, islom.*

ANNOTATION

This article provides information on the formation of the first statehood in the Arabian Peninsula, the first urban states Yasrib, Khijaz, Taif, as well as the ancient Arab and Jewish tribes.

Keys words: *Yasrib, Arab, Jew, tribe, Islam.*

KIRISH

Arabiston yarim orolining Makka, Madina, Toif, Xaybar singari bir qancha eng muhim shaharlarini o‘z ichiga olgan qismini qadimdan Hijoz deb atashgan. Makkadan taxminan 350-400 km. shimolda Madina shahri joylashgan. Qadimda Yasrib nomi bilan ma’lum bo‘lgan bu shahar hosildor, sersuv vohadan iborat edi. Qadimgi Yasrib tarixi hali yaxshi o‘rganilmagan. Yasrib tarixi hijratdan taxminan bir asr oldin, ya’ni VI asr boshlarida ishonchli tus oldi, deyish mumkin. Bu paytda Yasrib bir necha qishloqlarga bo‘linganligi haqida ma’lumotlar bor. Har bir qishloq o‘z navbatida yana ikki qismga bo‘linib, birinchisi – u yoki bu urug‘ga qarashli yerlar va uylarni o‘z ichiga olgan bo‘lsa, ikkinchisi – utm (ko‘pligi otom) deb atalgan, devor va darvozalari bor qo‘rg‘ondan iborat edi. Katta urug‘lar bir necha utmga ega bo‘lishlari mumkin edi.

Tashqi hujum xavfi tug‘ilganda yoki urug‘ erkaklari urushga ketganlarida ayollar, yosh bolalar va qariyalar utmga berkinardilar. Bundan tashqari urug‘ning g‘allasi, qurol-yarog‘ va qimmatbaho buyumlari ham utmlarda saqlanardi. O‘z utmiga ega bo‘lmagan, ochiq mahallada yashaydigan mayda urug‘lar ham yo‘q emasdi. Ammo bunday urug‘lar albatta boshqa yirik urug‘ning homiyligida bo‘lmog‘i zarur edi. Yasrib aholisi asosan yahudiylar va arablardan iborat edi.

Yahudiylar katta-katta guruh bo‘lib yashardilar. Har biri ikki mingdan ortiq odamga ega bo‘lgan uchta yahudiy qabilasi ma’lum: qaynuqo’, nadiyr, qurayza. Arab adabiyotida bundan tashqari 20 dan ortiq mayda va nisbatan yirik yahudiy urug‘larining nomi keltiriladi. Yasrib yahudiylari odatda ochiq joyda emas, balki mustahkam utmlarda yashaganlar.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

As-Samhudiyning ta’kidlashicha, yahudiylarga tegishli utmlarning umumiy soni 59 ta bo‘lgan. Yahudiy qabilalari Yasribning hosildor, obod qismlarini egallagandilar. Banu Nadiyr qabilasi Yasribning janubi-sharqiy qismidagi Vodi Muzaynab, Banu Qurayza ulardan shimolroqdagi Vodi Mahzur, Banu Qaynuqo’ esa mazkur ikkala qabiladan shimoli-g‘arbroqda, shahar markaziga yaqin joyda istiqomat qilardi. Shuningdek, boshqa ko‘p yahudiy urug‘lari ham qulay yerlarda yig‘noq bo‘lib yashardilar. Tarixiy manbalarga ko‘ra eramizning birinchi va ikkinchi asrlarida Hijozga ko‘plab yahudiylar ko‘chib kela boshladilar. Birinchi navbatda bu Rim imperiyasining O‘rta dengiz sohilini istilo qilganligi, ayniqsa Yahudiya urushi 70 y. deb nom olgan Falastin yahudlarining Rimga qarshi qo‘zg‘oloni qaqshatqich ravishda bostirilganligi tufayli bo‘ldi. Yahudlar rim legionerlarining ta’qibidan qochib Hijozning bir qancha shaharlarida, jumladan Yasribda panoh topdilar. Albatta, yahudiy immigratsiyasi bir daf’ada yoki qisqa muddat ichida yuz bergan deb bo‘lmaydi. Bu uzoq davom etgan jarayon bo‘lishi kerak.

Yasribning islomdan oldingi arab aholisiga kelsak, ular asosan 2 ta qabilani tashkil qilardilar: banu Aus va banu Xazraj. Arab nasabchilarinnig uqtirishicha, bu ikki qabila o‘zaro qon-qarindosh bo‘lib, ular asli vatani janubiy Arabistondan yarim orolning boshqa rayonlariga tarqab ketgan Azd qabila turkumiga kiradilar. Aus va Xazraj qabilalari o‘z navbatida 5 tadan yirik va bir qancha mayda urug‘larga bo‘linib, ularning umumiy soni 40 tadan ortib ketgandi. Bundan tashqari Yasrib atroflarida Aus va Xazraj bilan homiylik asosida bog‘liq bo‘lgan bir qancha mayda arab urug‘lari yashagan.

Aus qabilasi Yasribning sharqiy va janubiy qismini, Xazraj esa shaharning o‘rta va shimoliy qismini egallagandi. Aus yerlari unumli, dehqonchilik uchun qulay bo‘lib, asosiy yahud rayonlariga tutash edi. Xazraj yerlari esa, aksincha kam hosilli bo‘lib, faqat Qaynuqo’ yerlariga yaqin edi. Bu holat ikkala arab qabilasi o‘rtasidagi va Yasribning arab va yahud aholisi o‘rtasidagi munosabatlarga ta’sir qilmay qolmadi. Ko‘p sabablarga ko‘ra va ularning ichida eng muhimi aholisi yakkayu-yagona etnik unsurdan tarkib topgani tufayli Makkaning boshqaruvi islomdan oldingi II-asr

davomida barqaror shaklda bo‘lgan bo‘lsa, Yasribda, aksincha, bunday barqarorlik amri-mahol narsa edi. Bir qabila qo‘lida hosildor yerlarning to‘planib qolishi, qolaversa, etnik-dinik qarama-qarshiliklar doimo nizo chiqishini taqozo qilardi.

“Ayyom al-arab” turkumiga kirgan bir qancha “kunlar” ana shu voqealar bilan bog‘liqdir. Bu yerda ham asosiy sabab yer-mulk masalasiga borib taqaladi: nisbatan zaif Aus qabilasi hosildor yerlarga ega bo‘lib olgandi. Aksariyat to‘qnashuvlarda Xazraj qabilasi yutuqqa erishardi. Voqealar shu zaylda ketsa, pirovard natijada Xazraj shaharda ustunlikni qo‘lga kiritishi mumkin edi. Aus ikki qo‘shni yahud qabilasi Qurayza va Nadir bilan ittifoq tuzishga urinib ko‘rdi. Ammo Xazraj yetarli darajada kuchli ekan, shekilli, urush bilan tahdid qilib, Qurayza qabilasidan 40 nafar o‘spirinni bandilikka oldi va ularning betarafligiga erishdi. Shundan so‘ng Aus boshliqlari har yili Makkaga uyushtiriladigan haj marosimidan foydalanib, Quraysh qabilasi bilan Xazrajga qarshi ittifoq tuzishga urinib ko‘rdi. Asosan savdoda hukmronlikni bermaslik uchun kurashib kelgan Makka zodagonlari bunday ittifoqni rad qildilar. Taqdirga tan berishdan boshqa iloj qolmagach, Aus bo‘ysinishga majbur bo‘ldi. Ausning tobelikka rozi bo‘lmagan ba’zi urug‘lari boshqa yoqlarga ko‘chib ketdilar. Shunday vaziyatda, chamasi Xazraj qabilasining boshliqlari qo‘pol xatoga yo‘l qo‘ydilar: ular Yasribda to‘la hukmronlikka erishish maqsadida ikki yahud qabilasi Nadir va Qurayzaga urush bilan tahdid qilib, o‘z yerlarini bo‘shatishlarini talab qildilar. Biroz vaqt o‘tgach, Bayoda urug‘ining boshlig‘i bandilikdagi yahudiy bolalarini qatl qilishga buyurdi. Bunga javoban Aus qabilasi ikkala yahudiy qabilasi bilan ittifoq tuzdi.

Xazraj ham badaviy arablar orasida ittifoqchilar qidirishga majbur bo‘ldi. Shunday qilib, bir-biriga zid ikki kuchli uyushma, ittifoq vujudga keldi. Tomonlar bir yarim oy mobaynida hal qiluvchi jangga tayyorgarlik ko‘rdilar. Shu vaqt ichida har ikkala tomonning tarafdorlari birmuncha ortdi. Nihoyat, Qurayzaga qarashli Buos degan joyda to‘qnashuv yuz berdi. Dastlab Aus tarafdorlari odatdagidek yengila boshladilar. Ammo Xazraj kuchlarini boshqargan Amr b. An-Nu’monning kutilmaganda halok bo‘lishi jang jarayonini o‘zgartirib yubordi. Xazraj va uning ittifoqchilari jang maydonidan qochib, utmlarga berkina boshladilar. Ausiylar ularni biroz ta’qib qilgan bo‘lsalarda, utmlarni qamal qilmadilar. Uning ustiga Aus qo‘shinini boshqargan al-Hudayr. Simak ham bir necha kundan keyin jangda olgan jarohatidan halok bo‘ldi. Shunday qilib, Aus hijradan besh yil muqaddam yuz bergan “Buos” kunida o‘z g‘alabasini oxirigacha yetkazmadi. Ular buni istamadilar ham, shekilli, zero Xazraj batamom mag‘lub qilingan holda shaharda yana yahudiy qabilalari ustunlikka erishishlari mumkin edi. “Buos” kuni har ikkala tomon juda

katta zarar ko‘rdi: aholining yuqori tabaqalaridan ko‘plab kishi qatl bo‘ldi; yong‘in va talon-taroj natijasida uylar va xususiy mulklar vayron bo‘ldi. Bunday vaziyatdan chiqish uchun chora izlamoq darkor edi, Ayniqsa, betaraf mavqeda bo‘lgan kichik urug‘lar nizolardan manfaatdor emasdi. Umuman, “Buos” kunidan so‘ng ko‘pchilik yasribliklar tinchlikka, ittifoqqa mayl bildira boshladilar. Aytishlaricha, Xazraj qabilasidan bir nufuzli kishini shaharning umumiy hokimi sifatida tan olish masalasida hamma qabila va urug‘ vakillari orasida muzokara ham ketardi.

XULOSA

Shunday vaziyatda Yasribga Muhammad sallallohu alayhi vasallam boshchiligida musulmonlarning hijrati 622 yil yuz berdi. Shuni unutmaslik kerakki, Yasrib atrofida ko‘chmanchi arab qabilalari yashagan. Badaviylar o‘xtin-o‘xtin shahar aholisiga hujumlar qilib turardilar. Buni bartaraf qilmoq uchun shahardagi qabilalar badaviylarga “itova” to‘lamoqlari yoki ular bilan hilf ittifoq tuzmoqlari lozim edi. Yasribnin xo‘jalik hayotini ko‘p qirrali deb hisoblash mumkin. Yasrib aholisining ko‘pchilik qismi dehqonchilik bilan shug‘ullangan. Erkin dehqon xo‘jaligi bilan bir qatorda chorikorlik va ijarachilik ham mavjud bo‘lgan.

Chorikorlik va ijarachilikda yerning unumdorligiga qarab, har xil miqdorda mahsulot bilan haq to‘langan. Ba’zida yerning bir qismini o‘ziga va boshqa qismini yer egasiga ishlab berish hollari ham bo‘lgan. Chorikor va ijarachi dehqonlar aksariyat hollarda qarz olishga, uning evaziga o‘z ulushlariga tegadigan mahsulotni o‘sib turgan joyida muzobana yoki ko‘klayin muhoqala sotishga majbur bo‘lardilar.

REFERENCES

1. ماجد المنعم عبد.2010
2. Байкова Л. И. Исламское государство Арабского Востока: историко-теоретический аспект:
3. Koehler, Benedikt. Early Islam and the Birth of Capitalism. London: Lexington Books, 2014
4. The Editors of Encyclopedia Britannica. "Umayyad Dynasty." In Encyclopedia Britannica, Inc. Accessed on
5. December 18, 2017. URL: https://www.britannica.com/topic/Umayyad-dynasty-Islamic-history
6. Байкова Л.И. Исламская государственность Арабского востока: историко-теоретический аспект: дисс...к.и.н.- Уфа, 2004.- 158 с.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

АФҒОНИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ИСЛОМ ОМИЛИ

Жўраев Сардорбек Райимжон ўғли,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бош мутахассиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Афғонистон бошқарувидаги ўзига хос хусусиятлар, диний ва этник қарама-қаршиликларнинг шакилланишида ички ва ташқи таъсирларнинг роли ва миллий бирликка эришиш масалалари муҳокама қилинади. Шу билан бирга геосиёсий марказ сифатидаги Афғонистон назорати учун кетадиган курашларда ички омиллардан хусусан, диний ва этник омилдан фойдаланишнинг истиқболдаги кўринишлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *мазҳаб, пуштунлар, Толибон, ҳазоралар, инклюзив ҳукумат.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются особенности управления Афганистаном, роль внутренних и внешних влияний в формировании религиозно-этнических конфликтов, а также такие вопросы, как достижение национального единства. При этом анализируются возможные проявления использования внутренних факторов, в частности религиозного и этнического, в продолжающейся борьбе за контроль над Афганистаном как геополитическим центром.

Ключевые слова: *секта, пуштуны, талибы, хазарейцы, инклюзивное правительство.*

ABSTRACT

This article discusses the specific features of Afghanistan's administration, the role of internal and external influences in the formation of religious and ethnic conflicts, and the issues of achieving national unity. At the same time, prospects of using internal factors, especially religious and ethnic factors, in the struggle for control of Afghanistan as a geopolitical center are analyzed.

Keywords: *sect, Pashtuns, Taliban, Hazaras, inclusive government.*

КИРИШ

Афғонистондаги доимий тусга айланган конфликтларнинг ечими ҳамда миллий бирлик масалаларининг долзарблиги бугунги жиддий ва ўз ечимини топмай келаётган, ўз чегарасидан ташқари минтақа доирасида ҳам таъсирини сақлаб қолаётган муаммо сифатида кўринмоқда. Янги ҳукуматнинг келиши

ҳамда Афғонистондаги ҳозирги вазиятнинг мавҳумлигича қолаётгани, қаршилик ҳаракатлари ва терактларнинг тўхтовсиз давом этиши ҳамда диний ва этник хусусиятларни ўзида мужассам этган мураккаб гибрид кўринишдаги муаммолар ушбу мавзунинг долзарблигини ва ислом дини ҳамда унинг давлат бошқарувидаги ўрни ва таъсири, шу билан бирга имконият ва камчиликларни тадқиқ этишнинг аҳамияти долзарб эканини яна бир бор кўрсатмоқда. Расмий ҳукуматнинг ағдарилиши билан толиблар бошқарувидаги бу мамлакатнинг минтақадаги вазиятга таъсири Марказий Осиё давлатларининг юқори интеграцияни таъминлаши мумкин бўлган минтақавий режаларини бир қадар ўзгартириб юборди. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар нафақат минтақа доирасида, балки жаҳон сиёсий саҳнасида мамлакатнинг муҳим ролини кўрсатиб бермоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Афғонистонда мавжуд вазиятнинг шакилланиши, этник ва қабилалараро муносабатларининг мураккаб табиати, манфаатдор томонлар билан ўзаро таъсирининг натижаси дея айтиш мумкин. Афғонистоннинг бугунги кунда Ислом Амирлиги дея юритилиши ҳамда Ислом динига нисбатан турли қарашларнинг шаклланиши ўз ўрнида салбий тушунчалар вужудга келитиришга уринишлар фаол давом этмоқда. Буни афғон диёрида барқарорликни тиклашга уринишлар ўз самарасини бераётган бир вақтда шимолий ҳудудларда “ИШИД” жангариларининг яна фаоллашаётгани, оҳирги вақтларда юз бераётган террорчилик ҳаракатларининг айнан ислом динининг шиалик мазҳабига эътиқод қилувчи ҳазораларга қаратилиши орқали этник ва диний омилларни қориштиришга уриниш ҳаракатларининг намоён бўлиши билан исботлаш мумкин.

Аслида Қуръонга ва мужтаҳидларнинг манбааларига, ислом дини тарихига юзланилса Ислом динининг инсонларни аҳил ва иноқ яшашларига ундаб, эзгулик сари интилишга чорлаб, ёмонликдан (қон тўкишдан) қайтарилган. Муқаддас Ислом динига амал қилган аждодларимиз ҳаётига назар ташласак тотувликда яшашгани ҳамда жамиятда ёрдамга муҳтож инсонлар ҳеч қачон эътиборсиз қолмаганига гувоҳ бўламиз. Ўз диндошларига қўлдан келганча ёрдам бериб ўзаро меҳр-мурувватли бўлишга ундовчи, бирликка чорловчи бу диннинг айнан Афғонистонда бундай функциялари тўла ишламаслик сабабини ўрганиш ва шу билан бирга муваффақиятли ечим тақдим этиш чораларини тадқиқ этиш миллий манфаатларимизга тўла мос келади. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидагича фикрларини келтириш

мумкин: “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”[39].

Сир эмаски, ҳар бир жамиятда диннинг инкор этиб бўлмас функциялари мавжуд. Мана шу функциялар жамият ҳаётини тартибга солиб, инсонларни бирлаштиришда юқори ўрин тутсада, эътиқоднинг турли даражалари ва диний бағрикенгликнинг етишмаслиги жамиятда мураккаб вазиятни вужудга келтириши мумкин. Бу жиҳатдан динга, ҳусусан исломга бўлган ёндашувни уч турга ажратиш мумкин: **радикал, мўтадил ва нейтрал.** Бу позицияларнинг этносиёсий тус олиш ҳолатлари эса бир қанча давлатлар қатори Афғонистон тажрибасидан ҳам маълум. Ислом ҳуқуқшунослиги бўйича олим Абдулҳаким Шаръий Жузжоний “Афғонистон давлат ҳуқуқий қонуниятлари ва тамойилларини билиш Афғонистонда ички вазият ва ташқи сиёсатдаги бўлажак тараққиётни айтиб бериш имкониятларини бериши мумкин” дея таъриф берган эди. Фикримизча, Афғонистонда расмий қонуннинг мавжуд бўлмагани фиқҳий масалаларда махсус билим талаб этилишига, бу эса оддий аҳолининг аввалги расмий ҳукумат ёки масъул шахсларга эмас, балки муллаларга ва маҳаллий етакчиларга эргашишларига сабаб бўлган.

Бироқ мамлакатдаги оғир инқироз шароити фақатгина диний ва ички омиллар билан боғлиқ дейиш хатодир. Гарвард университетининг олимлари Роберт Д.Кревс ва Амин Тарзийнинг ҳаммуаллифликдаги “The Taliban and the Crisis of Afghanistan” [40] асарида Афғонистон билан боғлиқ геополитик манфаатлар ва Толибоннинг ҳокимиятга даъвогар куч сифатида вужудга келиши, ташқи таъсир ва алоқалар, хусусан Покистоннинг бу борадаги ўрни ҳақида батафсил тўхталиш билан бирга, этник масалаларда пуштунларнинг ролига алоҳида эътибор қаратган. Унда Толибон эволюцияси, Марказий Осиё бирлашуви масаласи ва талаблари очиб берилган. Асарнинг иккинчи бобида Неъматуллоҳ Нужумий Толибон етакчиларининг баъзилари Деобандий ислом мактабининг Ҳанафий мазҳаби йўналишига содиқ эканликларини даъво

[39] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19.09.2017 куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидагинутқи.https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017

[40]Robert D. The Taliban and the Crisis of Afghanistan. Harward University Press 2009. –P. 107-108.

қилишса-да, уларнинг диний таълимотлари ҳатто Афғонистоннинг ўзидаги ёки хориждаги таниқли диний етакчилар, жумладан, бошқа Деобандий диний уламоларнинг ёки Қоҳиранинг ал-Азҳар университетидаги халқаро миқёсда ҳурматга сазовор муассаса уламолари томонидан маъқулланмаган. Гарчи Покистон мактабларнинг ўқув дастурлари афғон тизимидагига қараганда кенгроқ кўринсада, Покистон мактабларидаги таълимотларда Афғонистон тарихи, маданияти ёки иқтисодиёти, Афғонистонда этник ва диний бирликда яшашнинг аҳамияти ҳеч қачон тилга олинмаган[41].

Толибонга ҳайрихох томонларнинг ҳам позицияларини кузатиб бориш муҳим саналади, бу борада АҚШнинг United States Institute of Peace маркази томонидан берилган маълумотга кўра, Покистон, Хитой, Туркманистон ва Россия Толибон бошқарувидаги ҳукуматнинг мавжуд эканидан манфаатдорлиги ва интеграциянинг кузатилиши эҳтимоли юқори экани илмий асос ва фактлар билан далилланган ҳолда келтирилади[42]. Буларнинг асосий сабабларини эса геостратегик манфаатлар билан изоҳлаш мумкин.

Шунга қарамай аксари пуштунлардан иборат толибларни ҳокимиятга келишига кўмаклашган кучларнинг айнан пуштунларга қарши бошқа этник гуруҳларни ҳам қўлламоқда деган фикрга келиш мумкин. Сабаб сифатида назоратни қўлдан чиқармаслик учун “Бўлиб ташла ва ҳукумронлик қил” усулидан самарали фойдаланиш мақсадида муҳолиф томонни ҳам қўллаб қуватланаётганини таҳмин қилиш мумкин. Бунда диний омил афғон миллати менталитетида муҳим рол ўйнаши ҳисобга олинса, ташқи кучлар айнан шу томонга урғу бериши табиийдир.

Афғонистонда шу вақтгача асосан ислом байроғи остидаги партиялар кўзга кўринади, уларга: Афғонистон Ислом Партияси, Афғонистон Ислом Жамияти, Афғонистон Исломий Инқилоби Ҳаракати (АИИҲ), Афғонистонни Қутқариш Миллий Фронти, Афғонистон Миллий Исломий Фронти, Афғонистон Озодлиги Исломий Иттифоқи каби партияларни киритиш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, бу партиялар айниқса совет босқинчилигига қарши кураш учун диний омилни танлаган. Ва бунда ислом ва унга доир шиорлар фаол қўлланиши орқали аксарияти мусулмон бўлган Афғон жамоатчилигини ўзига тортган. Бироқ, умумий душман бартараф этилсада, миллий бирликни сақлаб бўлмади.

[41]Robert D. The Taliban and the Crisis of Afghanistan. Harward University Press 2009. –P. 107-108.
[42]United States Institute of Peace.Afghanistan-Pakistan Ties and Future Stability in AfghanistanNO. 175 | August 2021.Ҳавола:https://www.usip.org/sites/default/files/202108/pw_175afghanistan_pakistan_ties_and_future_stability_in_afghanistan.pdf

Афғонлараро миллий ярашув учун ҳаракатлар ўтган асрнинг оҳирги чорагидан буён давом этиб келмоқда ва қарийб ярим асрдан бери ечимини топмайди. Афғон можаросини сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш йўллари устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Амалий жиҳатдан 2010 йил май ойида Ҳамид Карзай ҳукумати Миллий ярашув дастури [43] доирасида Лоя Жирга чақирилди ва тинчлик музокараларини ташкил этиш учун янги тузилма – Олий Тинчлик Кенгашини ташкил этиш тавсияси илгари сурилди. Бу қуролли мухолифат билан ярашиш масаласининг аҳамиятини кўрсатар эди. Мамлакат Олий Тинчлик Кенгашининг Марказий Кенгаш аъзолигига барча вилоятлардан 70 нафар нуфузли сиёсатчилар қабул қилиниб ваколатхоналар ташкил этилди[44]. Бу инклюзив ҳукуматни шакиллантириш йўлидаги асосий қадамлардан эди. Бироқ бу ҳаракатлар ҳам ижобий натижалар берди деб бўлмайди. Афғонистон Олий Тинчлик Кенгаши раиси Бурҳониддин Раббоний 2011 йил сентябрда ўлдирилди. У толиблар вакиллари билан учрашув чоғида содир бўлган портлаш оқибатида ҳалок бўлган. Барак Обама, худкушлик ҳужумини қоралаб, Бурҳониддин Раббонийнинг ўлими “фожеавий йўқотиш” эканини айтган эди. Афғонистондаги лидерлардан бири доктор Абдулла Абдулла, “Жаноб Раббонийнинг ўлими бутун Афғонистон халқи учун катта йўқотиш” эканини айтиб, собиқ президентни “сўнгги нафасига қадар тинчлик учун курашган шахс”, деб таърифлаган эди. Бу воқеалар Афғонистонда миллий бирликнинг таъминланмаслигидан манфаатдор томонлар мавжуд эканини ва уларнинг фаол эканини исботлайди. 2014 йилги сайловда Ашраф Ғани Афғонистон президенти лавозимини қўлга киритди. Унинг давридаги ҳаракатларга ҳам қарамай, мамлакатда фуқаролар уруши сақланиб қолди. Сиёсий беқарорлик ва терроризмдан ташқари Афғонистон гиёҳванд модда етиштириш бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан бири ҳисобланарди. “Толибон” мамлакат ҳокимиятини 2021 йил август ойида эгаллагач, мамлакатни “наркотиклардан холи” қилишга ваъда берди[45]. Жаҳон банки берган маълумотга кўра, ноқонуний қорадори савдоси Афғонистон иқтисодиётида асосий ўринни эгаллашда давом этмоқда. Кўкнори иқтисодиётида 119 минг нафаргача афғон меҳнат қилади ва 2019 йилда ички истеъмол, ишлаб чиқариш ва опиат экспортидан олинган

[43] Afghanistan Peace and Reintegration Programme (APRP). United Nations Development Programme. 2010. URL: https://www.af.undp.org/content/afghanistan/en/home/projects/APRP.html
[44] Michelle Barsa. How to fix Afghanistan’s broken peace process // Foreign Policy. 9 July 2015. URL: https://foreignpolicy.com/2015/07/09/how-to-fix-afghanistans-broken-peace-process
[45] Талибы пообещали бороться с наркотиками в Афганистане. Коммерсант 17.08.2021: https://www.kommersant.ru/doc/4947301

даромад 1,2 млрд доллардан 2,1 млрд долларгача (ялпи ички маҳсулотнинг 7 фоизидан 11 фоизигача) баҳоланди [46] . БМТнинг наркотиклар бўйича Бошқармасининг Жаҳон ҳисоботига кўра, 2020 йилда кўкнори етиштириладиган майдонлар олдинги йилга нисбатан 24 фоизга ошиб, 295 минг гектарга етган. Бу ўсиш, асосан, Афғонистонда кўкнори етиштиришнинг 37 фоизга, яъни 163 минг гектардан 224 минг гектарга кўпайиши натижасида келиб чиққан[47].

Афғонистон Ислом Амирлиги олий раҳбари Ҳайбатуллоҳ Охундзоданинг буйруғига асосланиб, Билол Каримий Афғонистонда кўкнори етиштиришни таъқиқланиши ҳақида хабар берган эди. Бироқ мамлакатдаги вазиятнинг оғир иқтисодий ҳолатда экани ва қаршилик ҳаракатининг давомийлиги қонуннинг тўла амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳолати ачинарли ва муттасил очлик ҳамда етишмовчилик, коронавирус инфекциясидан ташқари оҳирги уч ой ичида вабо ва сил каби турли касалликларнинг ортиши халқ тинкасини қуритмоқда. Бундай вазиятда етакчи лидерларнинг мамлакат келажаги учун бирлашмаслиги, халқнинг эса тарқоқликка мойил диний раҳнамо ва лидерларга эргашиши вазиятни чигал ҳолда давом этишига олиб келади. Мавзу юзасидан изланишлар давомида маълум бўлдики, олимлар ўз тадқиқотларида ўзига хос ёндашувни намоён этади. Яъни айрим тадқиқотчилар Ислом динининг тарихи ва ривожланиш босқичларига урғуни қаратган бўлса, айримлари диний дипломатияни ечимга элтувчи йўл сифатида кўрсатишади. Бошқаларининг қарашлари геосиёсий томондан чегара муаммоларини ҳал этмай туриб миллий бирликка ҳам эришиб бўлмаслигини қатъий позицияда ҳимоя қилади.

ХУЛОСА

Афғонистон ичидаги турли қабила ва кучларни бирлаштириш, миллий ярашувга эришиш учун Ислом дини талаблари асосида ҳукумат бошқарувини ўрнатиш зарурат ҳисобланади. Қонун устуворлигини таъминлаш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиш мамлакат учун устунлик берса, бу устунликка ислом қонунчилигини ўрганишсиз эришиб бўлмайди. Ивент таҳлилларга таяниб хулоса чиқариш ва Амирлик билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш

[46] World Bank Group Afghanistan Development Update April 2021. Setting course to recovery. Ҳавола:https://thedocs.worldbank.org/en/doc/e406b6f24c2b7fdeb93b56c3116ed8f10310012021/original/Afghanistan-Development-Update-FINAL.pdf

[47] UN Reports Decrease in Opium Production in Afghanistan 26 JUNE 2020 - Edited: 27 June 2020. Ҳавола: https://tolonews.com/afghanistan/un-reports-decrease-opium-production-afghanistan

истиқболларини белгилаш учун аввало муҳим тайёргарлик сифатида ақлий марказларни бу жараёнларга кенг жалб этиш лозим. Шунингдек, Афғонистондаги зиддиятли вазиятни ўрганиб, барқарорликка эришиш ва можароларни ҳал қилиш воситаси сифатида диний омилнинг аҳамиятини белгилаб олиш ҳамда диний дипломатиядан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиб ички бирлашувни таъминлашда ислом динининг аҳамиятини очиб бериш ўринлидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19.09.2017 куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.
2. Robert D. The Taliban and the Crisis of Afghanistan. Harward University Press 2009. –P. 107-108.
3. United States Institute of Peace.Afghanistan-Pakistan Ties and Future Stability in Afghanistan NO. 175 | August 2021.
4. Afghanistan Peace and Reintegration Programme (APRP). United Nations Development Programme. 2010.
5. Michelle Barsa. How to fix Afghanistan’s broken peace process // Foreign Policy. 9 July 2015.
6. World Bank Group Afghanistan Development Update April 2021. Setting course to recovery.
7. Абдулҳаким Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари Тошкент ислом университети, Т.:2002. –256 б.
8. Бўронов С. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш жараёнларида Ўзбекистон геосиёсати. – Т.: “EFFECT-D”. 2021. –141 б.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

МЕХАНИЗМ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ НОСИТЕЛЕЙ ЗАРЯДА С ЗАРЯЖЕННОЙ ГРАНИЦА КРИСТАЛЛИТОВ В ПОЛИКРИСТАЛЛАХ МЕТОДОМ ИЗУЧЕНИЯ ПОПЕРЕЧНОГО ЭФФЕКТА НЕРНСТА-ЭТТИНГСГАУЗЕНА

М. Камолова
Ферганские государственные университет
muhabbatxonkamolova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В работе приведены механизм взаимодействия носителей заряда с заряженной граница кристаллитов в поликристаллах методом изучения поперечного эффекта нернста-эттингсгаузена. Исследование поперечного эффекта Нернста-Эттингсгаузена является мощным инструментом при определении механизмов рассеяния в полупроводниках и их зонных параметров.

***Ключевые слова**: полупроводник, площадь, инверси, поликристалл, концентрация, электрон, сопротивления, рассеяния, температура, подложки, кристаллит.*

ABSTRACT

The paper presents the mechanism of interaction of charge carriers with a charged crystallite boundary in polycrystals by studying the transverse Nernst-Ettingshausen effect. The study of the transverse Nernst-Ettingshausen effect is a powerful tool in determining the scattering mechanisms in semiconductors and their band parameters.

***Keywords:** semiconductor, area, inversion, polycrystal, concentration, electron, resistance, scattering, temperature, substrates, crystallite.*

ВВЕДЕНИЕ

Исследование поперечного эффекта Нернста-Эттингсгаузена является мощным инструментом при определении механизмов рассеяния в полупроводниках и их зонных параметров.

При одновременном изучении поперечного и продольного (термоэдс в сильном магнитном поле) эффекта Нернста-Эттингсгаузена, термоэдс и эффекта Холла с хорошей точностью можно разделить вклады различных механизмов рассеяния и установить температурную и энергетическую зависимости эффективной массы плотности состояний в зонах[1,2,3]. Кроме того часто эффект позволяет идентифицировать влияние граница кристаллитов в поликристаллах на перенос носителей заряда[4].

Объекта иследования использовались пленки *PbTe*, легированные висмутом, обеспечивающего изменение концентрации электронов в широком диапазоне от 10^{18} до $2\cdot10^{20}$см$^{-3}$. Легирование пленок производили введением шихту *PbTe* квазистехиометрического состава соединения *BiTe* в различном количестве. Шихту конденсировали на подложки из слюды(мусковит) и полиимидной ленты ПМ-2 по технологии. Пленки имели блочную или поликристаллическую структуру. Особенности получения таких пленок подробно описаны в[5].

ОБСУЖДЕНИЕ

При не очень больших концентрациях электронов параметр *Qe/к (Q*-коэффициент поперечного эффекта Нернста–Эттингсгаузена) имеет положительный знак, соответствующий рассеянию носителей заряда на акустических фононах, и с ростом концентрации электронов, измеренная посредством эффекта Холла, монотонно убывает. Когда концентрация электронов достигает n≥(3-4)$\cdot10^{19}$см$^{-3}$ *Q* инвертирует знак, что свидетельствует о смене механизма рассеяния – доминирующим становится рассеяния на ионизированных примесях. В области очень сильного легирования (n>10^{20}см$^{-3}$) *Q* вновь инвертирует знак с отрицательного на положительный. Экспериментальная зависимость поперечного эффекта Нернста-Эттингесгаузена графически отображена на рис.1. Там же переведена зависимость эффекта от количества легирующей примеси для случая, когда примесью случил атомарный. В этом случае повторной инверсии знака Q не наблюдалось. Это объясняется тем, что при легировании PbTe соединением BiTe и атомарным Bi конфигурация распределения примеси в PbTe различно, что связано с амфотерным действием примеси Bi в PbTe. Здесь уместно отметить, что смена знака *Q* также наблюдалась в пленках *PbTe* при глубоком легировании примесью иода [8-10]. Однако в таких пленках двойной инверсии знака Q не наблюдалось.

Что касается температурных зависимостей *Q*, то они претерпевают заметные изменения с ростом n. Если до инверсии знака *Q* $dQ/dT<0$, то после инверсии $dQ/dT\geq 0$.

Для обсуждения полученных результатов отметим, что в массивных образцах *PbTe<BiTe>* и *PbTe<I>* инверсии знака *Q* не наблюдается [9]. Сравнивая амплитуды *Q* до инверсии в массивных и пленочных образцах, можно наблюдать, что в пленках она существенно ниже.

РЕЗУЛЬТАТЫ

Объяснить полученные экспериментальные закономерности можно на основе представлений об электронной структуре граница кристаллитов в пленках, развитых в [2,3,4]. Согласно им, на Г3 в пленках локализованы акцепторные поверхностные состояния (ПС), энергетический уровень которых расположен в запрещенной зоне. Когда уровень Ферми удовлетворяет условию $E_F > E_S$, ПС заполняются электронами и, если концентрация ПС велика, заполнение происходит до «завязывания» уровня ПС с уровнем Ферми (с точностью до кТ). На граница кристаллитов возникает потенциальный барьер, при этом перенос электронов через него становится функцией прозрачности барьера. Если принять аддитивность вкладов носителей заряда в явления переноса в квазинейтральной области кристаллита и в области потенциального барьера граница кристаллитов, то очевидно, что в разных областях кристаллита кинетические коэффициенты формируют электроны с разными энергиями.

Из-за того, что электроны в разных областях пленки имеют отличающиеся энергии (в кристаллитах E_3)и на граница кристаллитов $E_{ГК}$, амплитуда эффекта при фононом механизме рассеяния в пленках будет меньше, чем в объемном монокристалле, что и наблюдается при умеренном легировании пленок. Согласно [12], для рассматриваемого нами случая, чем выше степень легирования пленок, тем большее количество электронов проводимости захватывается на ПС и мощность граница кристаллитов как заряженного рассеивающего центра увеличивается. Наряду с селекцией носителей по энергии заряженная «стенка» граница кристаллитов становится рассеивающим центром. На языке прозрачности потенциального барьера влияние D(E) на токоперенос доминирует над рассеянием на фононах. Изменение механизма рассеяния с фононного на рассеяние ионизированными центрами(отрицательно заряженными дислокациями на граница кристаллитов), приводит к инверсии знака Q, как это предсказывает теория [6].




Рис. 1. Зависимости поперечного эффекта Нернста-Эттингсгаузена в пленках PbTe от количества легирующей добавки в исходной шихте: 1- PbTe<Bi>, 2-PbTe<BiTe>.

Таким образом, с физической точки зрения взаимодействие носителей заряда с заряженными граница кристаллитов можно рассматривать как рассеяние на коллективных ионизирующих центрах на граница кристаллитов. Что касается повторной инверсии знака эффекта в пленках *PbTe <BiTe>*, здесь уместно следующее объяснение. Несмотря на то, что концентрация ПС на граница кристаллитов достаточно велика, при очень сильном легировании они полностью заполняются и не следуют за уровнем Ферми. При этом электроны, формирующие эффект Нернста-Эттингсгаузена на уровне Ферми перестают «чувствовать» потенциальный барьер, перемещаясь во внешнем поле над ним. Механизм рассеяния вновь становится преимущественно фононным, во второй раз инвентируя знак *Q*.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Поведение кинетических коэффициентов в сильнолегированных пленках при изменении температуры, а также существенное снижение холловской подвижности с ростом *n*, по-видимому, связано с включением в процесс рассеяния электрон-электронного взаимодействия. Кроме того, нельзя исключать вклад в явления переноса примесных зон, которые образуются при сильном легировании полупроводников с высокой статической диэлектрической проницаемостью [15].

В работах [14-18] обнаружена сильное влияние состояния поверхности на характеристики исследованной МДП-структуры, позволяющее считат, что

значительное число релаксацинных особенностей в полуизолирующих тонких пленок PbZnTe:In определяется поверхностными состояниями.

REFERENCES

1. Гольцман Б.М., Дашевский З. М., Кайданов и др. Пленочные термоэлементы: физика и применение // М.: Наука, 1985. - 236 с.
2. Зайнолобидинова, С. М. (2017). ИДЕНТИФИКАЦИЯ ВКЛАДА ГРАНИЦ ЗЕРЕН В ТОКОПЕРЕНОС В ПОЛИКРИСТАЛЛИЧЕСКИХ ПЛЕНКАХ ПОЛУПРОВОДНИКОВ. *Интеграция наук*, (2), 16-17.
3. Atakulov, S. B., Zaynolobidinova, S. M., Nabiev, G. A., Nabiyev, M. B., & Yuldashev, A. A. (2013). Theory of transport phenomena in polycrystalline lead chalcogenide films. Mobility. Nondegenerate statistics. *Semiconductors*, *47*(7), 879-883.
4. Цидильковский И.М. Термомагнитные явления в полупроводниках. // М.: Физматгиз, 1960. -396 с
5. Атакулов Ш.Б., Отажонов С.М. и др. Термоэлектрическая эффективность пленок теллурида свинца при легировании элементами V группы// Физическая инженерия поверхности, 2009-№ 1-2(7)-С.119-122.
6. Ушаков В.В., Клевков Ю.В. Влияние межзеренных границ раздела на свойства теллурида кадмия, полученного в неравновесных условиях// ФТП, 2003, N11(37)- С.1298-1302
7. Зайнолобидинова, С. М., & Хамракулова, М. (2017). МОДЕЛЬ И ОСОБЕННОСТИ РАСЧЕТА ВЫСОТЫ БАРЬЕРА НА ГРАНИЦА ЗЕРЕН. In *Успехи науки 2017* (pp. 12-15).
8. Atakulov, S. B., Zaynolobidinova, S. M., Otajonov, S. M., & Tukhtamatov, O. A. (2011). The penetrability of potential barrier on grain boundaries in semiconductor polycrystals. *Uzbekiston Fizika Zhurnali*, *13*(5), 334-340.
9. Клевков Ю.В., Колосов С.А., Плотников А.Ф.. Транспорт носителей заряда в отожженных крупно- и мелкозернистых поликристаллах CdTe// ФТП, 2006, N9(40).- С. 1028-1032.
10. Атакулов Ш.Б., Коканбаев И.М. Термические и радиационно-стимулированные процессы в поликристаллических пленках халькогенидов свинца. -Ташкент: // Фан,1992. - 96с.
11. Kamolova, M. M., & Usmonov, I. M. (2022). INVESTIGATION OF PHOTOELECTRIC PROPERTIES OF THIN FILMS BASED ON CDTE. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, *1*(5), 241-244.

12. Собиров, М. М. (2021). ИЗМЕРЕНИЕ ПОЛЯРИЗАЦИЯ СВЕТА В ЧИСТОЙ АТМОСФЕРЕ.// *EDITOR COORDINATOR*, 308.

13. Зайнолобидинова, С. М., & Тўйчиева, М. К. (2022). ПОЛИКРИСТАЛЛ СТРУКТУРАЛИ МАТЕРИАЛЛАРДА ЧЕГАРА СОҲАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОНЛАРНИНГ КЎЧИРИЛИШИГА ТАЪСИРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(5), 372-374.

14. Egamberdiyevich, O. K., Malikovna, Z. S., Ugli, X. M. B., & Abdusattor-Ugli, E. E. (2021). Used for effect interpretation abnormal photo voltage. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, *11*(2), 783-786.

15. Атакулов Ш.Б., Набиев М.Б. и др. Особенности легирования пленок, PbTe элементами V группы//Узб. физ. журнал, 2007.-№ 4(9).-С.247-251.

16. Акимов А.Н., Климов А.Э., Самойлов А.М., Шумский В.Н. и др.Конденсированные среди и межфазниые граници: 15(4), 375 (2013).

17. SB Atakulov, AA Yuldashev, SM Zaynolobidinova Influence of scattering by potential barriers of crystallite boundaries on forming kinetic coefficients in semiconductor polycrystals. Nondegenerate statistics// Uzbekiston Fizika Zhurnali 14 (4), 227-233

18. SB Atakulov, SM Zaynolobidinova, GA Nabiev, SM Otajonov On the theory of anomalous photoelectric and photomagnetic effects in semiconductor films// Uzbekiston Fizika Zhurnali 13 (4), 255-260

СУҒОРИШ ТИЗИМИДАГИ ИЧКИ КАНАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

М.Ҳ. Хуррамов
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети
ГИМ кафедраси ассистенти

АННОТАЦИЯ

Республикамизда мавжуд суғориш тармоқларини асосий қисмини грунт ўзанли каналлар ташкил қилади. Суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,5-0,6 атрофида бўлиб, улардан фойдаланиш жараёнида катта миқдорда сувларнинг шимилиб йўқотилиш оқибатида ер ости сувлари сатҳларининг кўтаришига сабаб бўлмоқда. Мавзунинг долзарблиги шундаки ирригация тизимидан сув шимилишига қарши қопламалар ҳосил қилишнинг янги усуллари ва материалларини яратиш ва ўрганиш сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг асосий масаласидир. Каналларда сув шимилишига қарши янги, арзон ва ирригация тизимининг ўзига мавжуд материаллардан фойдаланиб қоплама ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш давр талаби саналади.

Калит сўзлар: *бентонит, сув, техналогия, инъекция, грунт, сув тежамкор, филтрация коэффициенти, сув сарфи, бетонли, бентонит, гилли, полимер материал, грунт ичидан, намлик, сизилиш тезлиги.*

ABSTRACT

The main part of existing irrigation networks in our republic is made up of underground channels. The average useful efficiency of irrigation networks is around 0.5-0.6, and during their use, a large amount of water is lost due to seepage, which causes the rise of underground water levels. The relevance of the topic is that the creation and study of new methods and materials for creating anti-water absorption coatings from the irrigation system is the main issue of rational use of water resources. Development of a new, cheap and irrigation system coating technology using available materials against water absorption in canals is considered a demand of the times.

Key words: *bentonite, water, technology, injection, soil, water saving, filtration coefficient, water consumption, concrete, bentonite, clay, polymer material, from soil, moisture, seepage rate.*

АННОТАЦИЯ

Основную часть существующих оросительных сетей в нашей республике составляют подземные каналы. Средний полезный КПД оросительных сетей

составляет около 0,5-0,6, и при их использовании большое количество воды теряется из-за просачивания, что вызывает подъем уровня грунтовых вод. Актуальность темы заключается в том, что создание и исследование новых методов и материалов для создания водопоглощающих покрытий из системы орошения является основным вопросом рационального использования водных ресурсов. Велением времени считается разработка новой, дешевой технологии покрытия оросительных систем с использованием доступных материалов против водопоглощения в каналах.

Ключевые слова: *бентонит, вода, технология, закачка, грунт, водосбережение, коэффициент фильтрации, водопотребление, бетон, бентонит, глина, полимерный материал, из грунта, влага, скорость просачивания.*

КИРИШ

Бугунги кунда Республикамизда сув хўжалиги соҳасига жуда катта эътибор берилмоқда, бунинг асосий сабаблари истемолчиларни керакли миқдорда сув билан таъминлаш. Ўзбекистон Ресубликаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ҳам бу соҳа вакилларига сувдан самарали фойдаланиш ва сув тежамкор техналогияларни кенг жорий этиш вазифасини юклади.

Ўтказилган тадқиқот ишимизнинг асосий мақсади Президентимизнинг Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгилаб берилган суғориш тизимларидан фойдаланиш коэффициентини 0,63 дан 0,73 га кўтаришга хизмат қилади.

Муаммонинг қўйилиши. Республикада барпо қилинган аксарият сув хўжалиги инфратузилма объектларининг хизмат кўрсатиш муддати 50-60 йилдан ортиб, уларнинг техник ҳолати йилдан- йилга ёмонлашмоқда. Натижада ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти ўртача 0,63, бир қатор худудларда эса, ундан ҳам паст бўлиб, асоссий манбалардан олинадиган сувнинг 35-40 фоизи суғориш тармоқларида йўқотилмоқда [2].

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МИСОЛЛАР

Суғориш тизимларида сув сизишига қарши материалларни ўрганиб чиқиб биз бентонитни грунт ичига инъекция қилиш орқали сув сизилишини камайтиришни экспериментдан ўтказдик. Бентонит сув билан аралаштирилган кейин ҳосил бўлган эритма структуравий элементларни ўраб турган грунт ичидан инъекция қилиш йўли билан киритилади. Тахминан 16 соатдан кейин

сув ўтказмайдиган изоляция қатлами ҳосил бўлади. Бентонитли аралашма фаол изоляция бўлиб, ўз-ўзидан сиқилиш қобилиятига ҳам эга.

Бу ерда шуни таъкидлаш ўринлики бентонитнинг кўп миқдордаги заҳираси Навбахор конида мавжуд (Навоий вилоятида) (1-жадвал), яъни таклиф этилаётган материалнинг компонентлари маҳаллий хомашёлар ҳисобанади [3].

Бентонит аралашмаси сув ўтказмайдиган бентонит гили миқдори сезиларли даражада 50 кг/м³ дан камроқ, лекин истисно сифатида 140 кг/м³ ҳолатлар мавжуд бўлиб, Бромбах тўғон учун (Германия) 100 кг/м³ тоза гилдан фойдаланилган, Верней (Франция) тўғонида эса 117 кг/м³ гил ишлатилган[4].

Сув сизилишига қарши материал сифатида ўрганилаётган бентонитнинг хусусиятлари:

Кимёвий таркиби- $Si_8AI_4O_{20}(OH)_4 \times nH_2O$

Бентонитдан фойдаланишимиздан олдин унинг таркиби физик хусусиятлари ўрганиш мақсадида лабороторияда текшириб сув шимилиши қандай ва ўзгаришини аниқлаб олдик.

Тажрибалар шуни кўрсатадики цилиндрсимон қурилмадаги сувнинг босими ошиб кетган вақтда бентонит аралашмаси қумнинг тешиклари тамон харакатланар экан [5].

4-расм. Бентонитнинг лаборатория шароитида сув шимилиши ўрганилгандаги кўринишлари



4 а расм. *Бентонитнинг табиий пресланган ҳолати*



4 б расм. *Бентонитнинг максимал сув ютиш қиймати*




4 д расм. *Бентонитнинг максимал сув ютган ҳолати*



4 е расм. *Бентонитнинг қуруқ ва сув ютган ҳолатлари*

Бентонитнинг пресланган табиий қуруқ ҳолатига сув бериш орқали сувнинг шимилиши натижасида ҳажмнинг ўзгари аниқланди ва натижалар таққосланиб қуйидаги жадвал ва график кўришга келтирилди.

	Бентонит	$m_{(сув)}$ грамм	$V_{(бентонит)}$ $см^3$	η (кенгайиш коэффициенти)
	$Si_8Al_4O_{20}(OH)_4 \times nH_2O$ (7 грам намунада)	0.1	2.453125	0
		0.2	2.453126	0
		0.3	2.453128	0
		0.4	2.453135	0
		0.5	2.6984375	0.1
		0.6	2.72296875	0.11
		0.7	2.7475	0.12
		0.8	2.77203125	0.13
		0.9	2.82109375	0.15
0		1.0	3.1890625	0.30
1		1.5	3.31171875	0.35
2		2.0	3.3853125	0.38
3		2.5	3.434375	0.40
4		3.0	3.55703125	0.45
5		3.5	3.6796875	0.50



1-жадвал.Бентонитнинг қурик ҳолатдан $m_{(сув)}$ грамм сувнинг шимилиши орқали ҳажмнинг ўзгариши


5-расм.Бентонитнинг сув шимиши натижасида ҳажм ўзгариши графиги.

Экспериментни ўтказишимиз учун аввало юқорида характеристикалари кўрсатилган бентонитдан намуна сифатида фойдаланиш учун 50кг, 20 кг

тупроқ, асбоб ускуналар, ўлчаш воситалари ҳамда бир хил миқдорда хар бир объект учун 180 $см^3$ сув керак бўлди.

Кичик тадқиқот ишимизни ўтказишимиз учун учта бир хил ўлчамдаги канални тайёрлаб олишимиз керак. Биринчи вариантда бетонли канал, иккинчи вариант ананавий грунтли канал бўлса учунчи вариант эса бентонитли каналда экспериментни ўтказамиз.






6-расм. Бетонли каналнинг эксперимент кўриниши.

Бетонли каналда сувнинг сизилиши вақт, сувнинг чуқурлиги, ҳаво намлиги ва ҳаво хароратига боғлиқлик графиги.






7-расм. Грунтли каналда сувнинг сизилиши вақт бўйича рақамларда

Грунтли каналда сувнинг сизилиши вақт, сувнинг чуқурлиги, ҳаво намлиги ва ҳаво хароратига боғлиқлик графиги.

Суғориш тизимларида хўжаликлараро ички грунтли каналлар 77% ни ташкил қилади. Экспериментимизнинг ичида энг кўп сув сизилиш кузатилган вариант ҳам айнан грунт ўзанли канал.





8-расм. Бентонитли каналда сувнинг сизилиши вақт бўйича рақамларда Бентонитли каналда сувнинг сизилиши вақт, сувнинг чуқурлиги, ҳаво намлиги ва ҳаво хароратига боғлиқлик графиги.

Бентонитлида кутилган натижа диярли биз кутгандек бўлди грнтлига нисбатан анча сув сизиши камлиги билан яхши натижага эришдик.

Бундай ҳолатда филтрлаш коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади

$$K = \frac{Wl}{hFT},$$

бу ерда: *W*- сувнинг ҳажми, см^3; *l* – тупроқ қатламининг баландлигига тенг филтрлаш йўлининг узунлиги, см; *h*- босим, см; *F*- намунининг юзаси, см^2; *T* – филтрлаш давомийлиги, с.

ёки

$$K_{10} = [\varphi(\frac{S}{H_0})t]\cdot\frac{A}{A_k}\cdot\frac{h}{T_0}\cdot 864$$

бу ерда S- пезометрдаги сув сатҳининг дастлабки даражадан ҳисобланишдаги кзатилган пасайиши, см; H_0- дастлабки баландлик, см; $\varphi(S/H_0)$- ўлчамсиз коэффициент; t- сув сатҳининг тушиш вақти, с; A_p- пезометрнинг кўндаланг юзаси, см^2; Ак- каналнинг юзаси, см^2; h- тупроқ намунасининг баландлиги, каналнинг баландлигига тенг, см; T_0= (0,7+0,03T_f) филтрлаш коэффициенти қиймати 10^0 ҳароратда сув филтрлаш шартларига келтириш учун ўзгартириш, бу ерда: T_f – тажриба вақтидаги сувнинг ҳақақий ҳарорати, C^0; 864- конвертация коэффициенти (см/с дан м/кунгача) [6,7].

ХУЛОСА

Ирригация каналларидан сув сизилишига қарши материалларни тадбиқ этиш учун:

- Суғориш тизимларидаги ички каналларининг ФИК ларини ошириш;
- Хўжаликлараро ички каналлардан ФИК ошириш мақсадида сув сизилишига қарши янги материаллардан фойдаланиш;
- Сув тежамкор технологияларни кенг жорий этиш;
- Грунт ўзанли каналлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш.

Ирригация каналларидан сув сизилишига қарши материалларни тадбиқ этишда хориж тажрибаларини ўрганиб маҳаллий ички каналларимизда қўллай бошлаш орқали суғориш тизимларидан фойдалиш коэффициентини оширишимиз мумкин. Бундан материаллар кўп лекин биз энг мақбулини танлаб олишимизда кўплаб экспериментлар ўтказиб энг оптималини танлаб олишимиз керак бўлади. Масалан бентонитнинг хусусияти яхши сув сизилишига қарши фойдаланишимиз мумкин эканлиги юқоридаги тадқиқот натижаларида кўриниб турипти.

Тавсия этганимиздек бентонитни қўллаш орқали ички каналлардан фойдаланиш кўрсатгичини яхшилаш билан бир вақтда иқтисодий тежамкорликга эришилади. Бетонли каналлар ҳам яхши лекин битта камчиллиги бор лойқа чўкиндиларни тозалашда экскаваторнинг тиши синиши устига каналнинг юзасига дарз кетиши натижасида кўплаб ноқулай муаммоларга дуч келинмокда. Бентонитли каналда эса бунақа муаммолар бўлмайди ва иқтисодий тарафдан бетонлига қараганда анча арзон ҳамда тозалашда қулай муҳит пайдо бўлади сабаби бентонитнинг эластиклиги ва грунт қатламидан камида 10 см пастда жойлаши тозалашда экскаваторнинг тиши дарз кетишини олдини олиб яхши ишлаши учун шароит яратиб иш унумдорлигини оширишга ҳизмат қилади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси
2. Хамидов М.Х., Бегматов И.А., Глобал иқлим ўзгариши ва суғорма деҳқончилик. – Тошкент: Ирригация ва мелиорация журнали, 2022. -№1(27).

3. Мухиддинов Б.Ф., Рузиев Д.У., Новые каталит ические системы на основе местного бентонита для парофазной гидратации ацетилена. Республиканской научно- технической конференции 2011й. Б-182-183.
4. Косимов Т.О., Юлдошев М.А., Табиий ва маҳаллий хом-ашё бентонитдан турли соҳаларда фойдаланиш имкониятлари. ТИҚХММИ “Қишлоқ ва сув хўжалигининг муаммолари- 18. Тошкент-2019. Б-558-559.
5. Арифжанов А.М., Жураев Ш.Ш., Исследование водопроницаемости бентонита. Science and world. 2019. №4 (68) Б-33-34.
6. Осипова М.А. Инженерная геология в коломенский спициалъная геология М.А. Осипова-М. УДН, 2019. Б-115.
7. Павчин М.П., Методы определения коэффициента филътрации грунтов / М.П. Павчин Б.И., Балыков.-М. Энергетика, Б-115.

QOVUNNI FUZARIOZ SO‘LISHI KASALLIKLARI VA ULARGA QARSHI KURASHNING ZAMONAVIY CHORALARI

Nurmatova Ma’mura Oxunjonovna
Farg'ona viloyati, Buvayda tumani
45- umumiy o‘rta ta'lim maktabida o‘qituvchi

ANNOTATSIYA

Maqolada O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi sharoitida qovun fuzarioz so‘lishi kasalliklariga qarshi kurashning zamonaviy choralari o‘rganish natijasida shaxsiy uchastkalarda qovun yetishtirish jarayonlarida ko‘plab bog‘bonlar o‘simlikka turli infektsiyalar bilan zarar etkazish muammosiga tez-tez duch kelishi aniqlangan. Qovunning kasalliklari va zararkunandalari nafaqat o‘sishni ta’sir qilishi, balki hosildorlikning pasayishiga olib kelishi, bundan tashqari hosilning o‘limiga olib kelishi mumkinligi aniqlangan.

Kalit so‘zlar: *qishloq xo‘jaligi, qovun, fuzarioz, o‘simlik infektsiyasi, urug‘lik, zararkunandalari, ekin va ozuqa.*

АННОТАЦИЯ

В статье в результате изучения современных мер борьбы с болезнями фузариозного увядания бахчевых культур в агроусловиях Республики Узбекистан установлено, что многие садоводы часто сталкиваются с проблемой поражения растения различными инфекциями в процессе выращивания дынь на приусадебных участках. Установлено, что болезни и вредители бахчевых культур не только влияют на рост, но и вызывают снижение урожайности, а также могут привести к гибели урожая.

Ключевые слова: *земледелие, бахчевые культуры, фузариоз, заражение растений, семена, вредители, урожай и корма.*

KIRISH

O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi shaxsiy uchastkalarda fuzarioz so‘lish nafaqat qovunda balki boshqa shirali ekinlarning asosan rivojlanishi va pisha boshlash jarayonlari paytida ko‘plab uchrashi kuzatilgan. Ilmiy-tadqiqot ishi o‘rganilishi asnosida qovun va boshqa o‘simlikning pastki yarusdagi barglarida sarg‘ish, so‘ngra qo‘ng‘ir tus oluvchi dog‘lar paydo bo‘lishi va ular yuqori yarus barglariga o‘tishi o‘rgangan. Palaklardan biri yoki bir nechtasi, so‘ngra butun o‘simlik so‘lishi kuzatilgan (1-rasm.).

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7



1-rasm. Qovunni fuzarioz so‘lishi kasalliklarining boshlanishi, qisman qamrovi va to‘liq qamrov jarayonining ko‘rinishlari.


Fusarium oxysporum f.s.p.melonis gifomitset zamburug‘i O‘rta osiyo davlatlaridan O‘zbekiston, Turkmaniston, Qirg‘iziston va asosan janubiy Qozog‘istonda qovun yetishtirishda eng katta zarar keltiradigan va soha rivojlanishiga to‘siq bo‘lib kelayotgan ikkita zamburug‘ kasalliklari mavjud, ular un-shudring va fuzarioz so‘lishdir.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Fuzarioz so‘lish bilan qovun barcha o‘sish va yetilib rivojlanish bosqich-fazalarida zararlanadi. Yosh yetilayotgan qovun urug‘barglari, poyasi va ildiz bo‘g‘zida qaynoq suvga kuyganga o‘xshash, rangsiz, so‘ngra qo‘ng‘ir tus oluvchi dog‘lar rivojlanadi, ular chiriydi va yosh yetilayotgan qovun qurib qoladi, ekin siyrak bo‘lib qoladi. Ertapishar navlar yosh yetilayotgan qovunlarining 40-85 foizi nobud bo‘lgani O‘zbekistonda qayd etilga (Gerbanevskaya, 1958).

Ilmiy-tadqiqot ishi zamirida shaxsiy uchastkada qovun etishtirish jarayonlarida qovun fuzarioz so‘lishini Fusarium oxysporum f.s.p.melonis gifomitset zamburug‘i qo‘zg‘atilishi aniqlangan.

Qovun kasalliklari nafaqat ochiq dala sharoitida balki yopiq issiqxonalarda ham ta‘sir qilishi aniqlandi (2-rasm).



2-rasm. Issiqxonalarda aniqlangan Fusarium oxysporum f.s.p.melonis gifomitset zamburug‘i qovun kasalliklari

Fusariumning kasalliginig ikki bosqichda paydo bo‘lishi mumkin: 2-3 barg hosil bo‘lganda yoki hosilni shakllantirish bosqichida.

Fusarium so‘lishining halokatli oqibatlari barglarning asta-sekin so‘lishi, ularning yuzasi yengil bo‘lib, keyin kulrang dog‘lar paydo bo‘ladi. Taxminan 7-10 kundan keyin zararlangan o‘simlik qismlari o‘ladi.

Kasalliklarning ta’siri natijasida qovun yomon rivojlanadi va hatto butunlay o‘lishi mumkin, shuning uchun har bir bog‘bon turli infektsiyalarning alomatlarini aniqlashni va tegishli chora-tadbirlarni ko‘rishni o‘rganishi kerak.



3-rasm. Qovunni fuzarioz so‘lishi kasalliklarining oqibatlari

Kukunli chiriyotgan ko‘rib chiqilayotgan kasallikning asosiy belgilari - barglari yuzasida kichik oq dog‘lar paydo bo‘lishi. Bu dog‘lar sochilgan unga o‘xshaydi. Biroz vaqt o‘tgach, dog‘lar butun bargni qoplaydi, u jigarrang va mo‘rt bo‘lib qoladi va tez orada quriydi (3-rasm).

Ushbu kasallikka qarshi kurash choralari sifatida birinchi navbatda kin yerlarida ekiladigan ekin turini almashilib ekishga rioya qilish.

O‘rim-yig‘imdan keyin poliz ekinlarining begona o‘tlar va organik qoldiqlarini yo‘q qilish. Profilaktik chora-tadbirlari doirasida maxsus moddalar yordamida amalga oshirilishi mumkin. 80% konsentratsiyali oltingugurt kukuni shulardan biri hisoblanadi. Ushbu modda har 10 kunda bir kvadrat metr maydon uchun 4 gramm miqdorida to‘shaklarga tarqaladi. Profilaktik chora-tadbirlarning oxirgi davolash kutilgan yig‘im-terim vaqtidan kamida uch hafta oldin amalga oshirilishi kerak.

Bizga ma’lumki Respublikamiz hududida 1958 yili poliz ekin kaslliklarini o‘rganuvchi olim Gerbanevskaya tomonidan aniqlangan bo‘lib, bu kasallikka qarshi kurashish chora tadbiri sifatida 1961 yili poliz ekin kaslliklarini o‘rganuvchi olimlari Gerasimov va Osnitskaya tomonida aynan O‘zbekistonda ekinda superfosfatning 5% lieritmasini 3 marta (ekin 4-10 barg chiqarganda, gullash-meva tugish paytida hamda menalar pisha boshlaganda) purkash kasallikka qarshi yaxshi natija berganligi boyiz tavsiya qilinga.

XULOSA

В данной статье анализируются актуальные вопросы современной социологии: воспитание молодёжи, роль ценностей и нациальных традиций в обществе, повышение активности женьщин и девушек, роль пожилых людей в семейном воспитании. При этом были проанализированы задачи общественных наук в создании основ ренессанса.

Ключевые слова: *духовно – просветительские наследие, общесвенное настроение, верность идеям ноаого Узбекистана, национальный рост, образовательные модели, диолог с народом.*

КИРИШ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижалари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва унинг жаҳондаги нуфузини таъминлашнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш имконини берди. «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» дастурий ғоя асосида Ватанимиз тараққиёти ва жаҳондаги нуфузини янада юксалтиришда таълим ва илм–фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратишда ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар мамлакат мафкурасининг

илмий-назарий асосларини яратиш, ўзликни англаш, ҳуқуқий маданият ва халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йилни «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили», деб номланиши мамлакатимизда таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ҳамда янги, замонавий босқичга кўтариш устувор вазифалар саналади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида бажарилган тадқиқотлар буюк аждодларимиз яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини келгуси авлодларга ёдгорлик сифатида қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиб, фуқаролар, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ҳамда Янги Ўзбекистон ғояларига садоқат туйғуларини сингдиришга асос бўлади.

Бугунги кунда социология йўналишида олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, ёшлар дунёқарашида анъаналарни сақлаб қолиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини, ёшларнинг таълим ва тарбияси самарадорлигини ошириш, оила ва болаларни ижтимоий ҳимоясига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини такомиллаштириш имконини бермоқда.

Ёшларда янги дунёқарашни шарқ цивилизацияси модели асосида ҳалоллик ва садоқатлилик призмаси орқали шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу ёшлар дунёқарашида анъаналарни сақлаб қолиш ва уларни дунё замонавий элементлари билан бойитиш зарурат ҳисобланади. Маълумки, Форобий ўзининг фозил жамоасида одамларни турли белгиларга қараб гуруҳларга бўлади. Кишиларнинг диний мазҳабига, миллатига, ирқига қараб эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, аввало ақлий иқтидорига ҳамда илмларни ўрганиш, ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва

кўникмаларига катта аҳамият беради. Бугун ёшларимизни қобилиятларини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир халқнинг тарихан таркиб топган ўзига хос урф-одат ва анъаналари эъзозланиб, аждодлардан авлодларга мерос қолади. Шу тариқа аждодлар анъаналарини давом эттириб, уларнинг барқарорлигини таъминлайди. **Ижтимоий тарбиявий аҳамиятга молик одат ва маросимлар асрлар давомида жамоатчиликнинг кексалари бошқарувида бўлган**. Ҳар қандай давлат ўз миллати, халқини мукаммаллаштириш мақсадида халқчил, инсонпарвар одат ва анъаналарни қўллаб-қувватлаб келган. Шу жумладан, ўзбек миллатига хос анъана ва урф-одатлар ҳам тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлиб, халқнинг яшаш шароити, муҳити натижасида вужудга келган.

Маълумки, аждодлар меросида кекса ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Ёш авлод бу бой меросдан тўла баҳраманд бўлиши учун, аввало, кексаларни ҳурмат қилишлари, қадрлашлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари, ўз фарзандлик бурчларини бажаришлари лозим. Бу меросни ёш авлодга етказиш, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ота-она, катта ёшдаги кишиларнинг намунали ҳаёти, тарбиявий ишлари, панд-насиҳатлари катта аҳамиятга эга.

Авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда юксак маданият, одоб ҳам зарур. Инсонпарварлик барча халқларга хос бўлган меҳр-мурувватдир. Бу фазилат ижтимоий ҳаётни юксак даражага кўтариш, жамият аъзолари фаровонлигини оширишдан иборат. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида меҳр-мурувват, одамгарчилик шундай маънавий ҳодисаки, уни ҳеч қачон моддий бойликлар билан солиштириб бўлмайди. Бу ҳақда буюк немис файласуфи Гегель «Мен ўзимнинг диалектика ҳақидаги таълимотимни Жалолиддин Румийга суяниб яратдим»[1], деб эътироф этган. Бундан хулоса шуки, ҳозирда Ғарбда ҳам авлодлараро муносабатлар масаласи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Дарҳақиқат, Шарқ халқлари ҳаёти оилавий турмуш тарзига асосланган. Оила, оилавий муносабатлар ижтимоий ишлаб чиқариш ва мафкуравий-сиёсий тузумга боғлиқ бўлса-да, оиланинг анъанавий асосий урф-одатлари кўп асрлардан бери аждодлардан авлодларга ўтиб келади. Аммо анъана ҳамда маросимларнинг мустаҳкамлиги ва давомийлиги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бир хил бўлмаган. Ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий

[1] Гегель. Сочинение. Т.6.-М, -Л., 1939. -С.210.

омилларнинг асосий хусусиятига қараб, оила ҳамда оилавий муносабатлар шакллари ривожланиб, ўзгариб борган. Шу ўринда, оилада турли ёшдаги авлодлараро юз берадиган ижтимоий муносабатларни ҳисобга олиш муҳимдир. Зеро, оилавий бирлик махсус ва шу билан бирга, мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборатдир. Айниқса, фарзанд, ота-она ҳамда қариялар ўртасидаги ўзаро муносабатлар турли вазиятда турлича кечади. Оиладаги муносабатларнинг барча учун мақбул бўлиши қарияларнинг оғир-вазмин, мулоҳазали, одилона қарорига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий “Падаркуш” драмасида ўз қадрияти, ўзлигини унутган фарзанд, ҳатто, отасининг қотилига айланиши ҳам мумкинлигини айтиб ўтган. Агар қадрият, маънавият, маърифат йўқолиб борса, бундай ҳолатга бутун миллат учраши мумкин[2]. Этномаданий анъаналарнинг сақланиши ва уларга амал қилиниши ҳозирда ҳам оилавий муносабатларда намоён бўлмоқда. Бундай оилаларда ёшлар ижтимоий ва оилавий ҳаёт тажрибасини мерос қилиб олади. Анъана, одат ва маросимлар оила орқали шахснинг камол топиши ва шаклланишида қудратли восита бўлиб, унинг ижтимоий барқарорлилигини таъминлайди. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, уч ва ундан кўп авлод бирга яшаётган оилаларда этномаданий анъаналар анча мустаҳкам сақланади.

Шуни айтиш лозимки, ўзбек оилаларида Шарқ маданиятига хос ижтимоий ва этномаданий хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Чунки, мусулмон мамлакатларида оилада ота-она, фарзанд, эр-хотин ва бошқалар ўртасидаги муносабатда ахлоқий бурч муаммолари ҳамда ахлоқ нормаларига алоҳида эътибор берилади.

Дунё миқёсида 4 та таълим тарбия модели мавжуд. Жумладан, биринчиси, *Орзуни амалга ошириш (АҚШ модели)*, иккинчиси, *миллат характерини шакллантирувчи ахлоқий тарбия (Япония модели), учинчиси, Конфуцийлик (Хитой модели): унда 5 та асосий устувор тамойиллар мавжуд (тўғрилик, яхшилик, поклик, донолик, ишонч), тўртинчидан, Миллий ғояни ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеаллар орқали сингдириш (Жанубий Корея модели).* Ушбу моделларни бир биридан ажратиб бўлмайди, чунки улар бир бирини тўлдирувчи моделлар ҳисобланади. Қуйида биз ушбу моделлар бизнинг миллий ўзбек таълим-тарбия моделига қанчалик мос келишини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Жумладан, оила ҳозир мавжуд бўлган ахлоқ меъёрларининг энг қадимийси ва энг муҳими ҳисобланади. Оила фақат эр ва хотин ўртасидаги

[2] Беҳбудий Маҳмудхўжа. Падаркуш. -Т., Маънавият, 1999.-Б.-39-50.

муносабатни ифодалаб қолмай, балки фарзандларнинг етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезонидир. Зеро, маънан бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дастлаб оилада амалга оширилади. Инсонга бир умр ҳамроҳ бўладиган инсоний фазилатлар – тўғрилик, эзгулик, яхшилик, поклик, илм олиш, донолик, яратувчанлик, фидоийлик, садоқат, мардлик оиладан бошланади (*Хитой модели*).

Ўзбекона оила ўз анъана ва тарихига биноан фарзандларини миллий фаросат ва нафосат сарчашмаларидан баҳраманд қилиб тарбиялайди. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги асосий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, муомала маданиятидаги назокат, меҳр-оқибатлилик, меҳмондўстлик, иймонлилик, эътиқодлилик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар ўзбекона миллий оилада шаклланади. Оила ёшларни ахлоқ-одобли, ростгўй, меҳнатсевар, ҳалол бўлиб вояга етиши учун замин тайёрлайди. Оила тарбияси фарзанднинг келажакда ким бўлиб етишишида муҳим ўрин тутади. (*Жанубий Корея модели*). Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин уларни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бола оилада жамиятнинг, миллатнинг қиёфасини кўради, шу муҳитда унинг табиати, дунёқараши ва ахлоқий қиёфаси шаклланади ҳамда камол топади. Бола учун оиладаги соғлом муҳит умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар манбаидир (*Япония модели*).

Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки бўлмаслиги, керак бўлса дунёқараши – буларнинг барчаси унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси тасдиқлаб беради.

Ҳар бир оила жамият талаблари асосида яшайди ва замон талабига мос фарзандни тарбиялашда фаол иштирок этади. Эр-хотин томонидан ўзидан олдин ўтган авлод вакилларини эслаш, болалик даври ўтган оилага хос анъаналарни янги ҳаётга олиб кириш вояга етаётган фарзанд хулқида ўз аксини топади. Ана шундай муҳитда шаклланган шахс индивидуал тажриба билан бирга ижтимоий муҳит талабларини ҳам ўзлаштириб боради. Бундай тизимни

шакллантиришда ота-онадан билим, ўқув, ақлий салоҳият ва зукколик талаб қилинади.

Маълумки, ота-оналар ўзлари орзу қилган касбга фарзанди эгаллашларини ҳохлар эди, ҳозирги кунда бу эскирган ғоя. Ҳозирги кунда ота-оналар оилада фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг орзуларини амалга оширишда ота-оналар камарбаста бўлиши, уларни орзу қилган касб эгаси бўлишга, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишлигини қўллаб-қувватламоғи зарур (*Орзуни амалга ошириш, АҚШ модели*).

Оиладаги тарбияни мажбурлаш асосига қуриб бўлмайди, муҳими, бола ундан сўралаётганини ўз хоҳиши билан бажариши лозим. Ҳақиқий тарбиячи болани «тизгинламайди», балки эркин қўяди; камситмайди, аксинча, рағбатлантиради; уни «ясамайди», балки шакллантиради; амр этмайди, балки ўргатади; талаб қилмайди, балки сўрайди.

Илк тарбия, ахлоқ меъёрлари, миллийлигимизга хос анъана ва қадриятлар она орқали фарзандларга сингдириб борилади. Онадаги камтарлик, андиша, ибо-ҳаё, тартиб-интизом, сабр-қаноат каби ахлоқий фазилатлар наслдан-наслга ўтади. Бу Шарқ аёлларига хос юксак ахлоқий фазилатларда яққол намоён бўлади. Зеро, она қандай хислат ва фазилатларга эга бўлса, фарзанд ҳам шундай руҳда тарбия топади. Шу маънода, ҳар қандай давлат ва жамиятнинг бугунги куни ҳам, келажаги ҳам айнан онага бўлган муносабат билан ўлчанади (*Ўзбек модели*).

Миллий маънавиятга эга ўзбек аёлида ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устуворлик қилади. Унинг оҳангдор алласи, меҳр қўри билан гўдак қалбига йўл топади, унинг қалбига меҳрни, эзгулик, яхшилик уруғини экади. Меҳр-муҳаббати билан фарзандига тарбия беради, меҳнати билан камолотга етаклайди.

Такрорланмас маънавиятга эга бўлган халқгина миллат мақомини олади. Уят, ор-номус, диёнат, эътиқод, виждон, шарм-ҳаё, ғурур, имон, адолат, поклик, ҳалоллик, вафодорлик каби фазилатлар қайсидир кўринишларда ҳамма миллатларда бўлиши мумкин, аммо уларнинг амал қилиш даражаси ёхуд барчаларининг мукаммал шаклда намоён бўлиши турли миллатларда ҳеч қачон бир хил бўла олмайди. Ҳатто уларнинг айримлари тараққий этмаган бўлиши ёхуд реал ҳаётда қўлланилмаслиги, бошқа тушунчалар билан уйғун ҳолатда ўз ифодасини топиши мумкин. Энг асосийси, улар қайси кўринишда намоён бўлишидан қатъи назар, миллатнинг «мен»лигини таъминлайдиган ва ўзлигини англатадиган энг муҳим омиллар сананади. Ўзбек аёлининг маънавий қиёфаси

унинг ўзини ўзи танишида, жамиятда ўзини тутишида, ундаги мавқеида, хатти-ҳаракатларининг индивидуаллигида намоён бўлади.

Ибрат шахс маънавиятини шакллантирувчи йўналишлардан биридир. Ибрат – маърифатга элтувчи йўл. Гўдакнинг илк ҳаракатлари ҳам тақлиддан бошланиб, ибрат билан мустаҳкамланади. Она ибрати, ота ибрати, акалар, опалар, бобо-бувилар ибрати билан мавжуд воқеликка ўз муносабатини шакллантиради. Ибрат ола билмоқ – маънавият, кўриб ибрат олмаслик, хулоса чиқармаслик – маънавий сўқирлик. Аммо тақлидни доим ҳам ибрат деб бўлмайди. Ибрат ўрнига тақлид қилиш дил кўзининг кўрлигидан далолат. Қачонки, қаерда, қайси замонда ибрат ўрнини кўр-кўрона тақлид эгалласа, маънавият инқирозга юз тута бошлайди.

Маърифатнинг яна бир ўчоғи илмдир. Илмни шахс камолотининг муҳим босқичи ҳисоблаш мумкин. Агар боланинг илк тарбияси кўпроқ атрофидаги катталардан ўрганиш, ўқиган-эшитган эртак қаҳрамонларидан ибрат олиш асосида бўлса, ўсмир ёшига ўтишидан унинг онгу шуурида ҳаёт ҳодисаларига таҳлилий ёндашув уйғонади. Маърифат йўлида ҳар ким ўз иқтидори, истеъдоди, қобилияти, интилишига яраша маълум даражага эришади. Ўзбек халқи қадим-қадимдан ўз ҳаёт фаолиятида катталарга ҳурмат, камтарлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, софдиллик сингари ахлоқий фазилатлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган.

Маълумки, инсоннинг тил, дил ва амал бирлигини мужассам этган, унинг руҳий ҳолати, нафс тарбияси, риёзат, поклик, ахлоқий комилликка етишиш йўли, инсонни гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибатда Аллоҳга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва мафкура йўли, миллий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожида ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихи, тили, маданияти, ахлоқий, руҳий фаолиятлари, яшаш шароити, турмуш тарзи билан бирга дини ҳам катта аҳамиятга эга. Ислом маънавиятининг ижтимоий моҳияти унинг жамият учун хизмат қилиши, инсонни ахлоқий тарбиялаши, адоват ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиши, бағрикенглик тамойилига асосланган, инсонлар ўртасида тинчлик-тотувликни таъминлашида акс этади.

Бугунги давр Ўзбекистонни дунё ҳамжамиятининг фаол субъекти сифатида эътироф этилаётган мамлакатимизни энг илғор давлатлар қаторига олиб чиқиш учун кураш қизғин давом этаётган давр сифатида тарихга кирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиеев ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларни янада янги босқичга кўтаришга қаратилган ўзгаришларда хотин-қизларни ижтимоий фаоллаштириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, **“Қизларимиз тарбияси, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаши, иш жойига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрнини топишига алоҳида аҳамият беришимиз зарур”** деб таъкидладилар.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 500 га яқин хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб боришмоқда. Уларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоизни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоизни, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Хотин-қизларнинг қилаётган меҳнатлари давлатимиз, халқимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Фан арбоблари, Халқ ўқитувчилари, Халқ шоирлари, Халқ артистлари борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугунга келиб, 7,7 миллиард кишидан иборат дунё аҳолисининг қарийб 51 фоизи аёллардан иборат. Жаҳон хотин-қизлари орасида 14 ёшгача бўлганлар – 9,7, 15-19 ёшгача бўлганлар – 10, 60 ва ундан юқори ёшдагиларнинг миқдори 7 фоизни ташкил этади[3].

Бу кўрсаткичларни Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, ҳозирги вақтда 34,0 миллиондан ортиқ аҳолимизнинг қарийб 50 фоизи хотин-қизлардир. Улар орасида 14 ёшгача бўлганлар – 29 фоиз, 15-30 ёшгача бўлганлар – 28 фоиз, 31-45 ёшлилар – 21 фоиз, 46-60 ёшлилар – 15 фоиз ва 60 дан юқори ёшдагиларнинг миқдори 7 фоизни ташкил этади.

Янги Ўзбекистон хотин-қизларининг республикамиз илмий-техник салоҳиятидаги ролини янада кучайтириш ва уларнинг илмий ютуқ ва янгиликлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда:

хотин-қизларнинг, шу жумладан, қишлоқ аёлларининг интеллектуал савиясини ошириш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, билим ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш;

иқтидорли ёшларни аниқлаш ва улар билан ишлаш, олима аёлларнинг илмий мактабларини қўллаб-қувватлаш;

олима аёллар, ёш олимларнинг илмий ютуқларини тарғиб қилиш ва оммалаштириш;

[3] http://www.namhaqiqat.uz/siyosat/hotin-izlar_izhtimoiy-siyosiy_faol_bulsa.html

хотин-қизларнинг янги билим соҳаларига, янги технологияларга жалб этиш;

аёлларнинг интеллектуал мулкини яратишда, ихтирочи ва рационализатор аёлларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш;

иқтидорли ёш олима аёлларни аниқлаш ва “Устоз-шогирд” тизимини ривожлантиришда фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш ва уларнинг фан ва технологиялар ривожланиши салоҳиятига қўшган ҳиссасини мониторинг қилиб бориш;

янги юқори технологияларда юқори малакали кадрларни фаол тайёрлаш, илмий ва педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш фан ва техниканинг истиқболли соҳаларида (биотехнология, нанофизика, нанокимё, ахборот технологиялари, математика, геология, биология) олима аёлларнинг ижодий ютуқларини яратиш ва амалга ошириш учун қўллаб-қувватлаш;

хотин-қизларни илмий фаолиятга янада самарали жалб қилиш, илмий-тадқиқот ва технологик янгиликлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа механизмларни такомиллаштириш;

халқаро ҳамкорликни кенгайтириш. Ҳамкорлик қилиш ва илмий ютуқлар ва янгиликлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида фан ва таълим соҳасидаги халқаро алоқаларни мувофиқлаштириб боришни йўлга қўйиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишга кўмаклашиш, жойларда, хусусан, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини кучайтириш зарур. Айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, санъат, адабиёт, спорт, илм-фан соҳаларига кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, меҳр-оқибатли, оққўнгил аёлларимизга мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар, яъни хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳларнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш доимий эътибор марказида бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистон аёлининг қиёфаси - ақлли, фаросатли, билимли, гўзал, ўзига эътибор берадиган, ўз устида ишлайдиган, севимли машғулоти билан шуғулланиб, завқ оладиган, ўзлигини намоён қила оладиган ижодкор. Бундай қиёфага эга бўлишга ҳар бир аёл интилиши зарур. Зеро,

замонавий қиёфадаги аёлни ҳозирги давр ўзига жалб қила олади. Бундай талаблар билан бирга мазкур ролларни бирлаштиришда дунё ҳам, жамият ҳам ўз имкониятларини кенг очиб беради.

Бугунги замонавий аёл яшаши ҳам осон, ҳам қийин. Қийин томони шундаки, у жуда кўп ролларни бажаради, яъни у она, севимли ёр, яхши ходим, тадбиркорликда яхши ҳамкор, яхши раҳбар ва б.қ.

Осон томони шундаки, уларда танлаш имконияти бор. У ўзи ёқтирган ишни бажаради. Ким бўлишни, қандай касб танлашни ўзи ҳал қилади. Нафақат оиласига, балки бошқаларга ҳам, жамиятга ҳам қандай фойда келтиришини ўзи белгилайди.

Замонавий аёлдаги кўп функционалликни бугунги кунда жамият қўллаб-қувватламоқда. Агар ўзи бажараётган ишидан қониқмаса, уни ўзгартиришда танлаш имконияти мавжуд. Масалан, ишни оилавий юмушларга алмаштириб, ўзини оилага бағишлаши мумкин, ёки бу ваколатни кимгадир бериб, ўзини лавозим пиллапояларидан кўтарилишига бағишлаши мумкин.

Аёл ўз қадрини аниқ билади, нимани хоҳлаши ва унга эришиш йўлларини ҳам билади. У ўзини, шахсий ҳудудини қандай ҳимоя қилишни ҳам билади, ўзини ҳеч кимга хафа қилдиришга йўл қўймайди. Зеро, у аёллик ва ўзига хос ролни жуда яхши тасаввур қилади ва унга амал қилади.

Шу боисдан ҳам янги босқичга қадам қўяр эканмиз, ютуқларимиз билан бирга камчиликларимизни ҳам чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги ва самарали тизими жорий этилганлигини айтиш ўринли. Бугунги кунда халқ билан мулоқот олиб боришнинг мутлақо янги тизими яратилди. Унда халқнинг дарду-ташвишлари билан яшаш, халқни рози қилиш, фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегия яратилди.

Қувончли жиҳати шундаки, хотин-қизларнинг эзгу интилишлари замирида шундай пок ният, буюк ишонч мужассам. Аниқ мақсад йўлидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган, кўзлаган режаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқиб, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб бораётган ҳозирги кунда халқимиз, миллатимиз, айниқса хотин-қизларимиз қалбидаги ишонч янада мустаҳкамланмоқда.

ХУЛОСА

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда ижтимоий-гуманитар фанлар

йўналишларида олиб борилаётган тадқиқотларда мамлакатимиз тараққиётини янада юксалиш босқичга кўтариш мақсадида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўналишидаги устувор вазифаларнинг бажарилиши, аҳоли саломатлигини таъминлаш, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бандликни таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан ишлаш, ёшларни касб танлашларида камарбаста бўлиш, илм-фан, маънавият ва маърифатни янада янги босиқчга олиб чиқиш Учинчи Реннессанс пойдеворини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ҳаёт давом этар экан, ўзгариш ва янгиланишлар муттасил содир бўлиб туради, янги-янги вазифалар пайдо бўлади. Ҳозирги замоннинг фарзандлари сифатида ушбу долзарб вазифаларни бажариш учун барчамиз масъулмиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон Фармони // www.lex.uz
2. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологиясининг долзарб масалалари. Монография.– Т.:Yoshlar nashriyoti uyi, 2020 йил.16,0 б.т.
3. Романов П.В. Социологические интерпретации менеджмента: исследования управления, контроля и организаций в современном обществе. – Саратов, 2000.
4. Социологическая энциклопедия. В 2 т. Т. 2. – М., 2003.
5. Содиқова Ш. Ўзгаришлар социологияси.Ўқув қўлланма.- Т.: Akademiya, 2019 йил.
6. Sodikova Sh. The Neighborhood and the Family - The Basis of Educating Perfection/ International Journal of Culture and Modernity ISSN 2697-2131, Volume 9 https://ijcm.academicjournal.io/index.php/ijcm, Германия. P. 96-104.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Хусаинова Соҳибахон
Ҳуқуқ магистри

АННОТАЦИЯ

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ҳар доим давлат ва жамият эҳтиёжида бўлиб келган. Бу ҳолат муайян давлатда шаклланган урф-одатлар, кишиларнинг дунёқараши ва жамиятдаги диний-дунёвий ақидаларнинг таъсирида турлича бўлиши мумкин. Бироқ ҳамма ҳолатларда ҳам давлатлар аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, уларга нисбатан бўлиши мумкин бўлган турли тайзиқ ва тажовузлар учун кескин ва қаъий чораларни кўришга ҳаракат қиладилар. Ҳозирги кунда жаҳон ахборот воситаларида тарқалаётган аёлларга нисбатан бўлаётган жинсий тусдаги таъмагирлик ва зўравонлик бу борадаги турли даъволарнинг юзага келаётганлиги бутун дунё миқёсида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янада долзарблик касб этаётганлигини кўрсатади. Қолаверса, аёллар ҳуқуқларини оилавий-ҳуқуқий таъминлаш ҳам муаммоли масалалардан саналади.

Калит сўзлар: *аёллар ҳуқуқлари, қонунлар, оила ҳуқуқи, алимент, бола ҳуқуқи, кафолатлар, мулк ҳуқуқи, таъминот, даъво*

FAMILY-LEGAL BASIS OF PROTECTION OF WOMEN'S INTERESTS

Khusainova Sohibakhon
Master of Laws

ANNOTATION

Issues of protection of women's rights have always been in the need of the state and society. This situation can be different due to the influence of traditions, people's worldview and religious-secular beliefs in the society. However, in all cases, states try to take drastic and decisive measures for the protection of women's rights, for various harassments and attacks that may be against them. The sexual abuse and violence against women that are spreading in the world media today, and the emergence of various claims in this regard, shows that the protection of women's rights is becoming more urgent on a global scale. In addition, family-legal protection of women's rights is also considered a problematic issue.

Keywords: *women's rights, laws, family law, alimony, child rights, guarantees, property rights, maintenance, lawsuit*

КИРИШ

Ўзбекистонда ҳам аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари самарадорлиги ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар келтириб ўтилган ҳолда қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий тусдаги тадбирлар ва аниқ чоралар белгиланган: фуқаролар йиғинларида “хотин қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис” лавозими жорий этилди ва эндиликда ушбу масалалар билан махсус мутахассис шуғулланиши тизими жорий этилди.

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалга оширилган мазкур ислоҳотлар силсиласида ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боис аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг оилавий-ҳуқуқий масалалари ва Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилигида белгиланган аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини изоҳлаш долзарбдир[54].

Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, тўхтатиб туриш ва денонсация (бекор) қилиш тартиби 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни билан белгиланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Оила муносабатлари соҳасига тааллуқли ва Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатлар қаторига

1) 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;

2) 1959 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция;

3) 1919 йилда Женевада қабул қилинган ва 1952 йил 28 июнда қайта кўриб чиқилган “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенция;

[54] Силина К. С. Проблема реализации прав женщин в области брачно-семейных отношений и материнства в современном обществе / К. С. Силина. Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2021. – № 15 (357). С. 262-264. URL: https://moluch.ru/archive/357/79966/ (дата обращения: 10.10.2022).

4) 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт (ҳужжат) киради.

МДҲ аъзолари бўлган давлатлар ўртасида оилавий муносабатларни тартибга солишда 1993 йил 22 январда Минскда қабул қилинган ва 1993 йил 6 майда Ўзбекистон ратификация қилган “Фуқаролик, оилавий, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенция муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу Конвенцияда белгиланган қоидалар оила ҳуқуқи жиҳатидан МДҲ мамлакатлари ўртасида 1993 йилда тузилган икки томонлама шартномаларда назарда тутилган қоидаларга яқинлиги билан ифодаланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 16-моддасига кўра:

1. Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади.

2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 25-моддасига биноан ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга борлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга[55].

Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

Қолаверса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 26-моддаси 3-қисмида белгиланишича, кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадир.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда қуйидаги асосий ҳолатлар белгиланган:

[55] *Cohen D.* Domestic Violence on the World Stage: Using International Standards as a Framework for Change in United States // Journal on Gender, Race and Justice. 2014. Vol. 4. ¹. 1.

1) Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан содир этиладими-йўқми, бундан қатъи назар, боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилади (3-модда).

2) Бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади (7-модда)

3) Иштирокчи-давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишларига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига биноан қўлланилган қонун ва тартиб-русумга мувофиқ тарзда бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарур деб топган ҳолатлар бундан мустаснодир[56]. Бундай ажрим, масалан, ота-она болага шафқатсизлик билан мунособатда бўлган ёки унинг ҳақида ғамхўрлик қилмай қўйган ёхуд ота-она алоҳида яшаётган ҳамда бола яшайдиган жойга нисбатан қарор қабул қилиш зарурати пайдо бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин (9-модда).

4) Бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни, чегарасидан қатьи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи бир чеклашларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклашлар фақат қонунда кўзда тутилган чеклашлардан иборат бўлади, бу қуйидагилар учун зарур:

a) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун;

b) давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини (ordre publik), аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун (13-модда).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси (кейинги ўринларда ОК)да аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб ҳуқуқий кафолатлар белгиланган. ОКнинг 2-моддаси оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилигига бағишланади. Ушбу моддага кўра бундай тенглик қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

[56] Ибрагимов А.М., Хадисова Р.Г. Международная защита прав женщин на современнов этапе // https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnaya-zaschita-prav-zhenschin-na-sovremennom-etape

1) эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи;

2) эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги;

3) ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши;

4) оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш;

5) вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги.

Мазкур тамойиллар оилавий муносабатларда аёлларнинг ҳуқуқлар эркаклар билан тенг эканлиги, ички оилавий масалаларни ҳал қилишда уларнинг фикри билан ҳисоблашиш лозимлиги каби ўта муҳим приниципал қоидаларни ифодалайди[57].

ОКнинг 4-моддаси учинчи қисмига кўра, она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади.

Оилада аёллар ҳуқуқлари ҳақидаги гап кетганда оналик ва болаликнинг муҳофазаси масалаларига тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ, албатта. Оилада она ва боланинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўплаб механизмлари белгиланган. Кўп ҳолларда она ва боланинг манфаатлари бир-бирига мувофиқ кўрилади ва уларни алоҳида ҳолда талқин этиш мумкин эмас. Хусусан, ҳомиладорлик даврида ва бола ҳаётининг дастлабки даврларининг унинг манфаатларини она ифода этади ва инсофли она учун боланинг манфаатларини устувор тус касб этади. Бунда қонун ҳужжатларида туғириққача бўлган даврда аёлнинг ўзини ва унинг ҳомиласини ҳимоя қилишга оид нормалар назарда тутилган. Хусусан, ҳомиладорлик ва туғиш келин никоҳ ёшига етмасидан никоҳ қайд этилиши учун асослардан бири саналади (ОКнинг 15-моддаси), шунингдек ҳомиладорлик ва туғиш никоҳланувчилар никоҳни қайд этиш учун белгиланган бир ойлик муддат ўтмасидан олдин ҳам никоҳни рўйхатдан ўтказиш имконин беради (ОКнинг 13-моддаси). Мазкур нормалар аёлнинг қонуний никоҳда фарзандли бўлиши ҳамда боланинг юридик расмийлаштирилган оилада туғилиши ва ўсиши учун шароитларни мустаҳкамловчи нормалар ҳисобланади.

[57] Субочева А.Р., Каргина Н. В. Проблемы современного ценностного отношения к материнству в России // Научные труда Московского гуманитарного университета. 2019. № 1. С. 33–39.

Аёлнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари бевосита эр-хотининг шахсий-номулкий ва мулкий ҳуқуқларни амалга оширишдаги тенглигида ҳам намоён бўлади. Масалан, эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуш масалалари ҳал этишдаги тенглиги (ОКнинг 21-моддаси), эр-хотининг никоҳ давомида орттирилган мол-мулки уларнинг умумий мулки ҳисобланиши (ОКнинг 23-моддаси), умумий мулкни тасарруф этишда эр-хотининг ҳуқуқлари тенглиги (ОКнинг 24-модда) оилада аёлларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан тенг ва улар ушбу масалаларни биргаликда келишиб ҳал этишлари белгиланган.

Никоҳдан ажралиш масалаларида ҳам аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид махсус механизмлар белгиланган[58]. Жумладан, ОКнинг 39-моддасига кўра, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 6-бандига биноан гарчи эр туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатиши мумкин эмас ва мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, суд иш юритишни тугатади. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш хотиннинг розилиги билан қўзғатилган бўлиб, ишни суд мажлисида кўриш вақтида у никоҳдан ажратишга қарши эътироз билдирган, шунингдек хотиннинг ҳомиладорлиги ва унинг никоҳдан ажратишга розилиги йўқлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам иш юритиш тугатилиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, ОК 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан қўзғатилишига тўсқинлик қилмайди.

Одатда никоҳга кириш жараёнида эр ва хотин ўзлари учун умумий фамилия танлашади ёки уларнинг ҳар бири ўз фамилиясида қолади. Агар хотин

[58] Беспалов, Ю. Ф. Российская семья и российская женщина: социально-правовой аспект // Семейное и жилищное право. — 2019. — № 6. — С. 1–10. Доступ из СПС «КонсультантПлюс».

никоҳга киришганида эрининг фамилиясини олган бўлса, никоҳдан ажралганидан сўнг ўз хоҳишига кўра ушбу фамилияни сақлаб қолишга ҳақли ҳисобланади.

Болаларнинг насл-насабини белгилашда аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қоидалар назарда тутилган. Хусусан, ОКнинг 60-моддасига кўра, боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Оила қонунчилигига кўра, оналикни белгилаш – оталикни белгилашга қараганда енгилроқ таомил ҳисобланади. Бу, энг аввало, бола туғилишининг ташқи томони – аёлнинг ҳомилани кўтариб юриш юкидан халос бўлиши билан боғлиқ. Шунингдек, қонун боланинг онаси уни туққан аёл эканлиги тамойилидан келиб чиқади ва шу йўл билан оналик ва айни пайтда суррогат она – эмбрионни ҳомилани кўтариб юриш мақсадида имплантация қилинган аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Бу ҳолат боланинг онаси сифатида эътиро этилиш суррогат онага тегишли ҳисобланади. Мазкур қоида ОКнинг 207-моддаси учинчи қисмида белгиланган бўлиб, унга биноан ўзаро никоҳда бўлган ва бошқа аёлга ҳомилани ривожлантириш мақсадида эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахслар болани туққан аёлнинг (қондош онанинг) розилиги билангина боланинг ота-онаси деб ёзилиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра, аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Оталикни белгилаш муносабатларида ҳам аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари назарда тутилган бўлиб, унга кўра, боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади (ОКнинг 61-моддаси).

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг навбатдаги механизми алимент муносабатларида ўз ифодасини топган. Жумладан, оила қонунчилиги эр-хотин

бир-бирига моддий ёрдам бериши шартлиги белгиланган бўлиб, мазкур қоида аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолати сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қоиданинг амал қилиш механизми сифатида ОКнинг 117-моддаси хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болаликдан I гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож хотин ёрдам беришга қодир бўлган эрдан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга эканлиги сифатида мустаҳкамланган.

Шунингдек, алимент муносабатларида ҳам оила қонунчилиги аёллар манфаатларини таъминлаш, аёлга собиқ эри томонидан таъминот беришга оид нормаларни мустаҳкамлайди. ОКнинг 118-моддасига мувофиқ, етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (хотин)дан собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Мазкур қоида аёлнинг ҳомиладорлик даври ва бола туғилганидан кейин аёл унинг тарбияси билан машғул бўлган даврда уч йилгача унга таъминот бериш мажбуриятини эрнинг зиммасига юклайди. Оила қонунчилигида бола уч ёшга тўлгунича аёлга тўланиши лозим бўлган алиментнинг миқдори борасида аниқ норма мавжуд эмас. Фикримизча, мазкур ҳолатда эр ёки собиқ эр томонидан хотин ёки собиқ хотинга тўланиши лозим бўлган таъминот (алимент) миқдори бола парвариши билан банд бўлган аёлнинг моддий таъминоти учун етарли даража бўлиши лозим.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларидан бири оиладаги эр-хотин ҳуқуқларининг тенглиги ва оилавий масалаларни ўзаро келишиб ҳал этиш тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ. Бунда эр ёки хотиндан бирига нисбатан оила бошлиғи иборасининг қўлланилиши аёллар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Маълумки, ўзбек оиласида эрнинг ўрни, унинг жамиятда ва оилада тутган мавқъе ҳамда диний нуқтаи назардан эркак оила бошлиғи сифатида кўрилади ва оиланинг ташқи муносабатларида у оила бошлиғи сифатида кўрилади. Бу ҳолат миллий менталитетдан келиб чиқади, албатта. Бироқ бу ҳолатни қонунчилик даражасида белгилаш оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлигиги (ОКнинг 2-моддаси) борасидаги тамойилнинг бузилишига сабаб бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сон “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида белгиланган 5-моддасидаги “оила бошлиғи” атамаси ОКнинг 2-моддасига зид

бўлганлиги сабабли чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, оилавий корхонада "оилавий корхона бошлиғи" атамасининг ўзи етарли ҳисобланади ва оила бошлиғи атамсининг қўлланилишига муайян эҳтиёж мавжуд эмас ва ушбу атама ҳеч қандай "ҳуқуқий юкни" ҳам кўтармайди.

ХУЛОСА

Оилада аёларнинг мулкий ҳуқуқларини кафолатлар билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этади. Бу ҳолат эр-хотининг никоҳдан ажралиши ва аёлларнинг кўп ҳолларда моддий таъминотсиз қолиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда эр-хотин мол-мулкининг икки тартиби: умумий ва шартномавий тартиби амал қилаётган шароитида, айниқса никоҳ шартнома тузишда аёллар ҳуқуқларини устувор даражада белгилаш, оила-никоҳ муносабатлардан келиб чиқадиган ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларни бузиш ёки уларни четга чиқиш учун муайян мулкий санкцияларни белгилаш аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг оилавий-ҳуқуқий механизмларни кучайтиришга хизмат қилади. Бунда агар эр-хотинни яраштириш имкони бўлмаса, ажралишда айбдор бўлган томонга нисбатан мулкий санкциялар белгилаш, моддий таъминотдан бош тортган томонга нисбатан маъмурий жазоларни белгилаш оилалар барқарорлиги таъминлашга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Силина К. С. Проблема реализации прав женщин в области брачно-семейных отношений и материнства в современном обществе / К. С. Силина. Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2021. – № 15 (357). С. 262-264. URL: https://moluch.ru/archive/357/79966/ (дата обращения: 10.10.2022).
2. Имамов, Н. Ф. (2014). Авеста-источник гражданского права. *Молодой ученый*, (5), 353-355.
3. *Cohen D.* Domestic Violence on the World Stage: Using International Standards as a Framework for Change in United States // Journal on Gender, Race and Justice. 2014. Vol. 4.
4. Имомов, Н. (2018). ЗАДАЧИ ГРАЖДАНСКОГО КОДЕКСА: ПРАВОВОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИЛИ ПРАВОВОЕ УПОРЯДОЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ. *Review of law sciences*, (1), 43-49.
5. O'G'Li, A. A. M. (2022). KORPORATSIYA USTAV KAPITALI FUNKSIYALARI VA UNGA OID MILLIY QONUNCHILIK NORMALARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. *Academic research in educational sciences*, *3*(8), 109-113.

6. Ибрагимов А.М., Хадисова Р.Г. Международная защита прав женщин на современнов этапе // https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnaya-zaschita-prav-zhenschin-na-sovremennom-etape
7. Имомов, Н. (2020). ЭСТОППЕЛЬ И ЕГО ВЫРАЖЕНИЕ В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ. *Review of law sciences*, *2*(Спецвыпуск), 43-48.
8. Azimjon, I. (2022). ZARAR–YURIDIK SHAXS ISHTIROKCHILARI VA BOSHQARUV ORGANLARI FUQAROLIK-HUQUQIY JAVOBGARLIGINING ZARURIY SHARTI SIFATIDA. *Educational Research in Universal Sciences*, *1*(3), 114-118.
9. Субочева А.Р., Каргина Н. В. Проблемы современного ценностного отношения к материнству в России // Научные труда Московского гуманитарного университета. 2019. № 1. С. 33–39.
10. Имомов, Н. (2019). ESSENCE OF CIVIL-LAW TOOLS IN THE ANTI-CORRUPTION SYSTEM. *Юридик фанлар аҳборотномаси*, (3), 41-45.
11. Azimjon Abdumo'min o'g, I. (2022). XO'JALIK JAMIYATINI QAYTA TASHKIL ETISHDA KREDITORLAR MANFAATLARI KAFOLATINI OSHIRISH MASALALARI.
12. ИМОМОВ, Н. (2018). THE TASKS OF THE CIVIL CODE: REGULATION OF SOCIAL RELATIONS OR DETERMINATION OF RIGHTS. *Юридик фанлар аҳборотномаси*, (1), 43-49.
13. Беспалов, Ю. Ф. Российская семья и российская женщина: социально-правовой аспект // Семейное и жилищное право. — 2019. — № 6. — С. 1–10. Доступ из СПС «КонсультантПлюс».
14. Корёғдиев, Б. У. Ў. (2022). ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЮРИДИК ФАКТ СИФАТИДАГИ ТАЛҚИНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(7), 271-278.

ЯНГИ ДАВР ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИНТУИЦИЯ – ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Эрниёзов Ўразбой Кукланович
Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Янги даврда Рене Декарт, Спиноза, Лейбниц интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимотни яратди.Рене Декарт таълимотида ҳақиқий билишнинг асоси ва мезони фақат соддалик, аниқ ва равшанлини. Р. Декарт интуиция фақат ҳиссий тасдиқга эга бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган, баъзан диққатли ақлдан келиб чиқади, бу ақл ва ақлнинг табиий нури сифатида келганлиги кўринади.

Калит сўзлар: *Интуиция, Интеллектуал интуиция, Янги давр, Интуитив билиш, феномен, ақл ва билим.*

ABSTRACT

In the article, Rene Descartes, Spinoza, Leibniz created the doctrine of intellectual intuition in the New Age. In the doctrine of Rene Descartes, the basis and criterion of true knowledge is only simplicity, clarity and clarity. R. Descartes believed that intuition can only have emotional confirmation, sometimes arising from attentive reason, which appears to come as a natural light of reason and reason.

Keywords: *Intuition, Intellectual Intuition, New Age, Intuitive Knowing, Phenomenon, Mind and Knowledge.*

АННОТАЦИЯ

В статье Рене Декарт, Спиноза, Лейбниц создали учение об интеллектуальной интуиции в Новое время.В учении Рене Декарта основой и критерием истинного знания являются только простота, ясность и ясность. Р. Декарт считал, что интуиция может иметь только эмоциональное подтверждение, возникающее иногда от внимательного разума, который представляется естественным светом разума и разума.

Ключевые слова: *Интуиция, Интеллектуальная Интуиция, Нью Эйдж, Интуитивное Познание, Феномен, Разум и Знание.*

КИРИШ

Фалсафа тарихшунослиги манбаларида «интуиция» тушунчаси турлича талқин қилинган. У қандайдир интеллектуал билим ёки тушунчанинг асоси сифатида қаралиб, “интеллектуал интуиция” соҳаси сифатида алоҳида

ажратилган. Ҳодисаларнинг моҳиятини бирданига ақл билан илғаб олиш интеллетуал интуиция дейилади. Фалсафа дунёни эътиқод ва туйғуларга таяниб эмас, балки ақл ва билимларга таянган ҳолда тушунтиради.Ақл ҳиссиётдан устун туради, у биз сезги органларимиз ёрдамида олинган билимларимизга фаол ва талабчанлик билан ёндошади.

Янги даврда Рене Декарт, Спиноза, Лейбниц интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимотни яратди.Рене Декарт таълимотида ҳақиқий билишнинг асоси ва мезони фақат соддалик, аниқ ва равшанликдир. Бундан кўринадики, Декартнинг фикрича, у фақат интеллектга хосдир, яъни бевосита мулоҳозага хосдир. Илмий текширишниг бошланғич босқичи бўлиб ўз-ўзидан равшан қоидалар бўлишига яна ўша геометрик аксиомалар мисол бўлади. Декартнинг фикрича, яхши ақлга эга бўлишнинг ўзи кифоя эмас, балки уни тўғри қўллай олиш муҳимдир. Декарт интуиция деганда сезгиларнинг омонот гувоҳлиги ва тартибсиз хаёлнинг алдамчи мулоҳозасига бўлган ишончни эмас, балки теран ва зеҳнли ақлни тушунади.

Р. Декарт интуиция фақат ҳиссий тасдиқга эга бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган, баъзан диққатли ақлдан келиб чиқади, бу ақл ва ақлнинг табиий нури сифатида келади дейди.

Спиноза интуицияни нарсаларнинг моқиятини қамраб олувчи энг ишончли билиш деб ҳисоблайди.” Ҳақиқатни мантиқий далилларсиз бевосита англаб етиш қобилиятидир.У доим инсон ақли ва жони билан биргаликда амалга оширган катта иш маҳсули ҳисобланади. Шу маънода фақат истеъдодли ва меҳнаткаш, тиришқоқ одамларгина интуитив билишга қодир ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Олий интуитив билиш эса инсонга бутунлай бошқа имкониятларни яратиб беради. Бундай билим туфайли инсоннинг тўлиқ фаолиятсизлигидан фаолият берувчи аффект-ҳирслари таъсир кўрсатувчи, фаол аффектларга айланади. Бундай аффектлар эса фақат ўз ақлининг кучига суянувчи инсоннинг фаоллигини акс эттиради. Агар пассив аффектлар инсоннинг турли-туман ҳирсларга ўралиб қолган айрим томонларини акс эттирса, фаол аффектлар эса ақлда мужассамлашган инсон табиатининг устунлигини акс эттиради. Субстанция- табиатни ақлий интуитив билиши айрим доноларга ўз аффект-ҳирслари устидан ҳукмрон бўла олиш имкониятини беради[59].

[59] Винделъбанд В. История философии.Киев 1997

Жон Локк фикрига кўра, ақл-сезги аъзолари фаолиятининг ҳақиқий натижаларини узлуксиз қайд этувчи кўзгу, холос. Билишнинг бу томонларини рад этиб бўлмайди: ақл шу томонга ўз эътиборини қаратгани заҳоти у, худди қуёшнинг ёрқин нурлари каби, ўзини бевосита идрок этишга мажбур қилади. Иккиланиш, шубҳаланиш, ўрганишга ҳеч қандай ўрин қолмайди: ақл шу заҳоти унинг ёрқин нурлари билан тўлади, исботлаш ёки ўрганишга муҳтож бўлмайли, бироқ, ҳақиқатни фақат унга ўз эътибори қаратилганлиги туфайли идрок этади. Интуиция муаммосини ўрганишга немис классик фалсафаси муҳим ҳисса қўшди. Кант интеллектуал интуиция қобилиятини инкор этиб, соф аперцепция ғоясини илгари сурди. Бироқ, кейинчалик Фихте Кантнинг соф аперцепцияси амалда интеллектуал интуициянинг ўзи эканлигини, у Декарт, Спиноза ва Лейбницнинг амалда мавжуд нарсаларни билиш қобилияти сифатида қаралган интеллектуал интуициядан Кантда интуиция фаолиятни билишга қаратилганлиги билан фарқ қилишини кўрсатади. Фихтенинг ўзи интеллектуал интуицияни амалда мавжуд нарсаларни эмас, балки мутлақ нарсалар фаолиятини билиш сифатида тушунади. Шеллинг Кант-Фихте йўналишини ривожлантириб, уларнинг таълимотини ўзининг трансцендентал идеализми – “субстанцияни билиш учун” ўз натурфалсафаси билан тўлдиради, эстетик тасаввурни биринчи ўринга қўяди. Ўтмиш рационалистларидан фарқли ўлароқ, у интуициянинг сабабларини идрок эмас, балки ақл фаолиятидан қидиради.

Гуссерль ўзининг “соф онг” концепциясида онгни жараён сифатида ўрганиб, унинг ички моҳият қонуниятларини ўрганади, онгни макон ва замондан ташқари, тарихий бўлмаган жараён сифатида ўрганади.

Онгни соф ҳолатда ўрганиш, бу фақат онгга хос бўлган моҳиятларни очиш ва бу моҳиятларниг ҳеч қандай билимга боғламасдан, соф ҳолатда ўрганишдир. Онгни бундай тушунишни услуб сифатида ривожлантирди. Соф онгни Гуссерль фикрлар оқими сифатида очиб берди. Бу оқимдаги фикрларни “феномен” деб атади. Улар яхлитликка эга бўлиб, ягона бир тузилма сифатида олиниши керакдир. Феноменолог олим онгни ўрганар экан, уни фикрлар оқимининг ичига кириб, ичидан ўрганиш лозим деб ҳисоблайди. Шунингдек, у фикрларни бир-биридан ажралган ҳолатда эмас, балки яхлит ҳолатда ва ҳаракат жараёнида ўрганади. Гуссерль онгни борликдан ажратиб қўйиб, ўзининг соф онг концепциясини илмий бўлмаган, инъикос хусусиятига эга бўлмаган, феноменологик таълимот сифатида ўрганади. Бундай соф онгни фақат феноменолог олим ўзининг ақлий интуицияси орқали ўрганади. Бу интуиция унга фикрларни бир-бирига бирлаштириш, синтезлаш қобилиятини беради. Бу

ерда Гуссерль ақлий интуиция тушунчасини киритади. Уни илоҳий ҳис-туйғудан ажратади, бу интуиция ақлнинг маҳсули бўлган ғайритабиий, моҳиятбанд жараёндир. Фанда анализ қилиш ўрнига, Гуссерль ўз феноменологиясида фикрларни бирлаштириш ва оқим сифатида ўрганиш усулини киритди. Лекин фаннинг тушунчалари моддий борлиқни акс эттирса, феноменлар, фикрлар фақат онгнинг борлиғини акс эттиради, фақат унинг қонуниятларини очиб беради.

Гуссерль соф онгнинг моҳиятини трансцендентал деб атайди, лекин бу илоҳийлаштиришнинг илоҳий онгга, дунёвий онгга ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Гуссерль фалсафасида аслида инсон онгининг соф моҳияти назарда тутилади. Бу онг Худонинг онгига, дунёвий онгга ҳеч қандай дахли йўқдир. Шунинг учун ҳам Гуссерлдаги интуиция бу илоҳий ҳис-туйғу, қалб овози эмас, балки ақл овозидир[60].

Интеллект, Бергсон фикрича, “ўлик нарсалар”ни талқин қилувчи қуролдир. Интуиция моддий, маконий объектларга қарама-қарши туради.

Фан фақат амалий фойдани кўзлайди. Интеллектда биз тирик борлиқни кўра олмаймиз, тайёр ўлик маҳсулотларни кўрамиз. Интеллект орқали олинадиган билим нисбийдир. Фақатгина интуиция фалсафанинг вазифасини бажара олади. Мутлоқ ҳақиқатга фақат интуиция орқали борилади. Интуиция предметнинг моҳиятига кириб, у билан бирлашади. Тирик мавжудотнинг хусусияти давомийликдир, узлуксиз ижодиётдир.

Ҳаётий энергия таъсирида бутун ҳаёт ривожланади, дейди ва фанга мурожаат қилади. Фанда интеллектуал (ақлий) билимга кўпроқ эътибор берилади. Интуитив ва интеллектуал билим оқибатида дунё мавжуд бўлади. Инсоннинг қонунни кашф қилиши учун унда эркин ижод бўлиши керак. У ҳаётий жўшқинлик ҳақида гапирар экан интуитив билимга кўпроқ эътибор беради. Интуитив билишга фаннинг кучи етмайди. Интуиция ҳар бир инсонда учрайди ва у билан яшайди. Интуиция бу ижод руҳидир. Бергсон фикрича, интуиция ҳаммада бор. Лекин инсонлар уни, айрим ҳолларда очиб беролмайди. Бергсон интуиция ва интеллектни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўймайди, балки интеллектуал билим интуицияга хизмат қилиши керак, дейди. Бергсон, фикрлар бизга тафаккур оламидан келади. Инсон пок бўлса, унга яхши фикрлар келали, нопок бўлса, нопок фикрлар келади, дейди[61].

[60] История философии.М.,1997
[61] Kuklanovich, E. U. (2022). PROBLEMS OF INTUITION IN SUFISM. Thematics Journal of Applied Sciences, 6(1).

Интеллектуал интуиция бир вақтнинг ўзида рационал ва иррационал тафаккур бирлигида, яхлитлигида акс этувчи билиш жараёнидир.

ХУЛОСА

Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти энг олий мақсадларни кўзлайди, биз илм-фан ва техникани, юксак технологияларни, маънавий маданиятни ривожлантириб, ҳақиқий бозор муносабатларини қарор топтирмоқдамиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлмоқдамиз.Инсон камолоти ва эркинлиги учун барча зарур шарт-шароитларни, шу жумладан, интеллектуал имкониятларни ривожлантириш учун шароитлар яратмоқда. Олдимизга қўйган мақсадларга эса фақат теран ақл яъни интеллектуал интуициямиз ёрдамида эришишимиз мумкин.

REFERENCES

1. Винделъбанд В. История философии.Киев 1997.
2. История философии.М.,1997.
3. Kuklanovich, E. U. (2022). PROBLEMS OF INTUITION IN SUFISM. Thematics Journal of Applied Sciences, 6(1).
4. Ў. К. Эрниёзов (2022). МИСТИК ОНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ИНТУИТИВ ПАРАДИГМАЛАР. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 682-685.
5. Эрниёзов, Ў. К. (2022). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ЎРГАНИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА ЁНДАШУВЛАРИ. World scientific research journal, 8(1), 20-26.
6. Ramatov, J.S. va Xasanov, MN (2022). Ta'lim amaliyotida innovatsiyalarni jalb qilishning nazariy modelini tahlil qilish. *Sharq uyg'onishi: innovatsion, ta'lim, tabiiy va ijtimoiy fanlar* , *2* (6), 937-942.
7. У.К.Эрниёзов, М.Н. Ҳасанов, & Х.С.Машарипов. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, *4*(3), 130–136.
8. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Л. А. Валиев (2022). ИНСОН ДУНЁҚАРАШИНИНГНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИНИ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2 (7), 78-82.
9. J. S. Ramatov, M. Hasanov MAFKURAVIY AXLOQ TARBIYASINING AHAMIYATI // Pedagogik fanlar boyicha akademik tadqiqotlar. 2022 yil. 6-

son. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/mafkuraviy-ta-didlarni-oldini-olishda-ahlo-iy-tarbiyaning-a-amiyati (kirish sanasi: 04.10.2022).

10. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 973-979.

11. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). HISTORY OF RAILWAY CONSTRUCTION IN UZBEKISTAN: YESTERDAY AND TODAY. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 925-930.

12. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

13. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.

14. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. Ў., Кушаков, Ф. А., Валиев, Л. А., & Хасанов, М. Н. (2022). ЖАМИЯТДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. PEDAGOGS jurnali, 19(1), 13-18.

15. Файзулла Абдуллаевич Кушаков (2022). ПЕРЕСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ ФИЛОСОФИИ ТЕХНИКИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 428-432.

ZAMONAVIY TA'LIM TIZIMIDAGI YANGICHA YONDASHUVLLARNING MUHIM AFZALLIKLARI

Nosirova Dilfuza Nabiyevna
Andijon viloyati Yuridik texnikumi
ingliz tili fani o'qituvchisi 3 chi darajali yurist.

ANNOTATSIYA

Maqolada zamonaviy ta'lim tizimidagi yangicha yondashuvllarning muhim afzalliklari, shuningdek o'quv jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish zarurligi ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: *zamonaviy ta'lim, axborot texnologiyalari, zamonaviy gajetlar, yangicha yondashuv, o'qituvchi.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются важные преимущества новых подходов в современной системе образования, а также необходимость использования информационных технологий в образовательном процессе.

Ключевые слова: *современное образование, информационные технологии, современные гаджеты, новый подход, учитель.*

ABSTRACT

The article considers the important advantages of new approaches in the modern education system, as well as the need to use information technologies in the educational process.

Keywords: *modern education, information technologies, modern gadgets, new approach, teacher.*

KIRISH

Ingliz tilini o'qitishda zamonaviy ta'lim tizimidagi yangicha yondashuvlardan foydalanish masalasi tobora dolzarb bo'lib bormoqda. Chet tillarini o'qitishda zamonaviy metodlardan foydalanish nafaqat zamonaviy texnik vositalar va texnologiyalarni amaliyotda qo'llash, balki chet tilini o'qitishning yangi shakl va usullarini va umuman o'quv jarayoniga yondashuvni ham anglatadi [2].

Har bir o'quvchining faolligini faollashtirish, ijodiy faoliyat uchun sharoit yaratish o'qituvchining asosiy vazifalaridan biridir. Ko'rinib turibdiki, kompyuter va multimedia vositalaridan foydalanish nafaqat o'rganishga o'quvchiga yo'naltirilgan yondashuvni amalga oshirishga, balki o'quvchilarning bilim darajasini hisobga olgan holda individuallashtirish va differentsiatsiyani ta'minlashga yordam beradi. Ko'p

narsa o'qituvchiga, uning chet tili darsida axborot texnologiyalaridan foydalanish istagiga bog'liq [1].

Savolga: kompyuter o'qituvchini almashtiradimi, biz ishonch bilan javob berishimiz mumkin: yo'q, u hech qachon uning o'rnini bosmaydi, lekin uning o'rnini yangicha yondashuvllarga va axborot texnologiyalariga ega bo'lgan o'qituvchi egallaydi. Agar an'anaviy ta'limda asosiy vazifa o'quvchiga ma'lum miqdordagi bilimlarni o'tkazish, bir qator ko'nikmalarni shakllantirish bo'lsa, axborot-ta'lim muhitida o'qitishning maqsadi o'quvchini o'zini tutish va hal qilishga, shuningdek kognitiv muammolar va buning uchun axborotni topish, qayta ishlash, foydalanish va yaratish, axborot maydonida harakat qilish o'rgatishdir [5].

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Zamonaviy ta'lim tizimidagi yangicha yondashuvlarga axborot texnologiyalari misol bo'ladi, bular: kompyuter, planshet, telefon, iPod – o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, uni tizimli ta'limning boshqa shakllaridan ajratib turadi, hech bo'lmaganda u ta'limning oldingi bosqichlari tajribasiga asoslanmaganligi bilan, balki nolingvistik universitetlarda ingliz tilini o'rganishda printsipial jihatdan yangi o'quv va kognitiv faoliyat turi deb qabul qilinadi. Pedagogik amaliyot shuni ko'rsatadiki, ingliz tilini zamonaviy gadjetlar yordamida o'rgatish o'quvchilarning qobiliyati va qiziqishlarini hisobga olgan holda qurilgandagina samarali bo'ladi.

Axborot texnologiyalarning asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat:

1) Atrof-muhitning axborot va ta'lim makonining o'zaro ta'siri bilan ta'minlanadigan va o'quvchi shaxsini rivojlantirish maqsadlariga javob beradigan o'zgaruvchan ta'limni tashkil etish imkonini beradigan ochiqlik.

2) Ta'lim jarayonining ichki birligi - o'quv maqsadlari, o'qituvchi faoliyati, o'quvchilar faoliyati va rejalashtirilgan natija. O'quv jarayonining birligi pedagogik jarayon ishtirokchilarining ongli harakatlari natijasida vujudga keladi va o'quv materialining mazmunini, ta'lim va rivojlanish maqsadlariga erishishga yordam beradigan eng yaxshi usullarni hisobga olgan holda shakllanadi.

3) O'quv jarayonining ko'p funksiyaliligi. Atrof-muhit bir vaqtning o'zida bilim manbai bo'lishi mumkin va shu bilan birga o'quvchilarning mustaqil ishining turli shakllarini tashkil etishga yordam beradi. Axborot-ta'lim muhiti innovatsion texnologiyalarning didaktik imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish, o'quvchilarning individual va jamoaviy ishini samarali tashkil etish imkonini beradi. Bugungi kunda ma'lum bo'ldiki, bu axborot-ta'lim muhitida o'qitish umuman ta'lim samaradorligini, xususan, chet tilini o'rganish samaradorligini sezilarli darajada oshiradi [4].

Shunday qilib, zamonaviy chet tili o'qituvchisi kompyuter bilan o'zaro ta'sir qilish jarayoni va o'rganish jarayoni birlashtirilmagan talabalarga o'z vaqtida yordam berishga tayyor bo'lishi kerak. Axborot texnologiyalari asosida ingliz tilini o'rganishga qiziqtirish. Ushbu turdagi qiziqish bir nechta darajalarga ega - faktlarga qiziqish, sabab-oqibat munosabatlari, matn yoki monologni o'rganish nazariyasi va metodologiyasiga qiziqish. Bunday qiziqish ingliz yoki nemis tillarini o'rganishga qaratilgan emas, balki tabiiy fanlar yoki gumanitar fanlar guruhlarini o'rganishga ham tegishli bo'lishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy ta'lim tizimidagi yangicha yondashuvllarning muhim afzalliklaridan biri bu axborot texnologiyalari ta'lim tizimi bilan birgalikda, qoida tariqasida, nafaqat o'ziga bo'lgan qiziqish ob'ekti, balki boshqa fan bilimlariga qiziqishni rag'batlantiradi, axborot manbalariga kirishni ochib, uni o'zgartirish vositalarini ta'minlaydi. Matn va kompyuterga asoslangan ta'limning motivlari va maqsadlari didaktik tizimning sub'ektlarini, kompyuter yoki Internetni tashkil qiladi yoki zamonaviy gadjetlar ularni amalga oshirishga, ishonchli natijaga erishishga imkon beradi, bu esa mavzuni o'rganishda barqaror qiziqishni saqlashning zaruriy shartidir. Talabalar kompyuter vositalarini o'zlashtirganlarida, ular kompyuterdan modellashtirish tizimi, hisoblash va laboratoriya tajribasi vositasi sifatida, shuningdek, o'z-o'zini anglash va o'z-o'zini tarbiyalash yo'lida ta'lim yoki yangi ma'lumotlarni o'rganish manbai sifatida foydalanadilar.

Shunday qilib, zamonaviy kompyuter texnologiyalarini puxta egallagan o'qituvchi va talabalar faol o'zlashtirayotgan axborot maydoni ularning bilim va ko'nikmalarni egallashi uchun katta imkoniyatlar ochib beradi, ko'pincha, afsuski, hatto universitetda ko'p yillar ishlagan professor-o'qituvchi uchun bu juda qiyin va muammolikdir. Bugungi kunga kelib, eng ko'p qirrali texnik o'quv qurollari elektron interaktiv doskalar – SMART Board hisoblanadi. Elektron interfaol doskalar o'quv jarayoniga o'quv materiali va multimedia materiallarining elektron mazmunini joriy etishning samarali usuli hisoblanadi. Dars materiali interfaol doska ekranida aniq aks ettiriladi va har bir talabani faol samarali faoliyatga qaratadi. Ingliz tilidan oldindan tayyorlangan mavzuli matnlar, o'quv va test mashqlari, turli xil rangdagi rasmlar, ingliz tilidagi multimedia disklari materiallari, audio va video materiallar dars materialini tanishtirish yoki faollashtirish, leksik birliklarni takrorlash yoki mustahkamlash, lug'aviy birliklarning grammatik tuzilishini shakllantirishga xizmat qiladi. til, bilimni nazorat qilish va o'z-o'zini nazorat qilish. Interfaol doska klaviatura, sichqoncha va kompyuter monitoridan foydalanmasdan ishlash imkonini beradi. Barcha kerakli harakatlar to'g'ridan-to'g'ri ekranda maxsus marker yoki hatto

barmoq yordamida amalga oshirilishi mumkin. O'qituvchi kompyuterda kerakli manipulyatsiyalarni bajarish uchun darsdan chalg'imaydi. Bu o'quv materialini taqdim etish sifatiga ijobiy ta'sir qiladi [5].

Shunday qilib, interfaol doskadan foydalanib, siz talabaning doimiy ishini elektron shaklda tashkil qilishingiz mumkin. Bu vaqtni sezilarli darajada tejaydi, aqliy va ijodiy faollikni rivojlantirishni rag'batlantiradi va ishda guruhning barcha talabalarini qamrab oladi. Demak, ingliz tili darslarida zamonaviy texnik vositalarning deyarli cheksiz imkoniyatlaridan oqilona foydalanish til kompetensiyalarini shakllantirishga, ijodiy fikrlashni rivojlantirishga va eng muhimi, doimiy takomillashtirishga intilishga yordam berishi kerak.

XULOSA

Bizning kuzatishlarimiz shuni ko'rsatadiki, zamonaviy ta'lim tizimidagi yangicha yondashuvllarning muhim afzalliklari uzluksiz zamonaviy gadjetlar bilan bog'liq, ular asosida chet tillarini o'rganishda axborot texnologiyalaridan foydalanish orqali kognitiv imkoniyatlarni kengaytirish yangi va ulkan o'rganishga barqaror, ongli qiziqishni rivojlantirishga yordam beradi. Kompyuter texnologiyalarining afzalliklari: kompyuterdan chiqmasdan ingliz tilini o'rganishga qiziqishni yoyish, Internet darslarida talabga ega bo'lish yoki boshqa fanlardan kompyuter bilan mustaqil ishlash, talabalarni o'quv va tadqiqot ishlariga jalb qilish.

O'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va ko'nikmalarni o'quvdan tashqari faoliyatga o'tkazishga alohida e'tibor berish kerak, bu ularning manfaatdorligi va talabchanligidan dalolat beradi. Chet tilini o'rganishda motivatsiyaning yo'qligi ham bir xil darajada muhim muammo bo'lib, o'qituvchi talabalarning, ayniqsa, lingvistik yo'nalishda bo'lmagan oliy o'quv yurtlari talabalarining motivatsiya darajasiga doimiy e'tibor qaratib, ularni zamonaviy ta'lim tizimidagi yangicha yondashuvllar asosida xorijiy tilni o'rganishda qiziqtirish kerak.

REFERENCES

1. Волкова О.А. Проектная методика - эффективное средство организации творческой и учебной деятельности на уроках английского языка // Иностранные языки в школе, 2020. № 4. С. 31-32.
2. Саттарова А.В., Пак А.В. Применение информационных технологий // Вестник МГУ, 2021. № 1. С. 18-21.
3. Нурматов Н.Н. Педагогические технологии в медиаобразовании// Иностранные языки в школе, 2021. № 7. С. 62-65.

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

4. Kamolov M.P. Maktabda va universitetda chet tillarini o'rgatish // S.-Pb., 2021. B.60.
5. Xatamova N.V. Chet tilini o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanish / Informatika va ta'lim, 2020. No 6. B. 35-38.

БОЛАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА – УНИНГ ЯШАШГА БЎЛГАН ҲУҚУҚИ

Шарахметова Умида Шаакбаровна,
Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори,
юридик фанлар номзоди
E-mail: Sharaxmetova74@list.ru

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш долзарб масала ҳисобланади. Зеро, келажак ҳақида қайғуриш давлат ва жамиятнинг эртанги кунини белгилайди. Бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Мақолада боланинг яшаш ҳуқуқининг энг олий қадриятини тан олган ҳолда, тиббий, диний, маънавий, демографик, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий характердаги далиллар таҳлил қилинган. Мақоланинг мақсади болалар ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ баъзи муаммоларга аниқлик киритишдир. Мақолада кўриб чиқилаётган масала бўйича замонавий фуқаролик олимларининг нуқтаи назарлари келтирилган.

Калит сўзлар: *боланинг яшашга бўлган ҳуқуқи, жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, тиббий сир.*

ПРАВО НА ЖИЗНЬ - КАК ОСНОВА РЕАЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА

Шарахметова Умида Шаакбаровна,
профессор кафедры Гражданского права Ташкентского государственного юридического университета,
Кандидат юридических наук
E-mail: Sharaxmetova74@list.ru

АННОТАЦИЯ

Защита прав и законных интересов несовершеннолетних в нашей стране, создание необходимых условий для их всестороннего взросления является

актуальным вопросом. Ведь забота о будущем определяет завтрашний день государства и общества. Обеспечение и защита прав детей является одним из приоритетов государственной политики.

Ключевые слова: *право ребенка на жизнь, право на физическую неприкосновенность, право на свободу и личную неприкосновенность, медицинское обследование лиц вступающих в брак, врачебная тайна.*

THE RIGHT TO LIFE AS A BASIS FOR REALIZING THE RIGHTS OF THE CHILD

Sharakhmetova Umida Shaakbarovna,
Associate Professor of the Civil Law Department
of Tashkent State University of Law, PhD in Law
E-mail: Sharaxmetova74@list.ru

ABSTRACT

Protection of the rights and legitimate interests of minors in our country, the creation of the necessary conditions for their comprehensive maturation is an urgent issue. After all, concern for the future determines the future of the state and society.Ensuring and protecting the rights of children is one of the priorities of state policy.

Keywords*: the child's right to life, the right to physical integrity, the right to freedom and personal integrity, medical examination of persons entering into marriage, medical confidentiality.*

КИРИШ

Ота-она ўз бурч ва мажбуриятларини тўғри англаган ҳолда, боланинг ривожланишига шарт-шароит яратмоқлари лозимлиги Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 11-боби “Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари”, “Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи” 65-моддасидан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар қуйидаги тартибда белгиланган: яшаш ҳуқуқи; (24-модда) шахсий шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш; (27-модда) шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи; (25-модда) шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оилавий ҳаётига арашишдан, ўз шаъни ва қадр-қимматига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга; (27-модда) ёзишмалар ва телефонда

сўзлашувлар сирини ошкор қилмаслик ҳуқуқи; (27-модда) турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи; (27-модда) ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи; (29-модда) мулоқот, тарбия, таълим ва ижод қилишда ўз она тилидан фойдаланиш, тилни эркин танлаш ҳуқуқи; (4, 42-моддалар) эркин равишда бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, келиш жойини ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи; (28-модда) виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи; (31-модда) фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи; (29-модда) Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тартиби Конституцияда яшаш ҳуқуқи билан бошланади. Бу асосий, инсоннинг табиий ҳуқуқи, унинг хавфсизлиги кафолатидир.

БМТнинг Бош Ассамблея томонидан 10 декабрь 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилинган. Ассамблея Декларацияни “барча халқлар ва барча давлатлар томонидан бажарилишига интилишини таъминлаш вазифаси” эканлигини эълон қилди. У бутун дунёдаги аъзо-давлатларни Декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилиш ва таъминлашга чақирди. Ҳар йили 10 декабр бутун дунёда Декларация қабул қилинган кун сифатида Инсон ҳуқуқлари куни, деб байрам қилинади. Декларациянинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун дунёда тан олинган ва умумий бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар рўйхатини ўзида мужассамлаштирган биринчи халқаро характердаги ҳужжатдир. Декларацияда қуйидаги умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларининг тўлиқ рўйхати келтириб ўтилган: шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар: яшашга бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (3-модда).

Шунингдек, яшаш ҳуқуқи Европа конвенцияси (2-модданинг 1-банди) ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлар орасида биринчи ўринда туради, унинг муқаддимасида асосий қоида "бола жисмоний ва ақлий етуклигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳимоя ва ғамхўрликга, шу жумладан, туғилишдан олдин ҳам, туғилгандан кейин ҳам тегишли ҳуқуқий ҳимояга муҳтож" деб белгиланган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Муҳокама қилинаётган муаммога бундай ёндашув айрим давлатлар қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясида шундай дейилган: “Ҳар ким ўз ҳаётини ҳурмат қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ қонун билан қоида тариқасида, бола туғилгунига қадар, шунингдек туғилганидан кейин ҳам ҳимоя қилинади» (4-модданинг 1-банди[1]. Шунга ўхшаш қоидалар Чехия қонунчилигида белгиланган. Инсоннинг ҳаёти

туғилгунига қадар ҳам химоя қилинади”(6-модда) [2]. Худди шундай норма Словакия Республикаси Конституциясида (15-модда) [3] мавжуд ва Ирландия Конституциясида шундай дейилган: "Давлат туғилмаган боланинг яшаш ҳуқуқини, онанинг яшаш ҳуқуқи билан бир қаторда ҳимоя қилади, ўз қонунлари ва имкон қадар ўз қонунлари билан ҳимоя қилади” (40 модда 3-қисм)[4]. Германия Федератив Республикаси Асосий Қонунининг 2-моддасида “ҳар бир инсон яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқига эга” деган қоида белгиланган. Ушбу давлатлар Конституцияларида мустаҳкамланган юқоридаги қоидаларни таҳлил қилганда, уларнинг сўнгги йилларда шаклланмаганлиги, шу билан тавсифланганига эътибор қаратилади. Генетика ва тиббиётдаги "ютуқ" инсоннинг она қорнида мавжудлигининг кўплаб сирларини очишга имкон берди, лекин бундан ўн йиллар олдин - Ирландияда - 1937 йилда, Германияда - 1949 йилда, Чехияда ва Словакияда - 1992 йилда. Бу Ўзбекистон Республикасида кўриб чиқилаётган масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳомиладор бўлган, лекин ҳали туғилмаган болалар ҳуқуқларини таъминлаш истагида анча орқада қолаётганини англатадими? Бу саволга ягона жавоб йўқ, чунки ҳуқуқий лаёқатнинг пайдо бўлиш пайтини аниқлашга анъанавий қонунчилиги ёндашуви бошқа кўплаб давлатларда ҳам ўрнатилган. Бу давлатлар қаторига, масалан, Австрия, Греция, Дания, Канада, Хитой, Швеция ва бошқалар киради, улар ҳомиладор аёлнинг қарори билан ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш имкониятини беради. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда олимлар, балки қонун чиқарувчи ҳам яшаш ҳуқуқининг энг олий қадриятини тан олган ҳолда, диаметрал қарама-қарши позициялардан келиб чиқиб, унинг пайдо бўлиш пайтини ва ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласини ҳал қилмоқдалар. Агар масаланинг тиббий, диний, маънавий, демографик ва, ижтимоий-иқтисодий омилларга тўхталмасак, унда ҳеч бўлмаганда ҳуқуқий характердаги баъзи далилларни таҳлил қилиш керак.

Ушбу ҳолатлардан биринчиси, афсуски, жуда кенг тарқалган она қорнида ҳомила ўлими (аборт) эҳтимоли билан боғлиқ. Олимларнинг таъкидлашича, биринчи навбатда ҳомиладор аёл болани ҳомиладор бўлиш вақтини, сўнгра унинг ҳомила сифатида нобуд бўлган ўлимини қайд этиши керак, бу эса шахсий ҳаёт, оила дахлсизлиги ҳуқуқининг бузилиши сифатида баҳоланиши ва сир сақланиши керак. Бундай маълумотлар шахсий характерга эга бўлиб, унинг розилигисиз ошкор этилиши, шубҳасиз, боласини йўқотган аёлни янада оғир азоб ва ҳис-туйғуларга олиб келиши мумкин.

Фикримизча, ушбу саволга жавоб бериш учун турли жиҳатларга эътибор қаратиш зарур. Чунончи, аввало ота-она бўлиш ёки бўлмаслик масаласини ҳал қилиш ҳуқуқи ҳам эркак ва аёлга (кейинчалик эр ва хотин ёки ота-она) тегишли бўлган шахсий ҳуқуқлардан ҳисобланади.

Демак, аввало улар фарзанд дунёга келиши ҳақида қарор қабул қилишлари талаб қилинади. Сўнгра, фарзандни эмбрион ҳолатига ўтиши. Бу борада юридик адабиётларда ҳам турли фикрлар билдирилган.

Юридик манбаларда, инсоннинг ҳаёти унинг ҳомила шаклига келиши билан бошланиши ҳақида фикрлар ҳам мавжуд. Ушбу нуқтаи назардан хомила ҳолатидаги боланинг ҳуқуқ лаёқатига эгалиги ҳақидаги концепция шакллана бошлайди. Масалан, ГФРда Э.Вольф томонидан хомила ҳолатидаги бола ва янги туғилган чақалоқ ўртасида муайян фарқ мавжуд эмас, чунки, эмбрион инсон зоти сифатида яшайди, деган концепцияни илгари суради[5].

И.Насриевнинг таъкидлашича, ҳаётнинг бошланиш вақтини қонуний мустаҳкамлаш муҳим амалий аҳамиятли масаладир. Биринчидан, она қорнидаги бола ривожланишнинг қайси давридан яшашга қодир ёки яшаш қобилиятига эга ҳисобланади ва ҳуқуқнинг субъектига айланади? Иккинчидан, бу боланинг параметрлари қандай бўлиши керак ва ҳ.к.

Айрим қонун ҳужжатларида келажакда туғиладиган болани ҳуқуқ ва манфаатларини кўриқлашга қаратилган нормалар мавжуд. Масалан, ФКнинг 1009-моддасида боқувчиси вафот этган тақдирда зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди ҳам кўрсатилган.

И.Насриев тадқиқот ишида яшаш ҳуқуқи мазмунида ҳомиланинг яшашга бўлган ҳуқуқини тадқиқ этиб, айрим ҳолларда чақалоқ онанинг ўлимидан кейин туғилиши мумкин (бундай ҳоллар онанинг касаллиги ёки бошқа сабаблар натижасида юз бериши мумкин)лигини кўрсатади. Тиббиёт ходимларининг мажбурияти сифати қонун ҳужжатларида боланинг яшашига имкон берадиган барча чора-тадбирларни кўриши шартлигини белгилаб қўйиш лозим, токи онанинг ҳомиласини сақлаб қолишнинг барча чоралари кўрилмаган ҳолларда жавобгарлик юзага келиши шарт бўлсин. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, она хомиласидан илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш ёки фойдаланишни таъқиқлаш масаласи қонуний ҳал бўлмоғи лозим. АҚШ, Англия каби қатор давлатлар бу тарзда олиб бориладиган тадқиқотларга қонун ҳужжатлари билан чек қўйилган.

Боланинг яшаш ҳуқуқи унинг соғлиғига бўлган ҳуқуқи билан узвий боғлиқ бўлиб, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда назарда тутилган.“Иштирокчи-давлатлар максимал даражада боланинг яшаб қолиши ва соғлом ривожланишини таъминлайдилар (6-модданинг 2-банди). Ҳеч шубҳа йўқки, боланинг соғлиғи бевосита ота-онасининг соғлиғига боғлиқ, шунинг учун келажакдаги ота-оналарнинг соғлиғини ҳимоя қилиш кафолатларини яхшилаш бўйича амалдаги қонунчиликда қандай чоралар кўзда тутилганлиги масаласи катта амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, Оила кодексида оиланинг янада мустаҳкам ва барқарор бўлиши, наслни соғлом дунёга келишини кафолатлаш мақсадида 17-модда киритилган бўлиб, у никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишга бағишланган. Ушбу моддага биноан никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтишлари, тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши нормаланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом [6]га биноан, мазкур органлар асосан аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширади.

Ушбу Низомга мувофиқ, фуқароларнинг соғлиғи, уларни нормал турмуш тарзини шакллантириш, келажак авлодни тарбиялашда руҳий соғлом бўлмаган хаста беморларни руҳий шифохоналарда давлат ҳисобидан, бепул, имтиёз асосида даволаш ваколати мустаҳкамланган. Ушбу Низом хусусида тўхталиб шуни таъкидлаш лозимки, унда соғлиқни сақлаш муассасига мурожаат қилган шахснинг руҳий ҳолати аниқ тавсифланиб, унга кўра, касалликнинг юқори ёки паст даражада эканлиги кўрсатилиб, аниқ исбот ва далиллар асосида фуқарони руҳий хаста ёки хаста эмаслигини исботлаб бериш нормаланади.

Юқорида “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низом хусусида тўхталиб ўтилганлигининг сабаби шундаки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25-августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом ҳам ушбу юқоридаги Низом билан ҳамоҳангдир ҳамда ОКнинг 16-моддасида белгиланган руҳий касал ёки ақли

заиф шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслигини янада ҳам мустаҳкамлайди.

Никоҳланувчи шахслар қуйидаги касаллик турлари бўйича тиббий кўрикдан ўтишлари лозим:

- ОИВ (ОИТС) юзасидан текшириш;
- ўпка касалликлари;
- тери-таносил касалликлари;
- наркологик касалликлар;
- руҳий касалликлар;

Ушбу юқорида кўрсатилган икки Низом асосида никоҳланувчилар никоҳдан ўтишлари билан ўзларини оила олдидаги мажбуриятига, ўз хатти-ҳаракатларига руҳий ҳолатдан жавоб бериш ва уни тушуниб етиш мумкинлигини англатиш, келажакда эр-хотинлик мажбуриятларини амалга оширишга қанчалик қодир ёки қодир эмасликларига кафолат бўлиб хизмат қилади. Никоҳланувчилар никоҳ муносабатларига киришаётганларида тўлақонли равишда ўзларининг хатти-ҳаракатларига жавоб берадиган бўлишлари, яъни муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Шу ўринда Ш.Р.Юлдашева суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимлари васийлик ва ҳомийлик фаолиятини амалга оширишини кўрсатиб, ФКнинг 30-моддасига кўра, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилади ва бундай фуқарога нисбатан васийлик белгиланади. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишнинг асосий мезони – ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаслиги ёки уларни бошқара олмаслиги эканлигини кўрсатади[7].

Суд фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг уч кун ичида ушбу фуқарога васий ёки ҳомий тайинлаш учун васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилиши лозим.

Никоҳдан ўтувчилардан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги никоҳдан ўтиш учун тўсқинлик қилмаслигини, бунга асос қилиб, фақат суднинг муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги қарори бўлиши лозимлиги ва бундай фикрни амалдаги қонунда берилганлигини кўрсатади[8]. Фикримизча, бундай фикрга қўшилишлик мустақил Республикамизнинг келажак авлодни бақувват, ақлли, заковатли бўлишга айрим салбий таъсирини кўрсатиш мумкин,- деган

хавотир ўйғотади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар қандай руҳий касаллик, ақли заифлик (у вақтинча бўлса ҳам) улар суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиш учун асос бўлмаса ҳам никоҳдан ўтиб оила қуриш, никоҳ тузиш шартларини бузадиган ҳолат деб қаралмоғи лозим.

Юқоридагиларга асосланиб, ОК 16-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз: "лоақал никоҳланувчи шахслардан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги ҳақидаги соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий идораларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, қонун нормаси билан белгиланган ҳолатлар бузилиб никоҳ тузилганда, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилади".

Никоҳланувчилардан бири никоҳдан ўтиш жараёнида руҳий касаллигини яширса, бундай ҳолатда ишни судда кўришда суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топмасдан, балки ажралиш йўли билан тугалланиши лозимлиги [9] ҳақидаги фикрларини қуйидаги асосларга кўра мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз. Агар никоҳланувчилар никоҳ тузиш жараёнида ўзларининг жиддий касалликларини яширсалар, масалан: эпилепсия, шизофрения, олиграфия каби касалликлардан бири бўлса, кейинчалик бу касалликни аниқланиши оиланинг бузилишига сабаб бўлиши билан бирга иккинчи тарафдан моддий ёрдам талаб этиш ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга имкон туғдириши адолатдан бўлмайди. Шунинг учун бундай никоҳлар ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши лозим.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун никоҳланувчилардан бирида юқумли касалликларнинг мавжудлиги эмас, балки никоҳга киришда бу касалликни бошқасидан яширганлиги юридик аҳамиятга эга, - деб кўрсатади Ф.М.Отахўжаев[10]. Ҳақиқатан ҳам, никоҳ ўзаро ишонч ва севгига асосланган иттифоқ. Бунда бир тараф иккинчи тарафни алдамаслиги, ишончини суистеъмол қилмаслиги шарт. Касаллик фактини яшириб оила қуриш натижасида бошқа тараф соғлиғи учун реал хавф вужудга келади. Ҳолбуки, келгусида бошқа тарафга касаллик юқмагани, уни даволаниб, соғайиб кетганлик факти ОК 49-моддаси 3-қисмини қўлашни рад этиш учун судларга асос бўла олмайди.

Никоҳланувчи шахс ўз касаллик фактини яширмаса, касаллик факти яққол кўриниб турган бўлса, бундай ҳолда ушбу асос билан никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни қўллаш мумкин эмас[11]. Албатта, баъзи ҳолларда касаллик белгилари аниқ кўриниб туриши мумкин. Масалан, дармонсизлик, тез-тез

шамоллаш, баданда яра-чақалар ва х.кларни пайдо бўлиши. Бироқ, буни фақат мутахассис шифокоргина тушуниб етиши мумкин. Шу сабабли ҳам мўтахассис бўлмаган кишилар бундай аломатлардан бўлғуси турмуш ўртоғини таносил касали ёки ОИТС билан касалланганлигини билмаслиги мумкин.

Никоҳни ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги талабларга нисбатан даъво муддати қўлланмайди, чунки бу шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳисобланади ва бунда ФКнинг 163-моддаси нормалари тадбиқ қилинишини кўрсатади[12]. Дарҳақиқат, фуқаролик ҳамда оила ҳуқуқида шахсий муносабатларга нисбатан ҳеч қандай давъо муддати қўлланилмайди. Шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан, ҳар қачон, у ўн йил ёки ўн беш йил бўладими, даъво қилишга ҳақлидир. Россия Федерацияси ОК 169-моддаси 4-бўлимига кўра, таносил касаллиги ёхуд ОИТС касаллигини яшириб никоҳга кирган шахсларга нисбатан никоҳни ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги талаб эр (хотин) хотини (эрини) касаллигини яширганлигини билган ёки билиши мумкин бўлган кундан бошлаб бир йил ичида билдириши мумкинлиги нормаланади[13]. Фикримизча, бундай қоида ўринли ва оқилона мазмунга эга эмас. Чунки юқорида кўрсатилган касаллик турли яъни, тери таносил ва Вич инфекцияси билан касалланган шахсларнинг тузалиши бироз мураккаброқдир. Ҳақиқатан ҳам, агар инсофли тараф ўз ҳуқуқини бузилган деб ҳисобласа, билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан даъво қилиши мумкин. Бунга даъво муддатини қўлламаслик оила муносабатлари барқарорлигига хавф манбаи бўлади (масалан, беш йил ёки ўн йил ўтгандан кейин ҳам гарчи эр ёки хотин бу ҳуқуқдан фойдаланиш формал нуқтаи назардан тўғридир).

Бундай касалликларни инсон учун ниҳоятда хавфлигини назарга олган ҳолда, қонун нафақат никоҳланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга, била туриб бошқа шахсни таносил (венерический) касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирган ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда Жиноят кодексининг 113-моддаси асосида жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳам белгилайди.

Бироқ, никоҳланувчи шахсларнинг соғлиғига ва ушбу никоҳда туғилиши мумкин бўлган болаларнинг соғлиғига таҳдид солувчи хавфли юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган қоидаларни тақдим этган ҳолда, қонун чиқарувчи ушбу вазифани ҳал қилиш механизмини ишлаб чиқмаган, чунки бунинг натижасида муҳокама қилинаётган норма она ва бола саломатлиги учун курашда самарали воситага айланмади. Бу, бизнинг

фикримизча, иккита асосий сабабга кўра содир бўлди. Биринчидан, Оила кодексининг 49-моддаси, никоҳланувчи шахслардан бирида мавжудлиги катта ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган касалликлар сифатида (бу никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланади), фақат ОИВ инфекцияси ва тери таносил касалликлар номланади. Шу билан бирга, никоҳланувчи шахсларнинг ва уларнинг келажак авлодлари соғлиғига бевосита таҳдид соладиган касалликлар жуда кўп. 1997 йил 20 февраль 96-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликлар рўйхати” (кейинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) тасдиқланган. Рўйхатга тарқалиши фуқароларнинг соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирадиган касалликлар киради. тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомда айтиб ўтилганларга қўшимча равишда жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, вирусли гепатит, руҳий ва хулқ-атвор бузилишлари ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар деб таснифланади. Охирги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам бўғинларида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш тизимида анча ислоҳотлар амалга оширилиб келмоқда. Жумладан,Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги фармонига мувофиқ, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Шундан келиб чиқиб, тиббий кўрикдан ўтказилиши керак бўлган касалликлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилишда, уларнинг бошқа никоҳланувчи шахслардан бири учун ҳам, бу никоҳдан туғилаётган бола учун ҳам бевосита хавф даражасини ҳисобга олиш керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб қонунда белгиланган касалликлар рўйхатини кенгайтиришни таклиф қилиш учун асос бўлади.

Шу билан бирга, никоҳланувчилардан бирининг руҳий бузилиши, ҳатто фуқаронинг муомалага лаёқасиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилиши мумкин бўлган даражага эга бўлмаса ҳам, оилавий ҳаётда бир хил даражада хавфли омилга айланиши мумкин. Руҳий бузилишнинг мавжудлиги тажовузкор хатти-ҳаракатни келтириб чиқариши, низоларга олиб келиши мумкин, бу боланинг ривожланишига кескин салбий таъсир кўрсатади, у ҳам оғирлашган ирсият хавфини сезиларли даражада оширади, шунинг учун никоҳга киришда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган касалликлар рўйхатига руҳий касалликлар ҳам қўшилиши керак.

Никоҳланувчи шахс ва уларнинг бўлажак фарзандлари саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган яна бир омил — тиббий кўрик натижалари тиббий сир эканлиги ва бўлажак турмуш ўртоғига фақат шахснинг розилиги билан етказилиши мумкинлиги қоидаси. Бу қоидалар фуқароларининг шахсий, шахсий ва оилавий ҳаётининг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган, аммо бундай вазиятларда шахсий дахлсизлик ҳуқуқига риоя қилиш бошқаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш ҳуқуқини бузиш хавфини туғдиради. Келажакдаги турмуш ўртоғидан жиддий ва хавфли касалликнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни яшириш келажакдаги турмуш ўртоғининг инфекциясини ва оғир патологиялари бўлган боланинг туғилишининг юқори эҳтимолини келтириб чиқаради.

И.А. Михайлова таъкидлаганидек, "шахсий ва тиббий сирни сақлаш ҳуқуқининг аҳамиятини камситмасдан, у шахснинг асосий ҳуқуқи - бундай вазиятда бевосита таҳдид солувчи ҳаёт ва соғлиқ ҳуқуқидан камроқ аҳамиятли деб тан олиниши керак"[14] . Ушбу касалликларнинг тарқалиш кўламини ҳисобга олсак, бу фикрга қўшилмаслик мумкин емас: “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунга қадар ОИВ инфекцияси ва бошқа жинсий йўл билан юқадиган касалликлар туфайли дунёда ўн беш миллиондан ортиқ одам вафот этган”[15].

ХУЛОСА

Кўриниб турибдики, кўриб чиқилаётган масалани ҳал қилишда оила ҳуқуқининг асосий тамойилининг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши”ни амалга оширган ҳолда, никоҳланувчи шахсларнинг бири ва уларнинг фарзандларининг соғлигига бевосита таҳдид солувчи касаллик аниқланганда, тиббий сир бўлиш ҳуқуқини чеклаш зарурлигини англатади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. American Convention on Human Rights (принята в Сан-Хосе, Коста-Рика 22 ноября 1969 г.). URL: http://www. hrcr.org/docs/American_Convention/oashr. html.
2. Конституция Чехии (Чешской Республики) от 16 декабря 1992 г. URL: http://www.czinvest.ru/o-chehii/constitution.html#glava1.
3. Конституция Словакии. Принята 1 сентября 1992 г. URL:

http://slovakia.kiev.ua.
4. Конституция Ирландии от 29 декабря 1937 г. URL: http://concourt.am/armenian/legal_resources/world_constitutions/constit/ireland/irelnd-r.htm.
5. Wolf E., Naujoks H. Anfang und Ende der Rechtafainigkeit des Menschen. Frankfurt a.M. 1955. 131-141 p.
6. Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 53-сонли қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.
7. Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликни моҳияти, уни амалга ошириш усуллари. Юрид.фан.номз.Дис...-Тошкент:2005.-159 б.
8. Эгамбердиев Э. Х. Правовой и статистический анализ проблем ранних браков в Республике Узбекистан //Синтез науки и образования в решении глобальных проблем современности: Сборник статей по итогам Международной научно-практической конференции (Саратов, 24 августа 2021 г.).-Стерлитамак: АМИ, 2021.-178 с. – 2021. – С. 152.
9. Нечаева А.М. Семейное право. -М.: Юрист, 2000. -307 с.
10. Шарахметова, У. Ш. (2021). Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарлик чораси сифатида. Журнал правовых исследований, 6(12).
11. Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 88 б.
12. Пчелинцева Л.М. Семейное право России.- М.: Норма, 2008. -76 с.
13. Иномжонова Г. Эр-хотин ўртасидаги нафақат шахсий, балки мулкий муносабатлар ҳам аниқ вақт чегарасида давом этадиган муносабатлар орасига кирмайди деб кўрсатади// Иномжонова Г.С. Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқларини оила-ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари. Юрид.фан.номз.дис.... Автореф. –Тошкент: 2005. -14 б.
14. Imomniyozov, D. B. O. G. L., & Atalikova, G. S. (2022). INGLIZ VA MILLIY HUQUQIMIZDA SHARTNOMAVIY JAVOBGARLIKNING ASOSLARI. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(2), 84-95.
15. Пчелинцева Л.М. Семейное право России. -М.: Норма, 2008. -100 с.
16. Михайлова И.А. Информация о здоровье лиц, вступающих в брак // Законы России. Опыт, анализ, практика. 2010. №4. С. 64.
17. ШАРАХМЕТОВА, У. (2020). ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ БРАЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ. Iasaý ýnıversıtetiniń habarshysy.

BRENDING TA'LIM MUASSASASINI RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASI SIFATIDA

PhD, Odilova Sitora Sayfitdin qizi
A. Avloniy nomidagi milliy-tadqiqot instituti
Xalqaro bo'lim bosh mutaxassisi
sitoraodilova1992@gmail.com
+998914061208

ANNOTATSIYA

Brendingni ta'lim muassasalarida qo'llash o'quvchilar sonini ko'paytirishga va shunga mos ravishda ma'lum bir imidjni shakllantirishga hamda bugungi kunda raqobat muammosi va shunga mos ravishda raqobatbardosh ustunliklarni shakllantirish texnologiyasi sifatida, birinchi navbatda, qo'shimcha ta'lim xizmatlarini ko'rsatadigan sub'ektlar uchun juda dolzarbdir.

Kalit so'zlar: *Brend, brending , ijobiy imij, ta'lim xizmatlari.*

АННОТАЦИЯ

Использование брендинга в учебных заведениях способствует увеличению количества обучающихся и, соответственно, формированию определенного имиджа, а сегодня как конкурентной задачи и, соответственно, как технологии формирования конкурентных преимуществ, прежде всего, дополнительных образовательные услуги очень актуальны для субъектов, которые показывают.

Ключевые слова: *бренд, брендинг, положительный имидж, образовательные услуги.*

ABSTRACT

The use of branding in educational institutions contributes to an increase in the number of students and, accordingly, the formation of a certain image, and today as a competitive task and, accordingly, as a technology for creating competitive advantages, first of all, additional educational services are very relevant for the subjects that show.

Keywords: *Brand, branding, positive image, educational services.*

KIRISH

O'zbekistonda bozor munosabatlarining rivojlanishi ko'plab sohalarni, shu jumladan ta'lim sohasini tijoratlashtirishga olib keldi. Bozor raqobatni o'z ichiga oladi, shuning uchun birinchi navbatda brendingni ta'lim muassasalarida qo'llash o'quvchilar sonini ko'paytirishga va shunga mos ravishda ma'lum bir imidjni

shakllantirishga intilayotgan ta’lim muassasalarining siyosati sifatida ko‘rila boshlandi. O‘rta mahsus ta’lim muassasida o‘qish ko‘pincha ota-onalarning tanlovi bilan emas, balki yashash joyi yoki ro‘yxatdan o‘tish bilan bog‘liq. Bugungi kunda raqobat muammosi va shunga mos ravishda raqobatbardosh ustunliklarni shakllantirish texnologiyasi sifatida brending, birinchi navbatda, qo‘shimcha ta’lim xizmatlarini ko‘rsatadigan sub’ektlar uchun juda dolzarbdir.

Qo‘shimcha ta’lim xizmatlari:

• umumiy va kasb-hunar ta’limi muassasalarida ularning maqomini belgilovchi asosiy ta’lim dasturlari doirasidan tashqarida;

• qo‘shimcha ta’lim, ta’lim muassasalarida (malaka oshirish muassasalari, kurslar, kasb-hunarga yo‘naltirish markazlari, musiqa va san’at maktablari, bolalar ijodiyoti uylari, yosh texniklar stansiyalari, yosh tabiatshunoslar stansiyalari va tegishli litsenziyaga ega bo‘lgan boshqa xizmatlar);

• individual mehnat pedagogik faoliyati orqali.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Brending ta’lim muassasasining siyosati sifatida

Brend (inglizcha brend — savdo belgisi) — marketingda qo‘llaniladigan atama. Taniqli marketologlar bu tushunchani turlicha talqin qilishadi, lekin ularning ma’nosi bir xil. Brend - bu mahsulot yoki xizmat tajribasini ifodalovchi sof aqliy konstruksiya. Marketing tamoyillaridan biri shundaki, agar ishlab chiqaruvchining brendi bo‘lmasa, u iste’molchi uchun mavjud emas, shuning uchun katta foyda kutmaslik kerak.

Brend nafaqat qadoqlash, ishlab chiqarish texnologiyasi, dizayni, balki kompaniya taqdim etayotgan qadriyatlarni ham o‘z ichiga oladi. Brend - bu isbotni talab qilmaydigan sifat belgisi, shuning uchun uni yaratish uchun katta mablag‘ sarflanadi. Jahon brendlarining o‘ziga xos qiymati bor, masalan, Coca-Cola brendining narxi taxminan 56 milliard dollarni tashkil qiladi.

Nima uchun ta’lim muassasasi brendga muhtoj.

Bugungi kunda maktab endi yagona bilim manbai emas; o‘qituvchi o‘ziga xos xususiyatga ega bo‘lgan bilimlarni baham ko‘rmaydi. Shu sababli, asta-sekin ta’lim sohasi tobora ko‘proq amaliy ahamiyatga ega bo‘lib, xizmat ko‘rsatish sohasi sifatida normativ hujjatlarni o‘z ichiga oladi.[62] Agar biz xizmatlar haqida gapiradigan bo‘lsak, unda shunga mos ravishda ularni taqdim etish sifati haqida savol tug‘iladi. Ta’lim muassasalari uchun bu ma’lum miqdoriy ko‘rsatkichlar (natijalari, oliy o‘quv yurtlariga o‘qishga kirgan bitiruvchilar soni, tanlov, olimpiada g‘oliblari va

[62] Как создать личный бренд в социальных сетях? [Пошаговая инструкция] (http://kirulanov.com)

laureatlari va boshqalar) va muassasa imidjini tavsiflovchi ko‘rsatkichlar bo‘lishi mumkin (bolani ushbu muassasaga berishni istagan ota-onalar, bu yerda ishlashni istagan o‘qituvchilar, rahbar va hokazo). Agar biz qo‘shimcha xizmatlarni ko‘rsatadigan sub’ektlar haqida gapiradigan bo‘lsak, unda bu yerda ma’lum bir joyda yoki ushbu o‘qituvchidan ta‘lim xizmatlarini olishni istagan mijozlarni jalb qila oladi. Boshqacha qilib aytganda, brend raqobatbardoshlikni, obro‘ - e’tiborni, imidjni oshirish uchun zarurdir.

Shuni ta’kidlash kerakki, brendni shakllantirish bir necha yil davom etishi mumkin, afsuski, ta’lim muassasalari ijobiy imidjini yoki obro‘li maqomini uzoq muddatga saqlab qololmagan holatlar mavjud. Shu sababli, brending bo‘yicha ishlar uzoq va tizimli bo‘lib, butun o‘qituvchilar tarkibining ishtirokini talab qiladi va nafaqat ta‘lim xizmatlari sifatini oshirish istagini, balki ota-onalar, bolalar va o‘qituvchilar uchun ishonch, o‘zaro hamdardlik, hissiy taassurotlar muhitini yaratishni ham o‘z ichiga oladi.

Достаточно динамично проходило налаживание контактов Израиля и с другой крупной страной Центральной Азии — Республикой Казахстан. Прибывшая туда в апреле 1992 г. группа дипломатов во главе с послом Арье Левиным имела встречи с президентом страны Нурсултаном Назарбаевым, премьер- министром Сергеем Терещенко, министром иностранных дел Тулеутаем Сулейменовым, министром внешней торговли Сиздиком Абишевым, рядом других отраслевых министров[73]. 10 апреля 1992 г. были подписаны документы об установлении дипломатических отношений. В ходе первых переговоров было решено нацелить сотрудничество между двумя странами на решение приоритетной задачи —

[70] Зайнутдинов Ш. Узбекистан и Израиль: наведены мосты сотрудничества // Правда Востока, 25.02.1992
[71] Там же
[72] Гробер Я., Коган И. Пурим – время веселья // Правда Востока, 20.03.1992
[73] Levin A. Enjoy to Moscow. Memories of an Israeli Ambassador, 1988-92. C.364

внедрение современных технологий и научных инноваций в максимально возможных сферах народного хозяйства Казахстана. Именно в этой стране сложилась наиболее благоприятная среда для осуществления двустороннего сотрудничества с Израилем по всем наиболее значимым проектам. В том же 1992 г. страну посетил министр связи Израиля, положив начало двустороннему сотрудничеству в сфере коммуникаций. Весной 1992 г. в Израиле побывала представительная делегация Казахстана во главе с министром торговли. Были подписаны первые соглашения в сфере сельского хозяйства. Они включали взаимодействие в развитии земледелия, животноводства, подготовке специалистов. Тогда же началась реализация ряда проектов с участием израильских специалистов в области производства хлопчатника, выращивания томатов, что немедленно показало свою эффективность в условиях казахстанского засушливого климата. Реализация проекта «Дави» способствовала быстрому увеличению удоя молока на 60%[74]. Начались первые инвестиции израильского бизнеса, в частности, в банковскуюсферу. Как констатировалось в преамбулах двусторонних договоров и соглашений, обе страны были действительно убеждены в необходимости дальнейшего развития взаимоотношений в соответствии с принципами суверенного равенства, невмешательства во внутренние дела и мирного разрешения международных споров». Принятая в 1995 г. Декларация об основах взаимоотношений между Республикой Казахстан и Государством Израиль создала надежный базис для дальнейшего правового оформления максимально диверсифицированного сотрудничества, целью которого было «поднять существующие дружеские отношения и взаимное доверие... на новый, более высокий уровень взаимодействия во благо обеих стран». Дальнейшее развитие казахстанско-израильского диалога подтвердило реальность таких деклараций.

В отличие от других стран центральноазиатского региона, в отношениях Израиля с Казахстаном с самого начала выявилась еще одна сфера. Это было связано с тем, что однажды премьер-министр Израиля Ицхак Шамир рассказал послу в Москве Арье Левин у, что некоторые страны Центральной Азии пытаются овладеть опытом Израиля даже в

[74] Рыжов И. Характер внешнеполитической деятельности Государства Израиль в отношении стран центральноазиатского региона (1992-2000 гг.) // Вестник Нижегородсокого университета им. Н.И.Лобачесвского, 2009, №1. С.175

организации алии, то есть репатриации соотечественников. В феврале 1992 г., когда Левин на несколько дней приезжал в Иерусалим в краткосрочный отпуск, И. Шамир пригласил его на беседу и рассказал, что недавно принимал министра сельского хозяйства Казахстана. «В Казахстане, — сказал Шамиру казахстанский министр, — всего 50% титульной нации, казахов, и мы планируем принять свою собственную разновидность политики приема и абсорбции репатриантов и вести активную работу по привлечению зарубежных казахов отовсюду, включая Китай». «Вскоре мне сказали, — писал А. Левин, — что первые результаты такой деятельности были очень скромными, потому что не было наработок в этой сфере, плохо велась разъяснительная работа. У зарубежных казахов была низкая мотивация. Не у кого было набираться опыта. Подобную работу в рамках бывшего СССР проводили после окончания Второй мировой войны только в Армении по привлечению в республику армянской диаспоры, но и там результаты были удручающими. Опыт Израиля в этой сфере, разумеется, мог быть весьма поучительным, и, судя по шагам, предпринятым впоследствии Казахстаном, там достаточно эффективно использовали опыт Израиля. По результатам переписи 2009 г., доля казахов в населении Республики Казахстан заметно увеличилась, превысив 63%».[75]

Совершенно по-другому проходило установление диплома- тических отношений Израиля с Таджикистаном. Весной 1992 г. там уже вовсю бушевала гражданская война, набирала силу оппозиция, основу которой составляли сторонники Исламской партии возрождения и либерально-националистического общественного движения «Растохез» (Пробуждение). В сентябре 1991 г., то есть немедленно после провозглашения государственной независимости Республики Таджикистан, новое государство признала Исламская Республика Иран, вскоре открыв там посольство — первую иностранную дипломатическую миссию в Душанбе. Учитывая сложную ситуацию в молодом государстве, в Израиле посчитали разумным провести официальную церемонию подписания документов об установлении дипломатических отношений в начале апреля 1992 г. в Москве, в расположенных там официальных учреждениях Республики Таджикистан. С этой целью в российскую столицу прибыл первый вице-премьер правительства Таджикистана Джамшед Каримов. С израильской стороны документы подписал посол в Москве Арье Левин. В последующих

[75] http://demoscope.ru/weekly/2011/0459/barom03.php

переговорах было решено не ограничиться этим, а направить все же в столицу Таджикистана израильскую делегацию.

Поездка состоялась летом того же года. К сожалению, об улучшении внутренней ситуации говорить не приходилось. Израилю тогда даже пришлось серьезно поработать над эвакуацией еврейской общины в Израиль. Была проведена тайная операция с тем, чтобы вывезти из республики, охваченной войной, тысячи остававшихся здесь евреев. Она осложнялась тем, что с лета 1992 г. обстановка резко обострилась, и даже в столице шли уличные бои. Связи с евреями, находившимися в различных районах Душанбе и за его пределами, не было. В Таджикистане действовали эмиссары афганских группировок и иранских спецслужб, поддерживавшие местных исламистов. Кроме того внутри Таджикистана Израиль не имел почти никаких связей. В неимоверно трудных условиях был установлен прямой рейс из Душанбе в Тель-Авив. Однако для остававшихся евреев ситуация ухудшилась: город и окрестности захлестнула волна антисемитизма и яростной антиизраильской пропаганды. Экстремисты утверждали, что израильские самолеты вывозят таджикское имущество, грабят страну. Населению, в том числе и евреям, было опасно выходить на улицу.

В 1992—1993 годах из аэропорта Душанбе в Израиль вылетели более 20 самолетов. Таким образом, 6000 человек сумели вырваться из настоящего ада и уехать в Израиль. Было видно, что президент Рахмон Набиев не в состоянии контролировать ситуацию или прекратить «растущую анархию»: «Когда я встретился с Набиевым, он выглядел потерянным и измученным и умер спустя несколько месяцев, оставив страну в состоянии усиливавшейся гражданской войны»[76]. А. Левина принял «симпатизировавший исламистам» глава МИДа Таджикистана Худайберди Халикназаров. В советское время он работал переводчиком фарси в посольстве СССР в Тегеране и потому владел фарси, который хорошо знал и Левин, живший еще в детстве несколько лет в Иране. Оба в течение часа говорили на фарси. Халикназаров высказал свои горячие комплименты по поводу владения Левиным тегеранским диалектом фарси. По окончании беседы министр попросил Левина дать интервью телевидению Таджикистана. На следующий день израильтяне были на торжественном приеме, устроенном в их честь первым вице-премьером правительства

[76] Levin A. Enjoy to Moscow. Memories of an Israeli Ambassador, 1988-92. C.356

Таджикистана Д. Каримовым, который проинформировал гостей о том, что интервью израильского посла по таджикскому телевидению вызвало официальный протест посла Ирана в Душанбе. Иранский дипломат заявил, что правительство Таджикистана не должно позволять израильском у представителю «распространять свою пропаганду на фарси на официальном таджикском телеканале»[77].

В целом ситуация в Таджикистане в отличие от соседнего Узбекистана отнюдь не способствовала наполнению принятых договоренностей каким-либо реальным содержанием. Но сам факт установления официальных связей Израиля с еще одним государством с доминирующим мусульманским населением, учитывая намечавшиеся диверсифицированные связи Таджикистана с Ираном, имел большое значение. Кроме того, Израиль обретал возможность помочь местной еврейской общине, которой в обстановке растущей нестабильности в Таджикистане грозили серьезные опасности. Рост национализма «выдавливал» из страны некоренное население, то есть ашкеназских евреев, составлявших большинство общины. В ходе опроса в мае 1992 г., аналитическим центром «Шарк», было выявлено негативное отношение к евреям. [78] На этой почве внутри общины все отчетливее проявлялись «отъездные» настроения, которые приобрели большую динамику с началом гражданской войны. Часть евреев старшего поколения предпочла эмигрировать в США, но представители более молодых возрастов хотели репатриироваться на свою историческую родину. Установление двусторонних отношений облегчало эту задачу. Ни о каком открытии израильского посольства в Душанбе, по крайней мере в тот период, не было и речи, поэтому курирование всех вопросов, связанных с Таджикистаном, стало одним из направлений деятельности посольства Израиля в Ташкенте, начавшего весной 1992 г. полноценное функционирование.

В отличие от Таджикистана установление отношений Израиля с Киргизией проходило в более спокойной и деловой обстановке, нацеленной на немедленное начало делового сотрудничества. Неприятным фоном был тот факт, что в январе 1992 г. в столице Киргизии Бишкеке был

[77] Там же
[78] Олимова С. Этнополитическая ситуация в Таджикистане и её влияние на миграционное поведение // Центральная Азия, 1997, №6(12). С.45

зарегистрирован кровавый навет: еврейская семья была обвинена в использовании крови для выпечки мацы.

В начале 1992 г. туда прибыли первые израильские официальные представители, в том числе посол А. Левин и тогдашний министр сельского хозяйства Рафаэль Эйтан. Р. Эйтан был фигурой несомненно легендарной: он имел в народе авторитет национального героя, прославившись как бывший начальник Генерального штаба израильской армии. Встретившие израильтян советники президента А. Акаева сказали, что их лидер — прагматик и готов сразу же обсуждать конкретные вопросы сотрудничества, в первую очередь в аграрной сфере. Кроме того, намекнул израильским представителям один из авторитетнейших советников киргизского президента, автор первой Конституции независимой Киргизии еврей по национальности, профессор Леонид Левитан, Акаев хотел бы получить официальное приглашение посетить их страну[79]. В ходе бесед в дни этого визита были оговорены основные направления сотрудничества, где упор был сделан на предоставление молодому государству передовых технологий в области сельского хозяйства. Это касалось таких аспектов, как водосберегающие технологии, в частности капельное орошение, подъем урожайности в растениеводстве и животноводстве, проблемы экологического порядка. Тогда же были достигнуты и договоренности по сотрудничеству в области медицины и здравоохранения, обсуждена возможность израильских инвестиций в различные экономические проекты.

В следующем 1993 г. началась реализация сотрудничества, которое, однако, до сих пор не получило должного динамизма, хотя еще в 1992 году, как писал в своих мемуарах А. Левин, был получен «зеленый свет» от самого президента Акаева[80].

В начале 1993 г. состоялся визит президента Киргизии А. Акаева в Израиль. В ходе визита было заметно отсутствие политического опыта у руководства молодого центральноазиатского государства, что сказывалось на выверенности и обдуманности сделанных заявлений и принимаемых решений. Это был первый визит руководителя центральноазиатского государства в Израиль. Кроме того, важно отметить, что А. Акаев оказался вторым лидером мусульманской страны, посетившим Иерусалим —

[79]Levin A. Enjoy to Moscow. Memories of an Israeli Ambassador, 1988-92. C.289
[80] Там же

официальную столицу Израиля. Как известно, первым это сделал египетский президент Анвар Садат.

Посещение Израиля лидером одного из новых независимых государств Центральной Азии имело, кроме политической, большую практическую значимость. Так, в ходе визита был подписан пакет соглашений по развитию прямых связей двух стран в политической, экономической, культурной и научной областях. Однако переговоры были осложнены происламскими высказываниями киргизского президента. Он, в частности, занял жесткую позицию по вопросу о независимости Палестины и на официальном приеме, устроенном в его честь президентом Израиля Хаимом Герцогом, киргизский лидер выразил надежду, что «всемогущий Аллах наконец остановит затянувшийся конфликт между израильским и палестинским народами» и палестинцы получат долгожданную независимость. В ответном выступлении министр иностранных дел Шимон Перес заявил, что Израиль полагает, что создание независимого палестинского государства требует длительного переговорного процесса и взаимных компромиссов. Однако, сказал глава израильского МИДа, дружественные страны вполне могут занимать различные позиции по одному и тому же, пускай и принципиальном у, вопросу. «Такая постановка вопроса израильским руководством вполне устраивает Акаева. Она позволяет Кыргызстану, не идя на принципиальные политические уступки, поддерживать, тем не менее, вполне нормальные отношения с Израилем»[81]. Другое высказывание Акаева вызвало недоуменную реакцию мировых СМИ: президент Киргизии заявил о том, что его страна готова открыть посольство не в Тель-Авиве, где находились практически все дипломатические миссии зарубежных стран, а в Иерусалиме. Вскоре под давлением парламента Акаев был вынужден дезавуировать свои слова. Авторство же этой инициативы было приписано тогдашнему министру иностранных дел Кыргызстана Эднану Карабаев который якобы из-за своей неопытности мог допустить подобное незнание реалий израильской политической жизни.

Дипломатические отношения между Израилем и Туркменистаном были официально установлены в декабре 1993 г., знаменуя собой завершение этапа первичного налаживания связей со всеми государствами СНГ с доминирующим мусульманским населением. Более позднее, нежели в

[81] Коммерсантъ, №10 (233), 22.01.1993

случае с другими странами региона, установление отношений с Израилем, связано с большим давлением, оказываемым на туркменское руководство лидерами Исламской Республики Иран. Туркменистан с начала провозглашения независимости обладал самым высоким в регионе уровнем отношений с южным соседом. Свои связи с Центральной Азией Иран начинал именно с Туркменистана. Уже в октябре 1991 г., когда была провозглашена независимость этого молодого государства, состоялся первый визит в Иран президента С. Ниязова во главе представительной делегации в составе более 60 человек, в ходе которого были подписаны 4 двусторонних торговых протокола на общую сумму свыше 130 миллионов долларов[82]. Это было вполне объяснимо естественной тягой друг к другу: обе страны имеют протяженную общую границу, многовековую историческую, конфессиональную и цивилизационную близость. Важно и то, что территория нынешнего Туркменистана неоднократно была частью исторического Ирана, а столица легендарной ираноязычной Парфии — Ниса располагалась по соседству с нынешней туркменской столицей. В Иране несомненным плюсом добрососедства считали и считают стабильность на своих северных границах. Все это в совокупности определило динамичность ирано-туркменистанского взаимодействия в самых различных сферах, несмотря на ряд серьезных разногласий, связанных с тем, что Туркменистан провозгласил своей задачей создание светского государства, а в Иране реализовывалась модель исламского правления.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Однако в Туркменистане, как и в других странах центральноазиатского региона, имелись серьезные обстоятельства, предопределившие положительный ответ на предложения Израиля установить двусторонние отношения. Это такие общие для всех молодых стран региона факторы, как обладание Израилем серьезными и неоспоримыми достижениями в тех сферах экономики, которые имеют для Центральной Азии колоссальное и первостепенное значение: уже апробированные в начале 1990-х гг. в Казахстане, Киргизии и Узбекистане экономически эффективные технологии ведения орошаемого земледелия, освоения пустынных регионов, первоклассные достижения в медицине, фармакологии, хай-теке и других

[82] Ehteshami A. After Khomeini. – London; New York: Routledge, 1995. C.158

сферах. Кроме того, Израиль мог помочь в реальном продвижении Туркменистана на Запад. Уже в 1994 г., на следующий год после установления израильско-туркменистанских отношений начались взаимные поездки туркменистанских и израильских руководителей. Тогда Израиль посетил министр иностранных дел и заместитель председателя совета министров Туркменистана Борис Шихмурадов. Ответный визит в Ашхабад нанес министр иностранных дел Израиля Шимон Перес. Вскоре после этого — в апреле 1995 г. и в феврале 1996 г. — Израиль дважды посетил президент Туркменистана Сапармурад Ниязов. Пресса отмечала слова Ниязова, сказанные им в Израиле во время своего первого визита: «Моисей водил по пустыне народ Израиля много лет, после чего евреи в итоге обрели свое государство. Я хочу сделать то же самое для туркмен, только за более короткий срок»[83]. Видимо, для скорейшей реализации этой мечты туркменского лидера ему и была нужна технико-экономическая, технологическая и научная помощь Израиля.

Таким образом, Израиль полностью достиг своих целей на первом этапе в регионе Центральной Азии, то есть этот успех заключался в установлении дипломатических связей со всеми государствами, несмотря на резкое недовольство главного своего врага – Ирана. В дальнейшем отношения с государствами данного региона продолжаться по-разному, но эти события войдут в другую статью автора.

REFERENCES

1. Олимова С. Этнополитическая ситуация в Таджикистане и её влияние на миграционное поведение // Центральная Азия, 1997, №6(12).
2. Ehteshami A. After Khomeini. – London; New York: Routledge, 1995.
3. Levin A. Enjoy to Moscow. Memories of an Israeli Ambassador, 1988-92.

[83] http://www.uznai-pravdu.ru/viewtopic.php?f=26&t=3990&start=14

MISR INQILOBINING ARAB TILIDAGI OAV VA IJTIMOIY TARMOQLARDA BAHOLANISHI

Toyloqov Tuychiboy
ToshDSHU o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Arab mintaqasidagi aholi soni eng ko'p va kuchli siyosiy ta'sirga ega davlatlardan biri bo'lgan Misr jamiyatida ommaviy axborot vositalari har doim sezilarli siyosiy kuchga ega bo'lib kelgan. Muborak davrining so'nggi o'n yilligida OAVning faoliyatini liberallashtirish bo'yicha katta o'zgarishlar amalga oshirildi. Xususiy sun'iy yo'ldosh televideniyalarining paydo bo'lishi, ommaviy axborot vositalarining xususiylashtirilishi, mustaqil gazetalarning paydo bo'lishi va Internet xizmatlarining erkinlashuvi o'tmishdagi monolit media sahnasining plyuralistik tus olishini ta'minladi. Yangi ommaviy axborot vositalarining ko'payishi jonli va bahsli media maydonini yaratdi. Binobarin, aynan erkin media muhitida misrlik ijtimoiy faollarning ovozi, asosan, yangi aloqa vositalaridan foydalanish orqali balandroq yangray boshladi.

Kalit so'zlar: *"Al-Shoruk", "Al-Yum-Al-Sabi", Misr inqilobi, Qoliplash, Naila Hamdy.*

ABSTRACT

This study examines the framing of Egypt's January 2011 uprising in the country's state-run, independent and social media using a unique dataset of Arabic language content from newspapers and key social media posts collected during the peak of protests. Semiofficial (governmental) newspapers framed the event as ''a conspiracy on the Egyptian state,'' warning of economic consequence and attributing blame and responsibility for the chaos on others. Social media posts used a human interest frame defining protests as ''a revolution for freedom and social justice'' and independent newspapers used a combination of these frames. Findings point toward the potential roles that news media will play in shaping public opinion and demonstrate why social media have wide appeal in times of political crisis.

Keywords: *"Al-Shoruk", "Al-Yum-Al-Sabi", Egyptian revolution, Moulding, Naila Hamdy.*

KIRISH

Misr axborot sanoati kontekstida mustaqil gazetalar, davlat ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy tarmoqlarni bir-biridan farqlash mantiqan to'g'ri bo'ladi. Ularning har biri voqealarni o'ziga xos turli qoliplardan foydalanib talqin qilish va

hikoya qilishi bilan bir-biridan tubdan farq qiladi. Misrning yarim rasmiy gazetalari hukumatning bevosita ta'siri ostida, mustaqil gazetalar hukumat sanksiyalari ostidagi ishbilarmonlarga tegishli, ijtimoiy tarmoqlar esa o'z fikrlarini erkin bildirish mumkin bo'lgan virtual makon qidirayotgan fuqarolar bilan to'la. Oxirgi yillarda ommaviy axborot vositalari tizimini liberallashtirishga qaratilgan sa'y-harakatlarga qaramasdan hukumat OAV mamlakatda kuchli ijtimoiy norozilik harakatlari mavjudligini inkor etish bilan amaldagi kasal rejimni qo'llab-quvvatlab keldi. Shu bilan birga, ijtimoiy tarmoqlar - bloglar, Facebook guruhlari va Twitter sahifalari davlat strukturasidagi mavjud muammolarni yoritish va jamoatchilik xabardorligini oshirish uchun ziddiyatli jarayonlarga e'tibor qaratgan bo'lsa, mustaqil bosma gazetalar hukumat tomonidan o'rnatilgan cheklovlar va senzuralarni tanqid qilishdi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Muborakning uzoq davom etgan avtoritar boshqaruviga barham bergan 18 kunlik norozilik namoyishlarida millionlab Misr fuqarolari axborot olish uchun OAVga murojaat qilishdi. Mamlakatda norasmiy "to'rtinchi hokimiyat" maqomiga ega bo'lgan OAV bu voqealarni o'ziga xos tarzda taqdim etish orqali jamoatchilik fikrini shakllantirishga harakat qildi.

Bu vaqtda aholi hukumat gazetalariga bo'lgan ishonchini yo'qotgan bo'lsa-da, har uchala turdagi ommaviy axborot vositalari uchun "oltin davr" deb baholanadi. Ular yangiliklarni shunchaki ommaga yetkazish bilan kifoyalanmay, ma'lumotlarni saralash, tahlil qilish; ba'zilarini ajratib ko'rsatish yoki inkor etish; voqealarga tahliliy baho berish va muammolarga yechimlar taklif qilish kabi vazifalarni ham bajargan. Umuman olganda, xususiy va hukumat OAV, ijtimoiy tarmoqlar 2011-yil voqealarini yoritishda turlicha qoliplardan foydalandi.

Entman jurnalistikada qoliplash atamasini quyidagicha tushuntiradi: "Qoliplash – bu yoritilayotgan voqelikning biron bir jihatini tanlash, uni alohida ta'kidlash, boshqalarini istisno qilish va bu orqali keng jamoatchilikning voqelikni qabul qilishi va tushunishiga yordam berishdir" [84].

2012-yilda Journal of Communication jurnalida chop etilgan Naila Hamdy va Ehab H. Gomaa hammuallifligidagi maqolada 2011-yil yanvar oyida Misrda bo'lib o'tgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning shu davrda arab tilli gazetalardagi yangiliklar, maqolalar va ijtimoiy tarmoqlardagi yozishuvlar, postlarda yoritilishi tahlil qilib chiqilgan. Tadqiqot natijalariga ko'ra, hukumat gazetalari voqealarni ommaga yetkazishda "Misr davlatiga qarshi fitna" qolipidan foydalanib, xalqni

[84] Entman, R. Framing: Toward clarification of a fractured paradigm. // Journal of Communication. – NY.:1993. – P.19.

tartibsizliklarning mamlakat uchun iqtisodiy oqibatlaridan ogohlantirgan va g'alayonlarda tashqi kuchlarni ayblagan. Ijtimoiy tarmoqlarda yuz bergan noroziliklarga "erkinlik va ijtimoiy adolat uchun inqilob" deb ta'rif berilib, "inson manfaatlari" qolipi ustunlik qilgan. Mustaqil gazetalarning talqinida esa har ikki qolip kombinatsiyasini uchratish mumkin. Tadqiqotchilar siyosiy inqiroz davrida ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy tarmoq saytlarining jamoatchilik fikrini shakllantirishdagi potentsial rolini ko'rsatib beradi.

2011-yilning 25-yanvaridan 12-fevraliga qadar e'lon qilingan yangiliklar, maqolalar va ijtimoiy tarmoqda qoldirilgan post va izohlar alohida uchta guruhga ajratilib, miqdoriy kontent tahlili o'tkaziladi. Birinchi guruh to'rtta yarim rasmiy gazetadan iborat edi: Al-Ahram, Al-Axbor, Al-Messa va Al-Jomhoriya gazetalari. Bu gazetalar hukumat ixtiyorida yoki ta'sirida bo'lganligi tufayli ularga nisbatan "Yarim rasmiy" atamasi qo'llaniladi[85]. Ulardan 720 ta (90%) yangiliklar va 80 ta (10%) publitsistik maqolalar tahlil uchun foydalanildi.

Ikkinchi guruhga 2007-yilda paydo bo'lgan va nufuzi oshib borayotgan "Al-Shoruk" va "Al-Yum-Al-Sabi" gazetalari kiritilgan[86]. Bu mustaqil gazetalarda davlat OAV va ijtimoiy tarmoqlarda ishlagan turli jurnalistlar va mustaqil yozuvchilarning birgalikdagi faoliyati qarama-qarshi e'tiqodlar, munosabatlarning favqulodda to'qnashuviga va birlashuviga olib keldi. Bu guruhga kiruvchi gazetalardan tahlil uchun jami 800 ta material – 640 ta yangilik va 160 ta maqola tanlab olindi.

Uchinchi guruh Facebook tarmog'ida "Biz hammamiz Xolid Sayidmiz" sahifasidan olingan 150 ta post (19%), Twitter tarmog'ida "#Thawra#25jan" xeshtegi ostidagi 450 ta (56%) twit va boshqa mashhur bloglardan to'plangan 200 (25%) postdan, jami 800 ta ijtimoiy tarmoq materiallarini o'z ichiga oladi.

Biz yarim rasmiy gazetalar, asosan, mojaro qolipidan foydalanganligini aniqladik. Namoyishlarni halokatli falokat sifatida ko'rsatish uchun yarim rasmiy matbuot jurnalistlari ba'zan sodir bo'layotgan voqealar haqidagi tasdiqlanmagan asossiz kadrlar tayyorlab, o'zlarining jurnalistik faoliyatini shubha ostiga qo'yishdi. Bizning fikrimizcha, hukumat yarim rasmiy matbuotining bu sa'y-harakatlari 1967-yilgi urush paytida Misrning Isroil bilan urushda harbiy mag'lubiyatini yashirishga urinishiga o'xshab ketadi. Yarim rasmiy matbuot inqilobni uning mumkin bo'lgan salbiy iqtisodiy oqibatlari nuqtai nazaridan ham yoritadi. Aksincha, ijtimoiy media postlari deyarli butunlay inson manfaatlari doirasiga bog'liq bo'lib, ular repressiv

[85] Amin, H. Freedom as a value in Arab media: Perceptions and attitudes among journalists. // Journal of Political Communication. – C.:2002. – P.57.
[86] Khamis, S. The transformative Egyptian media landscape: Changes, challenges and comparative perspectives. // International Journal of Communication. – C.:2011. – P.11.

rejim oldida oddiy misrliklarning azoblari va chidamliligini ta'kidladi. Mustaqil gazetalar yangiliklarida mojaro, inson manfaatlari, iqtisodiy oqibatlar va majburiyat qoliplarining kombinatsiyasidan foydalanadi. Mustaqil matbuotning turlicha pozitsiyasi nashrlarning o'ziga xos xususiyatini ham ko'rsatadi. Ayrim taniqli siyosiy va jamoat arboblari yarim rasmiy matbuot nashrlari uchun maqolalar yozadi. Shunday qilib, bu holatda turlicha talqinlarni jurnalistikaning ichki omillarida, masalan, jurnalistlarning qadriyatlari va tasavvurlari turlichaligi bilan tushuntirish mumkin[87]. Biroq, bizning fikrimizcha, mustaqil matbuotdagi muxbirlarning har xil soha vakillari ekanligi yarim rasmiy matbuot yoki ijtimoiy tarmoqlarga ko'ra nisbatan ko'proq xolis yondashishga imkon berdi.

Inqilob ta'rifiga nazar tashlaganimizda, mustaqil matbuot yarim rasmiy matbuotga qaraganda tezroq - yanvar oyi oxiri va fevral oyi boshlarida - sodir bo'lgan voqealarni, avvaliga ommaviy ijtimoiy harakat, biroz keyin keng ko'lamli inqilob sifatida tan olgani ma'lum bo'ldi. Darhaqiqat, yarim rasmiy matbuot kamdan-kam hollarda norozilikning ko'lami va dolzarbligini tan olgan. Ijtimoiy tarmoqlar esa namoyishlarni boshidanoq inqilob sifatida ta'rifladi.

Yarim rasmiy va mustaqil gazetalar o'rtasidagi tafovut inqilobga olib kelgan sabablar tahlil qilinganida ham yaqqol ko'rindi. Yarim rasmiy manbalar noroziliklarni ko'p darajada chet el aralashuvi, qo'poruvchi siyosiy guruhlar, kamroq darajada esa ishsizlik va korrupsiya bilan bog'lashdi. Mustaqil matbuot esa buning sabablari sifatida korrupsiya, adolatsizlik, zulm, diktatura, qashshoqlik va ishsizlikni ta'kidladi. Ijtimoiy tarmoqlarda Muborak diktaturasi inqirozning asl sababi sifatida mustaqil matbuotga qaraganda ikki baravar ko'proq tilga olinadi. Tadqiqot uchun olingan matbuot maqolalarida ishsizlik tez-tez tilga olinsa-da, ijtimoiy tarmoq materiallarida bu sabab sifatida ko'rsatilmaydi. Shuningdek, ba'zi o'rinlarda ijtimoiy tarmoqlarda ilgari surilgan sabablar mustaqil matbuotda ilgari surilgan sabablarga o'xshash edi. Ikkalasi ham noroziliklarga korrupsiya, adolatsizlik, zulm va qashshoqlikni sabab sifatida ko'rsatadi.

XULOSA

Noroziliklar va mamlakatda yuz berayotgan tartibsizliklarga chek qo'yish bo'yicha yondashuvlar yarim rasmiy matbuot, mustaqil matbuot va ijtimoiy tarmoqlarda bir-biridan keskin farq qiladi. Yarim rasmiy matbuotda mavjud rejimni ochiqdan-ochiq qo'llab-quvvatlovchi, namoyishlarni to'xtatish, namoyishchilarni ish

[87] Ramaprasad J., Hamdy N. Functions of Egyptian journalists: Perceived importance and actual performance. // International Communication Gazette. – C.: 2006. – P .15

va o’qishga qaytishga chaqiruvchi hamda Muborak yetakchiligini yana bir bor tasdiqlovchi xabarlar ustunlik qiladi. Ijtimoiy tarmoqlarda esa Muborakning iste'fosi, internet va so'z erkinligi ustidan davlat nazoratini to'xtatish, erkin ommaviy axborot vositalari va davlat xavfsizligini yo'q qilish talablari ko'p bo'ldi. Mustaqil matbuotda aniq konsensus yo'q edi. Bu yerdagi voqealar Muborakni iste'foga chaqirish o'rniga uning yetakchiligini tasdiqladi. Darhaqiqat, tadqiqot uchun tanlangan 20 xil yechim variantining birortasi mustaqil matbuot maqolalarida 10% dan ortig‘ida uchramaydi.

REFERENCES

1. Abdul Qadir Mushtaq & Muhammad Afzal // Arab Spring: Its Causes And Consequences // University Faisalabad – F.: 2011. – P.18-25.
2. Alalawi N. «How Media Covered “Arab Spring” Movement: Comparison between the American Fox News and the Middle Eastern Al Jazeera». // Murray State University, USA. – M.: 2015. – P. 15-19.
3. Asef Bayat. Revolution without Revolutionaries. Making sense of the Arab Spring. – S.: 2017. – 313 p.
4. Naila Hamdi & Ehab H. Gomaa. “Framing the Egyptian uprising in Arabic language newspapers and social media” // Journal of Communication. C.: 2012. – P. 5-17.
5. Summer Harlow & Thomas J. Johnson // Overthrowing the Protest Paradigm? How The New York Times, Global Voices and Twitter Covered the Egyptian Revolution // University of Texas at Austin International Journal of Communication – T.: 2011. – P. 9-16.

ЁШЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Раматов Ж.С.
Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири
Баратов Р.Ў
Ташкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти
Султанов С.Ҳ.
Ташкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
Муратова Д.А
Ташкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси кафедраси доценти
Хасанов М.Н
Ташкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси кафедраси ўқитувчиси
Эрниёзов У.К
Ташкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола мамлакатлар ва минтақалар ўртасида интеграция жараёнлари кучайиб бораётган шароитда маданиятлараро мулоқотга имконият кенгайиши вабугунги кунда инсон фаолиятининг барча жабҳаларида таркибий ўзгаришлар юз бераётган, аҳолининг интеллектуал тайёргарлик даражаси мамлакат суверенитетининг ҳокимият, ҳудуд, табиий ресурслар, қуролли кучларнинг мавжудлиги каби муҳим омилига айланаётган шароитда ёшларнинг маданий қиёфасига эътибор қаратиш ҳақидаги илмий фикр ва хулосалар батафсил маълумот берилган.

Калит сўзлар: *Ёшлар, маданият, маданий қиёфа, умуминсоний қадриятлар, ахлоқ, тарбия, ижтимоийлашув.*

ABSTRACT

This article is about increasing opportunities for intercultural communication in the country and region as a whole, in the context of increasing the opportunities for

cultural communication and today, in the context of innovation, intellectual development of the population is becoming an important factor of the country's governance, such as the presence of power, territory, natural resources, and the presence of strong forces. the scientific opinion and conclusions about the attention to the cultural image are given in detail.

Keywords: *Youth, culture, cultural image, universal values, morality, education, socialization.*

КИРИШ

Глобаллашув шароитида ёшларнинг замонавий маданий қиёфаси ўрганилиши жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Ёшларнинг замонавий маданий қиёфасини шакллантиришда умуминсоний қадриятларнинг ўрни, бугунги кундаги жамият тараққиётидаги роли бевосита аҳамиятлидир. Ёшларнинг умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатида толерантликнинг намоён бўлиши ёшлар маънавий қиёфаси билан боғлиқдир. Шунга асосланиб, вақт ўтиши билан қадриятлар тизими жамиятда муҳим роль ўйнашини ёшларнинг маънавий дунёсига таъсир этишида кўришимиз мумкин. Ёш авлоднинг ҳар бир вакили ўз мамлакатини ривожлантириш ва инсониятга фойда келтиришни мақсад сифатида белгилаб, фаолиятини ташкил этиши керак. Ҳар бир миллатнинг келажаги халқнинг интеллектуал салоҳияти мамлакатнинг қайси йўлдан ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шахснинг ижтимоий фаоллик даражаси, маданий юксалишини таъминловчи муҳим омил таълим ва тарбия ҳисобланади.

Мамлакатлар ва минтақалар ўртасида интеграция жараёнлари кучайиб бораётган шароитда маданиятлараро мулоқотга имконият кенгаймоқда. Бугунги кунда инсон фаолиятининг барча жабҳаларида таркибий ўзгаришлар юз бераётган, аҳолининг интеллектуал тайёргарлик даражаси мамлакат суверенитетининг ҳокимият, ҳудуд, табиий ресурслар, қуролли кучларнинг мавжудлиги каби муҳим омилига айланаётган шароитда ёшларнинг маданий қиёфасига эътибор қаратиш, унинг даражасини ошириш миллатнинг халқаро обрўси, унинг маънавий нуфузи ва инсон салоҳияти сифатининг ошишига элтувчи муҳим омилга айланмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ёшларнинг этномаданий жиҳатдан ўз-ўзини англаш даражаси, этномаданий компетентликка эришиш, ёшлар дунёқарашида миллий

қадриятлар ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатни шакллантиришга ёрдам беради.

«Маданият» – кенг қамровли тушунча бўлиб, у категория сифатида барча гуманитар фанларнинг фаол предметидир. Маданият шахсни жамиятнинг ахлоқий талабларини бажариши нуқтаи назаридан таърифловчи фалсафий категория сифатида кўп қўлланади.

«Этномаданий компетентлик – юқори билимлилик, шахслараро муносабатларда зийраклик, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида содир бўлаётган янгиликлардан хабардорлик, муносабатларда нозиклик, мулоқот ҳамкорининг маданияти, тили, анъаналарини ҳурмат қилишни билдиради ҳамда ижтимоий муносабатларнинг барча жараёнларида иштирок этиш имкониятини беради»[88].

Этномаданий компетентлик натижасида ижтимоий муносабатлар, маданий мулоқотга интилишга нисбатан ёшларда дадил қадамлар пайдо бўлади ва маданий қиёфаси умуминсоний қадриятлар билан ҳамоҳангликда шаклланади.

Қадриятлар ҳақида сўз борганда, антик давр файласуфлари Афлотун, Арасту, Демокрит, Суқрот, Диеосфен кабиларнинг таълимотлари қадриятлар тўғрисидаги тушунчалар ва қарашларнинг ривожланишига асос солди. Уларнинг фикрича, бойлик ва қашшоқлик ўртасидаги ўзаро курашда инсон қадри асосий ўринга чиқади. Шунинг учун ҳам давлат жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга маъсуллиги янада ортиши таъкидланади.

Мамлакат ва миллат ор-номусини, фахру-ифтихорини, истиқболи ва келажагини ёшлар, уларнинг фаолиятисиз тасаввур қилиш мушкул. Шу боисдан мамлакатимиз аҳолисининг 60% ташкил этган ёшлар ватанимизнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда катта куч эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларга бўлган муносабат, ҳаётга, фаолиятга бўлган қизиқиш ва ёшларнинг маданий қиёфасини шакллантириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Маданий қиёфа тушунчаси моҳияти нуқтаи назаридан соф ижобий ҳодисадир. Маълумки, (ижтимоий функцияга кўра) маданий қиёфа тушунчаси фалсафий-социологик категория ҳисобланиб, шахс ва жамият, жамоа ўртасидаги муносабатларни объектив тарзда бевосита муносабатларини амалга оширишни ифода этади[89]. Шунингдек, масъулият деганда ижтимоий аҳамиятли

[88] Саломова Г.Ш. Талаба-ёшларда этномаданий компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари:Псих. фанлари бўйича фал. док. (PhD) … дис. – Бухоро, 2020. – 14 б.
[89] Фалсафа қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2004.

бурч ва вазифаларнинг бажарилиши натижасида хатти-ҳаракат негизига етган ахлоқий тамойиллар ҳам тушунилади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий масъулиятнинг хусусиятлари, мазмун-моҳияти, унинг таркибий тузилмалари орқали ифодаланади. Шу жиҳатдан, ижтимоий жавобгарлик – объектлар (инсон, жамоа, жамият) характерли ташаббуслардан ташкил топган. Ижтимоий мақсадларга ижтимоий ҳақиқатга етишиш, ижобий меҳнат кўникмасини ташкил этиш, шахс шаклланиши учун қулай шароитлар яратиш киради.

Бугунги глобаллашув жараёнида ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада юксалтириш, мафкуравий иммунитетни оқилона шакллантириш, оммавий маданият кўринишларидан, бузғунчи ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслик чора-тадбирларидан огоҳлантириш, уларнинг ижтимоий масъулиятларини тўғри шакллантириш орқали амалга ошади.

Президент Ш.Мирзиёев 2016 йилнинг 18 ноябрида Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувдаги нутқида: «Ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз – бугунги шиддат билан ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги уфқ ва имкониятлар очиш билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор этмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига оғир кулфат ва кўргиликлар олиб келмоқда. Бунга барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Ғаразли кучлар ҳали онги тўлиқ шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онасига, ўз ватанига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда» [90] деб таъкидлар экан, ёшларни турли мафкуравий, ғоявий хуружлардан асрашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этган эди.

Аслида ижтимоий тараққиёт тадрижийлигининг авлодлар ворисийлигидаги воқеалар занжирини кузатганимизда бутун тарихнинг, ҳаётнинг ўзи масъулият асосига қурилганлигини кўрамиз. Зеро, маданият орқали жамиятда тартиблилик, мутаносиблик, белгиланган режа ва вазифаларни адо этишдаги собитқадамлилик ҳиссиёти пайдо бўлади. Аммо, бугунги кунда ёшлар ўртасидаги турли маданиятлар тарғиботи ва уларга эргашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу жараён онгсиз ҳолатда бўлаётганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Ёшлар замонавий маданий қиёфасини шакллантириш учун маданий меросдан фойдаланиш омилларини атрофлича ёритиш орқали ижтимоий ҳаётда

[90] Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 354 б.

учрайдиган салбий ҳодисаларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш йўлларини аниқлаш шартдир.

Ёшлар маданий қиёфасининг генезиси ва шаклланиши жараёни бевосита шахс фаолиятининг, уни ҳаракатга келтирувчи унинг руҳиятидаги объективлик ва субъективлик, ички ва ташқи, эркинлик ва воқелик, тасодиф ва зарурият ҳодисаларини бир-бирига боғловчи омиллар билан ўзаро алоқада кечади. Зеро, инсон кўрган билган, эшитган воқеа-ҳодисаларни бирданига қабул қилиб ундан хулоса чиқара олмайди. Биринчи марта инсон онгига таъсир кўрсатган ҳар қандай янгилик унинг онги, ақл даражаси орқали ўтади.

Шахс маданиятидаги субъективлик унинг ўзини аниқлаши билан боғлиқ, ўзини аниқлаш бевосита объектив борлиқ билан тўқнаш келишидаги ҳолатга мос келади. Бу маслак охир-оқибатда ҳам субъектив омилга ва объектив жараёнларга ўз таъсирини ўтказади. Бунда инсоннинг фаолияти борлиққа нисбатан абстракт бўлмасдан амалий натижалар йиғиндиси билан изоҳланади ва шу орқали инсон борлиғининг ижтимоий моҳияти ифодаланади. Инсон фаолияти жамиятдаги қадриятлар тизими ва умуминсоний қадриятларга муносабати ва урф-одатларнинг таъсирида ўзгаради.

Ҳар бир поғонада ўз ифодасини топган маданий қиёфа ва уни таснифловчи жиҳатлар инсон фаолияти, унинг турфа хусусиятлари билан бир бутунликда кечади. Шу жиҳатдан уч асосий жиҳатни ўзаро интеграл муҳим нуқта сифатида белгилаш ўринли:

Ёшларнинг маданий қиёфаси тадқиқи ривожланиш тарихи ҳам умуминсоний қадриятлар асосига қурилган ва шу асосида ривожланган. Умуминсоний қадриятлар инсонлар онги, тафаккури ва жамиятда ижтимоий фикрини шакллантиришда бош омил ролини ўйнаган.

Бир сўз билан айтганда, умуминсоний қадриятлар ижтимоий фалсафанинг таркибий тузилмасининг элементларидан бирини ташкил ва шу асосида тараққий этади. Узоқ ўтмишдан бошлаб, инсоннинг ўзи ва атрофидаги ўзгаларга бўлган муносабати, қийин вазиятларда масъулиятни зиммасига олиши, қавм-қариндошлар ва жамият олдидаги вазифасини адо этиш ҳиси шаклланишига олиб келган. Ушбу воқеилик барча фалсафий таълимотлар марказидан жой олган. Умуминсоний қадриятларни давлат ва жамият ривожланишида тутга ўрни инсонларнинг дунёқарашининг ўзгариб бориши билан чамбарчас боғлиқдир.

«Тадқиқотчилардан бири А.В.Миронов энг олий ва абсалют қадрият сифатида инсонни тан олади, чунки, инсон ҳаётнинг ҳамда барча қадриятлар субъектидир»[91].

Баъзи адабиётларга кўра, қадриятлар инсон ҳаётида учта турдаги тизимлардан ташкил топганлиги таъкидланади. Булар шахсий, барча учун умумий ва бутун инсониятга дахлдор бўлган ва барча давлатлар амал қилиши лозим бўлган қадриятлардир.

Марказий Осиё минтақасига Ислом динининг кириб келиши ва тарқалиши шу ҳудудларда яшовчи халқларга батамом янги қарашларни ҳамда таълимот олиб келди. Ислом дини моҳиятан инсонни улуғлаш, тўғри йўлга бошлаш, ёмон ишлардан сақлаш, ҳамиша яхшилик қилишга чорлаган. Натижада, Осиё мамлакатлар халқлари ҳаётида инсон олий мавжудод эканлиги, у бутун борлиқнинг «гултожи» эканлиги, Оллоҳ инсонни азиз ва мукаррам қилиб яратганлиги тўғрисидаги тушунчаларнинг шаклланиши ва исломий ахлоқий нормалар ҳамда қадриятлар тизимини вужудга келтирди.

Ўрта аср мутафаккирлари Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Ахмад Фарғоний ва бошқа кўплаб алломалар инсон борлиғи, қадри, давлат ва жамият ривожланишига доир илмий мероси ўз кучини ҳанузгача йўқотгани йўқ. Инсоннинг борлиғи, унинг шаъни, қадр-қиммати, ахлоқи, одоби, илми тўғрисида Алишер Навоий бобомиз асарларида марказий ўринни эгаллагани диққатга сазовордир.

Ғарб мамлакатларидан умуминсоний қадриятлар тўғрисидаги таълимотларни вужудга келиши ва ривожланишида Ф.Бекон, Т.Гоббс, Г.Спенсер, И.Кант, Ф.Нитше, А.Конт, Д.Шпенглер, М.Вебер ва бошқа мутафаккир олимларнинг ҳиссаси катта бўлган. Уларнинг таълимотларида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва эҳтиёжларини қондириш давлат ижтимоий сиёсатининг бош мезони бўлиш кераклиги айтилади. Умуминсоний қадриятлар тўғрисидаги назариялар инсонпарварлик ғоялари асосида вужудга келди. Кейинчалик Европада вужудга келган ижтимоий ҳаракатлар, клублар, жамоат бирлашмалари ушбу инсонпарварлик ғояларини ўзига шиор қилиб олган. Умуминсоний қадриятлар, ижтимоий адолат тўғрисидаги қарашлар, назариялар XVI – XX асрларда хронологик тарзда ривож топишини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

[91] Миронов, А. В. Понятие ценности, виды и иерархия ценностей / А.В. Миронов // Социально-гуманитарные знания. – 2007. – № 1 С-101.

XX-XXI асрларга келиб улкан муаммоларни фалсафий жиҳатдан англаш асосида башарият маданиятидаги ғоят муҳим қадриятлар тўғрисидаги масалалар ўртага қўйилди: миллий, диний ва умуминсоний масалалар; уруш ёки тинчлик; яратиш ёки вайрон қилиш; табиат устидан «ҳукмронлик қилиш» ёки одам билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш мана шундай улкан муаммолардан ҳисобланади.

Бу жараёнда инсон маданий қиёфасини такомиллаштириш, меъёрлаштириш асосида, жамият фуқароси сифатида ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини тушунган ҳолда, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етиб, масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз фаолияти устидан ўз назоратини ўрнатиш орқали маданий муҳит яратади. Инсоннинг маданий қиёфаси ижтимоий муносабатлар орқали шаклланади ва намоён бўлади. Чунки маданий муҳитни шакллантириш юксак ахлоқий фазилатни, миллий менталлик белгиларини тақозо этади. Маданий қиёфанинг шаклланиш босқичлари ҳам бевосита маданий муҳит билан боғлиқ. Маданий муҳит, ўз навбатида, тизимли таснифга эга умуминсоний аҳамият касб этувчи қадриятлар тизимидир.

Бизнинг фикримизча, кекса авлод вакиллари ёшларнинг тўғри ёки нотўғри йўналишини йўлга қўйиши керак. Мамлакатда рўй бераётган катта ўзгаришлар аҳолининг барча қатламлари, жумладан, ёшларнинг фаол иштирокини тақозо этмоқда. Шу билан бирга, давлатнинг ички сиёсати тартибга солувчи омил бўлиши керак.

Ёшларнинг ижтимоийлашуви замонавий жамиятда содир бўлаётган жараёнлардан ташқарига чиқа олмайди. Бу жараённи бирлаштириш учун ёшларга оид янги давлат сиёсатини чуқурлаштириш зарур. Бу ижтимоий ислоҳотлар шароитида ёш авлоднинг бозор муносабатларига барвақт мослашишига хизмат қилади. Шунинг учун жамиятдаги ёшлар муаммоси унинг давлати муаммоларидан ажралмасдир. Бинобарин, ёшлар сиёсати давлатнинг асосий йўналишлари ва устувор йўналишларидан биридир.

Бу борада ёшларнинг қизиқиш ва мойиллигини тўғри йўлга қўйиш, унинг юртимиз учун самарасини кўрсатиш, ёшларни ватанпарвар, билимли этиб тарбиялаш жамият олдидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолади. Ёшларнинг таълим ва тарбияси уларнинг маънавий, миллий-ахлоқий фазилатлари даражасига боғлиқ.

Маънавий-ахлоқий тарбия инсон камолотининг энг муҳим омилларидан биридир. Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Жамиятда муҳит соғлом бўлса, ёшларнинг истиқболдаги авлод ҳаёти, турмуш

тарзи, хулқ-одоби баркамол, сермазмун бўлади. Ёшларни замон талаби даражасида маърифатли қилиш энг долзарб вазифадир. Абдулла Авлоний айтганидек, маърифат – шижоат, шижоат қалбнинг матонати, руҳнинг саломатлигидир.

Маърифат, маънавият юксак мақсад бунёдкор ғояларга асосланади. Биз демократик янгиланиш, тезкор ахборотлашиш даврида яшар эканмиз, ҳам маънавий, ҳам руҳий покланишни унутмаслигимиз лозим. Бу борада диний маданият, маънавий мерос ва маърифатдан ижобий фойдалансак, нур устига аъло нур бўлади. Чунки диний маданият ҳамда маънавий мерос муқаддас бойликдир. Буюк алломаларимиздан бири Имом Насафий «Комил инсон бўлиш учун мукаммалликка интилмоқ лозим. Яъни, яхши ақл, яхши сўз, яхши ахлоқ, яхши билим ва яхши амалларни адо этмоқ лозим. Яъни, кишиларни иззат-ҳурмат қилмоқ, яхши ахлоқ билан ўрнак бўлмоқ, адолатли, қаноатли, ориятли, маърифатли, билимни чуқур эгаллаш, оламни бало-фитна ғийбатлардан сақлаш, кишилар мушкулини осон қилмоқ лозим», деган.

«Ўтмишда диндан аввал кенг тарқалган афсона ва ривоятларда яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, одиллик ва адолатсизлик, нур ва зулмат ғоялари асосий ўринни эгаллаган. Яхши фикр, сўз ва иш эзгуликларнинг асоси ҳисобланган»[92]. Бу қарашлар кейинчалик «Авесто»да яққол намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин.

«Зардуштийлик динида илгари сурилган ахлоқий ижтимоий идеал кейинчаликЎрта аср фалсафасида ҳар қандай адолатсизлик, зулмат ва ҳуқуқсизликка қарши курашиб ҳаққоний, инсонпарвар ва эркин ҳаёт яратган яхши ва одил подшоҳлар ҳақидаги ўзининг маънавий ривожини топди».[93]

Ислом динидаги мавжуд ахлоқий қадриятлардан ёшларни тарбиялашда, умуминсоний қадриятларга муносабатни шакллантиришда фойдаланиш муҳимдир. Юсуф Хос Хожиб фикрича, яхшилик, эзгулик, меҳр-мурувват фақат ақл-идрок эгаси бўлган доно, билимдон кишилардан чиқиши мумкин. Чунки дунёдаги барча яхшиликлар, эзгуликлар идрок туфайлидир. Идрок инсонни равшанликка, камолот ва саховатга элтади.

Аждодлар маънавий мероси ва ахлоқий қадриятларга ҳурмат ёш авлодда болаликданоқ шаклланмоғи лозим. Бу аста-секин унинг қалбидан мустаҳкам ўрин олиб, маънавий-ахлоқий камолотига замин яратувчи руҳий омилга

[92]Нурматова М.А. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг уйғунлиги// Монография. – Тошкент: Университет,2009. – 6 б.
[93]Махмудов Т. Авесто ҳақида. – Тошкент: Шарқ, НМАК. 1998. – 26 б.

айланади. Бунинг учун ёш авлоднинг ақл нури тиниқ, билимдонликда зукко, англаб олишда тафаккури теран бўлиши зарур.

Албатта, бу жиҳатлар тарбия жараёнида ривож топади. Маънавий маърифат билан ўз навбатида маданият билан диалектик алоқадорликка эгадир.Чунки соғлом авлоднинг камолоти учун маданий-маърифий, ташвиқот ишларининг янгича услубларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Лекин, афсуски, бошқа баъзи соҳаларда бўлгани каби маънавий-маърифий масканлар фаолияти бугунги кун талаби ва маънавий эҳтиёжига тўла жавоб бера олмаяпти. Маънавий-маърифий ишларни жонлантириш, ахлоқий қадриятларни тиклаш учун миллий маданий марказларнинг фаолиятида кўп ислоҳотларни амалга ошириш даркор.

«Умуминсоний ва миллий қадриятлар билан бирга жамият ривожида шахсий қадриятлар ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Бироқ бу нафақат тор, балки шахснинг турмуш тарзи, идеали ва ҳаёт фаолияти давомида эҳтиёжга айланувчи қадриятлардир»[94].

ХУЛОСА

Айнан шахсий қадриятлар таъсирида ёшларнинг маънавий қиёфасида умуминсоний қадриятларга тоқатсизлик шаклланиши ёки умуинсоний қадриятларга нисбатан ижобий муносабат шаклланиши мумкинлиги глобаллашув шароитидаги ғоявий, мафкуравий хилма-хиллик шароитида намоён бўлмоқда. «Шахсий қадриятлар ёшларнинг маънавий- ахлоқий қиёфаси, нафосати, гўзаллиги, ижтимоий мавқеи, қобилияти, истеъдоди ва интеллектуал салоҳияти билан боғлиқ қадриятлардир. Умуман олганда, шахсий қадриятлар деганда шахснинг ижтимоий фаолиятида зарурий эҳтиёжга айланган, турмуш тарзини яхшилашга кўмак берадиган, амалий фаолияти учун қадрли бўлган нарса-ҳодисалар мажмуи тушунилади»[95].

Бир сўз билан айтганда, ёшларга юксак интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантиришда замонавий маданий қиёфаси ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини таъминлашнинг мавжудлиги давлат ва нодавлат ёшлар ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ва доимо ёшларнинг қизиқишлари ва манфаатлари инобатга олиниши катта самара беради.

[94]Нурматова М.А. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг уйғунлиги // Монография. – Тошкент: Университет,2009. – 52 б.
[95]Нурматова М.А. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг уйғунлиги // Монография. – Тошкент: Университет, 2009. – 52 б.

REFERENCES

У некоторых пациентов можно выявить конкретную причину задержки полового созревания. Такие причины включают [1,] первичную гонадную недостаточность, легко распознаваемую по картине гипергонадотропного гипогонадизма, которая возникает из-за потери сдерживания отрицательной обратной связи от гонадных гормонов на гипоталамическом и гипофизарном уровнях репродуктивной эндокринной оси; [2] функциональный гипогонадотропный гипогонадизм (СГГ), нормальный физиологический ответ репродуктивной эндокринной системы на стрессор, такой как хроническое заболевание, недоедание или чрезмерная физическая нагрузка; [3] гипогонадотропный гипогонадизм (ГГ), возникающий в результате эндокринных состояний, таких как гиперпролактинемия, гипотиреоз и избыток

кортизола, которые могут подавлять репродуктивную эндокринную функцию; и [4] ГГ как часть общего нарушения функции гипоталамуса и/или гипофиза, которое может быть врожденным (например, врожденный гипопитуитаризм) или приобретенный (например, в результате нейрохирургического вмешательства в области гипоталамуса/гипофиза).

После того, как такие идентифицируемые причины задержки полового созревания исключены, предполагается, что у большинства детей с необъяснимой задержкой полового созревания есть конституциональная задержка, состояние, при котором половое созревание начинается поздно, но после начала обычно протекает нормально. Однако, у некоторых детей с необъяснимой задержкой полового созревания имеется идиопатический гипогонадотропный гипогонадизм (ИГГ), патологический дефект на гипоталамическом и/или гипофизарном уровнях репродуктивной эндокринной оси, который приводит к неспособности достичь полной репродуктивной эндокринной функции во взрослом возрасте.

Предполагается, что у большинства детей с необъяснимой задержкой полового созревания имеется конституциональная задержка, состояние, при котором половое созревание начинается поздно, но, начавшись, обычно протекает нормально.

Вместе с тем, обзор литературы показал, что работ, посвященных данной теме, недостаточно. Все это подчеркивает актуальность данной темы исследования.

Цель исследования – выполнить анализ факторов риска и клинических особенностей задержки пубертата у подростков (мальчиков) в исследуемых группах.

МАТЕРИАЛ И МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ.

Нами был выполнен анализ данных подростков-мальчиков, находившихся под нашим наблюдением амбулаторно в РСНПМЦ Эндокринологии МЗ РУз в период с 2018 по 2019 гг. Нами обследовано 97 мальчиков подростков. Средний возраст составил 13,8 лет. Больные были распределены на 3 группы: 1 гр. – конституциональная форма задержки пубертата (КФЗП) – 54 больных, 2 гр. - объемные образования гипофиза с задержкой пубертата – 18 б-х, 3 гр. – синдром «пустого» турецкого седла (СПТС)– 25 б-х.

Всем больным был выполнен спектр исследований, включавший исследование эндокринного статуса, общеклинические, биохимические,

гормональные (ГР, ЛГ, ФСГ, пролактин, ТТГ, тестостерон и др.), рентгенологические (рентгенограмма кисти и турецкого седла, КТ/МРТ турецкого седла у 18 больных), антропометрические исследования (целевой рост, центиль, скорость роста, SDS роста и веса и др.) на основе международной росто-весовой карты Таннера-Вайтхауза, оценки стадии полового развития по Таннеру, кариотипирование и др. исследования.

Полученные данные были обработаны с использованием компьютерных программ Microsoft Excel и Statistica_6. Различия между группами считались статистически значимыми при p <0,05. Средние значения (M) были рассчитаны, стандартные отклонения среды (м)


РЕЗУЛЬТАТЫ И ИХ ОБСУЖДЕНИЕ

Наиболее частыми жалобами больных 1 группы были головокружения (32%), утомляемость (30%), головные боли (29%), общая слабость (28%), снижение памяти (25%), раздражительность (24%), нарушения сна (17,4%) и др.

По степени выраженности нарушений развития больные 1 группы распределялись следующим образом: задержка роста и пубертата – 17%, задержка роста, пубертата и речевого развития – 4,3%, задержка роста, пубертата, речевого и психо-моторного развития – 1,06%. Среди сопутствующих заболеваний преобладали: ночной энурез (45%), хронический пиелонефрит (31%), астено-невротический синдром (30%), вегето-сосудистая дистония (28%), хронический тонзиллит (23%), хронический гепатит (10%).

На рисунке 1 представлена характеристика нарушений развития в 1 группе больных.


Рис. 1 Характеристика нарушений развития в 1 группе больных, в % (n=54).



В 1 группе больных наблюдались такие нейроэндокринные нарушения, как задержка роста и пубертата (17%), задержка роста, пубертата и речевого развития (4,3%), а также задержка роста, пубертата, речевого и психо-мотороного развития (1%).

На рисунке 2 представлена характеристика нарушений развития во 2 группе больных.


Рис. 2 Характеристика нарушений развития во 2 группе больных, в % (n=18).



Во 2 группе больных наблюдались такие нейроэндокринные нарушения, как пангипопитутаризм (34,6%), преждевременное половое развитие (ППР, 21%), межуточная недостаточность (21%), субгмгантизм (4,6%).

На рисунке 3 представлена характеристика нарушений развития в 3 группе больных.

Рис. 3 Характеристика нарушений развития в 3 группе больных, в % (n=25).




В 3 группе больных наблюдались такие нейроэндокринные нарушения, как задержка физического и полового развития (ЗФПР, 44%), галакторея (11,6%), диспитуитаризм (11,6%).

По нашим данным, у мальчиков в среднем стадия полового развития соответствовала по Таннеру первой стадии, хотя в норме должна была быть 3 стадия. Объем яичек в среднем был 4,98 ± 3,63. Средний рост мальчиков был в пределах 125, 5 см, что соответствует SDS > -2.

Исследование гормонального профиля показало, что в 1 группе больных средние уровни гормонов были следующими: свободный тестостерон 3,5 нмоль/л, ЛГ – 2,9 мМЕ/л, ФСГ – 4,5 мМЕ/л, ГР -2,3 нг/мл, ТТГ – 2,4 мМЕ/л, кортизол 106,5 нг/мл, тироксин 96,9 нмоль/л, трийодтиронин 1,7 нг/мл, пролактин 5,7 нг/мл

На рисунке 4 показаны средние уровни гормонов в 1 группе больных.

Рис. 4 Средние уровни гормонов в 1 группе больных (n=14).




Исследование гормонального профиля показало, что во 2 группе больных средние уровни гормонов были следующими: свободный тестостерон 2,4 нмоль/л, ЛГ – 0,9 мМЕ/л, ФСГ – 1,4 мМЕ/л, ГР -0,3 нг/мл, ТТГ – 2,0 мМЕ/л, кортизол 96,3 нг/мл, тироксин 87,6 нмоль/л, трийодтиронин 1,6 нг/мл, пролактин 13,2 нг/мл

На рисунке 5 показаны средние уровни гормонов во 2 группе больных.


Исследование гормонального профиля показало, что в 3 группе больных средние уровни гормонов были следующими: свободный тестостерон 1,7 нмоль/л, ЛГ – 1,3 мМЕ/л, ФСГ – 2,6 мМЕ/л, ГР -0,5 нг/мл, ТТГ – 1,8 мМЕ/л, кортизол 88,3 нг/мл, тироксин 112,7 нмоль/л, трийодтиронин 1,9 нг/мл, пролактин 15,4 нг/мл

Рис. 5 Средние уровни гормонов во 2 группе больных (n=12).



На рисунке 6 показаны средние уровни гормонов в 3 группе больных.

Рис. 6 Средние уровни гормонов в 3 группе больных (n=16).




Таким образом, исследование гормонального профиля во всех 3 группах выявило особенности, характерные для каждой из них. Так, для больных 1 группы – это снижение уровня свободного тестостерона при сохранности функции гонадотропинов, для больных 2 и 3 групп были характерны признаки гипогонадотропного гипогонадизма: снижение ЛГ, ФСГ и свободного тестостерона на фоне функциональной гиперпролактинемии и дефицита ГР.

На рис. 7 дана частота факторов риска в 1-3 группах больных.

Таким образом, было установлено запаздывание активации гипоталамо-гипофизарно-гонадной системы. Было выявлено, что среди факторов риска заболевания у мальчиков с КФЗП преобладали низкорослость в роду -45 (84%), перинатальная травма – 23 (42,5%), черепно-мозговые травмы – 19 (35,1%), осложненное течение беременности. у матери - 17 (31,4%). ИМТ >30 – 16 (29,6%), частые стрессы – 15 (28%), курение -5 (9,2%), частые простудные заболевания – 5 (9,2%). У больных 2 гр. чаще всего среди факторов риска ЗП наблюдались черепно-мозговые травмы (35%), родовая травма (25%), стрессы (18%), курение (5%). В 3 группе больных среди факторов риска ЗП доминировали ЧМТ (35%), осложненное течение беременности у матери (32%), родовая травма (31%) и частые ОРВИ (16%).

По характеру нейроэндокринных нарушений больные 2 и 3 групп (всего 43 б-х) были распределены следующим образом: задержка физического и полового развития – 19 (44,2%), пангипопитуитаризм – 15 (34,6%), истинное преждевременное половое развитие – 9 (20,9%) больных, межуточная недостаточность – 9 (20,9%) больных, диспитуитаризм – 5 (11,6%), галакторея – 5 (11,6%), субгигантизм– 2 (4,6%).

Рис. 7 . Частота факторов риска в 1, 2 и 3 группах больных, в %.



ЗАКЛЮЧЕНИЕ

1) Установлено, что наиболее частыми факторами риска у мальчиков с КФЗП являются низкорослость в роду -45 (84%), черепно-мозговые травмы – 19 (76%), перинатальная травма – 23 (42,5%), ИМТ >30 – 16 (29,6%%), частые стрессы – 15 (28%). У больных 2 гр. чаще всего среди факторов риска ЗП наблюдались черепно-мозговые травмы (35%), родовая травма (25%), стрессы (18%), курение (5%). В 3 группе больных среди факторов риска ЗП

доминировали ЧМТ (35%), осложненное течение беременности у матери (32%), родовая травма (31%) и частые ОРВИ (16%).

2) Конституциональная форма задержки пубертата у мальчиков характеризуется многообразием клинических проявлений. В структуре нейроэндокринных нарушений у детей и подростков 2 и 3 групп наиболее часто встречались нарушения полового и физического развития – 28 б-х (43%) и гипопитуитаризм – 24 больных (36,9%).

REFERENCES

1. Palmert MR, Dunkel L. Clinical practice. Delayed puberty. //N Engl J Med. 2012;366(5):443-453.
2. Soliman AT, De Sanctis V. An approach to constitutional delay of growth and puberty. Indian //J Endocrinol Metab. 2012;16(5):698-705.
3. Wei C, Crowne EC. Recent advances in the understanding and management of delayed puberty. //Arch Dis Child. 2016;101(5):481-488.
4. Crowley WF, Pitteloud N.. Approach to the patient with delayed puberty. //Waltham, MA. UpToDate: Wolters Kluwer; 2018.

RAQAMLI TARIX NIMA? RAQAMLI TARIXIY LOYIHALAR

Toyloqov Tuychiboy
ToshDSHU o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Raqamli tarixni keng ma'noda tarix sohasining kompyuter, internet tarmog'i va boshqa shu kabi zamonaviy texnologiyalari bilan integratsiyalashuvi va shu orqali tarixni o'rganish, tadqiq etish va qayta taqdim etishda ulardan keng foydalanish natijasida o'tmishni raqamlashtirish jarayonini tushunish mumkin. Raqamli tarix bilan shug'ullanish, albatta, o'tmishni raqamlashtirishdir bilan cheklanib qolmaydi.

Kalit so'zlar: *raqamli tarix, texnologiya, tadqiqot, manbalar, raqamli tarixiy loyihalar, arxivlar, interaktiv materiallar, raqamli savodxonlik.*

ABSTRACT

Digital history might be understood broadly as an approach to examining and representing the past that works with the new communication technologies of the computer, the internet network, and software systems. To do digital history, then, is to digitize the past certainly, but it is much more than that.

Keywords: *digital history, technology, research, resources, digital history projects, archives, interactive materials, digital literacy.*

KIRISH

Raqamli tarix deganda tarixchilarning arxiv materiallarini raqamlashtirishi va ularni internetga kirish imkoniga ega bo'lgan foydalanuvchilarga taqdim etishi uchun zamonaviy kompyuter va kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishi tushuniladi . Asosiy veb-nashr ilovalaridan tortib, eng so'nggi virtual reallik (VR) vositalari bo'lgan texnologiyalardan foydalangan raqamli tarixchilar tarixiy materiallarni turli auditoriyalarga yangi usullarda, yangicha ko'rinishda taqdim etadilar.

Raqamli tarix quyidagi ishlarni amalga oshiradi:

- Tarixiy ma'lumotlarni tahlil qilish va tasvirlarni yaratish;
- Tadqiqotchilarning ilmiy ishlarini mazmunli va qiziqarli bo'lgan boyitilgan formatda taqdim etish;
- Turli auditoriyalarni tarixni yaratishda va bir-biriga so'zlab berish uchun hamkorlik ishlashga taklif qilish.

Raqamli tarix mashhur onlayn ma'lumotlar bazasiga havolalar beradi, raqamli tarixiy loyihalarini ko'rib chiqadi, raqamli tarixchilarning ilmiy sohada rolini

tushuntiradi va o‘sib borayotgan zamonaviy tarix sohasida haqiqiy tadqiqotchi nimalarga va qanday tayyor bo‘lishi mumkinligini tushuntiradi.

Tarixchilar o‘tmishga oid manbalarni to‘plash, tahlil qilish, izohlash va ularni turli auditoriyalarga taqdim etish uchun kompyuter texnologiyalaridan foydalanishlari mumkin. Raqamli tarix o‘tmishni raqamlashtirishdan tashqari tarix sohasidagi ilmiy izlanishlarni rivojlanishiga va ilmiy tadqiqot natijalarini ommaga yangicha usullarda interaktiv ko‘rinishda taqdim etishga xizmat qiladi. Tarixiy ma'lumotlarni o‘rganish va taqdim etishning ushbu yondashuvi raqamli tarix deb nomlanadi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Birlamchi manbalar va tasvirlarning zamonaviy texnologik yutuqlar bilan integratsiyalashuvi tarixchilarga o‘z ilmiy izlanishlarini raqamlashtirilgan materialga aylantirish imkonini beradi. Ushbu raqamli manbalar tadqiqotni taqdim etishning an'anaviy usullaridan ko‘ra qulayroqdir. Raqamli tarixchilar o‘z tahlillarini veb-saytlar, bloglar, ijtimoiy media va onlayn jurnallarda nashr etishlari mumkin. Raqamli media vositalari orqali raqamli tarixchilar boshqalarga tarixiy voqealarni tasavvur qilishga yordan berish uchun interaktiv grafiklar, diagrammalar va xaritalar kabi dinamik materiallar yaratishi mumkin.

Raqamli tarix tadqiqotchilarning tarixiy manbalardan foydalanish imkoniyatini kengaytiradi. Maktablarda raqamli tarix o‘qituvchilarga yanada qiziqarli dars rejalari va o‘quv dasturlarini yaratish uchun resurslardan foydalanishni ta'minlaydi. Raqamli tarix, shuningdek, turli auditoriyalarni jalb qiladigan raqamli tarixiy loyihalarni yaratish uchun imkon beradi.

Raqamli tarix manbalari

Tarixchilar an'anaviy usuldagi kitoblar va jurnal nashrlaridan tashqari, ma'lumotlarni interaktiv vizualizatsiya qilish imkonini beruvchi onlayn platformalar ma’lumotlaridan foydalanish orqali o‘z tadqiqotlarini boyitishlari mumkin.

Tarixchilar o‘z ilmiy ishlarini Scaraland, Omeka kabi ochiq platformalarda nashr qilishlari mumkin. Turli manbalardan malumotlarni yig‘ish va ularni vizual tasvirlarga aylantirish imkonini beradigan ushbu platformalar, shubxasiz, tarixchilar uchun juda foydalidir. Vizualizatsiya orqali tarixiy ma'lumotlarni o‘rganish tarixiy talqin va o‘qitishni boyitadi, ma'lumotlarga qo‘shimcha kontekst beradi va ilmiy fikrlarni ifodalashga yordam beradi. Tarixchilarning ma’lumotlarni raqamlashtirishi uchun ko‘plab variantlar mavjud. Misol uchun, R dasturlash tili raqamli tarix loyihalarida geofazoviy ma'lumotlar, interaktiv syujetlar va animatsiyalar kabi vizualizatsiyalarni yaratish uchun ishlatiladi. Google Books Ngram Viewer dasturi

foydalanuvchilarga tushunarli grafiklarni yaratish uchun millionlab raqamlashtirilgan kitoblarni qidirish imkonini beradi.

StoryMaps.ArcGIS kabi raqamli tarix resurslari interaktiv xaritalarda tarixiy ma'lumotlarni taqdim etish uchun tavsiflovchi matn, tasvirlar va multimedia kontentini yaratish imkonini beradi. Tarixchi tadqiqotchilar va o‘qituvchilar turli makon va zamonlarda yuz bergan voqealar haqida hikoya qilishlari mumkin. Bunga XIX asrning ikkinchi yarmida AQShning g‘arbiy qismida pochta bo‘limlarining ochilishi va yopilishi haqida hikoya qiladigan "Pochta geografiyasi" veb-saytini misol qilib keltirish mumkin.



Stenford olimlari tomonidan ishlab chiqilgan “Geography of the Post” interaktiv raqamli platformasi AQSh pochta xizmati tarixi haqidagi ma’lumotlarni visual tasvirga aylantirgan. (manba: https://news.stanford.edu/2015/03/26/post-office-geography-032615/ *)*

Amerika Tarixchilar uyushmasi tarixchilarga raqamli tarix loyihalarini amalga oshirishda va tadqiqotlar olib borishda yordam berish uchun raqamli tarix manbalarini taqdim etadi. Bundan tashqari, Kongress kutubxonasi elektron to‘plamlari va ko‘plab shtatlarning raqamli tarix loyihalari raqamli tarix vositalari bilan yaratilishi mumkin bo‘lgan materiallarning xilma-xilligini aks ettiradi.

Raqamli tarixning maqsadlaridan biri yangi avlod auditoriyasini tarix sohasidagi muhim ma’lumotlar va yangiliklardan xabardor qilish va ularni o‘tmishni o‘rganishga jalb qilishdir. Tarixiy mavzular va muammoli masalalarga qaratilgan video va audio podkastlar onlayn hamjamiyatlarni yaratishga yordam beradi. Ushbu raqamli hamjamiyatlar odamlarga o‘zlarining umumiy tajribalari va qiziqishlarini bildirishlari uchun imkon beradi. Ijtimoiy media ham bu jarayonda qulay vosita hisoblanadi. Misol uchun, # twitterstorianson Twitter xeshtegidan foydalanish raqamli loyihalarni keng doiradagi auditoriyaga yetkazishga yordam beradi.

Raqamli tarixiy loyihalar

AQSH universitetlarida, tadqiqot markazlarida tarixchilar, o‘qituvchilar, madaniy muassasalar, muzeylar va kutubxonalar xodimlari raqamli tarix bo‘yicha loyihalar ustida ishlashadi va o‘zaro hamkorlik qilishadi. Ushbu loyihalar umumiy tariximizning bir qismi bo‘lgan turli xalqlar madaniyatlari, urf-odatlari haqida yangi ma’lumotlar berishga xizmat qiladi. Loyihalar muayyan mavzular atrofida dinamik tarkibni o‘z ichiga oladi va tarixiy jarayonlarga qiziquvchilar uchun erkin foydalanish rejimida joylangan. Quyida shunday raqamli tarix loyihalariga misollar keltirilgan:

1. Koreya urushi loyihasi (https://koreanwarlegacy.org): Ushbu interaktiv kutubxona Koreya urushining kelib chiqishi va natijalari haqida tarixiy ma'lumotlarni taqdim etadi, ko‘pincha "unutilgan urush" deb ataladi. O‘qituvchilar, talabalar va sayyohlar jang maydoni manzaralarini tasavvur qila olishlari uchun loyihachilar tomonidan yaratilgan https://koreanwarlegacy.org/ veb-saytiga tashrif buyurishlari va o‘zlari uchun kerakli va foydali ma’lumotlar bilan qulay usulda tanishib chiqishlari mumkin. Loyiha, shuningdek, urushning bugungi dunyoda demokratiyaga ta'siri haqida xabardorlikni oshirishga qaratilgan. Kontent Koreya urushi faxriylari bilan suhbatlar, arxiv ma’lumotlari, shuningdek, haqiqiy daliliy faktlar bilan boyitilgan.

2. Constitute (https://www.constituteproject.org): Ushbu raqamli tarix loyihasi odamlarga dunyodagi deyarli har bir mustaqil davlatning konstitutsiyalarini o‘qish, qidirish va ularni o‘zaro solishtirish imkonini beradi. U har bir davlat konstitutsiyasiga kiritilgan tuzatishlar va o‘zgarishlarni interaktiv vizual tarzda aks ettiruvchi xronologik jadvalini o‘z ichiga oladi. Loyiha yaratuvchilari tomonidan konstitutsiyaga bog‘liq voqea va hodisalarning xronologiyasini tuzish, ingliz tilida bo‘lmagan konstitutsiya matnlarini ingliz tiliga tarjima qilish kabi ishlar amalga oshirilgan. Shuningdek, loyiha yaratuvchilari ma'lumotlarni to‘plash va solishtirish uchun xalqaro yuridik va konstitutsiyaviy bilimlarga ega mutaxassislardan maslahatlar olishgan.

3. Smithsonian Learning Lab (https://learninglab.si.edu): Bu loyiha doirasida Smitsonianning 19 ta muzeyi, 9 ta yirik tadqiqot markazlari va Milliy hayvonot bog‘ida joylashgan millionlab arxiv ma’lumotlarni, jumladan, yozuvlar, matnlar va videolarni tadqiq qilish, o‘rganish va muhokama qilish uchun interfaol sayt platformasi yaratilgan. Ushbu raqamli loyiha Smitson jamoasini tarix, san'at va madaniyat sohalari bo‘yicha bilimlarni o‘zaro almashishga undaydi.

4. Hind okeani jahon tarixi sahifalarida (https://www.indianoceanhistory.org): Ushbu raqamli tarix loyihasi odamlarga Hind okeanidagi turli davrlardagi savdo aloqalari tarixini va buyuk geografik kashfiyot davrini aks ettiruvchi hujjatlar va yozma manbalarni, artefaktlarni o‘rganish imkonini beradi. Saytda interaktiv xarita, o‘qituvchilar uchun dars rejalari va video sayohatlar mavjud. Sayt manbalari orasida o‘tmishdagi sayohatchilarning yozma hisobotlari, hukmdorlar farmonlari va turli shartnomalar kabi siyosiy va iqtisodiy hujjatlar yoki arxeologik tadqiqotlar natijasida topilgan artefaktlar birlamchi manba sifatida muhim o‘rin tutadi.

5. Sovuq urush tarixi: Sovuq urush xalqaro tarixi loyihasi (https://www.wilsoncenter.org/program/cold-war-international-history-project) sovuq urushning kelib chiqishi, kuchayishi va tugashi haqidagi turli materiallarni o‘zida mujassamlashtirgan. 1991-yilda tashkil etilgan ushbu raqamli loyiha Uilson markazining Tarix va davlat siyosati dasturi (https://www.wilsoncenter.org/program/history-and-public-policy-program) tomonidan nazorat qilinadi. Unda maxfiylikdan chiqarilgan tarixiy materiallar, jumladan fotosuratlar, diplomatik hujjatlar, yuqori darajadagi yozishmalar va uchrashuv bayonnomalari mavjud. Tarixiy ma'lumotlar insholar, xronologik jadvallar, xaritalar va video formatlarda taqdim etiladi. Arxiv hujjatlaridan foydalanish bilan bir qatorda og‘zaki tarix materiallarini ham ko‘plab topish mumkin.

6. Jahon aholisi tarixi (https://worldpopulationhistory.org): Bu raqamli loyiha oxirgi 2000 yil ichida dunyo aholisining evolyutsiyasini kuzatib boradi. U insoniyat tarixidagi muhim o‘zgarishlarga sabab bo‘lgan bosqichlarni alohida ta'kidlab, turli guruhlarning tarixiy, ijtimoiy, siyosiy va atrof-muhitga ta'siri haqida istiqbollarni taqdim etadi. Saytning “Manbalar va Kreditlar” bo‘limida ko‘rsatilishicha (https://worldpopulationhistory.org/source-credits/), loyihada bir necha o‘nlab ishonchli manbalardagi ma’lumotlardan foydalanilgan.

Raqamli tarixchi kim?

Tarix fanining nazariyasi va metodologiyasi raqamli tarix uchun juda muhimdir. Raqamli tarixchilar ilmiy ishlar, hisobotlar va taqdimotlar yozish uchun xatlar, fotosuratlar, arxiv hujjatlari va boshqalar kabi birlamchi tarixiy manbalarni tadqiq

qiladilar. Raqamli tarixchi turli yozma manbalar, arxiv hujjatlari va tarixga oid materiallarning haqiqiyligini tekshirib ko‘radilar. Ular muzey, kutubxona, ilmiy markaz kabi davlat va nodavlat notijorat tashkilotlari va tarix bo‘yicha turli uyushmalarda faoliyat olib borishadi. Raqamli tarixchining oddiy tarixchidan asosiy farqlovchi jihati uning tarixiy loyihalar ustida ishlashda kompyuter texnologiyalari bilan integratsiyalashgan tadqiqotlar olib borishidir.

XULOSA

Raqamli tarixchi inklyuziv tarixlarni turli auditoriyalarga yetkazish uchun ma'lumotlarning grafik tahlili (infografika), interaktiv xaritalar, visual tasvirlar kabi raqamli vositalardan, shuningdek, xronologik jadvallar, diagrammalar, simulyatsiyalardan foydalangan holda raqamli materiallar tayyorlaydilar va nashr etadilar.

Qanday qilib raqamli tarixchi bo‘lish mumkin

Raqamli savodxonlik, ma’lumotlarni tahlil qilish, ma’lumotlar bilan ishlay olish, tanqidiy fikrlash raqamli tarixchilar uchun asosiy ko‘nikmalardan hisoblanadi. Asosiy o‘rinda, raqamli tarixchilar raqamli kutubxona kataloglaridan qanday foydalanishni bilishlari, kalit so‘zlar yordamida ma’lumotlar bazasida qidiruv o‘tkaza olishlari va raqamli texnologiyalardan ta'lim jarayonida foydalanishning ahamiyatini tushunishlari kerak. Ilg‘or raqamli texnologiyalarni tarixchilar o‘rtasida o‘zlashtirish bosqichma-bosqich amalga oshiriladi. Raqamli tarixchi ma’lumotlar bazasidan olingan tarixiy manbalarni o‘rganish, tahlil qilish, onlayn va interaktiv formatlarda o‘z tadqiqotlarini taqdim etish orqali ta'lim sifatini yaxshilashga va ilmiy kontentni boyitishga xizmat qiladi.

REFERENCES

1. Digital History – Study Material // University of Calicut
2. Daniel J. Cohen and Roy Rosenzweig, Digital History: A Guide to Gathering, Preserving, andPresenting the Past on the Web, University of Pennsylvania Press, 2006.
3. Roy Rosenzweig, Clio Wired: The Future of the Past in the Digital Age, Columbia University Press, 2011.
4. Jack Dougherty and Kristen Nawrotzki, (eds), Writing History in the Digital Age, University ofMichigan Press, 2013.
5. Matthew K. Gold, (ed.), Debates in the Digital Humanities, University of Minnesota Press, 2012.

6. Donald A. Ritchie, Doing Oral History: A Practical Guide, OUP, New York, 2003.

Internet manbalari:

1. https://news.stanford.edu
2. https://koreanwarlegacy.org
3. https://www.constituteproject.org
4. https://learninglab.si.edu
5. https://www.wilsoncenter.org
6. https://worldpopulationhistory.org

ЎРТА АСР ЁДГОРЛИКЛАРИ БЕЗАКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аъзамова Дурдона Авазжон қизи
Магистр

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўрта аср ёдгорликлари безакларининг ривожланиши, йиллар ўтгани сари ўзгариб бориши ҳамда давр ва замон талабидан келиб чиққан ҳолда шаклланганлиги ҳақида сўз боради. XVIII-XIX асрларда ўрта аср ёдгорликлари безакларини биноларда қўллаган усталарнинг ёдгорликлар безаклари қайта тикланишига ҳамда ривожига қўшган хиссаси ва уларнинг ишларига таъриф берилган.

Калит сўзлар: *кошинли қоплама, терракота, Калон минораси, сталактит, хом ғишт, пахса, ганч ўймакорлиги, нақш-кундал, меҳроб, гумбаз, масжид-мақбара.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается развитие убранства средневековых памятников, как они менялись с годами и формировались исходя из потребностей эпохи и времени. Описан вклад мастеров, использовавших украшения средневековых памятников в постройках XVIII-XIX вв., в реставрацию и развитие убранства памятников и их работы.

Ключевые слова: *изразцы, терракота, минарет Калон, сталактит, кирпич-сырец, пахса, резьба по ганчу, накш-кундаль, михраб, купол, мечеть-макбара.*

КИРИШ

Ўрта асрларда интерьер безакларининг ўзига ҳослиги, асосий меъморий безак фондини ташкил қилиши билан аҳамиятлидир. Безаклар шаклланиши даврида бир қатор ўзгаришларга учраган бўлса-да, асос ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин.

Ўрта Осиё ва Эрон меъморчилигида 10-аср охиридан қора тошли кошинли қоплама қайд этилган. У қуйидаги эволюцияни бошдан кечиради: пиширилган лойнинг табиий рангини сақлаган ҳолатда кесилган ғиштлар терими орқали (X-XII асрлар); сирланган - кўк, кейин эса мовий ва оқ элементлардан фойдаланилиб ишланган, ўйилган - сирланмаган терракота пайдо бўлиши (XII - XIII аср бошлари); 14-асрдан бошлаб Эрон ва Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразм меъморчилигида полихром безакнинг ғалабаси рўй берган [1]

Ўзбекистоннинг мохир усталари ўз тажрибаларидан фойдаланиб, Калон минорасида сталактит ва терракота қопламаларини тиклаш (XII аср), Мағоки Аттори масжидини (XII аср) ғиштли мозаикасини реконструкция қилиш, Шер-Дор мадрасаси (XVII аср) йирик порталини қайта ётқизиш бўйича энг мураккаб ишларни амалга оширди. Абдулазизхон мадрасаси портали ганч сталактитларини (XVII аср) ва Бухородаги Сомонийлар мақбараси (IX-X аср)даги фигурали ғишт қопламаларини тиклашда катта маҳорат кўрсатишди[2]

Бундай сай-ҳаракатлар туфайли кўпгина ёдгорликлар сақланиб қолинди ва улардан қимматли маълумотлар олинмоқда. Моҳир усталарнинг мактаблари ташкил этилиб, улардан чиққан шогирд-усталар ўз билимлари орқали кўплаб ишларни амалга оширишган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

XVIII аср охири - XIX асрларда Қўқонда, Фарғона, Бухоро каби шахарларда етук халқ усталари етишиб чиқди. Наққошлик, ганчкорлик, мисгарлик, чилангарлик ва бошка санъат турлари ривожланди. Қадимда хунар мукаддас саналган. Ўзбекистон кадимда ҳунармандлар маркази бўлган десак хато килмаган бўламиз[3]

Самарқанддаги маданий ёдгорликларни яратган улуг устозларимиздан айримларининг табаррук номларини эслаш бурчимиздир. Улардан баъзилари XIV асрда бунёд этилган улкан Бибихоним масжидининг заҳматкаш Мубошири уста меъмор Ҳофиз Абрунинг қўлёзмасида кўрсатилган, бу қўлёзма Истамбулда сакланади. XIX асрда яратилган Шоҳи зинда ансамблининг ғиштқор усталари ва кошинкорлари: уста Али Сайфиддин ва уста Али Нуриддин. Кошинпаз усталар: ота-ўғил устод Шамсиддин ва устод Зайниддин Бухорийлар, Шайх Хожа Аҳмад мақбарасини уста Фахрали қурганлар. Шунингдек, ёғочсоз ва эшикларни ясаган устод Юсуф Шерозий, Кошинбурриш ва ҳаттот устод Шайх Маҳмуд бинни Хожи Бангир ал-Тургоний-Табризий. Киришда чап томон айвондаги ганч устаси – уста Сиддиқлар хизмат қилганлар. 1910 йил уста хўжа Абди-Дорун мақбара айвонида баъзи ишларни бажарган. Гўри Амир мақбарасини бино қилган усталар: Ал Абад, Ал Заиф (камтарин) Муҳаммад ибн Маҳмуд, Ал Бано, Ал Исфаҳонийлардир[4]

1920—40-йилларда Ўзбекистонда кўзга кўринган безак санъати усталари – уста ҳожи Бобо Хаётоза, уста Ҳофиз Иброҳимов, уста Мажид Қурбонов, уста Ширин Муродов (Бухоро), уста Абдуқодир, уста Акрам, уста Шамси Ғофуров,

уста Абдурашид, уста Қули Жалиловлар (Самарқанд) ва бошқа кўплаб Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона усталари етишиб чиқди[2]

Безак ва шаклларнинг ривожланиш босқичларини ёдгорликлар интерьерини таҳлил қилиб хулоса қилсак бўлади. Ёдгорликларнинг интерьер безаклари қўлланилмаган қисмлари конструктив қисмлар очиқ ҳолида қолдирилса-да, уларда ҳам ўзига хос тартиб ва жозибадорлик мавжуд бўлган. Интерьерни янада гўзал кўриниши учун ёруғлик муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Давр ўтиши билан нақшлар тури ҳам бойиб борган. Жумладан, IX-XII асрларда ғиштдан кесиб нақш чиқариш ҳамда ганч ўймакорлиги кенг қўлланилади. XIII асрда ранг қўлланила бошлади. XV асрда маъмурий, диний обидалар интерьерида мармар тош, қаватма - қават ёпиштирилган бўртма қоғоз устига зарҳал юритилган нақш-кундал (папье-маше) кенг ишлатилади[2]

"Меъморчилик ёдгорликларининг баъзи фасадларида жонли мавжудотлар тасвирланган кошинли ва сирли намоёнлар ҳозирга қадар сақланиб қолган. Масалан: Шаҳрисабздаги Оқсарой (1380-1405 йил) пайтоғи шерлар расми солинган намоёнлар билан безатилган. Анов масжиди (1456 йил) пештоқининг равоғи тепасида аждарлар тасвирланган тимпан бўлган[4]

Темурийлар салтанати бинолари интерьери ҳақида миниатюралар ҳам маълумот бериши мумкин. Бунда Камолиддин Бехзоднинг сарой ички муҳити тасвирланган миниатюралари муҳим ўринни эгаллайди.

Ганчкорликнинг гуллаб-яшнаган даври XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг бошлари бўлди. Унинг услублари, техникаси анча мураккаблашди. Ганч ўймакорлигининг барча турлари ривожланди. Қурилган биноларда халқ усталари ёркин жилвали бўёқлар билан ганчга жило бердилар.

Безакларнинг ҳамма турларига хос аниқ композицион қонунлар ишлаб чиқилди. Бухоро безакларидаги майин гуллар жуда ҳам нафис, Марғилоннинг гулдор безаклари яхлит кўринишга эга, Тошкентники эса қатъий ва аниқ ритм асосида тузилган, Хиванинг динамик ўйма нақшлари ўзига хос спиралсимонлиги билан фарқ қилади[5]

Марказий Осиёда ёзув ҳарфларининг ўзидан гул чиқариб ёзиш одати ҳам бўлган. Бунга Хивадаги Жума масжидининг қадимий устунлари гувоҳлик беради. Уларда ёзув ҳалқаси устун танасининг пастроқ қисмида жойлаштирилган. Кўпрок “алиф”, “лом” ҳарфларининг юқорирофидан ислими ва барг нақшлари ажратиб чиқарилган (Туякбаева Б. Т., 1989, 34-б.).

Ҳар бир даврда ҳам ёруғлик, ёритиш тизимини ташкил этиш интерьер нафислиги учун зарурий омил эди. Турар-жой биноларида дераза ва дарчалар,

мақбараларда панжарали туйнуклар, чиллахоналарни ёритувчи ўзига хос туйнуклар буларнинг барчаси ёритиш тизимининг пухта ўйлаб чиқилганлиги далилидир.

ХУЛОСА

Безаклар йирик безаклардан нисбатан нафис безакларга ўзгариб борган. Интерьер конструкциясида аввалига хом ғишт, пахса қўлланилган бўлса, кейинчалик пишиқ ғишт кенг миқёсда ишлатилган. Пишиқ ғиштдан аввалги даврларда ҳам фойдаланишган, фақат нисбатан камроқ миқёсда бўлган. Қизиқарли томони шундаки, янги безак услуби кириши билан эскиси чиқиб кетмаган, балки ёнма-ён қўлланилган. Шу туфайли ёдгорликни қайси даврга тегишлилигини аниқлаш қийин кечган пайтлар кўп бўлган.

REFERENCES

1. Пугаченкова Г. “Зодчество Центральной Азии XV век” Т. 1976. 35 б
2. Ремпель Л.И. “Архитектурный орнамент Узбекистана” 1961 533-534 б.
3. Ғуломов К. “Амалий санъат” Т. 2007. 21 б.
4. Булатов С., Мансуров Ў. “Миллий меъморчиликда амалий санъат фалсафаси” Т. 2005. 144 б.
5. Қаюмов Н.Р. “Декоратив амалий санъати йўналиши бўйича лойиҳалаш” Т. 2007. 5 б.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

USMONIYLAR IMPERIYASIDA QONUN USTUVORLIGINING RIVOJLANISH JARAYONI

Rahmatova Yulduz
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti magistri

ANNOTATSIYA

Usmonlilar saltanati sultonining mutlaq suverenitetiga xos bo'lgan va siyosiy, huquqiy, ijtimoiy va iqtisodiy sohalardagi teokratik xususiyatdan tashqari, Tanzimat tuzumlari davrida hamma narsa yangi tartib-qoidalar bilan amalga oshirildi. Bir asrlik huquqiy tartibga solishga yaqinlashib kelayotgan bu davrda oldingi besh asrlarsiz yangi qonunlar, farmoyishlar va ko'rsatmalar qabul qilindi. Biroq, Yevropa davlatlarini isloh qilishni davom ettirish talablari musulmon bo'lmagan aholini qondira olmadi va Usmonli imperiyasining qulashini to'xtatib bo'lmadi. Chunki islohot sohalarida ko'zda tutilgan yangi qoidalar yoki ba'zi yangi institutlarning tashkil etilishi bilan bu qiyinchiliklarni yengish unchalik oson emas edi.

Kalit so'zlar: *Usmonli imperiyasi, Usmonli huquqi, qonun ustuvorligi, kodifikatsiya, modernizatsiya.*

ABSTRACT

Characteristic of the absolute sovereignty of the sultan of the Ottoman Empire and out of the theocratic character of the political, legal, social and economic fields during the Tanzimat regulations were done everything asked of new regulations. Approaching a century of legal regulations during this period without the previous five centuries of the new laws, ordinances and guidelines were made. However, requests for continued reform of the European states, could not be satisfied with the non-Muslim population and the collapse of the Ottoman Empire could not be stopped. Because the subject wasnt so simple to overcome, with the new regulations which in the areas of reform to be envisaged or with the establishment of some new institutions.

Keywords: *The Ottoman Empire, The Ottoman Law, Rule of Law, Codification, Modernization.*

KIRISH

Davlatlar hayotida politsiya - davlat rejimidan qonun ustuvorligiga o'tish shunchaki siyosiy va huquqiy rejimning o'zgarishi emas. Bu hodisa ham biz davlat deb ataydigan ijtimoiy hamjamiyat taraqqiyotning eng yuqori pog'onasiga, haqiqiy davlat huquqiy ongiga erishganligini ko'rsatadi. Shaxslar o'z faoliyatidan oldin o'rnatilgan ob'ektiv qoidalarni tuzishlari kerakligi sababli, bunday qoidalar to'plami davlatga bo'ysunadi.

Demak, davlat huquqiy bitim tuzish to‘g‘risida e’lon qiladigan vasiyatnomalar, ya’ni yuridik dispozitsiyalar (bitimlar, shartnomalar) faqat shaxs tomonidan xususiy huquq sohasida e’lon qilingan vasiyatnomalar kabi vujudga kelishi mumkin, faqat yuqori huquqiy qoidalarga rioya qilish sharti bilangina vujudga keladi.

Davlatning huquqiy dispozitsiyalarini cheklaydigan yuqori qoidalarning mavjudligini e'tirof etish kerakki, ma'muriyat ushbu yuqori boshqaruv qoidalarini buzganligi da'vo qilinganida, bu da'voning haqiqat yoki yo'qligini sud tartibida aniqlaydi. Buni bartaraf eta oladigan sud tashkiloti va sud nazorati zarur. Uning faoliyati sud tomonidan tekshirilishi hamda ma’muriyatning davlat hokimiyatiga asoslangan xatti-harakatlari va ma’muriy xizmatlardan bahramand bo‘ladigan shaxslar tomonidan ma’lum darajada oldindan ko‘rinib turishi qonun ustuvorligining asosiy tamoyillaridan biridir.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Qonun ustuvorligining yana bir ajralmas qoidasi bu asosiy huquq va erkinliklarning ta’minlanishidir. Mamlakatda qonun ustuvorligini tushunish to‘g‘ri bo‘lishi uchun yuqorida qayd etilgan qonun ustuvorligi talablari yetarli emas. Huquqiy davlat tushunchasining qaror topishi uchun bu davlatda siyosiy erkinlikka asoslangan demokratik tuzumning mavjudligi zarur. Shu sababdan demokratik tuzumsiz davlat va uning talablarini o‘z ichiga olgan jamiyat huquqiy davlat bo‘lishi mumkin emas. Jamiyatning kuchi o‘sha jamiyatning jamoaviy ongi va manfaatlariga emas, balki ma’lum bir sinf hukumat va boshqaruvchilarning shaxsiy manfaatlari va ehtiroslariga bog‘liq bo‘lgan va ularga xizmat qiladigan va ularga alohida imtiyozlar berishga xizmat qiladigan jamiyatlar sifatida tasniflanmaydi. Biroq davlatni tashkil etuvchi umumiy ong va manfaat, Milliylik va ong g‘oyasi, jamoaviy ehtiyojlar, jamiyatdagi manfaatdorlik kabi g‘oyalarning keng tarqalishi bilan davlatning qo‘shma korxonaga aylanishi g‘oyasi shular o‘rtasida umumiy ongga aylanadi. Shaxs va sinflar atrofiga to‘planib, ularning manfaati va ehtiyojlariga xizmat qiladigan oddiy jamoa to‘da bo‘lishdan to‘xtab, ijtimoiy institutga aylanadi, shundagina davlat ijtimoiy institut sifatiga ega bo‘ladi. Jamiyatning ana shu umumiy ongini ifoda etuvchi va uning manfaatlarini ifoda etuvchi va amalga oshiradigan organlarni tashkil eta olish, shu bilan birga, u hozirda uyushgan va qonuniylashgan, nomi va malakasini olgan jamiyat hokimiyatidan ushbu organlar va shaxslarning foydalanishiga to'sqinlik qiladigan huquqiy qoidalar va institutlarni ochib bera oladigan kuch va darajaga yetgan bo'lishi kerak. Shundan so‘ng biz davlat deb ataydigan siyosiy jamoa yaxlit ijtimoiy institutga aylanadi va huquqiy davlat malakasini oladi.

Haqiqiy demokratiya shunday ijtimoiy tuzilma va sharoitdagina amalga oshishi mumkin. Davlat g‘oyasi va ongini shakllantirmas ekan, jamoat hokimiyati ana shu g‘oya va ongga bog‘liq bo‘lmaydi, buni ta’minlovchi huquqiy tenglik va bu tenglikni ta’minlovchi kuchli institutlar o‘rnatilmas ekan, huquqiy davlat va demokratiya ta’minlanmaydi. Qadriyat hisoblangan va davlat tartibida hisoblangan shaxsning davlat boshqaruvida ishtirok etishiga yo‘l qo‘ymasdan turib boshqarilishi mumkin emas. Odamlar o'zlarini boshqarish uchun yig'ilishlar tuzishlari va o'zlari tanlagan vakillar tomonidan boshqarilishi kerak. Davlat hokimiyatining manbai xalq bo'lishi kerak. Xalqdan chiqmagan kuchning manbai zulmdir. Zolimlik qonunga to‘g‘ri kelmasligi aniq.[96] Huquqiy davlatda bo‘lishi kerak bo‘lgan yana bir qoida ijtimoiy davlat masalasidir. Siyosiy tushuncha bo'lgan ijtimoiy davlat huquqiy davlatning ilg'or bosqichi, u erishgan zamonaviy tartibdir. Bu qoida shaxsning munosib hayot kechirishi, o‘zining moddiy va ma’naviy borligini shu yo‘nalishda rivojlantirish, o‘z huquq va vakolatlaridan foydalanish, davlatning ijtimoiy adolat talablarini qondirish majburiyatini o‘z ichiga oladi. Ijtimoiy davlatning asosi, maqsadi va vazifalari ijtimoiy adolat, ijtimoiy farovonlik va ijtimoiy xavfsizlikni ta’minlashdan iborat.[97] Huquqiy davlatni vujudga keltiruvchi yana bir qoida – dunyoviylikdir. Shu munosabat bilan biz Usmonlilar davlati tuzumining teokratik mohiyati haqida batafsil to‘xtalib o‘tamiz.

Bu mulohazalardan so‘ng, Usmonli davlatining birinchi va o‘rta davrlarini chetlab o‘tadigan bo‘lsak, aytish mumkinki, Usmonlilar davlati huquqiy davlat bo‘lmagan va hatto huquqiy davlatda bo‘lishi kerak bo‘lgan ko‘p fazilatlarga ega emas edi. Yevropada zamonaviy davlat va qonun ustuvorligi tushunchalari shakllangan va qaror topgan davrlarda Usmonlilar Turkiyasida Hukmdor xayoliga kelgan hamma narsani qilishga qodir. U qilgan hamma narsa to'g'ri. Uning shaxsiyati muqaddas bo'lgani uchun u begunoh sanaladi. Tanzimat davrida fikrlar o‘zgara boshladi. Sultonning mutlaq hokimiyatini cheklash g'oyalari paydo bo'ldi va bu yo'nalishda ba'zi urinishlar qilindi. Davlat ishlari bilan bog'liq bitimlarni ko'rish uchun ma'muriy va siyosiy bilimlar bilan davlat arboblaridan iborat majlislar tashkil etildi. Fikr erkinligi va bu so‘z erkinligining tabiiy natijasi majlislarda hukmron bo‘lishga harakat qilinib, konstitutsiyaviy boshqaruvga yo‘l ochildi. Oxirgi davr bo‘lgan davr “Tanzimat” 1839-1876 yillar oralig‘ida, “I Konstitutsiyaviy monarxiya, 1878-1908 yillar oralig'ida "Mustaqillik", 1908 yildan 1922 yil 1 noyabrgacha bo'lgan davr "II. biz uni “Meshrutiyet” deb ajratishimiz mumkin. Tanzimat davridagi

[96] Yüce, age., s. 7
[97] Kalabalık, age., s. 364-368; Yüce, age., s. 9-11

qonuniylashtirish harakatlarining ahamiyati va o'rni va Usmonlilar davlatida sud tashkilotida amalga oshirilgan o'zgarishlar bo'ladi.

1. Klassik davr Usmonli huquqining umumiy tuzilishi

Usmonlilar davlatining barpo etilishi bilan yangi va original huquqiy tizim boshlanmadi. Bu davlatning asoschilari bundan oldin tashkil etilgan turk-islom davlatlaridan ko'p narsalar bilan bir qatorda o'sha davrga qadar amalda bo'lgan va ko'p jihatdan birlashgan huquqiy tuzilmani ham oldilar. Huquqiy tuzilma o'rnatishlari shart emas edi.[98] Huquqiy va madaniy merosi asosan Usmonlilar davlatiga meros bo‘lib qolgan Abbosiylar, Buyuk Saljuqiylar va Onado‘li Saljuqiylar davlatlarida asosan islom huquqiga va ma’lum darajada eski turk-mo‘g‘ul an’analariga asoslangan huquqiy an’ana mavjud edi.[99]

Olti asrlik davr mobaynida bu huquqiy tuzilmaga zaruratga qarab zarur o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritildi. Islom ulamolari shariat o‘zining yakuniy shaklini olganligini va “Ijtihod darvozasi”, ya’ni yangi qoidalarni belgilash imkoniyatini e’lon qildilar. Islom qonunlari yopildi. Islom diniy buyruqlarga asoslangan, jamoat hayotini ham, shaxslar o‘rtasidagi munosabatlarni ham tartibga soluvchi faqat bitta qonunni tan oldi, u shariat edi. Musulmon hukmdor, xoh xalifa bo‘lsin, xoh sulton, qonun chiqaruvchi unvonini o‘z zimmasiga olmaydi. U faqat Islom shariati, ya’ni shariatning nazoratchisi va homiysi edi. Shariatni sharhlash faqat vakolatli ulamolarga tegishli edi. Usmonlilar imperiyasi islom davlati sifatida shariatdan boshqa qonunlarga ega bo‘lmasligi kerak edi.[100] Biroq har bir davlatda mazhab farqlari va ijtimoiy, siyosiy va madaniy sharoitlarga qarab islom qonunlarini tatbiq etishda ba’zi o‘zgarishlar bo‘lganligi haqiqatdir. Bu farqlarni islom davlati bo'lgan Usmonlilar imperiyasida ko'rish mumkin. Qolaversa, islom huquqi batafsil tartibga solinmagan yoki davlat boshliqlariga qoldirilgan sohalarda qonun qoidalari Usmonlilar hukmdorlari tomonidan davr ehtiyoji va tushunchasi doirasida o‘rnatilgani haqiqatdir.

a. Usmonli huquqining shariat xususiyati

Islom huquqi, ya’ni shariat islom dini tomonidan kiritilgan huquqiy tizimdir. Huquqiy tizimlar, odatda, davlat boshliqlarining urf-odatlari, qaror va farmoyishlari, ilmiy va sud huquqshunosligi yoki qo‘mita yoki majlisning qonunchilik faoliyatiga

[98] M. Akif Aydın (2005). Türk Hukuk Tarihi, İstanbul: Hars Yayıncılık, s, 69.
[99] M. Akif Aydın (2002). “Osmanlı Hukuku’nun Genel Yapısı ve İşleyişi”, Türkler, (Editör: Kemal Çicek-Salim Koca), C. 10, s.15, Ankara: Yeni Türkiye Yayınları; Erol Özbilgen (1985). Osmanlı Hukuku’nun Yapısı, İstanbul: Nihal Kitabevi, s. 89.; daha geniş bilgi için bkz. Halil İnalcık (1958). “Osmanlı Hukukuna Giriş: Örfi-Sultani Hukuk Ve Fatih’in Kanunları”, AÜSBFD, C. 13, S. 2, s. 104-107
[100] Halil İnalcık (2009). Devlet-i Aliye, İstanbul: Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları, s. 227; İnalcık, “Osmanlı Hukuku”, s. 102-107

asoslanadi. Ular islom huquqida ma'lum tamoyillar doirasida o'z o'rniga ega bo'lsalarda, bu qonunning manbalari ulardan tubdan farq qiladi va uning paydo bo'lishi boshqa huquq tizimlaridagi kabi emas edi. Bu qonunni boshqalardan ajratib turadigan va uni sui generis (o'ziga xos) qiladigan asosiy xususiyat uning manbalari va shaklidagi ana shu farqdir.[101] Islom huquqining birinchi va eng muhim xususiyati shundaki, u kelib chiqishi, ya'ni uning asosiy tamoyillari Alloh va Payg'ambar bilan belgilanadi. Bu huquqiy tizimning birinchi manbai kitob Qur'on bo'lsa, ikkinchi manbasi sunnat, ya'ni payg'ambarning amallaridir. Agar bu ikki manbada aniq hukmlar mavjud bo'lsa, faqihning tafsirni o'zgartirishi yoki bekor qilishi mumkin emas.[102] Lekin islom shariatining bu xususiyati barcha hukmlarning ilohiy kelib chiqishi va insoniy talqini yo'qligini anglatmaydi. Aksincha, islom huquqining shakllanishiga insoniy hissa katta. Chunki zarur deb topilgan asosiy tamoyillar Qur'on va Sunnatda belgilab berilgan bo'lsa-da, ular mufassal qoida va me'yorlarga aylantirilib, huquqshunoslar tomonidan tizimlashtirilgan. Shuning uchun islom huquqi kazuistik usul bilan tug'ilib, rivojlandi. Boshqacha qilib aytganda, islom huquqi asarlarida o'xshash huquqiy bitimlar yoki hodisalarga bog'liq bo'lgan umumiy qoidalarni ochib berishdan ko'ra, har bir muomala va hodisaning alohida-alohida tobe bo'ladigan qoidalarini belgilash afzal bo'lgan. Bular ichida eng keng tarqalgani tafsir va qiyos bo'lib, ularning tabiiy oqibatlari ra'y (ray) va rad etish (bekor qilish)dir. Bulardan tashqari, ijmol (islom huquqshunoslarining har qanday mavzu va davr bo'yicha ijmosi), istihsol (nisbatan barqaror hukmni qoldirib, boshqa qiyosga (yashirin qiyos) murojaat qilish yoki maxsus masalada umumiy qoidalardan ajralib, boshqasini qabul qilish jarayoni), maslaha (Qur'on) Sunnat, ijmo va qiyos bo'lmagan masalada, agar faqih foyda yo'nalishida hukm qilsa, bu hukmning manbai maslahatdir, odat (odamlar hamma qiladigan ishlar) vaqt odat deb ataladi) va sahobalar fatvosi ("sahoba" so'zi islomda do'st degan ma'noni anglatadi) Muhammadni madaniyatida ko'rgan va u bilan bir muddat birga bo'lgan odamlar uchun qo'llaniladi). Bu kishilarning sahobalar deb atalgan huquqiy qarashlari islom huquqshunoslari tomonidan boshqa faqihlarning qarashlaridan ajratilib, Qur'on, sunnat va ijmo bo'lmagan holda huquq manbai sifatida qabul qilingan. Ammo bu manbalarni keltirish va ulardan foydalanishda fiqh olimlarining e'tiborga oladigan asosiy jihati Qur'on va Sunnat nozil qilgan ilohiy xabarni talqin qilish va unga mos me'yorlarni topishdir. Boshqa tomondan, islom huquqining diniy kelib chiqishi ham

[101] Ahmed Akgündüz (2002). "Osmanlı Kanunnameleri", Türkler, (Editör: Kemal Çicek-Salim Koca), C. 10, s. 21, Ankara: Yeni Türkiye Yayınları.; Özbilgen, age., s. 44, 45, Aydın, age., s, 78
[102] Özbilgen, age., s. 43, 44; Aydın, age., s, 65

diniy, ham huquqiy sanksiyalar uchun qoidalarning majburiy bo'lishiga olib keldi. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, ushbu qonunning prinsiplaridan birini bajarmaslik ikki tomonlama (diniy-huquqiy) buzilishiga olib keldi, shuning uchun ikki xil sanksiyalar mavjud edi. Masalan, o‘g‘irlik, poraxo‘rlik, qarindosh-urug‘chilik kabi jinoyatlar ham qonuniy, ham diniy jihatdan taqiqlangan. Demak, bu jinoyatlarni sodir etgan shaxs ham qonuniy, ham diniy javobgarlikka tortiladi va ikkinchisining birinchi (jazo, hukm) dunyoviy sanksiyasi (jazo, ya’ni abadiy azob) bilan yuzma-yuz keladi.[103] Usmonlilar huquqiy tartibotining ikkita elementi va asosiy huquqiy norma islom huquqidir.

b. Usmonlilar huquqining odatiy xususiyati

Usmonli huquqiy tartibining ikkinchi elementi “Orfi qonuni”dir. Darhaqiqat, alohida sharoitlarda rivojlangan Usmonlilar imperiyasi shariat tartibga solmagan sohalar bilan ham shug'ullanadigan huquqiy tartibni ishlab chiqdi. Bunga ruxsat beruvchi tamoyil odat tusiga kirgan, ya’ni hukmdorning faqat o‘z irodasiga tayangan holda shariatda bo‘lmagan sohalarda qonun chiqarish vakolati. Bu bevosita hukmdorning davlatda mutlaq mavqega ega bo'lishi, davlat manfaatlari hamma narsadan ustun qo'yilganda sodir bo'ldi. Turk-islom davlatlarida Usmonlilar saltanatiga qadar shariatdan tashqari huquq va odatlar, ya'ni faqat hukmdor irodasidan kelib chiqadigan alohida huquqiy tartib to'liq o'rnatilgan. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, "odatiy huquq"ni o'rnatish an'anasi Usmonlilardan boshlangan va ularga xos bo'lgan amaliyot emas edi.[104] Biroq, odat huquqining barcha sohalarida qonun hujjatlariga muvofiq tartibga solish vakolatini to'liq amalga oshirgan birinchi Islom davlati. Shariat qoidalari va keng doiradagi odat-huquq matnlarini ishlab chiqarish uchun Usmonlilar imperiyasi bo‘lgan.[105] Shuni alohida ta’kidlash kerakki, sobiq turk davlatlarida Usmonlilar imperiyasidan oldin va turk-islom davlatlarida odat huquqi an’anasi mavjud bo‘lgan. Islom dini va Usmonlilar an’anasi tabiiy ravishda avvalgi turk ma’muriy qonunlaridan bahramand bo‘lgan, lekin u, albatta, shariat filtridan o‘tgan.[106] Boshqacha aytganda, Usmonli odat huquqi o‘z qoidalarini bir tamoyil sifatida belgilash va o’rnatishda shariat qoidalaridan chetga chiqa olmadi.[107]

[103] Aydın, age., s, 66
[104] İnalcık, “Osmanlı Hukuku”, s. 102, 103
[105] Akgündüz, agm., Türkler, c. 10, s. 21
[106] Kanunnamelerin şeriata uygunluğunun Şeyhülislamca kontrol edildiği yolunda var olan bazı rivayetler bir kısım araştırmacılar tarafından ret edilmesine rağmen tamamen ihtimal dışı değildir. Çok sonraki bir dönemde hazırlanmış olmasına rağmen Arazi Kanunnamesinin padişah iradesine sunulmadan önce incelenmek üzere bir kere de Şeyhülislama gönderildiği bilinmektedir. Aynı uygulama Mecelle içinde söz konusu olmuştur. Mecelle’nin İslam hukuku alanında hazırlanan bir kanun olduğu ve Şeyhülislama gönderilmesinin normal bir uygulama sayılabileceği ileri sürülse bile tamamen örfi hukuk alanında bir düzenleme olan Arazi Kanunnamesi için bu prosedürün uygulanmasını izah güçtür. Bu uygulama örfi hukuk için ilk dönemlerde de böyle bir geleneğin var olduğunu göstermektedir. Bu yönde düzenli bir

Usmonlilar imperiyasi tarixida “odatiy huquq” atamasi birinchi marta Mehmet II hukmronligi davrida topilgan. Bu davr tarixchisi Tursun bek shariat bilan bir qatorda odat huquqining ham mavjudligi haqida gapiradi. Ehtimol, Usmonlilarda odat huquqining paydo bo‘lishiga sabab bo‘lgan omillar boshqa turk-islom davlatlarida ham ularning shakli va mazmuni har xil bo‘lsa ham, xuddi shunday tartiblarni amalga oshirishni taqozo qilgandir.[108] Bunga misol qilib, “Tekalif-i shariat” deb ataladigan zakot, ushr, o‘lpon, jizya kabi soliqlar davlat xarajatlarini qoplamasligi sababli turli nomlar ostida odat soliqlarining (tekalif-i örfiye) joriy etilishi misol bo‘la oladi. Xuddi shunday qishloq xo‘jaligi yerlarini bir qo‘lda yig‘ib olishga to‘sqinlik qiladigan, kuchli yer egalarining paydo bo‘lishiga yoki soliqlarni mayda qismlarga bo‘linishiga qiyinchilik tug‘diradigan tarzda xalqqa taqsimlash zarur edi. Keng hududga tarqalgan davlatda tinchlik va osoyishtalik vaqti-vaqti bilan qiyinchilik bilan ta'minlanishi og'ir jazo siyosatini, davlat moliyaviy qiyinchilikka uchragan paytda jarima solishni, davlatning moliyaviy ahvoli og'ir bo'lgan paytda esa qattiq jazolashni taqozo etdi. Dengiz floti eshkakchilarga muhtoj edi. Islom shariatining davlat rahbariga ma’lum bir ixtiyor berishi, ayniqsa, Qur’on va Sunnat tomonidan batafsil tartibga solinmagan sohalarda, Usmonlilar hukmdorlari tomonidan asrlar davomida, ayniqsa, jinoyat huquqi va moliya huquqi sohalarida ko‘pchilik uchun o‘rnatilgan tartib-qoidalar uchun munosib zamin tayyorladi. Ma’lumki, hadd va qisoslarga zid ravishda tazir jinoyatlari deb ataladigan juda keng toifadagi jinoyatlarni tartibga

За счет запасов воды, собранных в первый год в Туямойинском водохранилище, можно смягчить дефицит воды в два последовательных засушливых года, а на третий год, когда будет изобилие, некоторое количество запасов будет собираться снова. Поэтому сбор определенного количества воды на определенном уровне является очень актуальной задачей.

Ключевые слова: *водохранилище, плотина, режим сбора и сброса воды, маловодные и многоводные годы,*

КИРИШ

Туямўйин сув омбори 1985 йилда Амударё ўзанида қуриб фойдаланишга топширилган бўлиб Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон республикаси ва Туркманистон республикаси Дошовуз вилояти экин майдонларининг бир қисмини суғоришга мўлжалланган. Туямўйин сув омбори ўзан, Капарас, Султонсанжар ва Қўшбулоқ сув омборларидан ташкил топиб, ўзаро боғлиқ ҳолда эксплуатация қилинади. Мазкур мақолада сув омбори сув йиғиш ва чиқариш тартиблари, камсувлилик ва кўпсувлилик йилларининг кузатилиш прогнозлари ўрганилиб, таҳлил этилди. Ўзан сув омборининг лойиҳа бўйича ҳажми 2,4 млрд.м.куб, тўғонининг асоси 0 отметкаси 111,03 мБс ни ҳамда энг юқори отметкаси 130,0 мБс га яъни 19 метр баландликни ташкил этади [1].


мБс (метр, Балтийской системе) – бу бирор бир объектнинг Болтиқ денгизи сатҳига (унинг сатҳи 0 деб қабул қилинган) нисбатан жойлашувини (баландилиги ёки пастлигини) ифодаловчи ягона ўлчов бирлиги.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР


Қуйидаги 1-жадвала 2015, 2016 ва 2017 йилларда ўзан сув омборидаги сув сатҳи отметкаси, шунингдек сув омборига кириш ва чиқишдаги сув ҳажмининг фарқи декадалик кўринишда келтирилади. Бунда, Сув омборига кирувчи сув сарфи бу Бирата (Дарганата), чиқувчи сув сарфи эса Туямўйин гидропостларида ўлчанган сув сарфлари олинган. Сув омборига кирувчи ва чиқувчи сув сарфларининг фарқи бу сув омборида сув йиғиш заҳираси бўйича муайян таҳлилларни беради.

№		Сув омборига кирувчи ва чиқувчи сув сарфи фарқи. Қ $м^3/с$			нол отметка	Сув омборидаги сув сатҳи баландлиги (м)			Сув омборидаги сув сатҳи баландлиги (м)		
		2015	2016	2017		2015	2016	2017	2015	2016	2017
январь	1-дек.	225	24	-123	111,03	14,21	17,64	11,97	125,24	128,67	123
	2-дек.	-135	-94	-161	111,03	14,2	17,95	12,47	125,23	128,98	123,5
	3-дек.	-215	-57	-107	111,03	14,8	18,21	12,67	125,83	129,24	123,7
февраль	1	-242	50	-137	111,03	15,4	18,27	12,69	126,43	129,3	123,72
	2	-126	200	-236	111,03	15,87	18,05	13,16	126,9	129,08	124,19
	3	242	431	126	111,03	15,23	16,81	13,01	126,26	127,84	124,04
март	1	287	725	394	111,03	13,82	10,69	12,63	124,85	121,72	123,66
	2	464	582	415	111,03	12,36	8,96	9,67	123,39	119,99	120,7


	3	395	438	237	111,03	11,02	8,3	6,76	122,05	119,33	117,79
апрел	**1**	-100	297	-256	111,03	11,4	7,17	10,79	122,43	118,2	121,82
	2	-27	96	-163	111,03	12,28	7,05	12,69	123,31	118,08	123,72
	3	-81	120	-442	111,03	12,48	9,95	13,47	123,51	120,98	124,5
май	**1**	87	210	4	111,03	12,16	10,01	13,94	123,19	121,04	124,97
	2	-399	-470	-142	111,03	12,62	11,59	12,72	123,65	122,62	123,75
	3	-641	-540	-634	111,03	14,75	14,99	16,77	125,78	126,02	127,8
июнь	**1**	106	-232	-458	111,03	14,66	15,48	18,3	125,69	126,51	129,33
	2	-417	-298	-62	111,03	15,02	15,06	18,51	126,05	126,09	129,54
	3	-580	-753	191	111,03	16,99	16,3	16,14	128,02	127,33	127,17
июль	**1**	276	147	-194	111,03	17,48	16,4	18,02	128,51	127,43	129,05
	2	-599	162	-218	111,03	17,91	17,45	18,25	128,94	128,48	129,28
	3	-884	232	-807	111,03	18,95	17,17	18,88	129,98	128,2	129,91
август	**1**	-159	441	-230	111,03	18,93	12,75	18,96	129,96	123,78	129,99
	2	192	394	-65	111,03	18,78	11,03	18,97	129,81	122,06	130
	3	-13	352	584	111,03	18,87	11,07	17,55	129,9	122,1	128,58
сентябр	**1**	256	344	315	111,03	18,67	9,69	15,83	129,7	120,72	126,86
	2	235	126	72	111,03	18,41	9,57	15,71	129,44	120,6	126,74
	3	171	75	171	111,03	18,38	10,21	15,78	129,41	121,24	126,81
октябрь	**1**	230	102	72	111,03	18,38	10,21	15,82	129,41	121,24	126,85
	2	53	-76	95	111,03	18,51	10,82	15,95	129,54	121,85	126,98
	3	-219	-177	-116	111,03	18,89	12,08	17,05	129,92	123,11	128,08
ноябрь	**1**	-315	-169	-175	111,03	18,97	12,62	18,39	130	123,65	129,42
	2	-21	-147	-144	111,03	18,87	12,89	18,83	129,9	123,92	129,86
	3	0	59	-105	111,03	18,87	12,78	18,85	129,9	123,81	129,88
декабрь	**1**	27	110	141	111,03	18,94	11,46	18,82	129,97	122,49	129,85
	2	158	263	174	111,03	18,59	10,03	18,39	129,62	121,06	129,42
	3	182	-81	240	111,03	18,06	10,87	17,75	129,09	121,9	128,78
Йиллик	**ўртача**	**-44**	**80**	**-49**	**111,03**	**16,2**	**12,8**	**15,4**	**127,2**	**123,8**	**126,5**



а)



б)



с)

1-Расм. (а, б, с). Туямўйин сув омборига (+ ўқида) кирувчи сув сарфи ва ундан (-ўқида) чиқувчи сув сарфи миқдорлари фарқининг 2017 йил учун ўзгариш графиги [2].

Тўғоннинг сув сатҳи ўзгариши 2015, 2016, 2017 йиллар мисолида олиб борилди. Ушбу тадқиқотларнинг энг охирги йиллар учун бажарилиши олинадиган натижаларнинг ишончлилиги таъминлайди. Кўп йилларда давомида сув омборидан фойдаланиш жараёнида лойқа чўкиндиларнинг чўкиши унинг ҳажми ва сув йиғиш ҳамда чиқариш тартибларига таъсир қилади [2].

а) Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики (1-жадвал ва 1-расм а), 2015 йилнинг 18 декадаси яъни 180 кунида, қарйиб ярим йилида сув омборига кириб

келаётган оқим сарфидан катта миқдорида сув омборидан сув чиқарилган. Яъни сув омборига кириб келувчи сарфдан ундан чиқиб кетувчи сарф миқдори катта бўлган. Умумий йил бўйича ўзгаришларни ҳисоблаганда, яъни кунлик ҳисобида сув омборига кириб келаётган сув сарфидан чиқиб кетаётган сув сарфи -45 $м^3$/с га ортиқлиги кузатилади. Бу шундан далолат беради, 2015 йилда сув омборининг заҳира ҳажмидан фойдаланилган, максимал даражада сув истъемолчиларга, пастки бъефга етказилган.

Қ= –45м.куб/с*365*24*60*60= –1,41 млрд.м.куб (сув омбори заҳира ҳажмидан фойдаланилган).

2015 йилда 1,41 млрд.м.куб ҳажмдаги ўтган йиллар ҳисобига йиғилган заҳира сув ҳажмидан фойдаланилган.

б) 2016 йилнинг 12 декадаси яъни 120 кунида, сув омборига кириб келаётган оқим сарфидан катта миқдорида сув омборидан сув чиқарилган, қолган декадалари бўйича аксинча. Сув омборида бу йилда ўртача 80 $м^3$/с сарф миқдорида сув йиғилган. Яъни 2015 йилга қараганда Амударёда сувнинг етарли даражада келганлигидан далолат беради. Ушбу йилда баъзи декадада максимал қийматда 725 $м^3$/с гача сувнинг кириш сарфи чиқиш сарфига нисбатан юқори бўлиб, ҳамда -753 тескариси. Жорий 2016 йилда ўтган йилга нисбатан кўпроқ сув ҳажмини йиғишга эришилган. Ушбу кўрсаткич сув омбори учун ижобий натижа ҳисобланади.

Қ= +80м.куб/с*365*24*60*60= +2,5 млрд.м.куб (сув омборида заҳира сув ҳажми йиғилган)

2016 йилда вегитация даврини самарали ўтказиш билан бирга сув омборида яна қўшимча 2,5 млрд.м.куб ҳажмда кейинги йилларда фойдаланиш учун заҳира йиғилган.

с) 2017 йилда эса сув омборининг сув ҳажмидан максимал даражада фойдаланилган, истеъмолчиларга катта ҳажмда сув етказилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу йилнинг 22 декадасида, яъни 220 кунида, сув омборига кириб келаётган оқим ҳажмидан катта ҳажмдаги сув – сув омбори заҳираси ҳисобидан пастки бъефга чиқарилган. Албатта аниқланган ушбу қийматлар, 2017 йилда кам сувлилик йили кузатилганлигини яққол исботлайди. 2017 йилда яхлит ҳисобда сув омборига кирувчи сув сарфидан чиқувчи сарф миқдори 50 м3/с га юқори бўлган. Яъни сув омборига сувнинг киришидан чиқиши катта миқдорни ташкил қилган. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2017 йилда ҳам айнан 2015 йилдаги каби бир хил миқдорда сув чиқарилган.

Қ= –49м.куб/с*365*24*60*60= –1,54 млрд.м.куб (сув омбори заҳира ҳажмидан фойдаланилган).


2015, 2016 ва 2017 йилларда сув омбори тўғонида сув сақланишининг ўзгаришлари ўрганилди. 2015 йилда сув омборидаги ўртача сатҳ 127,24 мбс.отметкани ташкил қилади. 2016 йилда эса 123,85, 2017 йилда эса бу кўрсаткич 126,5 мбс.отметкага тенг бўлган (1 ва 2-жадваллар).

Ушбу йилларнинг баъзи декадаларида сув омборида максимал отметка яъни, 130 гача сув йиғилган. Яъни, сув омборининг максимал сув сақлашга қобилятидан фойдаланилган.

2015 йилда энг минимал сув сатҳи 122,05 отметкани ташкил қилган. Сув омборида бу йилда сув сатҳининг кўтарилиши ва тушишининг ўзгариши 8 метр гача кузатилган.

2016 йилда энг минимал сув сатҳи 118,08 отметкани ташкил қилган. Сув омборида бу йилда сув сатҳининг кўтарилиши ва тушиши 12 метр гача кузатилган.

2017 йилда энг минимал сув сатҳи 117,79 отметкани ташкил қилган. Сув омборида бу йилда сув сатҳининг кўтарилиши ва тушиши 13 метр гача кузатилган.



2-расм. Туямўйин сув омбори тўғонида сақланган сув сатҳи отметкаси.


2-жадвал

Туямўйин сув омбори тўғонида ҳар бир йиллар учун максимал, минимал ва ўртача сув сатҳи отметкаси ҳисобий қийматлари.

Йиллар	Тўғоннинг нол отметкаси (мБс)	Максимал сув сатҳи баландлиги (см)	Тўғондаги сув сатҳи максимал отметкаси (мБс)	Минимал сув сатҳи баландлиги (см)	Тўғондаги сув сатҳи минимал отметкаси (мБс)	Сув сатҳи йиллик ўртача баландлиги (см)	Тўғондаги сув сатҳи йиллик ўртача отметкаси (мБс)	Тўғондаги максимал ва минимал сув сатҳи фарқи (метр)
2017	111,03	1889	129,9	630	117,33	1544	126,5	12,59
2016	111,03	1830	129,3	642	117,45	1283	123,9	11,88
2015	111,03	1897	130	1081	121,84	1622	127,3	8,16
2011	111,03	1671	127,7	515	116,18	1207	123,1	11,56
2010	111,03	1897	130	1237	123,4	1803	129,1	6,6
2008	111,03	1711	128,1	497	116	1399	125	12,14
2007	111,03	1846	129,5	762	118,65	1436	125,4	10,84
2005	111,03	1880	129,8	1375	124,78	1625	127,3	5,05
1992	111,03	1860	129,6	468	115,71	1467	125,7	13,92
1991	111,03	1871	129,7	500	116,03	1352	124,6	13,71



а)



б)



с)

3-Расм. Туямўйин сув омборида сув сатҳининг ўзгариши отметкалари.

2-жадвал асосида 2017, 2016, 2015, 2011, 2010, 2008, 2007, 2005, 1992, 1991 йилларда Туямўйин сув омборида максимал, минимал ҳамда ўртача сув сатҳи отметкаларига асосан графиклари қурилган, улардан 1 таси 2017 йил учун келтирилган (2 ва 3-расмлар).

2017, 2015, 2010, 2005 йилларда сув омборида ўртача 126,5 отметкадан юқори сатҳда сув йиғилган. 2010, 2005 йиллар учун эса бу кўрсаткич жуда ҳам ижобий белгиланади. Бу йилларда кўп сувлилик кузатилган бўлиб, сув омборида етарли даражада сув заҳираси йиғилган.

Юқоридаги жадваллар, расмлар таҳлили шуни кўрсатадики, бир йилда сув омборида заҳира сув ҳажми йиғилади, кейинги йили эса шу йиғилган сув

заҳирасидан маълум даражада фойдаланган ҳолда пастки бъефга сув чиқарилиб исъемолчилар талаби қондирилади.

ХУЛОСА

Демак 2015 ва 2017 йилларда Туямўйин сув омборидаги мавжуд заҳира сувларининг ҳисобига қуйи бъефга сув чиқарилганлигини инобатга олиб, бу даврда дарёда камсувлилик йилларининг кузатилганлигини қайд этиш мумкин. 2016 йилда эса сув омборидан чиқарилган сув ҳажмидан сув омборига кириш ҳажми юқори бўлиб, қўшимча 2,5 млрд.м.куб сув йиғилган. Бу ҳажмдаги сув ўзан сув омборидан сақланмасдан Капарас, Султосанжар ва Қўшбулоқ сув омбориларига заҳира қилиб йиғилганлигини аниқлаш мумкин. Мазкур натижалар ҳамда 3-расмдаги графикларга асосланиб, ҳар 2-3 йилда бир маротоба камсувлилик йилининг такрорланишини прогноз қилишимиз мумкин.

Туямўйин сув омборида биринчи йилда йиғилган заҳира сувлари ҳисобига ундан кейин кетма-кет икки йил кузатилган камсувлилик йилларидаги сув танқислигини юмшатиш мумкин, учинчи йилда кўпсувлилик кузатилиб албатта муайян ҳажмда яна заҳира йиғилади, кичик эҳтимол билан балки камсувлилик кузатилса уни юмаштиш қийин ҳисобланади. Шу сабабли доимо маълум сатҳдаги маълум ҳажмдаги сувни йиғиш жуда ҳам долзарб вазифалар ҳисобланади.

Туямўйин сув омбори мисолида республикамиздаги қолган сув омборларида ҳам шундай ҳолда фойдаланилади. Сув омборлари тўғонининг йиллик, ойлик сув сатҳи отметкасини ва истеъмолчилар талабини бир бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш асосида етарли сув заҳирасини сақлаш ва йиғишга ҳамда камсувлилик йилларида сувга бўлган талабни юшматишга эришилади.

REFERENCES

1. Исмагилов Х. А. Селевые потоки, русловые процессы, противоселевые и противопаводковые мероприятия в Средней Азии. Ташкент.2006. С. 262.
2. Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида “Амударёда сув сарфининг камайиши таъсирида Туямўйин сув омборини самарали ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги 2022-йилда бажарилган илмий-тадқиқот иши.
3. Лапшенков В. С. Прогнозирование русловых деформаций в бьефах речных гидроузлов. – Гидрометеоиздат, 1979, с.-240.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ ХУДУДЛАРИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ АГРОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Отамуродова Д.А.
Термиз мухандислик-технология институти ассистенти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Сурхондарё воҳаси ҳудудларида тарқалган тупроқ ва уларнинг агроэкологик муаммолари ҳақида фикрлар берилган. Тадқиқот натижаларига таяниб муаллиф Сурхондарё воҳасига хос бўлган тупроқ унимдорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳақида асосли илмий таҳлилларини баён қилган, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш йўлларини тавсия қилади.

Калит сўзлар: *суғориладиган ерлар, қумлоқ тупроқлар, тақир тупроқлар, субареал, аллювиал, пролювиал текисликлар, антропоген омил, эррозиялар, шўрланган ётқизиқлар.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены представления о почве и ее агроэкологических проблемах в Сурхандарьинском оазисе. По результатам исследований автором сделан научный анализ факторов, неготивно влияющих на плодородия почв, характерных для Сурхандарьинского оазиса, рекомендованы пути устронения существующих проблем .

Ключевые слова: *орощаемые земли, песчаные почвы, бесплодные почвы, субореальные аллювиальные, мысовые равнины, аптропогенный фактор, эрозии, засолённые отложения.*

КИРИШ

Ер юзасининг тузилиши жиҳатдан Ўзбекистон ҳудуди икки қисмга ажралади: катта қисми 78.7 % текислик, 21.3 % тоғлардан ва тоғ оралиғидаги ботқоқлардан иборат.

Сурхондарё табиий географик ўлкасининг океан сатҳидан 500 м (Термиз 302 метр) баландликкача бўлган жойларида оч бўз тупроқ тарқалган. Ер ости сувлари ер юзасига яқин бўлган жойларда шўрлашган бўз тупроқ учрайди. Сурхондарё ва Шеробод дарёларининг қайирларида аллувиал-ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар учраса, жанубий қисмидаги қум массивларида қумли ва қумлоқ тупроқлар учрайди. Вилоятининг умумий ер майдони 2,1 млн. га ни ташкил этади. Умумий балл бонитети 60 баллни ташкил қилади. Шундан суғориладигани 562.7 минг га, экин ерлари 279.5 минг га, кўпйиллик дарахтлар

билан 32.7 минг га, бўз ерлар 0.3 минг га, пичанзорлар ва яйловлар 776.7 минг гани ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чикаришида фойдаланиладиган қисми 1089.2 минг га бўлиб, 272.8 минг. га суғориладиган, томорқалар 57.9 минг га 287,7 минг га деҳқончилик қилинадиган ерлардир (вилоят умумий ер фондининг 14 % га тўғри келади). Ўрмон хўжалигига қарашли ерлар 277 минг га бўлиб, 198,5 минг га дарахтзор ва бутазорлардан иборат. 35.5 минг гектар ерларда мевали боғлар ташкил этилган. Вилоятнинг суғориладиган фермер хўжалиги ерлари 355.9 минг гани ташкил этади.

Ўлканинг 500 м дан 1200 м баландликкача бўлган қисмида оддий ва тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган. Бундай тупроқлар кўп жойларда ўзлаштирилиб, маданий бўз тупроққа айлантирилган.

Сурхондарёнинг 1600-2500 м дан баландда бўлган тоғ ёнбағирларида тоғ-жигарранг тупроқлар таралган бўлиб, таркибидаги чиринди 4-6 фоизга боради. 2500 м дан юқорида яйлов минтақаси бошланиб, тоғ-ўтлоқ, ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқ учрайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тақир тупроқлар – Сурхондарё воҳасида ўзига хос генетик тузилиш хусусиятига эга бўлган типик чўл (саҳро) тупроқлари типини ташкил этади. Бу тупроқлар Сурхондарё воҳасининг субареал аллювиал ҳамда пролювиал текисликларида механик таркиб жиҳатдан бирмунча оғир ва у ёки бу даражада шўрланган ётқизиқлар устида пайдо бўлган.

Табиийки, тупроқ тикланадиган жинсдир ва унинг табиат ҳамда инсоният ҳаётидаги ўрни беқисдир. Ҳозирги кунда инсонлар томонидан сунъий равишда тупроқ унумдорлиги оширилиши ва унинг ҳолатини яхшилаши мумкин. Чунки ўзининг табиий хусусиятларига эга бўлган мустақил жинс ҳисобланган тупроқ антропоген омил ҳисобланмиш инсон томонидан шикастланган.

Тупроқ структурасининг ёмонлашига олиб келадиган сабаблари сифатида тупроқдан фойдаланиш ҳолатининг бузилиши, агротехник тадбирларнинг нотўғри йўлга қўйилганлиги унинг яроқсиз ҳолга келтириб қўяди, натижада, инсон таъсирида ирригацион (сув) эрозиялари вужудга келади, тупроқларда шўрланиш юзага чиқади ва ошади ёки ботқоқланишга олиб келди.

Афсуски, Иттифоқ даврида Ўрта Осиёдаги барча республикаларда, айниқса, Ўзбекистон учун етакчи соҳа пахта бўлиб, умумий суғорилиб экин экиладиган майдонларнинг деярли 75-80% ни ташкил этган бўлиб, пахтадан юқори ҳосил олиш учун кучайтирилган агротехник тадбирларининг оқибатида

тупроқлар зўриқтирилди, табиий унумдорлиги кескин пасайди, тупроқ пахтага хос бўлган касалликлар ва зараркунандалар билан касалланди, далага оғир техникаларнинг кўплаб киритилиши оқибатида эса тупроқнинг юза қатлами кескин зичлашди.

Соҳа мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, 1 $см^3$ ҳажмдаги тупроқнинг оғирлиги 1,1-1,2 $гр/см^3$га тенг бўлиши нормал ҳолат ҳисобланса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 1,6-1,8 $гр/см^3$га етган бўлиб, агарда ушбу кўрсаткич 2,5 $гр/см^3$ етса, ушбу жисм тупроқ эмас ерга айланган бўлиб, мутлоқ ҳосил берувчи маданий ўсимлик ва экинлар ўсмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, анропоген омил, яъни инсон фаолияти маълум мақсад сари йўналтирилган, илмий асосланган ҳолатда деҳқончиликка ёндашилса, тупроқ ҳолати яхшиланади, унумдорлиги кўтарилади. Бироқ шуни очиқ айтиш керакки, Ўзбекистонда Иттифоқ даврида ҳам, қолаверса, бугунги кунда ҳам, асосий диққат-эътибор кўпроқ ҳосил етиштиришга қаратилган бўлиб, барча агротехник тадбирлар кучайтирилган ҳолатда берилган. Айрим ҳудудларда пахта кеч пишиши натижасида ер умуман дам олмаса, бир қатор хўжаликлар бир йилда икки-уч ҳосил олиши натижасида ер зўриқмоқда. Аксарият ҳолатларда, экиндан бўшагани кузги шудгорсиз қолиб кетмоқда, суғориш меъёрлари 20 минг куб метрга борган (меъёрдан 2,5-3 баробар кўп), азот жуда катта миқдорда берилиб, фосфор ва калийли ўғитлар етарлича берилмаган (N:P:K ни 1:0,75:0,5 нисбати кескин бузилган). Кимёвий заҳарли восита (пестицид)лардан бир неча баробар керагидан ортиқча ишлатилиши оқибатида, зараркунандалар билан биргаликда фойдали ҳашаротлар, тупроқ таркибидаги микроорганизмлар, чувалчанглар, кемирувчиларни қирилиб кетиш оқибатида, тупроқ табиий унумдорлигини деярли йўқотди.

Халқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларда инсон фаолияти тупроқ ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Алмашлаб экиш, дарахт ўтказиш, ерни ишлаш ва ўғитлаш, суғориш, ер захини кетқазиш ва шўрини ювиш, текислаш ва шунга ўхшаш ишларнинг барчаси тупроқнинг ривожланишига ва унинг асосий хусусиятларига жуда катта таъсир кўрсатади.

Қўриқ ерларни биринчи ҳайдалган кундан бошлаб, уларнинг табиий қиёфаси ўзгаради, яъни уларнинг устки чим қатлами йўқолиб, у пастки қатлам билан аралашади. Бундай тупроқнинг ҳаво ўтказиш, сув режими бошқачароқ бўлади, ўсимлик ва тупроқ жониворларининг ҳаёти учун зарур шароит яратилади. Ерни ўғитлаш билан биз унинг озуқа режимини кескин ўзгартирамиз. Ерга солинадиган минерал ва органик ўғитлар тупроқдаги озуқа

моддалар миқдорининг кўпайишига ва қисман тупроқ кимёвий таркибининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Захкашлар қазиб, тупроқ захини кетказиш, шўрини ювиш натижасида тупроқда жуда катта ўзгаришлар содир бўлади. Унумсиз шўрхок тупроқлар, ботқоқлар ва бошқа шу сингари фойдаланиш қийин бўлган ерлар инсон меҳнати туфайли сифати яхшиланиб, унумдор тупроққа айланади. Тупроқларнинг ривожланишига сунъий суғориш, айниқса, катта таъсир қилади. Табиий шароитда ёғин-сочин сувларидан ҳаммаси бўлиб 100 мм дан 400 мм гача сув оладиган ер сунъий суғориш орқали 4-5 маротаба кўп намланади. Суғориш натижасида тупроқларнинг табиати ўзгаради, унинг генетик қатламларида мавжуд элементлар ҳаракати, янги яралмалар, лойланиш жараёни, биологик ҳаёт кескин ўзгаради, минерал жинсларнинг ички нураш тезлиги ўзгаради. Суғориш сувлари олиб келган қаттиқ ётқизиқлар таъсирида янги агроирригацион қатлам шаклланади.

Бугунги кунда инсонларгина тупроқ унумдорлигини ошириши, унинг ҳолатини яхшилаш мумкин. Чунки ўзининг табиий хусусиятига эга бўлган тупроқ антропоген омил ҳисобланган инсон томонидан шикастланди. Шунингдек, тупроқдан фойдаланиш қоидаларини бузиб, уни издан чиқариш, яроқсиз ҳолга келтириб қўйди, оқибатда, инсон фаолияти натижасида сув эрозиялари рўй беради, ерни шўр босади ёки ботқоқ ҳолга келиб қолади. Бунинг асосий сабаби тупроқ ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва деҳқончиликни юритиш қоидаларига амал қилмасликдир.

Суғориш суви танқис бўлганлиги сабабли вилоятда мавжуд суғориш тизимининг фойдали коэффициентини ошириш, тежамкорлик ҳисобига кўпроқ майдонларни суғоришга эришиши талаб этилади. Аммо амалда суғориш ишлари нотўғри олиб борилганлиги, суғориш тизимлари талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли ер ости сувлари кўтарилиб, тупроқнинг шўрланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Чўл ҳудуди тупроқларининг шўрланишга сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистоннинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлари 4.2 млн гектарни ташкил қилади. Ушбу ерларнинг 2 млн гектари турли даражада шўрланган ва унумдорлик хусусиятларини йўқотиб бормоқда.

Сурхондарё вилоятида эса шўрланган ерларнинг умумий майдони 12860 гектарни ташкил этади. Тупроқнинг шўрланиш кўрсаткичи нисбатан баланд

бўлган ҳудудларга Ангор, Музработ, Шеробод, Қизириқ туманларида турли даражадаги шўрланган тупроқларни учратиш мумкин.

ЎзПИТИ томонидан ишлаб чиқилган ва “СредАзгипроводхлопок” институти томонидан иқлим ва минтақавий баландлик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, аниқлаштирилган ҳудудий районлаштириш схемасига кўра, Шеробод, Жаркўрғон, Ангор, Музробод, Қизириқ ва Термиз туманлари биринчи тупроқ иқлим ҳудудига, асосан, оч тусли ва типик бўз тупроқлар тарқалган тоғ ости ва тоғ олди текисликлари ҳудудига киради. Сурхондарё воҳаси тупроқлари асосан икки ҳудудга бўлиб ўрганилади:

Пасттекисликлар чўл ҳудуди: Шеробод, Қизириқ, Термиз, Музработ, Ангор ва Жаркўрғон туманларини ўз ичига олгани ҳолда, воҳнинг энг иссиқ ҳудуди ҳисобланади. Ўртача йиллик ҳарорат 16,2°С дан (Термиз), 18,1°С гача (Шеробод) тебраниб туради, айрим йилларда 18,9°С гача етади, бу туманлардаги вегетацион даврнинг ўртача ҳарорати 24,8-26,7°С оралиғида тебраниб туради. Бу ҳудуд қишдан баҳорга ўтиш даври ҳароратнинг кескин ўзгариши билан характерланади. Февралда ҳарорат 5,7-6,3°С, мартда 11,3°С га тенг бўлса, апрелда 18,0-18,4°С гача кўтарилади. Мартнинг иккинчи ярмидан бошлаб, вегетация даврининг охиригача бошланган барқарор юқори ўртача ҳарорат бу ҳудудда ингичка толали пахта навлари етиштириш имконини яратади. Биринчи совуқ 19 октябрдан 24 ноябргача, баҳорги охирги совуқ 20-22 мартларга тўғри келади. Совуқсиз даврнинг узунлиги 213-238 кунни ташқил этади. Самарали ҳароратнинг ўртача йиллик йиғиндиси Шеробод учун 3056°С, Термизда эса 2703°С ни ташкил этади. Чўл ҳудудининг ғарбий кисми (Шеробод тумани) унинг шарқий қисмига (Термиз, Жаркўрғон туманлари) қараганда иссиқроқ. Шу билан бирга, чўлнинг шарқий қисми йиллик ёғингарчилик миқдорининг бироз камлиги билан ажралиб туради.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятининг шўрланган ерлари

т/р	Туманлар	Майдони минг/км^2	Шўрланмаган	Кучсиз шўрланган	Ўртача шўрланиш %	Кучли шўрланиш %
1.	Олтинсой	0.57	75.5	21.7	2	0.8
2.	Ангор	0.39	9.9	60.1	21.3	8.7
3.	Бойсун	3.72	44.4	50.3	0.3	2.3
4.	Денов	0.76	70.8	16.5	10.4	2.3
5.	Жаркўрғон	1.14	57.3	33.3	3.6	5.8

6.	Қумқўрғон	2.2	73	21.1	4.2	1.7
7.	Қизириқ	0.56	13.2	33.2	29.5	24.1
8.	Музработ	0.74	8	42.3	36.2	13.5
9.	Сараосиё	3.93	92.3	7.7	-	-
10.	Термиз	0.86	30.6	29.9	27.7	11.8
11.	Узун	1.63	93.2	6.3	0.5	-
12.	Шеробод	2.73	7	50.1	27	15.9
13.	Шўрчи	0.85	64.5	29.2	4.9	1.4
14.	Термиз ш.	0.03	-	-	-	-
	Вилоят бўйича умумий	20.1	41.5	32.3	16.8	9.4

Йил давомида Термизда 130 мм, Шерободда эса 154 мм ёғин ёғади, шундан вегетация даврига атига 31-35 мм тўғри келади. Ҳаво ниҳоятда қуруқлиги билан ажралиб туради, йиллик ўртача нисбий намлик 43-54 % ни ташкил этгани ҳолда, июлда 21-32 % гача камаяди, аксинча, қишда 62-66 % гача ортади.

Биринчи ҳудуд учун жанубий-ғарбий йўналишдаги иссиқ-қуруқ шамоллар (афғон шамоли) характерли хусусиятларидан бўлиб, тез-тез такрорланиб туради, жуда кучли ва давомийлик кузатилади ва маданий ўсимликларга ҳалокатли таъсир этади (2-жадвал).

Бу ҳудуднинг суғориладиган майдонларни асосий қисми тақирли, тақир-ўтлоқи, сур тусли қўнғир, қумли чўл тупроқларидан иборат бўлиб, суғориладиган умумий 148729 гектар майдонлардан 121062 гектари, ёки 81.4% турли даражада шўрланган. Шундан: кучсиз шўрланган тупроқлар 42.2%, ўртача шўрланган 24.9% ва шўрланган ерлар майдони 14.3% ни ташкил этади.

Тоғ ва тоғ олди текисликлари ҳудуди. Денгиз сатҳидан 450-1000 м баландликда жойлашган бўлиб, Сариосиё, Денов, Узун, Шўрчи, Бойсун, Бандихон, Олтинсой ва Қумқурғон туманларини ўз ичига олади.

Бу минтақада ҳам қишдан баҳорга ўтиш даври ҳароратнинг кескин кўтарилиши билан содир бўлади: февралда ҳарорат 4.9°C, мартда 10,1°C кўрсаткичларида кузатилса, апрель ойида 16,9°C га етади, бироқ биринчи ҳудудга қараганда пастроқ ҳисобланади. Бу ҳудудда йиллик ўртача ҳарорати 15,7°C га, вегетация даврида эса 23.3°C га тенг. Июлнинг ўртача ҳарорати 27.5°C, айрим йилларда 29.4°C гача кўрсатилади. Совуқсиз давр ўртача 212-214 кунни ташкил этади. Биринчи кузги совуқ ўртача 25-27 мартга тўғри келади, айрим йилларда бу кўрсаткичлардан четга чиқиш ҳоллари (4 февралдан ва 18 апрелгача) учраб туради.

2-жадвал

Сурхондарё вилоятининг туманлари бўйича шамол фаолияти кўрсаткичлари, м/сек

Кузатиш пунктлари	Ойлар						Вегитация даврлари	Йиллар	Чанг-бўронли шамоллар бўладиган кунлар сони
	IV	V	VI	VII	VIII	IX			
Суткалик ва йиллик уртача шамол тезлиги									
Денов	2,6	2,4	2,0	1,6	1,6	1,7	2,0	2,3	-
Термиз	3,4	3,0	2,7	2,7	2,5	2,0	2,7	2,6	-
Шеробод	2,2	2,9	3,0	2,6	2,4	2,6	2,6	3,0	-
Кучли шамолли кунлар сони									
Денов	0,8	1,0	0,9	0,4	0,4	0,4	3,9	5,0	4
Термиз	2,0	2,1	1,1	0,9	0,9	0,5	7,5	17,0	28
Шеробод	0,9	0,6	0,2	0,2	0,05	0,0	2,0	4,0	6

Июлнинг ўртача ҳарорати 27.5°C, айрим йилларда 29.4°C гача кўтарилади. Совуқсиз даврдаги 100 дан ортиқ самарали ҳарорат йиғиндиси Шўрчи туманидан 25,06°C ва Денов туманида 23,87°C ни ташкил этади. Бу туманларга йил давомида 234-353 мм ёғин ёғади. Ёғинларнинг асосий миқдори новегитацион даврга (52-53 %) тўғри келади, йиллик норманинг 37-38% март ва апрел ойларида кузатилади.

Ҳавонинг йиллик ўртача нисбий намлиги 57-58 % ни ташкил этган ҳолда, вегетация даврининг ўртача кўрсаткичлари 63-64 % гача кўтарилади.

Сурхондарё ҳудуди тупроқлари шўрланишнинг асосий сабабларидан бири, бу ҳудудда ёғингарчилик кам бўлиб, буғланиш кўп бўлганлиги бўлса, ер ости сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги ва сув таркибидаги тузлар буғланиши сабабли тупроқнинг юза қисмида қолиб, тупроқ шўрланишининг иккинчи сабаби ҳисобланади.

Яна энг муҳим сабабларидан суғориш техникасига риоя қилмасдан, шудгорларни кўллатиб суғориш, ер юзасининг бир текисда шудгорланма-ганлиги, яъни паст-баланд холича текисланмасдан шудгорланиб, сувнинг шўри тупроқ юзасида қолиб кетиши, ерни оби-тобига келтирмасдан суғориш ҳам тупроқнинг шўрланишга олиб келади.

Бундан ташқари шўрланган тупроқларни ювиш ва шўрланиши олдини олиш учун қурилган коллектор дренажларнинг қаровсиз ҳолга келиб қолгани, қувурларнинг кўпчилик қисми тешилиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолганлиги, яна кўп жойларда яхши ишламаслиги бўлса, шўр ювиш учун қазилган зовурларнинг жуда кўпчилик қисми тўлиб, фақат мавсум пайтларида тозаланиб, бошқа пайтларда эса қаровсиз бўлиб, зовур сувлари шудгорларга ҳам оқиб, бу ернинг тупроқларини қайта янада шўрланишга олиб келаяпти ва зовурларнинг айрим жойлари эса тўғридан-тўғри шудгорлар олдига келиб тўхтаб қолганлиги, далалардан пала-партиш қилиб, ўрталаридан ҳам зовурлар қазиб, охирига етказилмаганлиги энг ачинарли ҳол бўлиб, мелиорация ва ирригация ишлари билан шуғулланувчи мутасадди шахсларнинг бефарқликлари туфайли тупроқнинг ишдан чиқиб кетиши кескин ошиб кетмоқда. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, сув танқислиги даврида, суғориш ишларига эътибор қилмаслик, суғориш ишларини нотўғри олиб бориш ҳамда суғориш тизимлари талаб даражасида бўлмаганлиги, сувдан хўжасизларча фойдаланиш туфайли ер ости сувлари кўтарилиб тупроқнинг шўрланиш ҳолати кескин ошмоқда.

Сурхондарё вилояти суғориладиган майдонларнинг ер фонди, мелиоратив ҳолатига кўра 2 гурухга: мелиоратив ҳолати яхширок, кулай ерлар ва мелиоратив холати оғир, нокулай ерларга бўлинади. Вилоятда ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш учун коллектор зовур тармоқларининг солиштирма узунлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистан Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 1 январ холати маълумотларига кўра вилоятдаги 331.5 минг га жами суғориладиган ерлар контурининг 176.5 минг га зовурлар билан таъминланган. Коллектор зовур тармоқларининг умумий узунлиги 10099.8 км дан иборат бўлиб, хўжаликлараро тармоқлар 1100.0, хўжаликлар ички коллетор зовур тармоқларинг узунлиги 8999.8 км ни ташкил этади.

Сурхондарё вилоятининг туманлари бўйича ойдинлаштирилган гидромодул районлаштириш схемаси ва суғориш режимлари ва тупроқ иқлим шароитлари, ерларнинг мелиоратив ҳолати, грунт сувлари режими, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва бошқа омилларнинг чукур таҳлили асосида ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятнинг алоҳида туманлари учун белгиланган. Суғориш режими барча қишлоқ хўжалик экинлари учун вегитацион ва новегетацион даврлар учун мўлжалланган. Тупроқ шўрланишини олдини олишдаги энг муҳим чоралар қаторига агрономия талабларига тўла

жавоб берадиган пухта ишлаб чиқилган янги суғориш системаларига ўтиш, суғориш шохобчаларида янги гидротехника иншоотларини қуриш, сувни тежаш, уни исроф қилмаслик, мелиоратив тадбирларни ўтказиш ва бошқа шу сингари ишларни олиб бориш зарур.

Суғориш суви нотекис тақсимланганлиги сабабли тежамкорлик ҳисобига кўпроқ майдонларни суғоришга эришишни талаб этади. Аммо суғориш ишлари нотоғри олиб борилганлиги ва амалдаги суғориш тизмаси талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли, ер ости сувлари кўтарилиб тупроқнинг шўрланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Суғориладиган ерлардаги шўрхоклар мелиорациясида қуйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Далалар атрофидаги коллекторлар ва зовурларни қазиш ёрдамида сизот сувлар сатҳини пасайтириб, сувнинг капилляр йўллар орқали ер бетига кўтарилишини тўхтатиш.

2. Далалар ва суғориш объектлари атрофида ихота дарахтзорлар барпо этиш.

3. Тупроқ қатламларида йиғилган, сувда эрийдиган зарарли тузларни ювиш (шўрхокларни ювиш, одатда, кеч кузда ва қиш мавсумида олиб борилади).

4. Ўғитлаш ҳамда гипслаш тавсия этилади.

Шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш тадбирларининг энг асосийси – ер ости сувларини пасайтириш, яъни зовурлар қазиш, эскиларини тозалаш ва шўр ювиш ишларини олиб боришдир.

ХУЛОСА

Далалар атрофига ва суғориш объектлари атрофида ихота дарахтзорларни барпо этиш, дала атрофида иқлимнинг иссиқлиги ва қуруқлигини ҳамда шамолнинг таъсирини камайтиради. Бу эса тупроқ юзасидан сувнинг буғланиб кетишини анча секинлаштиради, натижада паски қатламдаги сизот сувини юқорига кўтарилишини, ҳамда тупроқ шўрланишини камайтиради. Шунингдек, дарахтлар каналлардан сизаётган сувнинг кўп қисмини илдиз орқали шимиб олиб буғлатади ва сизот сувларининг кўтарилишига йўл қўймайди.

Тупроқ қатламидаги зарарли тузларни йўқотиш учун тупроқ ювилади. Сизот сувларнинг чуқурлиги эса тупроқнинг шўрланиш даражаси сув ўтказувчанлик хусусиятига боғлиқ бўлади ва шунга қараб, ҳар қайси дала учун ўзига хос сув меъёри ва ювиш сони белгиланади. Шўрланган тупроқ 1-2

мартадан 10-15 мартагача ювилиши, ҳар ювишда бериладиган сув меъёри гектарига 2-3 минг кубметрдан 15-20 минг кубметргача бўлиши мумкин.

Одатда, шўрхоклар ювилишдан олдин тупроқдаги тузларнинг кимёвий таркиби аниқланган бўлиши керак. Агар тупроқда натрий тузлари (NaCl, Na_2SO_4 ва бошқалар) бўлса, ювишдан олдин далага гипс солиш тавсия этилади. Алмашлаб экиш, далаларда тупроқ бетини тез-тез юмшатиш ва органик ўғитлар (гўнг, торф, компост ва бошқалар) солиш ҳам шўрхок тупроқлар ҳоссаларини яхшилайди. Шўри ювилган далаларга эса дастлабки йиллари бошоқли ҳамда дуккакли ўсимликлар (буғдойиқ, беда) экиш тавсия этилади.

REFERENCES

1. Зокиров Х.Х. “Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш”. Дарслик. Сурхон-Нашр-2020.
2. Зокиров Х.Х. “Сурхондарё табиати ва экологияси”. Ўқув қўлланма. ТерДУ нашр матбаа маркази нашриёти-2021
3. Саидов М, Зокиров Х.Х. “Тупроқшунослик ва тупроқлар географияси”. Дарслик. ТерДУ нашр матбаа маркази нашриёти-2021

ALISHER NAVOIYNING “ARBA’IN” ASARIDA “SUNANI TERMIZIY”DAGI HADISLAR TALQINI

Jambilov Mansur Rasuljonovich
Hadis va islom tarixi fanlari kafedrasi o’qituvchisi
+998 90 188 12 17

ANNOTATSIYA

Muhaddis bobokalonimiz Imom Iso Termiziy zamonidagi olimlar uning hadis ilmidagi xizmatlarini yuqori baholagan. Ulardan biri Imom Termiziyni “Hadis ilmida iqtido qilinadigan yagona olim” deb yozsa, boshqa biri esa uni “Birinchilardan bo'lib hadislarni sahih, hasan, zaifga taqsim qilganiga guvohlik beradi”.Ayniqsa, muhaddis olimning asarlaridagi ravonlik faqat ziyoli kishilar uchun emas, balki har bir inson tushunishi mumkin bo'lishiga sabab ekanini alohida ta’kidlash joiz.

Kalit so'zlar: *Hadisi sharif va uning turlari, "Arba’in" asarlar, "arba’in"navislik an’analari, Imom Buxoriy hadislari, Imom Termiziy hadislari, zaif va hasan hadislar.*

АННОТАЦИЯ

Ученые времен нашего прадеда мухаддисов, имама Исы Ат-Тирмизи, высоко ценили его заслуги в науке о хадисах. Один из них пишет, что имам Ат-Тирмизи является «единственным ученым, которому следует следовать в науке о хадисах», а другой свидетельствует, что он «одним из первых разделил хадисы на достоверные, хасанские и слабые». отмечая, что это причина, которую человек может понять.

Ключевые слова: *хадис Шариф и его виды, «арбаинские» произведения, «арбаинские» традиции повествования, хадисы имама Бухари, хадисы имама Тирмизи, слабые и хасанские хадисы.*

KIRISH

Dunyo ulamolari buyuk ilm sohibi bo'lgan hamda yuksak e’tirofga munosib ko'rilgan bobokalonimizning ibratli hayot yo'llari va boy ma’naviy merosini har tomonlama o'rganish biz yoshlar uchun ham ilmiy, ham amaliy jihatdan muhim ahamiyatga ega.Xususan,“Arba’in” asarida Navoiy hazratlari Termiziy hadislarining ayrimlaridan mahorat bilan foydalangan va biz asarni o'rganish jarayonida bevosita muhaddis asariga murojaat qilamiz.

4-hadis

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "خِصْلَتَانِ لَا يَجْتَمِعَانِ فِي مُؤْمِنٍ؛ الْبُخْلُ وَسُوءُ الْخُلُقِ". رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهْ وَالْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Abu Sa'id Xudriy roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

“Nabiy sollallohu alayhi vasallam: “Ikki xislat mo'minda jam bo'lmaydi: baxillik va badxulqlik”, dedilar”.

Mo`min ersang qilib durringni nisor,
El bila ravshan o`l nechukkim sham.
Negakim, Tengri hech mo`minda,
Buxlu badxo`yliqni qilmadi jam.[1,2-b]

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Hadis mazmunida faqat ikki xislat tilga olinadi: baxillik va yomon xulqlik. To'rtlikda Navoiy hadis mazmuniga mos badiiy vositatanlaydi. O'zini musulmon deb atovchi kishi, xuddi sham'dek, xalqmanfaatlari yo'lida nur sochmog'i kerak. Zero, tangri taolo hamkishilarda shu ikki xislatni mujassam qilgan emas. Hadisda baxillik va yomon xulqlik alohida ko'rsatiladi. Bunga sabab, agar kishida shu ikki xislat birgalikda bo'lsa, u ma'lum darajada insoniylik qiyofasidan chiqadi. Demak, hadis mazmuni kishining ana shu ikki xislatini tark etishga undaydi. Shuningdek, quyidagi hadis mazmuni “Sunani Termiziy” (3-juz,511-bet.Abvabul bir va sila) da “Baxillik haqida”gi” bobining 1962-hadisida (hukmi: zaif) zikr etilgan.

6-hadis

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ". رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

“Rasulullo sollallohu alayhi vasallam: “Kim odamlarga shukr qilmasa, Alloh azza va jallaga ham shukr qilmabdi”, dedilar”.

Ulki xoliqg'a shukr der, avval
Shokir o'lmoq kerak xaloyiqdin.
Kimki, maxluq shukrini demagay,
Demagay dag'i shukr xoliqdin. [1,2-b]

Hayotiy dunyoda nimaiki mavjud bo'lsa, insonning rizq-ro'zi,sihat-salomatligi, baxti-saodati va zurriyoti uchun berilgandir.”Qur'on” oyatlari va Muhammad alayhissalomning sunnatlaridan muxtasar xulosalar qilsak, yuqoridagi fikrimizga chuqur ishonch hosil qilamiz. Bu borada, “Qur'on”da “Inson” surasi borligi ham

inson mavqei bosh o'rinda ekanligiga dalil.

إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا

“Haqiqatda, biz uni {insonni) to'g'ri yo'lga boshqardik, u gohi shukr, gohi noshukurlik qiladi”, shuningdek, ko'plab boshqa oyatlarning mazmuni ham avvalo insonlar shukri-qadriga yetish lozimligini ko'rsatadi.Demak, har bir kishi yaratilgan narsalarning shukrini qilishi,ne'matlarning qadriga yetishi lozim, har bir narsaning qadr-qimmatiga yetish insonning burchi; hattoki taom tanovuli, suv ichgandan keyin aytiladigan “Alhamdu lillahi”, ya'ni “Allohga shukr” iborasi tabiiy mavohib-ne'matlarning qadrini anglash, uni olib kelgan va yetishtirgan kishilar mehnati hurmatiga, e'zozlash uchun aytilgan madh so'zidir. Demak, kishilar,avvalo bir-birlarining qadr-qimmatlariga yetishlari kerak. Kimki ushbu xislatdan mustasno bo'lsa, demak yaratganga ham shukr qilmagan bo'ladi.Ushbu hadis talqini Imom Termiziyning “Sunani Termiziy” asari 1955-hadisida, Imom Tabaroniyning “Al-Mo'jamul avsat”(4-juz) asari 51-hadisida, Haysamiyning “Majmauz zavoid” (8-juz) kitobi 184-hadisida, Suyutiyning “Al-Jamius sag'ir” asari 9009-hadisida, Imom Ahmadning “Musnadi Ahmad” (13-juz) kitobi 246-hadisida, Abu Dovudning “Sunani Abu Dovud” asari 4811-hadisida uchraydi.

8-hadis

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: "أَلَا إِنَّ الدُّنْيَا مَلْعُونَةٌ مَلْعُونٌ مَا فِيهَا إِلَّا ذِكْرَ اللهِ". رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهْ وَالدَّارَمِيُّ.

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

“Men Rasulullоh sollallohu alayhi vasallamning: “Ogoh bo'linglar! Albatta, dunyo mal'undir, undagi bor narsa mal'undir, faqat Allohning zikri mustasno”, deyayotganlarini eshitdim”.

Dunyovu har ne andadur mavjud
Bo`ldi haq la`nati giriftori.
G`ayri haq zikrikim, erur zokir
Tengrining rahmati sazovori. [1,3-b]

Termiziy, Ibn Moja, Dorimiylar rivoyat qilgan.Muallif bu yerda hadisning qisqaroq shaklini tanlagan. Aslida hadisning to'liq shakli quyidagicha: “Ogoh bo'linglar! Albatta, dunyo mal'undir, undagi bor narsa mal'undir, faqat Allohning zikri va unga yaqin bo'lgan narsalar hamda olim va tolibi ilm mustasno”.

Bayhaqiyning rivoyatida “Allohning zikri va unga olib boradigan narsalar mustasno”, deyilgan bo'lsa, Abu Shaybaning rivoyatida “Yaxshilikni o'rganuvchi va o'rgatuvchi mustasno”, deyilgan. Bazzorning rivoyatida esa, “Yaxshilikka buyurish

va yomonlikdan qaytarish mustasno”, degan jumla qo'shimcha qilingan. Ya’nikim, bu dunyodagi ko`p narsalar o'tkinchi, ularga mehr qo'yish ham nomunosib ishdir.Alloh zikridan bo'lak bu dunyodagi har narsa la’natlangan.Zeroki, ta’lim oluvchilar hamda olimlar buyuk kishilar sifatida bundan mustasno qilingan.Quyidagi hadis mazmuni Termiziyning “Sunani Termiziy” (4-juz,151-bet.Abvabuz zuhd)da “Rasulimiz alayhissalomning zuhdlari” bobida 2322-hadisda (hukmi:hasan hadis), “Sunani Ibn Mojja” (5-juz,558-bet.Zuhd kitobi) da “Dunyo misoli” bobi 4112-hadisda (hukmi:hasan hadis), “Sunani Dorimiy’ (1-juz,350-bet.Muqaddima)da “Ilm va olimning fazli bobida” 331-hadisda (hukmi:hasan hadis) ham o'z ifodasini topgan.

9-hadis

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لُعِنَ عَبْدُ الدِّينَارِ لُعِنَ عَبْدُ الدِّرْهَمِ". رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

“Rasululloh sollallohu alayhi vasallam: “Dinorning quliga la'nat bo'lsin! Dirhamning quliga la'nat bo'lsin!” dedilar”.

Rahmat ozodag'aki ul olmas
Dinoru dirhamin jave qo'lga.
Lek la'nat angaki qul bo'lg'ay:
Xoh dinoru xoh dirhamg'a. [1,3-b]

Ma'lumki, dinor va dirham-arab pul birliklari. Hadisning asosiy maqsadi boylikka, mol-dunyo orttirishga mukkasidan ketuvchi xasis, baxil, sudxo'r va poraxo'r kishilar tangri taoloning la'natiga giriftor bo'lishi muqarrarligini ko'rsatishdan iborat. Darhaqiqat, mol-dunyoga hirs qo'ygan, mukkasidan ketgan kishilarning oxiratiqanday bo'lishi ma'lum. Ularning to'plagan mol-dunyosidan na xalqqa, na o'z ahli baytlariga foyda bor. Bunday kishilar o'z qadriyatlariga,sihat-salomatligiga ziyon qiladilar, bola-chaqalari va zurriyotlariga katta zarar keltiradilar. Ular aslo-aslo huzur-halovat, osoyishtalik, xotirjamlik nima ekanligini tasavvur qila olmaydilar. Lekin oxiratda mol-dunyo foyda berarmikin? Hadis mazmunidan har qanday boy-badavlat kishi tangrining la'natiga sazovor bo'lar ekan, degan xulosa chiqarmaslik kerak, chunki umr bo'yi halol va pokiza mehnat ilinjida orttirilgan boylik albatta, halol hisoblanadi. Hadisda esa, faqat yuqoridaaytganimizdek, mol-dunyo, boylikka, harom yo'llar bilan erishuvchi kishi la'natlanadi. Darvoqe', boshqa bir hadisda xuddi shunday kishilarga ta'rif beriladi: “Kimki nafs xohishi bilan dunyoni mukkasidan ketib egallasa, qiyomat kunida do'zaxdan boshqa narsaga erishmaydi”. Lekin, ming afsuski, bunday kishilar jamiyatimizda istagancha topiladi. “Menga pul va yaxshi taom bo'lsa yetarli”deyuvchilar juda ham ko'p. Axir dunyoda bundan ham

muazzamroq, ulug' ishlar ko'p-ku! Hadis yashash mohiyatini mol-dunyodan iborat deb bilgan kimsalarga muxtasar javobdir. Ushbu baytlarda mazmuni ifodalangan hadis bir necha manbalarda zikr etilgan.Jumladan, Imom Termiziyning “Sunani Termiziy” asari (4-juz,185-bet.Abvabuz zuhd)2375-hadisida (hukmi:zaif hadis), Imom Buxoriyning “Sahihul Buxoriy” asari 2887-hadisida, Imom Zahabiyning “Siyari A'lomun nubalo” (8-jild) kitobi 301- hadisida, Suyutiyning “Al-Jamius sag'ir” asari 7266-hadisida qayd etilgan.

13-hadis

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الْمَجَالِسُ بِالْأَمَانَةِ". رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Jobir ibn Abdulloh roziyallohu anhumodan rivoyat qilinadi:
“Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam: “Majlislar omonatdorlikdir”, dedilar”.
Qaysi majlisdakim eshitsang so`z,
Bilgil ul so`z sanga omonatdur.
Gar ani o`zga yerda naql etsang,
Ul amonatg’a bu xiyonatdur. [1,3-b]

Hazrat Navoiy bu yerda ham o'z odatiga ko'ra uzun bir hadisning ma'lum qismini keltirgan. Hadisning to'liq shakli quyidagicha: “Majlislar omonatdorlikdir. Faqat uchta masjlis mustasno: harom qon to'kish yoki harom farj yoxud nohaq mol o'zlashtirish”.Demak, nohaq qon to'kish, zino va o'g'irlik kabi jinoyatlarga guvoh bo'lgan kishi ko'rganini omonat deb bilib yashirib yurmasligi kerak, balki uni kerakli kishilarga yetkazishi lozim.Hadis va Navoiy to'rtligi mazmunidan shu ma'no kelib chiqadi: Biror majlis va kengashda ishtirok qilib, eshitgan har so'z va fikrni boshqalarga yolg'on, qo'shib, bo'rttirib yetkazish omonatga xiyonat qilish bilan barobar, zero o'sha majlisda aytilgan har bir so'z eshituvchiga omonatdir. Ulug' Navoiyning har bir asarida bu xususida fikrlar mavjud. “Befoyda so'zni ko'p aytma, foydali so'zni ko'p eshiturdin qaytma”, “Oz degan - oz yanglishar” kabi hikmatli so'zlari ham hadis mazmunini teranroq anglashga xizmat qiladi. Hadis, avvalo majlis va kengashlarda eshitilgan so'z vaxabarlarni omonatda saqlashni yoki to'g'ri, buzmasdan, qo'shmasdan yetkazishni ta'kidlaydi va shunga da'vat qiladi. Bu hadis “Sunani Termiziy” (3-juz,509-bet.) da “Majlislar omonatdir” bobida 2322-hadis, “Sunani Abu Dovud” (5-juz,121-bet.Odob kitobi) da “Gap ko`tarish yurish” bobida 4869-hadis, “Musnadi Ahmad” (23-juz,45-bet.Musnadi Jobir ibn Abdullo) da 14693-hadis, “Musnadi Ahmad” (23-juz,105-bet.Musnadi Jobir ibn Abdullo) da 14792-hadis, “Musnadi Ahmad” (23-juz,297-bet.Musnadi Jobir ibn Abdullo) da 15062-hadisda ham zikr etilgan.

14-hadis

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الْمُسْتَشَارُ مُؤْتَمَنٌ". رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَالْحَاكِمُ.

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

“Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam: “Maslahat so'ralgan kishi ishonilgan odamdir”, dedilar”. g'aliz, tushunarsiz. taklif: “Maslahat so'ralgan kishi ishonchga sazovordir”

Har kishikim birovni mahram etib,
Mashvaratda amini roz etti,
Gar yoshurdi bilib saloh so'zin,
Uzini qalbu hiylasoz etti. [1,4-b]

Termiziy, Nasoiy, Hokimlar rivoyat qilgan.

Imom Buxoriy “Adabul-mufrad”da ushbu hadisning nomiga bir bob ochib, unda quyidagi rivoyatni keltirgan:

“Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: Nabiy sollallohu alayhi vasallam: “Kimdan bir musulmon birodari maslahat so'raganda unga noto'g'ri yo'l ko'rsatsa, unga xiyonat qilibdi”, dedilar”.

Matndagi al-mustashor-maslahatchi, yo'l-yo'riq ko'rsatuvchi,mu'taman-ishonchli, ishonilgan shaxs demakdir. Albatta, har birxalq yoki qavmning boshliqlari, rahbar va oqsokollari bo'ladi. Ular xalq bilan birgalikda katta-kichik ishda maslahatchi bo'lishlari,tabiiy. Bu shaxslar xalq, odamlar orasida o'z obro'-e'tibori, ishonchgasazovor ekanliklari bilan ajralib turadilar. Chunki xalqning turmushi, yashash sharoitlari, umuman, baxt-saodati ko'p holda maslahatchiga aloqadordir. Yaxshi, to'g'ri maslahat beruvchi kishilar kam. Nega deganda, hamma ham shunday xalq e'tibori va hurmatiga sazovor bo'la olmaydi. Yaxshi maslahatchi, ma'lum ma'noda, eng yaxshi inson, boshqalarning yaxshi-yomon, issiq-sovuq kunlarida ular bilan birga bo'luvchi, to'g'ri yo'l eshiklarini ochuvchi kishilardir. “Qur'-on”dagi “Oli-Imron” surasi 159-oyatida :

وَشَاوِرْهُمْ فِي الأَمْرِ

“Ishlaringizda ularga maslahat soling” oyati har qanday ish maslahat orqali amalga oshsa, mustahkam bo'ladi, yoki “maslahatli to'y tarqamas” iboralarini to'la mustahkamlaydi. Islom tarixidan ma'lumki, Muhammad payg'ambar nafaqat erlar, balki ayollar yig'inida ham ishtirok qilgan, ularning fikr va mulohazalarini eshitgan sahih maslahatlar berib, ularning ishonchlarini to'la qozongan. Hadis har ishni maslahat asosida oshirish kerak, degan g'oyani ilgari sursada, maslahatni faqat ishonchli kishilar, aqli zukko, ko'pni ko'rgan va eshitgan kishilar bilan kelishishni,

maslahat zimmasida katta omonat, ma'suliyat turganligini ta'kidlaydi. Ushbu hadis mazmuni “Sunani Termiziy” (4-juz, 180-bet. Abvabuz-zuhd)ning 2369-hadisida (hukmi: sahih hadis), “Sunani Abu Dovud” (5-juz, 217-hadis. Kitabul adab) ning 217-hadisida (hukmi: sahih hadis), “Sunani ibn Moja” (5-juz, 305-bet. Kitabul adab)ning 3745-hadisida (hukmi: sahih) berilgan.

30-hadis

ِنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَعْنِيهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهْ.

Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi:

“Nabiy sollallohu alayhi vasallam: “Kishi musulmonchiligining go'zalliklaridan biri - behuda narsalarni tark etishidir”, dedilar”.

Kimki islom ko'zgusida tilar
Har zamon o'zga bir safo mavjud,
Kechsun ul nav' barcha ishidinkim,
Tengri rozi emas, ulus xushnud. [1,6-b]

Imon haqida hadis kitoblarining birida shunday bitilgan:”Imon nima,— degan savolga Muhammad alayhis-salom aytdilar:-Imon Alloh taologa, uning maloikalariga, kitoblariga,payg'ambarlariga, oxirat kuniga, taqdirning yaxshi-yomonligiga mutlaqo ishonish demakdir”. Shunday ekan imonning pokligi salomatligi va go'zalligi komil mo'min-musulmon bo'lishga kifoya qiladi. Hadis mazmuni va Navoiy to'rtligidan anglash mumkinki, kishi o'ziga aloqador bo'lmagan ishlarga aralashsa, uning imoniga putur yetadi. Negaki, shunday ishlar oqibatida turli xil nizolar, ko'ngil xiraliklar chiqishi, muqarrar. “Yetmish yillik ibodat bir behayolik natijasida barbod bo'ladi”, deyiladi bir kitobda.“Qur'on”ning juda ko'p oyatlari, Muhammad payg'ambarning hadislari, avvalo imon pok bo'lishiga, xususan o'ziga aloqador bo'lmagan ishlarga qo'l urmaslik, ko'pso'zlik, vaysaqilik kabi kasalliklardan saqlanishga da'vat qiladi. “Qur'on”ning Mo'minun surasi 3 - oyatiga diqqat qilaylik:

مُعْرِضُونَ اللَّغْوِ عَنِ هُمْ وَالَّذِينَ

“Mo'minlar ko'p gapirishga e'tirozli bo'ladilar”, ya'ni mo'min kishining fazilatlaridan biri -ko'p gapirish, laqmalik, vaysaqilik yoki o'ziga tegishli bo'lmagan so'zlardan voz kechishida ko'zga tashlanadi.Hadis kishilarni avvalo imon pokligiga da'vat qiladi, o'ziga aloqador bo'lmagan har qanday ishdan voz kechishni taklif qiladi.Yuqoridagi bayt mazmuni “Sunani Termiziy” (4-juz,148-bet.Zuhd kitobi) ning 2317-hadisida (hukmi: sahih), “Sunani ibn Moja” (5-juz,461-bet. Kitabul fitan) ning 3976-hadisida (hukmi: sahih) berilgan.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, “Arba`in” singari axloqiy-tarbiyaviy ahamiyatga ega bo`lgan asarlarni mutolaa qilish, Termiziy singari ulug' insonlar hadislaridan bahramand bo'lish va unga amal qilish bugungi kun yoshlari uchun har tomonlama ma’naviy zaruratdir. Hazrat Navoiy ham shuni anglab o`z davri ma’naviyati rivojiga salmoqli hissa qo'shgan. Chunki mazkur asar komil inson tarbiyasi uchun beminnat xizmat qilishi, shubhasizdir.

REFERENCES

1. Alisher Navoiy “Arba’in” asari. Nashrga tayyorlovchi Suyima G`aniyeva.Toshkent “Fan”.2000
2. Абул Ҳасан Муслим ибн ал-Ҳажжож. Саҳиҳи Муслим. Дору Тоййиба. Риёз.2008.
3. Абу Исо ат-Термизий. Сунан ат-Термизий. Дору кутубул-илмийя. Байрут. 2008.
4. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Адаб Ал-Муфрад. Мактабатул Маориф. Риёз. 2011.
5. Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Абдурроҳим Муборакфурий. Туҳфатул-Аҳвазий шарҳи Жомеъут-Термизий. Дорул-Кутубул илмийя.Байрут. 2008
6. Муҳаммад Шамсул-Ҳақ Ал-Азим Ободий. Авнул-Маъбуд ала шарҳи Сунани Абу Довуд. Дор ибн Ҳазм. Байрут.2010.
7. Нуриддин Мулла Али ибн Султон Муҳаммад Ал-Ҳарвий Ал-Қори. Мирқот Ал-мафаатиҳ Шарҳи Мишкат Ал-Масобиҳ. Дорул-Фикр. Байрут.2002

QORAXONIYLAR DAVLATIDA TA'LIM FAOLIYATI

Bebitov Maqsud Abdirasulovich
Tel:998977863300
e-mail: bebitovmaqsud@gmail.com
Denov Tadbirkorlik va pedagogika instituti
o'qituvchisi(Denov O'zbekiston)
Mardonov Muxriddin Islom o'g'li
Denov Tadbirkorlik va pedagogika instituti
Talabasi (Denov O'zbekiston)
e-mail: muhriddinmardonov71@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu tadqiqotda birinchi musulmon turkiy davlati bo'lgan Qoraxoniylar davrdagi manaviy ma`rifiy va ta`lim faoliyati to'g'risida ma`lumot berildi. Tadqiqot mavzusi bo'yicha turli ma`nbalar o'rganilib, natijalari bo'yicha kerakli ma`lumotlar tadqiqot doirasiga kiritildi. Binobarin, diniy omil (Islom dini) Qoraxoniylar ta`lim faoliyatiga ijobiy ta`sir ko'rsatadigan muhim omil hisoblanadi. Qoraxoniylar islomni qabul qilgunga qadar ularning ta`lim faoliyatlari ma`lum bir tizimli ma`rifiy faoliyati mavjud emas adi. Islomni qabul qilish bilan birga ancha tartibli va tizimli bo'lib boradi ta`lim tizimi, ta`lim tizimining diqqat markazida madrasalar va shu davrda etishib chiqqan olimlar ayamiyatli iz qoldirganini ko'rish mumkin.

Kalit so'zlar: *Ta`lim, o'qitish, Qoraxoniylar, madrasa, mudarris.*

АННОТАЦИЯ

В данном исследовании даны сведения о духовно-просветительской деятельности Караханидов, первого мусульманского тюркского государства. По теме исследования были изучены различные источники, и необходимая информация по результатам была включена в объем исследования. Поэтому религиозный фактор (ислам) является важным фактором, положительно влияющим на просветительскую деятельность караханидов. До принятия караханидами ислама их просветительская деятельность не имела определенной систематической просветительской деятельности. С принятием ислама система образования становится более упорядоченной и систематической, можно увидеть, что медресе являются средоточием системы образования, а ученые, процветавшие в этот период, оставили неизгладимый след.

Ключевые слова: *Образование, учение, Караханиды, медресе, мударрис.*

KIRISH

Hoqonlikning g‘arbiy qismida ellikdan ortiq tanga bosib chiqarish uchun iqtisodiy patentsiali yuqori bo‘lgan shahar mavjud edi. Davlatning sharqiy qismida mintaqa aholisi va davlat o‘rtasidagi munosabatlar ta’minlashga mas’ul bo‘lgan davlat ayonlar islom dinini yangi qabul qilgan yuz minglab odamlar uchun faqihlarga va fiqhiy asarlarga ehtiyoj bor edi[1].

Madrasa arab tilida dars olib boriladigan joy, talabalar bilim olidigan bino demakdir. Madaris - bu madrasalarning ko‘pligi. Islomning qadimgi davrlaridagi masjidlar ta`lim berilgan joylar edi. Ta`lim faoliyatining ko‘payishi va xilma-xilligi bilan ta`lim markazi masjidlardan madrasalarga o‘tishni boshladi. Bir tomondan madrasalar boshqa tomondan masjidlarning o‘rnini bosa boshlagach, masjidlar ham yangi ta`lim markazi sifatida faoliyat yuritmoqda edi. Biroq, masjidlar ibodat markazlari bo‘lganligi sababli, ta`lim faoliyati ortish natijasida darslar va ibodatlarning birgalikdagi olib borish ehtiyoji natijasida yuzaga kelgan ba`zi muammolarni to‘liq hal qila olmaydilar bu kabi muammolar esa madrasa muassasalarini barpo etishni majburiylashtirdi. Shuningdek, bir tomondan masjidlarda ibodat qilinadigan joylair bo‘lgan boshqa tomondan, masjidlarda dars jarayonidagishovqinli va bahs munozarali holatlar ibodatga kelgan insonlar uchun kop ham uyg‘un muhit emas edi . Yana darslarning ko‘payishi bilan (Islom ilmlari va tabbiy ilmlar) kengayayotgan o‘rganuvchi auditoriyasiga javob berish uchun masjidlardan ajratilgan muassasalarga ehtiyoj bor edi. Bu sabablarning barchasi alohida madrasa muassasasining paydo bo‘lishiga zamin yaratdi[2]. Ushbu o‘zgarishlarga muvofiq o‘rta asr islom dunyosidagi birinchi zamonaviy madrasa Tamg‘ach Ibrohim Bug‘roxon tomonidan 1066 yilda Samarqandda ochilgan. Ushbu muassasa boshqa muassasalardan o‘ziga xos farqlar mavjud; qurilish jihatdan alohida noyob bino, talabalar turar joyi, kutubxona, saylangan boshqaruvchilar, dasturlar va kurslarning ma`lum bir tuzilishiga ega talabalar uchun stipendiyalar, inflyatsiya darajasiga qarab belgilanadigan professor maoshlari va doimiy manbalar aniq, belgilangan yillik byudjet kabi funksiyalar mavjud edi. Tamg‘ach Ibrohim Bug‘roxon tashabbusi bilan ushbu ta`lim muassasadida, XII asrda birgina Buxoroda maosh oluvchi olti ming fiqih olimlari bo‘lganligi ta`lim va tarbiya faoliyatiga qanchalik ahamiyat berilishining aniq ko‘rsatkichidir[3]. Madrasalarning asosiy vazifasi imom, muazzin, xatib, voiz va muftiy kabi davlat odamlarini ta`minlashdir shuningdek ularning ehtiyojlariga javob beradigan o‘qimishli odamlarni tayyorlashdan tashqari, sud ishlaridan sug‘orish va sudya, muhtesiblik, kotib, tarjimon, josus, notarius, elchixona, noib, hokim va vazir kabi davlat kadrlariga bo‘lgan ehtiyojlarga javob

berish edi. Madrasalarning tashkil topishi va sonining ortishi, davlat hizmatchilarining va olimlarni tayyorlashga bo‘lgan umumiy ehtiyoji kelib chiqishi haqida aytish mumkin[4].

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Qoraxoniylar, X asrda Movaraunnahir va Sharqiy Turkiston o‘rtasidagi mintaqada tashkil etilgan davlat tili sifatida(xoqaniy turkchasini) yozma tili sifatida ishlatgan. Ushbu davrda uyg‘ur yozuvi bilan bir qatorda arab yozuvidan ham foydalanilgan. So‘z boyligi jihatidan eski turk tiliga yaqin nisbatan boy uyg‘urch islomda avvalgi davrda buddizm bilan bog‘liq so‘zlarning aksariyati lug‘antda so‘zlar o‘rniga islomga tegishli so‘zlarni o‘z ichiga olingan. 1069 yilda Yusuf Xos Hojib tomonidan yozilgan va 6645 baytdan iborat "Qutatg‘u bilig" hamda 1074 yilda Mahmud Qoshg‘ariy tomonidan yozilgan Devoni lug‘ati turk, asari arablarga turkiy tilini o‘rgatish maqsadida turk tilining birinchi lug‘ati hamdir.

Adib Ahmet Yukneki tomonidan yozilgan va 101 ta to‘rtlikdan iborat "Hibat ul-haqoyiq", Yassaviy tomonidan yozilgan Devoni Hikmat Qoraxoniy turkiy tilning asosiy namunalaridir. Devoni lug‘ati turk asarida 8624, Qutadg‘u bilikda 2961, "Hibat ul-haqoyiq" 1306 so‘zlarning mavjudligi, Qoraxoniylar turkiy tilining juda katta so‘z boyligiga egaligi ko‘rsatkichdir[5]. Qoraxoniylar turkiychasi birinchi islomiy adabiy tildir. XI-XII asrlarda Qashqar va Sharq va G‘arb Turkistonda rivojlangan. X asrda Qoraxoniylar tomonidan islomning qabul qilinishi bilan uning atrofidagi islom davlatlari bilan yaqin aloqalar o‘rnatildi. Aloqalar turli xil ijtimoiy institutlarga va ayniqsa tilga muhim ta`sir ko‘rsatdi. Shunday qilib, Qoraxoniylar turkchasida arab va fors tillaridan tashkil topgan ba`zi bir til elementlari joylashdilar va xalq tilidan tashqarida guruh tili vujudga kela boshladi. Ushbu davr asarlari islom an`analarini yaratishda foydalaniladigan til qisqa vaqt ichida urf-odatlarga ta`sirini namoyish etib, qoraxoniylar turkchasida asarlar yaratdila boshlandi. Qoraxoniylar o‘rta Osiyo turkiy madaniyatning davom etishida muhim rol o‘ynadi va ta`sir ko‘rsatdi. Mahmud Qoshg‘ariy va Yusuf Hos Hojib davrning ikki muhim olimidir. Mahmud Qoshg‘ariy "Devoni lug‘ati`t turk" asari bilan arab madaniyatiga qarshi chiqqan. Mahmud Qoshg‘ariy XI asrda Markaziy Osiyodagi eng yirik tilshunos bo‘lish nuqtai nazaridan ham muhimdir. Yuqorida aytib o‘tilgan asarda turkiy xalqlar tarixi, geografiyasi, dostoni va afsonalari haqida muhim ma`lumotlar keltirilgan. Bolasog‘unlik Yusuf Xos Hojib tomonidan uyg‘ur alifbosida yozilgan Qutadg‘u bilig davrning muhim asarlari qatoriga kiradi. 1069 yilda she`riy uslub bilan yozilgan ushbu asar Bug‘roxonga taqdim etildi. Bu asar birinchi turkiy siyosatnoma ekanligi

Saljuqiylar vaziri Nizomulmulkni ham ta`sirlantirdi va Nizomulmulk ushbu asardan ilhomlanib, siyosatnoma nomli asarini yozib, Sulton Malikshoxga taqdim etdi.

X-XIII asrlarda turk-islom dunyosida ilmiy tadqiqotlar juda rivojlangan darajada edi. Olimlar hukmdorlar tomonidan yuqori baholangan. Shuningdek ushbu davrda yashgan olimlar evropaga chuqur ta`sir ko‘rsatdilar. Fizika, matematika, Astronomiya va mantiq bo‘yicha 160 ta asarga ega bo‘lgan Forobiy Aristotel g‘oyalarini juda yaxshi sharhlagan. Uning sharhlari tufayli u ikkinchi o‘qituvchi(muallimi soniy) deb nomlandi. G‘arbiy dunyoda u "Al Farabius" nomi bilan mashhur bo‘lib, ko‘plab asarlari lotin tiliga tarjima qilingan va darslik sifatida o‘rta maktablarda o‘qitilgan. Ibn Sino buyuk tibbiyot olimi va faylasufidir. Tibbiyot, mantiq, fizika va din falsafasi sohalarida 220 ga yaqin asar yozgan. G‘arbliklar tomonidan "Tibbiyot hukmdori" unvoniga sazovor bo‘ldi. Hususan Berunining 110 dan ortiq asarlari mavjud. U geografiya fanini islom olamida mustaqil bir fanga aylantirdi[6].

Qoraxoniylarda hukmdorlar ilmiy faoliyat va olimlarga e’tibor berishgan. Himoyalash natijasida ilmiy faoliyat ancha yaxshilandi. Hukmdorlar yuqorida aytib o‘tilgan markazlarga Toshkent, Bolosog‘un, Qashg‘ar va boshqa shaharlarning ahamiyat ortib san`at markazlariga aylandi. Qoraxoniy hukmdor- larining ilm-fan sohasidagi ilmlarga muhabbati muhim o‘zgarishlarga olib keldi va olimlarning sonini ko‘paytirishga imkon berdi. Hukmdorlarning ta`lim faoliyatiga bunday ahamiyat berishlari aslida ikkita muhim omil. Birinch sababi islom dinini yaqinda qabul qilgan turk qabilalarining yangi e`tiqodlarini mustahkamlash va yangi e`tiqodlariga zid bo‘lgan eski e`tiqodlarni yo‘q qilish.Ikkinchisi shialarga qarshi ushbu ta`lim muassasalari orqali sunniylar o‘z e`tiqodlarini mustahkamlash[7]. Islom olamida dastlab ta`lim va tarbiya ishlari xususiy joylarda olib borilmadi, kuttab (maktab) deb nomlangan o‘qituvchilar uylari va masjidlarda faoliyat olib borilgan[8]. Boshqa tomondan, madrasalar o‘quv faoliyati nuqtai nazaridan juda muhim o‘rinni egallaydi. Boshqa tomondan madrasalar o‘quv faoliyati nuqtai nazaridan juda muhim o‘rinni egallaydi. Islom tarixida madrasalar ta`lim va tarbiya faoliyatida tobora muhim ahamiyat kasb etishi va auditoriyasi kengayishi natijasida paydo bo‘lgan muassasalardir.

XULOSA

Qoraxoniylar tomonidan O‘rta Osiyo shaharlarida qurilgan Samarqand, Buxoro, Toshkent, Bolasog‘un, Yorkent, Qoshg‘ar madrasalari muhim marifat markazlarga aylandi. Madrasalarda olib borilgan o‘quv ishlari ma`lum tartibda va tizimli ravishda olib borilar edi. Madrasalarda o‘qish va yozish ta`limi bilan bir qatorda Qur`on, tafsir

shuningdek dinniy darslar o‘qitildi. Mamlakatdagi ta`lim tizimi samarali va rivojlanishga faqat o‘sha mamlakatda boshqaruv kuchi ko‘magida erishish mumkin. Qoraxoniylarning hukmdorlari buni ta`minlaganligi sababli, ta`lim tizimlari kun sayin rivojlanib bordi uning samaradorligini davom ettirdi.

REFERENCES

1. O‘zaydin, A., Kamalov, I., Xunkan. Birinchi musulmon turk davlatlari. (2013 yil).
2. T.R. Anadolu universiteti nashr soni: 2340, Ochiq ta`lim fakulteti nashr soni: 1337,
3. Veb-ofset Tes. 2-nashr. Eskishehir
4. Birinchi Usmonli madrasalari Bilgi, M. Istanbul universiteti adabiyot fakulteti nashrlari 3101, Istanbul: Xatlar fakulteti bosmaxonasi. (1984 yil).
5. O‘zaydin, A., Kamalov, I., Xunkan. Birinchi musulmon turk davlatlari.(2013-yil b 124).
6. O‘sha adabiyot Birinchi musulmon turk davlatlari.(2013-yil b 124).
7. O‘zaydın, A. Qoraxoniylar. Turkiya Diyonat vaqfi Jamg‘armasi Islom Ensiklopediyasi, 24, 410. Istanbul:Kumash A.sh. (2001yil).
8. Shahin, M.Turk tarixi va madaniyati. Anqara: So‘zkesen Matbaachılık, 6-nashr, b 70-71. (2010 yil).
9. Akyuz, Y. Turk ta`limi tarixi (milodiy1000 yillar). 11-nashr, Anqara: Pegem nashriyot. 2007 yil b 21-22.
10. O‘sha asar Turk ta`limi tarixi (milodiy1000 yillar). 11-nashr, Anqara: Pegem nashriyot. 2007 yil b 75.

“ARAB BAHORI” VA “KURD BAHORI”: QIYOSIY-SIYOSIY TAHLIL

Nazarova Fotima
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti
“Jahon siyosati” ta’lim yo‘nalishi talabasi

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada “Arab bahori” va “Kurd bahori” singari atamalarning mohiyati, nazariy jihatlari hamda amaliyotga joriy etish jarayonlari haqida so‘z yuritiladi. Maqolada “Arab bahori” singari istiqbolda “Kurd bahori”ning ham sodir bo‘lish ehtimollari xususida tahliliy mulohazalar keltirib o‘tiladi.

Tayanch so‘z va iboralar: *“Arab bahori”, “arab qishi”, “boshqariladigan beqarorlik”, “Twitter inqilobi”, “Facebook inqilobi”, “Al-Jazira inqilobi”, “WikiLeaks birinchi inqilobi”, “Kurd bahori”, “Yangi Yaqin Sharq”, “Ozod Kurdiston”.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится о сущности, теоретических аспектах и процессах реализации таких терминов, как «арабская весна» и «курдская весна». В статье сделаны аналитические комментарии о возможности возникновения в будущем «курдской весны», а также «арабской весны».

Ключевые слова и фразы: *«арабская весна», «арабская зима», «управляемая нестабильность», «революция Twitter», «революция Facebook», «революция Аль-Джазиры», «первая революция WikiLeaks», «курдская весна», «новая средняя Восток», «Свободный Курдистан».*

KIRISH

Yaqin Sharq jahon siyosatining geostrategik ahamiyatga molik mintaqalaridan biri ekanligi soha mutaxassislariga yaqindan ma’lum. Bugungi kunda ushbu mintaqadagi kuchlar nisbati va hattoki unga ta’sir ko‘rsatish mexanizmlari ham tobora yangi xususiyat kasb etmoqda. Tabiiyki, geografik, energetik va diniy omillar Yaqin Sharqqa bo‘lgan geosiyosiy qiziqishning oshib borishi sabablaridan bo‘lib, mintaqani “katta o‘yinlar” girdobiga tortishga olib kelmoqda. Alohida qayd etadigan bo‘lsak, bu mintaqa jahonda neki muammo bo‘lsa, barchasini o‘zida mujassam etadi. Chunki, unda etnik va diniy muammolar, chegara va qochoqlar, iqtisodiy va ijtimoiy masalalar, terrorizm, ekstremizm va separatizm, uyushgan jinoyatchilik, tashqi kuchlarning geosiyosiy raqobati singari dolzarb muammolar bir-biri bilan chatishib ketgan. Bular orasida 2011-yilda bo‘lib o‘tgan “Arab bahori” voqealari va uning davom etayotgan asorati hamda istiqbolda “portlash” ehtimoli mavjud bo‘lgan

kurdlar muammosi (Kurd bahori) soha tadqiqotlari uchun zaruratga aylanayotgan mavzular hisoblanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Ushbu maqolada g‘arb, rus, arab va mahalliy olimlarning mavzuga oid ilmiy tadqiqotlari va ularning natijalari aks etgan adabiyotlardan foydalanildi. “Arab bahori” va “Kurd bahori” atamalarining nazariy asoslari g‘arb adabiyotlarida keng qo‘llanilgani tahlil etildi. Maqolada tarixiylik, tizimli-mantiqiy, event va qiyosiy tahlil usullaridan foydalanilga e’tibor qaratildi.

NATIJALAR

XX asr oxirida jahon maydonida yuz bergan o‘zgarishlar jahon hamjamiyatini jiddiy xavotir va tashvishlarga olib keldi. XXI asrda esa butun davlat yoki mintaqa xalqlariga o‘z ta’sirini o‘tkazuvchi etnik nizolar tobora murakkab tus oldi. Ta’kidlash joizki, ko‘p millatli davlatlardagi ijtimoiy-siyosiy barqarorlik aynan mana shu omil bilan bog‘liq, biroq eng bahsli va takrorlanuvchi nizolarning ildizi ham aynan etnik munosabatlardagi beqarorlikka bog‘liq bo‘lib qolmoqda. Yaqin Sharq mintaqasi ham etnik, ham diniy muammolar ila to‘qnash kelgan mintaqalardan biri hisoblanadi. Mazkur mintaqadagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar o‘zgarishida etno-diniy masalalar bir-biri bilan chambarchas bog‘lanib murakkab ko‘rinishga ega bo‘lib bormoqda. Aslida, arab olamida ushbu ikki muhim omilning birdek xususiyat kasb etishi tabiiy jarayon hisoblanadi. Boisi arab xalqlari o‘zlarini etnik jihatdan arab ummati, diniy jihatdan musulmon avlodlari deb hisoblaydi. Shu sababdan ham ko‘pchilik tadqiqotlarda “*arab-musulmon”* termini o‘zaro muvofiq ravishda ishlatib kelinadi. Yaqin Sharq mintaqasida etnik yoki diniy ozchilik manfaatlarining yetarli darajada qondirilmasligi, qolaversa, mintaqada arablashtirish tendensiyasi hamda islom omilining terroristik va radikalistik yo‘nalish tomon burishga zo‘rma-zo‘raki urinishlarning saqlanib qolayotganligi etno-diniy omilning ahamiyatini kun tartibida masalaga aylantirmoqda. Shu bilan birgalikda, bugungi davrda mintaqada etno-diniy omilning ta’siri shunda namoyon bo‘lmoqdaki, islom diniga e’tiqod qiluvchi ayrim etnik ozchilik vakillari boshqa millatlarga nisbatan millatchilikni shior qilib olayotgan bo‘lsa, kelib chiqishi bir millatga mansub xalqlar radikal islomiy qarashlarni o‘ziga bayroq qilib olishmoqda. Yaqin Sharqning asosiy muammosi esa mana shu joyda, ya’ni ikkala omil muvozanatini o‘zaro muvofiqlashtirishdagi qiyinchiliklarda ko‘rinmoqda.

1-jadval

1990-yy. boshlarida Arab dunyosidagi etnik-lingvistik ozchiliklar[120]

Ozchilik guruhlar	Arab dunyosida umumiy soni	Ko‘pchilikni tashkil qiluvchi din	Etnik kelib chiqish	Kelib chiqish davlati	Joylashuv davlati
Kurdlar	5 000 000	Musulmon	Hamitic/semitic	Kurdiston	Turkiya/Suriya/Iroq
Armanlar	1 000 000	Yahudiy	Hamitic/semitic	Armaniston (Turkiya va Sobiq Ittifoq)	Livan/Suriya/Iroq/Misr
Aromiylar	125 000	Musulmon	Hamitic/semitic	Suriya/ Isroil/Livan	Suriya/Iroq/Livan
Turkmanlar	125 000	Musulmon	Hamitic/semitic	Janubiy sobiq Ittifoq/Turkiya	Iroq/Suriya
Turklar	125 000	Musulmon	Hamitic/semitic	Turkiya	Suriya/Iroq
Eroniylar	350 000	Musulmon	Hamitic/semitic	Eron	Iroq/Fors ko‘rfazi
G‘arbiy yahudiylar	3 500 000	Yahudiy	Hamitic/semitic	Yevropa va ikkita Amerika	Falastin/Isroil
Afrika urug‘lari	5 500 000	Pagan	Afrika	Janubiy Sudan/Janubiy Marokash/Janubiy Misr	Janubiy Sudan/Janubiy Marokash
Nubiylar	500 000	Musulmon	Hamitic/semitic	Sudan	Janubiy Misr/G‘arbiy Sudan
Barbarlar	15 000 000	Musulmon	Hamitic/semitic	Marokash/Jazoir / Tunis/Liviya	Marokash/Jazoir/ Tunis/Liviya

Yaqin Sharq ijtimoiy-siyosiy jarayonlar dinamikasi, jumladan milliy-etnik munosabatlar doirasidagi voqealar tahlili shohidlik bermoqdaki, ushbu muammo hanuzgacha mintaqadagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning o‘tkir nuqtasi bo‘lib qolmoqda. Kurdlarning Yaqin Sharq davlatlari aholisining etnik tarkibida yuqori ko‘rsatkichlardan birini egallashi mazkur muammo Yaqin Sharq geosiyosiy xaritasi istiqbolida muhim va dolzarb o‘rin egallashini anglatadi.

[120] Batafsil qarang: Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари. Монография. – Т.: Шарқ, 2016. – Б.82-83.

2-jadval

Yaqin Sharq davlatlari aholisining etnik tarkibi[121]

Davlatlar/ millatlar	arab	yahudiy	kurd	arman	cherkes	turk	forsiy	Boshqa xalqlar
Isroil	20%	75%						4-5%
Suriya	80%	1%	13%	2%	2%			1%
Iordaniya	87%	3%			3%			7%
Livan	95%			4%				1%
Turkiya			15%	1%		80%		5-6%
Iroq	75%		20%					4-5%
Eron	16%		4%				74%	5%

Yaqin Sharqdagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar dinamikasiga ta'sir ko'rsatgan, hattoki, mintaqa geosiyosiy xaritasida o'zgarishlar bo'lishiga olib kelgan muhim voqea "Arab bahori" hodisalari hisoblanadi. Ba'zi mutaxassislarning fikriga ko'ra, "Arab bahori" – an'anaviy islom jamiyati sharoitiga moslashtirilgan o'ziga xos rangli inqilobdir[122]. Ilmiy doiralarda mamlakat yoki ma'lum mintaqa ichidagi ijtimoiy tartibsizlik, o'zaro nizolar va boshqa turdagi ixtiloflarga umumiy nisbat berilib "xaos" atamasi ishlatiladi. So'nggi ilmiy tadqiqotlarda "boshqariladigan xaos", ya'ni "boshqariladigan beqarorlik" tushunchasi keng ravishda qo'llanilmoqda. Boshqariladigan xaos – umumiy ma'noda, tartibsizlikni keltirib chiqarish yoki tartibsizlik vujudga kelganda uni nazorat qilish va o'z manfaatlari doirasiga moslashtirish texnologiyasi sifatida tushunilishi mumkin. Ma'lumki, "boshqariladigan xaos" g'oyasi 1970-yillarda Rim klubi tomonidan ishlab chiqilib, keyinchalik Uch tomonlama komissiya, Bilderberg klubi va boshqa g'arb institutlari tomonidan qo'llab-quvvatlangan edi. Bu g'oyaga ko'ra, alohida tanlab olingan mamlakatlarni milliy hukumatlar emas, balki xalqaro korporatsiya va sindikatlar boshqaradi. Bunga erishish uchun tabiiy resurslarga boy mamlakatlarga turli tomonlardan hujumlar uyushtiriladi va mamlakat parokanda qilinadi. Mazkur mamlakatlarda fuqarolar hukumatga qarshi qo'yilib, fuqarolar urushi keltirib chiqariladi. "Xaos" atamasiga oid nazariyalarning dastlabki ko'rinishlarini amerikalik tadqiqotchi Stiven Mann nomi bilan bog'lashadi. U o'zining "Xaos nazariyasi va strategik g'oyalar" maqolasida jahonda hukmronlik qilish jarayonida to'g'ridan-to'g'ri "xaos yaratish"ni AQSh milliy manfaatlarini ta'minlash usuli sifatida ko'rsatib

[121] Batafsil qarang: Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари. Монография. – Т.: Шарқ, 2016. – Б.102-103.
[122] Манойло А.В. Специфика цветных революций "Арабской весны" // Тренды современного политического процесса, 2013. – С. 32.

o‘tadi. Stiv Mannning fikriga ko‘ra, u yoki bu hududda xaos yaratishda quyidagi vositalar navjud:

- liberal demokratiya ko‘magi;
- bozor islohotlarini qo‘llab-quvvatlash;
- aholining, avvalo elitaning turmush standartlarini oshirish;
- an’anaviy qadriyatlar va mafkurani almashtirish[123].

2002-yilda yana bir amerikalik tadqiqotchi Govard Reyngoldning “aqlli olomon: yangi ijtimoiy inqilob” nomli kitobida ommaviy norozilik namoyishlarida ijtimoiy tashkilotlar axborot texnologiyalarining yangi shakllaridan foydalanayotgani xususida fikr yuritiladi. Govard Reyngoldning ta’kidlashicha, ushbu texnologiyalarning dastlabki foydalanuvchilari boshqa davlatlarda rejimlar almashinuvini tashkillashtiruvchi jinoiy tashkilotlar va maxsus xizmat tashkilotlari bo‘lishadi[124]. O‘zbek tilidagi majoziy ibora bilan aytganda, “boshqariladigan xaos” “suvni oldindan loyqalatib katta baliqni qarmoqqa ilintirish” texnologiyasidir.

“Arab bahori”. Bugungi kunda bir qancha tadqiqotchilar Shimoliy Afrika va Yaqin Sharq mamlakatlarida birin-ketin sodir bo‘lgan inqiloblar xususida hali ham bahs-munozaralar olib borishadi. Ushbu hodisalarda “boshqariladigan beqarorlik” texnologiyasi yetarli darajada qo‘llanilganligi va oqibatda inqiloblar paydo bo‘lishiga olib kelganini ta’kidlash mumkin.

Voqealar rivojining paydo bo‘lishi va ommalashishi ushbu hodisalarni “inqilob” deb atash uchun sharoit yaratdi. Bu hodisalarni g‘arb OAV “arab bahori inqilobi” deb atasa, boshqalari “arab bahori va qishi”, “arab uyg‘onishi”, “panarab inqilobi”, “arab isyoni” kabi tushunchalar bilan nomlashdi[125]. Ayrim tadqiqotchilar ushbu voqealar to‘g‘risida fikr yuritishar ekan, unda OAVlari nihoyatda muhim va hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘lganligini ta’kidlashadi va ushbu hodisalarni tahlil etishda “Twitter inqilobi”[126], “Facebook inqilobi”[127], “Al-Jazira inqilobi”[128], “WikiLeaks

[123] Qarang: Сундиев И. “Управляемый хаос” Социальные технологии в массовых беспорядках // Dictum et factum, 2014. – С. 95.
[124] O‘sha manba: – С. 96.
[125] Подгорнова Н. П. “Арабская весна” в странах Магриба. – М.: 2014. – Б. 4.
[126] “Twitter inqilobi” atamasi dastlab belorus ilmiy tadqiqotchisi Yevgenij Morozov tomonidan 2009-yilda Tehrondagi voqealar munosabati bilan ishlatilgan. Qarang: Lakomy M. Arab Spring and New Media/The Arab Spring. Faculty of Political Science and Journalism Adam Mickiewicz University Poznañ 2011. – P. 12.
[127] Nikila Srinivasan, Of Cyber-Skeptics and Cyber-Utopians: Debunking Myths and Discussing the Future”, Meta-Activism (blog), February 17, 2011.
[128] Abdelaziz Kesbi. Political upheavals the Arab spring. This paper was presented in the second Annual International Conference on Cultures and Languages in Contact at the Faculty of Letters and Human sciences Eljadida, Morocco in November 23-24, 2012. – P. 2.

birinchi inqilobi”[129] kabi tushunchalardan foydalanishadi. Lekin eng umumiy talqin sifatida “arab bahori” tushunchasi ilmiy muomalada keng foydalaniladi.

“Arab bahori” tushunchasining paydo bo‘lishi xususida turli xil munozaralar va bahsli holatlar mavjudligini ko‘rish mumkin. Ba’zi bir tadqiqotchilarning fikriga ko‘ra, bugungi “arab bahori” va “arab uyg‘onishi” kabi tushunchalarni o‘rganishda arab jamiyatlaridagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning o‘ziga xos tarixiy xususiyatlarini tahlil qilish nihoyatda muhim ahamiyatga ega. Arab olamidagi to‘natarishlarni tadqiqotchilar ommaviy tartibsizliklarning uchta to‘lqini sifatida baholashadi.

Arab ommaviy isyonlarining birinchi to‘lqini 1914-yilda sodir bo‘ldi va “Buyuk arab inqilobi” nomi bilan ataldi. Sharif Husayn rahbarlik qilgan ushbu inqilobning o‘ziga xos xususiyati shundan iboratki, uning asosiy mo‘ljali arab dunyosida Usmonlilar imperiyasini tugatishga qaratilgan edi. Ushbu to‘lqin ikkita asosiy hodisa bilan muvofiq keladi - global va mintaqaviy. Birinchi jahon urushi asosiy global hodisa hisoblansa, Usmonlilar imperiyasining tugatilishi asosiy mintaqaviy hodisa edi. Britaniya imperiyasi tomonidan qo‘llab-quvvatlangan ushbu inqilob to‘lqinining asosiy sababi Usmonlilar imperiyasini mintaqada mavjudligini yo‘qotish hisoblangan[130].

Arab ommaviy isyonlarining ikkinchi to‘lqini XX asrning 50-60-yillarida sodir bo‘ldi va aynan 1959-yilda fransuz yozuvchisi Jak Benua Meshin tomonidan “arab bahori” atamasi foydalanildi. U o‘zining 1959-yilda nashr etilgan “Un Printemps Arabe” nomli maqolasida Yaqin Sharqda sodir bo‘lgan arab isyonlarini tasvirladi va ularni 1848-yildagi “millatlar bahori” yoki “xalqlar bahori” nomi bilan mashhur Yevropa inqiloblari bilan bog‘lashga harakat qildi[131]. Xuddi birinchi to‘lqin singari ikkinchi to‘lqinga ham asosiy global va mintaqaviy hodisalar muvofiq keladi. Asosiy global hodisa ikkinchi jahon urushi hisoblansa, asosiy mintaqaviy hodisa arab dunyosining markazida Isroil davlatiga asos solinishi edi. Ushbu davrda Isroil davlatining “sionizm”iga qarshi o‘laroq “arabizm” shiori asosiy o‘rinni egalladi. Arab isyonlarining ikkinchi to‘lqini va arabizm shiorini asosan Misrning sobiq Prezidenti Jamol Abdul Nosir nomi bilan bog‘lashadi. O‘z navbatida, arabizm g‘oyalarini keng yoyilishida Baas partiyasining ham o‘rni katta bo‘lgan. Ayrim tadqiqotchilarning

[129] Foreign Policy jurnali Tunisdagi hokimiyat almashinuvini shunday nomladi. Qarang: Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Авторы: С.Кургинян, Ю.Бялый, А.Кудинова, И.Кургинян, В.Новиков, В.Овчинский, М.Подкопаева, М.Рыжова. - М.: МОФ ЭТЦ, 2011. – С. 6.
[130] Mehmet Sahin, ‘1950-1960 Arab Revolutions and the 2011 Arab Spring: Similarities and Differences’, in New World Order, Arab Spring and Turkey, B. Senem Cevik- Ersaydi and Bora Baskak (eds.), Ankara: Ankara University Center for the Study and Research for Political Psychology, 2012. – P. 3-5 .
[131] Jacques Benoist-Méchin. Un Printemps Arabe (An Arab Spring), Paris: Albin Michel, 1959.

nuqtayi nazaricha, ushbu davrda tashqi kuchlarning o‘z intervensiyasi va gegemonligi kuchaygani sari mintaqada arab millatchiligi ham kuchaya boshladi[132].

Arab ommaviy chiqishlarining uchinchi to‘lqini 2010-yil 17-dekabrda Tunisda meva sotadigan savdogar Muhammad Buazzaziyning politsiya o‘zboshimchaligi va poraxo‘rligiga qarshi norozilik bildirib, Sidi-Buzid shahar maydonida namoyishkorona o‘z-o‘ziga o‘t qo‘yishi natijasida boshlandi. Tunis to‘ntarishi muvaffaqiyatli tugaganligi sababli, norozilik to‘lqinlari Misr, Liviya, Suriya, Iroq, Bahrayn, Yaman, Iordaniya, Marokash, Jazoir, Ummon, Quvayt, Saudiya Arabistoni, Sudan, Mavritaniya va boshqa arab mamlakatlariga yoyilib ketdi. Arab dunyosidagi namoyishlarning asosiy shiori “Odamlar rejimni qulatishni istashadi” (*Ash-sha’b yurid isqat an-nizam*) bo‘ldi. Shu tariqa, Shimoliy Afrika va Yaqin Sharq mamlakatlarida ommaviy tartibsizliklarning ketma-ket avj olishi “arab bahori” (arab. الربيع العربي) degan atamaning paydo bo‘lishiga zamin yaratdi[133].

Qo‘shimcha sifatida ta’kidlash o‘rinliki, “arab bahori” voqealari natijasida diniy ekstremizm, fuqarolar urushi, mintaqaviy beqarorlik va etno-diniy nizolarga sifat berilib “arab qishi” atamasi ham ishlatiladi. Aslida, ushbu atama ham dastlab 2011-yil dekabrda “Washington Post” jurnalida foydalanilgan edi[134].

Umumiy ma’noda, “Arab bahori”ning o‘ziga xos xususiyati haqida ta’kidlaydigan bo’lsak, ushbu hodisalar o‘z-o‘zidan sodir bo‘lmasdan, balki tashqi kuchlar ta’siri orqali pinhona rejalashtirilgan ssenariylar mahsuli ekanligini ko‘rish mumkin. Shu boisdan, yuqorida ta’kidlangan sabablar vositasida “arab bahori” atamasi ishlab chiqilganligini qayd etish mumkin.

“Kurd bahori”. Arab olamida yuz bergan voqealarda “domino effekti” misol yuz berdi. Bir davlatda sodir bo‘lgan ommaviy chiqishlar ikkinchi davlatga, umuman arab olamiga ta’sir qildi. Masalaning e’tiborga molik jihati shundaki, shunday vaziyatda kurdlarning faollashuvi jarayoni kuzatila boshlandi. Hattoki, ayrim ekspertlar istiqboldagi “kurdlar bahori” haqida bashorat qilishmoqda. Jumladan, AQSh Davlat departamentining tashqi ishlar bo‘yicha eksperti va maslahatchisi sifatida faoliyat yuritgan, Inson huquqlari bo‘yicha Kolumbiya universiteti professori Devid Filipsning “Kurd bahori: Yaqin Sharq yangi xaritasi” [135] deb nomlangan kitobida istiqbolda kurdlarning ommaviy harakatlari yuz berishi, bu esa Yaqin Sharq

[132]Fadi Elhusseini. Post Arab Spring Thoughts: The Middle East between external and internal mechanisms (Political Economic & Social Forces). Polish Academy of Sciences. November 2013. – P. 5.
[133] The Arab Spring. https://en.m.wikipedia.org/wiki/Arab Spring
[134] Arab Winter. https://en.m.wikipedia.org/wiki/Arab Winter
[135] David L.Phillips. The Kurdish Spring: A New Map of the Middle East. Transaction Publishers, New Brunswick, 2015. – 240 pp.

xaritasiga katta ta'sir ko'rsatishini tahlil etadi. Ekspertning qaydlariga ko'ra, "Kurd bahori" aslida XX asrning 80-yillaridan boshlangan va bu XXI asrning istiqbolida Iroq va Suriyada o'z aksini topadi. Darhaqiqat, Iroqdagi vaziyat, "Arab bahori" natijasida boshlangan Suriyadagi fuqarolar urushi natijasida kurdlarning sezilarli darajada faollashuvi va ma'lum hududlarni mustaqil boshqaruv va nazorat ostiga olayotganini ko'rish mumkin.

Amerikaning 40-prezidenti Ronald Reygan shunday degan edi: "*Kurdlar Amerika istalgan vaqtda yondirishi mumkin bo'lgan gugurtdir*". Bu so'zlar zamirida pinhon bo'lgan siyosatning istiqbolini ehtimolan tasavvur qilish mumkin. Buning geosiyosiy loyihasi ham mavjud bo'lib, u "Yangi Yaqin Sharq" (New Middle East) deb ataladi. Bu konsepsiya to'liq neokonservativ ruhda shakllantirilgan bo'lib, AQShning Yaqin Sharqdagi tashqi siyosiy strategiyasining muhim jihatlarini namoyon qiladi. "Yangi Yaqin Sharq" jumlasi ilk bor AQSh rasmiylari tomonidan 2006-yil iyunda tomonidan "Katta Yaqin Sharq" konsepsiyasiga o'rindosh sifatida Tel-Avivdagi chiqishida e'lon qilingan. Uning ahamiyatli jihatlaridan biri Boku-Tbilisi-Jayxun neft terminalining ishga tushishi bilan bir vaqtda e'tirof etilganidir. AQShning sobiq davlat kotibasi K.Raysning ma'lumot berishicha, "Yangi Yaqin Sharq" loyihasi Livandan boshlanadi. Ekspertlar fikricha, bu chaqiriq AQSh-Buyuk Britaniya-Isroilning birgalikda ishlab chiqqan Yaqin Sharqdagi "yo'l xaritasi" hisoblanadi. Bu konsepsiya mintaqa bo'yicha urush o'choqlari va tartibsizlik vaziyatini kuchaytirib, "ijodiy xaos" kuchlarini barpo etishga qaratiladi. Yangi Yaqin Sharqda yangi davlatlar paydo bo'lishi yoki ma'lum davlatlarning hududiy parchalanishi, shuningdek, chegaralar almashinuvi jarayonlari Britaniya imperiyasining "Bo'lib tashlab, hukmronlik qil" siyosatining zamonaviy shakli sifatida talqin etilmoqda.

"Yangi Yaqin Sharq" geosiyosiy xaritasi amerikalik iste'fodagi polkovnik Ralf Peters tominidan ishlab chiqilgan. Xarita R.Petersning "Hech qachon kurashni to'xtatma" ("Never Quit the Fight") nomli kitobining bir muhim qismi hisoblanib, u 2006-yilning 10-iyulida ommaga taqdim etilgan edi. Bundan tashqari, bu xarita R.Peters tomonidan AQShning qurolli kuchlari jurnalida "Qonli chegaralar: Yaqin Sharq qanday ko'rinishga ega bo'lishi yaxshiroq" (Blood Borders: How a better Middle East would look[136]) sarlavhasi ostida ham bosib chiqarilgan.

Ralf Peters xaritasiga ko'ra, bugungi kundagi Yaqin Sharq mintaqasi chegaralari tarixiy, etnik, milliy jihatdan haqiqatga mos emas. Shuning uchun ham muammolar

[136] Ralf Peters. Blood borders: How a better Middle East would look http://armedforcesjournal.com/blood-borders 01.06.2006.

yechimi topilmayapti. Bu esa chegaralar o‘zgarishini taqozo etadi. O‘zgarishlar davlatlar o‘rtasidagi keskin siyosatning yuzaga kelishi, davlatlardagi ichki va konfessiyalararo qarama-qarshiliklar oqibatidagi qurolli nizolar natijasida ro‘y berishi mumkin. Ralf Peters va Bernard-Anri Levi qaydlariga ko‘ra, “Yangi Yaqin Sharq” loyihasi Turkiya, Iroq, Eron va Suriyadagi bir qator hududlarni o‘z ichiga olgan mustaqil “Ozod Kurdiston” davlatini tashkil topishiga olib keladi. Ushbu mamlakatlarda istiqomat qiluvchi taxminan 40 million kurdlarni yagona davlatga birlashtirish orqali Yaqin Sharqning istiqboldagi yangi geosiyosiy xaritasi vujudga keladi.

Realpolitik yondashuv asosida tahlil etganda yagona Kurdistonni qurish mohiyatan utopik g’oya, chunki diniy, lingvistik va madaniy xilma-xillik an’anaviy milliy davlat barpo etishda katta to‘siqlarning vujudga keltiradi va bu loyihaga Turkiya, Eron, Iroq va Suriya davlatlari tamomila qarshidir. Ushbu mamlakatlar uchun Mustaqil Kurdiston loyihasini amalga oshirish aslida hududiy yaxlitlikning tugashi va ularning suverenitetining tubdan zaiflashishi, hatto ularning to’liq qulashi demakdir.

MUHOKAMA

“Arab bahori” hodisalari tub mohiyatini va oqibatlarini hali hanuz fuqarolar urushi, terrorchilik, diniy ekstremizm va terrorizm kuchayishi, mazhabiy nizolar hamda millatchilik ko‘rinishida davom etayotgan hodisalar bilan izohlash mumkin.

Yaqin Sharq ijtimoiy-siyosiy jarayonlari dinamikasida kurdlarning ishtiroki va ta’siri sezilarli ekanligi “Kurd bahori” istiqboli haqida tadqiq etishga chorlaydi. Zeroki, Kurdlar masalasi Yaqin Sharqning “Heartland” hududida joylashgan Turkiya, Iroq, Eron va Suriya davlatlari uchun jiddiy va murakkab muammo bo‘lib qolmoqda. Boz ustiga, Qo‘shma Shtatlar va uning ittifoqchilar tomonidan kurdlarni harbiy-moliyaviy qo‘llab-quvvatlash strategiyasi, jumladan, “Yangi Yaqin Sharq” konsepsiyasini amalga oshirishga qaratilgan vositalar mintaqadagi milliy-etnik munosabatlar tizimiga salbiy etishi mumkin.

REFERENCES

1. Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари. Монография. – Т.: Шарқ, 2016. – Б.82-83, 102-103.
2. Манойло А.В. Специфика цветных революций “Арабской весны” // Тренды современного политического процесса, 2013. – С. 32.
3. Сундиев И. “Управляемый хаос” Социальные технологии в массовых беспорядках // Dictum et factum, 2014. – С. 95.

4. Подгорнова Н. П. “Арабская весна” в странах Магриба. – М.: 2014. – Б. 4.
5. Abdelaziz Kesbi. Political upheavals the Arab spring. This paper was presented in the second Annual International Conference on Cultures and Languages in Contact at the Faculty of Letters and Human sciences Eljadida, Morocco in November 23-24, 2012. – P. 2.
6. Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Авторы: С.Кургинян, Ю.Бялый, А.Кудинова, И.Кургинян, В.Новиков, В.Овчинский, М.Подкопаева, М.Рыжова. - М.: МОФ ЭТЦ, 2011. – С. 6.
7. Mehmet Sahin, ‘1950-1960 Arab Revolutions and the 2011 Arab Spring: Similarities and Differences’, in New World Order, Arab Spring and Turkey, B. Senem Cevik- Ersaydi and Bora Baskak (eds.), Ankara: Ankara University Center for the Study and Research for Political Psychology, 2012. – P. 3-5 .
8. Jacques Benoist-Méchin. Un Printemps Arabe (An Arab Spring), Paris: Albin Michel, 1959.
9. Fadi Elhusseini. Post Arab Spring Thoughts: The Middle East between external and internal mechanisms (Political Economic & Social Forces). Polish Academy of Sciences. November 2013. – P. 5.
10. David L.Phillips. The Kurdish Spring: A New Map of the Middle East. Transaction Publishers, New Brunswick, 2015. – 240 pp.
11. Ralf Peters. Blood borders: How a better Middle East would look http://armedforcesjournal.com/blood-borders 01.06.2006.

OLIY TA'LIMDA KADRLAR TAYYORLASH RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHNING AYRIM DOLZARB MASALALARI

Raxmanov Raxmanbergan Abdullayevich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti To'rtko'l fakulteti dekani

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada oliy ta'limda kadrlar tayyorlash raqobatbardoshligini oshirishning ayrim dolzarb masalalari va ularning o'ziga xosligi tahlil qilingan. maqola yakunida muallifning shaxsiy qarash va xxulosalari ham keltirilib o'tilgan.

Kalit so'zlar: *oliy ta'lim, raqobatdoshlik, standart, shaxsiy rivojlanish, kadr, kadrlar siyosati.*

SOME IMPORTANT ISSUES OF INCREASING THE COMPETITIVENESS OF STAFF TRAINING IN HIGHER EDUCATION

Rakhmanov Rakhmanbergan Abdullayevich-
Dean of the Faculty of Tortkol, Tashkent State University of Economics

ABSTRACT

This article analyzes some topical issues of increasing the competitiveness of personnel training in higher education and their specificities. at the end of the article, the personal views and conclusions of the author are also given.

Keywords: *higher education, competitiveness, standard, personal development, personnel, personnel policy.*

KIRISH

Oliy ta'limda yuqori sifatli va raqobatbardosh ta'lim xizmatlarini ko'rsatish eng avvalo xalq ta'limi tizimini tizimli ravishda o'rganishni taqazo qiladigan muhim bir masaladir. Bu o'z navbatida ijtimoiy xizmatlarning tarkibiy qismi sifatida ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonlarini rejalashtirishni o'z ichiga oladi. Ya'ni:

oliy ta'limning ta'lim xizmatlarining milliy va mintaqaviy bozorlari, shuningdek, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi bozorining marketing tadqiqotlari kompleksini o'tkazish;

yuqori malakali mutaxassislar tayyorlashning eng talabchan va ustuvor yo'nalishlarini tushunish uchun milliy va mintaqaviy mehnat bozorlarini o'rganish;

respublika va ayrim hududlardagi ish beruvchilarning oliy o'quv yurtlarida bitiruvchilarni tayyorlash sifati va natijalaridan qoniqish darajasini o'rganish;

an'anaviy mutaxassisliklarni moslashtirish, takomillashtirish va milliy va mintaqaviy iqtisodiyot talab qiladigan yangi mutaxassisliklarni joriy etish.

Oliy ta'limning yuqori sifatli va raqobatbardosh ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonlari sxemasining navbatdagi muhim tarkibiy qismi universitet tomonidan ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonlarini loyihalash bilan bog'liq bo'lgan komponent hisoblanadi.

METODOLOGIYA

O'quv dasturlarini ishlab chiqish amaldagi ta’lim standartlari talablarini inobatga olgan holda va hududiy ish beruvchilarning talablarini inobatga olgan holda tanlangan ta’lim mutaxassisliklari asosida amalga sohiriladi. Ta'lim xizmatlarini ko'rsatish uchun uslubiy, kadrlar va dasturiy ta'minotni ishlab chiqish, masalan, talabalar uchun darslarni rejalashtirish va boshqalar shular jumlasidandir.

Oliy ta’limda xizmatlar paketini taklif qilish eng avvalo, hamkor korxonalarning keyingi amaliyot o‘tashlari uchun belgilangan mezonlari, kutubxona fondiga kiritish uchun asosiy va asosiy o‘quv adabiyotlarini nashr qiluvchi xodimlar va o‘qituvchilarni qayta tayyorlashga yo‘naltirilgan turli o‘quv markazlari; talab qilinadigan o'quv jihozlarini etkazib beruvchilar va nihoyat, amalga oshirilayotgan o'quv dasturlarida o'qish uchun ariza beruvchilarning turli guruhlarini tanlashga bog’liq bo’lgan muhim bir masaladir. Ushbu komponent sxemaning bir qismi sifatida universitetda bevosita ta'lim jarayonlarini oqilona tashkil etishni va ularni oliy ta'limda ta'lim xizmatlarini ko'rsatish uchun mo'ljallangan jarayonlarni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan barcha zarur resurslar bilan ta'minlashni taqazo qiladi. Oliy ta'limning yuqori sifatli va raqobatbardosh ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonlari sxemasining navbatdagi tarkibiy qismi "Universitetning asosiy infratuzilma ob'ektlarini modellashtirish va boshqarish" etarli darajada ta'lim tizimini yaratishga qaratilgan jarayonlar majmuasini amalga oshirish bilan bog'liq. Ta'lim xizmatlaridan foydalanish jarayonlarini qulay va uzluksiz amalga oshiradigan universitetning zarur infratuzilma majmuasi bu jarayonda muhim ahamiyatga ega. Amaliyot shuni ko'rsatadiki, universitetning infratuzilma kompleksi qanchalik rivojlangan va rang-barang bo'lsa, talabalarning oliy ta'lim muassasalarining ta'lim xizmatlarini iste'mol qilishdan qoniqish darajasi shunchalik yuqori bo'ladi va talabalarning kompetensiyalarini shakllantirish jarayoni shunchalik tizimli bo'ladi.

Oliy ta'limning yuqori sifatli va raqobatbardosh ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonlarining yakuniy tarkibiy qismi bevosita "Oliy ta'limning ta'lim xizmatlarini ko'rsatish" komponenti bo'lib, uning doirasida asosiy ta'lim va ta'lim jarayonlari

amalga oshiriladi, talabalar tomonidan universitetda bo'lishning rejalashtirilgan natijalariga erishish bilan yakunlanadi. Bundan tashqari, maqsadli auditoriyaning fikr-mulohazalari orqali universitetning o'quv va ta'lim jarayonlarini reinjiniring qilishning zarurati va asosiy yo'nalishi aniqlanadi. Yuqori sifatli va raqobatbardosh ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonlari sxemasi tarkibiy qismlarining taqdim etilgan tarkibiy tuzilishi bizga oliy ta'limning ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonlarining quyidagi xususiyatlari va natijalarini belgilash imkonini beradi. Oliy ta'limning yuqori sifatli va raqobatbardosh ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonlarining xususiyatlari:

- o'rganilayotgan jarayonlarning asosiy yo'nalishi zamonaviy iqtisodiyot sharoitida kasbiy mahoratga qo'yiladigan talablar darajasini sezilarli darajada oshiradigan intellektual resurslarni takror ishlab chiqarishni ta'minlashga qaratilgan. universitet ishchilari va xizmatchilari;

- oliy ta'limning ta'lim xizmatlari iste'molchilarini tashqi va ichki iste'molchilarga taqsimlashni tizimli ravishda amalga oshirish, bu universitetlarga ta'lim dasturlarining turli yo'nalishlari, mazmuni va sifat darajalarini modellashtirish imkonini beradi, bu esa, o'z navbatida, sifatni baholash jarayonlarini muqarrar qiladi. ekspert-tahliliy tadqiqotlar asosida universitetdan tashqarida o'tkaziladigan ta'lim xizmatlari, shu jumladan baholash;

- tayyorlanayotgan mutaxassislarning raqobatbardoshligi, malakasi va vatanparvarlik darajasini oshirish uchun universitetda ta’lim, tarbiyaviy va tarbiyaviy funksiyalarni keyinchalik integratsiya qilish va bir vaqtda amalga oshirish uchun oliy ta’limda ko‘rsatiladigan barcha ta’lim xizmatlarining ko‘p funksiyaliligini ta’minlash;

- mamlakatimiz va dunyoning zamonaviy universitetlari tomonidan amalga oshirilayotgan ta'lim va ta'lim faoliyatini amalga oshirishga ijtimoiy yo'naltirilgan yondashuv bilan bog'liq bo'lgan individual iste'molchilarning afzalliklariga emas, balki oliy ta'limning ta'lim xizmatlari iste'molchilarining muayyan guruhlariga strategik e'tibor berish;

- zamonaviy jamiyatda ta'lim oliy ta'limning ta'lim xizmatlarini iste'mol qilishning natijaviy tomoni sifatida qabul qilinadi, universitet esa ma'lum darajada ta'limni shakllantirishda hal qiluvchi, ammo asosiy rol o'ynamaydi.

TAHLIL

Ta'lim xizmatlarini ko'rsatish jarayonida talabalarning tashqi ijtimoiy-iqtisodiy muhit bilan yuqori sifatli o'zaro aloqalarini ta'minlashga katta e'tibor qaratilmoqda, bu universitet ta'lim dasturlari mazmunida o'z aksini topadi; -

Oliy ta'lim muassasalarining ta'lim xizmatlarini ko'rsatish davrining sezilarli davomiyligi, bu universitetning ta'lim dasturlarini amalga oshirishning to'liq tsiklini o'zgaruvchan va beqaror qiladi, bu davlat ta'lim standartlarida mumkin bo'lgan o'zgarishlar sharoitida o'qituvchilar tarkibi va xodimlar, me'yoriy-huquqiy baza, uslubiy va axborot ta'minoti, maqsadli auditoriyani universitet infratuzilma majmuasini shakllantirish darajasiga yuqori talablar qo'yishga majbur qiladi, universitet oliy ta'limda amalga oshirilayotgan barcha o'zgarishlarni hisobga olishni ta'minlaydi.

Yuqorida ta'kidlanganidek, oliy ta'lim muassasalarining ta'lim xizmatlarini ko'rsatishning o'ziga xos xususiyati bu xizmatlarning chuqur ijtimoiy-iqtisodiy yo'naltirilganligi bilan bog'liq. Bundan tashqari, davlat, biznes va jamiyat hayotidagi barcha ilg'or va yangilarning dirijyori sifatida qaraladigan oliy ta'lim sohasi ko'pincha konservativ asosga ega. Bu yerda oliy ta'limning konservatizmi ostida tanlovni, shuningdek, ta'lim xizmatlari sohasidagi eng yaxshi xorijiy va mahalliy an'analarni, tajribalarni ehtiyotkorlik bilan saqlashni tushunish kerak. Shuningdek, xizmat ko'rsatish korxonalari sifatida universitetlar o'rtasidagi raqobat jarayonlarining o'ziga xos xususiyati mavjud va namoyon bo'ladi. Qoidaga koʻra, barcha yetakchi universitetlar oliy taʼlim sohasida koʻp yillik faoliyat davomida shakllangan va maqsadli auditoriya uchun jozibador boʻlgan oʻziga xos tarixga ega boʻlgan anʼanalarga ega. Ko'pgina universitetlar o'zlarining ta'lim xizmatlarining qo'shimcha reklamasiga muhtoj emaslar va amalga oshirmaydilar va bu universitetlar o'zlarining imidjini ehtiyotkorlik bilan himoya qiladilar, chunki universitetlar maqomida jamoatchilik tomonidan yomon yoki yaxshi tomonga o'zgarishi mumkin bo'lgan o'zgarishlar e'tibordan chetda qolmaydi. Nihoyat, rejalashtirilgan iqtisodiyot hukmron bo'lgan mamlakatda universitetning joriy va kelajakdagi raqobatbardosh mavqeini doimiy iqtisodiy va marketing baholashini o'tkazishning hojati yo'q edi, chunki umumiy davlat rejalashtirish har bir aniq universitetning o'rni va rolini belgilaydi va belgilaydi. mamlakatdagi oliy ta'lim tizimining elementidir.

Keyinchalik, biznes yuritishning o'zgargan ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlari xizmat ko'rsatish korxonalari sifatida universitetlar oldiga yangi maqsad va vazifalarni qo'ydi va universitetlar o'z ta'lim rejalarini amalga oshirishda ancha erkinlikka ega bo'ldi. Natijada bugungi kunda “xizmat koʻrsatish sohasi korxonasi sifatida universitetning raqobatbardoshligi” atamasining mohiyatini aniqlashga yagona kontseptual yondashuv mavjud emas. Ushbu holat jahon va mamlakatimizdagi zamonaviy ta'lim bozori muhitiga nisbatan universitetning ta'lim faoliyatini tahlil qilish, baholash, tartibga solishning oqilona uslubiy yondashuvlarini ishlab chiqishni sezilarli darajada

murakkablashtiradi. Raqobatbardoshlik tushunchasini o‘rganar ekan, V. N. Romanov ushbu atamaning quyidagi muhim ta’rifini belgilaydi: “...raqobatbardoshlik deganda tovarlarning milliy yoki mintaqaviy muvaffaqiyatini belgilovchi iste’molchi, shuningdek narx (qiymat) xususiyatlari majmuasi tushunilishi kerak. bozorlar” . Yana bir muallif Ambartsumov A.A. ham xuddi shunday pozitsiyaga amal qiladi: “...raqobatbardoshlik – bu tovarlarning turli xil iste’mol xususiyatlarining yig‘indisi bo‘lib, ularning o‘xshash boshqa tovarlardan farqini belgilaydi”. O'z navbatida, A. V. Busigin quyidagilarni ta'kidlaydi: «...turli xil mahsulotlarni ishlab chiqishda boshqa korxonalarning o'xshash mahsulotlarining zamonaviy hayot davrlarining mumkin bo'lgan o'zaro bog'liqligini hisobga olish kerak». Ushbu ta'riflarda raqobatbardoshlik tushunchasi mahsulot xususiyatlarining yig'indisi sifatida taqdim etilgan, shu bilan birga bu ta'riflar bugungi kunda iste'molchilarni narx-sifat nisbatining mumkin bo'lgan darajasiga ko'proq qiziqtirayotganini tushunish bilan bog'liq bo'lgan jihatlarni hisobga olmaydi. “Narx - sifat" nisbatining mumkin bo'lgan darajasi eng ko'p qiziqish uyg'otadi. Ushbu pozitsiyalardan zamonaviy mahsulot bozorlariga, shu jumladan oliy ta'limning ta'lim xizmatlari bozoriga nisbatan quyidagi ta'rifni qo'llash muhimdir: raqobatbardoshlik darajasi - bu tovarlarning sifat ko'rsatkichlari va ular bilan bog'liq xarajatlarning sezilarli darajada yuqori nisbati. uni sotib olish va iste'mol qilish bilan raqobatchilar bilan solishtirganda, bozor talablariga, bozorning muayyan segmentlariga mos keladi. Raqobatbardosh tovarlarni, xizmatlarni hisobga olish kerak, ular uchun ma'lum bir xarajat birligiga kümülatif foydali ta'sir darajasi boshqalarga qaraganda ancha yuqori va tovarlar, xizmatlarning hech bir xususiyatining qiymati maqsadli iste'molchilar uchun nomaqbul deb hisoblanmaydi.

XULOSA

Yuqorida aytilganlarni hisobga olgan holda, raqobatbardoshlik ko'p qirrali tushuncha bo'lib, tovarlarning ma'lum bir bozor sharoitlariga, shuningdek, sifat, iqtisodiy, estetik, tijorat xususiyatlari bo'yicha maqsadli iste'molchilarning o'ziga xos talablariga muvofiqligini anglatadi. tovarlarni sotish uchun texnik va boshqa shartlar shartlari (narx, tarqatish kanallari). , etkazib berish muddati, reklama, sotishdan keyingi xizmat ko'rsatish). Bundan tashqari, tovarlar yoki xizmatlarning raqobatbardoshligini ta'minlashning muhim va talab qilinadigan tarkibiy qismi, universitetlar misolida, oliy ta'lim muassasalarining ta'lim xizmatlarini iste'mol qilish davriga nisbatan iste'molchilar xarajatlari darajasidir. Raqobatbardoshlik kontseptsiyasini maqsadli bozorlarda tovarlar, xizmatlarni sotishning ustuvor omili yoki ichki maqsadli bozorning ma'lum bir qismini ushlab turish qobiliyati sifatida

hisobga olgan holda, raqobatbardoshlikning to'rtta o'zaro bog'liq darajasini ajratib ko'rsatish kerak. Bu yerda birinchi daraja ko'rib chiqilayotgan tovarlar, xizmatlarning raqobatbardoshlik darajasi, keyin ikkinchi daraja - korxonaning raqobatbardoshlik darajasi, uchinchi daraja - raqobatbardoshlik darajasi yotadi.

REFERENCES

1. Миронова, Н. В. Дифференцированный подход к маркетингу услуг [Электронный ресурс] / СтратаСтат. - Режим доступа: http://www.stratastat.ru/article_05. - Загл. с экрана.
2. Панкрухин, А. П. Маркетинг образовательных услуг: методология, теория и практика [Электронный ресурс] // www.marketing.spb.ru/lib-special/branch/mou/index.htm.
3. Песоцкая, Е. В. Маркетинг услуг [Текст]. / Е. В. Песоцкая - СПб.: Питер, 2000. -С. 26

ISHSIZ FUQOROLARNING KASB HUNARGA O‘QITISH METODOLOGIYASI

G‘ofurov Nozimjon No‘monovich
Farg‘ona viloyati O‘zbekiston tumani
Kasb Hunarga o‘qitish markazi
O‘quv ishlari bo‘yicha direktor o‘rinbosari

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada ishsiz fuqorolarning kasb hunarga o‘qitish metodologiyasi, kontsepsiyasi va kasbiy ta'lim turlari ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, ishsiz fuqarolarni kasbga o‘qitishning xususiyatlari, kasbiy ta'lim tizimining samaradorlik omillari va ishsiz fuqarolarni kasbga o‘qitish tizimini takomillashtirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqildi.

***Kalit so‘zlar**: ishsiz fuqarolar, kasb-hunarga o‘rgatish, kasbiy tayyorgarlik tizimi, kasbga yo‘naltirish, aholini psixologik qo‘llab-quvvatlash.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются методика, понятие и виды профессионального обучения безработных граждан. Также были разработаны особенности профессионального обучения безработных граждан, факторы эффективности системы профессионального образования, предложения по совершенствованию системы профессионального обучения безработных граждан.

***Ключевые слова:** безработные граждане, профессиональное обучение, система профессионального обучения, профессиональная ориентация, психологическое сопровождение населения.*

KIRISH

In this article, the main focus is on the current problems of the educational system, the economic need to transition to an innovative educational system, the role of education in the economy, and the need for social partnership for its financing and development. The main focus is on the study of the mechanisms of attracting investment funds for educational organizations in Uzbekistan, as well as the problems that arise for investors in relation to the presentation of investment projects and possible ways to solve them. Also, public-private partnership in pre-school education, secondary special education, and forms of its implementation were considered. As a promising technology, the mechanism of impact of investments in education is proposed.

Keywords*: investments, non-governmental organizations, Investors, social partnership, public-private partnership, charity fund, impact investments.*

KIRISH

Afsuski, mamlakatimizda ta’lim sohasi uzoq vaqtdan beri qoldiq asosida moliyalashtirilib kelinmoqda. Natijada ta’lim ko‘rsatkichlari bo‘yicha O‘zbekiston yildan yilga quyi ko‘rsatkichlarga tushib bormoqda. Innovatsion Ta’limga investitsiyalar bugungi kundagi ta’lim tizimidagi vaziyatni o‘zgartirishning hal qiluvchi omilidir. Innovatsion ta’lim sifati va davomiyligining yaxshilanishi ta’lim narxining sezilarli darajada oshishiga olib keldi. Natijada ko‘pchilik mamlakatlarda ta’lim narxining oshishi davlat byudjeti uchun imkonsiz bo‘lib qoldi. Boshqa tomondan, ta’lim daromad keltiradigan foyda sifatida ko‘rila boshlandi. Ta’limga xususiy sarmoya kiritish potentsial daromad manbaiga aylandi. Bunday sharoitda ta’lim unga bozor munosabatlarini joriy etgan holda biznesga aylandi. Biznes ta’limga yangi jarayonlarni kiritdi: kompyuterlashtirish, masofaviy ta’lim, korporativ universitetlarni yaratish. Bozor iqtisodiyotining boshqa sohalari kabi ta’lim ham globallashuv yo‘liga tushdi. O‘zbekiston paradoksi shundaki, O‘zbekiston o‘rta va oliy ta’limdagi o‘qituvchilar tarkibiga ega bo‘lgan holda, bugungi kunda o‘z fuqarolariga mamlakatni inqirozdan olib chiqish uchun zarur bo‘lgan ta’limni bera olmaydi. Jahon yetakchilarining xalqaro bozorlarni zabt etish, raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish, fuqarolar uchun munosib turmush darajasini yaratish borasidagi muvaffaqiyatlari ushbu mamlakatlarda oliy ta’lim

tizimi tomonidan tayyorlangan yuqori malakali mutaxassislarning mavjudligi bilan bog‘liq. Ta’limga doimiy sarmoya kiritmasdan turib, jamiyat taraqqiyotiga erishish mumkin emas. Mamlakatning iqtisodiy taraqqiyoti farovon ko‘rinayotgan bir paytda ham ta’limga sarmoya kiritish faol amalga oshirilishi kerak, aks holda zamonaviy bilim ko‘nikmalardan o‘z vaqtida ta’limga targ‘ib etmaslik tufayli mamlakat ta’lim sifatli yanada orqada qoladi.

MAVZU YUZASIDAN ADABIYOTLAR TAHLILI

❖ *Ta’lim – bu investor uchun “qora tuynuk” bo‘lib, u sarmoyaviy jozibador sohaga aylanishi mumkin. Buning uchun investorlarning o‘z investitsiyalarining rentabelligini nazorat qilishiga to‘sqinlik qiladigan to‘siqlarni olib tashlashingiz kerak.*

Biz chorak asr davomida O‘zbekiston ta’limining yetarli darajada moliyalashtirilmaganidan nolib kelmoqdamiz bolalar ikki smenada tahsil oladigan, yaroqsiz partalarda o‘tiradigan maktablar innovatsion kuchga da’vogar mamlakatlar uchun maqbul emasligi aniq albatta . Biroq dunyoning hech bir davlatida ta’limga ajratiladigan byudjet mablag‘lari yetarli emas, shuning uchun xususiy investorlar mablag‘larini jalb qilmasdan turib, mamlakatni rivojlantirishning dolzarb vazifalarini hal qilib bo‘lmaydi.

Shubhasiz, tijorat sektori uchun ushbu sanoat jozibadorligi bo‘yicha oxirgi o‘rinlarni egallaydi. Buning sabablari juda oddiy – bu sohaga investitsiya qilishning normalari va qoidalari yo‘q, mablag‘larni qaytarish uchun kafolatlar yo‘q, pul sarflanishi ustidan nazorat juda zaif.Ammo O‘zbekiston hozirda ta’lim muassasalari ehtiyojlari uchun xususiy mablag‘larni jalb qilishning samarali tizimini yaratish uchun barcha imkoniyatlarga ega. Bu mablag‘ evaziga ta’lim tizimimizdagi eng dolzarb muammolarni hal qilishimiz mumkin.

Savodsizlikni yengish va barcha odamlarga sifatli ta’lim olish imkoniyatini faqat alohida byudjet sa’y-harakatlari bilan ta’minlash mumkin emas – davlatlar va yirik kompaniyalarning resurslarini global birlashtirish zarur.

2018-yil bo‘lib o‘tgan BMT yig‘ishida ta’lim tizimiga investitsiyalarni jalb qilish masalalari yuzasidan BMT esa SDGga sarmoya kiritishni rag‘batlantirish mexanizmini ishlab chiqish orqali buning yo‘lini o‘ylab topdi.Bugungi kunda global bo‘lishni va xalqaro bozorlarga chiqishni istagan har qanday yirik kompaniya o‘z ishida SDGlarni hisobga olishi va ularga erishishga hissa qo‘shishi kerak. Endi barqaror rivojlanish maqsadlariga sarmoya kiritish global o‘yinchilar klubiga o‘ziga

xos kirish chiptasidir. Bu BMT dasturini ma'qullagan barcha davlatlarning siyosatida ushbu tizim tan olingan .

Yana bir muammolarga kelsak - qonunchilik sohasida to'plangan. Gap shundaki, "Ta'lim to'g'risida"gi qonunning ayrim qoidalari boshqa me'yoriy hujjatlarga – masalan, davlat-xususiy sheriklik (DXSh) to'g'risidagi qonunga mos kelmaydi.

Natijada, paradoksal vaziyat yuzaga keladi: yirik shaharlarda maktablarning yetishmasligi muammosi mavjud. Albatta, bu muammolarni hal qilishga harakat qilmoqda. Ammo bitta ,500 o'rinli maktab qurish uchun o'rtacha 1 milliard so'm kerak bo'ladi va bunday hali maktab qurilishga muhtoj hududlarimiz ham kam emas.

Ma'lumki yirik biznes yordam berishi mumkin – xalqaro kompaniyalar 10-15 yil ichida asta-sekin qaytarilishi sharti bilan maktablar qurilishiga investitsiya sifatida pul ajratishi mumkin. Buni maktabning ustav kapitaliga mablag' kiritish orqali amalga oshirish mumkin. Lekin, afsuski, yuqorida aytganimizdek, bu davlat-xususiy sheriklik to'g'risidagi qonunda ko'zda tutilmagan.

Biroq, ta'lim sohasining investitsion jozibadorligini oshirish uchun faqatgina ushbu to'siqni olib tashlashning o'zi yetarli emas. Har bir tadbirkor o'z investitsiyalarining qaytarilishiga ishonch hosil qilishni xohlaydi. Ta'lim muassasalarini moliyalashtirishning hozirgi tartibida buni kafolatlash juda qiyin.

Gap shundaki, hozir ta'lim sohasida aholi jon boshiga moliyalashtirish instituti faoliyat yuritmoqda. O'z-o'zidan bu mexanizm asosli va samaralidir: ta'lim xizmatlarining sifati qanchalik yuqori bo'lsa, maktabda shuncha ko'p bola bor va uni moliyalashtirish ham shunchalik ko'p bo'ladi. Biroq, bu shaklda tizim faqat poytaxtda ishlaydi. Hududlarda esa faqat qog'ozda ishlaydi, chunki munitsipalitetlar darajasida moliyaviy standart tomonidan tasdiqlangan mablag'larni "mustaqil" qayta taqsimlash mavjud. Natijada, asl shakldagi mexanizm oddiygina ishlamaydi. Bu shuni anglatadiki, ta'lim muassasalarini moliyalashtirishga sarmoya kiritmoqchi bo'lgan ishbilarmonlar o'z sarmoyalari samaradorligini baholay olmaydilar.

Pul taqsimoti va ajratilayotgan mablag'lar ustidan nazoratning samarali mexanizmlarini joriy etish zarur. Bu boradagi asosiy muammo "Ta'lim to'g'risida"gi va "Mahalliy o'zini o'zi boshqarish organlari to'g'risida"gi ikkita qonunning bir-biriga mos kelmasligidan kelib chiqadi. Hozirda O'zbekistonda 10 090 dan ortiq maktablar mavjud bo'lib 91 tasi xususiy mulkchilik shaklidagi umumta'lim muassasalari hisoblanadi. Mamlakatdagi koruppsion holat tufayli Ikki tomonlama hokimiyat holati yaratilmoqda: Davlat byudjeti ta'lim tizimidagi mavjud muammolar uchun mablag' ajratadi Ta'lim vazirligi standartlarni belgilaydi va o'quv dasturlarini belgilaydi, viloyat ta'lim vazirligi maktab ta'sischilari sifatida mablag'larni o'z

xohishiga ko‘ra qayta taqsimlaydi.Shu jumlada to‘xtalib o‘tish zarurki ta’lim tizimiga davlat byudjetidan ajratilgan mablag‘larni ,”talon toroj “ holati 2019- yil ma’lumotlariga ko‘ra maktabgacha ta’lim muassasalari uchun 8,7 trln. so‘m (+2,2 trln.)xalq ta’limiga 30,3 trln. so‘m (+6,5 trln.)o‘rta maxsus va oliy ta’limga 7,5 trln.so‘m (+3,1 trln. so‘m)ni tashkil etgan .

Bu chora-tadbirlarning barchasi ta’lim tizimiga mablag‘larni jalb qilish va sarflashga yondashuvni o‘zgartirishga qaratilgan. Ular sizga pul sarflashning an’anaviy modelidan investitsion modelga o‘tishga imkon beradi. Bizning hisob-kitoblarga ko‘ra, shu yo‘l bilan maktablar, qo‘shimcha maktab o‘rta va kasb-hunar ta’limi markazlarini qurish, jihozlash, qayta jihozlash uchun yirik va o‘rta biznes sub’yektlaridan qo‘shimcha 200 milliard so‘m sarmoya jalb etish mumkin. Ushbu tuzilmalar uchun kadrlar tayyorlash va qayta tayyorlash

Davlat va xususiy ta’lim muassasalariga xususiy investitsiyalar ushbu yuridik shaxslarning tashkiliy-huquqiy shaklining o‘ziga xos xususiyatlari tufayli mumkin emas, bu davlat va kommunal mulkdan foydalanishning alohida rejimini nazarda tutadi. Ushbu rejim investitsiya qilingan mablag‘larni qaytarish va ko‘paytirishning qonuniy variantlarini istisno qiladi, chunki davlat yoki xususiy muassasaga berilgan har qanday mulk davlat yoki tegishli bo‘ladi.

Haqiqatda pullik ta’lim xizmatlarini ko‘rsatuvchi nodavlat ta’lim tashkilotlariga yo‘naltirilgan investitsiyalar ta’lim sohasidagi investitsiyalar hisoblanadi. Ushbu investitsiyalarning o‘ziga xos xususiyatlari investorning ko‘rsatilgan tashkilot faoliyatida ishtirok etish zarurligini nazarda tutadi, bu holda bu foyda olish uchun rasmiy asos bo‘lib xizmat qiladi. Xususan, nodavlat ta’lim tashkilotini tashkil etuvchi investor unga ishga joylashishi yoki fuqarolik-huquqiy shartnoma bo‘yicha kontragent sifatida ishtirok etishi mumkin;

NATIJA VA MUHOKAMA

Pullik ta’lim xizmatlarini ko‘rsatishga o‘z mablag‘larini kiritgan investorning asosiy maqsadi foyda olishdir, u ta’lim sohasida mutaxassis, kasbiy bilim, tajriba tashuvchisi bo‘lishga majbur emas. Investor birinchi navbatda sarmoya sohasida professional bo‘lishi kerak. Agar kasb-hunar ta’limiga sarmoya kiritayotgan investor kadrlar tayyorlanayotgan soha mutaxassisi bo‘lsa, u ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish jarayoniga o‘z bilimi, kasbiy mahorati va malakasini kiritishi mumkin. Ushbu toifalarning o‘zlarini pul ko‘rinishida baholash mumkin emas va shuning uchun ularni investitsiyalar deb hisoblash mumkin emas, ammo investor o‘zi olgan foyda

ulushini ko‘paytirish masalasini ko‘tarishga haqli, agar mablag‘larni investitsiya qilish shaxsiy mablag‘lar bilan to‘ldirilgan bo‘lsa albatta.

1-mexanizm jismoniy shaxslarning faoliyatiga investitsiya kiritish bilan bog‘liq holda, pullik ta’lim xizmatlarini ko‘rsatishga investitsiya sifatida jismoniy shaxsga mulkni berish va ushbu mulkni investorga ma’lum foyda bilan qaytarishni o‘z ichiga olgan shartnoma munosabatlari mumkin. Pullik ta’lim xizmatlarini ko‘rsatadigan jismoniy shaxslar faoliyatining dastlabki cheklanganligi sababli (“ip ivanovi.V.” odatda ta’lim diplomlarini beradigan universitet yoki kollejni anglatmaydi), bu investitsiyalar va ularning investitsiyalaridan olinadigan foyda aniq kam bo‘ladi.

Kollejni maktablar bilan bog‘lash g‘oyasi o‘rta maktab o‘quvchilarining profilli ta’limini kollejdagi parallel kasbiy tayyorgarlik bilan birlashtirish edi.

Maktab o‘quvchilari ikki yil davomida (10 va 11-sinflar) ixtisoslashtirilgan tanlov fanlarini rivojlantirish bilan bir qatorda, kasb-hunar ta’limi dasturi bo‘yicha texnikum, litsey da haftasiga sakkiz soat qo‘shimcha ravishda o‘qidilar. Bundan tashqari, ixtisoslashtirilgan fanlar dasturlari va kasbiy tayyorgarlik dasturi o‘zaro bog‘langan va quyidagi darajalarda kelishilgan:

1. O‘rta maktab;
2. Kollej; texnikum, kasb hunar maktablari
3. Korxona ijtimoiy sherik hisoblanadi.

Barcha tomonlarning (shu jumladan ota-onalarning) manfaati aniq. Maktab o‘quvchilari to‘liq o‘rta umumiy ta’lim to‘g‘risidagi guvohnomadan tashqari, ikki yillik parallel o‘qish uchun kollejda ishchi kasbiga ega bo‘lishadi. Kollej potentsial talabalarni yaxshi tayyorgarlik ko‘rgan va eng muhimi, professional motivatsiya bilan qabul qiladi. Korxona – maktab skameykasidan boshlab, o‘zi uchun malakali ishchilar, texnik xodimlar (agar bu yigitlar kollejda o‘qishni davom ettirsa) va muhandislar (agar yana, bu yigitlar kollejni tugatgandan so‘ng universitetda o‘qishni davom ettirsa) tayyorlaydi.

Asosiy manfaatdor – bu korxona! Aynan shu uzluksiz kasbiy ta’limning belgilangan sxemasini amalga oshirishga sarmoya kiritadi. Bundan tashqari, investitsiyalar quyidagilarga yo‘naltirilishi mumkin:

1. Maktabda o‘quvchilarga ixtisoslashtirilgan ta’lim berish uchun o‘quv markazi (kompyuter laboratoriyasi, o‘quv ustaxonasi) tashkil etish.
2. Talabalarning profil va kasbiy ta’limini maqsadli moliyalashtirish.
3. Profil va kasb-hunar ta’limini ta’minlovchi maktab va kollej o‘qituvchilarining mehnatiga haq to‘lash.

4. O‘qituvchilar va professor-o‘qituvchilar malakasini oshirish va stajirovkalarini maqsadli moliyalashtirish zarur.

2-mexanizm Bu ta’lim resurslari va xizmatlariga sarmoya kiritishdan manfaatdor bo‘lgan internet platformalari Yandex kabi har qanday yirik kompaniya uchun javob beradi. Kompaniya nafaqat maktab quradi, balki qurilish va ta’mirlash bilan bir qatorda dizayn, o‘qituvchilar malakasini oshirish, maktabni yangi raqamli resurslar – elektron darsliklar va o‘yin simulyatorlari bilan jihozlashga sarmoya kiritishni ham o‘z zimmasiga oladi. Bu keng qamrovli ta’lim mahsuloti va xizmatidir.

Maktablarga sarmoya kiritishga va keyin ularni ilg‘or boshqaruv yondashuvlaridan foydalangan holda rivojlantirishga tayyor bo‘lgan o‘nlab tadbirkorlar mavjud. Bu hamma o‘qishi mumkin bo‘lgan bepul maktab bo‘ladi, lekin u yangi texnologiyalar va zamonaviy moddiy-texnika bazasiga ega bo‘ladi, mavjud davlat mexanizmlariga qo‘shimcha yoki o‘rniga xususiy investor taklif qiladi.

3-mexanizm Maqsadli kapitallarni yo‘lga qo‘yish Notijorat tashkilotlarining maqsadli kapitalini shakllantirish va ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risida" qonunga muvofiq xayriya fondlarini tashkil etish va uni yo‘naltirish

Jamg‘arma foydalanish xarajatlarini o‘z zimmasiga olishi kerak, boshqaruv kompaniyasining xizmatlari uchun to‘lov, bu maqsadli kapitalning 10 foizigacha foydalanishni nazarda tutadi. Jamg‘armalarning ishlashidagi muammolar orasida O‘zbekiston aktivlarini boshqarishning o‘ziga xos xususiyatlarini ta’kidlash kerak: boshqaruv kompaniyalari, qoida tariqasida, yil uchun strategiyani nazarda tutadi. O‘zbekiston respublikasi qonunchiligiga muvofiq jamg‘arma fondi kamida o‘n yil davomida tuziladi. Yillik boshqaruv gorizonti jamg‘arma maqsadlarini amalga oshirishga to‘sqinlik qiladi.

4-mexanizm.:Transformativ ta’limga sarmoya kiritish.

“Ta’sirli investitsiyalar” deganda “moliyaviy daromaddan tashqari ijobiy samara yaratishga qaratilgan investitsiyalar” tushuniladi .

Asosiy omil nafaqat moliyaviy va ijtimoiy natijalarning kombinatsiyasi, balki investorlarning maqsadli ravishda ijtimoiy yoki ekologik natijalarga intilishidir. Ta’sir investitsiyalari kapitalni aktivlarga, kompaniyalarga va fondlarga investitsiya qilish orqali ijobiy ijtimoiy va ekologik ta’sirlarning faol generatorlari hisoblanadi

5-mexanizm Ijtimoiy sheriklik bilimlar iqtisodiyotida ta’limni moliyalashtirishning zaruriy sharti sifatida

Bilimlar iqtisodiyoti yo‘lidan borish uchun ta’limning muhimligini anglagan holda, dunyoning aksariyat mamlakatlari hukumatlari ushbu sohani isloh qilishni

boshladilar, bu esa ta'lim va fan tizimining tuzilmasini o'zgartirishni taqozo etdi, buning uchun sharoitlar yaratildi. Integratsiya amalga oshirilishi lozim bo'lgan milliy innovatsion tizim hamda davlat, universitetlar va biznes o'rtasidagi ijtimoiy hamkorlik. Ta'lim muammolari va ularni hal etish yo'llari, uning mazmunidagi o'zgarishlar va kompetensiyaviy yondashuvga urg'u berish, ta'limda AKT ning o'rni haqidagi tadqiqotlar keyingi yillarda ilmiy jamoatchilikning tadqiqot ob'ektiga aylandi [5].

Iqtisodiyot nazariyasida ijtimoiy o'zaro ta'sir va ijtimoiy mas'uliyat tushunchalarining evolyutsiya qonuniyatlarini aniqlash ta'lim sohasidagi davlat, korporatsiyalar va universitetlarning ijtimoiy javobgarligi kontseptsiyasiaga olib keladi

6-mexanizm.Sanoat rayonlari ta'lim sohasida ijtimoiy

sheriklikning mintaqaviy asosi sifatida O'zbekistonda sanoat tumanlarini yaratish amaliyoti ta'lim sohasida rivojlantirishning samarali shakllarini yaratish mumkin.

Mexanizm quyidagicha ko'rsatilgan:sanoat okrugining boshqaruv kompaniyasi (texnopark, sanoat parki, agrosanoat parki, ko'p funksiyali park) sanoat hududida joylashgan korxona va tashkilotlarning ehtiyojlari to'g'risidagi ma'lumotlarni to'plash va umumlashtirish vazifalarin bajaradi. Turli mutaxassislik va malakadagi kadrlar bo'yicha tuman,vakillik qiladi tegishli ma'lumotlar ta'lim organlari sanoat okrugining (PO)so'nggi va manfaatdor korxonalari bilan birgalikda ta'lim muassasalarida mutaxassislar tayyorlash uchun buyurtmalar tuzadi va joylashtiradi,tinglovchilarning kasb-hunar ta'limi korxonalari va tashkilotlarida ishlab chiqarish amaliyotidan o'rin beradi, shuningdek ta'lim muassasalari bitiruvchilarini keyinchalik ishga joylashtirishni qamrab oladi. Bundan tashqari, kasb-hunar ta'limi ta'lim muassasalari bilan birgalikda ushbu hududida yoki uning manfaatlarini ko'zlab faoliyat yurituvchi boshqaruv kompaniyasi, ishga qabul qilish va kadrlar agentligi, shuningdek, PO hududidagi yirik korxonalar tashkil etadi va ta'minlaydi. Mutaxassislarni kasbiy qo'shimcha tayyorlash va qayta tayyorlash tizimining o'quv va o'quv-uslubiy markazlarining .-inkubatorlar yirik dasturiy ta'minot kompaniyalari bilan birgalikda yaratilgan bo'ladi.

XULOSA

Bugungi kunda innovatsion ta'lim tizimiga o'tish va uni moliyalashga e'tibor qarat ekanmiz avvalo eng zaruriy ta'lim bosqichi davlat maktab ta'limiga investitsiya jalb etish loyihalarni taqdim etishi lozim.Sababi hozirgi kunda asta sekinlik bilan oliy

ta’lim muassasalari o‘z-o‘zini moliyalashtirishga o‘tishi munosabati bilan ta’lim muassasalari o‘z mablag‘larini ko‘paytirish va uni o‘z ta’lim sohasi uchun eng zaruriy ehtiyojlarga sarflay oladi.Qolaversa oliy ta’limning investitsiya jalb qilish imkoniyatlari hamda mablag‘larni kengaytirish imkoniyatlari keng.Aynan maktab ta’limiga keladigan bo‘lsak aynan davlat tasarrufidagi maktablarga bunday imkonlar eshigi juda tor.Dar haqiqat hozirda ayrim muassasalari maktab mablag‘larini oshirish maqsadida pullik to‘garak , tayyorlov kurslari,hunar kurslarini tashkil etgan bo‘lsada ushbu mablag‘lar innovatsion ta’lim texnologiyalarni maktablarga joriy etish uchun juda ozlik qiladi. Shu o‘rinda ta’kidlash kerakki hozirgi kunda maktablar rivojiga sarmoya kiritish istagi oilalarda ham, biznes egalarida ham mavjud. Ammo oilaviy resurslarni jalb qilishda ijtimoiy tengsizlik muammosi tufayli ma’lum cheklovlar mavjud. Biz oilalar hissasining ko‘payishiga yo‘l qo‘ymasligimiz kerak, bu umumiy ta’limda tabaqalanishni anglatadi. Ammo biznes mablag‘laridan foydalanish kerak, ayniqsa tadbirkorlar nafaqat foyda olish uchun, balki resurslarning bir qismini umumiy ish uchun berish istagi tufayli ham bunga tayyor. Maktabning rivojlanishi aniq umumiy ish bo‘lib, u mamlakatning o‘nlab yillar davomida inson salohiyatini shakllantiradi.

REFERENCES

1. Andriessen D. Mantiqiy fikrlash Intellektual kapital. N.-Y.: Elsevier, 2004 yil. P. 13. Op. Iqtisodiyot nazariyasi bo’yicha:
2. Goryainova LV, Danilina [Ma’ruza] / Ochiq ta’lim kabi innovatsion mutaxassislarni yaratish uchun o’z-o’zini ta’lim jarayonida talabalarning kognitiv qobiliyatlarini rivojlantirish. 2010. No 3. C.
3. Ta’sirli investitsiyalar – An rivojlanayotgan aktivlar sinfi / JP Morgan, Global Impact Investing Network (GIIN) va Rokfeller jamg’armasi. – 2010. – GlobalResearch.
4. Leibovich A.N. ning rivojlanishi ta’limda davlat-xususiy sheriklik [Elektron resurs] – Ta’limda akkreditatsiya.
5. https://lex.uz/docs/-3869164
6. https://m.kun.uz/uz/news/2020/10/24/talimni-ham-investitsiya-jalb-qiladigan-yonalishga-aylantirishimiz-kerak-shermatov

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

ОИЛАНИ ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ЖИҲАТЛАРИ

https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-10-616-631

Л.Эрйигитова
Термиз Муҳандислик- технологияси институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада оиланинг ижтимоий институт сифатида шаклланишининг ретроспектив жиҳатлари муаллифнинг тадқиқотларига асосланиб баён қилинган. Оила дастлабки ижтимоий институт сифатида узоқ ва эволюцион даврни ўз бошидан кечирган. Оила барқарорлиги ва фаровонлиги жамият равнақининг асоси эканлиги қадимданоқ шарқ ва ғарб мутафаккирлари томонидан таъкидлаб келинган, барча тарихий даврларда ҳам якка никоҳли оила ривожи ўша жамият равнақида муҳим омил бўлганлиги таҳлил қилиб берилган.

Калит сўзлар: *ретроспектив жиҳатлар, оила барқарорлиги, никоҳ муносабатлари, гетеризм, уруғдошликда оила масаласи, моногам ва пунуаль оила шакли, экзогамия ҳодисаси, оила тутуми, оилапарварлик .*

АННОТАЦИЯ

В данной статье расмотренқ ретропроспективнқе аспектқ становления семьи как социального института на основе авторского исследования. Стабильность и благополучие семьи – основа развития общества. Восточными и западными учеными давно подчеркивалось, что развития моногамной семьибыло важным фактором развития этого общества во всех исторические периоды.

Ключевые слова: *репродуктивные аспекты, стабильность семьи, супружеские отношения, гетеризм, кровнородственный брак, моногамная и карательная форма семьи, семейная система, забота о семьи.*

КИРИШ

Оила инсониятнинг илк ва азалий қадрияти. У жамиятнинг кичик бўғини бўлиб, бугунга қадар турли тарихий даврларни босиб ўтди. Оила муносабатларининг шаклланиши қадимги даврлардан бошлаб илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда, у ижтимоий тизимни ташкил этувчи социал институтларнинг алоҳида функциясига эга бўлган бир бўлаги ҳисобланмоқда. Оила эволюцияси ва унинг шакллари

кишилик жамиятининг илк босқичиданоқ одамларни қизиқтириб келган ижтимоий жараёнлардан бири бўлган. Ғарбда бу борада Платон идеализмнинг асосчиси сифатида патриархат оиланинг элементар назариясининг яратувчиси ҳисобланади. У ўзининг «Давлат» асарида : «ҳар бир никоҳ давлат учун фойдали бўлиши керак.... фарзандларни тарбиялаш моногам оиланинг эмас, балки, давлат моҳияти ва мазмунига мос бўлган «жамоа оиласи» нинг вазифаси бўлиши лозим [9]».-деган хулосасини берган. Унинг бола тарбиясига умумдавлат миқиёсида қараш лозимлиги ҳақидаги фикрлари долзарб ҳисобланади. Аммо Платон қарашларида якка никоҳнинг муқаддаслиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилмаган. Кейинчалик буюк мутафаккир Аристотель илк бор оила ва никоҳ борасида эмпирик назарияга асосланган ўз қарашларини асослаб берган. У оила биологик тузилмагина эмас балки, ижтимоий гуруҳ эканлигини асослаб, бу борада педагогик, психологик ва этикага доир концепцияларни илгари сурган [10]. Аристотель Платоннинг оила ва никоҳ борасидаги айрим қарашларини танқид қилди, ундан фарқли оилани кичик давлат деб тан олган. Платон ва Аристотель ўз тадқиқотларида ўша давридаги оиланинг тарихий шаклларини таҳлил қилиб, оила шаклининг ўзгариши, аввало, шу жамиятдаги тараққиёт ва таназзул билан боғлиқлигини асослаб берганлар: улар оиланинг 3 хил шаклдаги эволюцияси ғоясини илгари сурадилар: 1. Ёввойилик 2. Варварлик. 3. Цивилизация даври [11].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсоният тарихий тараққиётида дастлабки оила шакли коммунал оилалар бўлиб, бу уруғдошлик муносабатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу даврда жинслар ўртасида тартибсиз жинсий муносабатлар ўрнатилган бўлиб, эркаклар ҳар бир аёл учун эр ҳисобланган. Жамият ривожи билан гуруҳли никоҳли оила шакли шаклландики, бунда аёлнинг алоҳида мавқейи ошди. Гетеризм [12] орқали аёл ўша жамиятда юқори мавқега эришган. Инсоният тарихидаги барча халқлар ана шу босқич – оиланинг гуруҳли никоҳ ҳолатидан индивидуал никоҳ-оила муносабатларига ўтган. Бундай оила шаклида болалар аёл тарбиясида бўлиб вояга етгачгина катта жамоага қўшилган.

[9] Платон. Государство//Сочинения. М., 1971,т.3,ч.1, 294-259 стр.
[10] Қаранг: Аристотель. Соч. Т.4, М., 1983, С. 234.
[11] Силаева Е.Г. Психология семьейных отношений с основами семейного консультирования учеб. пособие. – М., НАУКА . 2002. – С. 67.
[12] *гетеризм* – юнончадан гетера – кўча аёли маъносида қўлланилган сўз бўлиб, И.Я.Баховен томонидан илк бор оиланинг тарихий шаклини тадқиқ этишда гуруҳий никоҳ шаклланиши жараёнида жамиятда мавжуд бўлган бетартиб жинсий муносабатлар масаласида қўллаган.

Кейинчалик эндогам оила шакли вужудга келди. Бу уруғ ичидаги никоҳ шаклларига асосланган оила шакли бўлиб, уруғчилик жамиятининг энг кенг тарқалган оила шакли ҳисобланган. Айни шу босқичда ижтимоий «табу» ларнинг пайдо бўлиши билан экзогам оила шакли пайдо бўлди[13]. Бундай оила шаклида уруғ ичидаги никоҳ қаттиқ тақиқланган. Шу тариқа экзогам қабилаларининг икки хил линияси ёки фратрий – диний уруғ ташкилотлари пайдо бўлди, бунда ҳар бир эркак ва аёл ўзига бошқа қабиладан жуфтлик танлаши мумкин эди. Бу жараённи таниқли олим Э.Вестермак илмий асослаб берди, у айнан мазкур ижтимоий норма оила муносабатларини мустаҳкамлагани ҳақидаги назарий қарашларини илгари суради. Бу ҳолатдан қон-қондошлик оиласи пайдо бўлди. Бунда никоҳ гуруҳлари авлодлар ўртасида бўлинган, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги жинсий муносабатлар тақиқланган. Л.Морган Шимолий Америка ҳинду қабилалари орасида XX аср арафасида ҳам пунуаль оила шакли мавжуд бўлганлигини аниқлаган. Пунуаль оила - оиланинг шундай шаклики, унда қариндошчилик она томонидан белгиланиб, гуруҳли никоҳ – ака-укаларнинг, кейинчалик эса опа-сингилларнинг жуфтликлари билан ўрнатилган. Полигам никоҳли оиланинг пайдо бўлиши кейинги босқичда рўй берди, у кўп хотинлилик билан характерли. Бу оила шаклида болалар онага қараб белгиланганлик ҳолати сақланиб қолган. Бундай ҳолат уруғчилик тузумининг емирилиш босқичида пайдо бўлиб, аввало, жамиятдаги ижтимоий ҳолат билан боғлиқ эди. Қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар, урушлар туфайли эркаклар сони камайиб турган. Оиланинг бундай тарихий шакли қарор топган даврдаёқ болалар тарбиясига катта эътибор қаратилган. Болага она уруғи томонидан қариндошлик белгиланса да, уларнинг ёши ва қизиқиши, лаёқати, иқтидорига қараб уруғ оқсоқоли томонидан тайинланган мураббийлар ов қилиш, меҳнат қуроллари, хўжалик буюмларини ясашга ўргатишган. Оила шаклланишининг тарихий босқичида моногом оила шаклининг шаклланиши катта аҳамиятга эга бўлиб, бу муҳим ижтимоий жараён давлат пайдо бўлиши ва уруғдошлик муносабатларининг емирилиши билан вужудга келган. Моногом оилалар қадимги Шарқ мамлакатларида Европа ва ғарбдаги бошқа минтақаларга нисбатан анча илгари – эрамиздан аввалги IV-III минг йилликдаёқ вужудга келган. Мазкур оила шаклида асосан эркак ҳукмронлиги ўрнатилган бўлиб, инсоният тарихидаги дастлабки қонунлар тўплами-қадимги Месопотамиядаги Хамураппи қонунларида илк марта ўзининг ҳуқуқий асосини

[13] *экзогамия* – юнонча exo – ташқарида, gamos – никоҳ маъноларини билдиради.

топган. Мазкур қонунларда эркак ва аёлнинг тенгсизлиги, эркакнинг оила ва жамиятдаги барча устунлиги мустаҳкамланди. Бундай патриахат оила шаклида оиладаги эркак ва аёлнинг функциялари ўзгарди, аёллар асосан, бола тарбияси ва хўжалик ишларига масъул ҳисобланган, шу билан бирга оилада янгича ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар шаклланди. Эркак аёлдан итоатни талаб қилган, мулкий муносабатлардаги ҳам етакчилик отага ўтган. Бундай оила шаклида уруғ оқсоқолларининг ҳукмронлиги уруғ болаларини тарбиялаш ва аёлларга эгалик қилиш барҳам топди, жамоа укладидан якка оила уклади хўжалиги ва мулкий муносабатларига ўтилди. Бундай оила шаклида ҳар бир инсон ўз оиласи фаровонлиги ва осойишталиги учун масъул бўлди. Этнограф олимлар фикрича, оиланинг мазкур шакли қарор топсада, аввалги оила шаклининг баъзи элементлари урф-одат ва анъана кўринишида сақланиб қолган. Оила шаклланишидаги тарихий босқичларнинг барчасида кўп никоҳдан якка никоҳга ўтилиши жамият ҳаётида ижобий роль ўйнаган ҳамда ахлоқ нормалари ва инсоний муносабатлар қарор топишига асос бўлиб турли хилдаги юқумли касалликлар ва ижтимоий иллатларнинг олди олинган.

Оила шаклланишининг тарихий жиҳатларида ҳар бир халққа хос бўлган ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, қадимги Римда моногом оила тартиблари ўрнатилган бўлиб, эркак ўз аёлининг хўжайини ҳисобланган. Эркаклар оилада барча ҳуқуқларга эга бўлган, аёлнинг эса ҳуқуқлари чекланган эди, аёл хиёнати учун қатл қилиш тартибини жорий этишган.

Барча халқларда диний эътиқоднинг вужудга келиши оила шаклланиши билан бирга кечган. Аммо дунёвий дин ҳисобланган буддизм, христианлик ва исломнинг вужудга келиши оила муносабатлари равнақида ижобий роль ўйнаганлигини кузатишимиз мумкин. Барча диний эътиқодларда диний қарашларнинг илк шаклланиш босқичида – эрамиздан аввалги I-минг йиллик охирларида ўзга диндагилар билан никоҳга киришиш дастлабки даврда маъқулланган [14]. Назаримизда, бунда шу йўл орқали мазкур динга эътиқод қилувчилар сонини кўпайтириш мақсади кўзланган. Дастлаб оила қуриш шахсий иш ҳисобланган бўлсада, турли жамиятларда диний дунёқарашнинг ўрни ва роли кучайиб бориши билан оила ва никоҳ масалалари, асосан, диндорлар томонидан ҳал этилиши тартиби қарор топа бошлади. Масалан, мусулмонларда никоҳ ўқитиш орқали тузилган шаърий оилаларгина давлат ва жамият томонидан тан олинган. Муқаддас Қуръони Карим ва хадисларда оила

[14] Қаранг: Силаева Е.Г. Психология семьейных отношений с основами семейного консультирования учеб. пособие. – М.: НАУКА . 2002

муқаддаслиги ва оила қуриб яшаш тавсия этилган, оилавий ажримлар қораланган, никоҳ муносабатлари, оиланинг жамият олдидаги ва жамиятнинг оила олдидаги вазифалари кўрсатиб берилган.

Христианлик динида ҳам оила – никоҳ муносабатлари асосий қадрият даражасига кўтарилиб борган. Оила қуриш ёки бева ва ёлғиз қолганларнинг қайта турмуш қуриши, оилавий ажримлар ҳам фақат дин уламолари фатвоси билангина амалга оширилиши мумкин бўлган. Бундай тартибларга, ҳаттоки, ҳукмдорларнинг бўйсуниши ҳам шарт бўлган.

Оиланинг полигиния – кўп хотинликка асосланган шакли ҳам учрайди. Бундай оила шаклида эркак ҳукмрон ҳисобланади. Полиандрия оила шакли эса аёлнинг бир вақтнинг ўзида бир неча эркаклар билан яшаши ҳолатидир. Бундай оила шакли қадимги вақтларда кўп тарқалмаган. Аммо бугунги кунда Тибетнинг баъзи жойлари ва Гавайи оролларида яшовчи туб қабилалар орасида учрайди. Полиамор муносабатидаги оилалар ҳам мавжуд бўлиб, бундай оила шаклида никоҳ 3 киши ўртасида тузилиб, ҳозирда у “швед оиласи” номи билан аталмоқда.

Оила ўзининг муҳим жамоавий қадриятига эга. Тадқиқотларга кўра, айнан оила макроижтимоий тизимнинг эволюциясини тамин этиб келган. Оиланинг ҳар бир аъзоси ижтимоий мавқеи ва этник даҳлдорлигига қараб бўлинади. Ҳаёти давомида ҳар бир инсоннинг оиладаги мавқеи ва функцияси босқичма-босқич ўзгариб боради. Вояга етганлар учун оила ўзининг турли эҳтиёжларини қондириш манбаси, кичик жамоа, болалар учун эса психологик, эмоционал ва интеллектуал ривожланиш муҳитидир. Маълумки, ҳар бир социал институт муайян тарихий даврда ўзига хос функцияларни бажаришга йўналтирилган. Турли йўналишдаги социологлар мазкур социал институтнинг алоҳида функцияларини ўрганишга киришиб, классификациялашга уринганлар. Бу соҳада анча тўлиқ ва қизиқарли маълумотларни С.Липсег ва Д.Ландбергларнинг «Институтционал мактаб» социология манбаларидан ўрганишимиз мумкин. Классик социологларнинг назарияларида социал институтлар амал қилишига кўра иккига ажратилиб кўрсатилган: оддий ва мураккаб. Оддий социал институтнинг классик мисолида оила институтини кўриб чиқишимиз мумкин. А.Харчевнинг маълумотларига кўра, оила кишиларнинг никоҳ ва қон-қариндошлик хусусиятларига асосланган бирлашмаси бўлиб, ижтимоий турмушни шакллантириш ва биргаликда жавобгарликка кўра боғланган бўғинидир. АҚШ социологи Т.Вебленинг социал институтлар ҳақидаги концепцияси асосида эса функционал

ёндашувларни кўриш мумкин. Бунга кўра, оила – жамият аъзоларининг такрор ишлаб чиқариш функциясини бажарувчи институти. Мазкур масалани А.Миллернинг концепцияларида ҳам учратиш мумкин. Ўз даврида М.Вебер ҳам социал институтлар ва уларнинг функцияларига алоҳида тўхталиб ўтган. О.Конт ўз назариясида оилани жамиятнинг бирламчи асоси сифатида қараб чиқади, унинг келиб чиқишини инсоний муносабатлардаги табиий ҳолат деб изоҳлайди. Унинг фикрича, оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кўриниши ўз аксини топади, яъни нотенглик, тобелик ва ҳоказо. Шунга кўра, оила кичик бир давлат бўлиб, у давлатнинг шаклланиш асоси унинг модели, оиланинг социал функциялари эса жамият функцияларини акс эттиради.

П.Сорокин ўзининг социологик тадқиқотларида оилавий келишмовчиликлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида кенг тўхталиб ўтган[15]. Л.Призберг «Социал конфликтлар» асарида оилавий келишмовчиликлар ва уларнинг оқибатларини, жамият тараққиётига таъсири ҳақида маълумотлар келтириб, уларнинг олдини олиш ва оқибатларига қарши курашиш жамият олдидаги муҳим масала эканлигини таъкидлайди. Ажрим ёқасига келиб қолишни жамиятнинг ахлоқий-психологик муаммосигина эмас, балки, ижтимоий оқибати жамият барқарорлигига салбий таъсир этувчи хавфли иллат сифатида ўрганиш зарурлигини бугунги ажримлар кўрсаткичи кўрсатиб турибди. Ҳозирги замон шаклидаги оилалар ўз мазмунига кўра жуда кенг кўламга эга бўлиб, оила-никоҳ муносабатларининг барча жиҳатларини ўз ичига олади. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиб бориши оила-никоҳ муносабатларида ҳам жиддий ўзгаришлар, янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунга келиб оила ва никоҳ масалаларида турлича ёндашувлар мавжуд. Шулардан бири футурологик ёндашувдир. Футурология ёндашувга механизми социологияда янги оқим бўлиб, ўткан асрнинг 60 – йилларидан бу йўналиш мустақил фан тармоғи сифатида ривожлана бошлади. Мазкур футурологик ёндашув башорат қилиш ва прогностиканинг синоними сифатида ҳам тушунилади. Ҳозирги замон футурологик механизмидаги ёндашувларида моногам ва якка никоҳли оила тури иштирокчилари мазкур тарздаги яшаш тарзига жамоатчилик назорати аралашувини инкор этадилар. Мазкур йўналишда Д.Белл, А.Тофлер, З.Бежинскийлар яратган концепциялар ғарб футурологиясининг тадқиқотлари асосини ташкил этади. Уларнинг барчаси мазмун ва моҳияти жиҳатидан феменизмга яқин ғоялар бўлиб, улар моногам – бир никоҳли оила қуришга

[15] Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: НАУКА оборат. 1992, – стр. 272 – 273

қарши бўлиб, никоҳ ва қайси жинс билан оила қуриш ихтиёрий бўлиши кераклигига даъво қиладилар. Бу каби йўналишларни неоплатонизм оқими деб ҳам аташ мумкин. Чунки, Платон ҳам ўз давридаги моногам оила шаклини танқид қилган. Платон ўз қарашларини шарҳлашда гўёки инсон жамият тараққиёти учун ўз эҳтиёжларидан воз кечиши зарурлиги, жамоавий оилани тузишини ёқлаган. XVI-XVII аср Ғарбий Европа социал утопиясида неоплатонизм кўринишидаги ёндашув Т.Морнинг "Утопия" асари орқали кириб келган. Т.Мор ўз маданий антропологик қарашларида оила ва никоҳ масаслаларида моногам оила турини инкор этади. Унинг Платон қарашларидан фарқли оила борасида ҳам ўз утопияси орқали идеядан реал амалиётга чиқа олди, жамиятдаги оила ҳаётини танқид қилишдан кўра янги идеал жамият ижтимоий ҳаётидаги оила ҳаётини тасвирлаб бера олди. Машҳур ёзувчи Т.Кампанелло анашу ғоялар таъсирида «Қуёш шаҳри» асарини ёзди. XVI асрда Германиядаги деҳқонлар уруши даврида Т.Мюнцер тарафдорлари коммуналардан иборат оилалар тузган. Аммо бу узоққа бормаган. Бугунги футурологик ёндашув тарафдорларининг даъволарида ҳам «шахс эркинлиги» гўёки оила қадриятидан устун турмоғи зарурдир. Анашундай даъволар сабаб бугун дунёда бир жинсли никоҳлар расман баъзи давлатларда тан олинаётгандир.

Оила-никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий-юридик йўналиши, ахлоқий-эстетик, оила ва дин, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш муаммоси, оилалар сони, таркиби ва тузилиши, оиланинг моддий-иқтисодий таъминоти, турмуш даражаси, оилада эр-хотиннинг ўрни ва роли, оиладаги руҳий муҳит, оилавий мажоролар ва ажралишлар, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар муҳим социологик тадқиқот объекти бўлиб келмоқда.

Оила-никоҳ муносабатларининг тарихий шаклланиши жиҳатлари турмуш тарзи социологияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади. Зеро, оила билан боғлиқ барча масалалар кишилар турмуш тарзи таркибига киради. Аммо, оила жамиятнинг кичик бўлаги сифатида махсус социологик тадқиқотга муҳтож. Шунинг учун, никоҳнинг тарихий шаклланишини социологик назария сифатида ҳозирги давр жамият ижтимоий ҳаётини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Оила-никоҳ муносабатлари тарихий шаклланиши билан бирга унинг асосий социологик тушунчалари ҳам ривожланиб борган. Унга қуйидагилар киради: оилавий ҳаёт шароити, оила таркиби, оила функцияси, оила турмуш тарзи, оила мафкураси ва бошқалар. Бу тушунчалар оила-никоҳ

муносабатларининг энг муҳим жиҳатларини ўзида ифодалайди. Оила жамият ижтимоий таркибининг асосий элементи сифатида ўзига хос социал вазифани бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифаси оила ва унинг аъзолари ҳаёт фаолияти, фаолликни намоён қилиш усулига бағишланиб, улар қуйидагилардан иборат: биологик кўпайиш, тарбиявий, хўжалик, иқтисодий, ўзаро ёрдам, коммуникатив, регулятив кабилар. Шу билан бирга, оила функциялари ҳам мавжуд бўлиб, улар авлодни давом эттириш; бола тўғрисида ғамхўрлик қилиш; уй-хўжалик ишларини юритиш; қариялар тўғрисида ғамхўрлик қилиш; бурч ва мажбуриятларни ҳис қилиш; муомала талабларини қондириш; бўш вақтдан унумли фойдаланиш ва бошқалар.

Ўзининг тарихий шаклланиш жараёнида оила асосини никоҳ муносабатлари ташкил этиб келган. Никоҳ – тарихан вужудга келган эр- хотин ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-ахлоқий шакли. У орқали жамият эр-хотиннинг ўзаро жинсий ҳаётини тартибга солади ва оиладаги ҳуқуқ, бурчларини қонунийлаштиради. Оила эса никоҳга нисбатан янада мураккаброқ бўлиб, нафақат эр-хотин, балки уларнинг фарзандлари ва оила таркибига кирувчи қариндошларни ҳам ўз ичига олади. Оила-никоҳ муносабатларининг асосий принциплари мавжуд: якка никоҳли тамойил; никоҳнинг ихтиёрийлиги; ажралишнинг эркинлиги; оила ва оилавий муносабатларда эр-хотиннинг тенглиги; болаларни биргаликда тарбиялаш . Яна оила ижтимоий институт сифатида муайян даражаларга эга бўлади. Кўриниб турибдики, оиланинг авлод қолдиришлик функцияси жамият ҳаётида ҳам, оила мустаҳкамлигида ҳам муҳим роль ўйнайди. Оилани турли тарихий даврлардаги тараққиёти ҳақида қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

- кишилик жамиятида дастлаб гуруҳли никоҳли оилалардан индивидуал никоҳли оилага ўтилган, эндогам, экзогам ва моногам оила турлари узоқ тарихий тараққиёт босқичини бошдан кечирган;
- оиланинг тарихий шакллари инсоният тарихий тараққиёти давомида ўзгарган, оила жамоа укладидан якка хўжалик укладига ўтиб борган, полигния, полиандрия, полимар оила шакллари баъзи халқларда ҳозирга қадар ўзининг айрим кўринишлари билан сақланиб қолган;
- оила кишилик тарихий тараққиётининг неолит давридан бошлаб моногам оила шакли кенг тарқалди, айнан ана шу даврдан эътиборан, инсон ўзининг бирламчи ижтимоий роли – ахлоқ ва тарбиясини ўзлаштира бошлаган;

- ўрта асрларда ва маърифатпарварлик даврига қадар оила хусусидаги антик давр мутафаккирлари Платон ва Аристотельнинг илмий – назарий қарашлари етакчи назария бўлиб келган;
- буржуа жамияти қарор топиши билан жамиятнинг, демакки, оиланинг ҳам моддий аҳволи яхшиланган, аммо Ғарбда шаклланган «буржуа» ахлоқида ва Шарқдаги оила тутумларида ҳам эркаклар ҳукмронлиги қонуний асосини топган. Маърифатпарварлик ҳаракати пайдо бўлгач бу ҳаракат намоёндалари томонидан оиладаги тенг ҳуқуқлилик масаласи илгари сурила бошланган;

1917 йилдан Россияда, кейинроқ шарқий Европа ва ижтимоий тенгликка асосланган жамиятларда оиланинг янги тури XX асрнинг биринчи чораги охирларида пайдо бўлди. Бундай оилада тенг ҳуқуқлилик таъминласада, чинакам бахтиёр оила эмас эди. Ўша замон мафкураси бундай оила типини қанчалик оқламасин, унда одамларнинг яшаш даражаси ҳам, маданият ва таълим ҳам паст даражада бўлиб, болаларга тарбия беришда мафкура қолипидан чиқа олмаган, оиланинг маънавий психологик муҳити иделогия қолипида бўлиб, ўзининг тарихий илдизлари, миллийлиги ва қадриятларидан узилиб қолган эди. Бундай оилаларда хусусий мулк ва тадбиркорликка йўл берилмаган. Оқибатда жамият қашшоқлик ва очарчилик гирдобига тушиб қолди.

Ўтган асрнинг бошларидаёқ юртимизда пайдо бўлган маърифий ҳаракат – жадидчиларимизнинг илгари сурган илмий назарий қарашларида оила равнақи жамият равнақининг омили эканлиги, бунинг учун оилавий тарбиясини ота-она томонидан ташкил этиш муҳимлиги ҳақида таниқли педагог Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд тарбия» асарида қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтган: Тарбияни кимлар қилур?- деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбиячиси, бу она вазифасидир. Иккинчидан, бу мактаб ва мадраса тарбиясидир. Бу ота муаллим, мударрис ва хукумат вазифасидир,- деб жавоб берсак, бу бу киши деюрки қайси оилаларни айтур, билимсиз, боши паҳмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қандай олиб берурлар,-дер [16] . Мазкур фикрлари билан Абдулло Авлоний оила тарбиясида ота-она ҳамда жамиятнинг ўрни муҳим эканлигига аҳамият қаратади. Буюк педагогнинг мазкур қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Либерализм ҳукмронлик қилган жамиятларда эса оиланинг муқобил турлари пайдо бўлди, тенг ҳуқуқлиликка эришилди. Собиқ иттифоқ тарқалгач, Россия

[16] Педагогика. Ўқитувчи, Тошкент; – 1996, Б.178.

ва МДҲ таркибидаги давлатларда ҳам оила масалалари, ундаги ўзгаришлар, трансформацияси кенг миқиёсда ўрганилмоқда.

Дунёда рўй бераётган тарихий-маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, демографик ўзгаришлар оила ва оила қадриятларига таъсир этиши табиий жараёндир. Халқимиз қарамлик гирдобига тушиб қолган даврларда, аслида бизнинг маънавиятимизни йўқ қилиб, ўз мақсадларига эришиш учун, аввало, оилани барбод қилиш, оилада онанинг ўрнини йўқотишга аҳамият қаратдиларки, оқибатда оиланинг тарихий шакли сунъий тарзда ўзгартирилди.

Мамлакатимизда оиланинг тарихий шаклланиш жиҳатларини тадқиқ этишда халқимизнинг миллий ўзига хослиги, демографик ва ҳудудий жиҳатларини, инновацион тараққиёт мезонларни ҳисобга олган ҳолда, уни социал институт сифатида, авлодлар ворислигини тамин этиб берувчи, шахснинг ижтимоийлашувидаги илк маскан сифатида мустаҳкамлаш учун катта ва кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш зарурати пайдо бўлди. Бу борада академик Р.Убайдуллаева, Қ.Абдураҳмонов, социолог олимлардан М.Бекмуродов, Ш.Содиқова, А.Қаҳҳоров, М.Ғаффорова, К.Калонов, Ш.Мадаева, У.Қаюмов, М.Турсунов, демограф олимлардан И.Муллажонов, М.Қорахонов, Э.Аҳмедов, Л.Максакова, О.Саидаҳмедов, Г.Муртазина кабилар оила иқтисоди, оила маънавияти, оилада қадриятларнинг ўрни, оила демографияси ва бошқа жиҳатларига оид илмий изланишлар олиб борганлар. Масалан, иқтисод нуқтаи назаридан оила ҳам жамият иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш ва муҳим иқтисодий институт сифатида ўрганиладиган илмий объектдир. Масалан, академик Қ.Абдураҳмонов таъкидлаганидек: «Оиланинг иқтисодий қудрати, унда тадбиркорликнинг йўлга қўйилиши, даромадининг ошиши бу жамият иқтисодий ҳаёти ривожи ва бандликни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир» [17] Ш.Мадаева тадқиқотларида эса, оила ва маҳалла ҳамкорлиги, энг қадимги социал институт сифатида маҳалланинг ёш авлодни қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамияти ҳақида таъкидлаб ўтилади [18].

Оила – жамиятнинг бирламчи ўзаги сифатидаги ўрнини ҳеч қачон йўқотмади, аксинча, у ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи, жамият тинчлиги

[17] Абдураҳмонов К. Оилавий тадбиркорлик иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим фактори сифатида. журнал Общество: гендер и семья в Центральной Азии.№1,– Тошкент; 2019. – Б. 60.
[18] Мадаева Ш.О. Особенности национального воспитания в традиционной системе Узбекистана. журнал Общество, гендер и семья в Центральной Азии. № 1, – Тошкент; 2019. – 71-82 бетлар.
[19] Махмудов Т. Авесто ҳақида. – Тошкент; Шарқ, 2000. – Б. 32
[20] ўша жойда, – Б. 38.

ва осойишталигини сақловчи асосий куч сифатида яшаб келмоқда. Илк ёзма манбаимиз «Авесто»да ҳам оилапарварлик ғоялари илгари сурилган, унда оила масаласи шунчаки йўл-йўриқлар эмас, балки, авлодлар турмушининг таъминоти, серфарзанд бўлишлик тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Оила-никоҳ муносабатларини уруғ ички муносабатларини тартибга солиш зарурати билан юзага келиши «Авесто»да ўз ифодасини топган. Шунингдек, «Авесто»да оила мустаҳкамлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотиннинг мажбурияти, никоҳ тузиш ва бекор қилишнинг қонун қоидалари батафсил баён қилинган. Асарнинг махсус бобида Ахура Мазда ёки Зардўштнинг келин-куёвга даъвати, мурожаатлари келтирилган. «Унда оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш каби ҳақида ҳам қимматли мулоҳазалар мавжуд»

Ислом дини назариясида шариат илми аҳкомлари, фикҳ, ҳадисларда оила ва оилавий муносабатлар асосий ўринда талқин этилган. IX-XII аср - Ўрта Осиёдаги илк уйғониш даврида ҳам оила масалалари мутафаккирларимизнинг диққат марказида бўлган.

Буюк жаҳонгир Амир Темур ҳам ўғил уйлаш, келин танлаш, фарзанд тарбияси ва оила мустаҳкамлигини энг муҳим масалалар қаторида кўрган. Темурийлар давридаги шаҳзодалар оилаларидаги кичикдек кўринган келишмовчиликлари буюк салтанат емирилишини бошлаб берган. Оила барқарорлиги ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни оиладаги тинчликка боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлар Шарқнинг буюк мутаффаккир алломалари Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайин Воиз Кошифий, Аҳмад Дониш, Маҳмудхўжа Беҳбудий, муҳаддис олимлардан Абу Исо Термизий, Исмоил Бухорий, Махмуд Замахшарий, Абу Мансур Мотрудий ва Бурҳониддин Марғилонийларнинг назарий қарашларида асослаб берилган.

ХУЛОСА

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, аввало, соғлом фикрли, билимдон, халқ ва Ватан тақдири учун фидоий фарзандларининг кўплиги билан белгиланади. Бундай шахслар инсоний фазилатларни оила муҳитидан бошлаб ўрганадилар. Халқимизнинг кўп минг йиллар давомида шаклланган миллий оила шакли ана шундай оила шакли ҳисобланган. Демак, оиланинг ижтимоий институт сифатидаги тарихий шаклланиш жиҳатларини таҳлилидан англадикки,

ҳамма даврларда ҳам оила тирик организм сингари барҳаёт яшаб келган. Ҳар бир авлод уни янги анъаналар билан тўлдириб, бойитиб борган. Дунёнинг барча миллат ва элатларида ҳам оила қадрияти ўзига хос кўринишда яшаб келмоқда.

REFERENCES

1. Платон. Государство//Сочинения. М., 1971,т.3,ч.1, 259 стр.
2. Аристотель. Соч. Т.4, М., 1983, С. 234.
3. Силаева Е.Г. Психология семьейных отношений с основами семейного консультирования учеб. пособие. – М., НАУКА . 2002.
4. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: НАУКА оборат. 1992,

ETHNIC DIALOGUE OF THE AFGHAN PEOPLE: STABILITY ASSURANCE PROCEDURES

Djumaev Rustam
Doctor of political science, professor at Tashkent State University of Oriental Studies,
100060, Tashkent city, Amir Temur street 20,
Rustamjuma60@yandex.ru,Tel.+998 97 773 32 62

ABSTRACT

The relevance of this topic is determined by the state of the modern system of international relations, the growing interconnection of economic globalization and the world as a whole, and the situation at any point in it affects the entire globe. The development of mankind is greatly influenced by the situation in less developed countries of the world, which means that it cannot be said before what consequences the instability of the military-political situation in them will have. Afghanistan, which is experiencing the longest armed conflicts today, is a clear example of this. The civil war led to the disintegration of the Afghan people. One of the important indicators of these processes is the absence of a strong central authority and the continued ethnic division of the country. The fact that the civil war has been going on for more than 30 years testifies to the growing tension and deepening in the framework of ethnic relations. The main solution of the national issue in the socio-political life of the country is one of the difficult problems. Although the roots of this crisis date back to the long history of Afghan statehood, there was not much that it manifested itself in this appearance. Studying the ethnic and national composition of the civil war in Afghanistan will help to find the dynamics and solution of its development. The development of any qualification is directly greatly influenced by ethno-cultural processes. In this case, the analysis of the ethnic situation of the Afghan state over the past 250 years becomes extremely important.

Keywords: *ethnogenesis, pashtunocentrism, Islamic Emirate of Afghanistan, Pashtuns, Tajiks, Uzbeks.*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мавзунинг долзарблиги замонавий халқаро муносабатлар тизимининг ҳолати, иқтисодий глобаллашув ва умуман дунёнинг тобора ортиб бораётган ўзаро боғлиқлиги ва унинг исталган нуқтасидаги вазият бутун ер шарига таъсир ўтказиши билан белгиланади. Инсоният тараққиётига дунёнинг кам ривожланган мамлакатларидаги ҳолат катта таъсир

кўрсатмоқда, яъни улардаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг беқарорлиги қандай оқибатларга олиб келишини олдин айтиб бўлмайди. Бугунги кунда энг узун қуролли тўқнашувларни бошидан кечираётган Афғонистон бунга яққол мисол бўла олади. Фуқаролар уруши афғон халқининг парчаланишига олиб келди. Ушбу жараёнларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири – кучли марказий ҳокимиятнинг йўқлиги ва мамлакатнинг этник жиҳатдан бўлинишининг давом этаётганлигидир. Фуқаролар урушининг 30 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида давом этаётганлиги этник муносабатлар доирасидаги кескинликнинг ортаётганлиги ва чуқурлашиб бораётганидан далолат беради. Миллий масала мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги асосий ечими қийин муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу инқироз илдизлари афғон давлатчилиги узоқ тарихига бори тақалса-да, айнан ушбу кўринишда ўзини намоён қилганига кўп бўлмади. Афғонистондаги фуқаролар урушининг этник ва миллий таркибини ўрганиш, унинг ривожланиш динамикаси ва ечимини топишга ёрдам беради. Ҳар қандай малакатнинг ривожланишига этносиёсий жараёнлар бевосита катта таъсир кўрсатади. Ушбу холатда афғон давлатининг охирги 250 йил мобайнидаги этник вазиятини таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: *этногенез, пуштуноцентризм, Афғонистон Ислом Амирлиги, пуштунлар, тожиклар, ўзбеклар.*

INTRODUCTION

Ethnogenesis is the origin of nations. Ethnogenesis (Greek ethnos - people and genesis - birth, origin; English - ethnogenesis; German - ethnogenose) is the origin of ethnos. Ethnogenesis refers to the emergence of a new ethnic group based on several existing ethnic components. In the process of ethnogenesis, ethnos defining: territorial, linguistic and ethnocultural unity, unity of identity, ethnic name (ethnonym), socio-economic and economic unity, unity of political association, unity of religion, and a number of other ethnic signs are important. An ethno-nation is formed only when all these ethnic signs and symbols occur. The history of each nation is inextricably linked with its ethnogenesis and ethnic history Ethnic unity is a separate stable ethnic association of people formed in a certain historical period and social system.

MAIN CONCLUSIONS AND RESULTS

Pashtunocentrism, created by Afghan kavms, remained in society until 1978, with the support of the tribes of the Eastern Region and the khakimim of the

reception. The involvement of mainly Pashtuns power and the removal of representatives of other nationalities from power led to a violation of relations between Pashtuns and other few ethnic groups, and this, , led to a political crisis, this situation led to a weakening of stability in Afghanistan, as well as central power, as a result of which the issue of changing state All this together can lead to deep geopolitical consequences that are reflected in the countries around Afghanistan.

The study of ethnocultural processes in Afghanistan makes it possible to draw a conclusion about the emergence of ethnocultural factors.

Ethnic composition of the population of the Islamic Emirate of Afghanistan:

Ambassador of the Islamic Emirate of Afghanistan to the United Nations, Dr. Ravan Farhadi provides information about the ethnic composition of Afghanistan as follows. It is also necessary to take into account the Afghan society.

peoples	thousands of people	peoples	thousands of people
Iranian Group	14800	Kurds	10
Pashtuns	7500	Armoris	5
Tajiks	4800	Parachis	5
khazaras	1500	Turkish Group	1920
Char-aymaks	500	Uzbeks	1300
Firzogolis	125	Turkmen	545
djamshids	115	afshors	35
Taymons	110	Kirghiz	15
Teymurids	100	kazakhs	5
Hazara-i-Kalayi-Nau	50	Nuristan Groups	160
Indo-Aryan groups	190	Nuristan	60
Pashas	110	Bragui	45
The Punjabis	30	Arabs	35
gypsies	20	Mughis	20
Indo-tirays	20	other unknown	47
Djatis		karakalpaks	3
Baluchis	110	Uyghurs and gudjars	2
forsoar	40	jews	

Ethno-confessional composition of the population of AIA (R.By farhodi data):
National composition of the population
Pashtuns --approximately 42 %
Tajiks -- approximately.. 25 %
English - approximately.. 9 %
khazaras -- approximately..8 %
eymaks -- approximately.. 1 %
turkmen -- approximately.. 2 %
Baluchis -- approximately.. 2 %
and another -- approximately.. 4 %

According to the press service of the President of the Republic of Tajikistan Emomali Rahmon, during the meeting the parties discussed the prospects of cooperation between Tajikistan and Afghanistan.



Ethno-confessional composition of AIA (p.Information about the smell):

Afghanistan is one of the main factors contributing to the development of this nation [1]. Farkhodi

Despite the fact that in late 1992 - early 1993, the National Front detachments pushed them to the northern regions of Afghanistan, the Tajik opposition forces and their families were welcomed by the Tajik brothers and other peoples in this area.

Brotherly not only in a broad ethnic sense, but also in terms of common humanity, as many southern Tajiks are bound by kinship ties with the Tajiks of

northern Afghanistan. In Afghanistan, the inhabitants of the mountainous Badakhshan autonomous region of Tajikistan - the Pamir people: there were similar ties of kinship with the Rushans, Shugnans, Ishkashims and others who lived on both banks of the Panj (the name of the upper course of the river is Gunt) river. In addition, the inhabitants of the south of Tajikistan and the north of Afghanistan and the Turkic-speaking peoples also had close kinship ties. Uzbeks, Turkmens, Arabs and a number of other nationalities lived in both regions. Here there was not only a tribal unity, but also a unity of Uzbek tribes living on both banks of the Amudarya - Takhgan, Kungyrot, Karluq, Keneges, etc., based on family clans and kinship. [2].

It is possible to mention the ethno-territorial factor as one of the other important factors that help to understand the dynamics and state of the country's development, including political processes. The Pashtuns settled south of the Indian Kush. At the same time, in these areas, they live not in the whole area, but in some areas (more precisely, in the relief climatic areas) together with the Tajiks, Hazaris, Baluch and Baragwai peoples. In the southern part of the country, a large number of Pashtuns (belonging to the Baluch and Paraguayans) lead a nomadic and semi-nomadic life. North of Hindikush, which began to settle in the second half of the 19th century, Pashtuns are not a large number, but they play an important role in the ethno-political life of the country.

Another important fact about the ethnic sphere that helps to understand the situation today is that in Afghanistan, the ethnonym "Tajik" is not always clear, that is, sometimes groups of other ethnicities, including the Persian-speaking Pashtuns, call themselves this. These are the "northern" Pashtuns who live in Batgiz, Fariab, Takhor, Kunduz and a number of other provinces.

Turkmens live in the northwest of the country, in the provinces of Badghis, Faryab and Juzjan, neighboring Turkmenistan. Most of them settled in Balkh, Samangan, Baglan, Kunduz provinces, and the remaining Turkmen groups were located further south - in Gilman and Kabul provinces. Although Afghan Turkmens mainly belong to the Ersari and Ali-Eli tribes, there are also Sariks, Salors and Teklar groups, which are not very large in the country. The Turkmen of Herat and Badgis belong to the Teke clan, the Turkmen of Faryab belong to Salar and Sarik, the Turkmen of Juzjan belong to the Ersari clan, and the rest mainly belong to Ali-Eli and others.

The third largest group of the population of Afghanistan is the Uzbeks. According to the data of V.Bushkov in 1986, their number is 1.5 million people or 9% of the country's population (today it is more than 3 million). Uzbeks live quite

densely in the provinces bordering post-Soviet Central Asia, in the historical name of Chor-Vilayat (four provinces), formerly independent Uzbek principalities of Maimana, Akhcha, Balkh and Kunduz. These four provinces are territorially the current provinces of Fariab (the administrative center of the province is the city of Maimana), Juzjan (the center is the city of Shibirgan), Balkh (the center is Mazari Sharif) and Kunduz (Kunduz). A large number of Uzbeks also live in Takhor (Dashti Kal'a, Yangi-Kal'a, Khodzhagar, Chokhi-Obi, etc.) province adjacent to the border. [3]

The fourth largest ethnic group is the Hazaris of Mongol-Iranian origin, making up 8-10 percent. Most of them live in the mountainous Khazarjat in the central part of Afghanistan [4]

The political and economic situation in the country undoubtedly depends on social relations. It is difficult to speak of Afghans as a fully formed monolithic Ethnos, during the liberation war against Great Britain, self-realization of several levels was formed in the minds of all groups of society. National-pushtun, Tajik, Hazar et al. Confessional-Sunnis, Shiites, Ismailis. The state is Afghan. A distinctive feature is that, from ethnoconfessional origin, Kati look, not all Afghans accept ideas about the division of the country. For them, Afghanistan is a single and indivisible state. It can be understood from this that the Afghan cavms, in order to preserve their statehood, are in line with the goal of sitting at the negotiating table. But for this, the privileged part of the Pashtuns, which today is in the hands of the main power in the country, must recognize the existing ethnic-confessional problem in the country and recognize the self-identification of Afghan society as a single nation. It is also necessary to recognize other ethnic groups of Afghanistan as part of society and create an inclusive government, that is, to bring representatives of other ethnic groups of Afghanistan to power.

CONCLUSION

Taking into account these facts, it can be said that if the necessary conditions are created, we will be able to achieve the involvement of representatives of each Ethnos in Afghanistan on the negotiating table, for which the Afghan state is extremely fond of reforms in the political, social and cultural spheres:

1) even in the conuns of the Islamic Emirate of Afghanistan, it is not Kham as a whole Afghan people, since each nation is defined separately.

2) in the politics of the country, representatives of all nationalities and nationalities should participate equally.

3) the country is in dire need of reforms in the educational, health and religious and spiritual spheres.

4) the introduction of modern television and radio channels and newspapers for each Ethnos of Afghanistan, as well as the development of art and cinematography, can play an important role for spiritual inegulation.

5) providing humanitarian assistance and support for the full implementation of reforms by the countries that signed the Tashkent Declaration

6) and most importantly the loss of any foreign political and ideological pressure on the people of Afghanistan

All this creates the basis for the counter intelligence to the peace talks, which were held at the Tashkent conference.

REFERENCES

1. R.Farkhadi. https://www.nationalsecurity.ru/maps/afghanistanethno.htm.
2. Коргун В.Г. История Афганистана XX века. М.: 2004г.
3. Материалы общепартийной конференции по национальному примирению. 18-20 октября 1987 г. Кабул, 1987 г. - На языке дари. -219 с.
4. "Темирханов, Лутфи. Хазарейцы. Очерки новой и новейшей истории: учебное пособие по спецкурсу. – Душанбе: Издательство Таджикского Университета, 1978 г. - 96 с.

LOGISTIKA SAMARADORLIK INDEKSINING BAHOLASH USLUBIYATI

Abdulazizov Beg'zod Oybek o'g'li
Ikromov Muzaffar Dilmurod o'gli
TDTrU, "Transport logistikasi" kafedrasi assistentlari

ANNOTATSIYA

Mazkur tadqiqot jarayonida bozor iqtisodiyotiga salmoqli hissa qo'sha olgan va qulayligi bilan ish unumdorligini kengaytirib bergan Logistikaning ijtimoiy-iqtisodiy baholash xususiyatlari tahlil qilib berilgan.

*Logistika samaradorligi indeksi – **LPI (Logistics Performance Index)** Jahon banki tomonidan har ikki yilda bir marta e'lon qilinadi. Ushbu indeksni tanlash unga e'tiborning ichki va xalqaro logistika faoliyatini takomillashtirishni rag'batlantirishi bilan bog'liq bo'lib, bu milliy raqobatbardoshlikni oshirish uchun zarur shartdir.*

Kalit so'zlar: *Logistika, logistika samaradorligi,* logistika operatsiyalari, index.

АННОТАЦИЯ

В процессе данного исследования были проанализированы особенности социально-экономической оценки логистики, которая своим удобством внесла существенный вклад в рыночную экономику и повысила производительность труда.

Индекс эффективности логистики — LPI (Индекс эффективности логистики) публикуется Всемирным банком каждые два года. Выбор этого индекса обусловлен тем, что внимание к нему способствует совершенствованию внутренней и международной логистической деятельности, что является необходимым условием повышения национальной конкурентоспособности.

Ключевые слова: *Логистика, эффективность логистики, логистические операции, показатель.*

ABSTRACT

In the process of this research, the socio-economic assessment features of Logistics, which has made a significant contribution to the market economy and increased work productivity with its convenience, have been analyzed.

Logistics Performance Index - LPI (Logistics Performance Index) is published by the World Bank every two years. The selection of this index is due to the fact that

attention to it encourages the improvement of domestic and international logistics activities, which is a necessary condition for increasing national competitiveness.

Keywords: *Logistics, logistics efficiency, logistics operations, index.*

KIRISH

Logistika samaradorligi ko'rsatkichlarining mamlakat bozor salohiyatining rivojlanishi bilan o‘zaro bog‘liqligi aniq, ularning qiymatlari qanchalik baland bo‘lsa, savdo operatsiyalari ishtirokchilarining ichki va tashqi bozor munosabatlari shunchalik samarali rivojlanadi, bu YaIMning shakllanishiga ma’lum hissa qo‘shadi.

Logistika samaradorligi indeksini belgilaydigan 6 komponentdan foydalangan holda raqobatbardoshlikni o‘lchaydi. 160 mamlakat baholanib, ballar soni 1 va 5 oralig‘ida. Indeks so‘rovnoma asosida tuzilgan [1,2,3]. Har bir respondent logistika samaradorligining oltita asosiy tarkibiy qismlari bo‘yicha sakkizta chet el bozorini baholaydi:

- bojxona va chegaralarni rasmiylashtirish samaradorligi;
- savdo va transport infratuzilmasi sifati;
- raqobatbardosh narxlarda xalqaro transportni tashkillashtirish qulayligi;
- logistika xizmatlarining sifati va vakolatlari;
- tovarlarning o‘tishini kuzatish va kuzatib borish;
- yuklarni yetkazib berishning o‘z vaqtida bajarilishi.

O‘zbekistonning eng zaif tarkibiy qismlari bojxona (140-o‘rin) va xalqaro transport (120-o‘rin) hisoblanadi.

Bojxona va chegara rasmiylashtiruvi samaradorligi bo‘yicha O‘zbekiston 26 pog‘onani pasaytirdi.

Hozirda reytinglar olib borilayotgan jarayonlar va samaradorligini ob’yektiv barometridir. Bundan tashqari, xalqaro reytinglar ko‘rsatkichlarni yaxshilash uchun mamlakatlar o‘rtasida raqobat ruhini rag‘batlantiradi.

Xalqaro reytinglar va indekslarning o‘zaro bog‘liqligi institutsional rivojlanish mamlakat va uning fuqarolari iqtisodiy farovonligiga ta’sir etayotganini, innovatsiyalar va axborot texnologiyalarining rivojlanishi mamlakat hayotining siyosiy va huquqiy jihatlariga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi mumkinligini yana bir bor isbotlamoqda [4,5].

So‘nggi yillarda O‘zbekiston transport infratuzilmasini rivojlantirishga, shu jumladan avtomobil transporti tizimini yanada takomillashtirish va raqobatbar-doshligini oshirishga katta e’tibor qaratmoqda.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Respublikaning barcha mintaqalarining fazoviy aloqasi ta’minlandi, yo‘lovchilar va yuk transporti sohasida tizimli islohotlar amalga oshirilmoqda, shu jumladan xalqaro standartlarga muvofiq yo‘l harakati xavfsizligi va qulayligini oshirish.

Aynan ushbu keng ko‘lamli ish Jahon bankining umume’tirof etilgan xalqaro reytingida aks etadi.

Mahalliy LPI 100 ta mamlakatdagi logistika muhitini batafsil ko'rib chiqadi. Ushbu chora uchun so'ralgan logistika mutaxassislari o'z mamlakatlaridagi logistika jarayonlarini baholaydilar [6]. Ushbu ichki baholash mamlakatlarning asosiy logistika jarayonlari va institutlari, vaqt va masofa ma’lumotlari haqida batafsil ma’lumotlarni o‘z ichiga oladi. Ushbu yondashuv nafaqat portlar yoki chegaralar kabi shlyuzlarda emas, balki mamlakatlar ichidagi logistika cheklovlarini ko'rib chiqadi. U samaradorlikni o'lchash uchun umumiy logistika samaradorligining to'rtta asosiy omilidan foydalanadi:

- Infratuzilma,
- Xizmatlar,
- Chegara tartibi va vaqti, va
- Ta'minot zanjiri ishonchliligi.

2018-yilgi LPIga xush kelibsiz LPI bu mamlakatlarga savdo logistikasi bo‘yicha o‘z faoliyatida duch keladigan qiyinchiliklar va imkoniyatlarni hamda ularning faoliyatini yaxshilash uchun nima qilishi mumkinligini aniqlashga yordam berish uchun yaratilgan interaktiv taqqoslash vositasidir. LPI-2018 160 ta mamlakatda taqqoslash imkonini beradi [7].

Davlat chegaralari yoki nomlari Jahon banki hodimlari rasmiy pozitsiyasini aks ettirmaydi. Ushbu xarita tasviriy maqsadlar uchun mo'ljallangan va Jahon banki tomonidan biron bir mamlakat yoki hududning huquqiy maqomi yoki chegaralar yoki chegaralarni delimitatsiya qilish bo'yicha hech qanday fikr bildirishni nazarda tutmaydi [8].

Har qanday logistika operatsiyalari ma'lum xarajatlarni o'z ichiga oladi.

Logistika faoliyati samaradorligini tahlil qilish, olingan foyda va etkazib berish zanjirida yuzaga keladigan zararlarni o'zaro muvofiqlashtirish orqali amalga oshirilishi mumkin. Samaradorlikni baholashning asosiy mezonlariga quyidagi ma'lumotlar kiradi:

Umumiy logistika xarajatlari

Logistika xizmati sifati darajasi

Umumiy tashkiliy ko'rsatkichlar

Logistika operatsiyalarining umumiy davomiyligi

Amalga oshirilgan logistika tadbirlarining sifati va logistika xizmati darajasi.

Ushbu mezonlar korxonada operativ, taktik va strategik rejalashtirish uchun asosdir.

XULOSA

Ushbu "Logistika samaradorligi indeksi belgilash uslubiyati" mavzusidan logistik jarayonlarning qay tarzda baholanishi va logistika servisining o'z hududidagi o'rnini aniqlash usullari kabi ko'plab ma'lumotlarga ega bo'ldim.

Umumiy logistik xarajatlar, logistika xizmati sifati darajasi, Umumiy tashkiliy ko'rsatkichlar va shunga o'xshash logistik mezonlarni o'z ichiga oldı.

REFERENCES

1. veb-saytlar:https://lpi.worldbank.org/valenteshop.ru
2. https://en.wikipedia.org/wiki/Logistics_Performance_Index
3. Butunjaxon banki [Elektron resurs] http://www.worldbank.org
4. Равшанов, М. Н., Ахмедов, З. С., Ахмедов, Д. Т. У., & Юсуфхонов, З. Ю. У. (2022). ПРОСТОТА ОРГАНИЗАЦИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПОСТАВОК ПО КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫМ ЦЕНАМ. *Universum: технические науки*, (5-4 (98)), 64-67.
5. Marupov, M. M., Sh, O. B., & Yusufkhonov, Z. Y. (2022). SIMULATION MODEL FOR EFFICIENCY EVALUATION AUTOMOBILE TRANSPORT WORKS. *Проблемы современной науки и образования*, (3 (172)), 24-29.
6. Salaev, S., Akhmedov, D., & Yusufkhonov, Z. (2022). ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТАМОЖЕННОГО И ПОГРАНИЧНОГО ОФОРМЛЕНИЯ. *Главный редактор: Ахметов Сайранбек Махсутович, д-р техн. наук; Заместитель главного редактора: Ахмеднабиев Расул Магомедович, канд. техн. наук; Члены редакционной коллегии*, 19.
7. Yusufkhonov, Z., Ravshanov, M., Kamolov, A., & Ahmedov, D. (2022, June). Prospects for the development of transport corridors of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030074). AIP Publishing LLC.
8. Жураев, М. Н., Ахмедов, Д. Т. У., Мустанов, О. Г., & Юсуфхонов, З. Ю. У. (2022). ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ СОСТОЯНИЯ ДОРОЖНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ НА ХАРАКТЕР КООРДИНАЦИОННОЙ МОДЕЛИ. *Universum: технические науки*, (2-3 (95)), 19-24.

DEMOKRATIK PRINSIPLAR MILLIY O‘ZLIKNI ANGLASHNING MUHIM TUZILMASI SIFATIDA

Z.X.Saidov
M.V. Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti
Toshkent filiali Psixologiya va pedagogika yo‘nalishi
magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu ilmiy maqolada mamlakatimizda davlat hokimiyati va boshqaruvini demokratlashtirish sohasida amalga oshirilgan islohotlar, sud tizimini liberallashtirish va uning mustaqilligini ta’minlash hamda davlatning demokratik rejimi hamda odil fuqarolik jamiyatining ahamiyati ochib berish maqsad qilingan.

Kalit so‘lar: *Konstitutsiya, demokratik davlat, fuqarolik jamiyati, huquqiy davlat, totalitar jamiyat, demokratiya, respublika, prezidentlik respublikasi, suveren.*

ДЕМОКРАТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ КАК ВАЖНАЯ СТРУКТУРА НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье ставится задача раскрыть реформы, осуществляемые в сфере демократизации государственной власти и управления в нашей стране, либерализации судебной системы и обеспечения ее независимости, а также значение демократического строя государства и справедливого гражданского общества.

Ключевые слова: *Конституция, демократическое государство, гражданское общество, правовое государство, тоталитарное общество, демократия, республика, президентская республика, суверен.*

DEMOCRATIC PRINCIPLES AS AN IMPORTANT STRUCTURE OF NATIONAL IDENTITY

ABSTRACT

This scientific article aims to reveal the reforms implemented in the field of democratization of state power and administration in our country, liberalization of the judicial system and ensuring its independence, as well as the importance of the democratic regime of the state and a just civil society.

Keywords: *Constitution, democratic state, civil society, legal state, totalitarian society, democracy, republic, presidential republic, sovereign.*

KIRISH

Demokratiya so‘zi siyosiy lug‘atning eng ko‘p qo‘llaniladigan atamalaridan biridir. Bu hayotiy muhim kontsepsiya o‘zining madaniyatlararo o‘lchovi orqali va jamiyatdagi inson hayotining asoslariga taalluqli bo‘lgani uchun ko‘plab yozma sharh va mulohazalarni keltirib chiqardi; shunga qaramay, shu paytgacha siyosatchilar tomonidan dunyo miqyosida qabul qilingan, uning parametrlarini belgilab bergan yoki ko‘lamini belgilab bergan bironta matn bo‘lmagan. Bu kontsepsiya, ehtimol, dunyo miqyosidagi ko‘p tomonlama doiralarda yaqin vaqtgacha mavjud bo‘lgan oddiy yoki "rasmiy" demokratiya va "ommaviy" demokratiya o‘rtasidagi qarama-qarshilik tufayli qandaydir tarzda muzlatilgan. Hozirda Demokratiyani targ‘ib qilish xalqaro tashkilotlarning kun tartibida birinchi o‘rinda turibdi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

“Demokratiya” yunoncha so‘zdan olingan bo‘lib, “Xalq hokimiyati” degan ma’noni anglatadi. Demokratiya xalq hokimiyati siyosiy pluralism va ko‘ppartiyaviylik, hammaning qonun oldida tengligi, fuqarolarning konstitutsion huquq va erkinliklarini saqlash prinsiplariga asoslangan jamiyatni siyosiy tashkil etish shakli hisoblanadi. Demak, ma’lum bir siyosiy tizimni tasvirlaydi hamda turli mafkuralar tomonidan ham qabul qilinadi.

O‘zbekiston mustaqillikka erishgach, o‘zining mafkurasini shakllantirdiki, uning asosida milliy o‘zlikni anglash uchun keng imkoniyatlar yaratildi. Ma’lumki, o‘tgan davr mobaynida mamlakatimizda davlat hokimiyati va boshqaruvini demokratlashtirish sohasida amalga oshirilgan islohotlar o‘ta muhim bir maqsadga, ya’ni hokimiyatlar bo‘linishi konstitutsiyaviy prinsipini hayotga izchil tatbiq etish, hokimiyatlar o‘rtasida o‘zaro tiyib turish va manfaatlar muvozanatining samarali tizimini shakllantirish, markazda va joylarda qonun chiqaruvchi va vakillik hokimiyatining vakolatlari hamda nazorat vazifalarining rolini kuchaytirish, sud tizimini liberallashtirish va uning mustaqilligini ta’minlash bo‘yicha g‘oyat dolzarb chora-tadbirlarni ko‘rishga qaratilgan edi.

Bu jarayonda markaziy ijro etuvchi hokimiyatning boshqaruv tuzilmalari va ma’muriy organlarning vazifalarini o‘zgartirishga, ularning boshqarish, tartibga solish va taqsimlash Davlat hokimiyati va boshqaruvini demokratlashtirish tushunchasi, unga oid qonunlar va me’yoriy hujjatlarning mazmun mohiyati borasidagi vakolatlarini, xo‘jalik tuzilmalari faoliyatiga bevosita aralashuvini keskin qisqartirishga katta e’tibor berildi. Boshqacha aytganda, ularning vakolatlarini bozor

tamoyillariga muvofiqlashtirish va pirovard natijada davlatning iqtisodiyotni boshqarishdagi rolini jiddiy kamaytirish ko‘zda tutilgan edi.

Boshqaruv sohasini markazlashtirishni cheklash, bu boradagi vazifalarning bir qismini respublika darajasidan viloyat, tuman va shahar miqyosiga o‘tkazish, O‘zbekistonda mahalliy o‘zini o‘zi boshqarishning noyob shakli bo‘lgan mahalla tizimini shakllantirish masalalariga katta ahamiyat qaratildi. Ikki palatali milliy parlamentimizni tashkil etish masalasi bo‘yicha 2002-yil 27-yanvarda o‘tkazilgan referendum yakunlari va shu asosda “Referendum yakunlari hamda davlat hokimiyati tashkil etilishining asosiy prinsiplari to‘g‘risida”gi konstitutsiyaviy qonunning qabul qilinishi qonun chiqaruvchi hokimiyatni tubdan isloh qilishning asoslarini belgilab berdi. Bundan ko‘zlangan asosiy maqsadlar parlament tomonidan o‘z vakolatlarini amalga oshirish jarayonida o‘zaro tiyib turish va manfaatlar muvozanati tizimini shakllantirish, qonun ijodkorligining sifatini jiddiy ravishda oshirish, umumdavlat va hududiy manfaatlarning mutanosibligiga erishishdan iborat edi. Bu borada tarkib jihatidan asosan xalq deputatlari mahalliy Kengashlari vakillaridan tashkil topgan yuqori palata – Senatning hududlar manfaatlarini ifoda etishi, quyi – Qonunchilik palatasi esa o‘z faoliyatini doimiy professional asosda amalga oshirishi hisobga olinganini aytib o‘tish lozim. Ta’kidlash kerakki, milliy parlamentimizning rivojlanishida yangi parlament va uning har bir palatasining maqomi, vakolatlari va faoliyat mexanizmlari aniq belgilab berilgan “O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Qonunchilik palatasi to‘g‘risida”gi va “O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Senati to‘g‘risida”gi konstitutsiyaviy qonunlarning 2003-yilda qabul qilinishi alohida ahamiyat kasb etdi.

Bizga ma’lumki, davlatimiz mustaqillikning dastlabki kunlaridayoq mamlakatimiz o‘z oldiga erkin bozor iqtisodiyotiga asoslangan, huquqiy demokratik davlat va odil fuqarolik jamiyati qurishni asosiy maqsad qilib oldi. Buning asosiy bosh bo‘g‘inida jamiyatning har bir a’zosini huquqi, erkinliklarini ustuvor ta’minlash, erkin va farovon hayot kechirish uchun shart-sharoitlarni yaratishni maqsad qildik. Bu faoliyatimizning huquqiy asosi qilib bosh qomusimizga bo‘lmish Konsitutsiyamizda alohida normalar ham kiritildi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida:

“O‘zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy prinsiplarga asoslanadi, ularga ko‘ra inson, uning hayoti, erkinligi, sha’ni, qadr-qimmati va boshqa daxlsiz huquqlari oliy qadriyat hisoblanadi” deb belgilab qo‘yilgan[1].

Birinchi Prezidentimiz I.Karimov tomonidan 2010-yilda taklif etilgan “Mamlakatimizda demokratik islohatlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik

jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi” da bu sohadagi bir qator takliflar ilgari surildi. Davlat mustaqilligi e’lon qilingandan so‘ng O‘zbekiston “Insonparvar demokratik huquqiy davlat” barpo etish va ijtimoiy makon sifatida tushuniladigan fuqarolik jamiyatini shakllantirish yo‘lini tanladi. Fuqarolik jamiyatida “Qonun ustuvor bo‘lib, u insonning o‘z-o‘zini kamol toptirishiga monelik qilmaydi, aksincha, yordam beradi. Shaxs manfaatlari, uning huquq va erkinliklari to‘la darajada ro‘yobga chiqishiga ko‘maklashadi”. Fuqarolik jamiyati – yer yuzidagi har bir inson, har bir davlat, uning iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy rivojlanishidan qat’i nazar, erishishga intiladigan maqsaddir, fuqarolik jamiyati –adolatning tantanasi, insoniyat ijtimoiy rivojlanishining falsafasidir. Shuning uchun davlat hokimiyati va boshqaruvini demokratlashtirish sohasida amalga oshirilgan islohotlar o‘ta muhim bir maqsadga, ya’ni birinchidan, uchta hokimiyat bo‘linishi konstitutsiyaviy prinsipini hayotga izchil tatbiq etish;

ikkinchidan, davlat hokimiyatlari o‘rtasida o‘zaro tiyib turish va manfaatlar muvozanatining samarali tizimini shakllantirish;

uchinchidan, markazda va joylarda qonun chiqaruvchi va vakillik hokimiyatining vakolatlari hamda nazorat vazifalarining rolini kuchaytirish, to‘rtinchidan, sud tizimini liberallashtirish va uning mustaqilligini ta’minlash bo‘yicha tizimli va izchil chora-tadbirlarni ko‘rishga qaratilgan edi.

Davlatimizning demokratiya yo‘lidan ketganligini tasdiqlagan holda Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning yana quyidagi fikrlarni aytib o‘tishim joiz: “Faqatgina biz tanlagan bosqichma-bosqich, tadrijiy rivojlanish yo‘li xalqimiz ko‘zlagan ezgu niyatlarga erishishga, zamonaviy demokratik talablarga javob beradigan davlat, inson manfaatlari, huquq va erkinliklari eng oliy qadriyat bo‘lgan, qonun ustuvorligini ta’minlaydigan jamiyat barpo etishga olib kelishi muqarrar”[2].

Fikrning davomi sifatida Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev Inson qadri hamda huquqlari to‘g‘risidagi quyidagi fikirlarini keltirish mumkin, “Konstitutsiyamizda oliy qadriyat sifatida belgilab qo‘yilgan inson huquqlarini ta’minlash masalasi bundan buyon ham e’tiborimiz markazida bo‘ladi”[3].

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohatlarda demokratik davlat hamda fuqarolik jamiyatini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Zero, demokratiya ustun bo‘lgan joyda rivojlanish-progress bo‘ladi. Demokratiyaning zaruriyligini o‘rta asrlardanoq anglab yetishganligini, adolatli jamiyat barpo etish, fuqarolik jamiyati unsurlarini shakllanishiga doir ulkan ilmiy meros qoldirgan buyuk mutafakkirlar faoliyatidan bilishimiz mumkin. Xususan allomalarimiz, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Nizomulmulk, shuningdek g‘arb faylasuflaridan, Aristotel, Platon,

Tomas Gobass, Jon Lokk, Sharl de Monteske, Immanuel Kant, Jan-Jak Russo, Georg Gegel va boshqalarning ilmiy faoliyatini misol qilib keltirishimiz mumkin.

“Demokratiya” so‘zini ko‘p ishlatamiz. Lekin «demokratiya» haqida tushunchaga egamizmi? Uning asl mohiyatini tushunib yetishimiz uchun demokratiya haqida, kelib chiqishi haqida ham ma’lum bir ma’lumotlarni bilishimizga ehtiyoj tug‘iladi. Xususan, Buyuk yunon faylasufi Aristotel demokratiyani quyidagicha ta’riflagan edi: “Demokratiyaning birinchi ko‘rinishining xarakterli belgisi bo‘lib tenglik xizmat qiladi. Bu demokratiyaning asosiy qonuniga muvofiq tenglik shundan iboratki, mulksizlar ham, mulkdorlar ham hech narsada biron-bir imtiyozlarga ega emaslar; oliy hokimiyat unisi yoki bunisining qo‘lida to‘planmagan. Shu bilan birga, har ikkalasi – ular ham va boshqalari ham o‘zaro tengdirlar. Agar ba’zilar erkinlik va tenglik demokratiyaning muhim belgilar deb bilsalar, bu holat albatta o‘z amaliyotini asosan, hammaning davlat boshqaruvida ishtirok etishida ifodalaydi. Xalq demokratiyada ko‘pchilikni tashkil etishi sababli, ko‘pchilikning qarori hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Bu kabi davlat tuzilishi demokratiya deb ataladi”[4].

Biz davlat boshqaruv shakliga ko‘ra, Prezidentlik Respublikasi hisoblanamiz. “Demokratik” deganda esa davlatning siyosiy rejimi nazarda tutilgan bo‘lib, O‘zbekiston Respublikasi demokratiya yo‘lidan ketganligini, demokratik davlat ekanligini, demokratiya qonunlariga mos ravishda ichki va tashqi siyosatini olib borishligi nazarda tutilgan. Davlat siyosiy rejimlari demokratik va Antidemokratikga bo‘linadi.

O‘zbekiston Respublikasining demokratik davlat ekanligini O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida alohida-alohida boblarda demokratiya shartlariga rioya qiluvchi moddalar birlashtirilganligidan ham anglab yetish qiyin emas. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 1-bo‘lim, 2-bobi “Xalq hokimiyatchiligi” deb nomlanib, to‘liqligicha xalq hokimiyatini mujassamlashtirishga harakat qilingan. Misol tariqasida 11-moddada “O‘zbekiston Respublikasi davlat hokimiyatining tizimi hokimiyatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatiga bo‘linishi prinsipiga asoslanadi”[1] deb yozilganligini keltiramiz. Bu modda orqali hokimiyat bir qo‘lda to‘planib qolmaganligini ko‘rsatib berishga harakat qilingan.

Shuningdek falsafiy nuqtai nazardan qaraydigan bo‘lsak, albatta, davlat (hokimiyat)ning ijtimoiy taraqqiyotdagi rolini qayd etish bilan muammo to‘la tadqiq etilmaydi. Davlatning butun ijtimoiy o‘zgarishlardagi o‘rnini, u amalga oshirgan islohotlarning kishilar, xalq hayotida aks etishini, ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va ma’naviy hayotdagi yangiliklarni ham ochib berish darkor.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, hokimiyat,shaxs, qonun bir-biriga bog‘liq subyekt va obyekt sifatida demokratik taraqqiyotning nafaqat maqsad va mexanizmlarini belgilab, ta’minlab keladi, shuningdek, ular uyg‘unligi ijtimoiy o‘zgarishlarga, rivojlanishga impuls, turtki beradi, oxir natijada esa demokratik taraqqiyot ko‘rsatkichi sifatida namoyon bo‘ladi. Ulardan birortasi ham e’tibordan chekkada qolmaydi, ular o‘rtasidagi uyg‘unlik, dialektik bog‘liqlik, bir-birini mudom taqozo etib kelish demokratik jamiyatni jonli, dinamik rivojlanishga moyil qiladi. Ushbu rivojlanish mudom davom etadigan jarayondir, jamiyat bir joyda muqim, turg‘un to‘xtab qolmaganidek demokratik taraqqiyot ham davr talablariga muvofiq rivojlanib, hayotiy, siyosiy tajribalar bilan boyib boradi.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Adolat nashriyoti - 2021. 13-modda.
2. Karimov I.A. “O‘zbekistonning o‘z istiqlol va taraqqiyot yo‘li" T.I.-T.: O‘zbekiston,1996.
3. Mirziyoyev. Sh. M. “O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag‘ishlangan marosimdagi ma’ruzasi” 7 dekabr 2016-yil.
4. Aristotel. “Organon”. Moskva. 1994-y

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТЛАРИ ДАВОМИДА ЎҚУВЧИЛАР ОНГИДА АТРОФ-МУҲИТ ВА ОЛАМ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ШАКЛЛАНТРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тоштемирова Муаззам
Фарғона давлат университети
Зоология ва умумий биология кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчилар фаолиятлар давомида ўқувчиларда атроф-муҳитга олам ҳақидаги тасаввурларининг шакллантриш. Бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқувчиларда атроф-муҳитга бўлган масъулятли муносабатни шакллантиришда концептуал билим, экалогик тасаввур қилиш, психологик ва педагогик тадқиқотлардаги табиатни англашга оид инсон тасаввури ва табиатдан оқилона фойдаланиш тушунчаларининг қандай боғлиқлигини аниқлаш ва таҳлил қилиб ўтиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

***Калит сўзлар**: концептуал билим, хотира эстетик , ҳис-туйғули-аҳлоқий*

АННОТАЦИЯ

В данной статье в ходе деятельности будущих учителей формируется представление учащихся об окружающем мире. Показано, что необходимо определить и проанализировать, как понятия понятийного знания, экологической агрессии, психолого-педагогические исследования, связанные с познанием природы и рациональным природопользованием, связаны с формированием инвалидности младших школьников. учителей к окружающей среде.

***Ключевые слова:** понятийное знание, эктическая память, эмоционально-нравственное.*

КИРИШ

Тасаввур аниқ хусусиятга эга эмас, балки хусусий жиҳатлари унга ёркинлик ва ҳаётий тўлиқликни беради. Хотира, ирода, фикрлаш, эстетик ва аҳлоқий ҳис-туйғуларнинг ривожланиши билан хаёлот ҳам ривожланади. Унинг асосида тасаввурларни умумлаштириш бошланади, уларнинг фотографик хусусиятлари бартараф этилади. 3-4 ёшли болаларда тасаввурлар ўртасида мантиқий боғланишнинг йўқлиги ва уйғунлашишларнинг боғланишлари заифлиги тасаввурларнинг бирор тасодифий марказлар атрофида гуруҳларга ажратилишига олиб келади. кўрсатилган ёшдаги болаларни айниқса ҳайратлантирган объектлар шундай марказ бўлиб хизмат қилади.

Тасаввурларни бундай гуруҳларга ажратишни у такомиллашмаган деб ҳисобш мумкин.

Билиш жараёнида тасаввурлар ва тушунчаларнинг турли ролларини аниқлашда тасаввурни тушунчадан узиб бўлмайди. Тасаввур билан тушунча ўртасидаги боғланишни амалга ошириш воситаси деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот доирасида тасаввурларнинг образлари эслаб қолинадиган матннинг маъносини ташувчиси бўлиши мумкин, деб таъкидлаган. Образларнинг хусусий тавсифи уларнинг умумий аҳамият касб этишига ва шу сабабли матнни эслаб қолишда таянч функциясини бажаришига ҳалақит қилмайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

С.Л. Рубинштейн образнинг мавҳумлаштирилиши ва қайта қурилиши аҳамиятлисига тасаввурларда олдинги қаторга чиқиш, аҳамсиятсизини эса орқа қаторга кўчириш имконини беради. Муаллиф фикрлашни фаоллаштиришда тасаввурларнинг ижобий ролини таъкидлайди [84].

Х. Зокирова ўз тадқиқотлари доирасида “Атроф олам ҳақидаги тасаввурлар”нинг тушунчасини ўрганишда боланинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш, фазовий белгиларнинг фарқи, мавҳумлаштирилиши ва умумлаштирилиши, шунингдек уларнинг оғзаки шакли ва расмда график тарзда гавдалантирилиши катта роль ўйнайди, деб ҳисоблайди. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришда поғоналар кўрсаткичи сифатида муаллиф фазовий белгилар ва муносабатларнинг фарқлари даражасини кўрсатади: уларнинг сўз орқали белгиси, фазовий ва миқдорий тасаввурларнинг боғланишида намоён бўлади деб ифодалайди [52].

Г. Хасанбоева ўқувчиларнинг геометрия ва география элементларини ўзлаштришида (III ва IV синфлар) фазовий тасаввурларни шакллантиришни ҳамда бу жараёнда амалий ўлчашлар ва образ-сўз уйғунлашуви ҳосил бўлишининг ролини ўрганган [110]. Муаллиф ўқувчиларда типографик тасаввурларни шакллантиришда амалий ишларнинг ролини аниқлаган

Н. Ашурова бошланғич синф ўқувчиларида меҳнат дарсларида чизмалар ва андозалар билан ишлашда тасаввурлар образларини шакллантиришни тадқиқ қилган. Муаллиф ўқувчиларнинг динамик тасаввурлар билан ишлашдаги, чизмаларни тузиш учун яхлит предметнинг образи асосида предметнинг ярмини, чизмани ўқишда эса – чизмада тасвирланган предметнинг ярми

асосида яхлит предметни тасаввур қилиш зарур бўлганда дуч келадиган қийинчиликларни аниқлаган [32].

Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш бўйича тайёргарлигини такомиллаштиришда эътиборга олиш лозимки, табиатдан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш жараёнида болалик йиллари – мактабгача ва айниқса, бошланғич синф даври муҳим ўрин эгаллайди. Экологик тарбия таълим тизимида бошланғич мактабнинг ролини ва ўрнини аниқ тушуниш атроф муҳит соҳасида бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг бутун таълим тизимини такомиллаштириш атроф-муҳитга бўлган муносабатини эркин намоён қилиш орқали ўқувчилар фикрини аниқлайдилар.

Ҳозирги кунда энг янги психологик-педагогик тадқиқотлар ёш авлод тарбиясини даврий аниқлаштирган ҳолда ташкил этиш асосида умумий ўрта таълим мактабларининг роли ва аҳамияти, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқувчилар ижтимоий, таълимий ва тарбиявий имкониятлари аниқлаб улар билан машғулотларни ташкил этиш асосида олиб бормоқда.

Болалик боланинг жадал ривожланиш, атроф олам ҳақидаги билимларни тўплаш, табиатга ва одамларга кўп қиррали муносабатларни шакллантириш даври ҳисобланади. Психологлар тадқиқотлари бошланғич синф ўқувчиларида юқори даражали психологик ривожланишни, мавҳумий фикрлашни, ижтимоий ва табиий муҳитда хулқ маданиятини шакллантириш имкониятини исботлайди. Замонавий бошланғич синф ўқитувчиси кўпинча ўзини фаолиятли тарбия субъекти сифатида намоён қилади. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларга билим беришда уларнинг ёш даврларини инобатга олган ҳолда олиб боришидан уларнинг ҳиссиётларга берилиш ва қизиқувчанлик хослиги, бу эса ўзига, инсонларга табиий ва ижтимоий муҳитнинг ҳолатига қизиқиш намоён қилишнинг ўзига хос шароитларини яратади. Шунинг учун ҳам бошланғич мактаб – бу болаларнинг атроф муҳитга инсоннинг табиий ва ижтимоий муҳитини ҳис-туйғули ва оқилона билишнинг бирлиги асосида илмий-билиш, ҳис-туйғули-аҳлоқий, амалий-фаолиятли муносабатларининг шаклланишида муҳим босқич ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш бўйича тайёргарлигини такомиллаштириш яна бир муҳим жиҳат бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларга билим беришда табиатдан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш

учун боланинг атроф олам билан ўзаро алоқасининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга мурожаат қилиш зарурлиги, бунда бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқувчиларга табиатдан оқилона фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришда ўз билим ва имкониятлари орқали аниқлаш лозим.

ХУЛОСА

Маълумки, ҳар бир ёш “ижтимоий ривожланиш вазиятининг” ўзига хос хусусиятлари, яъни болада мазкур даврда мавжуд бўлган индивидуалликлар билан унга таъсир қилувчи омиллар, муҳитнинг минтақавий хусусиятлари ўртасидаги маълум муносабатлар билан тавсифланади, бу эса ушбу ёшдаги болалар учун умумий бўлган хулқнинг ва руҳиятнинг ўзига хос жиҳатларини юзага келтиради. Бироқ бу табиий зеҳн ва индивидуал турмуш тарзи билан белгиланадиган руҳий қиёфанинг ўзига хослигини, ҳар бир боланинг такрорланмаслигини инкор этмайди.

REFERENCES

1. Тихонова А.Е. Методические основы экологического образования младших школьников; Автореф, дис ... док, пед. наук. / А.Е. Тихонова -М, 1989.-35 с.
2. Трофимова В.Л. Природопользование. Толковый словарь / Трофимова В Л. – М. Финансы и статистика, 2002. - 184с.Тўраева М.Ҳ. Экология ва ҳаёт. – Т.: Ибн Сино нашриёти. 1998. 37-б.
3. Турғунов С. Умумтаълим муасасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари: пед. фан. докт... дисс. –2007
4. БеликовИ.Ф. Вопроси биологии и возделования сои - В кн: Биология возделывания сои. Владивосток 1991г с 12-25.
5. Lutsenko E.K., Kogan A.Yu. Preparing students of pedagogical specialties for environmental education of students / / Actual problems of teacher training at the university. Rostov-on-Don: Publishing house of the Rostov University, 1991.P. 78-86.

SHARQ ALLOMALARI ILMIY MEROSIDA HARBIY KADRLAR MASALASINING YORITILISHI

Mullajonov Islomjon Yuldashevich
O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlar
Akademiyasi mustaqil izlanuvchisi

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada sharq mutafakkirlarining oila, unda farzand tarbiyasi, yosh avlodni har tomonlama yetuk, barkamol va vatanparvar etib kamol toptirish haqidagi qarashlari va fikr-mulohazalari bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: *Tarbiya, burch, vatanparvarlik, insonparvarlik, sadoqat, odamiylik, ma’naviy salohiyat, intellekt.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье описаны взгляды и мнения восточных мыслителей о семье, воспитании в ней детей, воспитании молодого поколения зрелыми, зрелыми и патриотичными во всех отношениях.

Ключевые слова: *Воспитание, долг, патриотизм, человечность, верность, человечность, духовный потенциал, интеллект.*

ABSTRACT

This article describes the views and opinions of Eastern thinkers about the family, raising children in it, raising the young generation to be mature, mature and patriotic in all aspects.

Keywords: *Education, duty, patriotism, humanity, loyalty, humanity, spiritual potential, intellect.*

KIRISH

Ulug‘ mutafakkirlar, olimu fuzalolar, aziz-avliyolar Vatani bo‘lmish O‘zbekistonimizda keyingi vaqtlarda xalqimizning ezgulikka yo‘g‘rilgan an’analari, urf-odatlarini qayta tiklash hamda rivojlantirish, muqaddas qadamjolar va obidalarni obodonlashtirish, yosh avlod va harbiy kadrlarni boy tariximizga hurmat, vatanparvarlik va odamiylik fazilatlari ruhida voyaga yetkazishga alohida e’tibor qaratib kelinmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Biz ta’lim va tarbiya tizimining barcha bo‘g‘inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o‘zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz”, – degan fikri, shuningdek, Fitratning “Xalqning aniq maqsad sari harakat qilishi, davlatmand

bo‘lishi, baxtli bo‘lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo‘lishi yoki zaif bo‘lib xorlikka tushishi, baxtsizlik yukini tortishi, e’tibordan qolib, o‘zgalarga tobe va qul, asir bo‘lishi ularning o‘z ota-onalaridan bolalikda olgan tarbiyalariga bog‘liq”, – degan fikrlariga davlatimiz rahbarining alohida urg‘u berishi zimmamizda xalq manfaatlari, farzandlar kelajagi, ularning tarbiyasiga oid mas’uliyat nechog‘li yuqori ekanidan dalolatdir. Zero, farzandlar bizning kelajagimiz, ular ota-ona va ajdodlarimiz ishining davomchilari hisoblanadi.

Yana Prezidentimiz e’tirof etganidek: “O‘z milliy tarixi va madaniyatiga, dunyoda eng katta boylik bo‘lgan intellektual va ma’naviy salohiyatga chuqur hurmat bilan yondashish, uni asrab-avaylash va boyitish, shu asosda yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash jahondagi har bir davlat va jamiyatning moddiy va ma’naviy taraqqiyotida, hech shubhasiz, hal qiluvchi o‘rin egallaydi”[2]. Ushbu qo‘llanmadan ota-onalar, mahalla faollari, ta’lim muassasalari va yoshlar foydalanishi nazarda tutilib, mutafakkirlarning milliy fazilatlar, qadriyatlar, odob-axloq, tarbiya haqidagi fikr-mulohazalari, o‘gitlari va hikmatlari tahlillar asosida yoritildi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Farzand komilligi, uning tarbiyasi, sog‘lomligi, milliy qadriyatlarga, Vataniga bo‘lgan muhabbati kabi masalalar ko‘tarilganda, mutafakkir Abdulla Avloniyning “Tarbiya biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidur,” – degan ma’noli fikrlari naqadar haqiqat ekanligini anglaymiz. Tarbiyaning o‘chog‘i bo‘lgan oila – har bir xalqning, millatning davomiyligini saqlovchi, milliy qadriyatlarning rivojini ta’minlovchi, ma’nan va jismonan barkamol avlodni dunyoga keltirib, tarbiyalab, vatanparvar yurt himoyachilarini voyaga yetkazuvchi muqaddas makondir. Inson ilk tarbiyani oiladan, mehr qo‘ridan, onaning suti va o‘ziga xos allasidan oladi. Uning ta’siri odam tabiatiga, qalbiga mustahkam joylashadi. Farzandning komilligi, ruhiyati, mehribonligi, odobi har bir oilada belgilangan ichki, o‘ziga xos qonun-qoidalari asosida shakllanib boradi. Prezidentimiz ta’kidlaganidek, “Barchamizga ayonki, yurtimizdagi har qaysi inson har qaysi oilaning eng ezgu orzu-maqsadlari, hayotiy manfaatlari, avvalambor, uning farzandlari timsolida namoyon bo‘ladi, ro‘yobga chiqadi”[3]. Bunda farzandlarning ma’naviy tarbiyasi masalasi ham muhim o‘rin tutadi. Ma’naviyat so‘zini izohlagan olim Safo Ochil: “Ma’naviyat” deganda, inson xulq-atvorining go‘zalligi, saxovatliligi, olijanobligi, va’dasiga vafodorligi, hayoliligi, bilim olishi, donoligi, bag‘rikengligi, odobliligi, ozoda va pokizaligi, qalbining beg‘uborligi,

xushmuomalaligi va shu singari yoqimli urf-odatlar tushuniladi,"[4], – degan fikrni ilgari suradi.

Mutafakkir Mavlono Sodiq Qoshg'ariy (XV asr) "Odobiya" asarida ustoz bo'lishning 400 dan ortiq qoidalarini bayon qilgan[5]. Bulardan eng muhimlarini ta'kidlab o'tamiz.

1. Ustozlikka da'vogarning avvalo bo'g'zi toza bo'lsin. Ustoz halol yeb, halol ichishi kerak. Aks holda uning so'zlari yolg'on bo'ladi.

2. Ustoz pokdomon bo'lsin. Ustoz kamtar va mag'rur bo'lishi kerakki, oddiy odamlar unga murojaat qila olishi va nopoklar uni bo'ysundira olmasligi kerak.

3. Ustoz zinda dil bo'lsin. Tirikko'ngil odam ruhiyatshunos bo'lib, inson shaxsini yaxshi tushunadi, hayotga optimal qaraydi, o'z kasbini sevadi. Bu o'rinda shaxs psixologiyasini yaxshi tushunish haqida so'z bormoqdaki, uning zamirida ko'ngil ko'zi yumuq odamning tarbiyachi bo'la olmasligiga ishora bor.

4. Ustoz nazarkarda bo'lsin. Ya'niki, Ustoz shogirdining issiq-sovug'idan, yurish-turishidan va fikru zikridan xabardor bo'lishi lozim.

Ustoz shogirdini turli usullarda tarbiyalaydi. Kimdir 20 yil, yana kimdir 7 yil tarbiya olishi mumkin. Jumladan, mashhur Bahouddin Naqshband ustozlari qo'lida bor-yo'g'i 7 yil tarbiya ko'rgan, xolos. Ta'kidlash joiz, qadimda agar ustoz shogirdining iste'dodini tarbiyalashga o'zini ojiz sezsa, uni darhol o'zidan kuchliroq ustoz huzuriga yuborgan, oki shogirdning yo'liga to'g'anoq bo'lmaslik uchun[6]. Bundan ko'rinadiki, farzand tarbiyasida, eng avvalo, ustoz tarbiyachilarimizning o'zlari tarbiyaning talablariga to'la javob beradigan, baxtli-saodatli, o'z oilasi va mavqeiga ega, ma'naviy barkamol, xushxulqli, go'zal muomalali, bugungi zamonaviy talablarga javob bera oladigan, farzandlar ko'ngliga yo'l topa oladigan bo'lishlari ham muhim ekan.

Yosh ofitserlar tarbiyasi, kelajagi va manfaatlari haqida so'z borganda "Bundan uch yarim ming yil ilgari yashab o'tgan fir'avnlardan birining qabrtoshi ustiga "Yoshlarimiz o'jar va qaysar, keksalarning aytganini nazar-pisandga olmaydi, ajdodlar qad riyatlarini inkor etadi[7].– degan so'zlarning bitib qo'yilgani yoshlar tarbiyasi bashariyat taraqqiyotining barcha davrlarida hozirgidek asosiy muammolardan biri bo'lib kelganini tasdiqlaydi.

Amir Temur (1336-1405) – o'zbek davlatchiligini eng yuksak pog'onaga olib chiqqan buyuk shaxs. U o'z hayot faoliyati davomida doimo o'zining "Kuch – adolatda" degan shioriga amal qilgan holda ish yuritgan. Amir Temur farzandlari, nabiralari, yaqinlarining tarbiyasiga alohida e'tibor qaratgan.

Nabiralarini tarbiyalashda Amir Temurning rafiqasi Saroymulkxonim bosh-qosh bo‘lgan. Saroymulkxonim shahzoda va malikalarni halol, mehnatsevar, aqlli, dono, odob-axloqli, mo‘min va mo‘minalar qilib tarbiyalagan. Amir Temur va Saroymulkxonimning tarbiyasini olgan Mirzo Ulug‘bek dunyoga mashhur qomusiy olim bo‘lib yetishdi va aqlu zakovati bilan ilm ahlini lol qoldirdi. Amir Temurning markazlashgan davlatini, mehnatkash xalqini ko‘rolmaydigan davlat atrofidagi dushmanlar ko‘p bo‘lgani uchun ham sohibqiron harbiy yurishlar olib borishga majbur bo‘lgan. Uning yozishicha, o‘z yumushlarining o‘ndan to‘qqizini murosa-yu madora asosida hal qilgan. Tanho o‘ndan bir hissa ishlarda iloj topmagach, kuch ishlatishga majbur bo‘lgan. Eng muhimi, Amir Temur qonun ustuvorligiga katta e’tibor qaratgan. Bunga Amir Temur tartib bergan “Temur tuzuklari” yorqin misol bo‘la oladi. Sohibqiron davrida qonunlar barcha uchun barobar bo‘lgan. Hatto uning ba’zi bir o‘g‘illari va nabiralari qonundan tashqari noloyiq ish qilganlarida ular qattiq jazolanganlar. Amir Temur qattiqqo‘l va shu bilan birga adolatparvar davlat arbobi bo‘lgan. Amir Temurning “Temur tuzuklari” nomli kitobida uning adolatparvarligi va har bir ishga mas’uliyat bilan yondashganligini ko‘rish mumkin. Ushbu tuzuklardan barchamiz turmush tarzimizda, farzand tarbiyasida, oilada ichki qonun-qoidalar o‘rnatishda va tarbiyada ma’naviy meros, milliy qadriyat sifatida foydalanishimiz maqsadga muvofiqdir.

Barkamol inson, uning tarbiyasi haqidagi yuksak g‘oyalar bayon qilingan zardo‘shtiylarning muqaddas kitobi «Avesto»ning tub ma’no - mohiyatini belgilab beradigan “Ezgu fikr, ezgu so‘z, ezgu amal” degan tamoyilni oladigan bo‘lsak, unda hozirgi zamon uchun ham behad ibratli saboqlar borligini ko‘rish mumkin.

Somoniylar davrining ulkan shoiri, mutafakkiri Abu Abdullo binni Ja’far Ro‘dakiy komil inson to‘g‘risida quyidagi misralarni yozib qoldirgan:

To‘rt narsani berdi menga oqillarcha o‘ylamoq:
Tansihatlik, yaxshi odat, yaxshi nom, yaxshi fikr.
Tangri kimga qilgan bo‘lsa bu to‘rt narsani nasib,
Mangu shodlik bilan yashab, g‘am yemasa ham arzir[8].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida O‘zbekistondagi Islom Madaniyati Markazini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarorida “Ulug‘ ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan va bugungi kunda butun ma’rifat olamini dunyoni hayratga solib kelayotgan ilmiy meros faqat bir millat yoki xalqning emas, balki butun insoniyatning ma’naviy mulki bo‘lib, bu bebaho boylik yangi va yangi avlodlar uchun donishmandlik va bilim manbai, eng muhimi, yangi kashfiyotlar uchun mustahkam zamin bo‘lib xizmat qilishi

shubhasizdir", deb ta'kidlagani barchamizni ruhlantirib, bu masalaga yanada mas'uliyat bilan yondashishimiz zarurligini ko'rsatmoqda[9].

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytishim mumkinki, bugungi kunda harbiy kadrlarni tarbiyalashda, ularning ma'naviy dunyoqarashini kengaytirish va boyitishda, mutafakkirlarning fikr-mulohazalari, pand-nasihatlari, hikmatlaridan foydalanish va barkamol insonni voyaga yetkazish barchamizning burchimizdir.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. 2016. 8 dekabr. "Xalq so'zi" gazetasi.
2. Mirziyoyev Sh.M. 2017. 24 iyun. "Xalq so'zi" gazetasi.
3. Mirziyoyev Sh.M. 2016. 8 dekabr. "Xalq so'zi" gazetasi.
4. Safo Ochil. Mustaqillik va tarbiya masalalari. "O'zbekiston", 1995.
5. M.S.Qoshg'ariy. Odob saboqlari. "Sharq Yulduzi", 1991. 1-son. Fors tilidan N.Komilov tarjimasi
6. Sh.Abdujalilova. Abdurauf Fitratning oila va bola tarbiyasiga oid qarashlari. T., "Yozuvchi", 2002. B.16.
7. P.Taranov. Ensiklopediya visokogo uma. M., 1999. B-16.
8. Ro'dakiy. T; 1967, B. 67.
9. Mirziyoyev Sh.M. 2017. 24 iyun. "Xalq so'zi" gazetasi.

YOSHLARIMIZ ONGIDA MADANIYAT TUSHUNCHASINI SHAKLLANTIRISHDA AUROBINDO GXOSH G'OYALARINING ROLI VA AHAMIYATI

https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-10-654-657

Shakambarov Abdurashid Abdujabbarovich
Termiz muhandislik texnologiya instituti
"Ijtimoiy gumanitar fanlar" kafedrasi assistenti
a.shoqambarov@mail.ru

ANNOTATSIYA

Maqola Aurobindo Gxoshning madaniyat va sivilizatsiya haqidagi qarashlarini tahlil qilish va uning g'oyalarining milliy mafkuramiz shakklanishidagi ta'sirini o'rganishga bag'ishlangan. Mutafakkir g'oyalarining bugungi kun bilan bog'liqlik darajasi atroflicha ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: *Aurobindo Gxosh, madaniyat, sivilizatsiya, ziddiyat, ommaviy madaniyat, sharq madaniyati, Forobiy va Navoiy qarashlaridagi ideal ijtimoiy tuzilma, ijtimoiy muhit.*

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена анализу взглядов Ауробиндо Гоша на культуру и цивилизацию и влиянию его идей на формирование нашей национальной идеологии. Актуальность идей философа на сегодняшний день была тщательно исследована.

Ключевые слова: *Ауробиндо Гош, культура, цивилизация, конфликт, массовая культура, восточная культура, идеальная социальная структура в представлениях Фароби и Навои, социальная среда.*

KIRISH

Jamiyat yoki millatning madaniyati atrof-muhitga, qadriyatlar va e'tiqodlarga bog'liq. Dunyo bo'ylab madaniyatlar turfa xil bo'lsa-da, qadimdan sharq madaniyatidagi g'oyalar uyg'un, hamohang ruhda bo'lgan. Inson ruhiyati va ma'naviy olami birinchi o'ringa qo'yilgan va insoniyatning kelajagi bugungi qilgan ishlari bilan belgilanadi, deb hisoblangan. Bunday qarash sharqning g'arbdan asosiy farq qiluvchi jihatlaridan biridir. Kelajak avlodga yuksak madaniy meros qoldirish uchun qadriyatlarni zamon bilan uyg'unlashtirish bilan birgalikda yot unsurlardan ham himoya qilib borish va ko'z qorachig'iday asrab-avaylash kerak. Sharq mutafakkiri Aurobindo Gxoshning g'oyalarini xususan, "Hind madaniyati asoslari"

asarini tahlil qilar ekanmiz muallifning barcha fikrlari biz uchun ayniqsa mafkuramizni shakllantirishimiz davrida diqqatga sazovor ekanini qayd etish o‘rinlidir. Muallifning qarashlari hamon dolzarbligini yo‘qotmagan, ayniqsa zamon shiddat bilan oldinga ildamlayotgan va yangicha madaniyat shakllanayotgan bir davrda o‘z ahamiyatini saqlab qolgan.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Dunyoda turli xil qadriyatlarni e’tirof etadigan xalqlarning mavjudligi nafaqat jahon sivilizatsiyasining ma’lum bir simfoniyasini beradi, balki to‘qnashuvlarga ham olib keladi, chunki “qarama-qarshilik qonuniga ko‘ra, moddiy olam hayotining asosiy qonuni boshqacha, madaniyatlar to‘qnash kelmasligi mumkin emas. Tabiatning o‘ziga xos bo‘lgan kengayish zarurati sivilizatsiyani tarqalishiga va tasodifan ularga begona boshqa madaniyatlarning elementlarini yo‘q qilishga yoki o‘zlashtirishga undaydi“.[148] Bundan kelib chiqadiki, bizning madaniyat ham o‘zidan kuchli bo‘lgan madaniyatning unsurlarini o‘zlashtirishga va uyg’unlashishga yoki uning tarkibiy qismiga aylanishga mahkumdir.

Aurobindoning fikriga ko‘ra ziddiyat hech qachon ideal holat emas. Ideal, uning fikriga ko‘ra, har bir madaniyat o‘z yaxlitligini saqlab qolgan holda o‘zini yagona dunyo jarayonining bir qismi sifatida anglagashi hamda turli madaniyatlarning tinchlik va o‘zaro hurmat muhitida erkin yashashidir. “Biroq, qarama-qarshilik prinsipi hukmronlik qilar ekan, quyi qonunning amal qilishiga bo‘ysunish kerak: jang paytida qurol tashlab qo‘yish o‘limga olib keladi. O‘zining jonli o‘ziga xosligidan voz kechgan madaniyat, faol tarzda o‘zini-o‘zi himoya qilishni e’tiborsiz qoldiradigan sivilizatsiya, albatta, boshqalar tomonidan yutib yuboriladi va shu bilan birga, ruhiyatini yo‘qotgan xalq ham halok bo‘ladi”[149]. Muallifning ushbu fikrlari ancha oldin bildirilgan bo‘lsa-da, hozirda ham ahamiyatini yo‘qotmagan, xuddiki bizni ham uyg’oqlikka, ogohlikka da’vat qilayotgandek.

“Yevropaning butun e’tibori, –deydi u, - faqatgina hozirgi vaqtini o‘ylab yashashga, dunyoviy hayotda to‘liq yashab olishga – dunyoda yashashga va dunyo uchun yashashgagina qaratilgan. Shaxsning hayoti uning jismoniy hayotining davomi xolos… G‘arb, hattoki dinning maqsad va vazifalarini ham, o‘zining dunyoviy utilitar ehtiyojlarini qondirish maqsadida bo‘ysundirishni talab qiladi”[150]. Shuning bilan birga Aurobindo Gxosh mazkur asarida “sivilizatsiya” tushunchasining sharqona talqinini oldinga surgan edi. Biz bu talqinga avvalo Gxosh ta’limoti hozirgi davr

[148] Qodirov M. Markaziy Osiyo, Yaqin va O’rta Sharqning falsafiy tafakkuri. 2009.
[149] Шри Ауробиндо. Основы индийской культуры / Пер. с англ. СПб.: Адити, 1998. – С. 6.
[150] Шри Ауробиндо. Основы индийской культуры. Санкт-Петербург: Адити. 1998. – С. 85.

Sharqining eng mukammal ezoterik ta'limotlaridan birini namoyon etgani uchun, qolaversa sivilizatsiya haqidagi uning qarashini avvalroq "madaniyat"ga bergan ta'rifi bilan bog'liqlikda o'rganish uchun aynan to'xtalish mantiq va maqsadga muvofiq deb bilamiz. Aurobindo Gxoshning ta'kidlashicha, "Jamiyat har bir a'zosi o'z fikr va tajribalarida mutlaqo erkin bo'la oladigan , evolyutsiya kuchli va barqaror kechishini ta'minlaydigan ijtimoiy strukturalari tashkil topadigan ijtimoiy muhitni"[151] sivilizatsiya deb atash mumkin. Albatta bu yerda shakllanishi ideal hisoblangan ijtimoiy tuzilma nazarda tutiladi. Shu jihati bilan bu ta'rif Forobiyning "Fozil odamlar shahri" yoki Navoiyning "Lison ut-tayr" asaridagi semurg' ne mashaqqatlar bilan etib borgan yettinchi vodiy haqidagi g'oyalar bilan mohiyatan uyg'un. Farq Gxosh tushunchalarining zamonaviyligida, ya'ni shaklida xolos.

XULOSA

Hayotiy Axloq paradigmasiga ko'ra, ommaviy madaniyat yolg'on madaniyatdir, zero uning ko'pchilik shakllari chin (ya'ni oliy) madaniyatdan farqli o'laroq, insonparvar ijtimoiy tamoyillar taraqqiyotiga va inson ruhiy evolyutsiyasiga olib kelmaydi. Chinakam madaniyatning vazifasi va maqsadi - insonni tuban nafs xohishlaridan poklanib borishi orqali ma'naviy yuksaltirish va barkamollashtirishdan iboratdir. Ommaviy madaniyat esa bunga mutlaqo qarama qarshi keladigan ishlarni amalga oshirmoqda – u inson ongi va instinktlarining (nafsining) tuban mazmunini zo'r berib qo'zg'otmoqda, shaxsni axloqiy va intellektual inqirozga olib kelmoqda. Vaholanki, bu g'oyalar bizning "madaniyat inson va insoniyat hayotining ma'no va maqsadini to'g'ri ko'rsatib bera oladigan hamda uning faoliyatini shunga muvofiq yo'naltira oladigan g'oyalar, tasavvurlar va his-tuyg'ularning organik birligidan iboratdir" degan ta'rifimiz bilan ham, Aurobindo Gxoshning *"Madaniyat ruh, intellekt va vujud (tana) orasida uyg'unlikka erishuv demakdir",* degan ta'rifi bilan ham va, eng muhimi, xalqimizning yuksak metafizik qadriyati bo'lgan tasavvuf ta'limotining "Komil inson" kontsepsiyasi bilan ham uyg'undir. Shu o'rinda Sharq madaniyati va sivilizitsiyasini tanqid ostiga olinishi, unga mensimay qarash faqat hozir va faqat bizga nisbatan emas, balki kolonializm mafkurasi shakllanganidan buyon turli shakllarda hamisha mavjud bo'lib kelganini va unga qarshi hozirgiday munosib javoblar ham o'z vaqtida mavjud bo'lganini eslatib o'tish maqsadga muvofiqdir. Bu kabi qat'iyatli, dadil va sog'lom fikrlash o'zbek mentalitetida ham mavjud bo'lgan. Bunga jadidlarni misol keltirish mumkin. Xulosa o'rnida aytish mumkinki, Sharq azaldan o'ziga xos donishmandligiga, o'zining qat'iyatli

[151] Шри Ауробиндо. Основы индийской культуры. Санкт-Петербург. 1998. – С.136.

qarashlariga, poydevori mustahkam ma‘naviy qadriyatlariga ega bo‘lib kelgan. Bu jihatlar bizning Uchinchi Renessansni qurishimizda katta ahamiyatga ega deb ishonch bilan aytish mumkin.

REFERENCES

1. Шри Ауробиндо. Основы индийской культуры. Санкт-Петербург. 1998.
2. Qodirov M. Markaziy Osiyo, Yaqin va O‘rta Sharqning falsafiy tafakkuri. 2009.
3. Shakambarov A. A. Shri Aurobindo Gxoshning integral vedantasi /«SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» материалы VIII Международной науч-прак. конф. (ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ) Нур-Султан, 2021. ISBN 978-601-332-271-1 P. 22-25.
4. Shakambarov, A. A. (2022). AUROBINDO GXOSHNING “INTEGRAL VEDANTA” SI SHAKLLANISHIDA YEVROPA FALSAFASINING TA’SIRI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(Special Issue 4-2), 704-710.
5. Shakambarov, A. A. (2022). AUROBINDO GHOSHNING G’ARB MATERIALIZMI VA SHARQ SPIRITUALIZMINI SINTEZ QILISHGA URINISH SIFATIDAGI INTEGRAL YONDASHUVI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(2), 707-712.

ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЙИЛ ҲИСОБИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАРИ ВА АСТРОНОМИК ВАҚТ ҲИСОБИ УСУЛЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Хайдаров Одил Эргашевич
Термиз давлат университети,
эркин тадқиқотчиси
hajdarovodil188@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада дунё халқларининг йил ҳисоби билан боғлиқ қарашлари ва унинг астрономик асосларининг моҳияти ҳамда одамларнинг вақт билан боғлиқ тасаввурлари ва унинг хўжалик ҳаётидаги ўрни юзасидан қиёсий таҳлиллар берилган.

***Калит сўзлар**: вақт, йил, фасл, ой, астраномия, ҳисоб, қуёш, кун, хўжалик, фаолият, тасаввур, табиат, юлдузлар.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится сравнительный анализ взглядов народов мира на исчисление года и природу его астрономических основ, а также представлений людей о времени и его роли в хозяйственной жизни.

***Ключевые слова:** время, год, время года, месяц, астрономия, исчисление, солнце, сутки, хозяйство, деятельность, воображение, природа, звезды.*

КИРИШ (ВЕДЕНИЕ/INTRODUCTION)

Вақт ҳақидаги тасаввур одамларда ижтимоий тараққиётнинг илк босқичларида маълум табиат ҳодисаларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ҳамда хўжалик эҳтиёжлари вақт бирликларини ва унинг ҳисобини ўрнатиш заруратини келтириб чиқарган.

Одамлар доимо вақт оқимини қабул қилганлар, кун ва тун алмашинувининг ўзгаришидан фарқлай олганлар. Бироқ махсус вақт ҳисоби ва уни далиллар асосида қабул қилишган фақат тараққий этган жамиятда, яъни деҳқончилик, чорвачилик, савдо ва денгизда сўзишнинг вужудга келиши билан риоя қилишган.

“Қуёш чиқди”, “қуёш тепага кўтарилди”, “қуёш ботди” деган ибораларга одатланиб қолганмиз. Аслида қуёш чиқиб ботмайди. Қуёшнинг осмондаги кўринма ҳаракати, тун билан куннинг алмашиниб туришининг асосий сабаби - ернинг ғарбдан шарққа қараб 24 соатда бир марта ўз ўқи атрофида айланиб

чиқишидир. Ер шарининг ўз ўқи атрофидан 24 соатга тўлиқ бир айланиб чиқадиган вақтига сутка дейилади. Қуёш бир сутка давомида ер шарининг ҳамма томонини бир йўла ёрита олмайди. У навбат билан ернинг гоҳ бир томонини, гоҳ иккинчи томонини ёритади. Ернинг айланиб қуёшга қараган томонида кун, қуёш нури тушмай турган томонида тун бўлади. Ернинг суткалик ҳаракати натижасида кун билан тун чегараси ер сатхи бўйлаб ғарбга томон силжийди. Шунинг учун ҳар 12 соатда ер шарининг манзараси ўзгаради: қуёш тепамизда турган жойда 12 соатдан кейин ярим кеча бўлади[152].

Бир сутка неча соат? Бу саволга кўпчилик ҳеч иккиланмай, қатъий ишонч билан 24 соат деб жавоб беради. Бу тўғри жавобми? Йўқ, албатта. Ер ўз ўқи атрофидан 24 соатда эмас, балки 23 соат 56 минут 4 секундда бир марта айланиб чиқади. Бу вақт юлдуз суткаси деб юритилади. Юлдуз суткасининг бошланиши йил давомида турли вақтларга тўғри келади, инсоннинг ҳаёти, ернинг табиати юлдуздан кўра қуёшга кўпроқ боғлиқ. Шунинг учун инсонлар қуёш вақтига амал қилади. Ҳақиқий қуёш вақти юлдуз вақтидан фарқ қилади. Икки туш пайти оралиғидаги вақт (қуёш суткаси) Ернинг ўз ўқи атрофидан айланиб чиқиш вақтига (юлдуз суткасига) нисбатан бир неча минут узунроқ эди.

Ой ер атрофини 27,3 суткада бир марта айланиб чиқади. Ой ўз орбитасида бир нуқтадан чиқиб яна шу нуқтага қайтиб келиши учун кетган вақт сидерик ой деб юритилади (сидерик ой юлдузга нисбатан ҳисобланади). Ойнинг бир хил фазаси такрорланишига кетган вақт эса 29,5 суткани ташкил этади[153]. Бу вақт синодик ой деб юритилади (синодик ой ерга нисбатан ҳисобланади). Сидерик ой муддати билан синодик ой муддати бир-биридан фарқ қилади.

Ой ўз ўқи атрофида 27,3 суткада айланиб чиқса ҳам ердан кўринадиган бир хилдаги икки фазаси оралиғидаги вақт 29,5 суткага тенг бўлади. Демак, бир ой 29,5 суткани ташкил этади.

Ер асосан икки хил ҳаракатланади: ўз ўқи атрофида (суткалик ҳаракат) ва қуёш атрофида (йиллик ҳаракат). Ернинг ўз ўқи атрофидаги суткалик ҳаракати натижасида кун ва тун вужудга келса, йиллик ҳаракати натижасида йил фасллари вужудга келади.

Ернинг қуёш атрофидаги йиллик ҳаракат йўли унинг орбитаси деб аталади. Ер орбитасининг узунлиги 940 млн. км. Ер бу йўлни ўрта ҳисобда соатига 1070 километр (ёки секундига 29,8 км) тезликда босиб ўтади. Бу тезлик артиллерия ўқининг учиш тезлигидан ўн баравар катта. Ер ана шундай тезлик билан қуёш

[152] О.Раҳматуллаева, Ж.Саломов. “Хронология”. – Т, 2012.
[153] И.А.Климишин - “Календар и хронология”. М. 1985

атрофини 365 кун 5 соат 48 минут 46 секундда айланиб чиқади. Ернинг қуёш атрофидан бир марта тўла айланиб чиқишига кетган вақт (365 кун-у 6 соат) йил деб аталади.[154]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД/LITERATURE REVIEW)

Ушбу мақолани тайёрлашда этнографлардан Ж. Фрейзер, Г. Снесарев, В. Басилов, С. Токарев, К. Шаниязов, Н. Лобачева, И. Жабборов, М. Жўраев, А. Аширов асарларида баён этилган назарий қоидалар ва услубий тавсияларга таянилди.

Мақоланинг манбалари сифатида ўз табиати ва аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганилди. Шеробод, Денов, Бойсундаги экспедициялар давомида тўпланган дала этнографик материаллари. Шу мақсадда тадқиқотнинг ҳудуд (туман ва жой) олдиндан аниқланди ва мавжуд адабиётлар ўрганилди. Шу билан бирга, аҳолининг этник таркиби ва сақланиш даражаси ҳисобга олинган. танланган ҳудуд аҳолисининг иқтисодий фаолияти ва маданиятидаги анъаналар таҳлил этилди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ/DISCUSSION)

Йил фаслларининг алмашинувига Ернинг қуёш атрофидан айланиши ва ер ўқининг орбита юзасига - текислигига нисбатан оғишганлигига сабабчидир. Ер ўқи орбита текислигига нисбатан 66, 30 бурчак ташкил этади. 21-март куни кун билан тун чегараси иккала қутбдан ўтган, яъни сайёрамизнинг ҳар иккала ярим шарида кун билан туннинг ўз ўнлиги бир-бирига тенг. Қуёш нури шу куни, яъни 21-мартда экваторга тик тушади, ер ўқига нисбатан тўғри бурчак ҳосил қилади. Туш пайтида қуёш тик тепамизда бўлади, шу куни ер қуёшга нисбатан шундай вазиятни эгаллайдики, қуёш нури шимолий ва жанубий ярим шарларга бир текисда тарқалади. Қуёш ўзининг бизга кўринадиган йўлининг тепа ярмида уфқ тепасида, иккинчи ярмини эса уфқ тагида, яъни ер шарининг бизга нисбатан орқа томонида босиб ўтади. Фақат шу куни қуёш ҳақиқатан ҳам шарқдан чиқиб ғарбга ботади.

Март ойида сайёрамизнинг шимолий ярим шарида баҳор, жанубий ярим шарида куз бўлади. 22-мартдан бошлаб кунлар узаяди ва тунлар қисқара бошлайди. қуёш шимоли-шарқдан чиқиб шимоли-ғарбга бота бошлайди. Куннинг узайиши ва туннинг қисқариши 22-июнгача давом этади. 22-июнда сайёрамизнинг шимолий ярим шари қуёшга қараган бўлади, шу туфайли бу

[154] Е.Бикерман. “Хронология древнего мира. Ближний Восток и античност”. М. 1976

ярим шар жанубий ярим шарга нисбатан қуёшдан кўпроқ ёруғлик, иссиқлик олади. Демак, шимолий ярим шарда ёз бошланади, кунлар узун, тунлар қисқа бўлади, экватордан жанубда, яъни жанубий ярим шарда эса қиш киради ва кунлар қисқа, тунлар узун бўлади.

23-сентябр ер шарида йил фаслларининг тақсимланиши жихатдан 21-мартдан фарқ қилади. 21-мартда шимолий ярим шарда баҳор, жанубий ярим шарда куз бўлса, 23-сентабр шимолий ярим шарда куз, жанубий ярим шарда бахор бўлади. 24-сентябрдан кунлар қисқариб, тунлар узая бошлайди. Қуёшнинг эрталаб чиқишдан кечқурун ботишигача босиб ўтадиган йўли қисқара боради, қисқариш 22-декабргача давом этади.

Демак, ернинг ўқи қуёш атрофидаги айланиш йўлига орбита текислигига нисбатан оғишганлиги натижасида йил фасллари алмашинилади, қуёш атрофидаги йиллик ҳаракатнинг турли даврларида ер юзасининг ёритилиши ва иситилишидаги фарқлар келиб чиқади.

Ҳар куни қуёш чиқади ва ботади. Қуёш чиқиши улуғвор, гўзал манзара, бутун борлиқ, табиат, барча тирик мавжудот қуёш чиқишини тантана билан кутиб олади.

Қуёш-осмондаги сон-саноқсиз юлдузларнинг бири, ерга энг яқин юлдуз, қуёш улкан ёритгич, қизиган газ ҳолидаги осмон жисмидир. Қуёш нури ҳар секундда 300 000 км тезликда тарқалиб, ерга 8,5 минутда етиб келса, ерга яқин турган бошқа юлдузнинг нури 4,5 йилдагина етиб келади.

Қуёш билан ернинг оралиғи 149,5 млн.км, бу масофанинг катталигини қуйидагича тушунтириш мумкин, ерда туриб гапирган одамнинг овози қуёшга 14 йилдан кейин, космик ракета эса беш ойда етиб бориши мумкин[155].

Қуёш ўз ўқи атрофидан 25 суткада бир марта айланиб чиқади. Олимларнинг фикрича, инсоннинг соғлиги, рухий ҳолати, мехнат қобилияти кўп жихатдан қуёшнинг фаолиятига боғлиқ, хатто табиий офатлар, бахтсизлик ҳодисалари ва касалликлар ҳам қуёш фаолиятига боғлиқлиги тажрибалар йўли билан исботланган.

Қуёшдан энг узоқ нуқта – афелий (Қуёш атрофида айланадиган жисмнинг қуёшга энг узоқ нуқтаси)га яқинлашган Ер шарининг тезлиги кеча соатига 3600 километрга секинлашди.

Қуёшга энг яқин нуқта – перигелий (Қуёш атрофида айланадиган жисмнинг қуёшга энг яқин нуқтаси)да Ер шари соатига 105444 километр тезликда айланади.

[155] О.Раҳматуллаева, Ж.Саломов. “Хронология”. – Т, 2012.

Ер Қуёшга яқин нуқтада соатига 105444 километр тезликда ҳаракат қилади. Шу боис Ернинг тезлиги афелий нуқтасида перигелий нуқтасига нисбатан соатига 3600 километрга секинлашади.

Афелий нуқтасида Ер Қуёшдан 152 миллион километр узоқда бўлади.

Перигелий нуқтасида эса Ер ва Қуёш ўртасидаги масофа 147 миллион километрга тенг бўлади.

Ер сутка давомида ҳам қуёшга гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб туради. Январдан июлгача биз қуёшга туш пайтида яқинроқ келсак, июлдан январгача кечқурун яқинроқ бўламиз[156].

Ой ернинг бирдан бир табиий йўлдошидир. Ой диаметри 3476 км бўлиб, ер диаметридан деярли 4 баравар кичик. Ойдан ергача бўлган масофа ўрта ҳисобда 384 000 км. Ёруғлик ойдан ерга 1 секунддан сал ошиқроқ вақтда етиб келади. Ой ерга энг яқин келганда улар орасидаги масофа 363 000 км, ердан узоқлашганда эса 405 000 км.га тенг бўлади. Шунинг учун ой бизга қуёшдан гоҳ каттароқ, гоҳ кичикроқ бўлиб кўринади[157].

Ойнинг ер атрофига айланиш тезлиги ернинг қуёш атрофида айланиш тезлигидан 30 баравар кам, яъни ой ер атрофида секундига бир километр тезликда айланади. Ой ерга бир томони билан қараган. Ой баъзан думалоқ бўлиб, баъзан ярим доирага, баъзан эса ўткир учли ўроққа ўхшаб кўринади. Ой бошида у ўроқсимон (ҳилол), бир хафтадан сўнг доира шаклида кўринади (тўлин ой), уч хафтадан кейин у яна ярим доирага ва ой охирида ўроқсимон шаклига киради.

Осмонга кўринган “ҳилол” янги ойми ё эскими янги ой билан эски ойнинг шакли, кўриниши бир-бирига ўхшаш бўлганлигидан уларни фақат ҳолатига қараб фарқ қилиш мумкин. Шимолий ярим шарда янги ой ўроғининг сирти (думбоқ томони) ўнгга, эски ойники эса чапга қараган бўлади. Шимолий ярим шарнинг Ўртача ва юқори кенгликларида янги ва эски ой ўроғи тик ҳолатда жанубий кенгликларида, Ўрта Осиёда ёнбошлаган (янги ой ўнгга ва эски ой чапга ёнбошлаган) ҳолатда кўринади. Экватор атрофида янги ой ўроғининг дўнг томони пастга, эски ой ўроғиники эса тепага қараган бўлади.

Янги ой билан эски ойнинг бир-биридан фарқ қиладиган яна бир белгиси шуки, янги ой кечқурун, осмоннинг ғарбий қисмида, эски ой эса эрта билан, осмоннинг шарқий қисмида кўринади.

[156] Чориев З.У. Иоффе - “Хронология ва метрология”. – Т.1999
[157] Чориев З.У. Иоффе - “Хронология ва метрология”. – Т.1999

Ойнинг ўзи нур сочмайди, уни қуёш нурлари ёритади, шу туфайли ой ўроғининг дўнг томони ҳамма вақт қуёшга (янги ой ўроғининг дўнг томони кечқурун қуёш ботган томонга, эски ой ўроғининг дўнг томони эрта билан қуёш чиқиши томонга) қараган бўлади.

Ойнинг асосий кўринишини (фазалари) ердан оддий кўз билан кузатиш мумкин бўлган ўзгаришлари ҳар хил ифодаланади. Ой ер атрофида ҳаракатланар экан, қуёш билан ер оралиғига тўғри келиб қолади. Бу вақтда ой ердан кўринмайди, чунки ойнинг ёруғи тушмайдиган томони ерга қараган бўлади. Ойнинг бу фазаси, ой боши - янги ой деб юритилади. Тунларимизни ёритиб турадиган тўлин ой фазаси ой ёруғлиги қуёш ёруғлигидан 450 000 марта кучсиздир, ойнинг куни ҳам туни ҳам ердан икки хафтага тенг. Шу сабабдан қуёш нурлари ой юзасини кундузи 120 С дан зиёд қиздириб юборади, тунда эса у -170 С гача совийди[158].

Қуёш суткаларининг ўртача узунлиги, яъни қуёш марказининг иккита юқори (ёки қуйи) кульминациялари оралиғида ўтган ўртача вақт қисқа вақт оралиқларини ўлчашда асосий бирлик ҳисобланади. Йил давомида бундай икки кульминация оралиғида ўтадиган вақт бир оз ўзгариб туради. Бунга сабаб ернинг қуёш атрофида айлана бўйлаб эмас, балки эллипс бўйлаб ҳаракатланиши ва бунинг натижасида унинг ҳаракат тезлигининг бир оз ўзгариб туришидир. Бу қуёшнинг йил давомида эклиптика бўйлаб қиладиган кўринма ҳаракатидаги кичик нотекисликларини келтириб чиқаради. Қуёш марказининг юқори кульминациясидаги пайтда ҳақиқий тун пайти деб аталади. Бироқ соатларни текшириш, аниқ вақтни белгилаш учун уларга қараб, албатта қуёшнинг кульминация пайтини белгилашга ҳеч зарурият йўқ. Юлдузларнинг кульминация пайтини белгилаш аниқроқ ва қулайроқ бўлади. Исталган юлдузнинг ва қуёшнинг кульминациялари пайтларининг фарқи эса исталган вақт учун белгиланган. Ҳақиқатан, ернинг ҳаракати қуёшнинг кўринма вазиятининг юлдузларга нисбатан ўзгариши жуда аниқ топилган. Масалан, обсерваторияларда юлдузларни кузатиб, мунтазам равишда асосий соатлар текшириб борилади, бунда уларнинг вақт тузатмаси, яъни аниқ вақтни топиш учун соатнинг кўрсатишга (Қ ёки- ишораси билан) қўшилиши зарур бўлган катталик амалда аниқланади. Вақт тузатмаларини аниқлаш оралиқларида аниқ вақтни кварс ёки бошқа (бирорта тебранма ҳаракатнинг частотасини жуда аниқ ушлаб турадиган) соатлар “сақлаб” боради. Ҳозирги вақтда нихоят аниқ “юрадиган” атом соатлари яратилган. Улар аниқ вақтни сақлашда ишлатилади.

[158] А.Нарзиқулов - “Деҳқон тақвими” Т.1991

Астрономик кузатишларда аниқ вақтни белгилаш, уни сақлаш ва радио орқали бутун халққа эшиттириб туриш кўп мамлакатларда мавжуд бўлган аниқ вақт хизматининг вазифасидир. Аниқ вақт сигналларини денгиз ва ҳаво флотининг штурманлари ва аниқ вақтни билиш зарур бўлган жуда кўп илмий ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари радио орқали қабул қилади. Аниқ вақтни билиш, хусусан, турли жойларнинг географик узунликларини аниқлашда зарурдир.

Сайёрамиз ўз ўқи атрофида айланиб туради, шунинг учун қуёш еримизнинг турли нуқталарини турли вақтда ёритади. Ернинг бир меридианида жойлашган барча нуқталарида соат бир хил вақтни кўрсатса, бошқат меридианида бошқача вақтни кўрсатади. Демак, бир меридианнинг ўзидаги вақт шу меридиан атрофидаги жойлар учун маҳаллий вақт ҳисобланади.

Гринвич меридиани (меридианлар саноғи бошланган 0 меридиан) да туш пайти бўлганда 180 географик узунликда ярим тун, Гринвичдан шарқдаги 90 географик узунликда кеч пайти, Гринвичдан ғарбдаги 90 географик узунликда тонг пайти бўлади[159].

Табиат томонидан ато этилган маълумотлар - сутка, ой, йил, вақт ҳисоби қадимги тақвимлар асосини ташкил этган.

Календар лотинча сўз бўлиб, у календариум (қарз дафтари) ва календар (ҳар ойнинг биринчи куни) сўзларидан олинган. Қадимги Римда қарз юзасидан улуш ҳар ойнинг биринчи, яъни календар куни тўланиши ва у қарз дафтари (календариум)да қайд қилиб борилиши расм бўлган.

Календарнинг ҳозирги маъноси вақт оралиғи бирлигини ҳисоблаш усулиднр. Бу усул табиат ҳодисаларининг самовий жисмлар ҳаракатидаги даврийлик (Ернинг бир кеча-кундузлик ҳаракати, Ойнинг Ер атрофидаги кўринма ҳаракати, Қуёшнинг кўк гумбази сирти бўйлаб йиллик ҳаракати) билан боғлиқ ҳолда юз бериши, яъни кеча билан кундуз, йил фасллари, ой қисмлари алмашинуви кабиларга асосланган. Демак, тақвимий бу вақт саноқ системаси, осмон ёритгичлари асосида ётган табиат ҳодисаларининг даврийлиги деганидир[160].

Бундай системани тузиш зарурияти биринчи бўлиб ишлаб чиқариш хўжалик шакллари вужудга келган неолит даврида пайдо бўлади. Деҳқончилик ва чорвачилик табиатнинг мавсумий ҳодисалари билан махкам боғланган. Хўжалик ҳаёти шаклининг бир хиллиги ва умумий асос қилиб олинган вақт саноғи бирликлари бир-бирига ўхшаш тақвимларнинг шаклланишига олиб

[159] И.А.Климишин - “Календар и хронология”. М. 1985
[160] Е.Бикерман. “Хронология древнего мира. Ближний Восток и античност”. М. 1976

келган. Ой тақвимлари - суткалар ойлар билан уйғунлашган. Ой-қуёш тақвими сутка ва ойлар йиллар билан уйғунлашган. Ой тақвими йил даврларининг ўзгариб туришини ҳисобига олмаган ҳолда кўп халқларда вақт ҳисобининг бошқа системаларга асосланиб риоя қилингандир, эҳтимол. Ой тақвими бўйича ойларнинг давомийлиги фақат ой фазаларининг ўзгариши билан боғлиқ эди. Ҳар бир ой ҳилолдан бошланиб, навбат билан ёки танаффуслар билан 29 ва 30 суткага бўлинади. Ой йили 12 ойдан иборат эди. Бу эса ўз навбатида 354 суткани ташкил этган.Синодик ой тақвимий ойидан 44 минут 2,9 секундга кўп бўлган, шунинг учун ҳам маълум йил сонидан сўнг тақвимий йилига битта қўшимча кун қўшиш зарурияти пайдо бўлган.

Астрономик ва тақвимий ой йилларини бир-бирига мос келтиришнинг икки усули маълум. Икки усул ҳам ой тақвими йилига қўшимча кун киритишга асосланган. Булардан бири саккиз йиллик туркча цикл бўлиб, бунга мувофиқ астрономик тақвимий йиллари оддий ва ой йилларидан уч сутка орқада қолган. Ой тақвими йил ҳисобини астрономик тақвим билан мувофиқлаштириш учун ҳар саккиз йилнинг иккинчи йили, бешинчи йили, еттинчи йилига (тақвимийига) биттадан қўшимча кун қўшиб қўйилган. Анча аниқроқ усул ҳам бўлган, бунга мувофиқ 30 оддий ой йиллари 30 астрономик йилни 11 суткада қувиб етади. Бу узилишни бартараф этиш учун даврнинг қуйидаги йилларига қўшимча кунларни қўшганлар: 2-йили, 5-йили, 7-йили, 10-йили, 13-йили, 16-йили,18-йили, 21-йили, 24-йили, 26-йили, 29-йилига.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ/RESULTS)

Мақолада замонавий этнологик усуллар ва янги илмий ёндашувлар асосида дунё халқлари аҳолисининг йил ҳисоби билан боғлиқ қарашлари ва астрономик кузатишларини ҳар томонлама махсус ўрганиш амалга оширилди; дунё халқларининг тақвимий ҳисоб-китоблари уларнинг астрономик асослари таҳлил қилиниб, ҳар бир халқнинг ўзига хос маҳаллий йил ҳисоби ёритиб берилди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ/CONCLUSION)

Ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданий тараққиёти ўзига хос маросимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини белгилайди. Натижада халқларнинг турли маросимларида, шу жумладан тақвимларда ўзига хос этник хусусиятлар пайдо бўлади. Шу каби ўзига хос этник хусусиятлар дунё халқларининг календар маросимларида ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади: календар ваколатхоналари, чўпонлик ва қишлоқ хўжалик

маросимларининг уйғунлиги; осмон сферасининг Шарқий қисмини улуғлаш (қуёшнинг тонг ва пешин пайтидаги ҳолати мос ёзувлар нуқтаси бўлиб хизмат қилган); қурбонлик тотемистик тасаввурлар (дарвешона, ёмғир чақириш ва дон йиғиш билан боғлиқ маросимлар). Умуман олганда, дунё халқлари турмуш тарзининг барча жабҳаларида кузатиладиган календар маросим кишиларнинг оилавий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини муайян йўналишда сақлаб қолишни мақсад қилиб қўяди.

REFERENCES

1. Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. Зимние праздники. – М.: Наука, 1973.
2. Самойлович А. Названия дней недели у турецких народов // Яфетический сборник. II. – Пг., 1923.
3. Андреев М.С. Поездка в летом 1928 г. в Касанский р-н (север Ферганы. Изв. общ. для изуч. тадж. и иранских народностей за его пределами. – Т., 1929.
4. Пещерова Е.М. Праздник тюльпана (лола) в село Исфара Кокандского уезда. – Т., 1927.
5. Гаврилов М. Два слова об обычаях сартов / ТВ, 1911, №162; Ўша муаллиф: Остатки ясы и юсуна у узбеков. – Т., 1929.
6. Хамраев А.Х. Праздник «красной розы» // Общ. науки. – Москва, 1958. –№ 6.
7. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969.
8. Рассудова Р.Я. Формы организации труда в общинах некоторых районов поливного земледелия Средней Азии. (конец XIX – начало XX в.) // Среднеазиатский этнографический сборник. III. – Л., 1971.
9. Шаниязов К. Узбеки–карлуки (историко этнографический очерк). – Т.: Фан, 1964; Ўша муаллиф: Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1973.
10. Древние обряды верования и культуры народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986.
11. И.А.Климишин - “ Календарь и хронология ”. М. 1985
12. Е.Бикерман. “Хронология древнего мира. Ближний Восток и античност”. М. 1976
13. Хайдаров, О. Э. (2022). СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ.

Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, *2*(7), 134-140.

14. Mustafayev, U. U. (2021). YANGI O ‘ZBEKISTON: QADRIYATLAR VA FALSAFIY FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI BO ‘YICHA AYRIM MULOHAZALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(10), 568-577.

15. Mustafayev, U. U., Mustafayeva, S. U., & Haydarov, O. E. (2022). TURMUSHDAGI ISLOM: NAMOYON BO ‘LISHI VA MOHIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(1), 914-921.

16. Поцелуевский, Е. А. (2008). 2008.02. 001. БЛАГОВА ГФ НОВАЯ ШКОЛА ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ТЮРКОЛОГИИ: АН Самойлович и ВА Богородицкий. (Под "сенью" яфетидизма). К 70-летию со дня гибели А.Н Самойловича (13. II. 1938)//Аспекты алтайского языкознания:(Материалы Тенишевских чтений-2007).-М., 2007.-С. 16-27. *Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Серия 6: Языкознание. Реферативный журнал*, (2), 6-12.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

SHARQ RENESSANS DAVRI GUMANIZMINING GNOSEOLOGIK VA ONTOLOGIK ASOSLARI

Abdimalik Raxmanov
Termiz davlat universiteti,
falsafa fanlari nomzodi.
raxmanov-57@mail.ru

ANNOTATSIYA

Maqolada gumanizm g‘oyasi Sharq va G‘arb Renessans davrlarining mushtarak xususiyati sifatida ta’riflanadi. Sharq mutafakkirlarining komil inson, ma’rifatli va adolatli jamiyat, baxt-saodat, dono va odil rahbar, tenglik haqidagi insonparvarlik ta’limoti ijtimoiy-falsafiy tafakkur tarixida muhim o‘ringa ega. Sharq mutafakkirlari falsafasida gumanizm, hurfikrlilik g‘oyalarining gnoseologik asosi sifatida aqlni, ilm-ma’rifatni ulug‘lovchi ratsionalizm ta’limoti ilgari surilganligi ta’kidlanadi. Ratsionalizm inson aqlining va u orqali ilm-ma’rifatning qudratini asoslovchi, ilm-ma’rifatni egallash esa baxt-saodatga erishuvning muhim omili ekanligini asoslovchi ta’limot sifatida ta’riflanadi. Shuningdek, bunday gumanistik va ratsionalistik mazmundagi g‘oyalarning ontologik asosi sifatida olamning paydo bo‘lishi va tuzilishi haqidagi panteistik va deistik mazmundagi naturfalsafiy qarashlar va tabiiy-ilmiy bilimlar ravnaq topganligi qayd etiladi. Gumanizm g‘oyasi, insonparvarlik tamoyillari hozirgi Uchinchi Renessans davrining ijtimoiy-iqtisodiy va ma’naviy hayoti, ma’naviy madaniyatining ham xarakterli xususiyati sifatida namoyon bo‘lmoqda.

Kalit so‘zlar: *Renessans, Sharq, G‘arb, gumanizm, insonparvarlik, hurfikrlilik, gnoseologik asos, ratsionalizm, ontologik asos, panteizm, deizm, naturfalsafa, Yangi O‘zbekiston, Uchinchi Renessans.*

АННОТАЦИЯ

В статье идея гуманизма описывается в качестве схожих особенностей периодов Восточного и Западного Ренессанса. Гуманистические учения мыслителей Востока – совершенный человек, просвещённое и справедливое общество, счастье, благополучие, о мудром и честном руководителе, о равенстве имеет важную роль в истории социально-философского мышления. В философии Восточных мыслителей в качестве гносеологической основы идеи гуманизма, свободомыслие трактуется выдвинутые учения рационализма, возвеличивающие мышления, знание и просвещение. Кроме того, в статье говорится о том, что онтологическая основа идей гуманистического и

рационалистического содержания нашли своё отражение в натурфилософских взглядах и естественно-научных знаниях в пантеистических и деистических учениях о возникновении и структуры вселенной. Гуманистические идеи и принципы проявляются и в социально-экономической и духовной жизни, и в характерных особенностях духовной культуры периода современного Третьего Ренессанса.

Ключевые слова: *Ренессанс, Восток, Запад, гуманизм, свободомыслие, гносеологическая основа, рационализм, онтологическая основа, пантеизм, деизм, натурфилософия, Новый Узбекистан, Третий Ренессанс.*

ABSTRACT

The article describes the idea of humanism as similar features of the periods of the Eastern and Western Renaissance. The humanistic teachings of the thinkers of the East - a perfect person, an enlightened and just society, happiness, prosperity, about a wise and honest leader, about equality has an important role in the history of socio-philosophical thinking. In the philosophy of Eastern thinkers as the epistemological basis of the idea of humanism, freethinking is interpreted by the advanced teachings of rationalism, which glorify thinking, knowledge and enlightenment. In addition, the article says that the ontological basis of the ideas of humanistic and rationalistic content is reflected in natural-philosophical views and natural science knowledge in pantheistic and deistic teachings about the origin and structure of the universe. Humanistic ideas and principles are manifested both in the socio-economic and spiritual life, and in the characteristic features of the spiritual culture of the period of the modern Third Renaissance.

Key words: *Renaissance, East, West, humanism, freethinking, epistemological basis, rationalism, ontological basis, pantheism, deism, natural philosophy, New Uzbekistan, Third Renaissance.*

KIRISH

Sharq Uyg‘onish davri ma’naviy madaniyati, falsafasining asosiy muammosi – inson muammosi, uning axloqiy-ma’naviy kamoloti masalasi, diniy aqidaparastlikka qarama-qarshi hurfikrlilikni rivojlantirish masalasidir. Insoniyat tarixidagi Uyg‘onish, ya’ni Renessans davrlarining o‘z g‘oyasi, taraqqiyot tamoyillari mavjuddir. Sharq va G‘arb Renessans davrlari madaniyati, ilm-fani va falsafasiga bag‘ishlangan adabiyotlarda ular uchun umumiy, mushtarak xususiyat – gumanizm va ma’rifatparvarlik g‘oyalari, insonparvarlik tamoyillari ekanligi ta’kidlanadi. (Qarang: 3; 4, 10-47 betlar).

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Uyg‘onish davri (Renessans) tahliliga bag‘ishlangan adabiyotlarda Sharq Renessansi, xususan, Markaziy Osiyoda Renessans davrlarining sabablari, mohiyati, maqsadlari, Yevropa Renessansidan farqli jihatlari maxsus yoritilmagan edi. Fan olamida bu muammoni akademik M.M.Hayrullaev maxsus tadqiq etib, uning o‘zbek, rus va qator xorijiy tillarda 600dan ortiq monografiya, to‘plam, risola va ilmiy maqolalari chop etilgan. Akademik M.M.Hayrullaev XX asrning 60-yillaridan boshlab ushbu mavzuni tadqiq etar ekan, o‘zining “Uyg‘onish davri va Sharq mutafakkiri” nomli fundamental monografiyasida Sharq va G‘arb Renessansining mushtarak va farq qiluvchi tomonlari, Markaziy Osiyo Uyg‘onish davrining ob’ektiv sabablari, xususan, ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy sharoitlar ta’siri, tabiiy-ilmiy zamini va g‘oyaviy-nazariy manbalari hamda bosqichlari to‘g‘risidagi ilg‘or g‘oyalari ilgari surilgan. (Qarang: 4, 10-47 betlar). Bunday g‘oyalar mustaqillik yillarida yaratilgan “O‘rta Osiyoda ilk Uyg‘onish davri madaniyati” kitobida (1995) yanada rivojlantirilgan va Uyg‘onish davri bevosita Markaziy Osiyo xalqlarining mustaqillikka erishuvi bilan bog‘liqligi ta’kidlangan (5).

NATIJALAR.

“Gumanizm g‘oyasi, - deb ta’kidlaydi akademik M.M.Hayrullaev, - Uyg‘onish davri ma’naviy hayoti, ma’naviy madaniyatining eng umumiy va xarakterli xususiyati bo‘lib, u ijtimoiy-axloqiy yo‘nalish shaklida vujudga keldi, rivojlandi va namoyon bo‘ldi. Gumanistik g‘oyalarni, tamoyillarni amalga oshirishning asosiy yo‘li, vositasi sifatida oliy yetuk axloq, ma’rifatli va adolatli jamiyat, jamoa masalasi oldinga surildi” (4, 36-bet). Sharq mutafakkirlarining komil inson, ma’rifatli va adolatli jamiyat, baxt-saodat, dono va odil rahbar, tenglik haqidagi fikrlari o‘z davri uchun hayoliy bo‘lsa-da, insonning ma’naviy erkinligiga, uning imkoniyatlarini ochishga qaratilgan bu insonparvarlik ta’limoti ilg‘or ijtimoiy-falsafiy tafakkur rivojlanishiga ulkan xissa bo‘lib qo‘shildi.

MUHOKAMA.

Sharq Uyg‘onish davri ilg‘or ma’naviy madaniyatining umumiy yo‘nalishini ifodalovchi, insonning ma’naviy kamolotini aks ettiruvchi insonparvarlik, hurfikrlilik g‘oyalari har tomonlama, xususan, nazariy-gnoseologik, ilmiy jihatdan ham asoslab berildi. Insonparvarlikning falsafiy-gnoseologik asosi sifatida ratsionalizm ta’limoti maydonga keldi. Insonparvarlik g‘oyalarining yuzaga chiqishi, insonning ma’naviy yetuklikka erishuvi, ma’rifatli bo‘lish, axloqiy komillik aql tufayli, ilm-fanni egallash orqaligina amalga oshishi mumkin, deb hisoblandi. Axloq aqlga, xulq-odob bilimga,

kasb-hunar ilm-fanni o‘rganishga, ma’rifatga asoslangandagina yuksak pog‘onaga ko‘tariladi. Shu tariqa, aql – haqiqat manbai, ilm-ma’rifat – taraqqiyot omili ekanligi ta’kidlandi.

Ma’naviy madaniyatda ratsionalistik yo‘nalishning kuchayib borishi bilan Sharq Uyg‘onish davri falsafasida aql mavzusi alohida ahamiyat kasb etadi. Mutafakkirlar aqlni ikki aspektda: har bir insonning tabiiy xislati sifatidagi aqliy quvvat hamda insoniyatga xos bo‘lgan aqliy bilishning uzluksiz rivoji nuqtai nazaridan tahlil qiladilar. Insonning ajralmas xislati sifatidagi aqliy quvvat ikkiga: nazariy va amaliy aqlga ajratiladi. Insoniyat aqliy bilimining uzluksiz rivojlanib borishi nuqtai nazaridan aql butun borliqning, narsalarning mohiyatini bilish uchun chuqurlasha borib turli bosqichlar asosida faol aql darajasiga erishadi va, nihoyat, inson aqlini olam to‘g‘risidagi barcha bilimlar bilan boyitib mangulikka olib boradi. “Aqlning manguligi – insoniyatning manguligidir, inson aqlining natijalari va yutuqlari abadiylikka mansubdir”. Bunday nazariya insoniyatni ulug‘lovchi gumanizmning gnoseologik asosi bo‘lgan, inson aqlining va u orqali ilm-ma’rifatning, falsafaning cheksiz qudratini isbotlovchi, ilm-ma’rifatni egallash baxt-saodatga erishuvning muhim vositasi ekanligini asoslovchi ratsionalizmdir.

Mutafakkirlar inson aqlining imkoniyatlariga, ilmlarning tasnifi va fazilatlariga bag‘ishlangan qator asarlar yaratdilar va, ayniqsa, tafakkur shakllari va qonun-qoidalari haqidagi mantiq ilmi ravnaqiga salmoqli hissa qo‘shdilar. Fikrlash san’ati bilan nutq madaniyatining uzviy bog‘liqligiga e’tibor qaratilib ritorika yuksak rivojlanishga erishdi. Mantiq ilmi va ritorika masalalari ratsionalistik fikrlash usuli va yo‘nalishining muhim talablaridan kelib chiqqan bo‘lsa, ratsionalizm ta’limoti umumiy insonparvarlik yo‘nalishining gnoseologik tamoyilini tashkil etar edi.

Bunday ratsionalistik ta’limotning, insonning aqliy bilishiga, aqliy qobiliyatlariga asoslanuvchi uslubning ontologik asosi sifatida panteistik va deistik mazmundagi “vahdat-ul-vujud” (“borliqning birligi”) ta’limoti ilgari surildi. Bu ta’limotga ko‘ra, butun olam yagona vujuddan iborat va undan tashqarida hech narsa yo‘q. Yaratuvchi xudo ham va u yaratgan real dunyo, tabiat, inson ham yagona vujudning turli tomonlaridir. Yagona mavjud olam “vujudi vojib” (azaliy vujud) – birinchi sabab va “vujudi mumkin” – yaratilgan, kelib chiqqan vujudlar natijalaridan iboratdir. Vujudi vojib – yakkalik, vujudi mumkin – ko‘plikni ifodalaydi. Azaliy vujuddan tabiatning kelib chiqishi tasodifiy va xudo irodasiga bog‘liq sub’ektiv jarayon emas, balki muayyan tartib, izchillikka, sabab-oqibat bog‘lanishiga asoslanuvchi zaruriy jarayondir.

Arastuning tabiatdan tashqarida bo‘lgan birinchi sabab va materiyaning mustaqil rivojlanishi haqidagi deistik qarashlari ta’sirida Sharq falsafasida naturfalsafiy bilimlar va olamni deistik tushunish asosidagi naturalistik panteizm ta’limoti maydonga keldi. Uning asoschilari Al Kindiy va ayniqsa Forobiy bo‘lib, ularning g‘oyalarini Beruniy, Ibn Sino, Ibn Bajja, Ibn Rushd va boshqa mutafakkirlar davom ettirdilar.

Forobiy o‘rta asr Sharqida antik yunon donishmandligi yutuqlarini, ayniqsa, Arastuning naturfalsafiy g‘oyalarini rivojlantirib, o‘z davrining tabiiy-ilmiy, falsafiy qarashlarini umumlashtirib, original falsafiy tizim yaratdi. Bu tizim o‘z zamonasining barcha dolzarb muammolarini qamrab oladi. Forobiy falsafasida ilgari surilgan vujud (borliq, olam) haqidagi ta’limotga ko‘ra, yagona olam bir-biri bilan sabab-oqibat munosabatlari orqali bog‘langan olti bosqichdan iborat bo‘lib, bu bochqichlar butun mavjudlikning asosidir. Forobiy xudoga birinchi sabab, birinchi mohiyat, deb ta’rif beradi. Tabiat, ashyo va jismlar shakllari muayyan izchillik va zaruriyat bo‘yicha yuz beradigan tadrijiy jarayonlar asosida paydo bo‘ladi, deb hisoblaydi. Butun mavjudotni sabab-oqibat nuqtai nazaridan 6 daraja (sabab)ga bo‘ladi: xudo – birinchi sabab, ikkinchi sabab esa osmon jismlari, so‘ngra faol aql, jon (an-nafs), shakl (as-sur’at), materiya yoki modda va ashyolar (al-modda). Mavjudlikning asosi bo‘lgan ushbu olti ibtido ikkiga – zaruriy vujud (vujudi vojib) va imkoniy vujud (vujudi mumkin)ga bo‘linadi. Vujudi vojib – bu mavjudligi hech narsaga bog‘liq bo‘lmagan, azaliy, abadiy va mavjudlikning birinchi sababi – tangridir. Qolgan beshta bosqichlar imkoniy tarzda mavjud bo‘lib “vujudi mumkin” turiga kiradi. Birinchi sabab va bosqichlar haqidagi ta’limoti orqali Forobiy jismlar dunyosi, ya’ni tabiat, moddiylikning mazmunini ochib beradi. Uning fikricha, yer va osmon sathlari jismlik, ya’ni moddiylik xossasiga ega bo‘lib, olti turga bo‘linadilar: osmon jismlari, aqlli hayvon, aqlsiz hayvon, o‘simliklar, minerallar hamda to‘rt unsur (olov, havo, tuproq va suv). To‘rt unsur moddiylikning, ya’ni boshqa hamma jismlarning asosi bo‘lib, ularning turlicha qo‘shilishi tufayli vujudga kelgan. To‘rt unsurdan nabotot olami, hayvonot olami, inson zoti va notirik tabiat vujudga keladi. Organik olamga o‘simlik ruhi, hayvoniy ruh va insoniy ruh xosdir. Jismlarga esa harakat xos bo‘lib, ular o‘zaro bir-birlari bilan bog‘langan.

Tabiat va inson azaliy vujuddan sabab-oqibat bog‘lanishi natijasida kelib chiqqandan so‘ng mustaqil ravishda o‘z qonuniyatlari asosida rivojlanishi to‘g‘risidagi deistik ta’limot tarzida talqin etildi. Jumladan, “Kitob an-najot” asarida Ibn Sino shunday yozadi: “Azaliy vujuddan kelib chiqqan vujudlar undan

uzoqlashgani sari mustaqil bo‘la boradilar, lekin o‘zlarining boshlang‘ich sababining xislatlarini saqlab va keyingi vujudlar uchun sabab bo‘ladilar”(6).

Olamning tuzilishi haqidagi panteistik va deistik mazmundagi bu ta’limot tabiat va materiya to‘g‘risidagi ilg‘or tabiiy-ilmiy bilimlar va naturfalsafiy qarashlar rivojlanishiga g‘oyaviy asos bo‘lib xizmat qildi. Umuman olganda, koinotdagi yulduzlar, sayyoralarning harakatini o‘rganish, Yerning harakatda va shar shaklida ekanligi, qit’alar va dengizlarning joylashuvi, siljish va o‘zgarishi Yer qa’ridagi tektonik harakatlarga bog‘liqligi (Ibn Sino “ash-Shifo”), Afrika ortida yer sharining muvozanatini saqlab turuvchi quruqlik (qit’a) mavjudligi haqidagi faraz va, nihoyat, Yer hajmi va meridiani bo‘yicha uzunligining aniqlanishi, shu asosda Yerning sferik tasviri – globusning yaratilishi (Beruniy) nafaqat o‘z davri uchun, balki Sharq va G‘arbiy Yevropa va umuman hozirgi zamon ilm-fani, falsafasi, texnikasi, ijtimoiy taraqqiyoti uchun, hozirgi davr ilmiy-texnik tafakkur usulining shakllanishi uchun ham fundamental ahamiyatga ega bo‘ldi.

Shu tariqa, xudo bilan real mavjud olamni aynanlashtiruvchi panteistik ta’limot Allohga xos azaliylik, abadiylik, yaratuvchilik kabi sifatlar tabiatga, insonga ham xosdir, degan falsafiy xulosalarga olib keldi. Bu esa insonni, uning aqli, bilimi, qobiliyatini, ilm-fanni ta’riflovchi, ulug‘lovchi ratsionalistik va gumanistik yo‘nalishga keng yo‘l ochadi. Umuman, o‘rta asr Sharqida panteistik va deistik mazmundagi ta’limot Renessans davri ratsionalizmi va gumanizmining tub falsafiy-ontologik asosi, hurfikrlilik g‘oyalarini ifodalash shakli bo‘lib qoldi.

XULOSA.

Shunday qilib, Sharq Renessans davri falsafasining yetakchi g‘oyalari panteizm, ratsionalizm va insonparvarlik edi. Panteizm va ratsionalizm zaminidan unib chiqqan insonparvarlik g‘oyalari, pirovardida, insonni, butun insoniyatni baxt-saodatga erishtirish, komil inson, ideal yetuk jamoa, ijtimoiy tuzum haqidagi utopik g‘oyalar bilan bog‘lanib Sharq Renessansi, xususan Markaziy Osiyo Birinchi va Ikkinchi Renessans davrlari ijtimoiy-falsafiy fikri taraqqiyotining eng katta yutuqlaridan biri bo‘ldi. Bu ideal g‘oyalar xalqlarimizning asriy orzulari bo‘lib kelgan bo‘lsa, bugungi mustaqillik davrida xalqimiz hayotida o‘z isbotini topib bormoqda. Insonparvar demokratik va erkin fuqarolik jamiyatini rivojlantirish, ma’naviyatni yuksaltirish va barkamol avlod tarbiyasi borasidagi erishilgan yutuqlar, “Kuch – bilim va tafakkurda” tamoyilining amalga oshirilishi buning yorqin isbotidir.

Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev qayd etganlaridek, “Ushbu zaminda dunyo sivilizatsiyasi rivojiga beqiyos hissa qo‘shgan buyuk gumanist olimlar,

mutafakkir va shoirlar yashab ijod qilgan" (1, 38-bet). "Ma'lumki, qadimiy madaniyat va sivilizatsiyalar chorrahasi bo'lgan yurtimiz zaminidan o'rta asrlarda minglab olimu ulamolar, buyuk mutafakkir va shoirlar, aziz-avliyolar yetishib chiqqan. Ularning aniq fanlar va diniy ilmlar sohasida qoldirgan bebaho merosi butun insoniyatning ma'naviy mulki hisoblanadi", deb ta'kidlar ekan, bu meros yangi va yangi avlodlar uchun donishmandlik va bilim manbai, yangi kashfiyotlar uchun ajoyib material ekanligini uqtiradi. (2, 14-bet). Sharq mutafakkirlarining insonparvarlik g'oyalari bilan yo'g'rilgan ijtimoiy-falsafiy ta'limotlari olamni falsafiy anglashda, talaba yoshlar dunyoqarashining shakllanishida juda boy g'oyaviy manba hisoblanadi.

Xalqimizning asriy orzu-armonlarini ifodalagan gumanistik g'oyalar Birinchi va Ikkinchi Renessans davrlariga asos bo'lgani, ma'naviy poydevor bo'lib xizmat qilganini qayd etib, Prezidentimiz "shu tariqa uzoq o'tmishdan hozirgi davrgacha milliy tafakkurimiz negizida shakllanib kelgan, turli g'oya va amaliy harakatlarda o'z ifodasini topgan el-yurtimizning orzu-umidlari bugungi kunda Yangi O'zbekiston tushunchasida jamuljam bo'ldi", deb ta'kidlaydilar. Yangi O'zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh maqsadi ham inson, uning hayoti, huquq va erkinliklari, qadr-qimmati, ehtiyoj va manfaatlariga qaratilgani bilan ahamiyatlidir. Biz barpo etayotgan Yangi O'zbekiston, Uchinchi Renessans davri mafkurasi avvalo insonparvarlik, ezgulik va bunyodkorlik mafkurasi bo'ladi. (Qarang: 1, 293-bet).

REFERENCES

1. Shavkat Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – "O'zbekiston" nashriyoti, 2021. 464 bet.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkt Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 22 dekabr 2017 yil. – T.: "O'zbekiston", 2018.
3. Hayrullayev M.M. Uyg'onish davri va Sharq mutafakkiri. – T.: O'zbekiston, 1971.
4. Hayrullayev M.M. O'rta Osiyoda ilk Uyg'onish davri madaniyati. – T.: Fan, 1995.
5. Ибн Сина. Избр. философия производство. - М., 1980.
6. Raxmanov A., Safarov A. O'zbekistonning milliy tiklanishdan yuksalish sari rivojlanish bosqichlari. – Toshkent: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati" nashriyoti, 2020.- 130 bet.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ

Хайдаров Одил Эргашевич
Термиз давлат университети,
эркин тадқиқотчиси
hajdarovodil188@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада туркиий халқларининг йил ҳисоби билан боғлиқ қарашлари ва унинг астрономик асосларининг моҳияти ҳамда одамларнинг вақт билан боғлиқ тасаввурлари ва унинг хўжалик ҳаётидаги ўрни юзасидан қиёсий таҳлиллар берилган.

Калит сўзлар: *вақт, йил, фасл, ой, астраномия, ҳисоб, қуёш, кун, хўжалик, фаолият, тасаввур, табиат, юлдузлар.*

ABSTRACT

This article provides a comparative analysis of the views of the peoples of the world on the calculation of the year and the nature of its astronomical foundations, as well as people's ideas about time and its role in economic life.

Keywords: time, year, season, month, astronomy, calculation, sun, day, economy, activity, imagination, nature, stars.

АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится сравнительный анализ взглядов народов мира на исчисление года и природу его астрономических основ, а также представлений людей о времени и его роли в хозяйственной жизни.

Ключевые слова: время, год, сезон, месяц, астрономия, расчет, солнце, день, экономика, активность, воображение, природа, звезды.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Жуда қадим замонлардан бошлаб инсон ўзини ўзи англашга интилиб яшаган. Олам ягона тизим бўлиб, ундаги барча нарса ва ҳодисалар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Чексиз кўлам ва вақтга эга бўлган коинот курраи заминимизга, унда кечаётган барча ҳодисаларга: иқлим ўзгаришларига, микроорганизмлардан тортиб, барча тирик организмларга, флора ва фаунага, шу жумладан, инсон ҳаёти, унинг дунёга келиши, ривожланиши, улғайиши, саломатлиги, кайфияти, характери ва иш фаолиятига мунтазам ва жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнлар объектив характерга эга бўлиб, бизнинг онгимиз, иродамизга боғлиқ бўлмаган қонуният тарзида кечади. Мазкур

қонуниятлар уларни англаб, ўрганиб бориш ҳамда ушбу жараёнларнинг муҳим тамойилларига амал қилиб яшашимизни тақозо этади. Акс ҳолда, бунинг оқибатида ҳаётимизда, турмушимизда муайян қийинчиликлар, муаммолар юзага келади. Баъзида эса йўл қўйилган хатоларимизни ўнглаб бўлмайди ва натижада кўплаб кўнгилсизликлар рўй беради.

Мучал ва буржларга оид билимларни ўрганиб ва унинг муҳим натижаларига амал қилиб бориш эса, ўз навбатида, ҳаётимизни гўзал ва ҳузурли тарзда олиб боришимизга ёрдам беради ва турли кўнгилсизликлардан огоҳлантиради. Астрология жуда кўҳна илм соҳаси бўлиб, қадимдан ҳозирги замонгача ривожланиб ва ўрганилиб келинаётган астрономия фани билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, мучал ва буржларга оид билимлар, олинган натижалар ҳозирги замон педагогика, психология, тиббиёт, социология, сиёсатшунослик, бизнес, жисмоний маданият каби фан соҳаларида ҳам унумли ва самарали фойдаланиб келинмоқда. Юқорида билдирилган фикрлардан аёнки, қадим замонлардан аждодларимиз мучал ва буржларга оид қонун-қоидаларга амал қилиб яшашга одатланганлар. Муайян давлат ҳаётида содир бўлган муҳим воқеалар: ҳарбий юришлар, давлат бошлиғининг ҳокимият тепасига келиши ва шу билан боғлиқ тантанали маросимлар, сарой ва ибодатхоналарнинг қурилиши, никоҳ маросимлари аниқ астрологик қонун-қоидалар, хулосаларга мувофиқ тарзда ўтказилган[161].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW)

Ушбу мақолани тайёрлашда этнографлардан Ж. Фрейзер, Г. Снесарев, В. Басилов, С. Токарев, К. Шаниязов, Н. Лобачева, И. Жабборов, М. Жўраев, А. Аширов асарларида баён етилган назарий қоидалар ва услубий тавсияларга таянилди.

Мақоланинг манбалари сифатида ўз табиати ва аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганилди. Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий ҳамда К.Юнусовнинг Мучал ва буржлар: толеномалар, ҳамда Исажон Султоннинг Билга Хоқон асарларига мурожаат қилинган ҳолда таҳлил этилди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Туркий халқларнинг энг қадимги ва илк ўрта асрларда кўллаган тақвимлари, йил ҳисоблари ҳақида жуда оз маълумотлар сақланиб қолган. Бу хақда маълумот берувчи манбалар Абу Райхон Берунийнинг "Қадимги

[161] Мучал ва буржлар: толеномалар / Тузувчи муаллиф К.Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 304 бет.

халқлардан қолган ёдгорликлар" ва Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотут турк" асарларидир.

Абу Райхон Беруний ўз асарининг уч жойида туркий халқлар тақвимини эслатиб ўтади. Асарнинг 103-сахифасида қатор шарқ халқлари тақвимлари ҳақида гапириб турк ва ҳазарларни хам тилга олади: "Ҳинд, хитой, тибет, турк, ҳазар, хабаш ва занги каби бошқа миллатларнинг ойларига келсак, гарчи улардан баъзисининг номлари бизга аниқ маълум бўлса хам, то уларнинг барчасини билиш вақти келгунча баён этишдан тўхтадик".

Беруний иккинчи марта ўз асарининг 104-сахифасида қуйидагиларни ёзади[162]: "Булар (яъни туркий халқлар тақвими)нинг миқдорлари, маънолари ва кайфиятларидан воқиф бўлмадим". Шундан кейин олим туркий халқлар тақвимидаги ўн икки ой номини беради: 1. Улуғ ой. 2. Кичик ой. 3. Биринчи ой. 4. Иккинчи ой. 5. Учинчи ой. 6. Тўртинчи ой. 7. Бешинчи ой. 8. Олтинчи ой. 9. Еттинчи ой. 10. Саккизинчи ой. 11. Тўққизинчи ой. 12. Ўнинчи ой. Беруний мазкур саҳифада яна турк тақвими ҳақида гапириб "Турк жадвали" деган сарлавҳа остида ўн икки ҳайвон номи билан аталадиган ўн икки йиллик мучал ҳисобининг номларини ҳам келтиради: 1. Сичқон. 2. Уд (сигир). 3. Барс. 4. Товушқон (қуён). 5. Луй (балиқ) 6. Йилон (илон). 7. Юнт (от). 8. Қўй. 9. Пичин (маймун). 10. Товуқ. 11. Ит. 12. Тўнғиз.

Юқоридагилардан маълум бўладики, туркий халқларнинг асосий тақвими мучал ҳисобидан иборат бўлган йилнинг ўн икки ойи Беруний келтирган номлар билан аталган. Бироқ Беруний туркий халқларда қадим замонлардан буён бирор воқеа асос қилиб олинган "Тарих боши" деб аталган, рақам билан ҳисоблаб келинадиган йил ҳисоби тўғрисида маълумот бермайди. Шу билан бирга юқорида айтилган ўн икки ойнинг кунлар миқдори, оддий ва кабиса йили, йилнинг бошланиши янги куннинг қачондан ҳисобланиши ҳам айтилмайди. Ҳар ҳолда қадимги туркий халқларда ҳам Яқин ва ўрта Шарқдаги бошқа тақвимларда бўлгани каби йил боши баҳорги тенгкунликдан бошланган. Чунки қадимги туркий халқлар қўллаган мучал йилининг биринчи куни баҳорги тенгкунликдан ҳисобланади.

XI-асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Қошғарий "Девону луғоту турк" асарининг биринчи жилдида туркий халқларнинг тақвими ҳақида қисқача тўхтаб ўтади. Маҳмуд Қошғарий ҳам Абу Райҳон Беруний каби қадим замонлардан бери давом этиб келаётган тарих боши (эра) ҳақида ҳеч нарса

[162] Абу Райҳон Беруний Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 133-152

демайди. Олим фақат Беруний келтиргани каби йилнинг ўн икки ойини беради. Маҳмуд Қошғарий туркий халқларда кунларнинг номи йўқлигини, араблар келгандан кейингина кунлар ҳафта ичидаги кун номлари билан айтилиши одат тусига кирганлигини қайд этади. Шундан сўнг тилшунос олим туркий халқлар азалдан мучал ҳисобидан фойдаланиб келаётганликларини ёзади. У мучал таркибига кирган ўн икки ҳайвон номини сичқондан бошлаб тўнғизгача санаб ўтади. Айрим олимларнинг фикрича туркий халқларда тарих боши (эра) бўлган ва у турк хоқонлигининг 571-йилда ўрнатилишидан бошланади[163], дейдилар. Бу фикрни исботлаш учун Урхун-Энасой ёзувларида битилган қабр тошларидаги битикларга мурожаат қилайлик. Жумладан Култегин ёдномаси шундай тугалланади. "Култегин қўй йилида ўн еттинчи кунида ўлди. Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битиктошини Маймун йилида, еттинчи ойнинг йигирма еттисида бутунлай тугатдик. Кул тегин қирқ етти ёшида вафот этди". Юқоридаги санани Хитой йилномалари билан қиёслаб ҳисобланганда мелодий 731-йилнинг 27-феврали келиб чиқади.

Билга хоқон ёдномасининг хотимаси шундай[164]: "Отам хоқон ит йили ўнинчи ойнинг йигирма олтисида вафот этди. Тўнғиз йили бешинчи ойнинг йигирма еттисида дафн маросимини қилдирдим". Ушбу сана 734-йилнинг 26-ноябрга мувофиқ тушади.

Урхун-Энасой ёзувидаги бошқа йирик ёдномаларда ҳам хотимада китобат тарихи юқоридаги тартибда берилади. Яъни ойнинг сони, унинг куни ва мучалдаги ҳайвон номи қайд этилади. Азалдан давом этиб келаётган тадрижий йил ҳисоби-тарих боши (эра) бўлганда, Абу Райҳон Берунийдек синчков олим албатта кўрсатиб ўтган бўлар эди. Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий асарларида ва бошқа манбаларда туркий халқларнинг асл йил ҳисоби 12 ҳайвон номи билан аталувчи мучал ҳисоби билан юритилган. Бу ҳисоб туркий халқлардан ташқари мўғул ва хитой халқларида ҳам мавжуд. Бу ҳисоб кейинчалик Осиёнинг бошқа халқларига ҳам тарқалган.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)

Мақолада замонавий этнологик усуллар ва янги илмий ёндашувлар асосида қадимги туркий халқлари аҳолисининг йил ҳисоби билан боғлиқ қарашлари ва астрономик кузатишларини ҳар томонлама махсус ўрганиш

[163] Маҳмуд Қошғарий Девону луғотит-турк. – Тошкент: Фан, 1-жилд, 1963. – Б. 460
[164] Исажон Султон: Билга Хоқон. – Т, 2022.

амалга оширилди; туркий халқларининг тақвимий ҳисоб-китоблари уларнинг астрономик асослари таҳлил қилиниб ёритиб берилди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Йил ҳисоби маълум даражада кишиларнинг оилавий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини тартибга солади. Улар муҳим аҳамиятга эга, чунки уларга эътибор қаратиб, кишилар кундалик ҳаёт фаолиятини тақсимлайдилар, турли уй-рўзғор ишларини бошлайдилар ва тугатадилар, жамият ҳаёти оқимининг бир хиллигини тартибга соладилар. Кишиларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ календар маросимлар тупроқ унумдорлигини ошириш, чорва моллари сонини кўпайтириш ва оила фаровонлигини оширишга қаратилган. Улар йилнинг турли вақтларида амалга оширилса-да, уларнинг таркибий элементлари эътиқод, сеҳргарлик, маросим олови, ўсимликлар, совғалар ва қурбонликлардир.

REFERENCES

1. Абу Райҳон Беруний Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 133-152
2. Маҳмуд Қошғарий Девону луғотит-турк. – Тошкент: Фан, 1-жилд, 1963. – Б. 460
3. Умар Хайём. Наврўзнома. – Тошкент: Меҳнат, 1990. – Б. 10-22
4. И.А.Климишин - “Календарь и хронология”. М. 1985
5. Е.Бикерман. “Хронология древнего мира. Ближний Восток и античност”. М. 1976
6. К.Юнусов. Мучал ва буржлар: толеномалар – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 304 бет.
7. Исажон Султон: Билга Хоқон. – Т, 2022. – 240 бет
8. Хайдаров, О. Э. (2022). СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(7), 134-140.
9. Mustafayev, U. U. (2021). YANGI O ‘ZBEKISTON: QADRIYATLAR VA FALSAFIY FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI BO ‘YICHA AYRIM MULOHAZALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(10), 568-577.
10. Турсунов, С. Н. (2021). СУРХОН ВОҲАСИДА СОВЕТ РЕЖИМИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-3).

11. Тўраев, Б. (2019). ҚАДИМИЙ ТУРКИЙ ТИЛДА БИТИЛГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ. *INFOLIB: информационно-библиотечный вестник*, (3), 70-72.

12. Ахророва, Ш. (2020). Жамият ривожида миллий қадриятларнинг ўрни. *Научно-просветительский журнал" Наставник"*.

13. Mustafayev, U. U., Mustafayeva, S. U., & Haydarov, O. E. (2022). TURMUSHDAGI ISLOM: NAMOYON BO 'LISHI VA MOHIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(1), 914-921.

14. Yusupova, M. (2020). Наврўз байрами таомлари тарихийдик ва замонавийлик. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, *2*(2).

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

NABOTOT OLAMINING FRAZEOLOGIK BIRIKMALARINING QIYOSIY TAHLILI

Mirzayeva Dilshoda Ikromjonova
Farg'ona Davlat Universiteti, Ingliz tili kafedrasi mudiri
Sayfidinova Aziza Tolibovna
Farg'ona Davlat Universiteti xorijiy tillar fakulteti 2-kurs magistranti
Say838670@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola nabotot olamining frazeologik birikmalari mavzusiga bag'ishlangan bo'lib, avvalo, "nabotot" ("nabotot") so'zining etimologiyasi va orfografiyasiga batafsil to'xtalib o'tadi hamda frazeologik birikmalar haqida qisqacha ma'lumot beradi. Shuningdek, o'simlik dunyosiga oid frazeologik birikmalardan namunalar keltirib, ularning ma'nosini izohlaydi va turli manbalardan olingan misollar orqali yoritadi. Frazeologizmlar o'zbek va ingliz tillarida qiyoslab tahlil qilinadi.

Kalitso'zlar*: nabotot, nabotot, nabot, nabototshunos, botanika, o'simliklar, gul, botanik, frazeologizm, frazeologiya, frazeologikbirikma, etimologiya, orfografiya, flora.*

COMPARATIVE ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL COMBINATIONS OF THE WORLD OF FLORA

ABSTRACT

This article is devoted to the topic of phraseological combinations of the world of flora, and first of all, it will dwell, in detail, on the etymology and orthography of the word "flora" ("plants") and the article gives brief information about phraseological combinations. Also, it provides examples of phraseological combinations related to the flora, explains their meaning and illuminates them through examples from various sources.Phraseologisms are compared and analyzed in Uzbek and English languages.

Keywords*: flora, plant, botanist, botany, green, flower, botanist, phraseologism, phraseology, phraseological combination, etymology, orthography.*

KIRISH

Tilimizda necha asrlardan beri foydalanib kelinayotgan "nabotot" atamasining ma'nosini ko'pchilik umumiy tarzda tushunadi, ya'ni nabotot yashil olam bilan bog'liq jismlarni umumlashtiruvchi so'z demakdir. Ba'zilar esa bu atamani ko'pincha

o’zlari bilib-bilmagan holda yon so’zlari bilan qo’llashadi: “hayvonot va nabotot olami”, nabotot dunyosi, nabotot ilmi, nabotot hakimi kabi jumlalar bunga yorqin namunalardan biri bo’la oladi.

Biroq, bu atamaning asli etimologiyasi va orfografiyasini ko’pchilik insonlar ham bilaverishmaydi va o’z o’rnida to’g’ri qo’llashmaydi ham.

2021-yil 4-aprelda tahrir qilingan “O’zbek tilining Izohli lug’ati” kitobining talqiniga asosan “nabotot” so’zining asl orfografiyasi “nabotot” deyilishi ko’pchilikka tanish emas.

Agarda bu so’zni tilshunoslik tomonidan keng talqin etadigan bo’lsak, quyidagi ma’lumotlarni keltirib o’tishimiz mumkin.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

*Nabotot (*ot so’z turkumiga oid) so’z bo’lib, ushbu so’zining tub ma’nosi esa arab mamlakatlariga borib taqaladi. Bu so’z arabcha “nabot” so’zidan olingan bo’lib, o‘simliklar dunyosi, o‘simliklar demakdir. Yer usti va suv ostidagi o’simliklarning barchasi flora — nabototni tashkil qiladi. Unga bahaybat daraxtlardan tortib mayda xaslargacha va hattoki mikroskop bilan ko’rish mumkin bo’lgan suv o’tlari ham kiradi.

Misol uchun:

◆ Hujayraning topilishi shuni isbot qildiki, nabotot, hasharot va hayvonot — hamma tirik jismlar o‘sib, ko‘payib boruvchi organik kichik bo‘laklar — hujayralardan iboratdir. (*"Umumiy biologiya" kitobidan*)

Nabotot so’zining tarkibidagi so’zlar esa quyidagilarni tashkil etadi.

- Nabot - novvot.

◆ Sen borsanki, keng vohada hayot bor, Demak, yurtning labida bol, nabot bor. *E. Vohidov, «Sharqiy qirg‘oq»* .

- Nabot - o‘simlik,ko‘kat.

◆ Bu yassi qirg‘oqlarda bobolar yotur,

Tug‘madir har yalpiz, har shox, har nabot. *Mirtemir, «Asarlar»* .

- Nabototshunos - o‘simliklarni o‘rganuvchi, tekshiruvchi; ayni paytda botanik so'ziga sinonim bo'la oladi.

◆Yana bir buyuk nabototshunos olim *Abu Ja'far Ahmad ibn Muhammad Al-G'ofiiqiy*dir. Bu olim o'z kitobida o'simliklarning arab,lotin va barbar tillaridagi nomlarini keltiradi. U kishi milodiy 1160-yilda vafot etgan. G'arb olimlaridan Maks Meyerxof(1874-1945) bu olim haqida *" Eng mashhur nabotot ilmi olimlaridan biri"* deya ta'rif beradi.

- Nabototshunoslik - bu so’z esa o’simliklar bilan shug’ullanadigan fan demakdir.

Shuningdek, “botanika” va “nabotot” so'zlari ko’pchilik olimlarning diqqat e’tiborini o’ziga jalb etgan. Ya’ni botanika so’zining asl tarjimasi ham o'simliklar ma'nosini keltirib chiqaradi. Bundan tashqari, o‘simliklar to‘g‘risidagi dastlabki ma’lumotlar qadimgi Sharq xalqlari qo‘lyozmalarida uchraydi. Lekin ilmiy Botanikaga yunonlar asos solishgani haqidagi ma’lumotlar mavjud.Bu esa tanqidiy qarashni yanada kuchaytiradi. Garchi ko'pchilik olimlar tomonidan bu ikki so'zning o’zak va etimologiyasi bir degan fikr kelib chiqqan bo’lsa-da, bu haqida aniq aytilgan fakt hozircha o’z isbotini topganicha yo’q.

Arabcha nabotot so’zidan farqli o’laroq, “botanika” so'zi yunoncha botanikos - o‘simlikka taalluqli “botane” — o‘t, giyoh, o‘simlik demakdir. Yer yuzidagi o‘simliklar dunyosini, o‘simliklar organizmlarining yashash va rivojlanish qonuniyatlarini hamda ularning bu jarayondagi o‘zaro aloqalarini, tashqi muhitga nisbatan munosabatlarini ilmiy jihatdan o‘rganadi.

- Botanika - o‘simliklar haqidagi fan, nabotot.

◆ Botanika fani, botanika darsligi, botanika olimi.

Muzeyda geologiya, geografiya va botanikabo‘limlari mavjud. (Gazetadan)

Xulosa qilib aytish mumkinki,yuqoridagi ikki so'zning ma'nolari deyarli bir xil bo'lsada, ularning etimologiyasi turli tillarga tegishlidir.

Shunday qilib, nabotot olami haqida keng to’xtalib o’tildi, u haqida frazeologik birikmalarni tahlil qilishdan avval esa, frazeologiya va uning tasnifi haqida quyida qisqacha ma’lumot beriladi.

Frazeologizm, frazeologik birlik, frazema, frazeologik birikma kabi turli nomlar bilan yuritilib, ikki yoki undan ortiq so‘zdan tashkil topgan, ma’noviy jihatdan o‘zaro bog‘liq so’z birikmasi yoki gapga teng keladigan, yaxlitligicha ko‘chma ma’noda qo‘llanadigan va bo‘linmaydigan, barqaror (turg‘un) bog‘lanmalarning umumiy nomi frazeologizmlardir. Frazeologizmlar, shaklan o‘zlariga o‘xshash sintaktik tuzilmalardan farqli ravishda, nutqda so’zlarni erkin tanlash, almashtirish yo‘li bilan yuzaga kelmaydi, balki ma’no va muayyan leksik-grammatik tarkibli, avvaldan tayyor material sifatida qo’llanadi, ya’ni frazeologik birikma tarkibidan biror qismni chiqarib tashlash, tushirib qoldirish mumkin emas. Misol uchun; anqoning urug‘i, arpasini xom urmoq, chuchvarani xom sanamoq, terisiga sig‘may ketmoq, kapalagi uchmoq, ko’ngli joyiga tushmoq, qo‘li ochiq, qulog‘i og‘ir va boshqa frazeologik birikmalar tarixiy qo‘llanish me’yorlariga, usullariga ega bo‘lib, ularning ma’nolari muayyan nutqiy jarayonda oydinlashadi.

Frazeologik birikmalar asrlar davomida shakllanib keladi va millat va elatlar og'zaki va yozma nutqida juda keng foydalaniladi, buning boisi, frazeologizmlar og'zaki nutqda ham, badiiy adabiyotda ham va hamda publitsistikada ham o'tkir, ta'sirchan tasviriy vositani olib o'tadi. Yozuvchilar o'z asarlarida frazeologizmlardan unumli foydalanish bilan birga mavjud frazeologizmlarni asar ruhiga moslagan holda qisman o'zgartiradilar, shu yo'l bilan yangi iboralar yaratadilar. Shuning uchun ham, frazeologizmlar zamon bilan hamnafas boyib boradi va xalqning madaniy-tarixiy tajribasini, shuningdek, muayyan tilning tarixiy taraqqiyot qonunlarini aks ettiradi.

Nabotot olami haqidagi frazeologik birikmalar esa ikki tilda: ingliz va o'zbek tillarida ham juda ko'p uchraydi va keng foydalaniladi. Bunda, asosan, tasvirlanayotgan o'simlikning o'ziga xos xususiyati, rangi, barchaga ma'lum bo'lgan nozik jihatlari hisobga olinadi.

Misol uchun:

Qo'li gul – ushbu ibora insonlarning ijobiy xarakterini tasvirlab, insonning go'zal narsalar yarata olishi, o'ziga xos qobiliyatini ifodalaydi. Ushbu birikma, asosan, bog', oshxona va kasb-hunar ishlarida malakali insonlarga nisbatan qo'llaniladi.

O'zing binoyidek qo'li gul qassobsan. Topish-tutishing ham ikki ro'zg'orga yetardi. (Said Ahmad. Bir o'pichning bahosi (hajviya) asaridan)

Biroq ushbu frazeologik birikmaning ingliz tilidagi variant umuman turlicha va nabototdan ham yiroq.

To have a green thumb – so'zma- so'z tarjima qilinganida, "kimningdur yashil bosh barmoqqa ega bo'lishi" kabi tilimizga mos kelmaydigan tarjima kelib chiqadi. Shuning uchun ham quyidagi misolni:

She has an unbelievably green thumb, she can grow anything.

Uning qo'li gul, har narsani yetishtira oladi.

Yoki ingliz tilidagi **last straw** frazeologik iborasini tahlil qiladigan bo'lsak, o'z lug'aviy ma'nosidan farqli ravishda, o'zbek tiliga "**so'nggi tomchi"** deb tarjima qilinishi mumkin.

*It had been a difficult week, so when the car broke down, it was **the last straw.***

Yuqoridagi gapni o'zbek tiliga quyidagicha tarjima qilishimiz mumkin:

Shundoq ham og'ir hafta bo'lgandi, mashinaning buzilishi, o'lganning ustiga tepgandek bo'ldi.

Shuningdek, o'zbek tilimizda "**So'nggi tomchi piyolani toshirar**" degan maqol ham ushbu frazeologik birikmaga teng bo'la oladi.

Bark up the wrong tree iborasi esa o'zbek tiliga "**noto'g'ri yo'ldan yurmoq**" deb tarjima qilinadi.

*He must face the fact that he is barking up the wrong tree*jumlasi esa o'zbek tilida*"u noto'g'ri yo'ldan yurayotganligini anglashi kerak"*deb tarjima qilinadi.

Lekin bir-biriga o'xshash frazeologik birikmalar ham yo'q emas. O'zbek tili xususiyatlariga, millatimiz yozma va og'zaki nutqiga to'la mos keladigan, tarjima jihatidan deyarli farq qilmaydigan, va ayniqsa, nabotot olamiga tegishli frazeologik birikmalar ham talaygina.

Misol uchun:

Never a rose without the prick birikmasi tilimizda mashhur iboraga aylangan "**atirgul tikansiz bo'lmas**" frazasiga to'la mos keladi. Quyidagi misolda uning ma'nosi to'la ochib berilgan.

A: "I can't believe the amount of taxes I have to pay on my lottery winnings!" (L otoreya yutug'im uchun shunchalik baland narxda soliq to'lashim kerakligiga ishona olmayapman.)

B: "Never a rose without the prick, eh?"

(atirgul tikansiz bo'lmaydi)

Clutch/ Grasp at straws frazeologizmi esa "cho'kayotgan odam cho'pga ham osiladi" maqoliga to'g'ri keladi.

She offered to take a pay cut to keep her job, but she was just clutching at straws.

(U ishini saqlab qolish uchun oylik maoshidan ushlab qolishlari mumkinligini taklif qildi, ammo bu shunchaki cho'kayotgan odamning cho'pga osilishi edi)

Needle in a haystack ushbu jumla ham hatto so'zma-so'z tarjima qilinganda ham o'zbek tilidagi frazeologik rang-barangligini yo'qotmaydi. Ya'ni uning tarjimasi "**Somon ichidan ignani qidirmoq**" iborasiga to'g'ri keladi. (Lekin "igna bilan quduq qazimoq" iborasi ham bunga to'la mos keladi.

Searching for your earring at the park will be like looking for a needle in a haystack.

Bog'dan sirg'angizni izlash xuddi somon ichidan igna izlash bilan barobar bo'ladi.

In the flower of life (or someone's youth) – hayotining eng gullagan yoshlik chog'ida.

He died in the very flower of his youth.

U hayotining eng gullagan yoshlik chog'ida vafot etdi.

XULOSA

Shunday qilib, ushbu maqola inson hayotining qiymati, madaniy qadriyati kabi tushunchalarni nabotot olami orqali ifoda etadi. Bundan tashqari, bu kabi frazeologik birikmalarni o'rganishning va boshqa tillarga taqqoslashning ahamiyati millatning milliy o'ziga xosligini o'rganish, fikr almashish va shu orqali dunyoqarashni kengaytirishdan iboratdir degan g'oyasini ilgari suradi. Yuqorida guvohi bo'lganimizdek, tarjima sohasida frazeologiyalarni tarjima qilish bilan bog'liq ko'plab xususiyatlar mavjud: ba'zida ularning mazmun-mohiyatini saqlab qolish uchun so'zlarning asl tarjimasidan butunlay voz kechish zarur. Ayniqsa, nabotot olami o'zining nafis va nozik xususiyatlari orqali alohida e'tiborni talab etadi. Chunki inson yoki vaziyat xarakterini o'simliklar, umuman olganda frazeologizmlar orqali ochib berish anchagina qiyin masala bo'lishi bilan birgalikda, tilshunoslikda e'tiborli soha hisoblanadi.

Zamonaviy dunyo, xalqlar va madaniyatlar o'rtasidagi aloqa ildam kuchayib,keskin rivojlanayotgan bir davrda, millatlarni bir-birini, urf-odat, an'analarini, yashirin til xususiyatlarini yanada ko'proq anglashi juda zarur hisoblanadi.

REFERENCES

1. Cambridge dictionary definitions
2. Rahmatullayev Sh., O'zbekfrazeologiyasining ba'zi masalalari, T., 1966;
3. Tursunov U., Muxtorov J., Rachmatullayev Sh., Hozirgi o'zbek adabiy tili [3nashr], T., 1992;
4. Mirzayeva, D. (2021). PROVERBS AND SAYINGS AS A PRODUCT OF THE NATION'S COGNITIVE THINKING. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference* (Vol. 1, No. 2).
5. Мирзаева, Д. И. (2017). АНАЛИЗ ДИСКУРСА УЧЕНИЯ И ИЗУЧЕНИЯ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (4-2), 73-75.
6. Mirzayeva, D. (2019). THE CONCEPT OF" FRIENDSHIP" IN UZBEK AND ENGLISH LINGUISTIC CULTURE. *Мировая наука*, (11), 29-32.
7. Mirzaeva, D. I. (2020). THE ROLE OF PAREMIOLOGY IN THE LANGUAGE SYSTEM. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, *2*(6), 245-251.

8. Farxod-qizi, V. D., & Dilshoda, M. (2022). INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI MAQOLLARDA" OVQAT" SEMASINING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI. *Gospodarka i Innowacje.*, *24*, 662-664.

9. Mirzayeva, D. (2019). PROVERB AS A KIND OF PAREMIOLOGICAL FUND AND AS AN OBJECT OF LINGUISTIC AND METHODOLOGICAL RESEARCH. *Мировая наука*, (11), 33-36.

10. Mirzaeva, D. (2021). THE ROLE OF PAREMIA IN THE SYSTEM OF NATIONAL CULTURAL HERITAGE. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, *2*(3).

11. Mirzayeva, D. (2021). PROVERBS AND SAYINGS AS A PRODUCT OF THE NATION'S COGNITIVE THINKING. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference* (Vol. 1, No. 2). Ismoilova, S., & Xalilova, G. (2022). RESEARCH ON THE ISSUE OF QUESTIONS IN LINGUISTICS. *Development and innovations in science*, *1*(1), 17-19.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Дилфузахон Мамажонова
Фарғона давлат университети
Ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли конституциявий ислоҳотларнинг асл мақсади, бугунги кунда мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳурмат қилинишини юқори даражага кўтариш масласи ёритилади.

Калит сўзлар: *Конституция, Янги Ўзбекистон, ренессанс, ислоҳот, қонунчилик ташаббуси.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье будет рассказано об истинной цели масштабных конституционных реформ, проводимых в Узбекистане – повысить уровень уважения интересов человека в нашей стране сегодня.

Ключевые слова: *Конституция, новый Узбекистан, Возрождение, реформа, законодательная инициатива.*

ABSTRACT

This article will tell about the true purpose of the large–scale constitutional reforms carried out in the Uzbekistan - to increase the level of respect for human interests in our country today.

Keywords: *Constitution, new Uzbekistan, Revival, reform, legislative initiative..*

КИРИШ

Конституция ҳар бир давлатда муҳим аҳамият касб этувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мутахассис олимларнинг фикрича давалатнинг конституцияси шу давлатнинг юзи ҳисобланади, чунки қайси давлатнинг конституцияси бўлмасин унга қараб ўша давлатнинг ижтимоий муҳитини англаш мумкин бўлади.

Конституция – асосий қонун бўлгани билан, унга ҳам инсоният ҳаётидаги ривожланишлар, ахборот-технологиянинг кундан-кунга ўсиб бораётганлиги, халқаро майдондаги глобал ўзгаришлар ўз таъсирини албатта кўрсатади. Демоқчи бўлганимиз шуки, ҳамма давлатнинг конституцияси ҳам замон талабларидан келиб чиқиб ўзига хос ўзгаришларга эҳтиёж сезади. Зеро, Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий

маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади”[1.]. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир.

У ҳам замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳамоҳанг тарзда такомиллаштирилиб борилмоғи зарур. Агар дунё конституциявий амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги 30 йилликда 90 га яқин давлатда демократик конституциявий ислоҳотлар амалга оширилиб, уларнинг 53 тасида янги конституциялар қабул қилинганлигини кўрамиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, муайян вақт ўтгандан сўнг давлатнинг Асосий қонунига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳаётий заруриятга айланиб боради. Мазкур жараён, айниқса, мамлакатимизда 2017 – 2022 йилларда ва “Инсон қадрини юксалтириш” мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида муҳим аҳамият касб этади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам халқаро талабларга жавоб берадиган даражада бўлишига қарамасдан ўзгаришларга бўлган эҳтиёжни четлаб ўта олмайди.

Шу сабабли 2022 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ҳақида”ги 2304-IV-сонли қарори қабул қилинди.

Қонун устуворлиги, оддий қилиб айтганда, қонунларга риоя этиш демак. Ушбу тамойил ҳар қандай ривожланган давлатнинг пойдеворини ташкил этади. Бобокалонимиз буюк Соҳибқирон Амир Темур “Салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладим-ки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди”, деб ўз давлатини қатъий қоидалар, қонунлар орқали бошқарилганлигини кўрсатиб беради[2.88.].

Юртимизда конституциявий ислоҳотларнинг бошланишини қуйидаги асосий омиллар ва сабаблар тақозо этди:

биринчи сабаб, илгари амалда бўлиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойилини “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартириш зарурияти мазкур ислоҳотларнинг бошланишига бирламчи асос бўлди, десак муболаға бўлмайди;

иккинчи сабаб, мамлакатимиз тараққиётининг сўнгги йилларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида юзага келган янги ижтимоий муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш. 2017-2022 йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳаларни рақамлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тан олиб айтиш керакки, бугунги кунимизни рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, бугунги тараққиётимизнинг асосини рақамли иқтисодиёт, рақамли туризм, рақамли суд, рақамли давлат хизматлари каби тушунчалар ташкил этаётганлиги айни ҳақиқат;

учинчи сабаб, сўнгги йилларда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш борасида жорий этилган янги механизмларни Бош қомусимизда мустаҳкамлаш зарурияти. Маълумки, мулкдор бўлиш ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан биридир. Шу сабабли, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада кафолатли тизим жорий этиш ва ҳар қандай шароитда ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади;

тўртинчи сабаб, экология ва атроф табиий муҳитнинг софлигини сақлаш, уни келажак авлодга безавол етказиш борасидаги улуғвор мақсадларни Конституцияда белгилашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда;

бешинчи сабаб, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги давлат томонидан яратилиб берилган кафолатлар тизимини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ҳам Бош қомусимизга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш заруратини юзага келтирди.

Хусусан, Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда халқаро стандартларга тўла жавоб берувчи таълим тизими жорий этилганлиги, жамиятнинг ёшлар қатламини ҳар жиҳатдан баркамол авлод сифатида вояга етиши учун амалга оширилаётган бугунги кенг кўламли ислоҳотларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини белгилаш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ташқари, Бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун давлат ва жамият бошқарувида маҳалла институти ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг мақомини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам сабаб бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Маълумки, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 16 маротаба турли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича бошланган

янги конституциявий ислоҳотлар олдингиларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

биринчидан, аввало, ҳозирги конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти кенг қамровли бўлиб, Конституциянинг барча бўлимлари, боблари ва моддаларини кенг муҳокама қилиш асносида амалга оширилмоқда. Буни жорий йилнинг 26 май кунидан эътиборан фуқаролардан таклифлар олиш жараёнининг бошланиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин;

иккинчидан, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича амалга оширилаётган ҳозирги ислоҳотлар "жамият ислоҳотлар ташаббускори" деган эзгу ғояга асосланган ҳолда олиб борилмоқда;

учинчидан, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёни замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Мазкур ҳолат ҳам Бош қомусимизда белгиланган "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир" деган олтин қоиданинг ҳаётийлигини исботламоқда.

Шу ўринда, халқнинг устувор мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида адолатни қарор топтириш, коррупция иллатига қарши муросасиз кураш олиб бориш, адолат ва одил судловни амалга ошириш, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Бош қомусимизда қуйидаги муҳим масалалар ўз ифодасини топиши керак, деб ҳисоблаймиз:

биринчи таклиф: Конституциянинг 7-моддаси иккинчи қисмидаги "манфаатларини кўзлаб" деган сўзлардан кейин "ижтимоий адолат тамойилларига таяниб" деган сўзларни киритиш. Мазкур таклифнинг моҳиятида Янги Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини амалга ошириш ижтимоий адолат тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилаётганлиги билан аҳамиятлидир;

иккинчи таклиф: Конституциянинг VII бобида "Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга" эканлигига доир нормани белгилаш таклиф этилади. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни 14-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг ҳар қандай ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ҳамда қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Юридик

шахслар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга" эканлиги белгиланган. Мазкур нормани Бош қомусимизда умумий характердаги норма сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз;

учинчи таклиф: партия тизимидаги фаол ёшларнинг ташаббусларига асосан Конституцияда "Ёшлар" деб номланган янги бобни киритиш ва унда ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта ва бебаҳо бойлиги эканлиги, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, ёшлар учун давлат томонидан яратиб берилаётган кафолатлар тизимини белгилаш таклиф этилади. Аҳолисининг қарийб 57 фоизини ёшлар ташкил этадиган Янги Ўзбекистоннинг Асосий қонунида ёшларга аталган муҳим масалаларнинг белгиланиши долзарб аҳамият касб этади;

тўртинчи таклиф: Конституциянинг 41-моддасида белгиланган таълимга оид нормани батафсил тарзда ифодалаш мақсадида Конституцияда "Таълим" деб номланган янги бобни киритиш, мазкур бобда мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим (профессионал таълим) ҳамда олий таълимга доир нормаларни алоҳида тарзда ифодалаш таклиф этилади;

бешинчи таклиф: Конституциянинг олтинчи бўлими номини "Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш" деб қайта номлаш таклиф этилади. Миллий конституциявий амалиётимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Конституцияга ўзгартириш киритилиши билан бир қаторда, унга бир неча маротаба турли қўшимчалар ҳам киритилганлигини кўриш мумкин. Шу сабабли, Бош қомусимизга қўшимчалар киритилиш жараёнининг ҳам конституциявий-ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Бугунги амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар қуйидаги ижобий жиҳатлари билан халқимиз ва давлатимиз тараққиёти учун беқиёс аҳамиятга эгадир. *биринчидан,* мазкур ислоҳотлар, том маънода, "инсон қадри учун" деган эзгу тамойилнинг ҳаётда ўз исботини топишига; *иккинчидан,* давлат ва жамият ишларини бошқаришда халқнинг хоҳиш-иродасини батамом қарор топтириш борасидаги демократик ислоҳотларнинг тадрижийлигини таъминлашга; *учинчидан,* адолатли ва одил судловни таъминлаш, замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми белгиланишига; *тўртинчидан,* Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи янада ортиб, жонажон юртимизнинг ижобий имиджи янада юксалишига хизмат қилиши лозим.

REFERENCES

1. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови./Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2016.
2. Темур тузуклари./Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., форсча матндан А.Сўғоний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Тошкент. Ўзбекистон, 2018.
3. Imomniyozov, D. B. O. (2021). KORPORATSIYA IJRO ORGANLARINING FIDUTSIAR MAJBURIYATLARI QIYOSIY HUQUQIY TAHLILI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(11), 588-600.
4. Ahrorqulov, A. (2021). Legal status of non-governmental non-profit organizations. Science of the 21st century: society and digitalization, 1(02), 62-63.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Ф. Анварова
Фарғона давлат университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли конституциявий ислоҳотларнинг асл мақсади, бугунги кунда мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳурмат қилинишини юқори даражага кўтариш масласи ёритилади.

Калит сўзлар: *Конституция, Янги Ўзбекистон, ренессанс, ислоҳот, қонунчилик ташаббуси.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье будет рассказано об истинной цели масштабных конституционных реформ, проводимых в новом Узбекистане – повысить уровень уважения интересов человека в нашей стране сегодня.

Ключевые слова: *Конституция, новый Узбекистан, Возрождение, реформа, законодательная инициатива.*

ABSTRACT

This article will tell about the true purpose of the large–scale constitutional reforms carried out in the new Uzbekistan - to increase the level of respect for human interests in our country today.

Keywords and expressions *Constitution, new Uzbekistan, Revival, reform, legislative initiative..*

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли конституциявий ислоҳотларнинг асл мақсади – халқ иродаси, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва пировардида, инсон қадрини улуғлаш, унинг оғирини енгил қилиш, ҳаётини яхшилаш, ижтимоий адолат тамойилини ҳаётга татбиқ этиш эканлигини алоҳида таъкидламоқ зарур. 2021 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлган муҳим таклиф илгари сурилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев “Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман юртимиз

ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим”[1.], деб таъкидлайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Янгиланаётган Конституциямизнинг асосий муаллифи ва ижодкори том маънода Ўзбекистон халқи, унинг илҳомлантирувчиси шахсан Давлатимиз раҳбари эканлиги алоҳида эътироф этилди. Ушбу хулоса, жумладан, қуйидагиларга асосланади:

• конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ғояси ва унинг давлат ва жамият ривожидаги аҳамияти илк маротаба Президент ёки бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан эмас, балки айнан аҳоли ва сайловчилар томонидан таклиф этилган ва асослантирилган;

• конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ишларига бевосита халқ томонидан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари бошчилик қилмоқдалар. Парламент томонидан шакллантирилган Конституциявий комиссия таркибига, шунингдек, академик ҳамжамият, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳам киритилган;

• Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган умумхалқ муҳокамасида колл-марказ, фуқароларнинг бевосита қабули орқали, “Meningkonstitutsiyam.uz” платформаси, анъанавий мурожаатлари ҳамда жамоалар томонидан жами 150 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Бу 1992 йилдаги умумхалқ муҳокамасига қараганда 25 баробардан юқоридир. Ушбу таклифларнинг 56 фоизи эркаклар, 40 фоизи аёллар томонидан, 4 фоизи – аноним тарзда билдирилган. Унда хориждаги ватандошлар томонидан юборилган таклифлар ҳам инобатга олинган ва илмий ҳамжамият иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, Конституциявий комиссияга тақдим этилган.

Жойлардаги учрашувларда фуқаролар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, ташаббус ва таклифлар таҳлили ҳам халқимизнинг Янги Ўзбекистондаги ўзгаришларга бефарқ эмаслиги, балки ислоҳотларнинг, ҳусусан конституциявий ислоҳотларнинг фаол ва манфаатдор иштирокчисига айланаётганини кўрсатмоқда. Зеро, янгилинаётган Конституция – халқимизнинг орзусидаги ижтимоий ва адолатли Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс асосини яратишнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. “Рост яшаш, рост гапиришга ўргатиш энг мушкул ва мураккаб ишлардан. Мусо алайҳиссалом яҳудийларни рост сўзлаш, тўғри яшаш ва қулликни ўргатишлари

учун 40 йил мобайнида синай саҳроларида кўчманчи ҳолида олиб юрганлар”[2.127.].

Кейинги даврда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ҳуқуқшунос олимлар, академик ҳамжамият, “ақл марказлари” мазкур жараёнда фаол иштирок этаётганига урғу бериш мумкин. Ушбу институтлар Конституциявий комиссия фаолиятига ҳам яқиндан кўмак кўрсатмоқдалар, хусусан:

• БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, ЕИ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинган 400дан ортиқ бутун дунё ва минтақавий конвенциялар, декларациялар, резолюциялар ҳамда конституциявий ривожланиш борасидаги халқаро тажриба ўрганиб чиқилди, 195 дан зиёд мамлакатлар конституциялари, конституциявий ислоҳотлари тизимли равишда таҳлил этилди;

• халқаро ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил этиш ва ўрганишлар асосида “Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар конституциялари”, “Жаҳон конституциялари”, “Конституциявий ислоҳотлар: дунё мамлакатлари тажрибаси” (5 жилдлиги) каби 10дан зиёд фундаментал асарлар яратилгани ҳамда улар асосида Конституциявий қонун лойиҳаси ва ислоҳотларга оид фикр мулоҳазалар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

• давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, академиик ҳамжамият, халқаро ва хорижий нохукумат ташкилотлар билан ҳамкорликда конституциявий ислоҳот ҳамда Конституциявий қонун лойиҳасининг турли жабҳалари ва новеллаларига бағишланган 100 дан ортиқ миллий ва 40 дан зиёд халқаро форумлар, жумладан хорижий мамлакатларда ҳам (АҚШ, Буюк Британия, Корея, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония, Ҳиндистон каби давлатлар) ўтказилган. Унда, хусусан, БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларга бағишланган халқаро давра суҳбатида 40 дан ортиқ аъзо давлатларнинг Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка минтақаларидаги миссияларининг доимий вакиллари ва экспертлари, шунингдек, БМТнинг турли тузилмаларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк маротаба Конституциявий қонун лойиҳаси жамоатчилик, гендер, бола ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари, аксилкоррупция, лингвистик ва бошқа экспертизалардан ўтказилганлиги

ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасининг Конституциявий қонун лойиҳасига расмий изоҳи ва таклифлари олинган.

Конституциявий қонун лойиҳасини аҳолига кенг таништириш, оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда ҳар бир моддани кенг жамоат муҳокамасини ташкиллаштириш, фуқаролар фикрини ўрганиш, бу борада аҳоли турли қатламлари ва Конституциявий комиссия ўртасида мустаҳкам алоқаларни таъминлашда журналистлар ва блогерларнинг фаолияти ўта саломқли ва аҳамиятли бўлганлиги алоҳида эътироф этилди.

Айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли томонидан конституциявий ислоҳотларнинг:

- “инсон шаъни ва қадрини” улуғлаш, аввал амал қилган “давлат – жамият – инсон” парадигмасини янги “инсон – жамият – давлат” парадигмасига ўзгартириб, конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустаҳкамлаш;

- халқчил давлатни бунёд этишнинг энг муҳим шарти сифатида иқтисодий ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш;

- фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини, “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” тамойилини конституциявий мустаҳкамлаш;

- давлат ва жамият миллий қадриятлари ва ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолишини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини келгуси авлодларга безавол етказиш;

- Конституцияда янги Ўзбекистон бунёдкорлари — ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини, уларнинг ҳуқуқи, манфаатлари ва мажбуриятларини акс эттириш;

- Ўзбекистон ижтимоий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш сари илдам бораётганини ҳисобга олган ҳолда “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаш каби йўналишларида билдирган таклифлари ва тавсияларининг ижроси борасида атрофлича маълумотлар берилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Шуни таъкидлаш мумкинки, конституцияга киритилаётган ўзгартиришлар янги Ўзбекистон келажагини, унда яшаётган инсонлар тақдирини тубдан ўзгартиришга хизмат қилувчи буюк ислоҳотлардан бири бўлиб қолишига ишончимиз комилдир.

REFERENCES

1. https://www.gazeta.uz/uz/2022/06/21/president-suggestions/Шавкат Мирзиёев Конституцияга қандай ўзгартиришларни таклиф қилди?
2. Муҳаммад Сиддиқ Рушти. “Авлиёлар султони туронлик валийлар.” – Тошкент. Камалак, 1995.
3. Ahrorqulov, A. (2021). Legal status of non-governmental non-profit organizations. Science of the 21st century: society and digitalization, 1(02), 62-63.
4. Imomniyozov, D. B. O. G. L., & Atalikova, G. S. (2022). INGLIZ VA MILLIY HUQUQIMIZDA SHARTNOMAVIY JAVOBGARLIKNING ASOSLARI. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(2), 84-95.
5. Asadov, S. F. O. G. L. (2021). FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARDA DAVLAT ISHTIROKI (DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK MISOLIDA). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(11), 789-799.
6. Atalikova, G. S., & Asadov, S. F. O. G. L. (2022). MASLAHAT VA KONSALTING XIZMATLARI: HUQUQIY TARTIBGA SOLISH MASALALARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 299-309.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

О НЕКОТОРЫХ ВИДАХ САТИРИЧЕСКИХ ЖАНРОВ

Зулхумор Эгамназарова
Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан
Ezulhumor @ mail.ru

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь пойдёт об особенностях некоторых видов сатирических жанров, а именно, о фельетоне и памфлете.

Для раскрытия жанрового своеобразия сатиры рассмотрим вначале стилевые особенности сатирических произведений и более подробно остановимся на таких жанрах сатиры как фельетон и памфлет.

Ключевые слова: *специфика, стиль, жанр, памфлет, фельетон, особенности жанра, простонародные слова, церковнославянский язык, лексемы.*

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada satirik janrlarning ayrim turlari, ya’ni felyeton va risolaning xususiyatlariga to‘xtalib o‘tiladi.

Satiraning janr o‘ziga xosligini ochib berish uchun biz, avvalo, satirik asarlarning uslubiy xususiyatlarini ko‘rib chiqamiz va felyeton, risola kabi satira janrlariga batafsilroq to‘xtalamiz.

Kalit so'zlar: *o'ziga xoslik, uslub, janr, risola, felyeton, janr xususiyatlari, umumiy so'zlar, cherkov slavyan tili, leksemalar.*

ANNOTATION

This article will focus on the features of some types of satirical genres, namely, the feuilleton and pamphlet.

To reveal the genre originality of satire, we first consider the stylistic features of satirical works and dwell in more detail on such satire genres as feuilleton and pamphlet.

Keywords: *specificity, style, genre, pamphlet, feuilleton, genre features, common words, Church Slavonic language, lexemes.*

ВВЕДЕНИЕ

В научной теории М.В. Ломоносова выделено три группы лексических единиц (3 стиля).

Специфика каждого стиля определена использованием определенных сочетаний слов разных групп.

Стиль любого произведения, в том числе сатирического, представляется авторскими размышлениями и закономерностями творческого процесса, а

именно: стилевой позицией, индивидуальной речью персонажей, речевой интонацией. Тип интонации определяет специфику сатирического стиля, выраженную такими формами: юмором, сатирой, остроумием, сарказмом.

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Юмор представляет особый вид комического, в котором внешняя комическая трактовка предмета изображения сочетается с внутренней серьёзностью. Юмор писателя помогает открыть истинную сущность явлений посредством противоположности: глупость оборачивается мудростью, мелочное – возвышенным. Ярким примером является произведение Н.В. Гоголя «Ревизор»: сатирическое обличение российских чиновников происходит благодаря невидимому герою – смеху. Использование юмористической интонации позволяет автору показать глупость и продажность чиновников, их страх перед вышестоящим начальством. Исходя из этого, следует, что юмор скрывает серьезные факты под маской смешного.

Второй формой сатирического осмеяния является ирония: содержание излагается позитивно, восторженно, слишком сильно восхваляется тот, кто на самом деле заслуживает порицания (или то, что надо показать с негативной стороны). Ирония становится поистине незаменимой в условиях тоталитарных режимов, запрещающих критику существующих порядков. Уличить сатирика, который использует иронию, очень сложно, поскольку он ничего не критикует, а напротив, восхваляет.

Третьей формой сатирического осмеяния служит остроумие. Это суждение автора, рассказчика, героя о событии, явлении, факте с использованием неожиданного сопоставления, которое и создает комический смысл того, о чём идёт речь. Остроту в тексте часто невозможно понять, так как смысл её заложен внутри лексических единиц, содержащих комическое противоречие. Произведение, написанное в остроумной форме имеет условно две стороны художественного стиля: обычная словесно-изобразительная сторона текста разрывается, переплетается мгновенными вспышками остроумия. В качестве примера приведем эпиграмму К. Пруткова:

«Пия душистый сок цветочка, Пчела даёт нам мёд взамен;
Хотя твой лоб – пустая бочка, Но всё же ты не Диоген».

Ещё одной формой сатирического осмеяния служит сарказм. Данная форма представляет собой крайнюю степень иронии или остроумия, поскольку смех смешивается с горечью, злостью. Сатира несет в себе необычайно сильную концентрацию эмоций, чаще всего негативной направленности – гнева,

ненависти. Такой сарказм чаще всего возникает в том случае, когда автор повествует не столько о комическом, сколько о вредном, опасном для социума, явлении. Используя сарказм, сатирик обрушивает все свои чувства и эмоции на описываемую реальность, поражая своего героя энергичным ударом словесного мастерства.

Подчеркнем, что в любом сатирическом произведении чаще всего сочетаются эти формы осмеяния действительности окружающего мира. В процессе развития литературоведения сформировались 9 видов сатирических жаров. Рассмотрим некоторые из них подробно.

Указанные этапы могут несколько видоизменяться в зависимости от того, какое произносительное явление (операция) служит объектом овладения.

В отечественном языкознании основы изучения интонации заложены В.А. Богородицким, А.М. Пешковским, Л.В. Щербой и др.

Понятие интонация (или ритмико-интонационный навык) является единством взаимосвязанных компонентов: мелодики, интенсивности, длительности, темпа речи и тембра произношения. Интонация служит для внешней окраски речи: именно при помощи интонации мы понимаем, является ли сказанное вопросом, повествованием или отрицанием, можем выразить радость, удивление, недовольство или даже раздражение.

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Для каждого языка характерна особая интонация, которая заметно отличается от интонации других языков. Из-за сильно выраженного аналитического характера английского языка, когда отношения между словами выражаются не при помощи окончаний, как в русском синтетическом языке, а при помощи служебных слов, предлогов, вспомогательных глаголов и интонации, последняя играет важную роль при общении.

Мелодика речи, например, осуществляется за счет повышения или понижения голоса. Речевой ритм наблюдается при чередовании ударных и безударных слогов. Темп характеризует быстроту или медленность высказывания, а также паузы между речевыми высказываниями.

Адекватностью произношения является беглость речи. Беглость речи подразумевает достаточную автоматизированность произносительных навыков, позволяющую говорящему высказываться в нормальном темпе, характерном для языка. Темп речи русского человека, например, равен 80–100 слов в минуту, а англичане говорят намного быстрее – 140–150 слов в минуту.

Тембр речи зависит от индивидуальной звуковой окраски, которая предает речи эмоциональные оттенки (мрачные, веселые, злые и т.д.).

Фразовое и логическое ударение выделяют отдельные значимые слова в речевом отрезке. В предложении, как правило, ударны знаменательные слова (существительные, смысловые глаголы, прилагательные, наречия,

числительные, вопросительные местоимения, указательные местоимения в роли подлежащего, притяжательные местоимения в абсолютной форме). Безударны обычно служебные слова (вспомогательные и модальные глаголы, если с них не начинается предложение, союзы, артикли, частицы и большинство местоимений). Например: *It's a **fa**mily tradition* (Это **се**мейная традиция).

Логическое ударение – это особое средство выделения какого-либо слова, используемого в качестве интонационного средства противопоставления или усиления, с нарочитым его подчеркиваем во фразе. Ударение на слове с логическим ударением оказывается настолько сильным, что все стоящие за ним слова до самого конца синтагмы оказываются безударными: *I can **read** this text* (Я могу прочитать этот текст).

Тон, как и ударение, – одно из различительных звуковых средств.

Основными тонами в английском и русском языках являются нисходящий и восходящий. Нисходящий тон в английском языке представляет собой постепенное понижение голоса на ударных слогах (слоги спускаются как будто по лестнице), на последнем ударном слоге голос резко опускается вниз. В русском же языке тон повышается в конце слова и нисходящий тон звучит нерезко, более плавно.

Нисходящий тон (the Falling tone) в английском языке – это средство категоричного утверждения, законченности, определенности. Обычно он используется в следующих позициях: – в конце повелительных предложений, выражающих приказ, команду или запрещение: *Come here! Leave the dog alone!* (в русском языке же в повелительных предложениях используется восходяще-нисходящее движение мелодики: *Иди сюда! Оставь собаку в покое!*);

– в конце восклицательных предложений: *What a nice day! How cold! How interesting!*

Как в русском, так и в английском языках нисходящий тон используется в следующих случаях: – в конце кратких повествовательных предложений (утвердительных и отрицательных): I *will fly soon. It's interesting to hear this. Я скоро прилечу. Интересно это слышать.*

– в конце специальных вопросов, начинающихся с вопросительных местоимений: *What's that? When will he come? Что это? Когда он придет?*

– в конце второй части альтернативного вопроса, предполагающего выбор из двух возможных вариантов: «*Did you drink tea or coffee yesterday? Вы будете чай с молоком или лимоном?*».

– в конце первой части разделительного вопроса, который представляет собой повествовательное предложение: *He knew her, didn't he? Он знал ее, не так ли?*

– в конце второй части разделительного вопроса**,** когда спрашивающий уверен в правильности сообщении первой части и не ожидает дополнительных сведений, а только выражает желание подтвердить, что данное суждение верно: *It was cold yesterday, wasn't it? Вчера было холодно, не так ли?*

– при произнесении приветствия при встрече: *Good morning! Доброе утро!*

– при выделении обращения в начале предложения: *Kate, where is your hat? Pete, go out of the class! Катя, где твоя шляпа? Петр, выйди из класса!*

– при выделении приложения в конце предложения: *This is my brother, the artist. Это мой брат, художник.*

– в конце придаточного предложения, стоящего перед главным, если последнее произносится с восходящим тоном: *When you write the article, will you call me? Как напишешь статью, позвонишь мне?*

Восходящий тон – это средство незаконченности, неопределенности, сомнения и неуверенности. С восходящим тоном в английском языке обычно произносятся:

– общие вопросы, которые начинаются со вспомогательных или модальных глаголов и требуют ответов «да» или «нет»: *Have you ever been to New York? Ты был когда-нибудь в Нью-Йорке?* (в русском же языке общие вопросы произносятся с восходящим движением тона с последующим падением, место фразового акцента на «фокус» высказывания: «*Ты была в* ***Нью-Йорке?*** или *Ты* ***была*** *в Нью-Йорке?)* – распространенное подлежащее: *My friend and I walked in the forest yesterday».*

– обстоятельство в начале предложения: *Last year it was a lot of snow in the streets of our town.*

– каждый из перечисляемых однородных членов предложения, кроме последнего, если он является концом повествовательного предложения: *There are books, pens and pencils on the table.*

– повелительные предложения, выражающие вежливую просьбу: *Could you send me this letter tomorrow?*

– слова прощания, благодарности, а также выражение «*all right*»: *Goodbye! See you tomorrow. Thank you. All right.* (если выражение *all right* произнести с нисходящим тоном, то оно может быть воспринято как угроза; в русском языке

слова прощания и благодарности звучат с нисходящим тоном: *До встречи! Пока! Большое спасибо*.)

– придаточные предложения, стоящие перед главным: *As soon as I arrive at the hotel I will let you know.*

– вторая часть разделительного вопроса, если спрашивающий выражает желание получить какую-либо дополнительную информацию, т.к. он не уверен в правильности сведений в первой части вопроса: *They haven't got this information, haven't they?* (в русском языке в этом случае также используется восходящий тон: *У них нет этой информации, не так ли?*)

– первая часть вопросов, предполагающая выбор (альтернативные вопросы), т.к. эта часть вопроса, по сути, является общим: «*Does she like tea or coffee?* (в русском языке интонация та же: *Ты будешь чай или кофе?*)».

В русском языке различают также сочетание восходящего, ровного и нисходящего тонов. Это сочетание используется для выражения и усиления оценки в предложениях с местоименными словами: *Какой сегодня день!* Использование данной конструкции включает оценочные восклицания: *Ка**кой** вкусный торт!,* а также выражения недоумения: *Ка**кой** ужасный поступок!* Сочетание восходящего тона со смычкой голосовых связок в конце артикуляции выражает экспрессивную оценку: «*Ка**кая** она балерина!* (*Она не балерина!*)».

Нисходяще-восходящий тон употребляется в английском языке для выражения различного рода эмоций: от сомнения до дружеского возражения. Падение-подъем в английском языке происходят: – в пределах одного слова: *Yes/ No*. – в пределах двух смежных слогов: *That's right*. – в пределах двух слогов, разделенных одним или несколькими неударными слогами: *Necessity.*

В русском же языке нисходяще-восходящий тон используется в сопоставительных вопросах: *Я буду чай. А вы?*

При произношении интонационных групп с нисходяще-восходящим тоном диапазон голоса говорящего можно схематически представить в виде двух параллельных горизонтальных линий. «При произнесении нисходяще-восходящего тона голос сначала снижается в пределах слога до самого низкого уровня диапазона (т.е. до самого низа горизонтальной линии), а затем постепенно повышается, не достигая, однако, слишком высокого уровня». Нисходяще-восходящий тон по своему мелодическому рисунку напоминает интонацию вызова в русском языке, например: *А я не пойду!*

В английском языке, помимо утверждения определенного факта, он содержит различного рода подтекст, т.е. то, что подразумевается:

– уточнение: *I believe he is his friend. Brother. Я думаю, он его друг. Брат.* – дружелюбное возражение: *I'm afraid he is not right. Боюсь, он не прав.* – предположение: *It may be very cold outside. Наверное, на улице холодно.* – противопоставление: *We bought a lot of apples but didn't buy oranges. Мы купили много яблок, но не купили апельсины.*

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

От участников иноязычного диалога с носителями языка вряд ли может ускользнуть неуловимый смысл, передаваемый неизвестными им интонационными средствами. «Общеизвестно, как трудно, например, уловить на чужом языке шутку или иронию, выразить оттенки удивления, раздражения, недоверия и т.д., которые часто передаются интонацией». Человек может безукоризненно владеть лексикой и грамматикой изучаемого языка, но делать ошибки в интонации, из-за чего рискует быть непонятым в обычных речевых ситуациях.

Таким образом, интонация – это характерный фонетический признак любого языка, и овладение ей позволяет не только преобразить речь, но и придать высказыванию определенный смысл.

REFERENCES

1. Абдуллаева, Б. Х., & Алимов, Т. Э. (2022). О ПОНЯТИИ СИНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ПАРАДИГМЫ. *Вестник науки и образования*, (2-2 (122)), 21-23.
2. Алимов, Т. Э., & Усманов, И. А. (2022). Основы переводческой компетенции. *Вестник науки и образования*, (1-2 (121)), 72-75.
3. Алимов, Т. Э., & Хомидова, Л. Р. (2022). ВЛИЯНИЕ ПЕРЕВОДЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ПРОЦЕСС И ПРОДУКТ ПЕРЕВОДА. *Вестник науки и образования*, (1-2 (121)), 75-78.
4. Алимов, Т. Э., & Юлбарсов, Ф. Б. (2021). ЛЕКСИЧЕСКАЯ ВАРИАНТНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ УЧЕНИЙ. *Вестник науки и образования*, (3-2 (106)), 33-35.
5. Alimov, T. E., & Gimadetdinova, V. G. (2022). NEGATIVE EUPHEMISMS IN THE MEDIA. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE*, *1*(5), 25-33.

6. Алимов, Т. Э., & Гимадетдинова, В. Г. (2020). Формирование информационно-лексической компетенции на уроках литературы посредством новых информационных технологий. *Молодой ученый*, (44), 317-319.
7. Алимов, Т. Э. (2020). ЛЕКСИЧЕСКАЯ ВАРИАНТНОСТЬ В СОВРЕМЕННОМ РУССКОМ ЯЗЫКЕ.
8. Sevara, S., & Timur, A. GENERAL THEORY OF LINGUISTIC VARIATION. *Chief Editor*.
9. Alimov, T. Functioning Of Youth Slang In Mass Media. *International Journal on Integrated Education*, *4*(2), 114-116.
10. Alimov, T. E., & Gimadetdinova, V. G. (2022). NEGATIVE EUPHEMISMS IN THE MEDIA. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE*, *1*(5), 25-33.
11. Алимов, Т. Э. (2020). Использование учебных текстов в процессе обучения русскому языку в дидактических и коммуникативных целях. *Молодой ученый*, (52), 393-395.
12. Khatamovna, A. B., & Ermekovich, A. T. (2022). FEATURES AND DIFFICULTIES OF TRANSLATING EUPHEMISMS. *Gospodarka i Innowacje.*, *27*, 114-118.
13. Нишанов Я. И., Утанова Т. Г. Интернет-сленг и интернет-общение //Вестник науки и образования. – 2021. – №. 10-2 (113). – С. 48-50.
14. Нишанов Я. И. Маргинальное пространство как знак пути" поколения сороколетних" в романе В. Маканина" Андеграунд, или Герой нашего времени" //Молодой ученый. – 2017. – №. 13. – С. 705-709.
15. Нишанов Я. И. МИГРАЦИОННАЯ ПОСТКОЛОНИАЛЬНАЯ ЛИТЕРАТУРА //Ответственный редактор. – 2022. – С. 19.
16. Nishanov Y. Marginal Space As A Sign Of The Path Of The" Generation Of The Forties" In V. Makanin's Novel" The Underground, Or A Hero Of Our Time" //The American Journal of Applied sciences. – 2021. – Т. 3. – №. 05. – С. 47-55.
17. Izzatullayevich N. Y. A look at the history of the migration of plots //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 4. – С. 430-433.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

SA'DULLA SIYOYEVNING "DASHTI QIPCHOQ LOCHINI YOXUD SHAYBONIYXON" ASARIDA SHAYBONIYXON OBRAZINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Yo'lchiyev Qahhor Vahobovich,
Professor, filologiya fanlar doktori(PhD),
Farg'ona davlat universiteti
Soliyev Shoxrux Xolmuxammatovich,
FarDU 2-bosqich magistranti
Email: shohruhsoliyev725@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada o'zbek adabiyotshunosligida Sa'dulla Siyoyevning "Dashti qipchoq lochini yoxud Muhammad Shayboniyxon"qissasida Shayboniyxon obrazining tasviri va uning o'ziga xos xususiyatlari haqida so'z yuritiladi. Tarixiy asarlarning adabiyotdagi va shaxs ma'naviyatini yuksaltirishdagi o'rni haqida fikrlar ham yoritilgan.

***Kalit so'z va iboralar**: Obraz, tarixiy shaxs, badiy to'qima, "Dashti qipchoq lochini Shayboniyxon", "Shayboniynoma", estetik tamoyil.*

ABSTRACT

The article talks about the image of Shaibani Khan and his characteristics in the story "Dashti Kipchak Falcon or Muhammad Shaibani Khan" by Sadulla Siyoyev in Uzbek literary studies. Thoughts on the role of historical works in literature and in raising the spirituality of a person are also discussed.

***Key words and expressions**: Image, historical figure, artistic fabric, "Dashti Kipchak falcon Shaybaniykhan", "Shaybaniynoma", aesthetic principle.*

АННОТАЦИЯ

В статье говорится об образе Шайбани-хана и его характеристиках в рассказе Садуллы Сиёева «Дашти Кыпчак Сокол или Мухаммад Шайбани-хан» Садуллы Сиёева в узбекском литературоведении. Также обсуждаются мысли о роли исторических произведений в литературе и в поднятии духовности человека.

***Ключевые слова и выражения**: Образ, историческая личность, художественная ткань, «дашти кыпчакский сокол Шайбанийхан», «Шайбанийнома», эстетический принцип.*

KIRISH

Adabiyot xalqning yuragi, elning ma'naviyatini ko'rsatadi. Bugungi murakkab zamonda odamlar qalbiga yo'l topish, ularni ezgu maqsadlarga ilhomlantirishda adabiyotning ta'sirchan kuchidan foydalanish kerak. Yozuvchi tasavvuri muayyan g'oyaga asoslanib, hayotdagi alohida narsalarni buzadi, saralaydi, to'qiydi va yangidan tasirli va jonli, tabiiy va go'zal, tipik va yaxlit narsa yaratadi. Bu jarayon xarakter va epizodlarni yaratishda ham, qahramon va voqelikning ayrim xususiyatlarini ko'rsatishda ham, yaxlit sujetni yuzaga keltirishda ham sodir bo'ladi. [Umurov H. 3:69] Binobarin, tasvir va taassurot orasidagi bog'lam voqelik ikkilanganligiga yo'l ochadi. Mavjud holatda janr barqarorligi va sujet halqasi o'zaro uyg'unlashadi. Unda ijodiy tanlov, umumlashma va hayotiy muqoyasa tasvir ruhiyatini shakllantiradigan omilga aylanadi. Boshqacha aytganda, hayot haqiqati va badiiy to'qima bir-biriga tutash nuqtalari ham janr tadriji, ham poetik tarhga tasir o'tkazadi. Qahramon va voqelik muallif konseptsiyasi tasvir orasidagi aloqa hamda tafovut obyektini tubdan yangilaydi. Hayotiy mantiqdan keyin o'zbek adabiyoti ijodkor fitratida maromiga yetadi. Mustaqillikka yetishganimizdan keyin o'zbek adabiyoti mezonlari qaror topdi, bir qancha adabiy manbalar kashf etildi, yangi nomlar ro'yobga chiqdi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

XX asrning 80-yillari oxirlarigacha chop etilgan va o'zbek adadbiyoti tarixini yoritishga bag'ishlangan tadqiqotlar, ilmiy-ijodiy ishlardagi fikr-qarashlarni qayta nazardan o'tkazish, ayrim masala va ijodkorlar haqidagi adabiy portretlarga aniqlik kiritish, to'ldirish ehtiyoji paydo bo'ldi. Ilgari juda ko'plab tarixiy shaxslar va ijodkorlarimiz hayoti va faoliyati asossiz ravishda kamsitilib, biryoqlama baholanib kelingan. Hozirgi kunda ularga to'g'ri yondashishimiz va ular haqidagi ma'lumotlarni boyitishimiz zarur.. Afsuski, ko'plab ijodkorlarimiz haqida ma'lumot beruvchi hujjatlar hali to'liq yig'ilgan emas. S.Siyoyev qariyb 20 yil davomida o'zbek adabiyoti tarixiga oid adabiyot va adabiy manbalarni o'rganar ekan Movaraunnahr va Xurosondagi adabiy hayot, Ahmad Yassaviy, A.Navoiy, Z.M.Bobur, shoir Muhammad Solih, Shayboniyxon, Ubaydullaxon haqida, ularning asarlari to'g'risida o'z qarashlari va xulosalarini bayon etadi.

S.Siyoyevning "Dashti qipchoq lochini yoxud Muhammad Shayboniyxon" asarida Shayboniyxon Temuriylar birlashtira olmagan Markaziy Osiyoni qo'l ostida birlashtirgan, lashkarboshilik jihatlarini, shuningdek shoir, islohotchi, olim va mutaffakkir sifatlarini namoyon etgan shaxs ekanligi ko'rsatilgan. Asar voqealari Shayboniyxonni tanishtirishdan boshlanadi, asl ismi Abdulfatx Muhammad ota-

onasidan erta yetim qolganligi, unga va ukasi-Sulton Mahmudga Mazid tarxon homiylik qila boshlaganligi aks etgan. Shayboniyxonning diniy ta'lim olishida Mazid tarxonning hamda ustozi Shayx Mansurning xizmatlari katta bo'lgan.

Shayboniyxon Samarqandni Bobur Mirzodan tortib olgach, Toshkent sari yurish boshlaydi. Toshkent egallangach Shayboniyxonning xalqqa adolati ochib beriladi: "Shayboniyxonning azaliy bir odati bor. U qaysi shahar yo viloyatni zabt etsa, avvalambor o'sha yerning bozorini borib ko'radi. Zero, bozor mamlakatning yuz-ko'zi degan aqidaga ishonadi.Shayboniyxon ham shohona libosda emas, odmiroq kiyingan. Oyog'ida qo'nji qizil etik, egnida ko'k shoyi yaktak, boshida bejirim o'ralgan simobiy salla. Qorin tekis, ko'zlar qiyiq, kalta kuzalgan soqol-murt o'ziga yarashgan. Yelkalari keng. Turish-turmushidan navjuvonlarga xos o'ktamlik shijoat va quvvat yog'iladi. Magar sallaga qo'ndirilgan yong'oqdek yoqut jig'a bo'lmasa, ro'parada Dashti qipchoq lochini, deya sharaf tojini kiygan Shayboniyxon emas, biror viloyat yo muzofotning sarkori o'tiribdi, deb o'ylash mumkin edi".[Siyoyev S. 2:35,36]. Shayboniyxonning fe'l-atvori, xarakteri, oddiy inson ekanligi ko'rishimiz mumkin. Shuningdek, Shayboniyxonning oddiy kiyim kiyganligi uning kibrga berilmagan, hamma uchun o'rnak bo'la olishi matnda ochib berilgan.

MUHOKAMA

Muallif Shayboniyxonning savdo-sotiq, qishloq xo'jaligi, ta'lim sohasiga qo'shgan hissasiga alohida to'xtalib o'tadi:"Biz, Turkiston elining sultoni, Samarqand podshosi Muhammad Budog' o'g'li Shayboniyxon ushmundoq qaror qilduk: Shahar bozori buzib tashlansin, o'rnida keng, obod, sarishta dehqon bozori bunyod etilsun. Toshkentda to'qqizta yangi hovuz qazilsinki, xalq ichkilik suvig'a zor bo'lmag'ay. Bo'zsuv anhoridan shahar ichkarisiga kichik-kichik ariqlar o'tkazilsin. Madrasalar ta'mirlansin, mudarrislarning maoshi ikki barobar oshirilsin, tolibi ilmlarga beriladigan nafaqa ham ikki hissa ko'paytirilsin. Ularga Ramazon va Qurbon hayiti bosh-oyoq libos berilsin. Bozorda o'z molini sotib o'tirgan dehqon ahlidan soliq oz olinsin. Harajatlar baytul-mol hisobidan qoplansun. Muhrimizni bosdik. Imom uz-zamon, xalifat ur rahmon Shayboniyxondirmiz. Hijriy 907 sana, shavvol.[Siyoyev S. 2:39.] Bu yerda Shayboniyxonning fuqaro ravnaqi uchun juda ko'plab ariqlar, hovuzlar, masjid va madrasalar bunyod etganligiga guvoh bo'lamiz.

S.Siyoyevning "Dashti qipchoq lochini yoxud Muhammad Shayboniyxon" asarida Shayboniyxon Markaziy Osiyoni yagona bir markaz – Samarqand qo'l ostida birlashtira olgan, mamlakatda tukiy til va adabiyoti rivojiga hissa qo'shgan, tarixiy imorat va madrasalar qurdirgan tarixiy shaxs, hukmdor va shoir sifatida, O'zbekiston tarixida tutgan o'rni, oddiy inson sifatida aks ettirishda o'ziga xos yondashuvi

seziladi. Yozuvchining mahorati, bir tomondan, real hayotdagi yangilikni ko‘ra olishi va uni adabiy vositalar bilan tahlil eta olish san’ati bo‘lsa, ikkinchi tomondan san’atning sirlarini chuqur egallay olganligida ko‘rinadi. Shayboniyxon tarixni sevgan va tarixiy asarlar yaratilishida o‘zi shaxsan ishtirok etgan. So‘nggi yillarda olib borilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, Shayboniyxon o‘zbek (turk) tilida bitilgan o‘ziga xos manba — “Tavorixi guzidayi nusratnoma” asarining yozilishida bevosita ishtirok etgan. [Xayrullayev M. 4:26]

Shayboniyxon Qur’onni yaxshi bilgan va diniy ulamolar, shoirlar bilan suhbat qurishni xush ko‘rgan. Hukmdorning siyosiy raqibi bo‘lgan Zahiriddin Muhammad Bobur ham uning musulmon dini borasida yaxshi bilimga ega ekanligini ko‘rsatib o‘tadi.[Z.M.Bobur 6:128] Muhammad Shayboniyga hamroh va maslakdosh bo‘lgan shaxslar ichida shayxlar, sayyidlar va xojalardan chiqqan bilimdon kishilar eslatib o‘tiladi. Ularning ba’zilari xonga nisbatan “buyuk muhabbat va sadoqat”larini ko‘rsatgan bo‘lib (Xondamir), keyinchalik ham hukmdorning yaqinlaridan bo‘lib qolganlar. Ularning ichida Muhammad Solih tomonidan “olim kishi” deb atalgan Abdurahim sadr alohida imtiyozli o‘rin egallagan edi.

Asarda Shayboniyxon Xonzodabegimga ikki yildan beri oshiq ekanligi aks etgan. Shayboniyxon Samarqandni qamal qilganda so‘ng Xonzodabegimga xat yozadi. Xonzodabegimga atalgan bu izhori dilda mashuqaning vasfi ham, xonning shahar ahliga qo‘ygan sharti ham mujassam edi:

Ey mango orzuyi jon vasling,
Bedavo dardima darmon vasling
Sifotingni eshitib zor o‘ldum,
Ishqing ilkiga giriftor o‘ldum…[Siyoyev S. 2:19]

Shayboniyxon o‘zini Alisher Navoiyning ma’naviy shogirdi hisoblar, o‘nlab g‘azallarini yod bilar va o‘z qo‘li bilan ilk devonini ko‘chirgan edi. Shayboniyxon turkiy tilni nihoyatda qadrlagan. U Hiroda bundan boshlab devon ishlari turkiy tilda yurgizilsin [Siyoyev S. 2:92] deb buyruq beradi. Shuningdek, asarda Shaybonixon turkiy til haqida kuyunib shunday deydi: “ – Ajab maxluq erkan bu odamzod deganlari. Bir burda non umidida tuvg‘on tilidan kechib, begona alfozda chuldiramakni afzal ko‘radir. Olloh, olloh! Iftixor qani? Mir Alisher “Muhokamatul-lug‘atayn”da bizlarga ne deb vasiyat qilmishlar”.[Siyoyev S. 2:92] Afsuski Shayboniyxon vafot etishi bilan devon ishlari turkiy tildan forsiy tilga o‘tkaziladi.

Shayboniyxonning o‘zining shaxsiy kutubxonasi bo‘lgan. U janglarga o‘zining aravasida shaxsiy uy kutubxonasi bilan chiqar edi. Shayboniyxon saroyda ko‘plab mushoiralar o‘tkazib turgan va o‘zi ham mushoiralarda ishtirok etgan.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda Sa'dulla Siyoyevning "Dashti qipchoq lochini yoxud Muhammad Shayboniyxon" qissasida tarixiy shaxs tasviri vaqt, makon hamda tuyg'u o'rin almashinuvlarini zaruriy shart qilib qo'yadi. Shu o'rinda "Badiiy makon va unda kechadigan vaqt asosan kechinmaning harakatida namoyon bo'lib, bu holat kichik hajmli she'riyatda ham lirik syujet izlari borligini ko'rsatadi, badiiy asardagi shakl va mazmun birligi aniq makon va zamon doirasida namoyon bo'ladi"[Yo'lchiyev Q. 5:152] Nafaqat badiiy asar, balki she'riy asarlarda ham makon va zamon tushunchasi mavjudligini ko'rishimiz mumkin. Qahramon shaxsini ochib berishga yo'naltirilgan har bir chizgi, timsol va obrazda ifoda davomiyligini ta'minlashga intilish qabarib ko'rinadi. Tasvir ruhiyati botinida ham muallif qiyofasi yorqin namoyon bo'ladi. Badiiy dunyoqarash talqinida kuzatiladigan mahorat shundaki, u yaratgan obrazlar hammasi har xil, biri ikkinchisini takrorlamaydi, individual, o'ziga xos. Bugungi globallashuv jarayonida, sharqona hayotimizga g'arb madaniyati bostirib kirib kelaytgan bir davrda tarixga qaytish, undan saboq olish har qachongidan muhimoq ahamiyat kasb etmoqda. So'nggi yillardagi tarixiy asarlardagi tarixiy shaxslar haqida yozishdan maqsad o'tmishni qumsash, sog'inish emas, bugungi kun odamlarining ma'naviy yuksalishiga hissa qo'shish, ko'ngillarga ezgulik urug'ini ekish, o'sib kelayotgan yosh avlodni vatanparvarlik, ajdodlar xotirasiga hurmat, milliy an'analarga sadoqat bilan tarbiyalashdir. Biz ko'rib o'tgan asar ham yoshlarni tarbiyalashda, tarixni, adabiyotni teran anglashda muhim manba hisoblanadi.

REFERENCES

1. Umurov H. Badiiy psixologizm va hozirgi o'zbek romanchiligi. – Toshkent: Fan, 1983.-B.69
2. Sa'dulla Siyoyev. Dashti Qipchoq lochini yoxud Muhammad Shayboniyxon qissasi. – Toshkent:Navro'z, 2021. – B.144
3. Xayrullayev M.M. Ma'naviyat yulduzlari. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashryoti, 1999.
4. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma. – Toshkent: Yulduzcha nashriyoti, 1989. – B.386
5. Yo'lchiyev Q.V. Lirik she'rda badiiy makon muammosi. So'z san'ati xalqaro jurnali, 2020-yil, 5-son
6. Muhammad Solih. Shayboniynoma. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1989 – B.336
7. Qodirov P. Yulduzli tunlar.-Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2018. – B.560

O‘ZBEK ISMLARIDA EVFEMIZATSIYA VA UNING DISFEMIZATSIYALASHUVIGA OID MUAMMOLAR

Xurshida Kadirova
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU
O‘zbek tili ta’limi fakeulteti
O‘zga tilli guruhlarda o‘zbek tili ta’limi kafedrasi dotsenti
Filologiya fanlari nomzodi, dotsent
E-mayl: qodirova@navoiy-uni.uz

ANNOTATSIYA

Turli-tuman ilmiy nazariyalar va o‘rganilish tarixiga qaramay, antroponimikaning tizim sifatidagi ma’nosi va tabiati onomastika uchun dolzarb muammo bo‘lib qolmoqda. Umuman onomastika va xususan antroponimiya uzoq vaqt davomida til va til nazariyasining periferik elementlari sifatida qabul qilingan[168]. Zamonaviy olimlar uning ko‘p jihatdan o‘ziga xos bo‘lsa-da, semantikaga ega ekanligi va antroponimikaning ba’zi ichki qonuniyatlari borligini tan oladi. Ushbu tizimlilikning tabiati, masalan, bitta nomning tillararo variantlari hisobga olingan cheklovlariga ham bog‘liq. Ma’lum bir ijtimoiy qatlamning nomlash tizimi, boshqa oila va sulolalar doirasidagi nom berish tizimlariga xos bo‘lmasligi mumkin. Maqolada O‘zbekiston hududida mavjud bo‘lgan ismlarning tarixi, ularning lug‘aviy ma’nosi hamda idrok etilish bilan bog‘liq nutqiy mezonlar tahlilga tortilgan. Xususan, evfemik tabiatli ismlarning disfemalashuviga misollar keltirilib, masalaga oydinlik kiritilgan. Muallif, bunday ismlarni O‘zbek ismlari lug‘ati tarkibidan olib tashlashni taklif etadi va tasnifiy metoddan foydalangan holda disfemalashgan ismlarni guruhlaydi.

Kalit so‘zlar*: ismlar, ta’qiqlangan ismlar, evfemizm, disfemizm, arabcha ism, o‘zbekcha ism, mental xususiyat.*

АННОТАЦИЯ

Несмотря на различные научные теории и историю изучения, значение и характер антропонимии как системы остается актуальной проблемой для ономастики. Ономастика вообще и антропонимика в частности долгое время считались периферийными элементами языка и теории языка. Современные ученые признают, что она имеет семантику и некоторые внутренние законы антропонимии, хотя во многом уникальна. Характер этой систематичности

[168] Березович Е.Л. Русская ономастика на современном этапе: критические заметки //Известия Академии наук. сер. лит-ры и яз. Т. 60, № 6. Ноябрь-декабрь 2001. С. 34-46.

также зависит от принимаемых во внимание ограничений, например межъязыковых вариантов одного имени. Система именования определенного социального слоя может быть нетипичной для систем именования других семей и династий. В статье анализируется история имен на территории Узбекистана, их словарное значение и речевые критерии, связанные с восприятием. В частности, приводятся примеры дисфемизации эвфемистических имен и разъясняется вопрос. Автор предлагает исключить такие имена из словаря узбекских имен и сгруппировать дисфемизированные имена с помощью метода классификации.

Ключевые слова: *имена, запрещенные имена, эвфемизм, дисфемизм, арабское имя, узбекское имя, ментальная характеристика.*

ABSTRACT

Despite various scientific theories and history of study, the meaning and nature of anthroponymy as a system remains an urgent problem for onomastics. Onomastics in general and anthroponyms in particular have long been considered peripheral elements of language and language theory. Modern scientists admit that it has semantics and some internal laws of anthroponymy, although it is unique in many ways. The nature of this systematicity also depends on the constraints taken into account, such as cross-linguistic variants of the same name. The naming system of a particular social stratum may not be typical of the naming systems of other families and dynasties. The article analyzes the history of names on the territory of Uzbekistan, their dictionary meaning and speech criteria associated with perception. In particular, examples of dysphemization of euphemistic names are given and the question is clarified. The author proposes to exclude such names from the dictionary of Uzbek names and group defamized names using the classification method.

Keywords: *names, forbidden names, euphemism, dysphemism, Arabic name, Uzbek name, mental characteristic.*

KIRISH

Mamlakatimiz hududidagi ismlar davrlarga bog‘liq holda yuzaga kelgan deb aytish mumkin. Islom madaniyatining kirib kelishi, ommaga tanilishi, o‘rganilishi yoki avj olishi bilan bog‘liq zamonlar turlicha kechib, shaxs nomlarida u o‘z aksini topgan. “Qutadg‘u bilig”da turkiy xoqonlar: turklar xoqoni, Turklar buyrug‘i, O‘ga buyrug‘i, O‘tikon begi, Yag‘mo begi, Uch O‘rdu xoni, Ili xoni, Bo‘ka yabg‘usi, Ko‘k Ayuq, Alp Er to‘nga tilga olinadi. Ushbu nomlarning barchasi ham real hayotda bo‘lgan, deb bo‘lmaydi. Ammo badiiy adabiyotning obrazlilik tamoyiliga ko‘ra

ularning ko‘pchiligi ramziy qahramonlar bo‘lib, asosan geografik nomlardan olingan. Masalan, Ili – vodiy daryosi, O‘tikon – tog‘ tizmasi, Chigil va Yag‘mo – urug‘larning nomi...[169]

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Amerikalik tarjimonning asliyatdagi Ila nomini The Chief of Ili Valley, ya’ni Ila vodiysining boshlig‘i, deb berishi, uning tarixiy manbalardan ana shu nom bilan ataluvchi vodiy to‘g‘risida maxsus ma’lumot olganligidan dalolat beradi va buni asarning inglizcha nashriga yozgan so‘zboshisida zikr etilganidek izohlaydi.[170] Demak, ismlarning geografik nomlar, hayvon nomlari bilan bog‘liq bo‘lgan davrini shunday aniqlashimiz va uni esa daslabki bosqich deb atash mumkin.

Keyingi bosqich evfemik tabiatga ega. “Chaqaloqqa qo‘yiladigan ism uning taqdiriga ta’sir qiladi, ismlar hosiyatli va hosiyatsiz bo‘ladi deyilgan tasavvurlar davrlar o‘tishi bilan ismlarni bolaning himoyachisiga, unga qandaydir bog‘langan, unga doimo va bir umr esh, hamdam bo‘lib yuradigan vositaga aylantira borgan. SHu tarzda "asrovchi ismlar” yoki "himoya nomlari” deb yuritiluvchi nomlar guruhi yuzaga kelgan.”, deydi tarixchi olim Sh. O‘ljayeva.[171] Tilshunoslikda u evfemizaцiya deb ataladi. Turkiy xalqlarda nom berishning odatdagi tartib va talabidan tashqari bir nechta sabablarini tilshunos olim A.Omonturdiyev “Professional nutq evfemikasi” nomli kitobida ham sanab o‘tagan:

1. Rasmiy nom bilan yashayotgan bola yoki o‘smir surunkali kasal bo‘laversa, nomi (xususan, Alloh, payg‘ambar, avliyo yoki umuman, burjlar nomi bilan atalgan bo‘lsa, nomni ko‘tarolmadi deb hisoblanib) qaytariladi yoki u kamtarona evfemik bir nom bilan almashtiriladi. Natijada, bola qo‘shaloq nom (bir rasmiy, bir evfemik atama)ga ega bo‘lib qoladi. Bu nomning ikkinchisi himoyalovchi, saqlovni nom sifatida faollashib ketadi.

2. Oilada bola turavermasa, tug‘ilib o‘laversa, navbatdagi tug‘ilgan chaqaloqqa, o‘g‘il-qizligidan qat’iy nazar, O‘lmas, Tursun, Turg‘un, Umrzoq, Sotiboldi, Xudoyberdi, Yashar, Turdiboy, Toshtemir, Bo‘ri, Arslon kabi balo-qazodan himoyalovchi, asrovchi, yomon ko‘zdan saqlovchi, yovuz ruhlarni chalg‘ituvchi ot yoki evfemik atamalar qo‘yiladi.[172]

[169] Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko– Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. – Chicago– London: University of Chicago Press, 1983. – 52 p.
[170] Садиқов З. Қадимги туркий реалиялар таржимаси. Монография / Наманган:, «Vodiy Media», 2021. 120 бет.
[171] Ўлжаева Ш. https://www.facebook.com/groups/246149995752425/posts/330761413957949/
[172] Бегматов Э.А. Исм чиройи. – Тошкент: Фан, 1994. 74-75 Б.; Бегматов Э.А. Номлар ва одамлар. – Тошкент: Фан, 1966.

3. Ayrim soцial qatlam (masalan, shoirlar) ma'lum maqsad va niyat bilan o'zlariga taxallus tanlaydilar yoki laqab orttiradilar. Bu taxallus yoki laqab bora-bora faollashib, rasmiy atamaga aylanadi. Chaqaloqlikdagi nomi kishilar xotirasidan uzoqlashadi. Hozirgi ko'pgina yoshlar Ulug'bek, Muqimiy, Habibiy, Chustiy, Oybek, Uyg'unlarning asl nomlarini bilmaydilar. Bundan qat'iy nazar, taxallus va laqablar muomala madaniyati rivojiga evfemik nutq taraqiyotiga hissa bo'lib qo'shiladi[173]. Bu ismlar qatori bugun yanada kengaygan (masalan, Zavqiy).

Shuni aytish joizki, bunday evfemizaцiya boshqa halqlarda ham keng tarqalgan edi. A.Axmetov Amerika, Avstraliya, Osiyo qit'asi xalqlari orasida odam ismi berkitilganligini yozadi.[174] Go'yo uni ochiq aytish odam tanasiga ziyon etkazadi. Hatto: "– Oting nima?" deyilganda, "– Mening otim yo'q" deb javob berishi, yonidagi urug'doshiga: "– Men uchun sen ayta qol" deb iltimos qilishi Adjibvey qabilasining odati bo'lganligini aytadi.

Lekin bu "Asrovchi ismlar" nafaqat mazmunan ijobiy, chiroyli nomlardan, balki ko'p holda qo'pol, xunuk ma'noli nomlardan tashkil topishi ham mumkin. Vaholangki, bolaga xunuk ma'noli so'zlardan yasalgan ismlarning berilishi chaqaloqni yomon ko'zlardan, ko'z tegishdan asrash, go'dakning dushmani bo'lmish yovuz kuchlarni chalg'itish, aldash maqsadi bilan bog'liqdir. O'zbek ismlari orasida "asrovchi ismlar"ni tarixchi Sh.O'ljayeva quyidagi guruhlarga ajratadi. Ularning ayrimlari quyidagicha:

- Sog'lik, uzoq umr tilashini ifoda etuvchi ismlar: Tursun, Turdi, To'xtasin, O'lmas, Yursin, Omonturdi, Turg'un, Turg'unoy, Ergash, Yo'ldosh kabi.
- Turli kasalliklarni engishi, chidamli, irodali, mustahkam bo'lib o'sishini orzu qilib qo'yilgan ismlar: Tosh, Toshboy, Toshxon, Temur, Temura, Metinboy, Po'lat, Cho'yonboy, Qilichboy, Xanjara, Halqonboy, Teshaboy, Boltaboy, Mahkam, Mahkamoy, Berk, Berkinoy va boshqalar.
- Yashovchanlik, barhayotlik, chidamlilik, uzoq umr ramzi bo'lmish daraxtlar, narsalar nomidan yasalgan ismlar: Chinor, Chinora, Sadaboy, Archaboy, Yovshan va hokazo.
- Yoqimsizlik, noxushlik, achchiqlik ramzi hisoblanuvchi narsalar, o'simliklar nomidan yasalgan ismlar: Sarimsoq, So'g'onboy, Piyozbek va shular kabi. Mana shunday ismlar qo'yilsa chaqaloqning dushmani, yovuz kuchlar bolaga yaqinlashmaydi, undan nari ketadi deb hisoblashgan.

[173] Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. 27 Б.
[174] Ахметов А. Туркі Тілдерінден табу мен эвфемизмдер. Алмати: Ғўлўм, 1995. 176 б.

➢ Ba’zan ataylab xunuk ma’noli nomlarni qo‘yishgan: Yomonbola, Itolmas, Itemas, Kasofat, Shag‘alboy, Sabila kabi. Kishilar bola shunday nomlansa e’tiborsiz bo‘ladi, unga ko‘z tegmaydi deb hisoblashgan.[175]

Bu tasnif tarixiy jihatdan mavjud manbalar asosida amalga oshrilgan bo‘lib, lingvokulturologik jihatdan diniy, ijtimoiy, madaniy ziddiyatlarni yuzaga keltirishi tabiiy. Nutqiy vaziyatda bunday ismlar disfemik kayfiyat uyg‘otishi, buning natijasida esa ism sohibining ijtimoy mavqei, psixoligik ruhiyati, kelajagi bilan bog‘liq muammolarni keltirib chiqarishi tabiiy. Hayotiy misol: bir yoshi katta odamning 25 yillik hayoti ismi tufayli achinarli kechadi. 25 yoshgacha uning ismi tug‘ilganlik guvohnomasi va shaxsini tasdiqlovchi hujjatida Tufli deb qayd etilgan bo‘ladi. U shu yoshda hujjatni almashtirib Tolib deb o‘z ismini o‘zgartiradi. Vaholangki, u go‘zal, sof o‘zbekcha, ota-bobolarimizdan meros bo‘lgan Tubli degan ismi bo‘lganligidan bexabar. FXDYO xodimning kichik xatosi bir odamning 25 yil kulgi bo‘lishiga olib keladi.

NATIJALAR

2022-yil boshida "Silive.com" nashri dunyo mamlakatlarida qo‘yilishi man etilgan ismlar ro‘yxatini e’lon qildi.[176] Unda ushbu ismlarning qanday sabablarga ko‘ra taqiqlangani ham aytilgan. Qayd etilishicha, keltiriladigan ismlar bir hudud uchungina tegishli hisoblanadi.[177] Zero, ismlarning qo‘yilish maqsadlari va uning ta’qiqlanish sabablari o‘zaro ziddir. Ismlar evfemik niyatda qo‘yilgani bilan idrok etuvchining disfemik kayfiyatini uyg‘otishiga zamin yaratishi mumkin. Shuning uchun bunday ismlarni lag‘atdan olib tashlash, FXDYO xodimlari esa ism qo‘yuvchiga tushuntirish ishlarini olib borishi, filologik xizmatdan foydalanishni tavsiya etishi kun tartibidagi masala bo‘lishi kerak. O‘zbek ismlari ro‘yxatidan olib tashlanishi kerak bo‘lgan nomlarning ayrimlarini guruhlashga harakat qilamiz. Jumladan,

a) ***tarkibida “qul” morfemasi bo‘lgan ismlarni umuman ro‘yxatdan olib tashlash*** (Allohga nisbatan “abdu” shaklidagi “qul” so‘zi bundan mustasno). Ma’lumki, mintaqamiz hududida birgina “I” bilan boshlanuvchi ismlarda *Ibrohimqul, Idrisqul, Ilashqul, Ilyosqul, Imomqul, Imonqul, In’omqul, Irisqul, Ishoqqul, Iskandarqul, Islomqul, Ismanqul, Ismatqul, Ismoilqul, Isoqul, Istakqul, Istamqul, Izomqul* kabi nomlar uchraydiki, ularning hammasida birinchi bo‘lakka nisbatan

[175] Ўлжаева Ш. https://www.facebook.com/groups/246149995752425/posts/330761413957949/
[176] https://zamon.uz/uz-to/detail/dunyoda-qoyish-taqiqlangan-ismlar-royxati-ochiqlandi-lifestyle
[177] https://www.silive.com/data/2022/05/you-cant-name-a-baby-sarah-in-morocco-some-illegal-baby-names-around-the-world-according-to-data.html

qullikni anglatuvchi izohlar keltiriladi. Islom dinida esa Allohdan o‘zgaga hech bir kimsaga (hatto payg‘ambarlarga ham) yoki narsaga qullik qilinmasligi haqida aytilgan. Qolaversa, bu g‘oyaviy-mafkuraviy eskirgan tushuncha bo‘lib, bugungi kunda, ayniqsa, islom madaniyati, ta’limi avj olgan pallada qo‘llanilishi mantiqsizlik, desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

SHuningdek, nafqat tarkibida “qul” bo‘lgan ismlarni, balki shu ma’noni ifodalovchi *Ibod*[178] nomi bilan bog‘liq *Ibodulla* ismidan tashqari barcha ismlar (*Iboda*, *Ibodali*, *Iboddin*, *Ibodiddin*)ni ham o‘zbek ismlari lug‘atidan olib tashlash muammosini ko‘tarib chiqishimiz ham kerak, degan xulosaga kelamiz.

b) ***turli madaniyatdan kirib kelgan serial qahramonlari ismlarini ta’qiqlash va uni ismlar ro‘yxatidan olib tashlash***. 2015 yilda Tojikistonda chaqaloqlarga serial qahramonlari ismini qo‘yishning ta’qiqlanish masalasi ko‘tariladi. Tojikcha ismlar reestri mamlakat prezidenti Emomali Rahmon tashabbusi bilan kiritilgan “bolalarga milliy qadriyatlarni inobatga olgan holda ism tanlash taklifi” asosida qonuniy kuchga ega normativ hujjat sifatida qayd etiladi. Qayd qilish muassasalari ta’kidiga ko‘ra, ba’zi ota-onalar o‘z farzandiga tojikcha bo‘lmagan ismlarni tanlar ekanlar, ismning kelib chiqishi tarixi, nima ma’noni bildirishini hatto bilmaydilar ham.[179] Bu muammo hatto siyosiy nizolarni keltirib chiqarishi mumkin degan xulosaga kelish mumkin. Zero, "Silive.com" nashri e’lon qilgan ismlar ro‘yxati ana shunday maqsadga ega. Masalan, **Garri Potter**. Ismning ma’nosi: romanlardagi xayoliy sehrgar bilan bog‘liq. Taqiqlanish sababi: ism bolani masxara qilinishiga sabab bo‘lishi mumkin. YOki Saudiya Arabistoni: **Amir**. Ismning ma’nosi: knyaz. Taqiqlanish sababi: saudiyaliklar farzandlariga qirollik oilasiga tegishli ismlarni qo‘ymasligi kerak. Saudiya Arabistoni: **Malek**. Ismning ma’nosi: shoh. Taqiqlanish sababi: bu ism faqat qirollik oilasi a’zolari uchun mo‘ljallangan. Germaniya: **Usama bin Laden**. Ismning ma’nosi: «Al-Qoida» sobiq rahbarining ismi. Taqiqlanish sababi: haqoratomuz. YAponiya: **Akuma**. Ismning ma’nosi: shayton. Taqiqlanish sababi: bolani masxara qilishdan himoya qilish. Germaniya, Malayziya, Meksika va Yangi Zelandiya: **Adolf Gitler**. Ismning ma’nosi: fashistlar Germaniyasi rahbarining ismi. Taqiqlanish sababi: haqoratomuz. Ko‘rinadiki, bunday masalada ehtiyotkorlik lozim. Bunda disfemik idrok muammosi yuzaga kelmoqda. Ta’qiqlanish esa yanada a’lo tadbir.

c) ***ismlarning qisqartirilgan shaklini ro‘yxatdan o‘chirish***. “Ismlarimizning aytilishi, hujjatlarda yozilishi haqida chuqurroq fikrlash lozim, – deydi T.Eshbek

[178] Ibod - *(ar.)* – ***ayn.*** **qullar; bandalar, mo‘minlar; "abd" – qul so‘zining ko‘plik shakli.**
[179] https://sputniknews-uz.com/20151204/1234705.html

o‘zining “O‘zbekning yomoni bo‘lmaydi” kitobida. – Taniqli olim Ernst Begmatovning «O‘zbek ismlari»[180] kitobi bu borada munosib qo‘llanma bo‘libdi. Kitobning 600-betida shunday yozilgan: «Ismlar va ularning milliy shakllariga loqaydlik bilan munosabatda bo‘lish ba’zi o‘zbekcha nomlarning ruscha buzilgan shaklini «ijod qilish»da ham ko‘rinadi. Natijada ba’zi ota-onalar o‘z farzandlarining, yoshlar esa o‘z do‘stlari, o‘rtoqlarining, aka-ukalar yo opa-singillarining ismlarini Alik (Alisher, Ahmadjon), Gulya (Gulnora, Gulandom), Dilya (Dilbar, Dilorom)… shakllarida buzib aytishadi. Bunday nombozlik, nombuzarlik harakati ona tiliga, qolaversa, rus tiliga ham hurmatsizlikdir”[181]. Jurnalistning mushohada va olimning ishiga bo‘lgan munosabati o‘rinli. Biroq, rus tilidagi bunday qisqartmalar ham, aytish joizki, evfemizaциyaning oqibatidir. A. Ahmetov ruslarda bola yoshligida Kolya, Sasha, Misha ulg‘ayganida esa Nikolay, Aleksandr, Mixail deb atalishini evfemik yondashuv deb hisoblaydi. Bunda so‘zning quvvati va sehri borligi, ulg‘ayganlarida uni o‘zgartirish orqali umrni uzaytirish niyati, maqsadi borligini tushuntiradi. Yangi nom hayotni qayta boshlashga imkon beradi deb ishonganliklarini aytadi.[182]

Mamlakatimiz hududida, bugungi kunda kamayib borayotgan bo‘lsada hali-hanuz **Muhammad (s.a.v.)** atamasining ism tarkibidagi **mamat, mat** shakllari uchrab turadi. *Irismat, Ismat, Ismatyor, Isomamat, Isomat, Ismatmirza, Ismatqul* shular jumlasidan.

b) ***tarkibida “it” ma’nosi bo‘lgan ismlarni o‘zbek ismlari ro‘yxatidan olib tashlash***. Birliklardagi disfemik ma’no faqat muayyan makon va zamon bilan bog‘liq holda yuzaga chiqadi va shu asosda idrok etilar ekan, disfemik ma’no, evfemizmlarda bo‘lgani kabi asosan etnik steriotiplar bilan bog‘lanadi va belgilanadi. Bu ismlar, tinglovchi nuqtai nazarida insonning itga mengzalishidek disfemik taassurotli bo‘lishi mumkin. Garchi nutqiy xarakterga ega bo‘lsa ham, bir denotativ mazmun ifodalovchi evfemik va disfemik birliklarni o‘zaro qiyoslash asosida ularning nisbiy evfemiklik va disfemiklik qiymati baholanadi. Demak, mazkur birliklarga munosabat bildirganda nisbiylik tamoyiliga tayanish maqsadga muvofiq.[183] Masalan, **Itboy** (*o‘z.* – itdek arzimas bola. Bu ism chaqaloqqa u yomon ko‘zlardan uzoq bo‘lsin, unga ko‘z tegmasin deb beriladi), **Ityemas** (*o‘z.* – “bu bolani tashlasang, it ham emaydi, u shunchalik yomon, jirkanch” degan ma’noda beriluvchi ism. Bu bilan chaqaloqni

[180] Бегматов Э. Ўзбек исмлари. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1998.
[181] Тўлқин Эшбек. http://uchildiz.uz/%D0%B8%D1%81%D0%BC%D0%BB%D0%B0%D1%80-%D0%B6%D0%B8%D0%BB%D0%BE%D1%81%D0%B8/
[182] Ахметов А. Туркі Тілдерінден табу мен эвфемизмдер. Алмати: Ғўлўм, 1995. 31-33 б.
[183] Qodirova X. O`zga tilli guruhlarda mental xususiyatga ega evfemizm va disfemizm hodisalarini tushuntirishning muhim jihatlari. // O`zbek tilini ikkinchi va xorojiy til sifatida o`qitish masalalari: muammo, yechim, istiqbollar. ToshDO`TAU, Respublika ilmiy-amaliy anjuman metriallari. – Toshkent, 2020 yil, 20 may.

o‘limdan asrash ko‘zda tutiladi), **Itjon** (*o‘z.* – itdek arzimas bola. Bolaga ko‘z tegmasin degan ma’noda qo‘yiladi), **Itolmas** (*o‘z.* – “bu bolani hattoki it ham olmaydi, uning hech kimga keragi yo‘q”, deyilgan ma’noda qo‘yiladi. Bu bilan bolani ko‘z tegishidan, bevaqt o‘limdan asramoqchi bo‘lishadi) ismlari denotatida mazkur ism egasiga nisbatan tinglovchining disfemik munosabatini uyg‘otuvchi “it” so‘zi xalaqt beradi va kormmunikaцiya jarayoniga o‘z salbiy ta’sirini o‘tkazish imkonini tug‘diradi.

Shu o‘rinda turli davlatlarda bolalarga qo‘yish mumkin bo‘lmagan ismlar ro‘yxatini yodga olish joiz. Unga ko‘ra:

1. YAngi Zellandiyada bolaga «Qirolicha», «Gersog», «Malika» va boshqa shu kabi ismlarni qo‘yish taqiqlangan.

2. Kaliforniyada bolaga Xose dib ism qo‘ysangiz uni an’anaviy (José) urg‘usiz yozishga to‘g‘ri keladi. Bu yerda harf ustiga yoki ostida hech qanday diaktrik belgi qo‘yish mumkin emas.

3. Islandiyada Kleopatra (Cleopatra) ismini qo‘yish mumkin emas, chunki Islandiya alfavitida «C» harfi yo‘q.

4. Germaniyada bolaga Lord ismini qo‘yish mumkin emas. Chunki ba’zi chet tillarda Lord so‘zi «Parvardigor» deb tarjima qilinib, xudoning ismlaridan birini angalatadi. SHuningdek, Lyuцifer ismini qo‘yish ham mumkin emas.

5. Xitoyda islomiy, belgili va lotin harflaridagi ismlar qo‘yish mumkin emas.

6. Meksikaning ayrim hududlarida bolangizga Facebook ismini qo‘ya olmaysiz.

7. Isroilda hech qaysi bolaga Xudo deb ism qo‘yishga ruxsat berilmaydi.

8. Ispaniyadada Iuda deb ism qo‘yish mumkin emas.

9. Rassel — Norvegiyada 1990 yilda voz kechilgan ismlardan biri.

10. Daniyadan Maymun ismli hech kimni uchratmaysiz.

11. Vengriyada Stiven (Stefan) ismini qo‘yish mumkin emas.

12. Shvetsariyada yozuvda bitta J harfli bilan anglatiluvchi ism qo‘yish mumkin emas.

13. Avstraliya ism sifatida Bishop (Yepiskop) va Saint (Avliyo) so‘zlaridan foydalanish mumkin emas.

14. Uelsda bolaga Sianid deb ism qo‘yish mumkin emas.

15. Italiyada Juma (Friday) deb ism qo‘yishga ruxsat berilmaydi. [184]

Bizni 11 raqamli Daniya madaniyati o‘ziga jalb etdi. Bu ro‘yxatda O‘zbek tilida, O‘zbekiston yoki o‘zbek millatida “it” ma’nosi bor bo‘lgan ismlar ta’qiqlanadi degan

[184] https://daryo.uz/k/2019/01/23/turli-davlatlarda-bolalarga-qoyish-mumkin-bolmagan-ismlar/

raqam bo‘lishi kerak. Zero, tinglovchining irqi, dini, madaniyati, urfi va idrok etish darajasi o‘zbek millatining ism qo‘yish maqsadini anglay olmaydi.

c) ***disfemik kayfiyat uygotuvchi ayrim nozik mavzulardagi nomlarni o‘zbek ismlari ro‘yxatidan olib tashlash***. Tarixchi olima Sh.O‘ljayevaning ism qo‘yilish sabablariga ko‘ra amalga oshirilgan tasnifida biz nazarda tutayotgan muammo yo‘q. Yuqorida zikr etilgan bandlardan tashqari yana:

- Ism qadimiy diniy e’tiqodlarga asoslanib ko‘kka (osmonga) — Oy, Kun (Quyosh) va boshqa osmoniy jismlar qudratiga sig‘inish asosida qo‘yilgan: Oybuvi, Oyxon, Oyqiz, Yulduz, Hulkaroy, Cho‘lponoy, Oyparcha, Oymanglay, Kunxon, Kunboy, Quyoshbek, Oyto‘ldi, Kuntug‘di, Oytug‘di, Tangriberdi, Tangribergan va hokazo.
- Kishilar qadimiy davrlardan beri ba’zi nodir metallar, ma’dan, toshlar, masalan, dur, zumrad, oltin, la’l, marvarid, marjon, lojuvard, yoqut va boshqalar chaqaloqni kasalliklardan, balo-ofatlardan asraydi deb bilishgan. Mana shu e’tiqodga ko‘ra bolalarga (ko‘proq qiz farzandlarga) Durdona, Durbek, Zumrad, Gavhar, Oltinoy, Marvad (Marvarid), Equtoy, Marjonbibi, La’lixon kabi ismlar berilgan. Keyinchalik bu nomlar go‘zallik, nafosat, azizlik, qadr-qimmat ma’nolarini ham ifodalaydigan bo‘lgan.
- Muqaddas deb ulug‘langan hamda sig‘inilgan ba’zi hayvonlar, jonivor, qushlarning nomlaridan yasalgan ismlar: Bo‘riboy, Bo‘riniso, Boybo‘ri, Qashqirboy, Shag‘alboy, Arslon, Yo‘lbars, Qarchig‘ay, Lochin, Burgut va hokazo[185] lar ham o‘zbek ismlari lug‘atidan o‘z aksini topgan. Bizningcha bunday ismlarda evfemik va disfemik muammolar mavjud emas. Biroq hozirgi kunda “farzand tug‘ilgach, unga yaxshi bir ism qo‘yish ota-onaning burchi”ni ado etish uchun shariat qolib bid’atlarga ergashadiganlar ko‘payib ketdi, desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Masalan, arab tilidan kirib kelgan ***Ishqiya***, ***Ishrat***, ***Ishratxon*** ismlari evfemik va disfemik birliklari giperbolasining minus qutbiga tushib qolish ehtimoli kuchayadi. Leksik jihatdan muhabbat, mehr-muabbat sohibasi, lazzat, quvnoqlik, baxtiyorlik, shodlik semalariga ega bu nomlar turli niyatdagi tinglovchilarning ongida turlicha idrok etilishi bilan havflidir. SHuningdek, **Iffat**, **Iffatbibi**, **Iffatbonu**, **Iffatjamol**, **Iffatoy** kabi aksariyat qizlarga qo‘yiladigan ismlar ham teskari ma’no ifodalanishga xosligi bilan ajralib turadi.

MUHOKAMA

Darhaqiqat, tilning ichki resursida ham bunday almashinuv sodir bo‘lishi endilikda sir emas. Buni biz o‘zbek tilidagi “bokira” so‘zi bilan tahlil qilishimiz

[185] Ўлжаева Ш. https://www.facebook.com/groups/246149995752425/posts/330761413957949/

mumkin. Bu tushunchaning tabu varianti tilimizda yo‘qolib ketgan bo‘lib, arabchadan olingan “dastlabki meva” ma’nosini beruvchi “bokira” leksemasi uni yumshatish uchun qo‘llanilgan. Endilikda bu so‘zni eshitgan odam uchun uning yashirin ma’nosi sir bo‘lmay evfemiklik xususiyatini yo‘qotib, “er ko‘rmagan”, “turmushga chiqmagan” ma’nolari ostida tabu o‘rnini sekin-sekin egallamoqda. Tabuning o‘zini qo‘llash esa disfemiyani yuzaga keltiradi. Xuddi shunday “jonon”, “do‘ndiqcha” so‘zlarini ham olish mumkin. U fohishaga nisbatan – evfemik; tarbiyali, to‘g‘ri hayot kechiruvchi ayol uchun disfemizmdir.[186]

[218] За пять лет поток мигрантов из Таджикистана за рубеж снизился на 40%. Настоящее время. https://www.currenttime.tv/a/tajikistan-migrants-workers-money/29756218.html

respublika Mehnat vazirligining Migratsiya xizmati ma'lumotlariga tayanib, Tojikistondan 357 mingdan ortiq fuqaro mehnat migratsiyasiga ketgan. Birgina 2019 yilning iyul oyida Tojikistondan 57 mingga yaqin kishi ish izlab chiqib ketgan, bu 2018 yilning shu davriga nisbatan 26,7 ming kishiga ko'pdir[219].

2018-yilda Tojikistondan ikki mingdan ortiq mehnat muhojiri Xorijda bandlik agentligi orqali Turkiya va Polshaga jo'nab ketgan. 2019-yil boshida 1000 dan ortiq fuqaro Polsha, Turkiya, Birlashgan Arab Amirliklari, Belarus va Qozog'istonga ishlash uchun yuborish uchun ariza topshirgan[220].

Tashqi mehnat migratsiyasida asosan 17-62 yoshdagi mehnatga layoqatli aholi - erkaklar va 17-57 yoshli ayollar ishtirok etadi. Yosh tarkibiga ko'ra, bular asosan 17-29 yoshli yoshlar - 262,8 ming kishi yoki jami migrantlarning 39,2%ini tashkil etadi. Tashqi mehnat migratsiyasi ishsizlarning katta qismini qamrab oladi. Turli hisob-kitoblarga ko'ra, u aholining iqtisodiy faol qismining 30 dan 40 foizigacha yetadi.

Ekspert Elena Sadovskaya ta'kidlaganidek, Tojikiston mehnat migratsiyasining mamlakat va butun mintaqa hayotida tutgan o'rni haqida yaqqol misoldir. Avvalo, bu migrantlarning pul o'tkazmalarida ko'rinadi. 10-15 yil oldin ularning hajmi mamlakat yalpi ichki mahsulotining yarmiga teng edi. Bugungi kunda birgina Rossiyadan migrantlar jo'natgan pul o'tkazmalarining ulushi Tojikiston yalpi ichki mahsulotining 30% dan ortig'ini, mutlaq hisobda esa qariyb 2,5 mlrd dollarni tashkil etadi. Rasmiy ma'lumotlarga ko'ra, so'nggi yillarda (2013-2018) mehnat muhojirlari faqat rasmiy shaxslar orqali 15 mlrdni tashkil etib ushbu shu vaqt ichida Tojikistonga jalb qilingan to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalar hajmidan bir necha baravar ko'proqdir[221].

Pul o'tkazmalari Tojikistondagi ko'plab oilalarning yashashi uchun asosiy daromad manbayidir. Pul oziq-ovqat, dori-darmon, bolalar ta'limi, uy qurish va ta'mirlash, mebel sotib olish, shuningdek, o'g'il, qiz yoki o'zining to'yiga sarflanadi. Ko'pincha, nafaqat oila, balki qarindoshlar va qo'shnilar ham migrantlardan yordam oladi. Ayrim muhojirlar qaytgandan so'ng o'z bizneslarini boshlashlari mumkin, chunki ular mamlakatga yangi ko'nikma va bilimlar bilan qaytishadi. Migrantlar yordamida milliy iqtisodiyot darajasida ham ijobiy holatlar kuzatiladi, xususan ichki iste'mol jonlanadi, mamlakatga kiruvchi valyuta tovarlar importini va boshqa moliyaviy operatsiyalarni ta'minlash uchun ishlatiladi.

[219] В Таджикистане трудовая миграция выросла на треть. Sputniknews.ru. https://tj.sputniknews.ru/migration/20190910/1029833969/Tajikistan-trudovaya-migratsiya-vyrosla.html

[220] Минтруда: всё больше таджикистанцев ищут работу в Турции и Польше. Радио Озоди. https://rus.ozodi.org/a/29761680.html

[221] Мигранты отправляют в Таджикистан гораздо больше денег, чем поступающие в страну иностранные инвестиции. Avesta. http://avesta.tj/2019/12/27/migranty-otpravlyayut-v-tadzhikistan-gorazdo-bolshe-deneg-chem-postupayushhie-v-stranu-inostrannye-investitsii/

O‘zbekiston ham mintaqadagi yirik mehnat muhojirlari donori bo‘lgan davlatdir. Aholining asosiy qismi Rossiya va Qozog‘istonda ishlaydi. Ammo so‘nggi 5 yil ichida mehnat migratsiyasi geografiyasi o‘zgara boshladi – AQSH, Turkiya, Qozog‘iston, Saudiya Arabistoni, Isroil, Janubiy Koreya hamda Birlashgan Arab mamlakatlariga ishchi kuchi oqimining barqaror o‘sish tendentsiyasi kuzatilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlariga ko‘ra, Qozog‘istonga 5 yil ichida migrantlar soni 10 barobarga oshgan va 355 540 kishini tashkil qilgan. 2018 yilda Turkiyada 34 399 kishi, BAAda 4 578 kishi ishlagan bo’lsa, Rossiyaga mehnat migratsiyasi 2018 yil davomida 944 328 dan 852 008 ga kamaydi. Mutaxassislarning fikricha, bu 2014-yilda Rossiya rublining qadrsizlanishi bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin, buning natijasida mehnat muhojirlarining dollar hisobidagi daromadlari ikki barobar qisqardi.

Ko'pincha o'rta ma'lumotli yosh va o'rta yoshli erkaklar ishlash uchun O'zbekistondan chiqib ketishadi. Ularning maqsadi pul topish va uyga jo'natishdir. “Yigitlar ota-onasiga yordam berish, turmush qurish uchun pul topishga boradi. Ular odatda uyda turmush qurishadi, keyin esa ishga qaytishadi. Qozog‘iston bilan chegaradosh viloyatlarda ular xotini bilan kelishlari mumkin, bolalar O‘zbekistonda ota-onalari bilan qolishadi”, - deydi Sadvoqasova.

Shuningdek, mutaxassisning so‘zlariga ko‘ra, chegara hududlariga yosh va o‘rta yoshli ayollar ham kundalik yumush bilan kelishadi. Ular uy-joy izlashlari shart emas, uzoq vaqt qolishmaydi. Qozog‘iston va O‘zbekiston chegaralari ochilishi bilan bu, ayniqsa, yozda kundalik amaliyotga aylanib qoldi.

XULOSA

Mehnat migratsiyasi Markaziy Osiyoda, ayniqsa Rossiya va Qozog‘istonda mehnat migratsiyasi siyosiy muammo sifatida qaralmoqda. Migrantlar ijtimoiy-iqtisodiy muhitga, keyin esa siyosiy muhitga bosim o'tkazishi mumkin, deb ishoniladi. Ammo shu bilan birga, iqtisodiy nochorlik tufayli davlat ko'tara olmagan yukni migrantlar o'z oilalari uchun o'zlari hal qiladilar. Pul o‘tkazmalari aholi turmush darajasini oshirishda muhim rol o‘ynaydi, ommaviy migratsiya esa milliy mehnat bozoridagi keskinlikni pasaytiradi va aholining muhim guruhlari farovonligini oshiradi.

Bizning nazarimizda, mehnat migratsiyasini tartibga solish uchun O‘zbekiston “Bandlik va mehnat munosabatlari” vazirligining bevosita boshchiligida ishchi kuchi import qiluvchi mamlakatlar, yirik kompaniyalar buyurtmalariga muvofiq yollanma, malakali ishchi va mutaxassislarni tayyorlash mexanizmini takomillashtirish lozim.

Bunda kasbiy malaka va ko‘nikmalarga ega iqtidorli yoshlar tanlov asosida saralab olinadi, muayyan davr davomida ularga borib ishlashi lozim bo‘lgan mamlakatning tili, tarixi, urf-odatlari, an’analari o‘rgatiladi, tanlangan ish, kasb, hunar bo‘yicha zaruriy malaka va ko‘nikmalar shakllantiriladiki, toki migrant o‘zi tashrif buyurgan mamlakat yoki korxona talablari darajasida vazifalarni bajara oladigan tayyorgarlikka ega bo‘lsin. Bu esa so’nggi yillarda ko’plab salbiy oqibatlarga olib kelgan xususiy bandlik agentliklarida (XBA) kuzatilgan firibgarlikdan holi davlat tomonidan kafolatlangan fuksiyasi kengaytirilgan tashqi mehnat migratsiyasi agentligi ko’rinishida bo’lishi lozim. Ishchi kuchi eksportini ilmiy asosda yo‘lga qo‘yilishi respublikaga juda katta manfaat keltiradi:

Birinchidan, ishchi kuchi eksportidan keladigan daromad miqdori keskin oshadi;

Ikinchidan, yoshlarda malakali ishchi yoki malakali mutaxassis bo‘lishga, ya’ni yaxshi o‘qishga qiziqishi ortadi;

Uchinchidan, yoshlarda xirijiy tillarni o‘rganishga moyillik va tajriba ortadi;

To‘rtinchidan, xorijda malakali ishlarni bajargan yoshlarimiz, o‘z yurtiga qaytganda, milliy iqtisod ravnaqiga munosib hissa qo‘shish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Ikkinchi taklif. Mamlakatda ishsizlik muammosini hal etish, iqtisodiyotda band bo‘lganlarni munosib ish haqi bilan ta’minlash bevosita iqtisodiy o‘sish sur’atlariga bog‘liq. Shu sababli davlat arboblari, mas’uliyatli lavozimlardagi amaldor shaxslar, partiya rahnomalari, profesor-o‘qituvchilar va olimlarning maoshlarini mamlakatda iqtisodiy o‘sish sur’atlari bilan uyg‘unlikda oshirib borish tartibini joriy etish. Sababi, mamlakatning iqtisodiy yuksalishi, milliy iqtisodning o‘sish sur’atlari, qolaversa, tirikchilik o‘tkazish, oilani tebratish ilinjida o‘zini o‘z Vatanida oila va ota-onasi bag‘rida yashab, ishlab yurish baxtidan mahrum qilgan, begona yurtlarda ne-ne mashaqqatlar bilan halol mehnat qilib, barcha kamsitish va kezi kelganda haqoratlarga matonat bilan bardosh berib, daromad topayotgan mehnat migrantlariga emas, aynan nomlari yuqorida zikr etilgan toifadagi mutasaddi shaxslarning hatti-harakati va mas’uliyatiga bog‘liq.

Uchinchi taklif. “Ish haqi minimumi” va “Yashash minimumi” to‘g‘risida qonunlarni qabul qilish va amaliyotga joriy etish. Ushbu chora mamlakatda yaratilgan va bozor subyektlari orasida taqsimlanishi loim bo‘lgan milliy daromadda yollanma ishchilarning ulushini adolat yuzasidan oqilona darajada ko‘tarish orqali nafaqat mehnat migratsiyasini xohish qiluvchilar sonini qisqartirish, balki mamlakatda boshlangan kambag‘allikka qarshi kurash strategiyasini amalga oshirishning ham muhim vositalaridan biri hisoblanadi.

To‘rtinchi taklif. Barcha tumanlarda dastlab 1 ta, keyinchalik 2-3 tagacha qishloq xo‘jaligi sohasida yirik-yirik davlat xo‘jaliklarini tashkil etish. Yaqinda saytda e’lon qilingan Kun.uz muxbirlarining intervyusida ishtirok etgan yigit aqalli 0,5 ga yer maydoni bo‘lsa, O‘zbekistonga qaytishga tayyor ekanligini, hattoki yerga nima ekib, qanday daromad olishni ham yaxshi bilishini ma’lum qilgan. Lekin yerni bunday taqsimlab berish yer resurslaridan unumli foydalanish tamoyillariga mos kelmaydi. Biroq mingta, ikki mingta ehtiyojmandlarga ajratiladigan yer maydonlarini birlashtirib, 500 ga yoki 1000 ga yer maydonida yirik xo‘jalik tashkil etilib, barcha yerga talabgorlarni yerda ishlashga jalb etilsa, unda ko‘lam samarasi evaziga katta daromad olish mumkin. Bunday yirik xo‘jaliklarni tashkil etish dastlab kambag‘allikka qarshi kurash uchun nazarda tutilgan davlat resurslarini jalb etish hisobidan amalga oshirilishi mumkin. Bundan tashqari, xo‘jalik investitsion faoliyatiga yuridik va jismoniy shaxslarning mablag‘larini jalb etishni rag‘batlantiruvchi va undan bank foiz stavkalaridan yuqori daromad olishni ta’minlovchi samarali mexanizmlar tizimi yaratilishi va amaliyotga joriy etilmog‘i lozim. Xo‘jalik faoliyatining yuqori samaradorligiga erishish uchun unga konkurs asosida eng kuchli, iste’dodli rahbarlarni va soha mutaxassislarini jalb etish lozim. O‘ylaymizki, biz tasavvur qilgan shakldagi davlat xo‘jaliklari qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini ilmiy asosda tashkil etishning, fan va amaliyotning o‘zaro uyg‘unligini ta’imnlashning haqiqiy andozasiga, qolaversa, agrar sohada ulkan monopol mavqega ega bo‘lgan O‘zbekistonning ushbu sohadagi bepoyon imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarish, joiz bo‘lsa butun jahonga yoyishning samarali markazlariga aylantirilishi qishloq iqtisodiyotini innovatsion rivojlantirishda ham, bandlik va qashshoqlik muammolarini hal etishda ham juda katta natijalar beradi. Yirik davlat xo‘jaliklaridan qishloq xo‘jaligida zamonaviy texnika va texnologiyalarni joriy etish, ilg‘or va innovatsion agrotexnik usullardan foydalanish, fan yutuqlarini keng tatbiq etish va yuqori natija olishning eksperimental bazasi sifatida foydalanish maqsadga muvofiq. Ularni tuman hududidagi fermer xo‘jaliklariga amaliy yordam ko‘rsatish, ilmiy-uslubiy qo‘llab-quvvatlash, ularni innovatsion asosda rivojlantirishning lokomativlariga aylantirish lozim. Tuman hududida ishlab chiqarilgan xom ashyoni sanoat miqyosida qayta ishlash va tayyor mahsulotga aylantirish, talaygina qismi nes-nobud bo‘layotgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini saqlash, ularni tashqi bozorlarga eksport qilishni tashkil etishdek bugungi kunning dolzarb muammolarini hal etish davlat xo‘jaliklari faoliyatining eng muhim yo‘nalishlariga aylanmog‘i lozim.

Beshinchi taklif. O‘zbekistonda ta’lim sifatini tubdan radikal darajada ko‘tarish. Milliy iqtisodiyotda katta resurslar sarfi va xalqimizning mashaqqatli mehnati

evaziga yaratilgan tovar va xizmatlprning jahon bozorida raqobatbardosh bo‘lishi uchun ular, birinchidan, sifati yuqori, ikkinchidan esa, narxi arzon bo‘lishi kerak (Xitoy tajribasi). Sifati yuqori, lekin narxi arzon raqobatbardosh mahsulotni faqat sifatli mehnat bilan yaratish mumkin. Sifatsiz mehnat bilan raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarish to‘g‘risida o‘ylash – bulutsiz musaffo osmondan yomg‘ir yog‘ishiga umidvor bo‘lishdek ma’nosiz. Qadimdan bizga meros qolgan naqlda “Shayxda hunar bo‘lmasa machit ham torlik qiladi”deyilgan. Qimmatbaho resurslardan raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish, demak, mamlakatda ko‘plab yangi ish o‘rinlari barpo etish, mamlakat iqtisodiy qudratini yuksaltirishning eng samarali yo‘li – xalqimizning hunarini oshirish, iqtisodiyotda band bo‘lganlarinng malakasini, bilim saviyasini, kreativ qobiliyatini rivojlantirishdir. Xalqimizda bunday noyob fazilatlarni shakllantarishda ta’limning roli benihoya katta. To‘g‘ri, keyingi yillarda davlatimiz rahbari, O‘zbekiston hukumati ta’limni rivojlantirish borasida keng ko‘lamli juda katta ishlarni amalga oshirmoqda. Lekin amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar ta’lim sohasida ko‘proq miqdor o‘zgarishlar sifatida natija bermoqda. O‘zbekiston ravnaqi uchun aynan sifat o‘zgarishlar juda muhim. Mazkur mavzu doirasida ta’limning barcha murakkab muammolarini yoritish imkoni mavjud emas. Lekin, lo‘nda qilib ifodalaganda, mamlakatda ta’limnng shunday modeli yaratilishi kerakki, u butun xalqning asosiy diqqat-e’tiborini ta’limga, butun kuch-g‘ayratini uni tubdan yaxshilashga yo‘naltirsin. Nazarimizda, bu noyob model xalqimizning qonida azal-azaldan mustahkam joylashgan, buyuk ajdodlarimizdan bizga meros bo‘lib qolgan yashirin imkoniyatlarni ro‘yobga chiqarishga va uni mamlakatimizni nafaqat mehnat migratsiyasi illatlaridan xolos etishga, balki jonajon O‘zbekistonni dunyoning iqtisodiy jihatdan qudratli mamlakatlaridan biriga aylantirishga xizmat qilmog‘i lozim. Sifatli ta’lim O‘zbekistonni katta taraqqiyotning ravon yo‘liga olib chiqishning eng kam xarajat va eng qisqa yo‘lidir.

REFERENCES

1. https://parliament.gov.uz/uz/events/committee/34644/
2. Алимов Сардор Комил ўғли. Аҳоли миграцияси ижтимоий-ахлоқий муҳит трансформацияси омили сифатида. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2022. http://library.ziyonet.uz/uz/book/123332
3. Министерство Внутренних Дел Российской Федерации. Отдельные показатели миграционной ситуации в Российской Федерации за январь-декабрь 2017 года с распределением по странам и регионам. https://xn--b1aew.xn--p1ai/Deljatelnost/statistics/migracionnaya/item/12162171/

4. История создания. Федеральная миграционная служба. http://fms-nso.ru/ufms/history/
5. The number of international migrants reaches 272 million, continuing an upward trend in all world regions. UN.org. https://www.un.org/development/desa/en/news/population/international-migrant-stock-2019.html
6. Трудовая миграция в Центральной Азии. ОБСЕ. https://www.osce.org/ru/magazine/250406
7. Статистика трудовой миграции в Кыргызской Республике. Национальный статистический комитет Кыргызской Республики. https://drive.google.com/file/d/15VGg_bkLWoZjpqdaiygbq2i_ItE6f-vB/view
8. За пять лет поток мигрантов из Таджикистана за рубеж снизился на 40%. Настоящее время. https://www.currenttime.tv/a/tajikistan-migrants-workers-money/29756218.html
9. В Таджикистане трудовая миграция выросла на треть. Sputniknews.ru. https://tj.sputniknews.ru/migration/20190910/1029833969/Tajikistan-trudovaya-migratsiya-vyrosla.html
10. Минтруда: всё больше таджикистанцев ищут работу в Турции и Польше. Радио Озоди. https://rus.ozodi.org/a/29761680.html
11. Мигранты отправляют в Таджикистан гораздо больше денег, чем поступающие в страну иностранные инвестиции. Avesta. http://avesta.tj/2019/12/27/migranty-otpravlyayut-v-tadzhikistan-gorazdo-bolshe-deneg-chem-postupayushhie-v-stranu-inostrannye-investitsii/
12. Особенности процессов трудовой миграции в Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан и Республики Казахстан). Cyberleninka.ru. https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-protsessov-trudovoy-migratsii-v-tsentralnoy-azii-na-primere-respubliki-uzbekistan-i-respubliki-kazahstan

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

Улуғбек Мамадалиев
Миллий гвардия қўмондони маслаҳатчиси
(94.921-20-20)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф демократик ҳуқуқий давлат тизимининг структуравий-функционал хусусиятлари ўзаро алоқадорликда жамият барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаши, демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда миллий қонунчиликнинг ривожланиши, шунингдек, халқаро ҳуқуқий муносабатларни миллий манфаатлар асосида ташкил этишнинг аҳамияти хусусида фикр юритади.

Калит сўзлар: *шахс, жамият, давлат, ҳуқуқ, суверен давлат, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, ҳокимият, ҳокимиятнинг бўлиниши, инсон эркинлиги, фуқаролар ҳуқуқлари.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор размышляет о служении структурно-функциональных особенностей системы демократического правового государства обеспечению стабильности общества в их взаимосвязи, развитию национального законодательства в условиях становления демократического правового государства, а также, о важности организации международных правоотношений на основе национальных интересов.

Ключевые слова: *личность, общество, государство, право, суверенитетное государство, правовое государство, правительство, деление правительства, свобода личности, гражданские права.*

КИРИШ

Инсон мавжудлиги давлатни белгилайди. Давлат муносабатлар ва алоқалар заруратидан келиб чиқадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ҳаракат қилади. Муайян жойларда одамларнинг ижтимоийлашуви ва коллективлашуви жараёнлари ва уларнинг бирлаштирувчи механизмлари шундай давлатни ташкил қилади. Ташкилий жиҳатдан давлат юқорида туради. Лекин бу инсон ҳуқуқларини таъминлаш воситасидир. Шу маънода, у ўз халқи учун ташкилий институтдир.

Давлат олий орган сифатида ўз фуқароларининг ҳуқуқларини энг юқори даражага кўтаради ва иштирок этиш тамойилларини ўрнатади. Давлат

элементларининг бой ҳуқуқлари (назарий ва амалий жиҳатдан таъминланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар)қонун устуворлиги ресурсларнинг мавжудлигига қараб қўлланилиши ва амалга оширилишини билдиради. Назарий ҳуқуқ инсоннинг маълум бир ҳуқуқини кафолатлай олади. Бунинг учун эса етарли ресурслар мавжудлигини тақазо этади.

Давлат ўз ҳуқуқий унсурларининг ҳуқуқларини ташқи ижтимоий муҳит асосида бойитади. Ҳуқуқ элементларини бойитиш, ўз навбатида, фаолият учун зарур ресурслар трасформациялашуви асосида амалга ошади. Бунда ҳуқуқ ва имкониятлар доираси тегишли, ўзаро боғлиқ нисбатлар кўринишида ўсиб, бойиб боради. Давлат ўз ҳуқуқларини объект ҳуқуқлари билан тўлдиради, ташкил қилади ва такомиллаштиради. Давлатнинг ички ва ташқи фаолияти ўртасидаги боғлиқлик ҳуқуқни таъминлашда яхлитликни вужудга келтиради.

Давлатнинг ҳуқуқий сиёсатида у томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш амалда имконсиз бўлиб қолиши мумкин. Бунга ресурслар етишмаслиги ва ҳуқуқлари белгиланаётган сиёсий партияларнинг ҳуқуқларини таъминлаш механизмининг йўқлиги сабаб бўлмоқда. Давлат келажакда инсон ҳуқуқларини таъминлаш функциясини ҳам бажаради. Бунинг учун унга юридик шахсларни жалб қилиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатнинг ҳуқуқий сиёсатида тўлиқ бўлмаган ҳуқуқлар пайдо бўлиши мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кишиларнинг маълум бир жойда мавжудлиги, ижтимоий муносабатлар ва алоқалар соҳаси, турар-жойлар, жамоат муносабатлари давлатнинг мавжудлиги ва зарурий фаолиятини белгилайди. Чунки давлат манфаатининг обекти инсон манфаатларини ҳуқуқий тартибга солишдир. Бу манфаат соҳаси давлатнинг ички ва ташқи фаолиятини қамраб олади. Давлат ўз аҳолисининг манфаатларини таъминлаш учун четга чиқади. Шу билан бирга, аҳоли ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кенгайтиради. Давлат қонуни давлатга ҳокимият ҳуқуқини беради. Давлат инсон ҳуқуқларини мезонлар бўйича белгилашда ўзининг ҳуқуқий кучидан фойдаланади. У ўз ҳокимиятини давлат маблағлари ҳисобидан белгилайди, одамларнинг ҳуқуқларини таъминлайди.

Маълумки, давлат қонунчилиги инсон ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Инсон ҳуқуқлари давлат ҳуқуқининг манбаидир. Шунинг учун ҳам давлат ўз сиёсатини инсон ҳуқуқларини таъминлашга йўналтиради. Натижада давлат ҳуқуқининг мавжудлиги барча инсон ҳуқуқларидан келиб чиқади.

Кишиларнинг изчил ҳаракатлари ва уларнинг доимий манфаатлари (ўрнини босувчи манфаатлар) давлатнинг абадий ва узоқ муддатли мавжудлигини таъминлайди. Одамлар давлатни ўзларининг изчил ҳуқуқларини таъминлайдиган умумлаштириш воситаси сифатида кўрадилар.

Шу ўринда ҳуқуқ нима деган ўринли савол туғилади. Тор маънода (маъносида) ҳуқуқ - давлат томонидан ўрнатилган мажбурий ижтимоий нормалар тизими бўлса, кенгроқ маънода, фуқароларнинг давлат томонидан ўрнатилган, кафолатланган ва ҳимоя қилинадиган асосий ҳуқуқлари ва эркинликларидир. Ҳуқуқ одатда урф-одатлар, ахлоқий ва диний нормалар асосида вужудга келади. Улар нима ва қандай қилиш кераклигини, нима яхши ва нима ёмонлигини аниқлаб беради, умумий манфаатларни ифода этади. Қоидалар ва хулқ-атвор нормаларига риоя этилиши бутун жамоа томонидан таъминланди ва уларнинг бузилиши камдан-кам учрайди.

Жамият табақаларга бўлиниб, қарама-қарши манфаатлар шаклланган чоғда урф-одат ва анъаналар ҳамма одамларнинг хулқ-атворини тартибга солиш имкониятига эга бўлмади. Турли синфларда яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик ҳақида турлича фикрлар мавжуд эди. Мулк, синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши билан ҳуқуқ вужудга келди. Давлат қонунни, ҳуқуқий нормаларни, қонунларни яратди. Улар давлат ва халқ ўртасидаги муносабатларни тартибга солишлари, умумий мажбурий бўлган хатти-ҳаракатлар нормаларини ўрнатишлари керак эди.

Ҳуқуқ жамиятнинг тарихий ривожланиши маҳсули бўлиб, шунинг учун доимо ўзгариб туради. Жамият тарихида ҳуқуқий нормалар ижтимоий урф-одатлар ва нормаларнинг қонун устуворлигига ўсиши ва давлат органларининг ҳуқуқий ижодкорлиги орқали шаклланади. Ҳуқуқнинг шаклланиши жамиятда янги турдаги муносабатлар - ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари ҳуқуқ ва ҳуқуқий мажбуриятларнинг субъекти, ташувчиси сифатида иштирок этадилар.

Давлатнинг ҳуқуқий нормаларида (конституция ва бошқа ҳужжатларда) одамларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа манфаатлари акс эттирилади. Уларнинг манфаатлари ва иродаси шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш орқали ифодаланади.

Ҳуқуқ жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади: фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, протсессуал ҳуқуқ. Ҳуқуқ фалсафаси ўзининг ривожланиш тарихида инсоннинг

табиий ҳуқуқларини белгилаб берди ва уларни ҳуқуқ, давлат ва ҳуқуқий сиёсат платформаларининг асосига айлантирди. Ғарб жамиятларида шахс эркинликлари ва ҳуқуқларига Т.Гоббс, Ж.Локк ва Ж.Ж.Руссо асос солган.

Ҳуқуқ фалсафаси юридик фанлар учун услубий аҳамиятга эга етакчи фалсафий фанлардан биридир. Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқ асосларини, унинг онтологик, гносеологик ва қиймат функцияларини ўрганади, улар доимо фалсафий қизиқишнинг предмети бўлиб келган. Ҳуқуқ фалсафаси қонун устуворлиги билан ўзаро муносабатда инсоннинг асосий ҳуқуқларини асослайди.

Ҳуқуқ фалсафаси контекстида давлат ҳимоячи, тартибга солувчи, таъминловчи ва ҳимоячи сифатида қаралади. Давлат инсон ҳуқуқлари даражасини ошириши мумкин. Одамлар ўз ҳуқуқлари доирасида давлатга бурч, ваколат, масъулият ва мажбуриятларни топширадилар. Халқ партия сифатида давлатни конкрет ва мавҳум кучга айлантиради. Одамлар давлатга ҳуқуқ манбаи сифатида қарайдилар. Масалан, инсон ҳуқуқларининг назарий асослари давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий нормалар ва концепцияларда ўз ифодасини топган. Одамлар давлатни манбаларда ҳал қилувчи омил сифатида кўради. Давлат ҳуқуқни жамловчи, уни тушунчалар ва стратегик томонларга айлантирувчи субъект ва объект ролини ўйнайди.

Давлат ҳуқуқига умумий шакл жиҳатидан икки асосий нуқтаи назардан ёндашиш мумкин: биринчидан, давлат ҳуқуқи инсон ҳуқуқларида воситадир; иккинчидан, давлатнинг ўзи алоҳида юридик шахс ҳисобланади. Давлат халқнинг сиёсий ҳуқуқларини (бошқариш ва унинг бир қисми сифатида ҳукуматни ташкил этиш, ҳукуматда вакиллик қилиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи) таъминлашда воситачи ҳисобланади. Давлат ҳам инсон ҳуқуқларини (фуқаролик ҳуқуқлари, маъмурий, оилавий ва ижтимоий ҳуқуқлар, маънавий ҳуқуқлар) белгиловчи, очиб берувчи ва очиб берувчи тарафдир. Давлат инсон ҳуқуқларини текширади, уларни соҳаларга ажратади ва бирлаштиради.

Шу маънода инсон ҳуқуқлари халқ иродасига бўйсунади. Яъни давлат ирода мазмунидир. Инсон ҳуқуқларини белгилаш орқали давлат ҳуқуқларни тан олиш бурчи ва мажбуриятини олади. Давлат ўзи тартибга солувчи объектни ҳуқуқ субъекти сифатида қабул қилади.

Биз давлат ҳуқуқини инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми сифатида талқин қилдик. Шундай қилиб, давлат ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг бир қисми бўлса, бинобарин, инсон ҳуқуқлари ҳам давлат ҳуқуқининг бир қисмидир. Давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қатъий назорат қилиб, ўз сиёсатини

қонун билан ҳамоҳанг олиб боради. Давлатни халқ яратади ва уни ўз ҳуқуқларини белгиловчи ҳокимиятга айлантиради. Давлат ҳуқуқи инсон ҳуқуқларини белгилаш ва стандартлаштириш, ўлчов ва миқдорларни белгилашдан иборат. Одамлар давлатга мураккаб ахлоқий нормалар мажмуи нигоҳи билан қарайдилар. Ҳуқуқ соҳасида давлатнинг ҳам маълум бир роли бор. Янги ҳуқуқларни яратишда, демак, ҳуқуқий соҳада соддалаштирилган ислоҳотларни амалга оширишда давлатга ишонч бор.

Ҳар бир ижобий ҳаракат, яъни манфаатдор ва бошқаларнинг манфаатларига дахл қилмайдиган ҳаракат ўз-ўзидан ҳимоя қилинади. Бу ерда ҳимоя индивидуал ва жамоавий асосда амалга оширилади.

Ҳимоя - бу структуравий ва тизимли текисликни яратадиган чизиқли ҳаракатлар, йўналишлар, моментларни бирлаштирган ҳаракатдир. Ҳимоя - бу ҳаракатни рағбатлантирадиган, ҳаракатнинг умумий шаклини оладиган ва индивидуал ва универсал хусусиятга эга бўлган ҳаракатлар мажмуидир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминлаш ва тиклаш жараёнидан иборат. Ҳимоя - бу инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун эркин ҳаракат қилиш ҳаракати.

Ҳуқуқ - бу концептуал мазмуни мудофаа ва хавфсизлик стратегияларига қаратилган тушунчадир. Амалдаги ва тактик ҳаракатлар қонунни ҳимоя қилади. Ҳақиқатнинг ўзи ҳокимият, бурч ва масъулият мезонлари билан тарқалади ва ўрнатилади. Мудофаа хавфсизлик ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бу қадриятлар тизимини шакллантириш масаласи бўлиб, бу кафолат, ҳимоя қилиш ва сақлаш, шунингдек, янгиланиш каби ҳаракатлардир.

Давлат муайян тарихий давр имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сиёсатини олиб боради. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қонун устуворлигида ўз ифодасини топади. Бу ерда мудофаа актларининг моҳияти кафолат билан тасдиқланади. Ҳуқуқларни нормалар орқали ифодалашда қўлланиладиган мезон ва мезонлар, диапазонлар, бўшлиқлар, фарқлар ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун асос бўлади. “Ҳуқуқларни бошқариш” актлари ҳуқуқларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш шартларига асосланади. Давлат инсон ҳуқуқларини шахс иштирокида унинг манфаатлари ва мақсадларига мувофиқ бошқаради.

Ҳуқуқий давлатда жамият ҳаёти қонун билан тартибга солинади, агар қонун устувор бўлса, суд ҳокимияти мустақил ва фақат қонунга бўйсунади. Қонун устуворлиги ҳар бир шахснинг қонуний манфаатларини, шаъни ва қадр-қимматини, барча фуқаролар ва улар бирлашмаларининг ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлаши керак. Унинг асосий белгилари: қонун устуворлиги, ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларини конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш асосида суверен давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият юритиш, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий шакли.

Ҳуқуқий давлатда жамият, гуруҳлар ва фуқаролик жамияти бирлашмалари аъзолари, умуман давлат, унинг органлари ва идоралари, мансабдор шахслар, жамият, фуқаролар олдида қатъий тартиб-интизом ўрнатилиши керак. Ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг бир шахс, орган ёки ижтимоий гуруҳ қўлида тўпланишига йўл қўйилмайди.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси ўзининг илғор самарадор кўринишида барча ҳокимият институтларининг вакиллигини, мансабдор шахсларни сайлашни англатади. Ҳуқуқий давлатда суд адолат ҳимоячиси, кенг маънода инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлиши керак ва унинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Жамият ва давлатнинг муносабатлари ва ўзаро боғлиқлиги давлат қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали амалга оширилади. Ҳозирги вақтда қонун устуворлиги тушунчаси инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиб, шахс, фуқаролик, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишни англатади.

Ҳуқуқий давлат – бутун фаолияти жараёнида ҳуқуққа бўйсунадиган, маълум қонуний чегаралар доирасида фаолият олиб борувчи ва ўз фуқароларининг ҳимоясини таъминловчи давлатдир. Бундай давлатда ишлаб чиқилган қонунлар, Т.Гоббс айтганидек, “Инсон нима қилиши кераклиги ва нима қилмаслиги кераклигини белгилайди”.

Ҳуқуқий давлат – ўз фаолиятини ҳуқуқ билан чегараловчи, халқ иродасига бўйсундирилган, инсон ҳуқуқ ва эркинлигига риоя қилган давлатдир. Эътибор бериш лозимки, ҳуқуқий давлатда фақат қабул қилинган қонунларга риоя қилишигина эмас, шахс ҳуқуқ ва эркинлигини ҳурмат қилиш ҳам керак. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлат фақат демократик бўлиши мумкин, ҳаттоки у ерда қабул қилинган қонунлар бузилмаса-да, ҳар қандай диктатура ҳуқуқий давлат бўла олмайди. Бу ҳамма қонунлар ҳам ҳуқуқий эмаслиги билан боғлиқ, бунга қуйидагилар киради: нафратни ёювчи, инсонни камситувчи, унинг ҳаётига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар кирмайди. Шу маънода Ж.Ж.Руссо,- “Давлат ўз-ўзича ҳеч қандай қадрият эмас”. -деб ёзади.

Ҳуқуқий давлатда ҳуқуқ ҳукмрон, инсоннинг табиий ҳуқуқлари руҳида тушуниладиган, туғилганидан ақлли ва эркин мавжудот бўлган ҳар бир индивидга хос. Бу ҳуқуқлар давлат томонидан қабул қилинган қонунлар билан бузилмаслиги керак. Локк ҳам бундай давлатни таърифлар экан “бу давлатда одамлар ўртасида тенглик ҳолати қарор топиши билан биргаликда, ҳатто ҳокимият ва бутун юридикция ҳам ўзаро тенглик тамойилига амал қиладилар”. -деб кўрсатади.

Ҳуқуқий давлатнинг институционал структурасини ташкил қилган элементлар функцияларини яхши йўлга қўйиш учун тўртта асосий масалага эътибор қаратиш лозим:

1) қонунчилик соҳасини янада такомиллаштириш;
2) халқаро ҳуқуқий нормаларни мунтазам жорий этиш;
3) қонунбузарликнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш;
4) маҳаллий қонунларнинг амалий ҳарактерини янада кучайтириш.

Давлатнинг ҳуқуқий тизими ҳуқуқий давлат омилларида ўз аксини топади. Ҳуқуқий давлат омиллари хилма-хилдир. Уларга қуйидагилар киради: давлат – универсал сиёсий ва суверен ташкилот бўлиб, унинг тузилиши, яъни давлат ҳокимияти, давлат хизмати, ҳуқуқ, унинг қонунлар кўринишидаги меъёрий асослари, қонун ости актлари, баъзи шартномалар ва ҳуқуқий муносабатлар, юридик эркинлик ва бурчлар, ваколатлар ва ҳ.к.

К.В.Извеков таъкидланишича, “Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий ҳодисалари фақат ўзига хос бўлган мазмун-моҳиятга ҳамда кундалик ҳаётда ўз қўлланилиш соҳасига эга”. Шу жиҳатдан ҳам давлатнинг ҳуқуқий функцияси ҳуқуқий давлатга бевосита алоқадордир. Давлат ҳуқуқий аҳамият касб этиб бориши учун унинг тизимидаги ҳамма нарса муҳим: инсон ҳуқуқ ва эркинликлари даражасини таъминловчи умумий тизимлар, халқаро ҳуқуқий меъёрлар, миллий қонунчиликнинг ривожланиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

ХУЛОСА

Демократик ҳуқуқий давлат тизимининг структуравий-функционал хусусиятлари ўзаро алоқадорликда жамият барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатда ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда қатор институционал ўзгаришларни амалга ошириш, жумладан, эски тоталитар тузимдаги давлат органлари фаолиятига чек қўйиш ва янги институционал давлат тузилмаларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда миллий қонунчиликни ривожланиши муҳим амалий тадбир ҳисобланади.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқий муносабатларни миллий манфаатлар асосида ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Янги институционал структураларнинг вужудга келиши, фақат мамлакат ичида эмас, балки халқаро муносабатларда ҳамда ҳуқуқий давлатни таъминлаш масалаларида ҳам муҳим роль ўйнайди.

REFERENCES

1. Тухватулина Л.А. Проблема рациональности в науке о праве: автореферат дис. ... кандидата философских наук. - Москва, 2017. - 20 с.
2. Попова А.В. Философия права. - М.: Инфра-, 2020. - 474с.
3. Rakhimjonov, A. (2021). Increasing Civil Liability For Violation Of Rights To Real Estate. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 3(04), 205-212.
4. Уакс Раймонд. Философия права: краткое введение / Раймонд Уакс ; перевод с английского Сергея Моисеева. - Москва : Изд-во Ин-та Гайдара, 2020. - 169 с.
5. Гоббс Т. Левиафан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. - М.: Издательство: Мысль, 2001. – 56 с.
6. Раҳимжонов, А. Б. Ў. (2022). КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(5-2), 1041-1049.
7. Шюкэ А.М. Ж.-ж. Руссо. Пер. с фр. Изд.2. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. - 93 с.
8. Стретерн П. Локк за 90 минут. – М.: Издательство: ООО "Издательство АСТ", 2005. – 84 с.
9. Imomniyozov, D. B. O. (2021). KORPORATSIYA IJRO ORGANLARINING FIDUTSIAR MAJBURIYATLARI QIYOSIY HUQUQIY TAHLILI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(11), 588-600.
10. Извеков К.В. Правовое государство - гарант безопасности личности (социально-философский анализ) : дис. ... канд. филос. наук. - Тверь, 2006. - 137 с.
11. O‘G‘Li, I. D. B. (2022). YURIDIK SHAXSLARNING UMUMIY YIG ‘ILISH QARORLARINI HAQIQIY EMAS DEB TOPISHNING HUQUQIY OQIBATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(1), 430-447.

СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИГИ ТАРИХИДАН

Бўриев Соатмўмин Донаевич
Термиз давлат университети
“Фуқаролик жамияти” кафедраси доценти, т.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Сурхон-Шеробод воҳаси суғорма деҳқончилиги тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ҳақда воҳада олиб борилаётган кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари, шунингдек, археологик қазилмалар жараёнида топилган ашёвий манбалар кераклича маълумотларни беради. Айниқса, Сурхон-Шеробод воҳасининг гуллаб яшнашида воҳадаги мавжуд сув омборларининг ўрни беқиёсдир. Ушбу мақолади мазкур сув омборларининг фаолияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: *массив, “Жанубий Сурхон сув омбори”, “Шеробод акционерлик жамияти”, агросаноат мажмуаси, сув ресурслари, Сурхон-Шеробод воҳаси, сув билан тўйиниш, канал, ариқ, зовур*

СУРХАН - ШЕРАБАДСКИЙ ОАЗИС ИЗ ИСТОРИИ ИРРИГАЦИОННОГО ЗЕМЛЕДЕЛИЯ

АННОТАЦИЯ

История ирригационного земледелия Сурхан-Шерабадского оазиса уходит корнями в далекое прошлое. Это объясняется масштабными научно-исследовательскими работами, проводимыми в ОАЗИСЕ, а также материальными ресурсами, найденными в процессе археологических раскопок, которые предоставляют необходимую информацию. Особенно в период расцвета Сурган-Шерабадского оазиса роль существующих в оазисе водохранилищ несравнима. Эта пословица рассказывает о деятельности этих водоемов.

Ключевые слова: *Массив, "Южно-Сурганское водохранилище", "Акционерное общество "Шерабад", агропромышленный комплекс, водные ресурсы, Сурган-Шерабадский оазис, водонасыщенность, канал, ров, канава*

ABOUT THE HISTORY OF SURKHAN-SHEROBAD OASIS IRRIGATION AGRICULTURE

ABSTRACT

The history of irrigation agriculture of Surkhan-Sherabad oasis goes back to the distant past. This is due to the large-scale scientific research carried out in the OASIS, as well as the material resources found during archaeological excavations, which provide the necessary information. Especially during the heyday of the Surgan-Sherabad oasis, the role of existing reservoirs in the oasis is incomparable. This proverb tells about the activities of these reservoirs.

Keywords: *Array, "South-Surkhan reservoir", "Sherabad Joint Stock Company", agro-industrial complex, water resources, Surgan-Sherabad oasis, water saturation, canal, moat, ditch*

КИРИШ

Сурхон-Шеробод воҳаси суғорма деҳқончилиги тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. География фанига оид манбаларда ёзилишича, вилоятимиз ҳудуди Сурхон-Шеробод воҳаси деб номланади. Чунки ҳар иккала дарё ҳам воҳанинг асосий суғориш манбаи бўлиб келган. Демак серунум Шеробод чўлларини сув билан таъминлаш масаласи шу бугун қўйилаётгани йўқ. Бутун вилоятимиз ҳудуди, шунингдек Шеробод воҳасининг жанубида бундан тўрт минг йил аввал ҳам анча мукаммал ирригация тармоқлари мавжуд бўлганлиги тарихдан маълум. Археологлар томонидан Жарқўтонда олиб борилган илмий изланишлар жараёнида бу ҳудудда тараққиёт анча ривожлангани, илм-фан ва маданият гуллаб яшнаганлиги, аждодларимиз деҳқончилик ва чорвачилик билан бирга ҳунармандчилик, темирчилик, заргарлик, кулолчилик билан ҳам шуғулланганликлари, ўша даврда ҳам кишилар ипакдан турли матолар тўқиганлиги, буғдой донларининг қолдиқлари, ҳозирги кунда ҳаммани ҳайратда қолдираётган сопол буюмлар, шунингдек сув қувурларининг топилиши Сурхон-Шеробод воҳасининг қадимда ҳам ривожланганҳудудлардан бири эканлигидан далолат бериб турибди.[222]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Олинган манбаларга қараганда, Кайрон-Ангор массиви (ҳозирги Термиз туманидаги “Мустақиллик” жамоа хўжалиги ва Ангор қишлоғи ҳудудидаги жойлар) боғу-роғлардан иборат обод бир маскан бўлган ва вилоятнинг жанубий

[222] Мустақиллик майдонида битта маржон Шеробод. “Сурхон тонги” рўзномаси, 1993 йил, 27 июль, 2-бет

ҳудудларидаги экинзорлар мавжуд сув чашмаларидан каналлар орқали суғорилган. Вилоятнинг марказий қисмидан жой олган “Сурхон” ва “Комсомол 30 йиллиги” (ҳозирги Қумқўрғон туманидаги “Беш қаҳрамон” жамоа хўжалиги) ҳудудлари ўртасидаги Искандар (Македон) кўприги Бандихон сойи устидан сув ўтказиш учун нов сифатида қурилган ва шу мақсаддагина фойдаланилган.[223]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Араб тарихчилари ва географларининг берган маълумотларига кўра, Сурхон дарёсининг (ўша даврда бу дарё Чағонруд деб аталган) сувидан шундай фойдаланганки, у йилнинг ҳамма фаслида ҳам Амударёга келиб қуйилавермаган. Шунингдек, Испан ва Хитой сайёҳлари, савдогарлари бу воҳада деҳқончилик ва чорвачилик ғоят юксалганлигини тилга оладилар. Айниқса V-VIII асрларда Шеробод дарёси, Тўполанг, Сангардак, Қоратоғ, Хонқа, Хўжаипок дарёлари сувларидан воҳа ерларини суғориш учун кенг миқёсда фойлаланилган. БироқVIIIасрдан кейин, айниқса ўлкада мўғуллар босқинидан сўнг, воҳанинг суғориш тармоқлари бутунлай издан чиққан. Қурғоқчилик, сувсизлик офатлари маҳаллий аҳоли турмуш тарзига тез-тез раҳна солиб турган. Айниқса, Ҳисор ва Бойсун тоғларидаги ўрмонларнинг йўқ қилиниши, ўз вақтида мавжуд дарёлар сувининг камайишига олиб келди. Сувсизлик жабридан жафо чеккан воҳа халқининг асосий машғулоти чорвачилик ва лалмикор ерларда дон экиш бўлиб қолди.[224]

Чор Россиясининг Ўрта Осиёни истило қилиши натижасида Бухоро амирлигида ҳаёт кескин ўзгарди. Россия ҳукумати раҳбарларининг топшириғи ва Бухоро амири Абдул Аҳадхоннинг розилиги билан ҳарбий муҳандис, капитан Б.Кастальский 1898 йилда Термиз шаҳри ҳудудига сув чиқариш учун ўз лойиҳасини ишлаб чиқди. Сув иншооти Саловат қишлоғининг юқори қисмидан олиниб, Термиз шаҳри ва унинг атрофларини, шунингдек, 40.000 десятина зкин майдонларини суғоришга мўлжалланди.

1909-1911 йилларда яна бир рус ҳарбий муҳандиси А.Г.Ананъев томонидан Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бухоро амири Амир Олимхон розилиги билан 1912 йилнинг 23 февралида А.Г.Ананъев ва Бухоро амири қушбегиси Мирзо Насруллобой ўртасида шартнома тузилди. Ушбу шартномага мувофиқ, Шеробод чўлидан 72.000 десятина ерга 99 йил муддатга Сурхон дарёсидан сув олиб янги ерлани

[223] Шеробод чўлини ўзлаштириш тарихидан. “Ленин байроғи” рўзномаси, 1966 йил, 6 ноябр, 3-бет
[224] Бизнинг кўҳна гўзал воҳамиз. “Ленин байроғи” рўзномаси, 1975 йил, 8 январ, 3-бет

ўзлаштириш учун розилик берилди. Қоракамар атрофидан 1200 десятина, Бешқўтон массиви атрофидан 30.000 десятина, ҳозирги Ангор тумани атрофидан 30.000 десятина, Янгиариқ атрофидаги 6000 десятина ер шу шартномага киритилди. А.Г.Ананъев сув учун Бухоро амирлигига ҳар йили декабр ойида 100.000 сўм тўлаб турадиган бўлди.[225]

Унумдор ерларга сув чиқариб катта фойда олиш ҳирси нафақат русларни балки, инглизларни ҳам қизиқтирарди. Шунинг учун улар чор ҳукуматидан Шарқий Бухорони (вилоятимиз ҳудудлари ўша пайтларда шундай аталган) ижарага беришни сўрашади. Бу ўз вақтида рус ва инглизларнинг "Шеробод ҳиссадорлик жамияти" ни тузиш билан тугалланади. Жамиятнинг асосий вазифаси вилоят ер ости ва табиий бойликларини ўрганишга қаратилади. Бироқ бошланиб кетган талончилик уруши бу ишларни тўхтатишга мажбур қилади.

1910-1911 йилларда Занг каналининг ишга туширилиши натижасида 1915 йилга келиб, бутун Шеробод чўлларида пахта майдони 4400 гектарга етказилади. Суғориладиган ерлар қарийб 20.000 гектарга, шу жумладан Шеробод чўлларидаги сувли экин майдони 1200 гектар, пахтазор майдонлари эса 850 гектарни ташкил этган.[226]

Сурхон-Шеробод воҳасини ўрганиш, ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ва ҳаракатлар Октябр инқилобидан кейин ҳам давом эттирилади. 1922 йилда Ўрта Осиё давлат университети (САГУ) етакчи олимлари томонидан 300.000 гектар майдонда илмий текшириш ишлари олиб борилади. Натижада 1927 йилда профессор Н.А.Димо таҳрири остида "Шеробод воҳаси, Қизирикдара ва Сурхон дарёсининг ўнг қирғоқ бўйлари тупроқлари" деб номланган китоби нашр этилади. Бу илмий ишдан ҳозирги Қумқўрғон туманидаги "Беш қаҳрамон" ва Жарқўрғон туманига қарашли "Сурхон" жамоа хўжаликларини лойиҳалаштириш ва ташкил этишда фойдаланилади.

Собиқ Шўро даврида Сурхон-Шеробод воҳасини ўзлаштиришга янада эътибор қаратилди. Ҳазарбоғ (1927й), Қумқўрғон (1932й), каналлари қазилди. Какайди (1931й), Занг каналлари (1966й) қайта таъмирланди. Учқизил (1954й), Жанубий Сурхон сув омбори (1967й), Тўпаланг сув омбори, Оқтепа сув омбори, Дегрез сув омборлари, Шеробод машина магистрал канали (ШММК), шунингдек Аму-Занг машина магистрал канали (1973й), Тўпаланг-Қоратоғ (1974й) каналлари қурилди ва ишга туширилди.[227]

[225] Боболар босиб ўтган йўл. "Сурхон тонги" рўзномаси, 1995 йил, 8 январ, 3-бет
[226] Шеробод чўлини ўзлаштириш тарихидан. "Ленин байроғи" рўзномаси, 1966 йил, 6 ноябр, 3-бет
[227] Рўзиев А., Мирзаев Ш, Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуасини ривожлантириш масалалари. Т, "Жайҳун" нашриёти, 1977 1, 38-39 бетлар

Агар 1966 йилда вилоятимиз бўйича суғориладиган ер майдони 183,3 минг гектар ерни ташкил этган бўлса, бу кўрсатгич бугунга келиб,327 минг гектар ердан ошиб кетди.[228]

ХУЛОСА

Ўзининг узоқ ўтмишига эга бўлган Сурхон-Шеробод воҳаси бугунги кунда таниб бўлмас даражада ўзгариб, обод бир масканга айланган ҳолда гулгун чаманзорларга айланиб бормоқда. Албатта бу ютуқларнинг замирида инсон меҳнати ва фаолияти ётади. Шундай экан, жонажон диёримизнинг бир гўшаси ҳисобланган Сурхон-Шеробод воҳасини янада ривожлантириш ва боғу-роғларга айлантириш барчамизнинг фидокорона меҳнатимиз эвазига бўлмоқлигини асло унутмаслигимиз керак.

REFERENCES

1. Мустақиллик майдонида битта маржон Шеробод. “Сурхон тонги” рўзномаси, 1993 йил, 27 июль, 2-бет
2. Шеробод чўлини ўзлаштириш тарихидан. “Ленин байроғи” рўзномаси, 1966 йил, 6 ноябр, 3-бет
3. Бизнинг кўҳна гўзал воҳамиз. “Ленин байроғи” рўзномаси, 1975 йил, 8 январ, 3-бет
4. Боболар босиб ўтган йўл. “Сурхон тонги” рўзномаси, 1995 йил, 8 январ, 3-бет
5. Шеробод чўлини ўзлаштириш тарихидан. “Ленин байроғи” рўзномаси, 1966 йил, 6 ноябр, 3-бет
6. Рўзиев А., Мирзаев Ш, Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуасини ривожлантириш масалалари. Т, “Жайҳун” нашриёти, 1977 1, 38-39 бетлар
7. Сув экиннинг қони. “Сурхон тонги” рўзномаси, 11995 й, 3 март, 2-бет
8. Мустақиллик майдонида битта маржон Шеробод. “Сурхон тонги” рўзномаси, 1993 й, 27 июл, 2-бет
9. Шеробод чўлини ўзлаштириш тарихидан. “Ленин байроғи” рўзномаси,1966 й, 6 ноябрь, 3-бет
10. Бизнинг кўҳна гўзал воҳамиз. “Ленин байроғи” рўзномаси, 1975 й, 8 январ, 3-бет
11. Боболар босиб ўтган йўл. “Сурхон тонги” рўзномаси, 1995 й, 5 май, 2-бет

[228] Сув экиннинг қони. “Сурхон тонги” рўзномаси, 11995 й, 3 март, 2-бет

12. Шеробод чўлини ўзлаштириш тарихидан. “Ленин байроғи” рўзномаси, 1966 й, 6 ноябр, 3-бет
13. Рўзиев А. Мирзаев Ш. Бораталиев У. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуасини ривожлантириш масалалари.Т, “Жайхун”нашриёти, 1977 й, 39-бет
14. Ш. Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз, Т, “Ўзбекистон”, 2017 й, 286-бет
15. Худойбердиев Қ, Одинаев А. Тўпаланг сув омбори бунёдкорлари. Т, “Шарқ”, 2006, 50-бет
16. Правила эксплуатация ЮСВ. Т, Институт «Узпроизвод», 1986 г, стр-2.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.01.2020 й. 45-сон "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2019 й. 672-сон "Ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.03.2019 й. 215-сон "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2018 й. ПҚ-4039-сон "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.07.2018 й. 500-сон "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори
22. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 03.07.2018 й. 500-сон қарорига 2-илова)

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Улуғбек Мамадалиев
Миллий гвардия қўмондони маслаҳатчиси
(Тел.:94.921-20-20)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида қонун устуворлигига эришишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида фикр юритилиб, Янги Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги бугунги ҳаракатлар ва стратегик тамойиллар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, суд-ҳуқуқ тизими, суд қарори, прокуратура органлари, коррупцияга қарши курашиш*

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривая социально-политическое значение достижения верховенства закона в процессе построения демократического правового государства, анализируются сегодняшние действия и стратегические принципы по обеспечению верховенства закона в Новом Узбекистане.

Ключевые слова: *правовое государство, верховенство закона, права и свобода человека, судебная система, судебное решение, органы прокуратуры, борьба с коррупцией.*

КИРИШ

Ўзбекистон қисқа муддатда ўнлаб йилларга тенг тараққиёт босқичидан ўтиб, ўзига хос тараққиёт моделини яратиб, кенг кўламли ютуқлар кўламини муттасил ошириб борди. Ушбу ривожланиш моделининг асосий хусусияти нафақат динамик ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, балки демократик мезонлар, шунингдек, қонун устуворлигини киритиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида жадал ўсишни муваффақиятли таъминлаш муҳим аҳамият касб этди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ

тизимида қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдан иборат.

Қадимги юнон файласуфи Демокритнинг ёзишича, сиёсат одамларни ишонтириш, уларни маълум мақсадларга сафарбар этиш, онгига таъсир этиш воситасидир. Сиёсий раҳбар ишонч қозониш учун танлаган воситалари қанчалик ҳалол ва соф бўлса, халқнинг ишончи шунчалик мустаҳкам бўлади. М.А.Атавуллаев “Маънавий-ахлоқий императивлар ҳуқуқ, юридик догматикага қандай муҳтож бўлса, аксинча, ҳуқуқ юридик нормалар ҳам маънавий- ахлоқий императивлар ёрдамига шунчалик муҳтож. Маънавий-ахлоқий императивлар эса инсоннинг эркин яшашга мойиллигини, иложи борича, чегараламасликка интилади, бу борада унга турли восита ва йўлларни танлашга имкон қолдиради. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий императивларнинг ҳуқуқий қадриятларга таъсири уларда гуманистик нормаларга ўрин қолдирганда кўзга ташланади” ,- деб таъкидлайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тараққиётнинг асосий шартларидан бири жамиятда қарорлар ва инсоний муносабатларнинг қонун асосида шаклланишидир. Бу қонун устуворлиги деб аталади.

Қонун устуворлиги тамойили биринчи марта Магна Сартада учрайди. Бу ҳужжат 1215 йилда қўзғолончи баронлар томонидан имзоланган ва Англия қироли Жонни унга имзо чекишга мажбур қилган. Ҳужжатда ҳатто қирол қонунга бўйсуниши кераклиги кўрсатилган.

Профессор Альберт Венн Дайси қонун устуворлигини концепция сифатида ишлаб чиққан шахс эди. Дайси 1885 йилда чоп этилган “Ҳуқуқ ва Конституция” китобида қонун устуворлигини учта тамойил билан боғлаган. Булар қонун устуворлиги, ҳамманинг қонун олдида тенглиги, жамиятда қонунга ҳурмат руҳи ёки анъанасининг мавжудлиги.

Қонун устуворлиги ўз-ўзидан пайдо бўлиши ва фаолият юритиши мумкин эмас. Унинг ишлаши учун зарур шарт-шароитлар, айниқса, сиёсий ирода бўлиши керак. Аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида, яъни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида аниқ чегара бўлиши керак. Шу билан бирга, судларнинг мустақиллиги ва уларнинг қарорларига ҳеч қандай тарзда аралашмасликдир.

Яна бир муҳим шарт – жамиятда қонунни ҳурмат қилиш анъанаси ва муносиб маданият бўлишидир. Одамлар қонунларга, суд қарорларига ва

умуман адолатга шубҳа билан қарайдиган жамиятларда қонун устуворлиги катта хавф остида бўлади.

Қонун устуворлигининг мавжудлигини белгиловчи яна бир омил - бу судга келган ҳар бир шахсга нисбатан адолатли судловнинг таъминланишидир. Бу одамларнинг жиноят содир этишда айби исботланмагунча оқланишини ҳам ўз ичига олади. Қонун устуворлиги бизнинг кундалик ҳаётимизга, бошқа одамлар ва ҳукумат билан муносабатларимизга бевосита дахлдор бўлган мезондир.

1. Nurni yutilishiga asoslangan usullar(fotometrik, kinetik, emission spektral analiz, atom-absorbsion, aktivatsion, mass-spektral analiz usullari,)
2. Nurning chiqarilishiga asoslangan usullar(fluorimetrik, rentgeno–fluoressent, emission-spektral analiz metodlari).

Optik analiz usullari kimyoviy tadqiqotlarda keng tarqalgan va amaliy jihatdan katta ahamiyatga ega[1].

Simob va uning birikmalari sanoat va texnologiyaning barcha sohalarida juda keng darajada ishlatilmoqda. Natijada atrof muhit ob'yektlarida simobning miqdori ruxsat etilgan miqdoridan oshib bir qancha dolzarb muammolarni keltirib chiqarmoqda. Simob yer qobig'ida kam miqdorda $4 \cdot 10^{-6}$ % bo'ladi. Simob ko'proq tabiatda metal va kinovar (sulfid) holida uchraydi. Uning organik birikmalari anorganik birikmalaridan ko'proq va zaxarlilik darajasi yuqoriroq. Undan zaxarlanish merkurializm deyiladi. Xona temperaturasida suyuq bo'lgan simob oson uchuvchan va bug'i ham zaharli, inson organizmida minimata kasalligini keltirib chiqaradi. Tabiatda simobning noorganik birikmalari ikki valentli tuzlar holida, organik birikmalari R-Hg-X tuzilishida bo'ladi[2].

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Noorganik simobni organik metilsimob holatiga biologik transformatsiya jarayoni organik moddalar quyqalarida va chiqindi suvlarda anaerob sharoitda kechadi: $Hg^{2+} \rightarrow CH_3Hg^{+}$. Simobning biologik metilizatsiya jarayoni simobni ishlab chiqarishda hosil bo'lgan dastlabki shaklidan singuvchan boshqa shaklga o'tadi va suv, baliq, planktonlarga singib ketadi. UB nurlar ta'sirida parchalanadi va atmosferaga chiqariladi.

Tabiiy simob birikmalari odam organizmida ma'lum miqdordan ortgandan so'ng kasallik keltirib chiqarishi aniqlangan. Masalan, bu miqdor tog' jinslari uchun 0,08 mg/kg, dengiz suvida 0,00003, quruq o'simlik massasida 0,02-0,03, hayvonlarda(quruq massasi) 0,05-1 mg/kg ga teng[3,4].

Simobdan zaxarlanishda oshqozon ichak tizimini, buyrak, jigar, miya ishini, markaziy nerv sistemasini faoliyatini izdan chiqaradi. Ko'rish, eshitish, vestibulyar analizator ishiga salbiy ta'sir qiladi. Simob va uning birikmalari birinchi darajali toksik moddalar safiga kiradi. Quyida simob va uning birikmalarining har xil atrof muhit obyektlaridagi ruxsat etilgan chegaraviy miqdori keltirilgan(R.E.CH.M) [5].

1-jadval

Simobning chegaraviy ruxsat etilgan konsentratsiyalari R.E.CH.M

Simob birikmalari	Ruxsat etilgan chegaraviy miqdori				
	Atmosferada mg/m^3	Ishchi zonadagi havoda		Xo'jalik ichimlik va madaniy maishiy xizmat suv obyektlarida	Tuproqda mg/kg
		Maksimal	Minimal		
Simob oksid	0,01/0,0003	0,01	0,05/0,017	0,005	2,1
Simob(II) xlorid	0,05/0,0003	-	-	-	0,005

Simobni dietilefiri $Hg(C_2H_5)$	0,0003	0,1	-	0,0001	-

Hozirga qadar simobni miqdoriy aniqlashning bir qancha usullari ishlab chiqilgan. Jumladan, HJ_2 standart eritmasidan rangiga qarab solishtirib kolorimetrik aniqlash, simobning kristall binafshasi bilan rangli kompleks hosil qilishi va optik zichliklarini o'rganishga asoslangan fotometrik usul, $1,0*10^{-9}$g/l gacha simobni grafitli elektrod asosida o'rganadigan inversion voltamperometriya, tabiiy suvlar tarkibidagi oltin, kumush, simobning nanogrammalarini birgalikda aniqlay oladigan polyarografiya metodi, 0,1 g/l, ya'ni yuqori darajada kata konsentratsiyadagi simobni grafit elektrodi yordamida aniqlaydigan inversion-xronopotensiometriya metodi va atom – adsorbsion metodlar keng qo'llaniladi. Lekin har bir usul ma'lum kamchiliklarga ega. Simobning miqdorini aniqlash va R.E.CH.M ga yetmasdan ajratish juda muhim. Ayniqsa, arzon, selektiv, oddiy usulini ishlab chiqish hozirgacha asosiy yechilmagan muammolardandir[6].

O'zMU kimyo fakultetida og'ir va zaxarli metallarni aniqlash borasida amaliy ishlar olib borilmoqda. Simobni aniqlashda 1-(5-metil-2-piridilazo)-5-dietilaminofenol (PADEF) reagentini nitron tolasiga modifikatsiyalangan gidroksilamin (SMA-2), geksametilendiamin (SMA-1) va etilendiamin (SMA-3)lar (sorbentlar O'zMU kimyo fakulteti polimerlar kimyosi kafedrasida sintez qilingan) immobillovchi sifatida foydalanildi[7,8]. Sorbentlar orasidan SMA-1 sorbsialanishi, immobillanish xususiyatlarining yuqoriligi uchun tanlab olindi.

Shu boisdan, atrof-muhit ob'ektlarida og'ir metallarni analitik nazorat qilishning yanada mukammalroq metodlarini izlash ehtiyoji ortadi. Tarkibida simob bo'lgan birikmalarni aniqlash uchun yuqori sezgirlikka ega bo'lgan, hamda tanlab ta'sir etuvchan, arzon va ekspress usulini ishlab chiqish talab etiladi. Bunday masalalarda analizning optik metodlaridan, ayniqsa fotometrik va spektrofotometrik metodlaridan keng foydalaniladi. Bu metodlarda ishlatiladigan asboblar va qo'llaniladigan reaktivlar arzonligi hamda, azoreagentlar metall ionlari bilan xarakterli barqaror xelat birikmalar hosil qilishi bilan ajralib turadi[9].

Ishda hozirgi zamon talablariga javob beradigan yangi fotometrik aniqlash usulini ishlab chiqish va atrof - muhit obyektlarida simob(II) ionini yangi organik reagent 1–(2-arsonfenilazo)-2-gidroksi-3-karboksi-naftalin yordamida fotometrik aniqlash hamda metrologik va analitik tavsiflarini yaxshilash, ishlab chiqilgan metodika asosida simobni sun'iy aralashmalardan aniqlash amalga oshirildi[10].

Reaksiyaning amaliy jihatdan oxirigacha borishi eritmaning pHiga bog‘liqligini e’tiborga olib optik zichlikning muhit kislotaliligiga bog‘liqligi o‘rganildi. Maksimal optik zichlik pH=5,9-6,9 oralig‘ida, aniqrog‘i pH=6,40 da kuzatildi.

Ish davomida optik zichlikni bufer eritma tarkibiga bog‘liqligi o‘rganildi. pH=6,40 bo‘lgan 3 xil universal, natriy fosfatli va natriy sitratli bufer eritmalardagi kompleks optik zichliklari o‘lchanganda natriy fosfatli buferda maksimal optik zichlikka erishildi.

Kompleks birikma optik zichligining vaqtga bog‘liqligi o‘rganildi va optik zichlik 55 min davomida o‘zgarmasligi aniqlandi.

Komponentlarning quyilish tartibi o‘rganilganda “metall – reagent – bufer - suv” quyilish tartibida maksimal optik zichlik namoyon bo’ldi.

Keyingi ishda kompleks optik zichligining reagent miqdoriga bog’liqligi o’rganildi. Olingan natijalarga ko’ra 0.05% li 1 –(2-arsonfenilazo) -2-gidroksi -3-karboksinaftalinning 2,0 millilitri 50 mkg simob(II)ionini to’la kompleks hosil qilishi uchun yetarli ekanligini ko‘rsatdi.

Olingan optimal sharoitlar asosida simob(II)ni miqdoriy aniqlashga qo’llash maqsadida kompleksining Buger-Lambert-Ber qonuniga bo‘ysunishi o‘rganildi. Unga ko‘ra simob(II)ning Buger-Lambert-Ber qonuniga bo‘ysunishi soxasi 5,0-40,0 mkg/25ml oralig’ida kuzatildi.

Kompleksning tarkibiy mollar nisbati 2 xil Izomolyar seriyalar va Asmusning to‘g‘ri chiziqlar metodlari yordamida o‘rganildi va Hg:R tarkibi 1:2 nisbatda ekanligi aniqlandi. Kompleks birikma zaryadini aniqlash uchun kationit va anionitlardan o‘tkazildi. Bunda kompleks manfiy(-) zaryadga ega ekanligi aniqlandi. Bu esa metall va reagentning mollar nisbati Hg:R=1:2 ekanligini yana bir bor tasdiqladi.

Metodning molyar so’ndirish koeffitsenti (ε_{mol}=13500), muvozanat konstantasi (K_p= 2,445 $\cdot 10^{-9}$) Tolmachyov metodi yordamida hisoblandi. Darajalangan grafikning parametrlari kichik kvadratlar usulida qayta xisoblandi(Y_i=9.11 $\cdot$ 10^{-3} +8,58 $\cdot 10^{-3}$ X_i).

Tajriba natijalariga ko’ra metodning Sendel bo’yicha sezgirligi 0,0056mkg/sm^2 ga, quyi aniqlanish chegarasi esa 0,85 mkg ga teng bo’ldi.

XULOSA

O’rganilayotgan analitik reaksiyaga qator metall ionlarining va anionlarning ta’siri o’rganildi. Ishlab chiqilgan usulning to‘g‘riligi va qayta takrorlanuvchanligi “kiritildi-topildi” usulida aniqlandi. Bunda nisbiy standart chetlanish 0,0042dan oshmadi. Ishlab chiqilgan metodning tanlab ta’sir etuvchanligini o‘rganishda begona ionlar ta’siri o‘rganildi va sun’iy aralashmalar analizi yordamida tekshirib

ko‘rildi. 20 mkg simob(II)ni aniqlashga Na^{+}(1:1000), K^{+}(1:500), CH_3COO^{-},NO_3^{-} (1:200), Ca^{2+} Ba^{2+} Sr^{2+} (1:150), Cd^{2+}, Br^{-}, Cl^{-}(1:100) , Co^{2+}, Ni^{2+} (1:15), Mn^{2+} Zn^{2+}, Cr^{3+}, Fe^{3+}(1:10), nisbatlarda halaqit bermaydi, Pb^{2+},Cu^{2+}(1:5), Mg^{2+}, Ti^{4+} ionlari esa (1:2) nisbatlarda halaqit berishi aniqlandi. Reagent va kompleksning IQ spektrlari olindi, kvant-kimyoviy usullarda reagent molekulasidagi atomlarning minimal energiya miqdori hisoblab topildi, kompleks birikma zaryadi aniqlandi va olingan natijalar asosida kompleks birikmaning taxminiy struktura formulasi keltirildi. Olingan natijalar metrologik baholandi.

REFERENCES

1. Золотов Ю.А. Основы аналитической химии./ М.; Высшая школа. 2002. -С. 158-183.
2. Скальный А.В. Химические элементы в физиологии и экология человека. Москва “Мир” 2004 г. 248с.
3. Мясоедова Г.В., Швоева О.П.Большакова Л.И., Антокольская И.И.., Щербинина Н.И., Саввин С.Б., Определение малых концентраций элементов. – М.:Наука, 1986.-С.78-81.
4. Кочигин О.В. Исследование полимерных хелатных сорбентов. Журн.аналитич.химии-2006-Т.61. №2 – С. 120-124
5. Сигор Г.А. Физико-химический анализ в экалогии. “Севастополь” 2005 г. С.14.
6. Давыдова С.Л. О токсичности ионов металлов. Серия «Химия» №3, 1991 г, 243 с.
7. Мусаев У.Н., Мухаммедиев М.Г., Икрамова М.Э. Синтез модифицированных сорбентов на основе полиакрилонитрильных волокон. Научный вестник НамГУ. 2001. -№2. –С.117-119.
8. Гафурова Д.А. Химические превращения полиакрилонитрильных волокон с азотосодержащими основаниями. Автореф. На соиск. Ученой степ. к.х.н. по спец. хим. высокомол. соед. Ташкент. 2002. -22с.
9. Булатов М.И., Калинкин И.П “Практическое руководство по фотометрическим и спектрофотометрическом методом анализа” М. Химия 1985 С. 424
10. Норбоева Р.Н. Некоторые аналитические характеристики реакции комплексооброзования ионов ртути с новым оксиазореагентом. “Metallorganik yuqori molekulali birikmalar sohasidagi dolzarb muammolarning innovatsion yechimlari” Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya. Toshkent 28-may 2021yil – B. 171-173

МИНИМАЛНАЯ ДОПОСЕВНАЯ ОБРАБОТКА НА СОДЕРЖАНИЕ ВЛАГИ В ПОЧВЕ

Маматожиев Шарип Икромович,
sharifmamatojiyev11@gmail.com
Эшпулатов Шавкат Яхшиевич
Преподаватели Ферганского государственного университета

АННОТАЦИЯ

Водно-физические свойства почв, течение биологических процессов, использование вносимых удобрений, рост, развитие и урожай хлопчатника находят наиболее благоприятное выражение в тех случаях, когда влажность сложения почвы находится в оптимальных пределах.

Структурное состояние связной почвы обеспечивают благоприятные водный и воздушный, а, следовательно, и тепловой, биологический и питательный режимы, т.е. создают лучшие условия почвенного плодородия. Известно, что орудия и технология предпосевной обработки должны обеспечивать сохранение влаги во всём обрабатываемом слое. При правильно проведённой до посевной обработки образуется наибольшее количество влаги обеспечивающий полного и дружного всходы растений.

Ключевые слова: *орудия и технология предпосевной обработки, влажность почвы, минимализации обработки почвы, многократная обработка почвы, внесение удобрений, двухъярусная зяблевая пахота на 40 см, текущая планировка, поделка пал, промывка, развалка пал, весеннее двукратное чизелевание на 12-14 см, двухкратное боронование, малование, нарезка борозд, запасной полив.*

TUPROQ MINIMALA NAMLIGIDA EKISHDAN OLDIN ISHLOV BERISH

ANNOTATSIYA

Tuproqning suv-fizik xususiyatlari, biologik jarayonlarning borishi, qo‘llaniladigan o‘g‘itlardan foydalanish, tuproq namligi optimal chegaralarda bo‘lgan hollarda g’ozaning o‘sishi, rivojlanishi va hosildorligini ta’minlash uchun eng qulay hisoblanadi. Tuproqning strukturaviy holati qulay bo‘lishi, suv va havo bilan ta'minlanishi natijasida issiqlik, biologik va ozuqaviy rejimlar, ya'ni, tuproq unumdorligi uchun eng yaxshi sharoitlarni yaradi. Ma'lumki, ekishdan oldin ishlov berish jihozlari va texnologiyasi butun ishlov berilgan qatlamda namlikning saqlanishini ta'minlashi kerak. Ekishdan oldin to‘g‘ri ishlov berilsa, o‘simliklarning

to‘liq va bir tekis unib chiqishini ta'minlaydigan namlikning eng katta miqdori hosil bo‘ladi.

Kalit so‘zlar: *ekishdan oldin ishlov berish jihozlari va texnologiyasi, tuproq namligi, tuproqni ishlov berishni minimallashtirish, ko‘p marta ishlov berish, o‘g'itlash, 40 sm chuqurlikdagi ikki qatlamli kuzgi shudgorlash, joriy tekislash, pol olish, sho‘r yuvish, pjl buzish, ikki marta 12-14 sm chuqurlikda baxorgi chizellash, ikki marta boronalash, mola bostirish, egat olish, nam to‘plash maqsadida sug‘orish.*

MINIMUM PRE-SOWING TREATMENT FOR SOIL MOISTURE CONTENT

ANNOTATION

The water-physical properties of soils, the course of biological processes, the use of applied fertilizers, the growth, development and yield of cotton find the most favorable expression in those cases when the moisture content of the soil composition is within optimal limits. The structural state of the cohesive soil is provided by favorable water and air, and, consequently, thermal, biological and nutritional regimes, i.e. create the best conditions for soil fertility. It is known that the tools and technology of pre-sowing treatment must ensure the preservation of moisture in the entire treated layer. When properly carried out before sowing treatment, the greatest amount of moisture is formed, which ensures complete and amicable sprouting of plants.

Keywords: *tools and technology of pre-sowing cultivation, soil moisture, minimization of soil cultivation, multiple tillage, fertilization, two-tier autumn plowing by 40 cm, current layout, hand-made plow, washing, spreading of piles, spring two-time chiseling by 12-14 cm, double harrowing, milling, furrowing, emergency watering.*

ВВЕДЕНИЕ

В условиях орошаемого земледелия важнейшим показателем водно-физических свойств пахотного слоя, определяющим его эффективное плодородие, является влажность почвы. Установлено, что водно-физические свойства почв, течение биологических процессов, использование вносимых удобрений, рост, развитие и урожай хлопчатника находят наиболее благоприятное выражение в тех случаях, когда влажность сложения почвы находится в оптимальных пределах.

Структурное состояние связной почвы обеспечивают благоприятные водный и воздушный, а, следовательно, и тепловой, биологический и питательный режимы, т.е. создают лучшие условия почвенного плодородия.

Известно, что орудия и технология предпосевной обработки должны обеспечивать сохранение влаги во всём обрабатываемом слое. При правильно проведённой до посевной обработки образуется наибольшее количество влаги обеспечивающий полного и дружного всходы растений.

Изучение возможности уменьшения числа до посевных обработок почвы под хлопчатник и их влияние на рост, развитие, некоторые водно - физические свойства почвы, а также на величины урожая были проведены нами в 2019-2020 гг. в фермерском хозяйстве имени Нозимахон Махмура Алтыарыкского района Ферганской области.

Схема опыта приведена в таблице 1.

Таблица - 1

Агротехнические мероприятия

№ вари-анта	2019 год		2020 год	
	Агротехнические мероприятия	Коли-чество обрабо-ток	Агротехнические мероприятия	Коли-чество обра-боток
1	Внесение удобрений + двухъярусная зяблевая пахота на 40 см + текущая планировка + поделка пал + промывка + развалка пал + весеннее двукратное чизелевание на 12-14 см + двукратное боронование + мало-вание (контроль)	12	Внесение удобрений + двухъярусная пахота на 40 см + текущая планировка + двукратное весеннее чизелевание + нарезка борозд + запасной полив + двукратное бороно-вание (контроль)	9
2	Внесение удобрений + двухъярусная зяблевая пахота на 40 см + текущая планировка + поделка пал + промывка + развалка пал + нарезка борозд + запасной полив + боронование	9	Внесение удобрений + пахота на 20-22 см + нарезка борозд + запасной полив + боронование	5
3	Внесение удобрений + двухъярусная зяблевая пахота на 40 см + текущая планировка + нарезка борозд + запасной полив +	6	Внесение удобрений + двухъярусная пахота на 40 см + те-кущая планировка + нарезка	6

	боронование		борозд + запасной полив + боронование	
4	Внесение удобрений + двухъярусная зяблевая пахота на 40 см + текущая планировка + поделка пал + промыв-ка + развалка пал + нарезка борозд + запасной полив + боронование	10	Нарезка борозд + осенняя промывка по бороздам + за-пасной полив весной по ста-рым бороздам с нормой 500-600 м3/га + внесение удобре-ний + боронование	5
5	Внесение удобрений + двухъярусная зяблевая пахота на 40 см + текущая планировка + чизелевание с боронованием + нарезка борозд + запасной полив по бороздам + боронование	6	Внесение удобрений + пахота на 20 см с рыхлением на 20 см + нарезка борозд + запасной полив + боронование	5

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Результаты наших исследований показали, что на содержание влаги в почве при возделывании хлопчатника существенное влияние оказали технология до посевной обработки почвы, их кратность, а также фон плодородия, созданный предшествующей люцерной. Большое значение имеет повышение влаги в почве в биологически важный для хлопчатника период-перед севом, когда необходимо обеспечить дружные всходы, а также в период вегетации.

Для изучения динамики содержания влажности в почве в зависимости от кратности и технологии до посевной обработки влажность почвы определяли после сева хлопчатника, перед первый и вторыми поливами и в конце вегетации (табл. 2).

При возделывании хлопчатника по пласту люцерны с применением минимальной до посевной обработки, включающей 6-10 технологических операций, влаги содержалось после сева хлопчатника в пахотном слое на 0,2-1,2% и в метровом на 0,3-1,5%, по обороту пласта люцерны на 0,6-1,0%; 0,3-0,8% больше, чем в вариантах с многократной (12) до посевной обработки. Такая же закономерность по влажности в тех же слоях прослеживалась перед первым вегетационным поливом.

При последующих сроках определений влажности существенных различий между вариантами технологии в кратности до посевной обработки почвы под

хлопчатник не выявлено. На содержание и сохранение влаги в почве определенное влияние оказывает фон люцерны, после которой возделывали хлопчатник. Так, при возделывании хлопчатника по пласту люцерны влажность почвы после сева при минимальной обработке составила 19,7-20,8% (вар.2-5) против 19,4% в контроле; на второй год после распашки люцерны она была ниже-соответственно 18,6-19,0 и 18,0%.

Перед первым поливом хлопчатника при возделывании хлопчатника по пласту люцерны влажность почвы при минимальной обработке в вар. 2-5 составила 14,7-15,5 против 14,6% в контроле, по обороту пласта-соответственно 14,0-14,5 и 13,8%.

Таблица 2

Влияние технологии и кратности до посевной обработки на содержание и сохранение влаги в почве при возделывании хлопчатника после люцерны, %

Номер варианта	2019 г.		2020 г.	
	Слой почвы, см			
	0-40	0-100	0-40	0-100
После сева хлопчатника				
1	19,6	20,2	19,0	19,8
2	20,4	21,5	19,8	20,5
3	19,8	20,9	19,7	20,4
4	19,9	20,5	19,7	20,3
5	20,8	21,7	19,8	20,9
Перед 1-ым поливом хлопчатника				
1	14,6	16,6	13,8	16,1
2	15,6	17,1	14,1	16,2
3	14,7	16,6	14,3	16,4
4	15,0	16,8	14,1	16,3
5	15,3	17,0	14,5	16,9
Перед 2-ым поливом хлопчатника				
1	13,9	15,2	15,0	17,6
2	13,9	15,2	15,0	17,6
3	13,9	15,4	15,0	17,5
4	14,2	15,4	15,3	17,8

5	14,9	16,0	15,2	17,7
В конце вегетации хлопчатника				
1	15,3	16,8	15,2	16,9
2	15,0	16,7	15,2	17,0
3	15,6	16,9	15,3	17,0
4	15,4	17,0	15,4	16,9
5	15,2	16,9	15,3	17,0

Перед вторым поливом и в конце вегетации хлопчатника существенных различий в содержании и сохранение влажности в почве при возделывании хлопчатника в зависимости от года распашки люцерны не выявлено.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, результаты наших исследований показали, что на содержание и сохранение влаги в почве оказывают влияние как кратность и технология до посевной обработки ее, так и отдалённость от года распашки предшествующей люцерны. Наиболее благоприятные условия по содержанию влаги в почве отмечены при возделывании хлопчатника в первый и второй годы после распашки люцерны при минимальной до посевной обработки почвы - 6-10 и 5-6 операциях.

REFERENCES

1. Kimsanov Ibrohim Xayitmurotovich, Mirzakarimova Gulshanoy Mirzaraxmat Qizi, & Mamatqulov Orifjon Odiljon O‘g’li. (2021). Root System Development And Its Activity. The American Journal of Engineering and Technology, 3(03), 65–69. https://doi.org/10.37547/tajet/Volume03Issue03-10
2. O. Mamatqulov, S. Qobilov, & A. Abdullaaxatov (2022). FARG‘ONA VILOYATI SHAROITIDA TOK KASALLIKLARIGA QARSHI KURASHISH. Science and innovation, 1 (D6), 307-311. doi: 10.5281/zenodo.7194057.
3. Sodiqova, Z. T. (2022, May). DANAKLI MEVA KASALLIKLARIGA QARSHI KURASHISH YO‘LLARI. In INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING (Vol. 1, No. 8, pp. 240-244).
4. Ugli, M. O. O. (2021). RECYCLING OF THE CURVE PLANNING IN GAT TECHNOLOGY (Auto CAD) PROGRAM. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(11), 480-483.

5. Mamatkulov, O. O., & Numanov, J. O. (2021). Recycling of the Curve Planning in Gat Technology (Auto Cad) Program. Middle European Scientific Bulletin, 18, 418-423.
6. Эшпулатов, Ш. Я. ВЛИЯНИЕ ОРОСИТЕЛЬНЫХ ВОД НА ПЛОДОРОДИЕ СВЕТЛЫХ СЕРОЗЕМОВ. Актуальные вопросы современной науки, 25.
7. Эшпулатов, Ш. Я., Турдалиев, А. Т., & Мирзаев, Ф. (2017). Почвенно-археологический метод для определения возраста древних орошаемых палеопочв. Актуальные вопросы современной науки, (2), 63-67.
8. Эшпулатов, Ш., Тешабоев, Н., & Мамадалиев, М. (2021). INTRODUCTION, PROPERTIES AND CULTIVATION OF THE MEDICINAL PLANT STEVIA IN THE CONDITIONS OF THE FERGHANA VALLEY. EurasianUnionScientists, 2(2 (83)), 37-41.
9. Эшпулатов, Ш. Я., Тешабоев, Н. И., & Мамадалиев, М. З. У. (2021). ИНТРОДУКЦИЯ, СВОЙСТВА И ВЫРАЩИВАНИЕ ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТЕНИЕ СТЕВИЯ В УСЛОВИЯХ ФЕРГАНСКОГО ДОЛИНЫ. Евразийский Союз Ученых, (2-2 (83)), 37-41.
10. Эшпулатов, Ш. Я., & Джураева, Д. Э. (2021). Интродукция и выращивание лекарственных растений в условиях Узбекистана. Тенденции развития науки и образования, (71-1), 170-173.
11. Isag‘aliyev, M., Obidov, M., & Matholiqov, R. (2019). Morphogenetic and biogeochemical features of the medicinal capparis spinosa. Scientific journal of the Fergana State University, 2(4), 46-49.
12. A. Turdaliev, M. Usmonova, & R. Matholiqov (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОҲИЯТИ. Science and innovation, 1 (B6), 450-455. doi: 10.5281/zenodo.7164839.
13. Маматожиев, Ш. И., Тожимаматов, Д. Д. У., Камолов, З. В. У., & Холиқов, М. Б. У. (2020). ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОЦЕССЫ ХРАНЕНИЯ ЗЕРНА И НА ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА. Universum: технические науки, (12-4 (81)), 75-78.
14. Маматожиев, Ш. И., Тожимаматов, Д. Д. У., Камолов, З. В. У., & Холиқов, М. Б. У. (2020). ПРЕИМУЩЕСТВА НОВОЙ СИСТЕМЫ ПРИ ПРИЕМКЕ ЗЕРНА. Universum: технические науки, (12-2 (81)), 96-99.
15. Anvarjonovich, D. Q., & Ogli, X. M. B. (2021). The effect of grain moisture on grain germination during grain storage. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(5), 418-421.

16. Газиев, М. А., Мирзахмедова, Х., Арипжанова, М., & Омурзакова, Г. (2008). ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА ЗАЩИТЫ ХЛОПЧАТНИКА ОТ ЗАБОЛЕВАНИЯ ВИЛТОМ. Известия, (1), 84.
17. Эшпулатова, Г. Т. (2015). Гумус в древних палеопочвах сероземного пояса. Проблемы современной науки и образования, (8 (38)), 49-51.
18. Turdaliev, A. T., et al. "b. Physicochemical, geochemical features and their influence on the soil-ecological state of hydromorphic soils." Scientific Review. Biological sciences 4 (2019): 44-49
19. Turdaliyev A., Asqarov K., Xodjibolayeva N. Geoenergetic features of lanthanoids and radioactive elements in irrigated soils // Scientific journal of the Fergana State University. – 2019. – Т. 2. – №. 4. – С. 53-57
20. Turdaliev, A. T., et al. "Influence of irrigation with salty water on the composition of absorbed bases of hydromorphic structure of soil." IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. Vol. 1068. No. 1. IOP Publishing, 2022
21. Turdaliev, A. T., et al. "b. Physicochemical, geochemical features and their influence on the soil-ecological state of hydromorphic soils." Scientific Review. Biological sciences 4 (2019): 44-49.
22. Турдалиев, А., & Юлдашев, Г. (2015). Геохимия педолитных почв. Монография. Т." Фан, 41-48.
23. Маматожиев, Ш. И., & Усаркулова, М. М. (2020). Определение процедуры, состава и методики процесса увлажнения пшеницы. Актуальная наука, (1), 18-21.
24. Маматожиев, Ш. И. (2020). Влияние минимализации до посевной обработки на агрофизические свойства почвы. ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ, 2(3).
25. Маматожиев, Ш. И. (1990). Приемы минимализации допосевной обработки почвы и их влияние на плодородие и урожайность хлопчатника в условиях луговых сазовых почв Ферганской долины (Doctoral dissertation, ВНИИ хлопководства).
26. Маматожиев, Ш. И., Мирзаева, М. А., & Шокирова, Г. Н. (2021). Влияние технологии допосевной обработки на содержание влаги в почве. Universum: технические науки, (6-3 (87)), 46-49.
27. Маматожиев, Ш. И., & Усаркулова, М. М. К. (2020). Влияние изменения физико-химических свойств зерна в зависимости от влажности на равномерное распределение нагрузки по поверхности дробильного вала. Проблемы современной науки и образования, (4-2 (149)), 5-8.

28. Газиев, М. А., & Турдалиев, А. Т. (2019). Роль органических и минеральных удобрений в развитии физиологических групп микроорганизмов в системе севооборота. Современные фундаментальные и прикладные исследования, (2), 9-12.
29. Sobirov, A., Gaziev, M., & Gulomova, G. (2021, August). THE USE OF THE MEDICINAL PLANT OF THE LEONURUS L. AND ITS AGROTECHNOLOGY OF GROWING: https://doi. org/10.47100/conferences. v1i1. 1407. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.06).
30. Sobirov, A., Gaziev, M., & Gulomova, G. (2021, July). THE USE OF THE MEDICINAL PLANT OF THE LEONURUS L. AND ITS AGROTECHNOLOGY OF GROWING. In Конференции.
31. Газиев, М. А., Турдалиев, А. Т., & Тухтасинов, М. Р. (2018). Пути восстановлении биоценоза типичных сильно-зараженных вилтом сероземов. Современные научные исследования и разработки, (6), 168-171.
32. Закирова, С., & Газиев, М. (2010). ВЛИЯНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ОРГАНИЧЕСКИХ И МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА АГРОХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СПЛАНИРОВАННЫХ БУГРИСТО-БАРХАНИСТЫХ ПЕСКОВ. Известия ВУЗов (Кыргызстан), (6), 175-176.
33. Idrisov, X. A., Atabayeva, X. N. (2022, may). Loviya va mosh ekinlarining umumiy ahamiyati va biologik xususiyatlarini tahliliy o ‘rganish. In international conferences on learning and teaching (vol. 1, no. 8, pp. 644-651).
34. Закирова С. Х., Абдуллаева М., Алиджонова М., Акбаров Р. (2021). Виноград растет на средней ферганской земле с низкой урожайностью. *ACADEMICIA: Международный междисциплинарный исследовательский журнал*, *11*(9), 1086-1088.
35. Закирова, С. Х., Акбаров, Р. Ф., Исмаилова, С. А., & Парпиева, Ш. А. (2020). Улучшение плородие галечниковых почв в Ферганской долине. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ* (pp. 5-7).
36. Закирова, С. Х., Акбаров, Р. Ф., & Исагалиева, С. М. (2020). Водно-физические свойства слабодефлированных почв в Фергане. In *Наука сегодня: теоретические и практические аспекты* (pp. 4-5).
37. Зокирова С. Х., Ахмедова Д., Акбаров Р. Ф., К. Р. К. (2021). Предприятия легкой промышленности в маркетинговой деятельности опыт зарубежных стран в использовании кластерной теории. *Американский журнал управленческих и экономических инноваций*, *3*(01), 36-39.

UO‘T:633.11.582.282.53

SUG‘ORILADIGAN TIPIK BO‘Z TUPROQLAR SHAROITIDA MOSH NAVLARINI O‘RGANISH

Idrisov Xusanjon Abdujabborovich
q. x. f. f. d (PhD),
FarDU Mevachilik va sabzavotchilik kafedrasi
E-mail: idrisovhusanzon@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqola mosh navlarining ekish muddatlari va me’yorlari barg rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatganligi bayon etilgan bo‘lib, iyul oyining boshlanishida ekilganda barg soni oshib borgan. Ekish me’yorlari oshgan sari barg soni kamayganligi kuzatilgan. Barcha mosh navlarida ekish me’yori 40 kg/ga bo‘lganda barg yuzasi yuqori bo‘lgan. Ekish muddatlari kechiktirilganda barg yuzasi kamayib borgani aniqlangan.

Kalit so‘zlar: *Mosh, agrotexnologiya, xo‘raki, tipik bo‘z tuproq, barg yuzasi, biologik azot, Radost, faza.*

В УСЛОВИЯХ ОРОШАЕМОЙ ТИПИЧНОЙ СЕРОЙ ПОЧВЫ ИЗУЧЕНИЕ СОРТОВ МАШ

АННОТАЦИЯ

В стате указано, что сроки и нормы посадки сортов маш повлияли на развитие листев, при этом количество листев увеличилос при посадке в начале июля. Замечено, что количество листев уменшалос по мере увеличения нормы посадки. У всех сортов маш листовая поверхност была высокой при норме высева 40 кг/га. Было обнаружено, что площад поверхности листев уменшается при переносе сроков посева.

Ключевые слова: *Мош, агротехника, навоз, серозем типичный, листовая поверхность, биологический азот, Радость, фаза.*

UNDER IRRIGATED TYPICAL GRAY SOIL CONDITIONS STUDYING VARIETIES OF MASH

ABSTRACT

The article states that planting times and norms of mung bean varieties affected leaf development, with the number of leaves increasing when planted in early July. It was observed that the number of leaves decreased as the planting norms increased.

In all mung bean varieties, the leaf surface was high when the sowing rate was 40 kg/ha. Leaf surface area was found to decrease when planting dates were delayed.

Keywords: *Mosh, agrotechnology, manure, typical gray soil, leaf surface, biological nitrogen, Radost, phase*

KIRISH

Mosh respublikaning barcha hududlarida asosiy va takroriy ekin sifatida ekiladi. Ushbu ekin almashlab ekish tizimida barcha ekinlar uchun eng yaxshi o‘tmishdosh hisoblanadi. Respublikada ekilayotgan dukkakli donlardan soya, xo‘raki no‘xat, gorox, yasmiq ekinlari urug‘ligini ekish oldi innokulyantlar bilan ishlov berilmasa, ularning ildizida biologik azot hosil bo‘lmaydi. Mosh esa respublika hududlarining barcha tuproqlarida avvaldan ekib kelinayotgani tufayli tuproqlarda biologik azot to‘plovchi tuganakli bakteriyalari tabiiy shakllanadi hamda ko‘chat qalinligidan kelib chiqib, gektariga sof holda o‘rtacha 80–120 kg azot to‘playdi. O‘zbekiston Respublikasi tibbiyot xodimlarining tavsiyasiga ko’ra bir yilda bir kishi 4,3 kg mosh iste’mol qilishi kerak. Hisob-kitob qilinsa, respublikamizning barcha aholisiga bir yilda jami 155 ming tonna mosh talab etiladi.

Yurtimizda etishtirilgan 360 ming tonna mosh donining 200 ming tonnasi Avstraliya, Afg‘oniston, Belgiya, Hindiston, Xitoy, Koreya, Turkiya, Rossiya, Qozog‘iston, Qirg‘iziston, BAA va boshqa mamlakatlarga eksport qilish imkoniyati mavjud. Birgina 2021-yil hosilidan 128 ming tonna mosh (2020-yilga nisbatan 29 ming tonna ko‘p) o‘rtacha 0,8 $ AQSH dollaridan, jami 102,5 mln dollarga dunyoning o‘ndan ortiq mamlakatlarga eksport qilingan.

TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Oziq-ovqat uchun ishlatiladigan dukkakli-don ekinlari orasida mosh doni ozuqalik qimmati, oqsil va vitaminlarga boy bo‘lishi, kalloriyasining ko‘pligi bilan ajralib turadi. Mosh oziqalik qiymati bilan bug‘doy, loviya, no‘xat, ko‘k no‘xat va javdar donlaridan 1,5-2 baravar, to‘yimliligi bo‘yicha esa 1,5 baravar ustun turadi. Mosh tarkibidagi oqsilning hazmlanishi 86% ga yetadi. Mosh tarkibida oqsil 24-28%, lizin 8%, arginin 7% bo‘ladi, V va PP vitaminlar ko‘p bo‘ladi [1; 30-33-b.].

Sug‘oriladigan maydonlarning suv ta’minoti cheklangan sharoitlarida ham moshni kuzgi bug‘doy ang‘izida yetishtirib, yuqori sifatli oqsil va boshqa qimmatli oziqaga boy bo‘lgan mosh doni yetishtirish mumkin. Ayni vaqtda suv tanqis bo‘lgan xududlarda mosh yuqori harorat va qurg‘oqchilikka bardoshliligi sababli ko‘proq kuzgi boshoqli don ekinlari ang‘izida takroriy ekin sifatida yetishtirilmoqda [4; 250-254-b.].

TADQIQOT NATIJALARI

Tajriba xo‘jaligi tuprog‘i qadimdan sug‘orib kelinadigan tipik bo‘z tuproqdir. Tipik bo‘z tuproq tarkibida 1,0-1,3% chirindi, 0,089%-0,102 atrofida azot, 0,141-0,184% ga yaqin fosfor va 1,70-1,80% kaliy mavjud. Bu esa o‘simlik o‘suv davrida foydalanadigan ozuqa unsurlarining yetarli emasligidan dalolat berib turibdi. Bundan tashqari bu tuproqlar suv o‘tkazuvchanligi, yumshatishning murakkabligi bilan farq qiladi. Cyg‘opish natijasida tuproq katlami zichlashib boradi. Sug‘orishdan va bo‘lib o‘tgan yog‘ingarchilikdan keyin qatqaloq hosil bo‘ladi.

Tajriba dala va laboratoriya uslubida olib borildi. Dala tajribalarida moshning navlari yozda har xil me’yorda va usulda ekib o‘rganildi. Dala tajribalari O‘zPITI (2007) va Dospexov (1985) uslublarida olib borildi. Tajriba maydoni 0,4 ga ni tashkil qildi. Tajibada moshning Navro‘z, Zilola va Durdona navlaridan foydalanildi.

MUHOKAMA

Mosh o‘simligi boshqa dala ekinlari kabi fotosintetik faoliyatga ega. Bu faoliyat navning biologik xususiyati va tashqi muhitga bog‘liqdir. Fotosintetik faoliyatning ko‘rsatkichlari- bu barg soni, barg yuzasidir.

Ma’lumki, barg yuzasi ma’lum bir me’yorgacha yuqori hosilni shakllanishini bildiradi. O‘simlik rivojlanganda, oziqa va suv yetarli bo‘lganda barglar yaxshi rivojlanadi, barg yuzasi kengayadi. Ammo barg yuzasi kengaygan bilan hosil ma’lum me’yordan keyin oshmaydi. Sababi, o‘simlikning paski qismida joylashgan barglarga quyosh nuri tushmaydi, fotosintez jarayoni sust kechadi, organik moddalar to‘planmaydi. Har bir ekin va nav uchun bu jiddiy omil.

Tashqi omillar bargni rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatadi. Shu omillardan biri-oziqlanish maydoni. Mosh o‘simligi yorug‘likka talabchan. Shuni hisobga olib mosh navlari bug‘doy ang‘iziga ekilganda maqbul me’yorlarini aniqlash zarurdir.

Mosh navlari bug‘doy ang‘iziga ekilganda har bir nav har xil me’yorida (20 kilogramdan 40 kg. gacha) ekib va xar hil muddatda (25.06; 5.07; 15.07) o‘simlikka ta’siri o‘rganildi. Shu jumlada, mosh navlarida barg rivojlanishi, barg yuzasini shakllanishiga ta’siri o‘rganildi.

Birinchi ekish muddatida “Radost” navi gektariga 20 kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 125 sm^2 ni tashkil qilgan. Tajribada 30kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 120 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi variantiga nisbatan 5 sm^2 ga kamayganligi kuzatilgan. Shu navda ekish me’yori 40 kg bo‘lganda barg yuzasi 118 sm^2 ni tashkil qilib, birinchi ko‘rinishga nisbatan 7 sm^2 ga kamayganligi kuzatildi. “Durdona” navida ekish me’yori 20 kg bo‘lganda barg yuzasi 135 sm^2 ni tashkil qilib, “Radost” naviga nisbatan 10 sm^2 ga ortiq bo‘lgan. Ekish me’yori 30 kg bo‘lganda barg yuzasi 130 sm^2

bo‘lib, oldingi ko‘rinishga nisbatan 5 sm^2 kamayganligi kuzatildi. “Durdona” navida ekish me’yori 40 kg bo‘lganda barg yuzasi 127 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi ko‘rinishlarga nisbatan 3-8 sm^2 ga kamaygan. “Zilola” navi gektariga 20 kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 134 sm^2 ni tashkil qilgan. Bu boshqa navlarga nisbatan 4-9 sm^2 ortiq bo‘lganligi kuzatildi. Urug‘ me’yori 30 kg ga oshirilganda barg yuzasi 131 sm^2 ni tashkil qilib, oldingi ko‘rinishga nisbatan 3 sm^2 kamayganligi kuzatildi. Urug‘ me’yori 40 kg gacha oshirilganda barg yuzasi 128 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi ko‘rinishlarga nisbatan 3-6 sm^2 ga kamaygan.

Mosh navlari gullash fazasiga yetganda ekish me’yorlari ta’sirida ko‘rsatkichlar o‘zgarib turgan. “Radost” navi gektariga 20 kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 456 sm^2 ni tashkil qilgan. Tajribada 30 kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 440 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi variantiga nisbatan 16 sm^2 ga kamayganligi kuzatilgan. Shu navda ekish me’yori 40 kg bo‘lganda barg yuzasi 425 sm^2 ni tashkil qilib, birinchi ko‘rinishga nisbatan 21 sm^2 ga kamayganligi kuzatildi. “Durdona” navida ekish me’yori 20 kg bo‘lganda barg yuzasi 470 sm^2 ni tashkil qilib, “Radost” naviga nisbatan 14 sm^2 ga ortiq bo‘lgan. Ekish me’yori 30 kg bo‘lganda barg yuzasi 456 sm^2 bo‘lib, oldingi ko‘rinishga nisbatan 14 sm^2 kamayganligi kuzatildi. “Durdona” navida ekish me’yori 40 kg bo‘lganda barg yuzasi 445 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi ko‘rinishlarga nisbatan 11-25 sm^2 ga kamaygan. “Zilola” navi gektariga 20 kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 475 sm^2 ni tashkil qilgan. Bu boshqa navlarga nisbatan 5-19 sm^2 ortiq bo‘lganligi kuzatildi. Urug‘ me’yori 30 kg ga oshirilganda barg yuzasi 465 sm^2 ni tashkil qilib, oldingi ko‘rinishga nisbatan 10 sm^2 kamayganligi kuzatildi. Urug‘ me’yori 40 kg gacha oshirilganda barg yuzasi 458 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi ko‘rinishlarga nisbatan 7-17 sm^2 ga kamaygan.

Mosh navlari dukkaklanish fazasiga kirganda “Radost” navi gektariga 20 kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 531 sm^2 ni tashkil qilgan. Tajribada 30 kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 523 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi variantiga nisbatan 8 sm^2 ga kamayganligi kuzatilgan. Shu navda ekish me’yori 40 kg bo‘lganda barg yuzasi 519 sm^2 ni tashkil qilib, birinchi ko‘rinishga nisbatan 12 sm^2 ga kamayganligi kuzatildi. “Durdona” navida ekish me’yori 20 kg bo‘lganda barg yuzasi 574 sm^2 ni tashkil qilib, “Radost” naviga nisbatan 43 sm^2 ga ortiq bo‘lgan. Ekish me’yori 30 kg bo‘lganda barg yuzasi 564 sm^2 bo‘lib, oldingi ko‘rinishga nisbatan 10 sm^2 kamayganligi kuzatildi. “Durdona” navida ekish me’yori 40 kg bo‘lganda barg yuzasi 532 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi ko‘rinishlarga nisbatan 12-42 sm^2 ga kamaygan. “Zilola” navi gektariga 20 kg urug‘ ekilganda barg yuzasi 580 sm^2 ni tashkil qilgan. Bu boshqa navlarga nisbatan 16- 49 sm^2 ortiq bo‘lganligi kuzatildi. Urug‘ me’yori 30

kg ga oshirilganda barg yuzasi 567 sm^2 ni tashkil qilib, oldingi ko‘rinishga nisbatan 13 sm^2 kamayganligi kuzatildi. Urug‘ me’yori 40 kg gacha oshirilganda barg yuzasi 552 sm^2 ga teng bo‘lib, oldingi ko‘rinishlarga nisbatan 15-48 sm^2 ga kamaygan.

XULOSA

1.Mosh navlarini sug’oriladigan tipik bo’z tuproqlar sharoitlarida ekish muddatlari va me’yorlari barg rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatgan. Iyul oyining boshlanishida ekilganda barg soni oshib bordi. Ekish me’yorlari oshgan sari barg soni kamaygan.

2.Barcha mosh navlarida ekish me’yori 40 kg/ga bo‘lganda barg yuzasi yuqori bo‘lgan. Ekish muddatlari kechiktirilganda barg yuzasi kamayib borgan.

REFERENCES

1. Kimsanov Ibrohim Xayitmurotovich, Mirzakarimova Gulshanoy Mirzaraxmat Qizi, & Mamatqulov Orifjon Odiljon O’g’li. (2021). Root System Development And Its Activity. The American Journal of Engineering and Technology, 3(03), 65–69. https://doi.org/10.37547/tajet/Volume03Issue03-10
2. O. Mamatqulov, S. Qobilov, & A. Abdullaaxatov (2022). FARG‘ONA VILOYATI SHAROITIDA TOK KASALLIKLARIGA QARSHI KURASHISH. Science and innovation, 1 (D6), 307-311. doi: 10.5281/zenodo.7194057.
3. Sodiqova, Z. T. (2022, May). DANAKLI MEVA KASALLIKLARIGA QARSHI KURASHISH YO‘LLARI. In *INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING* (Vol. 1, No. 8, pp. 240-244).
4. Ugli, M. O. O. (2021). RECYCLING OF THE CURVE PLANNING IN GAT TECHNOLOGY (Auto CAD) PROGRAM. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(11), 480-483.
5. Mamatkulov, O. O., & Numanov, J. O. (2021). Recycling of the Curve Planning in Gat Technology (Auto Cad) Program. *Middle European Scientific Bulletin*, *18*, 418-423.
6. Эшпулатов, Ш. Я. ВЛИЯНИЕ ОРОСИТЕЛЬНЫХ ВОД НА ПЛОДОРОДИЕ СВЕТЛЫХ СЕРОЗЕМОВ. *Актуальные вопросы современной науки*, 25.
7. Эшпулатов, Ш. Я., Турдалиев, А. Т., & Мирзаев, Ф. (2017). Почвенно-археологический метод для определения возраста древних орошаемых палеопочв. *Актуальные вопросы современной науки*, (2), 63-67.
8. Эшпулатов, Ш., Тешабоев, Н., & Мамадалиев, М. (2021). INTRODUCTION, PROPERTIES AND CULTIVATION OF THE MEDICINAL PLANT STEVIA IN

THE CONDITIONS OF THE FERGHANA VALLEY. *EurasianUnionScientists*, *2*(2 (83)), 37-41.

9. Эшпулатов, Ш. Я., Тешабоев, Н. И., & Мамадалиев, М. З. У. (2021). ИНТРОДУКЦИЯ, СВОЙСТВА И ВЫРАЩИВАНИЕ ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТЕНИЕ СТЕВИЯ В УСЛОВИЯХ ФЕРГАНСКОГО ДОЛИНЫ. *Евразийский Союз Ученых*, (2-2 (83)), 37-41.

10. Эшпулатов, Ш. Я., & Джураева, Д. Э. (2021). Интродукция и выращивание лекарственных растений в условиях Узбекистана. *Тенденции развития науки и образования*, (71-1), 170-173.

11. Isag'aliyev, M., Obidov, M., & Matholiqov, R. (2019). Morphogenetic and biogeochemical features of the medicinal capparis spinosa. *Scientific journal of the Fergana State University*, *2*(4), 46-49.

12. A. Turdaliev, M. Usmonova, & R. Matholiqov (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОҲИЯТИ. Science and innovation, 1 (B6), 450-455. doi: 10.5281/zenodo.7164839.

13. Маматожиев, Ш. И., Тожимаматов, Д. Д. У., Камолов, З. В. У., & Холиқов, М. Б. У. (2020). ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОЦЕССЫ ХРАНЕНИЯ ЗЕРНА И НА ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА. *Universum: технические науки*, (12-4 (81)), 75-78.

14. Маматожиев, Ш. И., Тожимаматов, Д. Д. У., Камолов, З. В. У., & Холиқов, М. Б. У. (2020). ПРЕИМУЩЕСТВА НОВОЙ СИСТЕМЫ ПРИ ПРИЕМКЕ ЗЕРНА. *Universum: технические науки*, (12-2 (81)), 96-99.

15. Anvarjonovich, D. Q., & Ogli, X. M. B. (2021). The effect of grain moisture on grain germination during grain storage. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(5), 418-421.

16. Газиев, М. А., Мирзахмедова, Х., Арипжанова, М., & Омурзакова, Г. (2008). ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА ЗАЩИТЫ ХЛОПЧАТНИКА ОТ ЗАБОЛЕВАНИЯ ВИЛТОМ. *Известия*, (1), 84.

17. Эшпулатова, Г. Т. (2015). Гумус в древних палеопочвах сероземного пояса. *Проблемы современной науки и образования*, (8 (38)), 49-51.

18. Turdaliev, A. T., Askarov, K. A., Zhalilova, S. A., Gulomova, Z. A., & Musaev, I. I. (2019). b. Physicochemical, geochemical features and their influence on the soil-ecological state of hydromorphic soils. *Scientific Review. Biological sciences*, *4*, 44-49.

19. Turdaliyev, A., Asqarov, K., & Xodjibolayeva, N. (2019). Geoenergetic features of lanthanoids and radioactive elements in irrigated soils. *Scientific journal of the Fergana State University*, *2*(4), 53-57.
20. Turdaliev, A. T., Darmonov, D. Y., Teshaboyev, N. I., Saminov, A. A., & Abdurakhmonova, M. A. (2022, July). Influence of irrigation with salty water on the composition of absorbed bases of hydromorphic structure of soil. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1068, No. 1, p. 012047). IOP Publishing.
21. Турдалиев, А., & Юлдашев, Г. (2015). Геохимия педолитных почв. Монография. *Т." Фан*, 41-48.
22. Маматожиев, Ш. И., & Усаркулова, М. М. (2020). Определение процедуры, состава и методики процесса увлажнения пшеницы. *Актуальная наука*, (1), 18-21.
23. Маматожиев, Ш. И. (2020). Влияние минимализации до посевной обработки на агрофизические свойства почвы. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, *2*(3).
24. Маматожиев, Ш. И. (1990). *Приемы минимализации допосевной обработки почвы и их влияние на плодородие и урожайность хлопчатника в условиях луговых сазовых почв Ферганской долины* (Doctoral dissertation, ВНИИ хлопководства).
25. Маматожиев, Ш. И., Мирзаева, М. А., & Шокирова, Г. Н. (2021). Влияние технологии допосевной обработки на содержание влаги в почве. *Universum: технические науки*, (6-3 (87)), 46-49.
26. Маматожиев, Ш. И., & Усаркулова, М. М. К. (2020). Влияние изменения физико-химических свойств зерна в зависимости от влажности на равномерное распределение нагрузки по поверхности дробильного вала. *Проблемы современной науки и образования*, (4-2 (149)), 5-8.
27. Газиев, М. А., & Турдалиев, А. Т. (2019). Роль органических и минеральных удобрений в развитии физиологических групп микроорганизмов в системе севооборота. *Современные фундаментальные и прикладные исследования*, (2), 9-12.
28. Sobirov, A., Gaziev, M., & Gulomova, G. (2021, August). THE USE OF THE MEDICINAL PLANT OF THE LEONURUS L. AND ITS AGROTECHNOLOGY OF GROWING: https://doi. org/10.47100/conferences. v1i1. 1407. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).

29. Sobirov, A., Gaziev, M., & Gulomova, G. (2021, July). THE USE OF THE MEDICINAL PLANT OF THE LEONURUS L. AND ITS AGROTECHNOLOGY OF GROWING. In *Конференции*.
30. Газиев, М. А., Турдалиев, А. Т., & Тухтасинов, М. Р. (2018). Пути восстановлении биоценоза типичных сильно-зараженных вилтом сероземов. *Современные научные исследования и разработки*, (6), 168-171.
31. Закирова, С., & Газиев, М. (2010). ВЛИЯНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ОРГАНИЧЕСКИХ И МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА АГРОХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СПЛАНИРОВАННЫХ БУГРИСТО-БАРХАНИСТЫХ ПЕСКОВ. *Известия ВУЗов (Кыргызстан)*, (6), 175-176.
32. Idrisov, X. A., Atabayeva, X. N. (2022, may). Loviya va mosh ekinlarining umumiy ahamiyati va biologik xususiyatlarini tahliliy o ‘rganish. In *international conferences on learning and teaching* (vol. 1, no. 8, pp. 644-651).
33. Закирова С. Х., Абдуллаева М., Алиджонова М., Акбаров Р. (2021). Виноград растет на средней ферганской земле с низкой урожайностью. *ACADEMICIA: Международный междисциплинарный исследовательский журнал*, *11*(9), 1086-1088.
34. Закирова, С. Х., Акбаров, Р. Ф., Исмаилова, С. А., & Парпиева, Ш. А. (2020). Улучшение плородие галечниковых почв в Ферганской долине. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ* (pp. 5-7).
35. Закирова, С. Х., Акбаров, Р. Ф., & Исагалиева, С. М. (2020). Водно-физические свойства слабодефлированных почв в Фергане. In *Наука сегодня: теоретические и практические аспекты* (pp. 4-5).
36. Зокирова С. Х., Ахмедова Д., Акбаров Р. Ф., К. Р. К. (2021). Предприятия легкой промышленности в маркетинговой деятельности опыт зарубежных стран в использовании кластерной теории. *Американский журнал управленческих и экономических инноваций*, *3*(01), 36-39.

PARRANDACHILIKDA NASILCHILIK ISHLARINI RIVOJLANTRISHNING ISTIQBOLLARI

Mamatqulov Orifjon Odiljon o‘g‘li
Farg‘ona davlat universiteti o‘qituvchisi
orifjonmamatqulov435@gmail.com

ANNOTATSIYA

Bugungi kunda parrandachilik sohasini rivojlantrishga qaratilgan ishlarning negzida aholini tuxum va parranda go‘shtiga bo‘lgan talabini qondirish yotadi. Mazkur yo‘nalishda maxsuldor navlarni yaratish va ularni turlar orasida chatishtirish orqali yanada maxsuldor bo‘lgan parranda zotlarini yaratish mazkur maqolada batafsil yoritilgan.

Kalit so‘zlar: *nasilchilik, zotlar, turlar aro chatishtrish, qon singdrish chatishtrishi, elita-rekord, ovoskop.*

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ПТИЦЕВОДСТВА

АННОТАЦИЯ

На сегодняшний день основу работы, направленной на развитие птицеводческой отрасли, составляет удовлетворение потребности населения в яйцах и мясе птицы. В данной статье подробно освещено создание продуктивных сортов и создание более продуктивных пород птицы путем их межвидового скрещивания.

Ключевые слова: *селекция, породы, межвидовое скрещивание, инбридинговое скрещивание, элита-рекорд, овоскоп.*

PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF BREEDING IN POULTRY

ANNOTATION

Today, the basis of the work aimed at the development of the poultry industry is to satisfy the population's demand for eggs and poultry meat. In this article, the creation of productive varieties and the creation of more productive poultry breeds by crossing them between species is covered in detail in this article.

Keywords: *breeding, breeds, species crossbreeding, inbreeding crossbreeding, elite-record, ovoscope.*

KIRISH

Parrandachilikda nasilchilik ishi bu yuqori mahsuldor kroslar yaratish va ularni takomillashtrishni taqazo etadi. Bu yo‘nalishda asosan goshtdor zotlarni yaratish

uchun zotlardagi qatorlar chatishtiriladi. Agarda chatishtrish ishlarida zotning sofligi saqlab qolinishi talab etiladigan bo‘lsa bu ishlar zotlar ichida amalga oshiriladi. Bunda bir turga mansub zotlar o‘zining salmoqli belgilari bilan ajralib turishi talab etiladi aynan shu belgilarga ega bo‘lgan erkak va urg‘ochi zotlar chatishtiriladi. Bunda bizga qatorlar deb ataladigan guruhlar paydo bo‘ladi. Mana shu qatorlarni yana qaytadan juftlash orqali zotning irsiy va mahsuldorlik ko‘rsatkichlari yaxshilanadi.

Parrandachilikda tashqaridan yangi zot olib kelib urchitilmasligi natijasida qarindosh urchishning avj olishiga sabab bo‘ladi va buning natijasida mahsuldorlik va zotning sifati buzilishi kuzatiladi.

Lekin qarindosh bir qatorga mansub turlarning mustahkam tana tuzilishiga ega bo‘lganlari urchitilishi natijasida sermahsul qarindosh qatorlar olinadi aynan mana shu qarindosh qatorlarning chatishtirilishi natijasida olingan krosslar inkroslar deyiladi.

TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Parrandachilikdagi chatishtrishlarni umumiy holatda 3 ta guruhga bo‘lish mumkin bular 1. Zot yaratish chatishtrishi: bunda bir necha zotlarni chatishtirish orqali ularning foydalilik xususiyatini saqlab turuvchi sermahsul zot yaratiladi. 2. Qon qo‘yish chatishtirishi: zotning alohida belgilarini yaxshilash maqsadida bir guruh makiyon boshqa bir guruh xo‘rozlar bilan bir marta urchitiladi va olingan duragaylar o‘z ichida urchitiladi. 3. Qon singdrish chatishtrishi: bir zotning boshqa bir zot bilan tubdan yaxshilanishini taqazo qiladi. Bunda ko‘pincha mahalliy zotlar zotdor guruhlar bilan bir necha bo‘g‘in davomida chatishtiriladi. Mazkur ishlar natijasida 3-4 bo‘g‘inga borga yaxshilovchi zotning qonini nisbati bo‘g‘inlarda ortib borishi natijasida duragay sermahsul parrandalar olinadi.

Asosan oziq ovqat tuxumi yetishtrish va broyler gosht yo‘nalishidagi tovuqlar mana shunday duragay zotlar hisoblanadi. Nasldor parrandalar o‘zining xususiyatlari va ko‘rsatkichlariga qarab quydagicha guruhlanadi

1. Elita-rekord

2.Elita birinchi va ikkinchi klaslarga bo‘linadi. Paranda nasilchiligida barcha chatishtrish ishlari ham yaxshi samara bermaydi shuning uchun chatishtrishda zotlarning yoshiga ham e’tibor qaratish kerak ko‘pchilik hollarda 2-3 yoshlik parrandalar o‘rtasida chatishtrish ishlarini olib boorish maqsadga muvofiqdir.

Parrandalarni chatishtrish ishlari uyada (yakka) va guruhda bo‘lishi mumkin guruhda chatishtrishda makiyon va xo‘roz 1:1 nisbatda qamab qo‘lyiladi. Guruhli

chatishtrishda esa tuxum bop tovuqlarda xo‘rozva makiyonlar nisbati 1:15, go‘sht-tuxumboplarda esa 1:10, go‘shtbop zotalrda 1:10, o‘rdaklarning go‘shtbop zotalrida esa 1:5-1:8 nisbat, g‘ozlarda 1:3, kurkalarda 1:10-1:15 nisbat bo‘lishi talab etiladi.

TADQIQOT NATIJALARI

Комплекс работает в автоматизированном режиме - вскрытие и подавление линий радиосвязи, в том числе цифровых, он делает самостоятельно, также, как и подбирает различные виды помех для систем навигации, управления войсками и радаров задач ПВО. Оборудование "Палантина" противодействует и радиосредствам, построенным на основе SDR-технологий (Software Defined Radio), — такие комплексы связи обеспечивают передачу широкополосного сигнала с радиоприемника на компьютер и могут менять радиочастотные параметры оборудования с помощью программного обеспечения. Фактически это системы шифрования, обменивающиеся данными друг с другом на постоянно меняющихся частотах. Поймать их, выявить и настроиться на работу в меняющемся диапазоне сродни расшифровке кода немецкой переносной шифровальной машины "Энигма". Только "Палантин" делает это здесь и сейчас — в реальном времени.

Помимо этого, на базе SDR-технологий создаются информационные системы, распределяющие сигналы от спутников, радиостанций и источников сотовой связи стандарта GSM. А это значит, что "Палантин" работает в какой-то мере и в мобильных телефонах.

Его главная особенность заключается в том, что он способен объединить в единую рабочую сеть комплексы РЭБ "Москва", "Житель" и "Дзюдоист". Доподлинно сказать, что и как делают эти комплексы, не могу, но однозначно

мешают всему летать, пересылать данные, в том числе и разговаривать по телефону. Эксперты утверждают, что "Палантин" в разы превосходит по своим возможностям все Российские средства РЭБ предыдущего поколения и в настоящее время по боевым возможностям не имеет аналогов ни в одной армии иных стран.

Командующий американскими войсками в Европе генерал-лейтенант Бен Ходжес в свое время охарактеризовал Российский потенциал РЭБ как "умопомрачительный". Думаю, это действительно так. У РФ, может, и есть некоторые сложности с микроэлектроникой, но что касается обычной электроники, мы никому не уступаем — например, в РЛС, специальной аппаратуры связи и, конечно, подавления. Так, с помощью РЛС типа "Воронеж" мы контролируем все, что происходит вокруг страны на Земле и в космосе на дистанции 6000 км.

Любопытно, что на выставке-форуме "Армия" в подмосковной Кубинке машины РЭБ, обычно не привлекают повышенного внимания публики, в отличие, например, от танка Т-14 "Армата", БМПТ "Терминатор" или БТР "Бумеранг". Это другое, эта техника имеет пушки, ракеты, ажурную броню, а не только антенны. Тем не менее именно без РЭБ вся эта техника куда уязвимее.

Без РЭПД сегодня не работает и авиация. В той же Сирии Российские военные "обкатали" не одно устройство, обеспечивающее выживание АТ. Например, РЭБ "**Рычаг**", установленные на Ми-28Н, довольно легко подавляют системы наведения ранних образцов ПЗРК, которыми располагают террористы ИГ советских ПЗРК "Стрела-2" и "Игла-1", а также китайских HN-5. Истребители Су-35 и фронтовые бомбардировщики Су-34 имели на законцовках крыльев комплексы "Хибины". Колонны автомобилей и бронетехники сопровождали комплексы "Инфауна", способные предотвратить подрыв радиоуправляемых фугасов. Авиабаза Хмеймим была надежно прикрыта комплексом "Красуха", способным за 250 км ослеплять самолеты и вертолеты противника, а также головки самонаведения высокоточных боеприпасов и крылатых ракет.

Возвращаясь к "**Палантину**", еще раз подчеркну, что это системообразующая машина. Она объединяет информацию, систематизирует и перераспределяет данные на те средства, которые с высокой вероятностью смогут выполнить подавление. Для понимания, аналогично работает ЗРК **С-400** "**Триумф**". Его средства РЛ видят все, что происходит далеко за зоной ответственности ЗРПК "**Панцирь**", ЗРК "**Тор**" и "**Бук**". Именно он может дать им наводку на цель — ЗРК

не только встроен в сетецентрическую систему управления боем, но и выступает в качестве командного центра.

ВЫВОД

Активное и эффективное применение комплексов РЭБ в современных вооруженных конфликтах различной интенсивности позволяет защитить собственные войска и создать условия для наступательных действий, нарушая работу автоматизированных систем управления (АСУ) войсками и оружием противника. Исходя из вышеизложенных можно сделать вывод, что РЭБ является одним из основных видов оперативного (боевого) обеспечения войск.

Условные сокращения:

АСУ – автоматизированная система управления
БМП – боевая машина пехоты
БПЛА – беспилотный летательный аппарат
БРЛС – бортовая радиолокационная станция
БТР – бронетранспортер
ВДВ – воздушно-десантные войска
ВКО – военно-космическая оборона
ВКС – военно-космические силы
ВМС – военно-морские силы
ВСУ – Вооруженные силы Украины
ВТО – высокоточное оружие
ГЛОНАСС – глобальная навигационная спутниковая система
ДНР– Донецкая Народная Республика
ЗВО - западный военный округ
ЗРК – зенитно-ракетный комплекс
ЗРПК - зенитно-ракетный пушечный комплекс
КВ – короткая волна
КП – командный пункт
КРЭТ – концерны радиоэлектронной технологии
ЛНР – Луганская Народная Республика
МО – министерство обороны
НИИ – научно-исследовательский институт
ПВО – противовоздушная оборона
ПЗРК – переносной зенитно-ракетный комплекс
ПТУР – противотанковая управляемая ракета

ПУ – пункт управления
РЛС – радиолокационная станция
РТР – радиотехническая разведка
РФ – Российская федерация
РЭБ - радиоэлектронная борьба
РЭК - радиоэлектронный комплекс
РЭПд - радиоэлектронное подавление
РЭПД – радиоэлектронное противодействие
РЭР – радиоэлектронная разведка
РЭС – радиоэлектронные средства
СВ – сухопутная войска
СВО – специальная войсковая операция
ТВД – театр военных действий
ТТХ – тактико-технические характеристики
УКВ – ультракороткая волна
ЦВО – центральный военный округ

REFERENCES

1. Ведение РЭБ авиацией на Wayback Machine журнал «Зарубежное военное обозрение».
2. Как опознать новейшую российскую систему орбитального подавления “Тирада-2” на Донбассе (рус.). *InformNapalm.*
3. Новейшие комплексы РЭБ «Палантин» и «Тирада-2С» поступят на вооружение ЦВО в 2019 году. *Министерство обороны РФ*. 25.12.2020. года.
4. Системы и средства РЭБ - АО «Концерн «Созвездие». *www.sozvezdie.su*.
5. Авиационные, наземные и морские комплексы РЭБ Sneg (рус.).
6. Продукция военного назначения - АО "Концерн «Созвездие».

Литература:

1. *Добыкин В. Д., Куприянов А. И., Пономарёв В. Г., Шустов Л. Н.* РЭБ. Силовое поражение радиоэлектронных систем. - М.: Вузовская книга, 2007.
2. Современная РЭБ. Вопросы методологии. - М.: Радиотехника, 2006.
3. *Цветнов В. В., Демин В. П., Куприянов А. И.* РЭБ. Радиомаскировка и помехозащита. - М.: МАИ, 1999.
4. *Цветнов В. В., Демин В. П., Куприянов А. И.* РЭБ. Радиоразведка и радиопротиводействие. - М.: МАИ, 1998. - Т. 2.

5. *Алексей Мельников* "Фабрика невидимок", газета "Весть" www.vest-news.ru.
6. *Вартанесян В. А.* РЭР. - 2-е издание. - Москва, 1991.
7. *Палий А. И.* РЭБ в боевых действиях мировых и локальных войн. // Военно-исторический журнал. - 2004.
8. Энциклопедия «Оружие и технологии России. XXI век» Том 13 - «Системы управления, связи и РЭБ»
9. РЭБ в современной войне
© Портал «Современная армия»

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ ЎРНИ, УНДА СОДИР БЎЛАДИГАН ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИНИШИНИНГ АҲАМИЯТИ

Вохиджон Эркинович Шахобидинов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази доценти, резервдаги подполковник
e-mail: voso uz71@gmail.com
+99897 740-10-57

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда транспортлар ҳаракатланиш ҳудудларида турли табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан самарали муҳофаза қилиш, оқибатларни бартараф этишда авария қутқарув ишларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: *Темир йўллар, бекатлар, темир йўл линиясининг трассаси, темир йўл қурилиши, авария қутқарув ишлар.*

ANNOTATION

One of the urgent tasks is the effective protection of transport in our country from emergency situations of various natural and man-made nature in the areas of movement, the improvement of emergency rescue work in eliminating the consequences.

Keywords: *Railways, stops, railway line track, railway construction, accident rescue works.*

КИРИШ

Темир йўлларнинг мамлакатимизда юк ва йўловчиларни ташишдаги улуши катта бўлиб, ташиш ҳажмларининг мунтазам ўсиши темир йўлларнинг техник жиҳозланиши, технологияларининг, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда авария қутқарув ишларини такомиллашиб боришини тақозо этмоқда.

Темир йўл транспортининг таркибий тузилишида темир йўллар, бекатлар ва тугунларнинг тараққиёти алоҳида аҳамиятлидир.

Темир йўллар бўйлаб ташишларнинг муваффақияти ва ҳаракат хавфсизлиги кўп жиҳатдан йўлнинг ҳолатига боғлиқ.

Бекатлар ва тугунлар эса ривожланган йўл тармоқларига, йўловчи ва юк иншоотларига, локомотив ва вагон хўжалиги, энергетика ва сув таъминоти иншоотларига, омборхоналар, маъмурий-техник бинолар ва бошқа қурилмаларга эга бўлиб, аҳолининг, юк жўнатувчилар ва олувчиларнинг темир йўл транспорти бўйлаб барча алоқалари бекатлар орқали олиб борилади.

Бекатлар ва тугунларда поездлар қабул қилинади, жўнатилади ва ўтказиб юборилади, уларда юклар ва йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар:

поездларни тарқатиб қайта тузиш, ҳаракат таркибларини таъмирлаш;

локомотивларни, йўловчи ва айрим махсус вазифали вагонларни моддий таъминлаш;

корхоналарнинг шохобча йўлларига хизмат кўрсатиш каби ишлар бажарилади.

Бекатлар бошқа давлатлар темир йўллари билан вагонлар айирбошлашда туташиш, қайта ортиш пункти вазифасини ўтайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон темир йўлларидаги бекатлар йўлларининг умумий узунлиги магистрал темир йўл тармоқларининг фойдаланувли узунлигининг учдан бир қисмини ташкил қилади.

Темир йўлларнинг жорий ҳолатини юқори даражада таъминлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб техник жиҳозлаш, йўл ишларини бажаришда замонавий техникаларни ва технологияларни қўллаш, темир йўлларда белгиланган тезликларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ўта масъулиятли вазифадир. Чунки бекат йўллари бир ёки икки бош йўлли участка йўлларидан фарқланиши сабабли бекат йўлларининг асоси бўлган ер полотноси катта узунликда кенг майдонларни эгаллайди. Бекат йўлларининг жорий ҳолатини талаб даражасида тутиш ер (грунт) тўкмасининг ёйилмасига, унинг пухталигига, нишабликларининг лойиҳавий даражада таъминланишига катта талаблар қўяди. Шунинг учун ҳам бекатлар ва тугунлар йўналиши бўйича билим олувчи талабалар темир йўлларнинг тузилиши, бекат йўлларининг хусусиятлари ва уларга қўйиладиган талаблар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлишлари керак.

Бекатлар ва тугунларнинг ривожланишида мукаммаллик, уларнинг замонавий талаблар даражасида техник жиҳозланиши ҳамда бекатлар ишининг аниқ ва пухта ташкил этилиши юк ва йўловчилар ташишни муваффақиятли

бажаришга, вагонлар айланишини тезлатишга ва юкларнинг сақланишига ижобий таъсир этиб, ташиш таннархини камайтиришга йўл очади.

Темир йўлларнинг тоифаланиши

Янги темир йўл линиялари асосан янги ҳудудларни ва уларнинг табиий бойликларини ўзлаштириш, мавжуд ўта юкланган линияларни енгиллатиш, йўловчилар ва юкларни ташиш вақтини камайтириш мақсадларида қурилади. Янги линиялар мавжудларидан темир йўл тармоқларининг фаолиятидаги аҳамияти, ташишларнинг миқдори ва тавсифи билан тубдан фарқ қилиши мумкин. Шулар сабабли темир йўл линияларини лойиҳалашга қўйиладигантехник талаблар ва меъёрлар тегишлича дифференцияланиб тоифалаштирилади.

Лойиҳалашда асосий дастур бўлиб хизмат қилувчи «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари» (ҚМ ва Қ) **1520 мм** кенгликдаги янги темир йўллар ва шохобча йўлларни даражалашни кўзда тутади. Линиянинг синфига қараб унинг асосий параметрлари ва лойиҳалашга техник талаблар, йўловчи ва юк поездларининг тезликлари ҳамда линиянинг барча иншоотлари қуввати белгиланади.

ҚМ ва Қ 32.01-95 бўйича МДҲ давлатларидаги янги темир йўллар, корхоналарга борувчи шохобча йўллар, қўшимча (иккинчи, учинчи) бош йўллар, қувватлари оширилаётган (реконструкция қилинаётган) мавжуд йўлларнинг умумий темир йўл тармоқларидаги ўрни ва вазифасига қараб қуйидагича тоифаланади (1-жадвал):

1-жадвал

Темир йўлларнинг тоифаланиши

Темир йўл тоифаси	**Темир йўлнинг аҳамияти**	**Юкли йўналишда йиллик келтирилган юкланиш неттоси, млн ткм/км**
Тезюрар	Йўловчи поездларининг 160 дан 200 км/соатгача тезликда юриши учун магистрал темир йўллар	–
Ўта юкланган	Катта миқдорда юклар ташиш учун магистрал темир йўллар	50 дан ортиқ
I	Магистрал темир йўллар	30 дан 50 гача
II	Худди шундай	15 дан 30 гача


III	Худди шундай	8 дан 15 гача
IV	Темир йўллар. Бекатлардаги боғловчи ва корхоналарга бориш шохобча йўллар	8 гача Юкланганлигидан қатъий назар

Темир йўл линиясининг трассаси – ер полотноси қош чизиғи сатҳидаги йўл бўйлама ўқ чизиғининг фазовий ҳолатини белгилайди. Трассанинг горизонтал текисликка проекцияси унинг **режаси** дейилади.

Трасса чизиғининг вертикал текисликка ёймаси **линиянинг бўйлама профили** дейилади.

Лойиҳалаш даврида йўлнинг трассасини белгилаш **линияни трассалаш** дейилади.

Трассанинг энг ижобий ечими линиянинг режада тўғри чизиқ ва юкли ҳаракат йўналишида бир маромдаги нишаблик бўйлаб жойлашишидир. Аммо бундай ечим имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди, чунки темир йўлнинг аҳоли пунктлари орқали ўтиши, табиий тўсиқларни (тоғлар, кўллар, ботқоқликлар ва ш.к.) айланиб ўтиши, ер устки тузилишининг нотекисликларидан ўтиши ва ниҳоят қурилиш харажатларини арзонлаштириш мақсадларида трасса ҳолатини режада ва профилда ўзгартиришга олиб келади. Шунинг учун ҳам темир йўл линияси режада тўғри чизиқли участкалар ва эгриликлардан, (1-расм) профилда эса **майдонча** деб номланувчи горизонтал участкалар ва **қиялик** деб номланувчи нишабликлардан ташкил топади.



1-расм. Темир йўл линиясининг режаси

Темир йўл қурилишини ташкил қилиш ва механизациялаш асослари

Темир йўл қурилиши ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳар хил қурилиш ва монтаж ишларини ўз ичига олади. Темир йўл қурилишини ташкил қилиш асосида қурилиш саноати учун умумий бўлган қуйидаги тамойиллар ётади: режалаштириш, индустриаллаштириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қурилишнинг узлуксизлиги, қурилиш-монтаж ташкилотларини ихтисослаштириш ва йил давомида бир меъёрда ишлаш ва ш.к.

Қурилишни режалаштириш — бу қурилиш ташкилотларининг режага амал қилишидир. Режада қурилиш ишларининг ҳажми, муддатлари ва ажратма манбалар белгиланади.

Қурилишни индустриаллаштириш — заводларда стандарт қурилиш деталларини тайёрлаш ва бу деталлардан қурилиш иншоотларини қурилиш майдонларининг ўзида йиғиб тайёрлашдир.

Комплекс механизациялаш — ҳамма тайёрлов, асосий, безаш, режалаш ва қурилиш-монтаж ишларини махсус машиналар ва механизмлар комплектлари, энг яхши техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан олиб боришдан иборат.

Автоматлаштириш — кишиларнинг жисмоний меҳнатини камайтириш, қурилиш жараёнини асбоблар ёрдамида бошқариш ва назорат қилишга йўналтиришдан иборат. Бунда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади ва қурилиш баҳоси пасаяди.

Темир йўл қурилиши икки – тайёрлов ва асосий даврларга бўлинади.

Тайёрлов даврида қурилиш жараёнига тайёрланиш ва шу даврнинг қурилиш ишлари бажарилади. Техник тайёрланиш техник ҳужжатларни ўрганиш, қурилиш жойларида қўшимча геологик, гидрологик ва бошқа текширувларни ўтказиш ва лойиҳа ҳужжатларига тегишли ўзгаришларни киритишни ўз ичига олади. Бундан ташқари темир йўл учун ер майдони ажратилади, трасса шу ерда белгиланади, базалар ва омборхоналар унга боғланади.

Қурилишнинг асосий даврида ер полотноси ва сув қочириш иншоотлари, сунъий иншоотлар қурилади, ер ёнбағирлари маҳкамланади. Йўл туширилади ва балластировка қилинади, темир йўлни бошланғич босқичларда ишлатишда фойдаланиш учун бино ва иншоотлар қурилади.

Қурилиш ва монтаж ишлари замонавий шароитларда юқори самарали машина ва механизмлар ёрдамида олиб борилади. Ер ишлари катта қувватли экскаватор, булдозер ва грейдерлар ёрдамида бажарилади. Сув ҳайдаш

арикчаларини қазишда махсус ариқ қазийдиган машиналар, тупроқ тўкмаларини зичлаштиришда грунтни мустаҳкамлайдиган машиналар ишлатилади. Тош грунтли жойларда портлатиш ишлари қўлланиши мумкин. Темир-бетон ва металл конструкцияли сунъий иншоотларни қуришда ҳар хил кўтарма кранлар ва бошқа қурилмалардан фойдаланилади. Иш жойига балласт махсус ўзи ағдарадиган вагонлар, хоппер-дозаторларда олиб борилади. Олдиндан йиғиб тайёрланган йўл панжаралари (2- расм) махсус йўл ётқизувчи машина томонидан ўрнатилади.



2- расм. Йўл панжарасини йўл ётқизувчи УК-25 машинаси билан қўйиш.

Темир йўлни фойдаланишга топшириш бутун қурилиш даври давомида олиб борилади. Тайёргарликда учта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин: поездларнинг ишчи ҳаракатни очиш, айрим участкаларнинг ёки йўлнинг ҳаммасини вақтинчалик фойдаланишга ёки ҳамма йўлни доимий фойдаланишга топшириш.

Ишчи ҳаракати материаллар ва йўл устки қурилиши, кўприклар, қувурлар, СМБ ва алоқа, бино ва иншоотлар конструкцияларини ташиш учун йўл панжаралари ўрнатилиши билан очилади. Ишчи ҳаракатида йўл ҳали балластланмаган ёки балластнинг биринчи қум қисми ўрнатилган бўлиши мумкин. Ер полотноси бу пайтга келиб тўлиқ тугатилган бўлиши керак. Материаллар ва конструкцияларни бошқа йўллар билан ташиш қийин ва қимматли кечадиган жойларда поездларнинг ишчи ҳаракати катта аҳамиятга эга. Қурилиш поездларининг тезлиги ишчи ҳаракати даврида соатига 10 км/соатдан ошмаслиги керак.

Вақтинчалик фойдаланиш даврида темир йўл қурилиши юкларини ташишдан ташқари, халқ хўжалиги юклари ва йўловчиларни ҳам қисман ташиш амалга оширилади. Бу даврга келиб ер полотноси, сув қочиргич қурилмалари ва сунъий иншоотлар тўлиқ қурилган, асосий йўл қумли балластга тўлиқ ётқизилган, ажратиш пунктларида етарли йўл тармоқлари ётқизилган, керакли қурилмалар ва бинолар қурилган, йўллар бўйлаб йўл белгилари, керакли сигналлар ўрнатилган, ўтиш жой белгилари қурилган ва тегишлича жиҳозланган бўлади.

Поездларни белгиланган тезликдаги ҳаракат билан ўтказиш учун темир йўл қурилади. Темир йўл мураккаб муҳандислик иншооти бўлиб, поездлар ҳаракатининг бетўхтовлиги ва хавфсизлиги ҳамда темир йўлларнинг техник воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги темир йўлнинг ҳолатига бевосита боғлиқ.

Темир йўл мураккаб шароитларда ишлайди, доимо атмосфера ва иқлимий шароитлар таъсирида бўлади, ҳаракатдаги поездлардан катта кучланишлар олади. Шундай шароитларда темир йўлнинг барча таркибий қисмлари (ер полотноси, устки қурилмалар ва сунъий иншоотлари) ўзининг мустаҳкамлиги, чидамлилиги ва ҳолати бўйича йўловчи ва юк поездларининг ушбу йўл участкаси учун белгиланган юқори тезликда осойишта, майин ва хавфсиз ҳаракатини таъминлаши керак ҳамда ҳаракат тезликларини ва йўлнинг юкланувчанлигини янада ошириш учун етарлича захира қувватларига эга бўлиши лозим.

Темир йўлларнинг сувли тўсиқлар, бошқа темир йўл ва автомобил йўллари, тоғ оралиқлари, қоялик жойлар, шаҳар ҳудуди орқали ўтишида ҳамда одамларнинг темир йўлдан бехавотир ўтишларини таъминлаш учун мураккаб шароитларда сунъий иншоотлар қурилади.

Сунъий иншоотлар кўприклар, тоннеллар, қувурлар, тиргак деворлар, йўналтирувчи иншоотлар, дюкерлар, галерея, сел ўтказгичлари ва бошқалардан иборат.

Юқорида баён қилинган талабларни қондириш мақсадида темир йўлнинг кўтариш қобилияти ва унинг барча қисмлари мустаҳкамлигини ошириш устида мунтазам ишлар, илмий изланишлар олиб борилади, термик чидамлаштирилган оғир турдаги релслар, янги конструкциядаги релс бириктиргичлари, бирикмасиз йўл, темир-бетон шпаллар, стрелкали ўтказгичларнинг янги конструкциялари ва бошқалар қўлланади.

Темир йўлларни қор, қум босишларидан ва сув тошқинларидан сақлаш

Темир йўл транспортининг қишки ва мураккаб иқлим шароитларида мунтазам ва бир текис ишлаши йўлнинг қор ва қум уюмларидан, бўронлардан ва сув тошқинларидан пухта ҳимояланишига ҳамда қор ва қум бўронларидан ўз вақтида тозаланишига боғлиқ. Йўлнинг қор билан кўмилиб қолиши унинг ҳар бир метрига энг ноқулай қишки ёғингарчилик кунларида ёғадиган қорнинг $м^3$ даги ҳажми билан ўлчанади. Бу асосан, ёғадиган қор ҳажми ва жадаллигига, шамол тезлиги ва йўналишига, маҳаллий шароитлар ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Ўзбекистоннинг айрим минтақаларида жойлашган темир йўллар камдан-кам бўлсада, қор ва қум бўронларига учраб туради.

Қумлик ва ярим қумлик дашту биёбонлардан ўтадиган темир йўлларни қум бўронларида кўмилиб қолишдан ҳимоялаш зарур. Қум бўронларидан ҳимоялаш учун самарали воситалар мавжуд. Бунда қумларни ўсимликлар ўстириб маҳкамлаш ёки битумли эмулция (қоришма), қумоқ тупроқ, полимер қўшилган тупроқли суспензиялар билан қоплаш ҳамда ҳар хил сунъий тўсиқлар қуришлар мумкин.

Тўсиқлар сифатида баланд бўлмаган яхлит ёки панжарали ёғоч деворлар, қамиш ва буталардан девор тўсиқлар йўл ёқалаб ҳар хил бурчаклар остида бир ёки бир неча қатор қилиб ўрнатилади. Қум босишидан энг яхши ҳимоя воситаси қумликларни бутазорлар барпо қилиб маҳкамлаш бўлиб, ўсимликлар сифатида чўл шароитларига яхши мослашадиган дарахтлар (саксовул, черкез, қум акацияси ва ш.к.), буталар (жузғун, целюга, гребеншик) ёки ўтли ўсимликлар (селин, қум сулиси, чагер ва ш.к.) экиб ўстирилади. Йўл ёқалаб ўрнатилган ҳимоя деворлари вақтинчалик тўсиқ сифатида қўлланилади.

Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари номенклатураси ва ҳажмлари уларни ташкил этган орган томонидан белгиланади.

Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда, агар бу бирлашмаларнинг қутқарувчилари аттестатция тартибида тасдиқланган тегишли тайёргарликдан ўтган бўлса, жамоат бирлашмалари ҳам иштирок этишлари кўзда тутилади.

Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш авария объектлари, вазирликлар ва идораларнинг, ҳудудида фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳокимликларнинг балансида турадиган куч ва воситалиири билан амалга оширилади.

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

Ушбу ишлар объектларинг, вазирликлар (идоралар) ва ҳокимликларнинг тезкор гуруҳлари (мутахассислари) раҳбарларининг бевосита бошчилигида бажарилади.

Фавқулодда вазиятнинг кўламини мавжуд кучлар ва воситалар ёрдамида бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолда, зарурий ёрдам кўрсатиш учун Фавқулодда вазиятларда уламинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг юқори раҳбар органига ёрдам сўраб мурожаат қилинади. Шу билан бирга фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида ҳукумат комиссияси ташкил қилиниши мумкин.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича тадбирларини маблағ билан таъминлаш фавқулодда вазият содир бўлган ҳудудда жойлашган объектларнинг, вазирликлар ва идораларнинг маблағлари, тегишли буджетлар, суғурта жамғармалари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда кўрсатилган маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан ажратилиши кўзда тутилади.

Транспортнинг хоҳлаган тури инсон саломатлиги ва ҳаёти учун хавф туғдиради.

Техник тараққиёт бир вақтнинг ўзида ҳаракатлаиииш қулайлиги ва тезлиги билан бирга анчагина катта даражадаги хавф-хатарни ҳам юзага келтиради.

Транспорт авариясининг туридан келиб чиқиб, ёиовчилар кўплаб жароҳат ва куйиш, жумладан инсон ҳаёти учун хавф туғдирадиган шикастлами олиш эҳтимоли мавжуд.

Темир йўл транспортидаги авариялар

Темир йўл транспортидаги авария ва ҳалокатларга асосан йўллар, ҳаракатдаги таркиб, сигнализациянинг носозлиги, диспетчерлар хатоси, машинистларнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги сабаб бўлади.



3- расм. Темир йўл транспортидаги авариялар.

Ҳаракатдаги таркибнинг релслардан чиқиб кетиши, тўқнашувлар, переездлардаги тўсиқларга бориб урилиш, бевосита вагонларнинг ўзида ёнғин ва портлашларнинг келиб чиқиши кўпроқ содир бўлади (3-расм).

Шунга қарамай, поездда юриш самолётда учишдан тахминан уч марта, автомобилда юришдан 10 марта хавфсизроқдир.

Асосий профилактика қоидалари

Хавфсизлик нуқтайи назаридан олиб қараганда поезддаги энг яхши жойлар марказий вагонлар, авария чиқиш жойи - деразаси мавжуд бўлган ёки чиқиш эшигага яқин жойлашган купелар, пастки ўриндиқлардир.

Вагонга чиқишингиз биланоқ, авария чиқиш жойлари ва ўт ўчиргичлар қаерда жойлашганлигини билиб олинг.

ХУЛОСА

Қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

- поезд ҳаракатда бўлган вақтда ташқи эшикларни очманг, зиналарда турманг ва деразадан бошингизни чиқарманг;

- юкларингизни юқоридаги юк жойлаштириладиган токчаларга яхшилаб жойлаштиринг;

- зарурат бўлмаса стоп-кранни ишга туширманг;

- ҳатто ёнғин чиққан тақдирда ҳам кўприк устида, туннелда ва эвакуатсия ўтказиш қийинлашиб кетадиган бошқа жойларда поездни тўхтатиш мумкин эмаслигини ёдда тутинг;

- фақат белгиланган жойларда чекинг;

- ўзингиз билан ёнувчи, кимёвий ва портлаш хавфи мавжуд моддаларни олманг;

- вагоннинг электр тармоғига маиший уй-рўзғор асбобларини олманг;

- ёнаётган резина ҳидини сезсангиз ёки тутун пайдо бўлса, зудлик билан вагон кузатувчисига мурожаат қилинг.

Авария вақтида ёнилғи тўкилиб кетган бўлса, поезддан хавфсиз узоқ масофада туринг, ёнғин ёки портлаш ҳодисаси содир бўлиши мумкин.

Ток ўтувчи сим узилиб, ерга осилиб қолган бўлса, ундан сакраб-сакраб қисқа қадамлар билан узоқлашинг. Электр токи ер юзаси бўйлаб узатиладиган масофа 2 метрдан (қуруқ ер) 30 метргача (нам ер) бўлиши мумкин.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasining “Aholi va hududlarni texnogen va tabiiy xarakterdagi favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonuni 20.09.1999 y.
2. Ўзбекистон Республикаси темир йўлларидан фойдаланиш қоидалари, Тошкент, 1999.
3. Темир йўл қурилиши, йўл ва йўл хўжалиги атамалари ва тушунчаларининг русча-ўзбекча луғати, *Расулев А. Ф., Фозилова З., Махаматалиев Э. М.*, Тошкент, 2005.
4. О мерах по предупреждению чрезвычайных ситуаций, связанных с паводковыми, селевыми, снеголавинными и оползневыми явлениями, и ликвидации их последствий:
5. Постановление Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2007 г.№ ПП-585 [Электронный ресурс].–Режим доступа:http://lex.uz/pages/getpage.aspx? lact_id=1132317. – Дата доступа: 01.12.2017 г.
6. Ниязметов С.С.«Методика расчета и проектирования противооползневых сооружений для защиты дорожного земляного полотн»Автореферат диссертационной работыМ.2007 г.
7. ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТЛАРИ ВА ТУГУНЛАРИ / А. Ш. Шорустамов, Р. Я. Абдуллаев [ва бошқ.]. - Темир йўл коллежлари учун дарслик Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007-й.
8. Авария-қутқарув ишлари / С. Газиназаров [ва бошқ.]. - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги - Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2014, - 160 б.
9. Дергачева И. Проблемы прогнозирования и предупреждения трансграничных паводков в горных и предгорных районах Узбекистана

[Электронный ресурс] / И. Дергачева –НИГМИ, Узгидромет.– Режим доступа:http://skachate.ru/geografiya/148685/index.html. –Дата доступа: 01.07.2017.

10. Makkambaev P.A., Raziqov R.S. “Temir yo‘l transportida favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi” T. ToshIIT 2018 yil

11. Ахмедов М.А., Салямова К.Д. “Селевие явления Узбекистана”. Вестник Университета гражданской защиты Белорусии Т2, № 2.2018 г.

12. Shahobiddinov, V. E., Khodjayev, O. S., & Oripov, S. G. (2021). TEMIR YO ‘L TRANSPORTIDA SODIR BO ‘LGAN TABIIY VA TEXNOGEN TUSDAGI FAVQULODDA VAZIYATLAR OQIBATLARINI BARTARAF ETISHDA AVARIYA QUTQARUV ISHLARINI TAKOMILLASHTIRISH. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 987-994.

13. Kh, A. S., Shahobidinov, V. E., & Sh, K. O. PROTECTION OF TRANSPORT FACILITIES FROM FLOOD AND EARTHQUAKE.

14. Shaxobidinov, V. E. (2022). TEMIR YO ‘L TRANSPORTIDA HARBIY TRANSPORT VA YUKLARNI TASHISHGA OID BAJARILADIGAN TADBIRLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(Special Issue 4-2), 313-319.

15. Khakimovich, A. S., Djabborov, S. X., & Shaxobidinov, V. E. (2022). Impact of Water Resources on Objects and Lines of the Railway in Mountain and Foothill Places of Uzbekistan. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, *6*, 234-240.

16. Шахобидинов, В. Э., Абдазимов, Ш. Х., Орипов, С. Г. У., & Гофуров, Ё. К. (2022). ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ В ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ И ОБЪЕКТЫ НАРОДНОГО ХОЗАЙСТВА ПРИ ПРИРОДНЫХ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Academic research in educational sciences*, *3*(5), 807-814.

17. Abdazimov Sh.X., ShaxobidinovV.E., “ВЛИЯНИЕ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ ПРИРОДНОГО ХАРАКТЕРА НА ЖЕЛЕЗНУЮ ДОРОГУ В ГОРНЫХ И ПРЕДГОРНЫХ РАЙОНАХ ПРИ ПЕРЕВОЗКЕ ОПАСНЫХ ГРУЗОВ. АВАРИЙНО-ВОСТОНОВИТЕЛЬ-НЫЕ РАБОТЫ ПРИ ЧС” O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI AKADEMIYASI "Yong‘in-portlash xavfsizligi" ilmiy-amaliy electron jurnal "Пожаро-взрыво безопасность"научно-практический электронный журнал, ISSN 2181-9327, № 1 (8), 2022, 188-195

18. Абдазимов, Ш. Х., Шахобидинов, В. Э., & Орипов, С. Г. У. (2022). ПОСЛЕДСТВИЯ НАВОДНЕНИЯ И НАВОДНЕНИЯ НА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫХ СООРУЖЕНИЯХ И НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТАХ. ОРГАНИЗАЦИЯ АВАРИЙНО-СПАСАТЕЛЬНЫХ РАБОТ ПРИ СТИХИЙНЫХ БЕДСТВИЯХ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(7), 773-780.

19. Шахобидинов, В. Э., & Разиков, Р. С. (2022). ОСОБЕННОСТИ ЛИКВИДАЦИИ ПОСЛЕДСТВИЙ АВАРИЙ НА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОМ ТРАНСПОРТЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(8), 343-351.

20. Shaxobidinov, V., & Oripov, S. (2022). TEMIR YO ‘L TRANSPORTI ORQALI XAVFLI YUKLARNI TASHISHNI TASHKIL ETISH MASALLARI VA AVARIYA OQIBATLARINI OLDINI OLISH. *Eurasian Journal of Academic Research*, *2*(9), 81-88.

21. Abdazimov, S., Shaxobidinov, V., Nurmamatov, S., & Oripov, S. (2022). XAVFLI YUKLARNI TASHISHDA FAVQULODDA TEXNOGEN HOLATLARNI TEMIR YO ‘L TRANSPORTIGA TASIRI. *Eurasian Journal of Academic Research*, *2*(11), 510-516.

KOLOSNIK PUANSON MODELINI 3D MODELDAN RAQAMLIGA AYLANTIRISH KETMA-KETLIGI

Azizov Shuhrat Mamatovich.
Uzoqov Farhod G'afforovich
Namangan muhandislik-texnologiya instituti, O'zbekiston
E-mail: azizovshuhrat@gmail.com
E-mail: farxodjonuzoqov@gmail.ru
+998943010181

ANNOTATSIYA

Mazkur tadqiqot jarayonida kolosnik puanson modelini 3D modeldan raqamliga aylantirish ketma-ketligini amalga oshirish jarayonlari tahlil qilib o'tilmoqda. Raqamliga aylantirish orqali ishlab chiqarish korxonalaridagi stanok va dasgohlarimizni o'qiydigan holatini yaratishdir.

Kalit so'zlar. *Kolosnik, 3d modeli, puanson modeli, NX1.2 dasturi, post prosses, fanuc, Cad Cam dasturi, 1D50R5, Operation Navigator-Geometry va pobeditli frezlar.*

ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОСТЬ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ МОДЕЛИ КОЛОСНИКА ПУАНСОНА ИЗ 3D МОДЕЛИ В ЦИФРОВУЮ

Азизов Шухрат Маматович,
Узоков Фарход Гафорович
Наманганский инженерно-технологический институт, Узбекистан

АННОТАЦИЯ

Реализация последовательности преобразования модели kolosnik poinson из 3D-модели в цифровую. Создание читаемого состояния наших станков и инструментов на производственных предприятиях путем цифровизации.

Ключевые слова. *Колосник, 3D модель, модель пойнсона, программа NX1.2, постпроцессы, fanuc, программа Cad Cam, 1D50R5, Operation Navigator-Geometry и победит фрезерные станки.*

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

A SEQUENCE OF CONVERTING A KOLOSNIK POINSON MODEL FROM A 3D MODEL TO A DIGITAL ONE

Azizov Shuxrat Mamatovich,
Uzokov Farhod Gaforovich
Namangan Institute of Engineering and Technology, Uzbekistan

ABSTRACT

Implementation of the kolosnik poinson model conversion sequence from a 3D model to a digital one. Creating a readable state of our machines and tools in production enterprises by digitalization.

Keywords. *Kolosnik, 3D model, poinson model, NX1.2 software, post processes, fanuc, Cad Cam software, 1D50R5, Operation Navigator-Geometry and pobedit milling machines.*

KIRISH


Hozirgi kunda paxta tozalash korxonalarida ishlab chiqarilayotgan paxta tolasining sifati bevosita texnologik jarayonda ishlayotgan mashinalarning samarali ishlashiga bog'liq[1-2]. Har bir texnologik jarayon sifatli tola ishlab chiqarish uchun u yoki bu darajada muxhim ahamiyat kasb etadi. Korxonada tola ishlab chiqarishga asosiy bog'liq jarayon - bu jinlash (toladan chigitni ajratish) jarayonidir. Tozalash sexlarida mayda va yirik iflosliklardan tozalangan paxtani jinlash sexining asosiy mashinasi bo'lgan arrali jinga uzatiladi. Jinning ishchi kamerasiga kelib tushgan chigitli paxtaning chigit tarogi yonida aylanayotgan arra tishlari bilan ilib olib, kolosnikli panjaraga olib keladi[3-4]. Ishchi kamerada arra tishlariga ilashgan paxta bo'lakchalari boshqa paxta bo'lakchalariga ilashib, ularni xam tortadi va xomashyo valigini xosil kiladi. Bu xomashyo valigi arrali tsilindrni aylanishiga karshi tomonga aylanadi va u arra tishlarini paxta tolasi bilan uzluksiz ta'minlab turadi[5].

Maqola mualliflari tomonidan jin mashinasi ishchi elementlarini takomillashtirgan holda bir qancha tadqiqotlar o'tkazildi. Tadqiqotlardan maqsad, Kolosnik puanson modelini 3D modeldan raqamliga aylantirish ketma-ketligi amalga oshirish. Raqamliga aylantirish orqali ishlab chiqarish korxonalaridagi stanok va dastgohlarimizni o'qiydigan imkoniyatini yaratib berish va shu jarayonni amalga oshiradigan qurilma tayyorlab, uning samarali ishlaydigan texnologik o'lchamlarini aniqlash hamda ishlab chiqarishga joriy etishdan iborat[6-7].

Optimallashda asosiy masala jin mashinasi ish unumdorligiga ta'sir qiluvchi ahamiyatli omillarni aniqlab olishdir, bunda jin mashinasining asosiy ishchi

qismlaridan biri bo'lgan "kolosnik" ga ishlov berish orqali toladan ajralgan chigitlarni ishchi kameradan chiqib ketish vaqtini tezlatish imkonini beruvchi parametrlar tanlab olinadi[8].


Yuqorida tayyorlagan 3 ta dasturimiz faqat 3D mdelni holati ya'ni uni bizning raqamli dastgohlarimiz o'qimaydi. Uni faqat NX1.2 dasturida ko'rish mumkin. Biz uni raqamli dastgohlarimiz o'qiydigan holatga qanday o'tkazamiz? Buning uchun biz NX1.2 dasturidan "Post prosses" orqali uni raqamli ko'rinishga keltirib olamiz[9-10].



Buning uchun tayyorlagan 1D50R5 dasturimizni tanlab sichqonchaning o'ng tomonini bosamiz va "post prosses" ni tanlab sichqonchani chap tugmasini bosamiz. Shunda quyidagi rasmdagi holat paydo bo'ladi(rasm-1).

Rasm-1: NX1.2 dasturidan "Post prosses".

Bizning raqamli dastgohlarimiz "Fanuc" bo'lganligi uchun fanuc Cad Cam dasturidan foydalanamiz va o'zimizga kerakli holda, kerakli saxifaga saqlaymiz va OK ni bosamiz[11]. Natijada "Fanuc" oynasi ochiladi(rasm-2). "ME-1100" dastgohni umumiy ko'rinishi(rasm-3).




Rasm-2: Fanuc Cad Cam dasturi




Rasm-3: "ME-1100" rusmli raqamli dastgoh

Kolosnik puanson modelini 3D modeldan raqamliga aylantirilgan ma'lumotlar *.nc fayl kengaytmasi bilan saqlaniladi. Masalan: fayl nomi puanson1D50R5.nc faylida dastur kodi yozilgan(rasm-4).



Rasm-4: puanson1D50R5.nc, puanson2D1608.nc va puanson3D5R25.nc fayllari.

Kolosnik puanson modelini 3D modeldan raqamliga o'tkazishda birinchi Operation Navigator-Geometry, ikkinchi 1D50R5, uchinchi "Fanuc" bo'limini tanlash orqali amalga oshiriladi(rasm-5).



Rasm-5: Operation Navigator-Geometry, 1D50R5, "Fanuc" bo'limi.

Shundan so'ng bizda yuqoridagi 5-rasmdagi holat paydo bo'ladi ya'ni bizning 1D50R5 dasturimiz 3D holatdan raqamli holatga aylanadi[12].

Natijada raqamli dastur kodi puanson3D5R25.nc fayliga yoziladi.

Puanson1D50R5.nc faylida dastur kodi.

% (Date time - Thu Nov 26 21:42:09 2020)

(Operation name - 1D50R5) (Tool diameter - 50.00) (Tool corner radius - 5.00)

N10 G40 G17 G49 G54 G80 G90

N11 G00 X-.003 Y276.477 S5000 M03

N12 Z11.


```
N13 M08
N14 Z1.015  N16 X-.002 Y251.477
N17 X-221.364 Y251.473 F3000. N18 G03 X-221.971 Y251. I16.47 J-21.754
N19 G01 X-225. N20 G03 X-226. Y250. I0.0 J-1. N21 G01 Y246.978
……
……
N1761 X-213.938 Y-197.851 I35.005 J4.129
N1762 X-208.147 Y-209.492 I29.855 J7.589
N1763 X-188. Y-219.352 I20.365 J16.099
N1764 G01 X-185.781 N1765 G03 X-180. Y-218.654 I-.003 J24.33
N1766 X-174.219 Y-219.352 I5.783 J23.624 N1767 G01 X-172.
N1768 G03 X-160. Y-216.298 I-.063 J25.354
N1769 X-148.152 Y-219.351 I12.065 J22.306
N1770 X-140. Y-218.654 I1.526 J30.17
N1771 X-134.219 Y-219.352 I5.788 J23.668 N1772 G01 X-132.
……
……
N3515 G01 Z-118.92 F1500.
N3516 Y256.
N3517 X-205. F3000.
N3518 G03 X-231. Y230. I0.0 J-26.
N3519 G01 Y-230.
N3520 G03 X-205. Y-256. I26. J0.0
N3521 G01 X205.
N3522 G03 X231. Y-230. I0.0 J26.
N3523 G01 Y230.
N3524 G03 X205. Y256. I-26. J0.0
N3525 G01 X0.0   N3526 Y281.  N3527 Z-115.92    N3528 G00 Z11.
N3529 M05
N3530 M09
N3531 M30 %
//----------------------------------------------------------------------
```

Saqlangan raqamli dasturini chiziqli harakati “CIMCOedit” kompyuter dasturi yordamida ko’rishimiz mumkin. “CIMCOedit” dasturi Windows ishchi stolida o’rnatilgan bo’lsa shu orqali kiriladi(rasm-6). O’rnatilmagan bo’lsa 1 chi navbatda

o’rnatib olinadi. So’ng dasturga kiriladi. Dastur oynasi quyidagi ko’rinishda bo’ladi(rasm-7).




Rasm-6: “CIMCOedit” dasturi




Rasm-7: “CIMCOedit” dasturi oynasi.

So’ngra CIMCOeditga kirib uni ichidan saqlangan fayilimizni topamiz va ochamiz(rasm-8).



Rasm-8: Faylni ochish.

Fayl ochilgandan so’ng quyidagi 9-rasmdagi holat yuzaga keladi ya’ni bizga raqamlar ko’rinshida saqlangan dasturimiz ko’rinish beradi. “basklot windiw” ni tanlab frezeri miz chiziqli harakatini ko’ramiz(rasm-9).





Rasm-9: Frezeri miz chiziqli harakati.

“basklot windiw” ni tanlab frezerimiz chiziqli harakatini ko’ramiz. Shu tariqa 1D50R5 dasturimizni harakat holatini raqamli dasgohda qanday bo’lishi va harakatlanishini ko’rib olamiz(rasm-10).

1D50R5 dasturimizni harakat holatini raqamli dasgohda qanday bo’lishi va harakatlanishi[13].


1D50R5 dasturimizni kodi.






Rasm-10: 1D50R5 dasturimizni harakat holati.

1D50R5 dasturimizni harakat holatini raqamli dasgohda qanday bo'lishi va harakatlanishini davomi(rasm-11).




Rasm-11: 1D50R5 dasturimizni harakat holatini raqamli dasgohda harakatlanishini.

Keyingi 2D16R0,8 va 3D5R2,5 dasturilarmiz ham shu tartibda raqamliga o'tkazilib o'zimizga kerakli holatda saqlanadi(rasm-12).




Rasm-12: 2D16R0,8 va 3D5R2,5 dasturilarmizda raqamliga o'tkazish.

2D16R0,8 va 3D5R2,5 dasturilarmiz ham shu tartibda raqamliga o'tkazilib o'zimizga kerakli holatda saqlanadi(rasm-13)




Rasm-13: 2D16R0,8 va 3D5R2,5 dasturilarmiz ham shu tartibda raqamliga o'tkazilib o'zimizga kerakli holatda saqlash.

Saqlashni amalga oshirgandan so'ng puanson3D5R25.nc faylidan nusxa olamiz(rasm-14).



Rasm-14: puanson3D5R25.nc faylidan nusxa olish.

Puanson3D5R25.nc faylidan nusxa olingandan keyingi holat quyidagi 15 rasmda ko'rsatilgan.




Rasm-15: Puanson3D5R25.nc faylidan nusxa olingandan keyingi holat.

So'ngra NX1,2 dasrurida qanday o'lchamda zagatovka tayyorlagan bo'lsak shunday holatda haqiqiy zagatovkani DSP xom ashyosidan tayyorlaymiz va uni raqamli dasgohga o'rnatamiz. Biz Chust shaxrida joylashgan "Texnolog GR" mchj korxonasida bu jarayonni amalga oshirdik(rasm-16).



Rasm-16: DSP xom ashyosidan tayyorlash va uni raqamli dasgohda.

DSP xom ashyosidan tayyorlab bo'lgandan so'ng laklab olinadi(rasm-17).



Rasm-17: Laklangan puanson modeli.

REFERENCES

1. Wang, G.H. and Li, Y.X. (2022) Development of New Ductile Iron with Super-High Thermal Conductivity and Elongation. *Journal of Iron and Steel Research International*, **29**, 462-473. https://doi.org/10.1007/s42243-021-00581-7

2. Hassan, M. (2017) Characterization of Face Sheet/Core Debonding Strength in Sandwiched Medium Density Fiberboard. *Materials Sciences and Applications*, **8**, 673-684. https://doi.org/10.4236/msa.2017.89048

3. Ning, B., Wu, H.B., Niu, G., *et al.* (2022) Cold Compression Deformation Method for reducing Residual Stress and Uniformizing Micro-Property in Ferrite Steel. *Journal of Iron and Steel Research International*, **2**9, 503-511. https://doi.org/10.1007/s42243-021-00563-9

4. Azizov, S.M. and Axmedhodjaev, X.T. (2016) The Optimal Modeling of an Angular Position of Saw Cylinders in Single-Chamber Two Cylinders Gin. *American Journal of Mechanical and Industrial Engineering*, **1**, 103-106. https://doi:10.11648/j.ajmie.20160103.2

5. Wang, Y.D., Zhang, L.F., Yang, W., *et al.* (2022) Effect of Nozzle Type on Fluid Flow, Solidification, and Solute Transport in Mold with Mold Electromagnetic Stirring. *Journal of Iron and Steel Research International*, **29**, 237-246. https://doi.org/10.1007/s42243-021-00577-3

6. Azizov, S. M., & Axmedhodjaev, H. T. (2015). Theoretical Analysis of Gin Cylinder for Simulating Dual Saw Cylinder Chamber Gin for Increasing Wear Proof, Energy Efficient, Saving Resources. *World Journal of Engineering and Technology*, *3*(03), 91.

7. Azizov, S., Ibrohimov, M., Uzoqov, F., & Mirzakarimov, M. (2021). The modelling and introductions of new type ribs of lattice of the two cylinder of gin. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 273, p. 07020). EDP Sciences. https://doi.org/10.1051/e3sconf/202127307020

8. Jiang, D.B., Zhang, L.F. and Wang, Y.D. (2022) Effect of Mold Electromagnetic Stirring on Solidification Structure and Solute Segregation in Continuous Casting Bloom. *Journal of Iron and Steel Research International*, **29**, 124-131. https://doi.org/10.1007/s42243-021-00702-2

9. Briseno, J. and Casanova-del-Angel, F. (2021) Fracture Mechanics on Aluminum Specimens. *World Journal of Mechanics*, **11**, 237-257. https://doi.org/10.4236/wjm.2021.1112016

10. Mamatovich, A.S. and Abdusamat, K. (2011) Definition of Increasing the Fibre Capturing Surface of Saw Teeth of Cotton Ginning Machine through Mathematic Modelling. *World Journal of Mechanics*, **1**, 122-126. https://doi.org/10.4236/wjm.2011.13017

11. Azizov, S., Uzoqov, F., Mirzakarimov, M. and Usmanov, O. (2021) Analysis of Namangan 77 Cotton in Production Line with Different Saw Gins for Short Fiber Yield. *E3S Web of Conferences*, **273**, Article ID: 07021. https://doi.org/10.4236/wjm.2011.13017

12. Azizov, S.M. (2022) Calculation Energy of Efficiency New Ginning Machine.

Journal: Engineering, **14**, 163-172. https://doi.org/10.4236/eng.2022.144016

13. Mamatovich, A.S., Abdusamat, K. and Arras, P. (2013) The Mathematical Simulation of Brush Drums in a Dual Saw Cylinder Chamber Gin for the Purpose of Increasing the Quantity of Captured Cotton Fiber from Saw. *World Journal of Mechanics*, **3**, 58-61. https://doi.org/10.4236/wjm.2013.31004

SHO‘R YERLARNING MELIORATIV HOLATINI YAXSHILASH

Akbarov Raxmatillo Fayzullayevich
Yusupova Moxidil Abdumutalibovna
FarDU o‘qituvchilari,
r_akbarov@mail.ru,
mohidil_yusupova@mail.ru

ANNOTATSIYA

Sho‘r yerlarning meliorativ holatini yaxshilash va sho‘rini yuvish agrotexnik tadbirlarini o‘z vaqtida qo‘llash va sho‘r yuvish meyorlarini to‘g‘ri belgilash olib borilgan tadqiqot ishlari orqali yoritib berilgan. Organik o‘g‘itlar ta’sirida zararli tuzlarning ta’sirini kamaytirish, tuproqlardagi degradatsiyalanishni oldini olish hozirgi davrning eng muhim masalaridan biridir.

Kalit so‘zlar: *Eroziya, sug‘orish, sho‘r yuvish, meliorativ tadbir, sho‘r yuvish, sho‘r yer*

МЕЛИОРАТИВНЫХ СОСТОЯНИЙ ЗАСОЛЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ

АННОТАЦИЯ

Важно обеспечить мелиорацию и дренаж солей, а также агротехнические мероприятия. Снижение действия вредных солей под влиянием органических удобрений и предотвращение деградации почв является одной из важнейших проблем настоящего времени.

Ключевые слова: *Эрозия, орошение, солевые промывки, мелиоративная деятельность, солевые промывки, засоленные земли.*

MELIORATIVE CONDITIONS OF SALTED LANDS

ANNOTATION

It is important to ensure the reclamation and drainage of salts, as well as agricultural activities. Reducing the effect of harmful salts under the influence of organic fertilizers and preventing soil degradation is one of the most important problems of the present.

Key words: *Erosion, irrigation, ditch, salt leaching, reclamation activity, salt leaching, saline land*

KIRISH

Respublikamizda qumli cho‘l tuproqlari 1370 ming gektar (3,1%), qumlar 12100 ming gektarni (27,9%) tashkil etib, bu maydonlarni meliorativ holatini

yaxshilash, sug‘oriladigan qumli tuproqlar unumdorligini oshirish va ulardan samarali foydalanishga qaratilgan ilmiy-tadqiqotlar olib borilmoqda, muayyan natijalarga erishilmoqda. O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 2017-2021 yillarga mo‘ljallangan Harakatlar strategiyasida «...qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishni muttasil rivojlantirish, mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini yanada mustahkamlash, sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yanada yaxshilash, paxta va boshoqli don ekiladigan maydonlarni qisqartirib, ekin maydonlarini yanada maqbullashtirish, bo‘shab qolgan yerlarga kartoshka, sabzavot, oziq-ovqat va moyli ekinlarni, shuningdek, yangi intensiv bog‘ va uzumzorlarni joylashtirish» bo‘yicha muhim vazifalar belgilab berilgan. Shuning uchun ham Farg‘ona vodiysi hududida tarqalgan qum dahalarida shakllangan va rivojlangan qumli tuproqlarning xossa-xususiyatlarini aniqlash, antropogen omil ta’sirini va iqlim o‘zgarishi jarayonida kuzatiladigan salbiy jarayonlarni baholash va oldini olish hamda ularda kechayotgan ekomeliorativ jarayonlar o‘zgarishini tahlil etish, tuproq unumdorligini saqlash va oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi

Olib borilgan ilmiy-tadqiqot ishlarining ko‘rsatishicha yerga solingan mineral o‘g‘itlar yer hosildorligini saqlash va oshirish uchun yetarli emas. Bu holat, ayniqsa, eroziya va deflyatsiyaga (shamol eroziyasiga) uchragan yerlarda namoyon bo‘ladi. Ko‘p yillik tajribalar ko‘rsatishicha kuchsiz sho‘rlangan tuproqlarda, sho‘rlanmaganga nisbatan g‘o‘za hosildorligi 15-20, o‘rtacha sho‘rlanganda 35-40 va kuchli sho‘rlanganda 80 foizdan ko‘proq kamayadi. Shuning uchun tuproq holatini yaxshilash, dehqonchilikni ilmiy asosda tashkil qilish hozirgi davrning eng muhim masalaridan biridir.

Respublikada sug‘oriladigan yerlarning 52-54% turli darajada sho‘rlangan. Yerlarni meliorativ holatini yaxshilash va sho‘rini yuvish agrotexnik tadbirlari bilan birga zovur tarmoqlari bilan ta’minlanishi muhim ahamiyatga ega. Meliorativ kadastr ma’lumotlariga qaraganda bu sohada Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Jizzax, Farg‘ona viloyatlarigin to‘liq ta’minlangan. Buxoroda zovur uzunligi 46 m/ga o‘rniga 26,7 m/ga; Xorazmda 56 m/ga o‘rniga 39,4 m/ga ni tashkil etadi. Zovurlar bilan ta’minlash bilan birga ularning ish qobiliyati alohida ahamiyat kasb etadi. Respublika xo‘jaliklararo ichki zovur tarmoqlarining ancha qismi qayta tiklanishi, ta’mirlanishi kerak.

TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Har yili kuchli sho‘rlangan, qishloq xo‘jalik yer oborotidan chiqarilgan yerlarda 120-150 ming ga yerni meliorativ dala uchun ajratib, u yerda sug‘orish shahobchalari

majmuini qayta qurish, yerlarni yalpi tekislash, har bir joy sharoitiga mos zovur shahobchasini qurish, yerlarga go‘ng solib chuqur yumshatish. Yalpi sho‘r yuvib, almashlab ekishni joriy etish bo‘yicha agromeliorativ tadbirlarni amalga oshirish lozim.

Sho‘rlangan tuproqlarda g‘o‘za va boshqa madaniy ekinlarning o‘sishi, ulardagi modda almashinuvi va boshqa jarayonlarning pasayishi tufayli uning sifati keskin kamayadi. Negaki, tuproq eritmasi turli biokimyoviy jarayonlar tufayli o‘zgarishi hisobiga tuproqda tuzatish qiyin bo‘lgan holat vujudga keladi. Masalan tuproqda to‘plangan simob, qo‘rg‘oshin, kadmiy, stronsiy va ftor birikmalari o‘simlikni zaharlashi mumkin.

Sho‘r tuproqda o‘simlik ildizi toza tuproqdagiga qaraganda 10-15 marta kam rivojlanadi, chunki tuproq eritmasi bosimi 2-3 atmosfera o‘rniga 10-20 va undan oshib ketib, mineral oziqalarni shimib olishi sekinlashadi. G‘o‘za, bug‘doy, makkajuxori kabi ekinlar sho‘rga chidamsiz bo‘lib, yaxshi hosil bermaydi, bunday yerlarga poliz ekinlari ekilsa ularning mazasi va vazni kamayadi. Shuning uchun sho‘r yerlarda ba’zi agromeliorativ tadbirlar o‘tkazish ekinlar hosildorligini oshiradi.

TADQIQOT NATIJALARI

Biz Farg‘ona viloyatining Yozyovon, Qo‘shtepa va Oltiariq tumani dalalarida sho‘r yuvishni 1-2 marta o‘tkazib, urug‘ ekishdan oldin tuproqdagi tuzlar miqdorini o‘rgandik. Shunda tuzlar miqdorining asosiy qismi haydov qatlamida quruq qoldiq 0,815% zaharli tuzlar miqdori 0,08% ni tashkil etdi, 26-35 qavatida esa quruq qoldiq 1-0,90%, tuzlar miqdori esa 0,10 % ga teng bo‘ldi.

Joriy sho‘r yuvish meyorlari bo‘yicha tavsiyalar, ming m^3 /ga (drenaj ishlagan holda)

1-jadval

Tuproq mexanik tarkibi bo‘yicha	Tuproq sho‘rlanish darajasi		
	Kam sho‘rlangan	O‘rtacha sho‘rlangan	Kuchli sho‘rlangan
Yozyovon tumani			
Yengil	2000	3000	4500
O‘rta	3000	4500	5000
Og‘ir	4500	5000	5500
Qo‘shtepa tumani			
Yengil	2500	3500	5000
O‘rta	3500	4000	5500

Og‘ir	4500	5500	6500
Oltiariq tumani			
Yengil	3000	4000	4500
O‘rta	3500	4500	5500
Og‘ir	4500	5000	6000

Haydov qatlamining ikkala qavati bir biriga solishtirilganda yuza qatlamida bikarbonat va xlor ionlari 0,500 mg/ekv, pastki qavatida esa 0,295 mg/ekv.ga tengligi aniqlandi. Mg, Na, Cl ionlari yuqori qavatda ko‘proq uchradi. Gips haydov qatlamida 29,3-64,3 % gacha yetdi, SO_2 esa 6,50-5,35 % gacha bo‘ldi. G‘o‘za, kungaboqar, bug‘doy, makkajuxori va pomidor urug‘lari ko‘kakrib chiqqach fotosintez faoliyatining boshlanishi turli tarzda kechdi. Umuman urug‘lar unib chiqishi oson bo‘lmay, u tuproq eritmasining konsentratsiyasiga bog‘liq holda o‘tdi. Masalan, miqdori 0,2% bo‘lganda chigit meyordagidek unib chiqdi, bu miqdor 0,4 % bo‘lganda ya’ni tuzlarni ko‘p to‘planishi ba’zi bir ekinlar urug‘iga o‘ta salbiy ta’sir etmadi. Masalan, 0,20% tuz bo‘lganda lavlagi urug‘i yaxshi unib chiqdi, biroq tuzga chidamsiz bug‘doy urug‘i kuzda ekilganda bahordagidan bardoshliroq bo‘ldi. Odatda turoq unumdorligini oshirishda go‘ng, eski tuproqlar, ariq loyqasi, qum va boshqa mahalliy o‘g‘itlar keng qo‘llanilgan. Ular tarkibidagi oziqa moddalar o‘simlik va tuproqdagi jonivorlar yashash manbayi bo‘lib, tuproqning suv va fizik hossalarini yaxshilaydi, qisman tuzlarni ko‘tarilishiga to‘siq bo‘ladi.

Hisob-kitoblarga qaraganda yerga solingan 30 tonna go‘ng chirib bo‘lganida, 10 tonna SO_2 hosil bo‘ladi, bu esa o‘simlikning gaz bilan oziqlanishini ta’minlaydi, zahiradagi Fe, P va boshqa mineral elementlarning eruvchanligini oshiradi.

MUHOKAMA

Organik o‘g‘itlar yerga solinganda elementlarning harakatchanligi tezlashib, suv bilan yuvilishini kamaytirdi, minerallar parchalanib organik shaklga kirdi. Sho‘r yerlar ishqoriy reaksiyaga ega bo‘lganidan Sa ga barqaror. Shuning uchun solingan go‘ng tezda parchalandi.

XULOSA

Yerga go‘ng solish natijasida tuzlarning zarari kamayadi, bunday yerlardagi ekinlar ancha tez o‘sadi, yuqori hosil beradi. Go‘ngning qayta sho‘rlanishga ta’sirini o‘rganish uchun 2003-2005 yillarda haydov oldidan 30 tonnasini solib, bahorda paxta, makkajuxori, oqjo‘xori, kungaboqar, bug‘doy, xashaki lavlagi va pomidor ekildi.

Xulosa qilib shuni aytish joizki, sho‘rlangan yerlarni meliorativ holatini yaxshilashda avvalom bor sho‘r yuvish meyorlarini to‘g‘ri tanlash, qolaversa

sho‘rlangan yerlarga mahalliy, organik o‘g‘itlar, go‘ng solish bevosita tuproq sho‘rlanishini oldini olishda muhim ekanligi o‘z yechimini topdi.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi Farmoni
2. S.X.Zokirova, R.F.Akbarov, S.M.Isagaliyeva, K.R.Xonkeldiyeva. Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research. Volume 3 Issue 01, 2021
3. Закирова С.Х., Акбаров Р.Ф. Распространение песков в Центральной Фергане. Международный научно-практический журнал №2(3). 2019 й.
4. Турдалиев, А. Т., & Аскаров, К. А. (2019). Энергетические особенности микроэлементов в засоленных почвах Центральной Ферганы. *Актуальные проблемы современной науки*, (6), 83-87.
5. Турдалиев, А. Т., Аскаров, К. А., & Мирзаев, Ф. А. У. (2019). Морфологические особенности орошаемых почв Центральной Ферганы. *Почвы и окружающая среда*, *2*(3), 6.
6. Isakov, V., & Yusupova, M. (2021, July). CHANGES IN THE PROPERTIES OF SANDY SOILS. In Конференции.
7. Yusupova, M., Mirzajonov, M., & Ergasheva, N. (2021, August). ISSUES OF ARRANGING POMEGRANATE ORCHARDS ON SANDY SOILS: https://doi. org/10.47100/conferences. v1i1. 1317. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).
8. Юсупова, М., Абдухакимова, Х., & Жалолов, Э. (2021). Барханные и слабо заросшие пески Центральной Ферганы. Наука сегодня: вызовы и решения материалы меж, 16.
9. Исаков, В. Ю., & Юсупова, М. А. (2021). ГЕНЕТИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕСЧАНЫХ МАССИВОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ. Научное обозрение. Биологические науки, (3), 16-20.
10. Isakov, V., & Yusupova, M. (2021, August). CHANGES IN THE PROPERTIES OF SANDY SOILS: https://doi. org/10.47100/conferences. v1i1. 1376. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.06).
11. Litvishko, V., Litvishko, O., Myaskovskaya, T., Isaqov, V., Yusupova, M., Matveeva, L., ... & Nikulin, O. (2017). Innovations in technical and natural sciences: Monograph, Volume 4.

12. Исаков, В. Ю., Юсупова, М. А., & Хошимов, А. Н. (2016). Геоэкология и химические свойства песчаных почв Ферганской долины. Учёный XXI века, (1 (14)), 3-6.
13. Isakov, V. Y., & Yusupova, M. A. (2019). INFLUENCE OF THE ANTHROPOGENIC FACTOR ON THE SAND ARRAYS OF THE FERGHANA VALLEY. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(9), 58-66.
14. Исаков, В. Ю., Мирзаев, У. Б., & Юсупова, М. А. (2016). О ПОЧВАХ ПЕСЧАНЫХ МАССИВОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ ФЕРГАНЫ. Научная дискуссия: вопросы математики, физики, химии, биологии, (8-12), 35-38.
15. Исаков, В. Ю., Мирзаев, У. Б., & Юсупова, М. А. (2017). ГИПСОНОСНЫЕ ПОЧВЫ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ И ИХ ИЗМЕНЕНИЯ ПОД ВЛИЯНИЕМ АНТРОПОГЕНА. Ученый XXI века, 12.
16. Маматожиев, Ш. И., Тожимаматов, Д. Д. У., Камолов, З. В. У., & Холиқов, М. Б. У. (2020). ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОЦЕССЫ ХРАНЕНИЯ ЗЕРНА И НА ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА. *Universum: технические науки*, (12-4 (81)), 75-78.
17. Маматожиев, Ш. И., Тожимаматов, Д. Д. У., Камолов, З. В. У., & Холиқов, М. Б. У. (2020). ПРЕИМУЩЕСТВА НОВОЙ СИСТЕМЫ ПРИ ПРИЕМКЕ ЗЕРНА. *Universum: технические науки*, (12-2 (81)), 96-99.
18. Anvarjonovich, D. Q., & Ogli, X. M. B. (2021). The effect of grain moisture on grain germination during grain storage. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(5), 418-421.
19. Газиев, М. А., Мирзахмедова, Х., Арипжанова, М., & Омурзакова, Г. (2008). ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА ЗАЩИТЫ ХЛОПЧАТНИКА ОТ ЗАБОЛЕВАНИЯ ВИЛТОМ. *Известия*, (1), 84.
20. Эшпулатова, Г. Т. (2015). Гумус в древних палеопочвах сероземного пояса. *Проблемы современной науки и образования*, (8 (38)), 49-51.
21. Kimsanov Ibrohim Xayitmurotovich, Mirzakarimova Gulshanoy Mirzaraxmat Qizi, & Mamatqulov Orifjon Odiljon O'g'li. (2021). Root System Development And Its Activity. The American Journal of Engineering and Technology, 3(03), 65–69. https://doi.org/10.37547/tajet/Volume03Issue03-10
22. O. Mamatqulov, S. Qobilov, & A. Abdullaaxatov (2022). FARG'ONA VILOYATI SHAROITIDA TOK KASALLIKLARIGA QARSHI KURASHISH. Science and innovation, 1 (D6), 307-311. doi: 10.5281/zenodo.7194057.

23. Sodiqova, Z. T. (2022, May). DANAKLI MEVA KASALLIKLARIGA QARSHI KURASHISH YO‘LLARI. In *INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING* (Vol. 1, No. 8, pp. 240-244).
24. Ugli, M. O. O. (2021). RECYCLING OF THE CURVE PLANNING IN GAT TECHNOLOGY (Auto CAD) PROGRAM. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(11), 480-483.
25. Mamatkulov, O. O., & Numanov, J. O. (2021). Recycling of the Curve Planning in Gat Technology (Auto Cad) Program. *Middle European Scientific Bulletin*, *18*, 418-423.
26. Закирова С. Х., Абдуллаева М., Алиджонова М., Акбаров Р. (2021). Виноград растет на средней ферганской земле с низкой урожайностью. *ACADEMICIA: Международный междисциплинарный исследовательский журнал*, *11*(9), 1086-1088.
27. Закирова, С. Х., Акбаров, Р. Ф., Исмаилова, С. А., & Парпиева, Ш. А. (2020). Улучшение плородие галечниковых почв в Ферганской долине. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ* (pp. 5-7).
28. Закирова, С. Х., Акбаров, Р. Ф., & Исагалиева, С. М. (2020). Водно-физические свойства слабодефлированных почв в Фергане. In *Наука сегодня: теоретические и практические аспекты* (pp. 4-5).
29. Зокирова С. Х., Ахмедова Д., Акбаров Р. Ф., К. Р. К. (2021). Предприятия легкой промышленности в маркетинговой деятельности опыт зарубежных стран в использовании кластерной теории. *Американский журнал управленческих и экономических инноваций*, *3*(01), 36-39.
30. РАСТЕНИЕ СТЕВИЯ В УСЛОВИЯХ ФЕРГАНСКОГО ДОЛИНЫ. *Евразийский Союз Ученых*, (2-2 (83)), 37-41.
31. Эшпулатов, Ш. Я., & Джураева, Д. Э. (2021). Интродукция и выращивание лекарственных растений в условиях Узбекистана. *Тенденции развития науки и образования*, (71-1), 170-173.
32. Isag‘aliyev, M., Obidov, M., & Matholiqov, R. (2019). Morphogenetic and biogeochemical features of the medicinal capparis spinosa. *Scientific journal of the Fergana State University*, *2*(4), 46-49.
33. A. Turdaliev, M. Usmonova, & R. Matholiqov (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОҲИЯТИ. Science and innovation, 1 (B6), 450-455. doi: 10.5281/zenodo.7164839.

ASALARI BILAN ISHLASH QOIDALARI. ASALARIGA JOY TANLASH VA ULARNING OILASINI BAHOLASH

Po‘latov Sarvar Mustafoyevich,
Qo‘chqorov Abdukarim Nuriddinovich,
Aminova Shoira Furqat qizi,
Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali

ANNOTATSIYA

Asalarichi asalari oilasi bilan ishlash uchun oldindan tayyorgarlik ko‘rish lozim. Asalarichi qish mavsumida asalari uchun kerakli bo‘ladigan barcha jihozlarni, yangi ramka, mumparda, asalari qutisi va boshqa ish qurollarini tayyorlab qo‘yishi lozim. Aks holda bahorda asalari oilasiga qarov o‘tkazish davrida, qilinadigan ishlarni bajarishga vaqt bo‘lmasligi mumkin.

Asalarilar uchun tanlangan maydonchalarda asalari oilalarini joylashtirishga alohida e‘tibor berish lozim. Ular birtekisda, shaxmat usulida qatorlab qo‘yilishi kerak va uyadagi qo‘yilgan raqamlar ochiq ko‘rinishi lozim. Asalari qutilari quyosh nuridan himoyalanishi hamda asalarilarni mo‘ljal olib uchishiga yordam beruvchi daraxtlar, inshootlar bo‘lishi kerak.

Kalit so‘zlar. *Asalari, ona asalari, asalari oilasi, uya, mumparda, ramka, gulshira.*

АННОТАЦИЯ

Пчеловод должен быть заранее подготовлен к работе с пчелиной семьей. Пчеловод должен заготовить для пчел на зиму все необходимое оборудование, новую рамку, навес, улей и другие инструменты. Иначе весной при уходе за пчелиной семьей может не хватить времени на выполнение работы.

Особое внимание следует уделить размещению пчелиных семей на выделенных для пчел участках. Они должны располагаться ровно, в шахматном порядке, а цифры в гнезде должны быть видны. Ульи должны быть защищены от солнечного света и иметь деревья и конструкции, помогающие пчелам летать.

Ключевые слова. *Пчелы, пчеломатки, пчелиная семья, улей, улей, рамка, улей.*

ABSTRACT

The beekeeper must be prepared in advance to work with the bee family. The beekeeper has to prepare all the necessary equipment for the bees during the winter,

a new frame, a canopy, a beehive and other tools. Otherwise, in the spring, when caring for the bee family, there may not be time to do the work.

Particular attention should be paid to the placement of bee colonies in selected areas for bees. They should be arranged evenly, in a checkerboard pattern, and the numbers in the nest should be visible. Beehives should be protected from sunlight and have trees and structures to help bees fly.

Keywords. *Bees, mother bees, bee family, hive, beehive, frame, beehive.*

KIRISH

Asalari bilan ishlash qoidalari. Bu davrda, avvalo barcha qoidalarga amal qilinishi, asalari oilasi tinchini buzmaslik, (havo harorati past bo‘lganda, tabiatda gulshira kelmayotganda) ularni ortiqcha qo‘zg‘atmaslik lozim, aks holda, asalarilar bezovtalanib, ko‘proq chaqib olishi mumkin. Shuning uchun ham asalari qutisini ohistalik bilan ochib, uyani taqillatmasdan, quti ustidagi qopqoqni olish lozim. Shuningdek, havo harorati past bo‘lgan, salqin kunlarda, kuchli shamol esib turganda asalarilar bilan ishlash mumkin emas. Chunki salqin havo va shamol uyadagi haroratga salbiy ta‘sir etib, yosh naslni shamollatib, ularni kasal qilib qo‘yishi mumkin.

Asalari oilasiga qarov o‘tkazilayotgan paytda tashqi harorat +14 ^{0}Cdan past bo‘lmasligi lozim. Agarda asalari uyasidagi yopqich matoni ko‘tarib ko‘rganingizda, oilaning umumiy ahvoli qoniqarli bo‘lsa, u holda uni to‘liq tekshirib o‘tirmaslik kerak. Chunki bunday oilalarda ona asalari yetarli miqdorda tuxum qo‘yayotgan bo‘ladi.

Asalari oilasini kechki paytlarda ko‘rib chiqish mumkin emas, chunki asalarilar bezovtalanib, ular uya devorlarida, asalarichining kiyimlarida o‘rmalab yurib, qorong‘i tushgandan so‘ng, uyalariga qaytib kirolmasligi mumkin.

Asalari oilasini tekshirishdan oldin asalarichi qo‘llarini tozalab yuvishi, har xil qo‘lansa hid kelmaydigan (piyoz, sarimsoq, benzin, kerosin, atir, ter hidi) oq yoki qora tusdagi kiyimlarni kiyishi lozim. Shunday qilinganda asalarilar kam bezovtalanadi va chaqishga harakat qilmaydi.

Asalari oilasini tekshirishdan oldin tutatkich asbobini yoqib oling, asalari qutisidagi uchish tuynuklaridan 2-3 marta tutun yuboring, oradan 2-3 daqiqa vaqt o‘tgach, uya qopqog‘ini olib, uyadagi yopqich matoni bir chekkasini qayirib, uyadagi ramkalarni bir chekkasidan olib, tekshirishga kirishing.

Asalari oilasini tekshirayotgan vaqtda, uyadagi uchish tuynuklari oldini to‘smasdan, asalarichi uyaning yon tarafida turib ishlashi kerak, aks holda asalarilar

bezovtalanib, o‘z uyasiga kirolmasdan, asalarichini chaqishga harakat qiladi. Shuningdek, ramkalarni ko‘rib chiqayotganda, ramkalar asalari uyasi ustida turishi lozim. Aks holda ramkadan tushib qolgan yosh asalarilar yerga tushib qolishi va ularni asalarichi bosib o‘ldirishi mumkin.

Asalari oilasini tekshirayotgan davrda daladan gulshira kam kelayotgan bo‘lsa, qo‘shni uyalardagi asalarilar o‘g‘irlikka kelishi mumkin. Bunday davrda asalarilar ko‘proq bezovtalanadi. Shuning uchun ham tekshirishni darhol to‘xtatib, asalarizorning boshqa qatoridan boshlash kerak. Bunday hol yana takrorlansa, tekshiruv ishlarini to‘xtatish lozim.

Asalari uyasidan olingan ramkalardan asalarilarni supirib tushirish maqsadida maxsus cho‘tkalardan, g‘oz patidan yoki bir tutam boylangan ko‘k maysa o‘tlaridan foydalanish mumkin. Shuningdek, asalari romida yosh asalari nasli yoki toza keltirilgan gulshiralari bo‘lmasa, u holda ramkaning ikki tomonidagi yelkasidan mahkam ushlab, yengilgina silkitib, romdagi asalarilarni tushirish mumkin.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Dalada gulshira bo‘lmagan davrda asalari oilasini ochib, unga qarov o‘tkazishda juda ehtiyot bo‘lish kerak. Chunki ochiq qoldirilgan asalari oilasidan asal hidi tez anqib chiqadi va qo‘shni uyalardan o‘g‘ri asalarilarni o‘ziga jalb etadi.

Odatda asalari oilasidagi uchuvchi dala asalarilari o‘z navbatida bir-biriga o‘xshamaydigan, ikki xil, ya‘ni ayg‘oqchi va shira to‘plovchi asalarilarga bo‘linadi. Ayg‘oqchi asalarilar daladan shiraga boy oziq manbalarni qidirib topadi, shira to‘plovchi asalarilar esa shira manbalaridan shira to‘plab, uyasiga olib keladi. Ayg‘oqchi asalarilar daladagi o‘simlik gullarining yorqin rangini va uning o‘tkir hidini hamda asalarilarning g‘uvillagan, yangroq tovushini tez payqab oladi. Chunki ularda hid bilish a‘zolari kuchli rivojlangan. Har bir asalari oilasida uyasini qo‘riqlovchi o‘nlab asalarilar mavjud, ular uyadagi uchish tuynuklari oldida turib, begona asalarilarni uyasiga kiritmaydi. Lekin ba‘zan bir o‘g‘ri asalarilar hujumiga bardosh berolmagan “qo‘riqchi” asalarilar nobud bo‘ladi, o‘g‘ri asalarilar uyaga kirib, ona asalarni o‘ldiradi va uyadagi bor asalni o‘g‘irlab ketadi. O‘g‘irlikning oldi olinmasa, asalarizordagi ko‘pgina asalari oilalari o‘g‘ri asalarilar tomonidan qirib tashlanishi mumkin.

O‘g‘ri asalarilarga qarshi kurash uchun quyidagi qoidalarga rioya etish maqsadga muvofiqdir:

1. Asalari qutisidagi barcha teshik, tirqishlar suvalib chiqiladi. Uyadagi uchish tuynuklari esa 2-3 ta asalari sig‘adigan darajada, 1-1,5 sm.gacha toraytiriladi.

2. Asalari oilasiga qarov o‘tkazayotgan davrda uya atrofida asal tomgan joy bo‘lmasligi kerak, chunki asal hidi o‘g‘ri asalarilarni o‘ziga tez jalb etadi. Bunday paytda tomchilangan asal joyiga tuproq sepiladi yoki kerosinli latta bilan artib olinadi.

3. O‘g‘irlik sodir etilayotgan asalari uyasidagi qo‘nish taxtachalari ustiga kerosin surtib chiqiladi yoki kerosinda ho‘llangan latta qo‘yiladi. O‘g‘ri asalarilar kerosin hididan qo‘rqib, uyaga kirolmaydi.

Asalarilarga joy tanlash. Asalari oilasiga bahorgi birinchi qarov o‘tkazish ishlari quyoshli kunlarda, havo harorati +14+15 ^{0}Cdan past bo‘lmagan davrda o‘tkaziladi. Bahorgi qarov o‘tkazishning asosiy maqsadi shundan iboratki, unda asalari oilasining qishlovdan keyingi holati aniqlanib, asalari oilasining rivojlanishi uchun qulay sharoit yaratib beriladi.

Har bir asalari oilasining holati tekshirilib, uning kuchi (ramkalarini asalari bilan to‘liq qoplanganligi), ona asalarining borligi, ramkalardagi ochiq va yopiq nasllarning soni, uyadagi ozuqa asal miqdori, asalari uyasi holati (uyaning quruqligi, ifloslanganligi, o‘lik asalarilar miqdori) kabi ko‘rsatkichlar hisobga olinadi va ular maxsus jurnalga qayd etib boriladi.

Asalari oilasini bahorgi qarov o‘tkazish davrida uyadagi ramkalarni to‘liq olmasligi ham mumkin, chunki yaxshi rivojlangan oilalarda ona asalari ramkalari to‘liq, sifatli tuxum qo‘yganligi kuzatiladi. Uyadagi asalarilar va uning naslini, ozuqa asalni uyadagi ramkalarni ozgina ko‘tarib, ko‘z bilan chamalab ko‘riladi. Asalari oilasida normal holat kuzatilsa, ya‘ni har xil yoshdagi nasl va tuxum bo‘lsa, demak, oiladagi ona asalari talab darajasida, uni qidirib ko‘rish shart emas.

Shuningdek, ramkalar ustidagi mumni va propolisni ham iskana bilan qirib olmaslik lozim. Bu ishni keyinroq, havo isib ketganda, uyadagi mumlar ancha yumshab qolgan davrda bajarish kerak. Bahorgi qarovlar o‘tkazilgandan so‘ng, barcha bajarilgan ishlarni asalarizor jurnaliga yozib boring.

Ozuqasi kam bo‘lgan asalari oilalariga asal ozuqali va gulchangli ramkalardan beriladi, har bir oilaga o‘rtacha 8-10 kg ozuqa asal va 1-2 ta ramkada gulchang bo‘lishiga erishiladi. Ortiqcha ramkalar, ifloslangan, noto‘g‘ri to‘qilgan, qiyshiq, bo‘sh ramkalarni asalari uyasidan olish, asalari uyasini yostiqchalar bilan yaxshilab isitish kerak. Chunki bahorning salqin kunlarida asalarilar issiqqa juda muhtoj bo‘ladi.

Asalari oilasini baholash. O‘zbekistonning tabiiy iqlim sharoiti serasal o‘simliklarni ko‘paytirish va asalari oilasini tezkor texnologiyalar asosida boqish uchun qulaydir. Asalarichilik sohasi qishloq xo‘jaligining muhim tarmog‘i bo‘lib, nafaqat asal va asalarichilik mahsulotlari yetishtirishni, balki turli xil qishloq xo‘jalik ekinlarining hosildorligini oshirishni ham nazarda tutadi. Respublikamiz sharoitida

birgina paxta dalalarida, g‘o‘za gullagan davrda bir milliondan ziyod asalari oilasini boqish mumkin.

Mahalliy asalari zotlarining mahsuldorlik va sifat mezonlarini oshirish uchun ularni yetarli darajada sinovdan o‘tkazib baholash hamda samaradorligini yuksaltirish yo‘llarini o‘rganish zarur. Bu borada asalarichiga ilmiy-amaliy qo‘llanmalar, tavsiyanomalar va boshqa me‘yoriy-texnik hujjatlar yaqindan ko‘makdosh bo‘ladi.

Baholashning maqsadi. Asalari oilasini xo‘jalik foydali xususiyatlarini, belgilarini, mahsuldorligiyu nasliy sifatlarini o‘rganib, tegishlicha tahlil etish, selektsiya - naslchilik ishlari uchun nodir nasl qiymatiga ega bo‘lgan asalari oilalarini shakllantirish baholashning asosiy maqsadidir. Asalarichilikda baholash ikki yo‘l bilan amalga oshiriladi, birinchidan, asalari oilasini baholashda uning mahsuldorligiga baho berilsa, ikkinchidan, asosiy e‘tibor ona asalarining tuxum qo‘yish qobiliyatiga qaratiladi.

Asalari oilasining mum mahsuldorligini aniqlash uchun oiladagi mum pardalaridan yangidan to‘qilgan romlar hisobga olinadi. Mumpardalarini yangidan to‘qish uchun asalarilar unga qo‘shimcha 60 g mum sarflaydi. Mumpardasiz tayyorlangan yangi romlarga esa 120 g mum sarflanadi. Bundan tashqari, asalari oilasidan yil davomida romlar chekkasida qurilgan har xil mumli "tilchalar", romlar ustidan qirib olingan mum qirindilari, asalli romlardan kesib olingan mum qoldiqlari ham hisobga olinadi.

Kuz va bahorda asalari oilasidagi romlarda qolgan oziqa–asal miqdori aniqlanadi. Undagi farq qish faslida ozuqaning qancha mikdorda sarflanganini bildiradi. Asalari oilasidagi oziqa asali aniq miqdorini bilish uchun kuz va bahorda, qo‘l tarozi yordamida romlardagi asalni o‘lchab borish maqsadga muvofiqdir, Bundan tashqari, kuz va bahorda asalari oilasidagi romlar oralig‘idagi (yo‘lakchalar) asalarilar soni hisobga olinadi, ularning farqidan esa qishlov davrida oilada nobud bo‘lgan asalarilar sonini bilish mumkin.

Shuningdek, asalari oilasini ko‘zdan kechirish davrida asalarilarda “ich ketish” kasalligidan qolgan belgilar bor-yo‘qligi hisobga olinib, ular “kuchli”, “o‘rta”, “kuchsiz”, deb baholanadi hamda asalari uyasidagi namlik, uyadagi romlarning mog‘or bosganlik darajasi hisobga olinadi va shu belgilar asosida asalari oilasining qishga chidamlilik darajasi aniqlanadi. Asalari oilasining ko‘ch ajratishga moyilligi ko‘p hollarda asalarichiga qo‘shimcha muammolarni keltirib chiqaradi va oila mahsuldorligiga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Shuning uchun ham ko‘ch ajratmaydigan yoki kam ko‘ch ajratadigan asalari oilalarini tanlash lozim. Shu bois har bir asalari

oilasidagi ko‘ch onadonlar soni, nechta ko‘ch ajralib chiqqanligi, vaqti va miqdorini hisoblab, maxsus jurnalga tegishli yozuvlar kiritib boriladi.

Asalarizorda har doim yuqumli va boshqa xil yuqumsiz kasalliklarga qarshi sanitariya-gigiena tadbirlarini o‘tkazib turish lozim. Asalari oilasining tinchliksevarlik xususiyati muhim selektsion belgilardan biri hisoblanadi. Shuning uchun ham asalarizordagi barcha asalari oilalarini o‘rganib chiqib, har qaysi asalari oilasini hujumkorligi, tajovuzkor yoki uning tinchliksevarligi to‘g‘risida jurnalga tegishli yozuvlar qayd etib boriladi.

Ona asalarini baholash. Asalari oilasi yuqori mahsuldor bo‘lsa, demak, bu ona asalarining yuqori sifatliligini bildiradi. Yaxshi sifatli yosh ona asalari asalari romi bo‘ylab bir tekisda, romdagi barcha katakchalarga tuxum qo‘yadi. Eski, qarib qolgan ona asalari esa, aksincha, rom bo‘ylab katakchalarga notekis holda, bo‘sh katakchalarni o‘rtaga qoldirib, to‘rsimon shaklda tuxum qo‘yib ketadi. Bunday holatning oldini olish uchun eski ona asalarini almashtirib, uning o‘rniga yuqori mahsuldor oiladan yetishtirilgan, yosh va sifatli ona asalarini oilaga o‘tkazish lozim. Yosh ona asalari sifatsiz bo‘lib, ular notekis tuxum qo‘ysa, bunday ona asalarilarni ham boshqa yosh ona asalariga almashtiriladi.

Eski va nuqsonli ona asalarini oilada almashtirish uchun urug‘langan va urug‘lanmagan ona asalarilardan foydalaniladi. Asalari oilasini baholash asalarichilikka ixtisoslashgan naslchilik fermer xo‘jaliklarida, tovar asal ishlab chiqaruvchi xo‘jaliklarda har yili kuz faslida o‘tkaziladi. Barcha xo‘jaliklarda asalari oilalari ikki qismga: naslchilik va mahsulot ishlab chiqaruvchi guruhlarga bo‘linadi.

Naslchilik guruhiga – asalarichilikka ixtisoslashgan naslchilik xo‘jaliklari kiradi. Asalari oilalarining selektsiya guruhini (naslchilik yadrosi) kengaytirish, ona asalari, erkak asalari va yangi oilalarni yetishtirish maqsadida 20-25 % mikdorda selektsiya guruhi tashkil qilinadi. Asalari oilasini baholash joriy yilning asal to‘plashida ishtirok etgan va qishlovdan muvaffaqiyatli o‘tgan sog‘lom asalari oilalarida o‘tkaziladi. Tovar asal ishlab chiqaruvchi xo‘jaliklarda (nasl yadrosini yaratishda) barcha asalari oilalari baholanadi va 10-15% naslli yadro yaratiladi.

Nasldorlik, asal mahsuldorligi, oila kuchiga doir tegishli baholash ma‘lumotlari va asalari oilalarining qishlovga chidamlilik ma‘lumotlari yil davomida yig‘ib boriladi. Asalari oilalarini baholash uchun maxsus guruh tuziladi. Asalari oilasini baholash kunduz kuni, quruq va ochiq havoda, tashqi harorat +15 °S dan kam bo‘lmagan sharoitda o‘tkaziladi. Asalari oilasini baholashda (uning zotdorligi, eksterer belgilari va biologik xususiyatlari bo‘yicha) uchta asosiy ko‘rsatkichlari – asal mahsuldorligi, oila kuchi va qishga chidamliligi aniqlanadi.

Shuningdek, asalari oilasining nasllilik xususiyatini besh balli shkala bo‘yicha aniqlanadi. Bunda asalari oilasini barcha belgilari - nasl qoldirish uchun tanlash, asalari oilasini yaroqsizga chiqarish, bonitirovka ma‘lumotlari asosida ishlab chiqiladigan chora-tadbirlar, zootexnikaviy hisob-kitoblar hamda bonitirovka natijasi asosida o‘tkaziladigan tadbirlar asos qilib olinadi.

XULOSA

Shunday qilib, har yilgi o‘tkaziladigan baholash natijasida asalarizorda eng sifatli tarkibga ega bo‘lgan asalari oilalari to‘planib qoladi. Shu bilan ularning sinfiyligi aniqlangandan so‘ng asalarizorda selektsiya-naslchilik rejalarini tuzishga kirishiladi va asalari oilasi yoki uning selektsiya liniyalarining (populyatsiyalari) parametrlari belgilanadi.

REFERENCES

1. To‘rayev O.S. Asalarilarning ko‘ch ajratish xususiyatlari. Toshkent-2020.
2. Qaxramanov B., Safarova F.E., Isomuxammedov S.I., Donayev X.A., Ergashev X.B. Asalarichilik asoslari. Toshkent-2020.
3. To‘rayev O.S. Asalarichilik xo‘jaliklarida naslchilik ishlari. Toshkent-2020
4. Minzafarov M.K., Muzafarova N.N. Boshlovchi asalarilachilar uchun. Toshkent-2020
5. Jo‘rayeva D. Asalarichilik. Tasvir nashriyoti. Toshkent-2021

FEEDING REQUIREMENTS FOR SERVICE DOGS AND METHODS FOR CALCULATING FEED CONSUMPTION

Alisher Anvarjonovich Ergashev
Tashkent branch of Samarkand State University of Veterinary Medicine, of Livestock and Biotechnology

ABSTRACT

This article provides detailed information on how to feed dogs according to the ration and how to maintain a daily feed consumption for a night and a monthly calculation of food products that provide the physiological norm of the dog's extigo to nutrients.

Keywords: *dogs, diet, fat, meat, fish, feed, feed proteins, fats, mineral salts, carbohydrates, vitamins, water and eggs*

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada itlar ratsion bo‘yicha oziqlantirilishi va itlarning to‘yimli moddalarga bo‘lgan extiyoji fiziologik me’yorini ta’minlovchi ozuqa maxsulotlarining bir kecha-kunduzlik jamlanmasi hamda oylik hisobini yuritish kunlik ozuqalar sarfi batafsil ma’lumot berilgan.

Kalit so'zlar: *itlar, parhez, yog ', go'sht, baliq, ozuqa, ozuqa oqsillari, yog'lar, mineral tuzlar, uglevodlar, vitaminlar, suv va tuxum*

АННОТАЦИЯ

В данной статье дана подробная информация о том, как кормить собак по рациону и как поддерживать суточный расход корма на ночь и месячный расчет пищевых продуктов, обеспечивающих физиологическую норму экстиго собаки к питательным веществам.

Ключевые слова: *собаки, рацион, жир, мясо, рыба, корма, кормовые белки, жиры, минеральные соли, углеводы, витамины, вода и яйца.*

INTRODUCTION

The fact that dogs lead a balanced lifestyle and have a high performance is directly related to their proper feeding. Proper nutrition means that in accordance with the feeding regimen, physiologically grounded norms of nutrient requirements and nutrition on a high-quality and consistent diet (table 1), it is carried out according to a special program for calculating the schedule for dogs of age, medium and large breeds.

Based on the table above, this is a program to quickly and easily calculate the daily dietary requirements of service dogs based on diet, age, gender and diet.

Proper dietary nutrition has a positive effect on the health, growth, development, physique and weight of a dog. It is an important factor in maintaining your dog's strength and performance.

DISCUSSION AND RESULTS

Violation of the rules of nutrition dramatically reduces the quality of practical training (dressing) and their use. In many cases, serious illness can lead to weight loss and sometimes death of the dog. The smoothness of the processes occurring in the body largely depends on the quality of their nutrition. Proper nutrition is only possible when the quantity and quality of the feed provided is adjusted to the physiological nutritional needs of the dogs. Poor nutrition and overfeeding of dogs can damage reproductive cells, fetal development and the quality of the offspring

The degree of nutritional value of nutrients in kilocalories (kcal)

Table 1

t/r	Feed name	100 grda Kcal.	medium breed daily norm	Kcal	large breed daily norm	Kcal
1	chopping (rice)	344,0	0,075	258	0,15	516
2	barley	354,0	0,075	265,5	0,15	531
3	oats	328,0		0		0
4	wheat	335,0		0		0
5	Meat	274,0	0,112	306,88	0,14	383,6
6	byproducts	241,0	0,12	289,2	0,15	361,5
7	Carrots	35,0	0,015	5,25	0,025	8,75
8	onion	47,0	0,01	4,7	0,02	9,4
9	Beets	43,0	0,015	6,45	0,02	8,6
10	Cabbage	27,0	0,02	5,4	0,03	8,1
11	Salt	0,0	0,005	0	0,008	0
12	Sut	59,0		0		0
13	potatoes	77,0	0,02	15,4	0,025	19,25
14	turnip	32,0	0,02	6,4	0,03	9,6
15	feed Shappi	350,0	0,1	350	0,2	700
16	Eggs	158,0		0		0
Total				**1513,2**		**2555,8**

The dog belongs to the category of wild animals and consumes mainly meat. It is necessary to take into account the specific physiological characteristics of the digestive system so that an unhealthy diet does not negatively affect the body. The body constantly uses the necessary substances for various chemical and biological processes. In order for the body to continue its activity, it must fully compensate for the consumed substances. Substances that enter the body under the action of enzymes perform this initial function.

Nutrients are food chemicals (protein, fat, minerals, carbohydrates, vitamins, and water) that are metabolically absorbed into the dog's body and used to keep the dog alive.

The value of a food product is characterized by its ability to meet the nutritional needs of dogs, to ensure their health and working capacity. Nutrition depends on its nutritional, biological and energy value.

The nutritional value of a product is determined by the quantitative composition of proteins, carbohydrates, fats, mineral salts and vitamins.

The biological value of a nutrient is determined by the amount of quality proteins and fats it contains. Animal products: Meat, fish, milk and dairy products are among the sources rich in protein. The proteins in these products contain all the essential amino acids, are easily broken down in the gastrointestinal tract and are well absorbed. Proteins are 1.2 times more biologically valuable and effective than vegetable proteins.

Protein is needed by dogs for the regeneration of body tissues and the production of protein in the milk of lactating females. Lack of protein in the diet leads to a delay in the growth and development of dogs, impaired mating function, difficulty in assimilating nutrients in the diet, and a decrease in the body's fight against diseases. Excessive protein in the diet is also bad for the dog. Optimal Protein Requirements: 4.5 grams for adult dogs and 9.0 grams for puppies per kg body weight. When service dogs are doing normal work, the protein requirement increases by about 30 percent. Protein demand also increases when adult females are pregnant, breastfeeding, or when the strain on males and other dogs increases dramatically.

The energy value or calorific value of a nutrient consists of the amount of energy present in proteins, carbohydrates and fats released during biochemical oxidation. Power (energy) of the function of an internal organ. Muscle and motor tone are also needed to maintain a certain body temperature, and so on. Energy is produced from proteins, fats and carbohydrates and determines the overall level of nutrition and is characterized by the amount of total (ie) Energy, expressed in

kilojoules. It was found that one gram of protein in the body is oxidized: 16.7 kJ: 1 gram of fat releases 37.7 kJ, and 1 gram of carbohydrates releases 15.7 kJ of energy: 4,186 kJ of energy. Energy requirements depend on the dog's weight, ambient temperature, coat condition, sex, age, body composition, muscle function, the physiological condition of the dog and the bitch's throat. Their energy demand at night decreases in summer and increases by an average of 15 percent in winter. Therefore, it is necessary to increase the caloric content of food supplied to male dogs and females, adult and young dogs, dogs with lean muscles and raw dogs, angry dogs, cold-blooded males and females, pregnant and lactating females. As the work progresses, the demand for energy will increase. For example, average dog work increases consumption by 20-30 percent. The amount of energy expended on work depends on the training level of the dog and the breed. Lack of energy in the diet leads to weight loss, and excess energy leads to obesity.

Carbohydrates. Carbohydrates (sugar, starch, fiber, etc.) are an important source of energy in the body. In particular, fiber helps to stretch and shrink the intestines. Optimal carbohydrate requirement: 1 kg. live weight - 10 g for adult dogs, including fiber - 1 g, for dogs - 15.8 g, as well as fiber - 1.5 g. The need for carbohydrates in adult dogs is inversely proportional to the fat content in the diet. giving too much sugar and starch makes them thick.

To fats. The nutritional value of fats is determined by the presence and high calorie content of vital fatty acids that make up the cells of the body. The optimal need for fat in adult dogs is 1.32 g per 1 kg of live weight, in dogs - 2.64 g. Lack of fat in the diet of dogs is accompanied by growth retardation, impaired urinary function, hypovitaminosis, skin diseases, dermatitis, hyperkeratosis, peeling, salivation, hair depigmentation and others. It is harmful and too much fat in the diet.

Vitamins. Vitamin A (retinol) is found in fish oils, dairy products, egg yolks, vegetables, and fish liver. This vitamin improves vision, promotes metabolism, accelerates growth, and increases the body's resistance to infectious diseases.

Vitamin C (ascorbic acid) - found in cabbage, potatoes, herbs, feed yeast, liver, increases the body's resistance to infectious diseases, provides protein and carbohydrate metabolism.

Vitamin V1 (aneurin) - found in rye and wheat flour, bread, oatmeal, meat, vegetables, yeast. Promotes the complete oxidation of carbohydrates in the body, has a positive effect on the nervous system.

Vitamin V2 (riboflavin) - found in yeast, rye and wheat bread, potatoes, cabbage, meat, oatmeal, accelerates growth processes, renews tissues, and improves the absorption of nutrients.

Vitamin D (ergocalciferol) - is found in fish oil, milk, liver; in the absence of this vitamin, the bones of the skeleton soften and bend.

Vitamin RR (nicotinic acid) - found in rye bread, oatmeal, meat, fish, potatoes, is involved in the body's metabolism.

Water. Dogs can't tolerate dehydration compared to hunger, they suffer a lot. The need for drinking water for adult dogs is 40 ml per 1 kg of live weight, for puppies - 80-120 ml. The need for water depends on the nature of the food, the season, the work performed, and so on. The demand for it increases sharply during large-scale works and in the summer. The drinking water provided must be clean, clear, odorless and warm. Since contaminated water is a source of infectious diseases, dogs are not allowed to drink water from ponds, small bodies of water, and streams and rivers that flow through settlements.

Food products. For feeding they are given meat, head, intestines, porridge, bread, potatoes and vegetables. In addition, puppies and lactating females are fed eggs, milk and cottage cheese.

The meat is considered the most nutritious. In most cases, low varieties of beef and lamb are used. Raw meat is consumed boiled. A good lean brick is needed, because fatty meat has a negative effect on the gastrointestinal tract.

Typical architects of meat in the diet: for adult service dogs - 400 gr., For strong puppies up to 2 months old - 50-200 gr., For strong puppies 2-4 months old - 200-400 gr., For 4-6 months old. - 400 gr. 500 gr. , 500-600 grams for a period from 6 months to 1 year. to shape.

Dry foods: these are pedigree, chappy. Special dry substances include protein, fat, mineral salts, carbohydrates, vitamins, water, amino acids, fish and bone meal. They are very useful, consume, replace energy, and work with appetite. Currently, unit costs can be high, more pedigree dogs are employed, and dogs are not being fed in kennels. They are replaced by ten meat ones. On business trips with him working dogs, it is very good to change dogs in a mountain or steppe, desert. From those who uploaded themselves to NCC. Dry cases are processed only on business trips.

Bones: Long-term bone loss can lead to a general weakening of the dog's skeleton.

Milk and cottage cheese: puppies, pregnant and lactating females are very valuable food for sick, malnourished dogs.

Puppies, pregnant and lactating females, sick and males are fed with eggs during the mating period.

Beef fats: (beef fat, mixed fats) are given in the colder months of the year in addition to the diet at the rate of 20-30 g per day.

Wheat, millet, beets, barley, rice porridge form the basis of the diet.

Vegetables: (carrots, beets, potatoes, cabbage) are a source of vitamins, digestible carbohydrates, minerals, organic acids and fiber.

Nutritional supplements - yeast, vitamin preparations, bone meal, salt, etc. Also rich in vitamins and minerals. Fodder yeast and brewer's yeast contain B vitamins, which are administered at night, and during the mating season - 20-30 g for males and 5-10 g for dogs.

Dogs are fed according to the diet. The diet is a set of food that meets the physiological norms of the dog's nutritional requirements, as well as a daily calculation of the monthly food intake.

CONCLUSION

This is achieved through the exchange of meat products, cereals and vegetables. If dogs are of average weight and weight does not change, the diet is considered to be correct. Conversely, if dogs lose weight, they will be malnourished and over-fed. Strict adherence to food standards is a prerequisite for quality nutrition. It is necessary to monitor the appetite of dogs, because the lack of appetite in food indicates the wrong structure of the diet. The cooked food should be varied, tasty and flavorful. This ensures fast absorption of nutrients.

High quality nutritious soup - cooked in the form of porridge. Before laying it out, it should be cooled to 30-35 degrees. Each dog is provided with containers from 2 to 5 liters: one for food, the other for water. The dishes are washed after each meal, and the drinking water in the second dish is changed daily.

The cooking method described above has been used in practice for many years and has proven to be effective.

REFERENCES

1. "National Encyclopedia of Uzbekistan" Tashkent 2010
2. "Fundamentals of Cynology", Tashkent, 2006
3. EL Erasulimsky "Dog extermination and its evaluation" Moscow, 2002.
4. AA Stekolnikov “Nutrition and Diseases of Dogs and Cats”: Handbook. SPb: Publisher "Lan", 2005.

ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ КАСБИЙ АХБОРОТ-МОДЕЛЛАШТИРИШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Отабек Чулиевич Кузиев
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада техника йўналишида тахсил олаётган талабаларда замонавий технологик саводхонлигини ошириш, уларнинг фаолиятида рақамли технологиялар мухим ахамият касб этишини англашига эришиш, касбий тайёрлаш жараёнида ахборот-моделлаштириш кўникмаларини ривожлантириш, шакллантиришга туртки бўладиган дидактик шартларига асосланган ҳолда, уларда касбий ахборот моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш учун тақдим этилган моделларни муҳокама қилиш, турли такомиллашган моделларни яратишдаги иштироки, мулоқот жараёнилари, талабанинг ўз билим доирасиги имкониятлари, дастлабки касбий фазилатлари ва қобилиятларига, талабанинг жамоада, гуруҳда ишлаш лаёқатига аҳамият берилган.

Таянч сўзлар: *Касбий ахборот моделлаштириш, процессуал компонент, конструкция, рақамли технологиялар, дидактик шартлар, модел, компонентлик.*

ABSTRACT

This article will discuss the presented models for the formation of professional information modeling skills in students studying in the technical direction, to achieve the realization of the profession of digital technology in their activities, to develop information and modeling skills in the process of professional training, to discuss the presented models for the formation of professional information modeling skills, to, importance was given to professional qualities and abilities, the student's ability to work in a team, group.

Keywords: *Professional information modeling, procedural component, design, large-scale technologies, didactic conditions, model, component*

КИРИШ

Дунёда бўлажак муҳандисларнинг замонавий билимларини кенгайтириш, рақамли технологиялар билан уйғунлаштириб, технологиялар такомиллашиб бораётган даврда инсонлар онгида, эртанги кун иқтисодиёти - билим ва юқори технологиялар иқтисодиёти деган фикр ўз тасдиғини топиб бормоқда.

Олий таълим шароитида самарали моделларни яратиш, амалиётга тадбиқ этиш ушбу фаолиятга ҳамроҳ бўладиган технологиялар тизимини модернизация қилиш - бу ахборот макони, ахборот жамиятини ривожлантириш ресурслари тўғрисида кенг тушунчаларни талаб этади. [1].

Талабаларнининг ахборот моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш жараёни моделини учта блокдан иборат тарзда туздик: мақсад блоки, стратегик блок ва натижа блоки. Ушбу тузилмавий блоклар мазмуни ва компонентлари, ўзаро алоқадорликлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мақсад блоки жараён моделининг асосий бошланғич нуқтаси бўлиб, ушбу мақсад асосида кейинги блоклар ташкил этилади. Модел мақсадини белгилашда эса талабаларда ахборот моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш жараёни асосий *субъектларининг эҳтиёжлари* (ахборот моделлаштириш кўникмасини эгаллаш, ундан фойдаланиш эҳтиёжи, амалий фаолиятда мазкур кўникмани эгаллашга бўлган талаблар ва ҳоказо) ҳамда *жамият талаблари* (ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши, касбий фаолиятда АКТдан фойдаланиш кўникмаларига бўлган эҳтиёжлар, иш самарадорлигини ошириш имкониятларидан кенг фойдалана билиш асосида белгиланадиган талаблар) асосида белгилаб олинади. Ушбу икки омилдан келиб чиққан ҳолда модел мақсадини “Бўлғуси муҳандисларда ахборот-моделлаштириш кўникмасини шакллантириш асосида уларни касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини ошириш” тарзида белгилаб олдик.

Шунингдек, ахборот моделларининг жадвалли, графикли, динамик, статик, иерархик, тармоқли каби турлари келтириб ўтилган. Ушбу моделлар бўлажак муҳандислар фаолиятида кенг қўлланилиб, ушбу жараёнга тайёрлашда талабалар ҳар бир модел тури ва улар билан ишлашга доир тажрибалар билан батафсил таништириб ўтилади. [3].

Бўлажак муҳандисларни ахборот моделлаштириш фаолиятига тайёрлашда амал қилинадиган **тамойиллар** қуйидагилардан иборат:

- фаолиятлар интеграциялашувини мувофиқлаштириш тамойили;
- талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш тамойили;
- ижтимоий масъулиятлилик тамойили;
- ижтимоий компетентлик тамойили;
- узлуксиз ривожланиш тамойили;
- мувозанатлаштириш тамойили;

•ахборотлардан фойдаланишда мобиллик тамойили.

Талабаларни ахборот-моделлаштириш фаолиятига тайёрлашда қуйидаги дидактик шарт-шароитлар талаб этилади:

•талабалар ва ўқитувчиларнинг методик, информацион ва моделлаштириш фаолиятини ягона дидактик тизимга интеграциялаш;

•талабаларнинг ахборот-моделлаштириш фаолияти таркибига ахборот технологиялар асосида касбий масалаларни ҳал қилиш босқичларини киритиш;

•ахборотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, унга ишлов бериш, узатиш, моделлаштириш бўйича субъект ва АКТ ўртасидаги интерактив имкониятни амалга ошириш;

•таълим жараёнида фойдаланиладиган ўқув материалларини анимация, видео ва шу кабилар воситасида тақдим қилиш;

•ахборот-моделларини тайёрлашнинг методик, информацион ва предметли соҳалари яхлитлигини шартлаб берувчи модул дастурлари, ўқитишнинг техник ва аудиовизуал воситаларини моделлаштириш.

Моделнинг ***стратегик блокида*** ахборот-моделлаштиришни амалга ошириш босқичлари келтирилган.

1-босқич: *конструктив шакллантирувчи босқичга* моделни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, белгиланган вазифаларни ҳал қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш киради. Ушбу босқичда бўлажак муҳандиснинг фаолиятини моделлаштиришда турли хил ахборот технологиялари кўникмаларини, шу жумладан, амалий дастур пакетларидан фойдаланишни таъминлайди. Ишнинг ушбу босқичида талаба ўз тадқиқотларининг тажриба-синов маълумотларини қабул қилиш, қайта ишлаш кўникмаларини, ўзгартириш ва яратиш қобилиятларини ривожлантиради.

Фаолиятни моделлаштиришни амалга ошириш учун бўлажак муҳандис янги ахборот технологияларини, шу жумладан, дидактик шартлардан бири бўлган компьютер технологияларидан фойдаланишни, махсус ахборот ва методик таъминотни бирлаштирган замонавий компьютер ёрдамида моделлаштириш тизимларини ўзлаштириши керак [3-4].

Моделлаштиришни амалга ошириш жараёнида ечилган техник муаммолар блоки иложи борича муҳандис касбий фаолиятининг вазифаларига мос келади, талабаларнинг касбни эгаллаш ва билим олиш мотивацияларини оширади, конструктив қарорлар қабул қилиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича кўникмаларни шакллантиради. Моделлаштириш учун меъёрий маълумотларга

мурожаат қилиш, уни излаш ва унга профессионал баҳо бериш қобилияти ҳам эгалланиши лозим [6].

Худди шу вазифаларни замонавий дастурий таъминот ёрдамида кўриб чиқиб, маълумот олиш ва ҳисоблаш натижаларига эга бўлиш натижасида автоматлаштириш [5] - механик ҳисоблашга нисбатан вақтни тежайди. Бундай вазиятда субъект-субъект тавсифига эга бўлган амалий ахборот кўникмаси муваффақиятли шаклланади.

Алгоритмлардан фойдаланган ҳолда муаммоларни ечиш бўйича моделлаштириш жараёнида талаба қўшимча маълумотлардан фойдаланади. Бу ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ўрганиш нуқтаи назаридан рефлексив фаолият натижаси бўлган ва бошқа мутахассислардан касбга мослашиши билан сифат жиҳатидан ажралиб турарди. Шу билан бирга, таълим жараёни мазмуни, танлов имконияти ва қулайлиги жиҳатидан мазмунни амалга ошириш тамойиллари ва педагогик шартлари тизимига асосланган.

Ушбу босқичда моделлаштиришни амалга оширилиши дидактик функцияларни амалга оширилишини таъминлайди: талаба назарий материални мустақил ишлаш пайтида компьютер дастурлари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш қобилиятини мустаҳкамлайди [7], педагогдан керакли фикр-мулоҳазалар олади, бунинг натижасида таълим шахсга йўналтирилган кўринишни олади, ишонч ва ўзаро тушуниш муҳити яратилади.

2-босқич: *Коррекцион-ташхислаш босқичини* амалга ошириш жараёнида моделнинг амалга оширилиши ва натижалар мониторинг қилинади. Моделнинг дастурий-технологик ва ташкилий-фаолият компонентлари таҳлил босқичи билан таққосланади, қўшимча киритиш ва мавжуд шартларни мустаҳкамлаш натижалари олий таълим муассасаси ахборот-таълим маконига ўз таъсирини кўрсатади. Моделни амалга ошириш жараёнида ижодий муҳитни яратиш, ижодий компетенцияларга ташхис қўйишда муқобиллар учун қўшимча тадқиқот ишларини талаб қиладиган, тадбирларни режалаштириш ва излашда тадқиқот техник вазифасини мустақил равишда ишлаб чиқиш, муаммони қандай ҳал этишни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир.


Ушбу босқичнинг вазифаси таълимий шароитлардан узоқ бўлган ҳолатларда бўлажак мутахассисларни касбни ўзлаштириш нуқтаи назаридан текшириб кўриш, яъни, уларни ишлаб чиқариш шароитларидаги қийинчилик ва мураккабликларни ёки ностандарт вазиятларда қай тарзда ҳал қилишларини амалда синовдан ўтказишдир.

3-босқич: *Тақдимот-умумлаштириш босқичида* талабалар тадқиқот натижаларини компьютер дастурлари ёрдамида тизимга келтириб, хулосалар чиқарадилар. Олинган маълумотларни визуал материаллар (презентациялар, иллюстрациялар, диаграммалар, режа ва шу кабилар) шаклида умумлаштиради. Ушбу босқичда бўлажак муҳандиснинг ахборот компетенциясига кутилмаган вазиятларда принципиал янги қарорларни қабул қилиш, қўйилган муаммо ва саволларнинг ноанъанавий ечимларини (ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида) топа олиши каби компонентларни киритиш керак бўлади [6,7].

Стратегик блокка моделнинг асосий мазмунини ташкил этувчи талабаларнинг ахборот-моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш мазмуни ҳам киритилган. Яъни, муаллифлик дастури, методлар тизими (кейслар, инновацион технологиялар, талабаларнинг мустақил фаолияти) қамраб олинган. Кўникма ва қобилиятларнинг ривожланиш даражасини ташҳислаш касбий ДТС малака талаблари, мезонлари ва ахборот-моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш даражасини белгиловчи мезонларни ўз ичига олган натижавий-баҳоловчи компонентда ўз аксини топади. Моделнинг якунида эришиладиган *натижа* кўрсатиб ўтилди.

Ахборот-моделлаштириш кўникмаларини шакллантирилиши транспорт жараёнлари технологияси соҳасидаги касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабаларнинг умуммаданий-касбий малакаларини шакллантириш натижасидир. Таълим жараёнида талабаларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси, уларнинг тайёргарлиги, қобилиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишга табақалаштирилган ёндашувни назарда тутадиган моделлаштириш технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1-расм. Талабаларда ахборот моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш модели.


Мақсад блоки
Мақсад: Бўлажак муҳандисларда ахборот-моделлаштириш
Субъектив
Жамият талаблари
Ахборот моделлари турлари: жадвалли. графикли динамик, статик, иерархик
Тамойиллар
Дидактик шарт-шароитлар
Стратегик блок
Моделлаштириш босқичлари
Моделлаштириш кўникмаларини шакллантириш
1-босқич - конструктив шакллантирувчи
Муаллифлик дастури
2-босқич-Коррекцион-
Методлар тизими
3-босқич - Тақдимот-умумлаштириш
кей
Инновацион
ТМФ
Ахборот моделлаштиришнинг
Умумий интелектуал кўникма
Умумий дидактик кўникма
Мухандислик махсус фанлари бўйича кўникма
Натижавий- бахолаш
Мезонлар
мотивацион
фаолиятли
Когнитив
Рефлексив
Даражалар
ЮҚОРИ
ЎРТА
ПАСТ
Касбий-фаолиятга оид амалий ишлар бўйича моделларни ишлаб чиқиш ва
Касбий-амалий масалаларни ечишда назарий билимларни қўллаш, ўқув билишга
Назарий билимларга эгалиги, лекин касбий амалий масалаларни ечишга қийинчиликка дуч
Назарий билимлар билан қуролланганлик даражаси нихоятда паст, касбий-амалий масалаларни
НАТИЖА: Ахборот-моделлаштириш кўникмасига эга бўлган бўлажак муҳандис

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997. - 1-30 б.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997. - 31-63 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // Халқ сўзи, 2016 йил 16 декабрь. №247 (66.82)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ”ги ПФ -4947 сонли Президент Фармони.
5. Кузиев, О. Ч. (2012). Психолого-педагогические основы профессионально-педагогической направленности обучения специальным дисциплинам в республике Узбекистан. *Мир образования-образование в мире*, (3), 66-70.
6. Кузиев, О. Ч. (2021). МУҲАНДИСЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(6), 245-250.
7. Шодиев, Р. Д., Шарипов, Э. О., & Қўзиев, О. Ч. (2022). Бўлажак муҳандиснинг ўз фаолиятини моделлаштириш модели. Ta’lim fidoyilari, 18(5), 9-14.
8. Chuliyevich K. O. Ways of Implementation in the Future of the Formation of Information and Modeling Skills in Students of the Technical Direction //Eurasian Scientific Herald. – 2022. – T. 11. – C. 22-26.
9. Cho‘Liyevich, O. Q. Z. (2021). MAKTAB GEOMETRIYA KURSIDA ANALOGIYA METODI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(2), 84-95.

AYOL MA'NAVIYATINING O'ZGARISHIDAGI OMILLAR

M. Jo'rayeva
FarDU (PhD) dotsenti
X.Odilov
FarDU magistranti

ANNOTATSIYA

Maqolada Abduqayum Yo'ldoshevning qissachilik mahorati, xarakterlar to'qnashuvi, ayol qismati, ayol xarakterini o'zgarishida tashqi omillarning o'rni, ayol va erkak munosabati, ayollar ruhiyati tasviri, oila psixologiyasi haqida so'z boradi.

***Kalit so'zlar**: obraz, xarakter, ruhiyat, oila psixologiyasi, ayol xarakteri, tashqi muhit, ayol va erkak munosabati.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о повествовательном мастерстве Абдукаюма Юлдошева, конфликтах характеров, женской судьбе, роли внешних факторов в изменении женского характера, взаимоотношениях женщины и мужчины, изображении женской психики, семейной психологии.

***Ключевые слова:** образ, характер, психика, семейная психология, женский характер, внешняя среда, женское и мужское отношение.*

ANNOTATION

The article talks about Abduqayum Yoldoshev's storytelling skills, character conflicts, female destiny, the role of external factors in the change of female character, female and male relationship, depiction of women's psyche, family psychology.

***Key words:** image, character, psyche, family psychology, female character, external environment, female and male relationship.*

KIRISH

Abduqayum Yo'ldoshevning "Otchopar yohud o'n uchinchi uy" qissasida bozor mavzusi orqali ayollar xarakteri va ma'naviyatida sodir bo'lgan tub o'zgarishlar ochib berilgan. Asarning nomlanishi ham o'quvchi diqqatini darhol o'ziga tortadi. Aslida Otchopar (Ippodrom) mashhur bozorning nomi. Ikkinchi tomondan, otchopar so'zi manfaatlar yo'lidagi to'qnashuvlar foyda ketidan quvishlar to'xtamaydigan joy, hamma narsa sotiladigan va sotib olinadigan maskan, nafs yo'lidagi poygalar hech qachon tinmaydigan maydon ma'nolarida ham anglashilishi mumkin. "O'n uch" raqamiga kelsak, bunda ham chuqur ramziy ma'nolar bor.

Ko‘pgina xalqlarda 13 raqami xosiyatsiz hisoblanadi. Yana bir tomondan esa 13 taqsimlanmaydigan raqam. Qissadagi personajlar taqdirini ko‘z oldimizga keltirsak, Nozima bilan Flora – Janna rejalashtirgan foyda o‘rtada taqsimlanmay qoladi, aksincha, kutilmagan fojealarga olib keladi. Nozima bilan Osiyo opa o‘rtasidagi hamsoyalar ustidan davraboshlik uchun pinhona kurashlar ham ko‘z ko‘rib, quloq eshitmagan fojealarga olib keladi. Pirovard oqibatda qissaning bosh qahramoni ruhiy xastalikka duchor bo‘lganida ham shifoxonaning aynan 13 raqamli palatasiga yotqiziladi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Qissa voqealariga turtki beruvchi asosiy hodisalar nurab borayotgan sho‘rolar hukmronligining so‘nggi yillaridan boshlanadi. Iqtisodiy bo‘hronlar, boshboshdoqlik, odamlarning asta-sekin tabaqalarga ajrala boshlashi, nihoyat, bozor iqtisodiyotining boshlanishi pallalaridagi ijtimoiy-maishiy hayotda ro‘y bergan voqea-hodisalar qissa syujetining asosini tashkil qiladi. Narx-navolarning keskin oshib borishi, odamlarning tirikchilik dardida o‘zini o‘tga-cho‘qqa urishi, asta-sekin oradan ko‘tarilayotgan mehr-oqibat tushunchalari qissada bosqichma-bosqich realistik tasvirlarda ifodalanadi. Ana shunday sharoitda yangi davrning yangi qahramonlari maydonga chiqa boshlaydilar. Bunday yangi qahramonlar sirasiga ayollarni ham kiritishimiz mumkin. Shulardan biri “Nozimaxon yangi zamonning yangi ayollaridan, ya’nikim otchoparning beli baquvvat sohibalaridan edi”.

Yozuvchining Nozimaga bergan ta’riflari, tashqi qiyofasi tasviri, ayrim xatti-harakatlari o‘quvchida dastlab salbiy fikr uyg‘otadi . Biroq uning qalbiga chuqurroq kirib borgani sari o‘quvchi ko‘z o‘ngida Nozimaning tashqi ko‘rinishi, yurish-turishi, fe’l-atvori bilan zamonaviy bozor ayolining tipik obrazini namoyon qila boshlaydi. Nozima o‘zining xarakteri bilan qissadagi boshqa bekorchi ayollardan o‘zining axloqan pokizaligi, halolligi, to‘g‘ri so‘zligi, eriga vafodorligi, ishonuvchanligi bilan tubdan farq qiladi. Yozuvchi ayol tabiatiga xos bu azaliy fazilatlarning qiyinchilik bilan saqlanib qolishini otchopar bozori muhitidagi illatlar bilan goh oshkora, goh pinhona to‘qnashuvlar jarayonida aks ettiradi. Natijada xarakterlar yuzma-yuz uchrashuvlar jarayonida ham,ichki to‘qnashuvlar tarzida ham o‘sib o‘zgarib boradi. Taniqli adabiyotshunos U. Normatov ta’kidlaganidek, so‘nggi yillar o‘zbek adabiyotida paydo bo‘layotgan bu “Yangi inson bu tuyg‘ulardan voz kechmasligi, aksincha, ularni yanada ravnaq ettirib borishi kerak. Chunki, axir, ota-ona, aka-ukalar ham xalq deb atalgan ummonning tomchilari emasmi? Xalq baxti uchun kurashar ekanmiz, shu xalq yonginamizda turgan vakillari bizning yordamimizga,

madadimizga muhtoj bo‘lganida nega ular uchun jon kuydirmasligimiz kerak”. [1, 68- bet]

Nozima ana shunday tuyg‘ularga, mehrga to‘la ayol. U erta-yu kech bozorda boylik orttirish uchun emas, balki ota-onasi, aka-ukalari, ayniqsa nogiron singlisining sog‘ligini yaxshilash uchun ishlaydi. Qishloqdagi qarindosh-urug‘lariga yordam qo‘lini cho‘zadi. U zamona zayli, tirikchilik taqozosi bilan bozorchi bo‘lib qolmagan. Bu ayol o‘zini bozorchi deb hisoblaydigan, foyda ketidan tinmay halloslab, o‘zining insoniy qiyofasini yo‘qotib qo‘yadigan ayrim kimsalar toifasidan ham emas.Shu bilan birga asarda bozorni o‘z uyim deb biladigan yana bir necha bozorchi ayollar ham uchraydiki, bu toifadagi qahramonlar “Faqat “o‘zim bo‘lay” birov uchun jon koyitish kerak bo‘lsa saratonda qo‘li sovqotadigan, lekin foyda chiqadigan joyda lo‘lining eshagini sug‘orishlar ham qaytmaydigan odamlar oz emas”[1, 68-bet] ligini isbotlaydi.

Ana shunday insonlar sirasiga asardagi Qo‘zivoy bo‘lsa, yana biri odamlarga firib berishda ustasi farang, boshqalarning boshiga kulfat keltirishdan toymaydigan Flora kabilar kiradi. Biz aynan Qo‘zivoy obrazi orqali tashqi ko‘rinishidan qanchalik shaldir-shuldir bo‘lmasin, uning vositasida Nozimaning aslida ichki olami nechog‘lik boyligi, nafsoniyati kuchliligini, insoniy oriyatni, ayollik nomusini har narsadan ustun qo‘ya olishini bilib olamiz.

Adabiy asarda xarakter ruhiyatini ochish, umuman, inson obrazini yaratishning muhim vositalaridan yana biri personaj nutqidir. Zamonaviy nasrda dialog salmog‘ining ortishi barobari personaj nutqining obraz yaratishdagi mavqei ham kuchaydi. Mohir yozuvchi personaj nutqini individuallashtirish orqali uning shaxsiyati, dunyoqarashi, muayyan hayotiy holatdagi ruhiyati haqida o‘quvchiga ko‘p narsalarni yetkaza oladi. Aytish kerakki, dialoglarda personaj nutqi muallifning qisqa, lo‘nda sharhlari bilan ta’minlanadi. Personajning yuz-ko‘z ifodasi, mimikasi, undagi fiziologik o‘zgarishlar haqida ma’lumot beruvchi detallar dialogda juda katta ahamiyat kasb etadi. Ular personaj nutqini "eshitish" va uning xatti-harakatini "ko‘rib turish" imkonini — sahnaviylik effektini yaratadi, ya’ni, inson obrazining to‘laqonli, jonli chiqishini ta’minlaydi. Adabiyotshunoslikda inson obrazi bilan bog‘liq holda badiiy obrazning yana bir muhim xususiyati — uning o‘z xarakter mantiqidan kelib chiqqan holda harakatlanishiga alohida diqqat qilinadi. [2, 77-bet]

Bozor muhitining shafqatsiz o‘yinlari, turli falokatlar, foiz hisobiga ko‘payib ketgan qarzlar, omborxonaning kutilmaganda yonib ketishi, keskin o‘zgargan tanish – bilishlar, qo‘ni-qo‘shnilarning muomala-munosabatlari oxir-oqibatda

Nozimani eng nafratlanadigan odami – Qo‘zivoydan ham qarz so‘rashga majbur qiladi.

Nozimani qarz so‘rashga majbur qilgan kimsa Osiyo opadir. Osiyo opa boylik ilinjida, mashina minish orzusida Nozimani Qo‘zivoyga qo‘shib bermoqchi bo‘ladi. U Nozimaning oilaviy ahvolidan yaxshi xabardor,shuning uchun sizga yordam beraman, ishingiz yurishib ketadi, deb (aslida pul evaziga) uni badnom qilmoqchi bo‘ladi va bunga erishadi ham.Flora esa ochko‘zligi tufayli, Nozimaga do‘st tutinib, uni katta qarzga chuv tushirib, qochib ketadi.

Muallif Nozima xarateridagi eng yetakchi xususiyatlarni bozor fonida to‘laqonli ochib bera oladi. Bozor muhitining dahshatli sinovlari er-xotin Nozima va Samadni nechog‘lik birlashtirsa, undagi yovuzlik, manfaatparastlik, tubanlik, nafs Qo‘zivoy va Osiyo opa singari ikki xil tabiatli kimsaning til topishiga ham imkoniyat yaratadi. Osiy opa va’da qilingan jaraq-jaraq pul evaziga Nozimani badnafs Qo‘zivoyning iflos to‘shagiga yetaklab boradi.

Takabburlik, ta’na qilish, ayb qidirish eng qabih illatdir. Kishining tabiati ushbu illatlar bilan bulg‘ansa, bu uning ishi, faoliyatiga ham ta’sir ko‘rsatadi. Takabbur kimsalarning o‘zida yo‘q halollikni boshqalardan talab qilishi juda kulgili tuyiladi. Chunki bu dunyoda barcha bir-birini ko‘rib, kuzatib yuradi. Qissadagi Osiyo opa, Flora shundaylar toifasidan. Osiyo opa obrazi orqali shafqatsizlarcha ochib tashlangan voqelik, hayotiy haqiqat, bir umr rolga kirib yashagan, o‘zini bekamu ko‘st ko‘rsatadigan, yo‘q omadini ko‘z-ko‘z qiladigan, aslida g‘arib va mushtipar Nozimaning haqiqatni tan olishga majbur qiladi.

Flora tuban va qabih ayollardan bo‘lib, birinchidan, bozor muhitidagi manfaatparast, razil, firibgar kishilarning tipik timsoliga aylangan bo‘lsa, ikkinchi tomondan Nozima xarakteridagi biz bilmagan, kutmagan ijobiy qirralarini kashf etishimizga yordam beradi. Bozorning shafqatsiz o‘yinlari, kutilmagan falokatlari bor. Nozimaning ana shunday kutilmagan holga tushib, kasodga uchrashiga Flora sababchidir. Nozimani tengsheriklikda Hindistondan mol olib kelib foyda haqidagi avrashlari bilan kattagina pulga chuv tushirib ketgan Flora ham tovlamachiligi uchun emas, o‘zini Hindistonga parvoz chog‘ida aviahalokatga uchraganligiga ishontira olganligi uchun larzaga soladi. Nozima ketgan pullariga emas, Floraning yosh joni juvonmarg bo‘lgani uchun esankirab qoladi. Aslida esa firibgar Flora bu nayrangni ataylab uyushtirgan, samolyot haqidagi e’lon ham soxta edi. Yozuvchi Osiyo va Flora obrazlari vositasida bozor muhiti hamda bozor odamlarining naqadar shafqatsiz ekanligini ifodalashga erishgan. Ammo muallifning asosiy g‘oyaviy-niyati Nozima xarakteri orqali ilgari suriladi. Uning sabr-toqatli ayolligi, tushkunlikka berilmasligi,

har qanday murakkab vaziyatda ham o‘zligini boy bermasligi muttaham va firibgarlarni tahlikaga soladi. Nozima – tadbirkor ayol. Biroq, u boshqa ayollardan bolalarcha soddaligi, beg‘uborligi,eng asosiysi ishonuvchanligi bilan voqealar rivojida tobora ochilib boradi.

Qo‘zivoy Nozimani jisman mavh etsa-da, uni ruhan sindira olmaydi. Nozima ayollik or-nomusi, eriga sodiqligi yo‘lida so‘nggi tomchi kuchi qolguncha kurashadi. Mehr-muhabbatini bag‘ishlagan yagona erkak Samadga oxirgi lahzada ham xiyonat qilmaydi. Shu o‘rinda U.Hamdamning “Muvozanat” romanidagi Zahro obrazi ko‘z oldimizda gavdalanadi. Zahro boy, puldor Mirazimning xotini bo‘lsa-da, u eriga xiyonat qiladi. Oygul esa yo‘qchilikka chidolmay Yusufni tashlab ketadi. Nosir Zohidning “Qasos” qissasida Lobar yo‘qchilikdan, dangasalikdan zinoga yo‘l qo‘yadi. Shu yo‘l bilan kun o‘tkazadi. Solih Qahhorning “Daydi qizning daftari” asarida bir qancha ayollar Shohida, Hurshida, Tahmina kabilar hamko‘ngilning quli, hayotga yengillik bilan boquvchi ayol sifatida gavdalanadilar. Shu jihatdan Kaniza, Oygul, Lobar, Shohida, Hurshida, Tahmina kabi obrazlar bilan qiyoslanganda, Nozima farishta ayol. U botqoqlikka botganda ham qiyin vaziyatda qolganiga qaramay, sadoqatli yor sifatidagi qiyofasini yuqotmaydi. Muallif pozitsiyasida Nozima umr yo‘ldoshi Samadga qulday sadoqatli deb ko‘rsatiladi. Nozima esa yo‘qchilikka ham, to‘qchilikka ham chidab, hayotda xursand yashaydi. Hayotning og‘ir-qiynoqlarida ham, taqdirning turli tuman o‘yinlarida ham u eriga xiyonat qilmaydi.

Bu yerda personaj odamlar o‘zligini unutgan, vijdon, or-nomus o‘zidan quvib yuborgan jamiyat vakili sifatida har tunda o‘z makoniga, egasi ruhiyatiga, vujudiga kirish uchun yashirinib kelayotgan vijdon bilan kurashadi. Asliyatini o‘zidan quvishga urinadi. O‘tgan asrning so‘nggi o‘n-o‘n besh yilida adabiyotimizda yuqoridagi kabi obrazlarni yaratish holati uchrab turgan. Masalan, Usmon Azimning “Dasht haqida ballada” asarida o‘zi tug‘ilib o‘sgan dasht bilan birga shakllangan xarakter, ichki olamning asardagi obraz bilan Toshkentga kelgani, biroq lirik sub’ekt uni qabul qilolmasdan, vokzalda qoldirib, o‘zi shaharda yangicha qiyofaga kirgani haqidagi fikr ifodalanga[4.54-bet]. Bunday o‘xshashlik o‘sha paytda yangi inson konsepsiyasini yaratishga bo‘lgan intilish anchayin dolzarb muammo bo‘lgani bilan izohlanadi. Biroq A.Yo‘ldoshev mazkur asarida azaliy muammoni o‘ziga xos ichki monolog, personajning o‘zi-o‘zi bilan suhbati ko‘rinishida, nasriy yo‘l bilan ochiq bayon etgan.[5. 70-bet]

Asardagi Salima opa, Osiyo opa, Flora (yana bir ismi Janna) o‘zining manfaati yo‘lida hech narsadan qaytmaydigan, boylik evaziga, o‘zgalarni aldab, nopok yo‘llarga undovchi ayollardir.

XULOSA

Ko‘rinadiki, asardagi bu uchala ayollar o‘ziga xos xarakterga ega. Biroq yozuvchi o‘zining mazkur qissasida g‘oyaviy maqsadi, badiiy idealidan kelib chiqib, voqea- hodisalarni xolis tasvirlashga harakat qilgan. Qahramonlarning insoniy qiyofasini belgilashda jamiyatda tutgan o‘rni, turmush tarzi, o‘zini qanday tutishini emas, qalb go‘zalligini asosiy mezon qilib belgilagan. Shuning uchun ham asardan kelib chiqadigan asosiy xulosa – inson har qanday muhit va sharoitda ham inson bo‘lib qolishi uning o‘ziga bog‘liqligidir.

REFERENCES

1. Gafurovich, S. A. (2021). Analysis Of The Poem" Autumn Dreams" By Abdulla Oripov. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(01), 556-559.
2. Sabirdinov, A. . (2021). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. *Конференции*, *1*(2).
3. Mukhammadjonova Guzalkhan. The image of a creative person in the poetry of Erkin Vohidov. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume : 10, Issue : 11, November. - India, 2020.
4. Mukhammadjonova, G. (2020, December). ARTISTIC INTERPRETATION OF THE CREATIVE CONCEPT IN WORLD LITERATURE. In *Конференции*.
5. Abdurashidovich, K. A. (2018). Motivation and National Character of Foolishness in Uzbek Literature. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, *7*(4), 47-51.
6. Qayumov, A. (2018). Creating of a national character through means of literature. *Theoretical & Applied Science*, (1), 235-240.
7. Kayumov, A. A., & Isakova, J. B. (2022). DESCRIPTION OF A CHILD'S IMAGE IN UZBEK LITERATURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, *2*(02), 115-122.
8. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *3*, 9-13.
9. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *3*, 9-13.

10. Джураева, М. А. (2020). THE CONCEPT OF A NEW HUMAN-BEING IN MODERN UZBEK STORIES. *Ученые записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Серия гуманитарно-общественных наук*, (2), 85-89.
11. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. *Scientific Journal of Polonia University*, *32*(1), 116-120.
12. Murodilovna, O. G. (2019). The peculiarities of vazn meter in uzbek poetry of the independence period. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, *8*(2), 33-39.
13. Oripova, G. M. (2021). Genesis And Essence Of Genre Concept. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(12), 90-94.
14. Akhmadjonova, O. A. (2021). Symbolic And Figurative Images Used In The Novel "Chinar". *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(03), 389-392.
15. Ahmadjonova, O. (2020, December). THE ARTISTIC SKILL OF THE CREATOR. In Конференции.6. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 245-249.
16. Xasanova, X. (2020, December). THE MISSION AND LITERATURE OF LETTERS IN STORIES AESTHETIC FUNCTION. In *Конференции*.
17. Makhmidjonov, S. (2021). ARTISTIC INTERPRETATIONS OF THE EDGES OF THE HUMAN PSYCHE. Интернаука, (15-3), 75-76.
18. Yulchiyev, Q. (2019). The development of lyric chronotop in Uzbek poetry. *Scientific journal of the Fergana State University*, *2*(2), 77-81.
19. Юлчиев, К. В. (2020). ЛИРИК ШЕЪРДА БАДИИЙ МАКОН МУАММОСИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *3*(5).
20. Azimovich, R. Z. Chronotope Image in the Novel" Ulugbek Treasure" by Odil Yakubov. *International Journal on Integrated Education*, *3*(11), 183-186.
21. Rahimov, Z., & Gulomov, D. (2020, December). RETROSPECTIVE STRUCTURE IN FICTION. In *Конференции*.
22. Dehkonova, M. S. (2020). OYBEK'S POETRY THROUGH ANALYSES OF REPRESENTATIVES OF OYBEK STUDIES SCHOOL. Theoretical & Applied Science, (2), 13-17.
23. Hamidov, M. (2020, December). ARTISTIC FEATURES OF SHUKHRAT'S NOVEL" MASHRAB". In Конференции.

24. UMURZAKOV, R. (2018). Social environment and spiritual world of teenager in narrative "Saraton" by N. Fozilov. *Scientific journal of the Fergana State University*, *1*(4), 104-105.
25. Umurzakov, R. (2021). ERA AND SPIRIT IN THE STORY "TWICE TWO IS FIVE". *Journal of Central Asian Social Studies*, *2*(02), 26-35.
26. Kasimov, A. Albert Camus in Uzbekistan.
27. Kasimov, A. A. (2020). PECULIARITIES AND SIMILARITIES OF SYMBOLIC EXPRESSION IN THE NOVELS "THE PICTURE OF DORIAN GRAY" AND "THE MAN AT THE MIRROR". *Theoretical & Applied Science*, (5), 590-592.
28. JURAYEV, H., & ABDURAHIMOVA, J. (2018). Semantic layers of the expression in the Babur lyric. *Scientific journal of the Fergana State University*, *1*(3), 111-112.
29. Rustamova I.I. Rhythm Views on the Plot of the Work / / Badiy asar syujetida ritm ko'rinishlari. // International Journal of Innovative Research. – India,June, 2021, –P. 8355-8357.
30. Rustamova I.I. PORTRAIT AND ITS ARTISTIC-AESTHETIC FUNCTION IN THE WORKS OF ABDULLA QAHHOR//Abdulla Qahhor asarlarida portretning badiiy-estetik funksiyasi//AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. –America, December, 2021, –P. 230-234.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ДАВР ТАЛАБИДИР

Худойбердиев Хурсанд Худойбердиевич
Термиз муҳандислик-техҳнология институти доценти
Фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Атакулов Мавлонбек Саиткулович
Термиз муҳандислик-техҳнология институти ўқитувчиси.
worldstudent@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – миллий маданият масаласи бўлиб, у ушбу изланишда таҳлил қилинган. Миллий маданият масаласи ўзига хос кўринишда қадимдан мавжуд бўлиб келганлиги, кеча ҳам, бугун ҳам ушбу масала ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Маданиятнинг муҳим жиҳатини миллий маданият ташкил қилади.

Калит сўзлар: *миллат, миллийлик, манфаат, жамият тараққиёти.*

THE DEVELOPMENT OF OUR NATIONAL CULTURE IS A REQUIREMENT OF THE TIME

Khudayberdiev Khursand Khudoyderdiyevich
Candidat of Philosophy, Associate Professor.
Termez institute of engineering and technology
Atakulov Mavlonbek Saitkulovich
Teacher of Termez institute of engineering and technology.
worldstudent@mail.ru

ANNOTATION

The article describes one of the characteristics of each nation, analysis of national interest. It emphasized that the historical development of social benefits is the key to the development of society. An important aspect of culture is national culture.

Keywords: *nation, nationality, benefit, community development.*

РАЗВИТИЕ НАШЕЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ – ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

Худойбердиев Хурсанд Худойбердиевич
Термезский Инженерно-Технологический институт,
кандидат философских наук, децент.

Атакулов Мавлонбек Саиткулович –
Преподаватель Термезский Инженерно-Технологический институт.
worldstudent@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В статье анализирован понятие национальния интереси и его особенности. Критикуется отсутствие к национальчеловеческого отношения культуры. Значение национальных культуры в процессе общественные развития нового Узбекистан.

Ключевые слова: *нация, национальная культура, общественное развитие.*

КИРИШ

Маданият арабча-мадиналик, шаҳарлик, таълим тарбия кўрган, лотинча ишлов бериш деган маънони англатади. Маданият-табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усулидир. Маданият алоҳида индивиднинг ҳаёт фаолияти (шахсий маданият), ижтимоий гуруҳнинг ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулини акс эттиради. Дастлаб маданият тушунчаси инсоннинг табиатга мақсадга мувофиқ таъсири (ерни ишлаш ва бошқалар) ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаш ва ўқитиш маъноларини ифодалаган. Уйғониш даврида маданият етуклиги, Кейинчалик маданият тушунчаси орқали цивилизация билан боғлиқ мазмун тушунила бошлаган. Уйғониш даврида маданият етуклиги деганда инсоннинг инсонпарварлик ғоялари, кейинроқ, маърифатпарварлик ғояларига мувофиқликни тушуна бошладилар.

Жамиятдан ташқарида маданият мавжуд эмас. Ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш маданиятга таъсир этади ва маданият бу муносабатларнинг қандай натижаларга олиб келишидан хабар беради. Шу нуқтаи назардан маданият нафақат ўтмишга ёки бугунга, шу билан бирга келажакка муносабатдир.

Маданият инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичи. Инсоният ўзи ҳам пировард натижада маданиятнинг маҳсулидир. Маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади.

Маданиятнинг ижодкори, энг аввало, халқ. Халқ маданиятида авлодлар-аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар жамланган. Уларни ўзлаштирмай, билмай туриб, маданиятли киши бўлиб етишиш қийин. Худди шунингдек, маданият ривожида профессионал ижодкорлар ва санъаткорлар ҳам катта ўрин тутадилар. Улар туфайли маданиятда янги оқимлар, ижод турлари,

бадиий эстетик қарашлар юзага келади. Маданият ўз моҳиятига кўра моддий ва маънавий маданиятга бўлинади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Моддий маданият деганда инсон томонидан табиат кучларини ўзлаштиришнинг сифатий даражасига, меҳнат қуролларининг такомиллаштирувига, ишлаб чиқаришнинг техник даражасига, кишиларнинг техникадан фойдаланишдаги иш тажрибалари ва кўникмаларига, уларни илмий асосланишига, меҳнат маданиятига, кишиларни моддий-турмуш эҳтиёжларини қаноатлантиришга ва бошқаларга тушунилади. Моддий маданиятнинг юрагини меҳнат қуроллари ташкил қилади. Улар ҳозирги даврда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб борилаётгани билан характерланади. Маданиятнинг даражаси, шунингдек инсон тажриба, кўникмаларининг, билимларининг моддий ишлаб чиқаришда қўлланиши билан ҳам ифодаланади.

Маънавий маданият деганда эса табиат ва жамиятни чуқурроқ билиш ва унинг даражасининг сифатий ютуқларига, инсон дунёқараши, тасаввурларининг кенглиги, ижтимоий ҳаётга бунёдкор, эзгу прогрессив ғояларнинг, ижобий, фойдали билимларнинг жорий қилинишига тушунилади. Бошқачароқ айтганда фан, фалсафа, таълим, маориф, ахлоқ, адабиёт ва санъат соҳаларидаги сифатий ютуқларнинг йиғиндисига маънавий маданият деб тушунилади.

Маънавий маданият элементлари сиёсий ғояларда, кишиларнинг сиёсий, маънавий ривожланишида, ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллашишида ўз аксини топади.

Маънавий ҳаёт ҳодисалари тил, нутқ, тафаккур, хулқ нормалари (“ташқи маданият”), шунингдек “ҳиссиёт маданияти” ҳам маънавий маданиятни ифодалаб беради.

Маданиятнинг муҳим жиҳатини миллий маданият ташкил қилади. Миллий маданият деганда маълум бир миллат, элат, халқ томонидан узоқ тарихий ривожланиш жараёнида яратилган, уларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини ифода этган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндисига айтилади. Миллий маданиятга тил, турмуш тарзи, менталитет, урф-одатлар, дин, халқ ижодиёти, архитектура, адабиёт,мусиқа, ахлоқий-маънавий қадриятлар ва бошқалар киради. Одатда маданият ички (ўзак) ва устки қатламдан иборат ижтимоий-тарихий ҳодисадир. Миллийлик маданиятнинг, энг аввало, ўзак қатламида акс этади. Бу қатламга халқнинг узоқ тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган ва шу халққагина мансуб бўлган тили, турмуш тарзи, дини, урф-одат ва

анъаналари, менталитети, қадриятлари киради. Маданиятнинг ўзак қатламига қараб биз ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятларини, тарихий-маданий ривожланиш йўлларини, жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улушини аниқлаймиз.

Маданиятнинг ўзак қатлами муҳим, турғун хусусиятга эга. Айнан мана шу хусусият миллий маданиятнинг ўзига хос қонунлар асосида ривожланишини таъминлайди. Ҳатто, сиёсий тўнтаришлар, инқилоблар ҳам уни йўқ қила олмайди. Масалан, ўтган асрнинг 20-йилларида ўлкамизда амалга оширилган тўнтаришлар ва зўрлаб киритилган ижтимоий муносабатлар ўзбек тилини, халқимизнинг тарихий, маданий, маънавий урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини, ўзига хос фикрлаш тарзини йўқ қила олмади. Демак, ўзакнинг мавжудлиги миллий маданият ва миллат, элат, халқнинг ўзига хос ижтимоий бирлик сифатида мавжудлигининг асосий шартидир.

Миллий маданият билан умуминсоний маданият ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд. Умуминсоний маданият миллий маданиятлардаги инсонни ва унинг ижодий, ахлоқий “қувватларини” (Форобий) улуғловчи қадриятлардан иборатдир.

Миллий маданиятларнинг ранг-баранглиги ўзига хослиги ва бетакрорлиги умуминсоний маданиятнинг ривожланиш шартидир. Шу билан бирга умуминсоний маданият ҳам миллий маданиятларда, ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ, инновацион ўзгаришлар содир бўлишига имкон яратади.

Маълумки, бугунги дунё бир халқ, мамлакат ўз худуди доирасидагина яшаш билан чекланмайди. Аксинча, дунё халқларини манфаатлар муштараклигини бирлаштирмоқда. Ҳар қандай “хусусий” муаммо барча учун бирдай тегишлилик моҳиятини касб этмоқда. Умумий тақдир ва умумий истиқбол тушунчалари тобора чуқурлашиб бормоқда.

Глобал моҳиятга эга бўлаётган ғоят залварли масалалар кўпайиб бормоқда. У инсоният тарихи ва тақдирига, бугуни ва истиқболига жиддий таъсир этмоқда. Айни ана шу мамлакат табиатини,моҳиятини қанчалик чуқур тушунсак, маънавий оғриқ, руҳий озурдалик шунчалик катта таҳдид солаётганини яна ҳам чуқурроқ ҳис этамиз. Оммавий ахборот воситалари мазкур муаммоларни шу даражада кўп тарғиб этмоқдаки, бу баъзан ғоят фожиали, зиддиятли вазиятни вужудга келтирмоқда.

Хилма-хил далиллар ва рақамлар атрофидаги мулоҳазалар, таҳлиллар, тадқиқотлар йўналишлари тобора кўпайиб бормоқда. Кўнгилларни ғаш қилиб, руҳимизга озурдалик келтирадиган “башорат”лар ва янги технологик

изланишлар шу даражада авж олиб кетдики, бу бевосита Ер шари тақдири ва инсоният истиқболи билан боғлиқлик ҳиссини, даҳлдорлик туйғусини яна ҳам кучайтирмоқда.

Ана шу тиғиз ва шиддатли бир шароитда инсоннинг энг яқин ва ишончли ҳимоячиси-маданият ва маънавиятга эҳтиёж яна ҳам кўпроқ ортмоқда. Биз ташқи олам, атроф муҳит ва ижтимоий ҳаётдаги муаммолар ҳақида қанчалик чуқур ўйласак, унинг асосида инсон моҳияти, қадрияти ётганини шунчалик кўпроқ тушунамиз. Балки глобал муаммолар таҳдиди бизни қайсидир даражада чалғитиб қўяр. Бироқ ҳар қандай муаммо, ҳар қандай таҳдид инсон маънавияти, ички ифодаси, руҳий қуввати орқалигина ўз ечимини топиши мумкин.

Инсон икки олам кесишган нуқтада яшайди. У ташқи дунё, табиат ва ҳаёт сарвари, айни пайтда ўз юки оламининг буткул итоаткоридир. Айни ана шу ички олам, туйғу ва руҳ ташқи олам моҳиятини, мазмунини ва истиқболини белгилайди. Муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, оила, турмуш, кундалик ҳаёт эҳтиёжлари ва муаммолари, атроф-муҳитдаги барча яхшилик ва ёмонликлар кишилик жамияти тараққиётига ўз таъсирини ўтказади. Демак, инсон олами ташқи оламнинг кўзгуси ва айни пайтда инсоннинг жамиятдаги ўрни, ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ бўлган ноёб қадрият. Худди ана шу оламда инсоннинг маънавий-руҳий имкониятлари, тасаввурлари, ҳиссиётлари, илҳоми ва ижодкорлик туйғулари яшайдики, бу ташқи оламни ўзлаштиришга, ҳаётни ҳар қандай шароитда ҳам тартибга солишга қодир бўлган қудратли кучдир.

Инсоният яратган бой маданий қадриятлар, жумладан, кишилик тарихи шундан далолат берадики, маданиятнинг умри бир инсон умридан анча узун ва, ҳатто, чексиздир. У инсоният ибтидоси ва интиҳосини ўзида мужассам этади. Бугун биз Миср, Рим, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз деганда ана шу улкан ва ўлмас маданиятнинг нақадар барҳаётлигига, яшовчанлигига, келгуси авлодларга ғоят кучли маънавий таъсир ўтказишига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки айни улар туфайли тарих сақланмоқда, ўтмиш тараққиёт даврларидан, ўзига хос цивилизациясидан хабар бераётгани каби қулоғимиз остида аждодлар руҳининг қўнғироқлари эшитилиб туради, қалбимизга ҳарорат, жисмимизга қудрат бахш этади, истиқболга даъват этади.

Албатта, ҳар қандай шароитда ҳам фан, маданият, санъат фақат озод шароитдагина ривожланади. Ижодий жараён авж олади. Демакратия сўз ва фикр эркинлиги орқали намоён бўлади. Ҳозирги замон жаҳон маданияти эса

яхлит инсоният озодлигини ноёб мўъжизаси сифатида юзага келмоқда. Зотан, руҳнинг қудрати озодликда!

Кишилик жамияти тарихи XX асрдаги сингари фавқулодда ҳолатларга, тўқнашувларга ва зиддиятларга дуч келмаган. Айни ана шу ҳодиса XXI аср тақдирини, моҳиятини белгилайдиган омилга айланди. Сиёсий тафаккур, ижтимоий фалсафа, уруш ва тинчлик ҳақидаги ғоялар ривожлангани сари инсоният тобора таҳдид гирдобига тушмоқда. Халқлар, миллатлар энди бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшаш (И.А.Каримов) эҳтиёж эканлигини тушуниб бормоқда. Ана шу англаш жараёнининг ўзи бу қадимий маконда тушунчаларнинг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига ўтиш зарурат эканлиги тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Ана шу жараёнда жамият ҳаётида дахлдорлик туйғуси, яъни халқлар ва миллатларнинг маданиятлар орқали ўзаро яқинлашиши жараёнлари тобора фаоллашмоқда. Жараённинг ижобий томони шундаки, маданиятлараро яқинлашув, маданиятлараро интеграция халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш даражасининг ошишига олиб келди.

Аслини олганда ҳар бир миллат ёки элат умумсайёравий маданиятга ўзига хос ҳиссасини қўшади. Шу билан бирга ҳар бир миллий маданият ўз тарихий илдизларига таяниб, унинг сарчашмаларидан баҳра олиб, умумтарихий тажрибалар билан озиқланган ҳолда бойиб боради.

Ҳар қандай маданият ўз миллий хусусиятларига, миллий манбаларига, тарихий тажрибалар ва жараёнлар асосида шаклланган қиёфасига эга. Бироқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг тобора шиддат билан умумсайёравий моҳият касб этаётганлиги сабабли гуё умуминсоний маданият дунёга келаётгандай туюлади. Аслида эса миллий маданият ўз моҳиятини йўқотмоқда, “чатиштирилган”, сунъийлаштирилган ҳолатдаги мажруҳ қиёфага кирмоқда. Бундай “бедаво”ликдан қутулишда эса фақат ва фақат миллий тафаккур, миллий онг, миллий руҳ алоҳида аҳамият касб этади. Айни ана шу муҳим учлик устувор бўлган шароитдагина миллий ва маънавий халоскорлик туйғуси, ўз миллий қадриятларини ҳимоя қилиш иммунитети кучаяди ва у ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг куч-қудратини намоён этмоғини ҳаёт тақозо этмоқда.

Бир қарашда ўз миллий қадриятлари, анъаналари ва маданиятини зўр бериб ҳимоя қилиш кишига худди шовинизм, национализм ва ирқчилик каби салбий ҳолатдай туюлади. Иккинчи томондан эса умуминсоний маданият

тушунчасининг тобора кенгайиб бораётгани миллатлар ва элатлар ўзига хослигининг йўқолишига олиб келмоқда.

Бугунги дунёни фақат ўзаро соғлом мулоқот, ўзаро бир-бирини тўғри тушуниш маданияти асраши мумкин. Худди ана шу мулоқот бир-бирини эшитиш ва тушуниш маданиятни асраши мумкин. Худди ана шу мулоқот бир-бирини эшитиш ва тушуниш маданияти инсон ҳаётини уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига ўтказадиган ғоятда мураккаб ва айни пайтда эҳтиёжга айланган тарихий ҳодисадир. Ғоятда кучли қурол-яроғлар, ҳарбий аслаҳалар ва ҳарбий қудрат билан зўравонлик қилиш, қолаверса, буюк давлатчилик шовинизми таҳдиди ҳозирги замон цивилизацияси нуқтаи назаридан ибтидоий ҳодисага айланди.

Шу нарсани очиқ, ошкора қайд қилиш зарурки, уруш ва тинчлик сингари глобал муаммони фақат соғлом ақл, соғлом идрок ва заковат орқали ҳал этишни давр тақозо этмоқда.

Ҳозирги даврда юксак даражадаги маданият, маънавият долзарб муаммога айланди. Бу долзарблик ўз-ўзидан юксак маданиятни тақозо этадики, маданият бой жойда очиқлик, қалбан ва руҳан яқинлик, ўзаро бир-бирини тушуниш туйғулари яшайди.

Демак, тинчлик маданияти бу бевосита маданиятлар мулоқоти, ўзаро ишонч ва бир-бирини тушуниш кўзгусидир. Бир-бирини ҳурмат қилиш, ўзаро яқинлашиш орқали умумсайёравий маданият вужудга келишига олиб келади. Бу, албатта, уруш ва тинчлик йўналишидаги маънавий ҳодиса. Лекин яна бир йўналиш борки, бу бевосита ҳар бир халқ, ҳар бир элатнинг, миллатнинг ўзига хослиги билан, тарихий маданий мероси ва маънавий қадриятлари билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Ҳозирги замон талаблари нуқтаи назардан ҳар қандай миллий маданият турли халқлар маданияти билан мулоқот қилишга қодир бўлмоғи лозим. Ана шу мулоқот жараёнида бир маданият иккинчи бир маданиятга ҳам ўз таъсирини ўтказади, ҳам ўзи бойийди. Бошқача қилиб айтганда, ўз маданий қобиғидан чиқмаслик, ҳар қандай маданиятга қарши туриш ожизлик ва нотавонликдир, бугунги цивилизация ютуқларидан орқада қолиш каби қолоқликдир. Бошқа бир маданиятга қўшилиб кетиш эса миллий таназзулдан бошқа нарса эмас. Бу миллатнинг, элатнинг, этник гуруҳнинг инқирози билан тенг бўлган фожиа. Ана шундай мураккаб, зиддиятли бир шароитда ўзаро таъсир ва эргашиш туйғуси меъёр доирасида бўлмоғи шарт.

Маданиятлараро интеграция дунёни янгилашга, инсоният тафаккурини бойитишга, унинг маданий савиясини оширишга катта хизмат қиладиган улкан ижтимоий-тарихий ҳодиса. Биз жаҳон цивилизациясидан ортда қолмаслигимиз керак. Ҳеч бўлмаганда у билан баробар юришимиз, унинг ютуқларидан фойдалана олишимиз зарур ва, ҳатто, ўз ютуқларимиз билан замонавий цивилизация тажрибаларини бойитишга интилмоғимиз зарур. Бироқ, бундан миллий хусусиятларимизга, урф-одат, анъаналаримизга, турмуш тарзимизга зид бўлган маданиятни олиб кириш мумкин деган фикрга бормаслигимиз лозим.

Маданиятнинг миллий ўзига хослиги бу маълум бир миллатнинг моҳияти, қиёфаси, унинг асрлар қаъридан етиб келган қадриятидир. Миллий маданият тушунчаси орқали биз асрлар синовидан ўтган, ўтмиш тажрибаларини ўзлаштирган ва айни пайтда ҳозирги замон маданий тажрибалари асосида ўзини бойитиб бораётган, унинг янгидан-янги қирраларини кўрсатаётган жараённи тушунамиз. Бу бевосита миллий онг, миллий тафаккур тарзи билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли воқелик. Айни ана шу ҳар бир миллат ва халқнинг миллий онглилик даражаси ўша миллат ёки халқнинг цивилизациялашганлик даражасини кўрсатади.

Маданиятлараро интеграция авж олаётган ҳозирги даврда ижобий ва салбий томонлари кўзга яққол ташланмоқда. Бу ҳақда проф. Н.Жўраев қуйидаги фикрларни қайд этади: “Биринчидан, катта халқлар маданияти цивилизация рамзи сифатида кичик халқлар маданиятининг ривожланишига, уларнинг тараққий топишига, жаҳон цивилизациясига яқинлашишига ёрдам бермоқда. Бу албатта, ҳар қандай миллий маданият ўз эҳтиёжи нуқтаи назаридан жаҳон маданиятига интилиши орқали унинг энг самарали, ижобий жиҳатларини қабул қилиб, салбий томонларини қабул қилмаслик каби ўта нозик, катта миллий маданиятни, маърифатни ва табиий равишда ахлоқни тақозо этади.

Иккинчидан, катта халқлар маданияти кичик халқлар маданиятини ютиб юбормоқда”.[238] АҚШ тадқиқотчиларнинг қайд қилишларича яқин вақтларгача жаҳонда ўн икки мингдан ошиқ катта-кичик этносларнинг тиллари мавжуд бўлган. Ҳозир эса уларнинг сони жаҳон бўйича етти мингдан ошмоқда. Ушбу тиллардан ҳар бири ўзига хос маданиятни ташкил қилади. “Уларга кучли таъсир ўтказиб, ўзига хослигини, миллий хусусиятларини, қадриятга айланган урф-одатлар ва анъаналарини шафқатсизлик билан поймол этмоқда.

[238]Жураев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: “Маънавият”, 2008, 438-бет.

Учинчидан, кичик халқлар, жумладан ривожланиш йўлига чиқаётган мамлакатлар жаҳон тараққиётидан орқада қолмаслик учун унинг ютуқларини ўзлаштириш йўлидан бориши табиий. Ўз-ўзидан бундай халқлар учун жаҳон маданиятига интилиш ҳисси кучли бўлади. У қондириш қийин бўлган эҳтиёжга айланади. Жаҳон цивилизацияси ютуқларига кўр-кўрона ёндошиш оқибатида эса миллий ўзига хослик йўқолиб, маданий-маърифий инқирозга юз тутиши мумкин".[239]

Маълумки, XV-XVI асрлардан бошлаб бозор муносабатлари ва бозор иқтисодиёти бутун дунёни ўз таъсир доирасига тортиб, халқаро муносабатларнинг шакл ва мазмунига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши жаҳон иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётида ҳукмрон тамойилга айлангандан сўнг миллатлар, мамлакатлар, минтақалар ва қитъаларнинг яқинлашуви жадаллашиб, янги поғонага кўтарилди. Бу яқинлашув шу даражада юксак суръатлар билан ривожландики, XIX аср охири ва XX аср бошида бу жараённинг ҳеч қандай куч тўхтата олмаслиги ва яқин аср давомида миллатларнинг қўшилиб кетишига йирик миллатлар майда миллатларни, уларнинг миллий маданиятларини "ютиб юбориш"ига ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди. Хатто атоқли назариётчи ва ижтимоий тараққиёт муаммолари соҳасидаги таниқли олим Карл Каутский ҳам "яқин даврлар ичида миллатларнинг қўшила бошлаши шубҳасиз. Масалан, чех миллати яқин ярим аср ичида ўзидан йирик, кучли ва бақувват олмон миллати томон оғиб, у билан қўшилиб кетади. Чехлар учун бошқа йўл йўқ" деб ёзган эди XX аср бошида. Аммо, бу "башорат"дан сўнг ярим аср эмас, бир аср ўтди, чех миллати эса олмонлар билан қўшилиб кетиш ўрнига ўз мустақил давлатига суяниб, Европанинг ривожланган миллатларидан бирига айланди.

Кейинги тўрт-беш асрда жаҳон бўйлаб нақлиёт воситаларининг ривожланиши натижасида халқлар, қитъалар ва минтақаларнинг яқинлашиши ниҳоятда тезлашди, жадаллашди, серқирра жараёнга айланди. Аммо жаҳон илмий, жўғрофий, демографик, этнографик адабиёти, миллатларнинг,миллий маданиятларнинг оммавий равишда қўшилиб кетиши бошланди, деган хабарларни билдирмаяпти. Албатта, жузъий қўшилишлар, ҳаёт эҳтиёжлари сабабли, бўлмоқда ва келажакда ҳам бўлиши эҳтимоли узоқ эмас.

Кундалик ҳаётда миллатларнинг, миллий маданиятларнинг қўшилишини эмас, балки унинг тескарисини кўриб турибмиз, яъни миллатлар ўсмоқдалар, мустаҳкамланмоқдалар, миллий маданиятлар гуллаб-яшнашга интилмоқдалар.

[239]Жураев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: "Маънавият", 2008, 438-бет.

XXI асрга инсоният миллатлар инсонияти сифатида кириб келди. Демак XX аср бошида шу тўғрида фикр юритган жамиятшунослар нотўғри хулоса ясаб, кўпол хатога йўл қўйганлар. Бу хатто шундан иборатки, улар миллатларнинг, миллий маданиятларнинг яқинлашишини таҳлил қилишга оддий, содда, механикавий равишда ёндошганлар, улар оддий мантиқ қонунлари асосида мулоҳаза юритиб, "ўзаро яқинлашувчи ҳар икки нарса охир оқибатда қўшилади. Шундайэкан, ўзаро яқинлашувчи миллатлар, миллий маданиятлар ҳам қўшилиб кетиши муқаррар нарса" деган хулоса чиқардилар. Улар ниҳоятда муҳим бир омилни сезмадилар ваинобатга олмадилар. У ҳам бўлса шундан иборатки, ўзаро яқинлашаётган миллатлар жонсиз нарсалар ёки онгсиз маҳлуқлар эмас, балки онгли инсонлар бирликларидир.

Миллатларнинг ҳар бири ва ҳар бирида эса ҳар бир шахс ўз онги, дунё-қараши, ҳаёт тамойиллари, тарихи ва маънавият дунёсига эга. Шундай экан, бир миллат иккинчи миллат билан яқинлашар экан, унинг билан қўшилиш ҳақида асло ўйламайди. У иккинчи миллатдан, унинг миллий маданиятидан нимани ўрганиш, нимани қабул қилиш, қай соҳада савдо-сотиқ қилиш тўғрисида ўйлайди. Ва янгиликни қабул қилиб олса, ўз миллий муҳитига, ўз миллий воқелигига мослаштириш йўлларини излайди ва киритади. Бинобарин, миллатларнинг, миллий маданиятларнинг яқинлашуви натижасида қабул қилинаётган, янгилик оддий механикавий ҳаракат бўлмай, миллатнинг онги, анъаналари, мезонлари, тушунчалари, диди ва миллий ақл-фаросати орқали қабул қилиб олинади. Бундай ўзлаштириш миллатни, миллий маданиятни бойитади, унинг ҳаётига янгилик киритади, миллат онгида янги тушунчалар пайдо бўлишига сабабчи бўлади.

Миллатлар, миллий маданиятлар яқинлашиш орқали бир-бирини бойитадилар, яъни бир-бирларига ижтимоий бирлик сифатида янада мустаҳкамланиш учун йўл очадилар. Кўриб турибмизки, яқинлашиш миллатларнинг гўркови эмас, балки тараққиёт ва янада ривожланиш воситасидир. Бунинг мисолини биринчи навбатда ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий ва илмий-техникавийтараққиётнинг сардори бўлиб келаётган Ғарбий ва Марказий Европа миллатлари мисолида кўришимиз мумкин. Бундан бир аср муқаддам баъзи назариётчилар бу миллатлар қўшилиб кетишдан ўзларини сақлаб қололмайдилар деб башорат қилган бўлсалар, XX аср давомида Ғарбий ва Марказий Европада бунинг тескарисига дуч келмоқдамиз; бу минтақа миллатлари йил сайин ўз мустақилликларини мустаҳкамлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлидан бормоқдалар.

Бошқа миллатдан, миллий маданиятдан қабул қилиб олинаётган янгилик миллат учун қўшимча куч бағишлайдиган омилдир. Лекин бу ўзлаштирилаётган нарса ҳаддан ошиқ бўлса, инсонга ва жамиятга ортиқча юк ва қийинчилик келтиради. Шунинг учун ўзлаштирмаларнинг ҳам чегаралари бўлмоғи лозим. Бу борада биринчи навбатда миллат, миллий маданият ўзининг ички салоҳиятига, бунёдкорлик фаолиятига суяниб, ўз имкониятларини ишга солмоғи мақсадга мувофиқдир. Демак, бошқа миллатлар, миллий маданиятлар ютуқларини ўзлаштириш ички зиддиятли жараёндир: бир томондан, у миллатларни, миллий маданиятларни яқинлаштиради, ва айни вақтда, ҳар бир ўзлаштирувчи миллатни, маданиятни бойитиб, мустаҳкамлагани сабабли уни "бойитган миллат"дан, маданиятдан узоқлаштиради. Бу эса миллий маданиятларнинг яқинлашуви ва айни вақтда узоқлашуви мавжуд эканлигини тасдиқлайди. Бунинг учун эслайлик, кейинги аср ичида проф. Қ.Хоназаров қайд қилганидек, - "ўзбек ва рус халқлари жуда кўп жиҳатдан яқинлашдилар. Лекин, улар қўшила бошладилар десак, ҳақиқатдан чекинган бўламиз. Қайтанга уларнинг орасида фарқ ватафовутлар аниқлашди, бу фарқ ва тафовутлар орасидаги ўзгачаликлар янада тўлароқ кўрина бошлади. Ёки, масалан,бундан юз йил муқаддам қозоқлар билан қирғизларни бир-биридан ажратиш осон иш эмас эди. Уларнинг ўзлари ҳам бу фарқ-тафовутларга ортиқча эътибор бермас эдилар. Ҳозирги даврда бундай қарашларга ўрин қолмади".[240]

Миллатлар, миллий маданиятлар ҳар доим яқинлашиб борадилар. Ва, шу билан бирга, шу билан бир вақтда улар ҳеч бир вазиятда қўшила олмайдилар, чунки уларнинг онгининг ўсиши, ўзлигининг мустаҳкамланиши натижасида улар ўзларини ҳеч бир вақт ўлимга маҳкум этмайдилар, йўқ бўлиб кетишга рози бўлмайдилар. Майда ва кам сонли миллатлар, миллий ва этник гуруҳлар, ўзларига турмуш қулайликларини излаб, ўз атрофларидаги йирик миллатларнингтилини, кўп жиҳатдан маданиятини ҳам қабул қилиб олишлари мумкин. Аммо, шундай вазиятда ҳам уларнинг онги, миллий ўзлиги сақланибгина қолмай, янада мустаҳкамланиб боради.

Маълумки, Ўзбекистонда маданият соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати тарихий-маданий меросни авайлаб асрашга республикамизда яшаётган 139 та элат, миллат ва этник гуруҳларнинг миллий маданиятларини ривожлантиришга қаратилган.

[240]Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллиймуносабатларнинг ривожланиши. –Т.: 2001, 27-бет.

Мустақиллик йилларида халқимиз “Авесто”нинг 2700 йил аввал юртимизда яратилганини жаҳон аҳлига очиқ айтишга, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний каби кўплаб буюк алломалар қолдирган меросларини қайта тиклашга муваффақ бўлди.

ХУЛОСА

Барча миллий маданиятлар дин билан уйғун ривожланиб келган. Ўзбек халқи маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши ҳам ушбу қоидадан истисно эмас. Қуръони каримнинг ўзбек тилига ўгирилиши, имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий асарларининг чоп этилиши маданий меросимизни қайта тиклашга қаратилган тадбирлар қаторига киради.

Миллий маданиятнинг ривожланишида халқ ижоди ва санъатининг ўрни катта. Республикамизда 150 мингдан зиёд киши якка тартибда халқ амалий санъати, 1 млн. 800 мингдан зиёд киши эса ҳаваскорлик уюшмаларида мусиқа, ашула, рақс, рассомлик, театр санъати каби ижод турлари билан шуғулланмоқда. Бу эса мустақиллик даврида миллий маданиятимиз юксак босқичлар сари ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

REFERENCES

1. Фалсафа. Қомусий луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004 й. 267-бет.
2. И.А. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 105-бет.
3. Қуронов Муҳаммад. Эзгу ғоялар рўёби. – Т.: “Маънавият”, 2011, 102-б.
4. “Халқ сўзи”, 2011 йил 1 сентябрь.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Ўзбекистон”, 2001, 59-б.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001, 61-б.
7. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.
8. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
9. Ш. Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018, 244-бет.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

AMERIKANING YORQIN REALIST YOZUVCHISI JEK LONDON

Mirzayeva Dilshoda Ikromjonovna
Farg‘ona Davlat Universiteti ingliz tili kafedrasi mudiri, f.f.d.
Isakova Barchinoy Ne’matovna
Farg’ona Davlat Universiteti lingvistika (ingliz tili) yo‘nalishi 21-07 guruh magistranti
barchinoyisakova89@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada Amerikaning yorqin realist yozuvchilaridan biri bo’lgan Jek Londonning mashaqqatli hayoti va yozuvchi bo’lib shakllanishiga turtki bo’lgan omillar haqida yoritib berilgan.

Kalit so’zlar: *obraz, avtobiografik obraz, oltin vasvasasi, ijtimoiy tengsizlik, qissa, ertak, afsona, hindular, eskimoslar.*

АННОТАЦИЯ

Статья проливает свет на сложную жизнь Джека Лондона, одного из самых ярких писателей-реалистов Америки, и факторы, побудившие его стать писателем.

Ключевые слова: *образ, автобиографический образ, золотой соблазн, социальное неравенство, рассказ, сказка, миф, индейцы, эскимосы.*

KIRISH

Hozirda O‘zbekiston dunyoning ko‘plab mamlakatlari bilan do‘stona aloqalarni o‘rnatgan bo‘lib, respublikamiz mustaqillikning ilk yillaridan bir qator xorijiy davlatlar bilan teng ta’lim sohasida va iqtisodiy hamkorlik olib bormoqda. Bu esa o‘z-o‘zidan xorijiy tilda gaplasha olish ehtiyojini tug`diradi. XXI asrda inson o‘zini zamonaviy texnologiyalarni va chet tilini bilmasdan tasavvur qilishi juda murakkab, chunki ko‘plab internet saytlari ingliz tilida, kompyuterlar hayotimizning har jabhasiga kirib kelgan. Hozirgi paytda ingliz tilini o‘rganish, bilish va xorij madaniyatidan xabarbor bo‘lish juda muhim masala sanaladi.[3]

Amerika adabiyotining yirik vakili va Amerika tanqidiy realizmining yorqin namoyondalaridan biri Jon Griffit Chaney London 1876-yilning 12- yanvarida Kaliforniya shtatining San Fransisko sharqida, kambag’al fermer oilasida tavallud topgan. U tug’ilganidan so’ng, unga Jon Chayney deb ism qo’yadilar. Uning onasi Flora Vellman bo’lib, otasi Uilyam Chaney munajjim bo’lgan. Lekin ularning turmushi Jek London dunyoga kelgunga qadar yakun topadi.

1876-yil ohirida onasi Flora Vellman qisman nogiron bo'lgan, fuqarolik urushi qatnashchisi Jon Londonga turmushga chiqadi. Chaqalog'i Jon (Jek London) bilan birgalikda yosh oila san Fransisko ko'rfazi bo'yida joylashgan Oklendga ko'chib kelishadi. Jon Chaney nomi keyinchalik o'gay otasi nomi bilan "Jek London" ga o'zgartiriladi. U yerda London davlat maktabini tugatguniga qadar istiqomat qiladilar. Oilaviy moddiy qiyinchiliklar tufayli Londonning bolaliklik paytlari qiyinchilik va mashaqqatli mehnat bilan o'tgan. U 10 yoshida gazeta tarqatib, keyinroq, 13 yoshidan keyin uyidan chiqib ketib mustaqil hayot kechira boshlagan. 1889-yilda Hikmotning konserva zavodida kuniga 12-18 soatdan ishlash orqali pul topgan. Bunday ko'p soatlik mehnat yosh bolakayni haddan tashqari holdan toydirar edi. Bu qiyinchilikdan chiqish uchun London cho'qintirgan onasi Virjiniya Prentisdan qarz olib Frank ismli chig'anoq qaroqchisidan qayiq sotib oladi va o'zi ham shu ish bilan shug'ullanishni boshlaydi. Uning qayig'i shikastlanib ishga yaroqsiz bo'lib qolganidan so'ng London Kaliforniya baliq patruli a'zosi sifatida ishga qabul qilinadi.

1893-yilda u Yaponiya qirg'oqlari tomon yo'l olgan "Sofi Sazerlend " kemasi bilan shartnoma imzolab, matros sifatida ishlab pul yig'ib qarzini to'lab oladi. U qaytib kelganida, mamlakat 93-yildagi vahima girdobida edi va Oklendni mehnat tartibsizliklari qamrab olgan edi. 1894-yilda London Kaliforniyani tark etib, ishsiz, darbadar kishlar bilan Vashingtonga boradi. U yerda guruh bo'lib yashaydilar va ko'chada darbadarlik qiladilar. Bu tufayli u Nyu-Yorkning Bufallo shahrida hibsga olinib, Eri okrugidagi qamoqxonada 30 kun davomida ushlab turiladi. Shu hibsxonada o'tgan kunlari haqida "Yo'l" asarida shunday deydi: "Inson bilan muomila qilish Eri okrugi qalamining chop etib bo'lmaydigan eng kichik dahshatlaridan biri edi. Men "bosib bo'lmaydi" deyman; va adolatda men ham ta'riflab bo'lmaydigan deyishim kerak. Men ularni ko'rmagunimcha ular men uchun aqlga sig'mas edi va men dunyoning yo'llari va insoniy tanazzulning dahshatli tubsizligidagi bahor tovug'i emas edim. Eri okrugidagi qalamning tubiga tushish uchun chuqur pasayish kerak bo'lardi va men u yerda ko'rganimdek, narsalarning sirtqini yengil va yuzma-yuz ko'zdan kechirardim.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Dengizchi va darbadarlik tarzida yashab, ko'plab tajriba orttirganidan so'ng , u Oklendga qaytib keladi va Oklend o'rta maktabida o'qidi. U o'rta maktabning "The Aegis" jurnaliga bir nechta maqolalar yozgan. Uning ilk nashr etilgan asari "Yaponiya qirg'og'idagi tayfun" bo'lib, uning suzish tajribasi haqida hikoya qiladi.

Jek London 1895-yilda ijtimoiy ishchi partiyasiga a'zo bo'lib kiradi va o'zining targ'ibot-tashviqot faoliyatini boshlaydi. U Berklida joylashgan Kaliforniya universitetiga kirishni juda xohlardi. London yozgi qizg'in tayyorgarlikdan so'ng, sertifikatlash imtixonlarini topshirib, 1896- yilda universitetga qabul qilinadi. Bir yil o'qiganidan so'ng, 1897-yida moliyaviy ahvoli tangligi tufayli universitetni tashlashga majbur bo'ladi. London yana og'ir mehnat bilan shug'ullanishni boshlaydi. U kir yuvish korxonasiga ishga joylashadi. Shundan so'ng u 1897-yilning 12-iyulida singlisining turmush o'rtog'i kapitan Shepard bilan oltin izlash uchun Alyaskadagi konlarga suzib ketadilar. U yerda yosh Jek har qadamda hukmron sinf jamiyatining quyi sinf jamiyatiga qilayotgan daxshatli nohaqliklarini ko'radi. Oltin konlaridagi barcha erkaklar kabi London ham to'yib ovqatlana olmasdi va buning natijasida u bir nechta kasalliklar bilan og'ridi. Bu kasalliklar uning umrini ohirigacha bezovta qilib kelgan. "Oltin vasvasasi" girdobiga tushgan Jek umining bir necha yilini o'sha yerda o'tkazadi. Sovuq Shimoldagi hindular hayotiga oid ko'plab asarlari mana shu yerdagi hayotiy tajribalari va ko'rgan kechinmalari asosida yaratilgan. 1900-yildan boshlab Londonning shimol qabilalari va hindular haqidagi "Shimol hikoyalari" to'plamiga oid hikoyalari chop etila boshlandi. Hikoyalarida muallif janubiy dengizga bo'lgan sayohati haqida ham ma'lumot beradi. Biroz vaqtdan so'ng uning hikoyalari xalq orasida juda mashxur bo'lib ketadi va Jek London professional yozuvchi sifatida nom qozona boshlaydi. Hikoyalarining ko'p qismi Shimoliy dengiz sayohatiga oid bo'lib, Jekning asarlar to'plamining bir guruhiga kiradi. ("Janubiy dengiz hikoyalari", "Bo'rivachcha", "Sovuq bolalari")

XULOSA

Jek London ushbu o'ziga xos va yorqin asarlarida ijtimoiy tengsizlik, insonlarning nohaqligi, pastkashligiga qarshiligini namoyon qiladi. Muallif insonlarning bu kabi nohaqliklarini sovuq iqlimga sharoitiga va zamondan ortda qolgan insonlarning o'ziga xos kuchli fe'l atvoriga qarama-qarshi qo'yadi. Jek Tinch okeani xalqini hamda sivilizatsiyadan ancha yiroq hindularni kuchli, beg'ubor va mard kishilar sifatida tasvirlaydi. .[5]

London ularni nihoyatda romantik qilib ko'rsatadi va ularning harakteridagi qiziqqonlilik, mardlik va yashash uchun kurashga hozirligini ko'klarga ko'tarib ulug'laydi. ("Kish haqida qissa", "Shimol Odisseyasi", "Oq sokinlik" va boshqalar). Jek "Oq sokinlik" hikoyasida beshavqat sovuq ob-havoga qarshi tura oladigan, qorli bo'ronlarni yenga oladigan shaxslarni benihoyat ulug'laydi. Biroq u o'z qahramonlarini ya'ni hindular va oltin izlovchilarni haddan ortiq individualist –

boshqalardan o'zlarini har qanday vaziyatda ustun qo'yuvchi shaxslar sifatida ifodalaydi. Hindularning donoligi, o'ziga xosligi, jismoniy ustunligi, kuchli irodasi nafaqat insonlarni, balki yovvoyi hayvonlarni ham o'ziga bo'sundirib yenga oladi. 1900-yildan so'ng London hikoya va asarlarida asosan o'z haq-huquqi uchun kurasha olmaydigan oddiy ishchilar hayotini yoritishga harakat qilgan.

REFERENCES

1. Anikin G.V. Istoriya angliskoy literature. – Moskva.: Nauka, 1975. – 56 b
2. Jek London. Kish haqida qissa. – Toshkent.: Yosh Gvardiya, 1979. – 14 b
3. Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch.– Toshkent.: Ma'naviyat, 2010. – 57 b.
4. Lunina, Irina Yevgenievna. Filologiya fanlari doktori dissertatsiyasi. – Moskva // Filologiya fanlari, 1981
5. D. Mirzayeva, & M. Usmanova (2022). SYMMETRICAL AND ASYMMETRICAL RELATIONS IN LINGUISTICS: ANALYSIS ON ENGLISH PREDICATES. Science and innovation, 1 (B6), 500-504. doi: 10.5281/zenodo.7165471
6. www.ziyouz.com kutubxonasi.

ҒАРБ ФАЙЛАСУФЛАРИНИНГ ҚАРИЛИК ВА ҚАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Абдукаримова Гулчехра Баратовна
Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси,
тел: +998 97 598 64 62

АННОТАЦИЯ

Мақолада Кексалик ҳодисаси кўп асрлар давомида таниқли мутафаккирлар томонидан ўрганиб келинган. Бу қуйидагилар билан асосланади: қариликни англаш, фалсафанинг борлиқ ва йўқлик, ҳаёт ва ўлим, инсон табиати, ҳаётнинг мазмуни, инсонпарварлик ва бошқалар каби асосий мавзулар билан узвий боғлиқдир. Қадимги файласуфларнинг қариш жараёнига оид асарларини таҳлил қилар эканмиз, кекса одамларнинг поклиги, уларнинг юқори лавозимларга, жамоани бошқариш ва мухим масалаларни ҳал этишда асосий бўғин ҳисобланганлиги тўғрисидаги ўзига хос қарашлар ва фикрларнинг ўхшашлигини кўрсатилган.

Калит сўзлар: *Инсон ҳаёти, Кексалик, Қариш жараёнига, Антик давр, Донишмандлар, Ёш авлод, Қариялар ва Ёшлар.*

АННОТАЦИЯ

В статье феномен старости изучается известными мыслителями на протяжении многих веков. Это основано на следующем: понимание старости неразрывно связано с основными темами философии, такими как бытие и небытие, жизнь и смерть, природа человека, смысл жизни, гуманизм и др. Анализируя труды античных философов о процессе старения, показано, что есть сходство в конкретных взглядах и мнениях о чистоте стариков, в том, что они считаются главным звеном на высоких постах, управлении общиной и решении важных вопросов.

Ключевые слова: *Жизнь человека, Старость, Процесс старения, Античность, Мудрецы, Молодое поколение, Пожилые люди и молодежь.*

КИРИШ

Кексалик ҳодисаси кўп асрлар давомида таниқли мутафаккирлар томонидан ўрганиб келинган. Бу қуйидагилар билан асосланади: қариликни англаш, фалсафанинг борлиқ ва йўқлик, ҳаёт ва ўлим, инсон табиати, ҳаётнинг мазмуни, инсонпарварлик ва бошқалар каби асосий мавзулар билан узвий

боғликдир. Қадимги файласуфларнинг қариш жараёнига оид асарларини таҳлил қилар эканмиз, кекса одамларнинг поклиги, уларнинг юқори лавозимларга, жамоани бошқариш ва мухим масалаларни ҳал этишда асосий бўғин ҳисобланганлиги тўғрисидаги ўзига хос қарашлар ва фикрларнинг ўхшашлигини кўришимиз мумкин. Қадимги юнон файласуфи Платон кексаликка алоҳида урғу беради. Антик давр мутафаккири тананинг жисмоний қариши маънавий бойиш, донолик, идрок ва ички эркинлик билан тўлдирилади, деб таъкидлайди. Ушбу баёнот орадан минг йиллар ўтишига қарамасдан ўз долзарблигини йўқотмаган.

Бироқ, ҳамма мутафаккирлар ҳам қариликни инсон ҳаётидаги муносиб давр деб билишмайди. Ушбу файласуфлардан бири Аристотел бўлиб, қариш жараёнини танқидий баҳолаб, кекса одамнинг салбий портретини шакллантиради. Мутафаккир илгари сурган ғоянинг моҳияти шундаки, қариш жараёнида етук инсон жисмоний ва ақлий кучини, маънавий қобилиятларини йўқотади. Қадимги файласуф асарларида қарияларнинг қуйидаги салбий фазилатлари акс етган: ўйчанлик, ишончсизлик, хасислик, сергаплик ва иродасизлик.Аристотелнинг ғояларига амал қилган ҳолда, сўнгги Рим антик давридаги "донишмандлар" ўзларининг эътиборларини одамнинг жисмоний қаришига қаратадилар, уни чарчаган, бахтсиз, камбағал ва касал деб тасвирлайдилар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган қариш жараёни ҳақидаги қадимги давр ёзувларидан энг кўп маълумот Цицероннинг асарларида келтирилади. Файласуфнинг асарларида ҳурматга оппоқ сочлар ва юздаги ажинлар сони билан эришиш мумкин эмаслиги, уни инсоннинг қилган ишлари, ҳаёт йўли билан ўлчаш кераклиги тўғри таъкидланган. Шу билан бирга, файласуф қариликдаги энг юқори мукофот бу – қарияларни эзгу фазилатларни қабул қилишга интилган ёшлар ўраб олиши деб таъкидлайди.

Қадимги Рим сиёсатчиси, нотиқ ва файласуф Цицерон фаол бўлишга чақириқ асосида бахтли кексалик учун бир неча рецептлар таклиф қилади. Бахтли кексаликнинг кафолати сифатида мутафаккир кексаларнинг ёшларни ижтимоийлаштиришда иштирок этишни илгари суради.

Ўрта асрларда, илм-фан тасаввуф ва алкимёга қатъият билан қадам қўйганида, геронтологик билимлар соҳасида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Уйғониш даври сиёсатчиси Мишель Монтень ҳам қариш ва қарилик

масалаларига урғу бериб ўтади. У инсон ҳаёти ва табиатни таққослаш орқали уни инсон илк қадамларни ташловчи бошланғич, ундан кейин инсон умрининг гуллаб яшнаган ёшлиги ва сўнг инсон қариш жараёни каби алоҳида даврларга тақсимлайди. Файласуф қариликни сергаплик, зиқналик, хурофотга берилиш каби аломатларга эга бўлган патологик жараён ҳисобланган бетоблик билан таққослар экан, қария инсонларни ночор одам сифатида таърифлайди, шунинг учун яқин инсонлар муҳаббати ва ғамхўрлиги уни даволашнинг асосий усуллари сифатида қайд этади. Қадимги даврнинг машхур шоир ва мутафаккирлари қарилик ва одамларининг қариш муаммоларини ўрганар эканлар қариш жараёнини ҳаётий манфаатлар ва қадриятларнинг ўзгариши билан боғлаганлар. Машхур иррационал-файласуфлардан бири Артур Шопенгауер ўз рисолаларида ёшлик шеърият учун, қарилик эса фалсафа учун яратилганлигини таъкидлайди. Кекса ёшдагина инсон ҳаёт ва унинг қонуниятлари ҳақида аниқ ва нисбатан тўлиқ тушунчага эга бўлиб унинг бошланиши ва якуни ҳақида ўйлай бошлайди. Бундан ташқари, Шопенгауер кекса одам учун энг катта бахтсизлик бу қашшоқлик эканлигини аниқ таъкидлайди. У нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан қашшоқликни ҳам назарда тутади. Мулоқотнинг етишмаслигига алоҳида урғу берар экан, мутафаккир кескин қариш натижасида умидсизлик режа ва мақсадларнинг йўқолишиҳақида сўз юритади. Қариш жараёни ҳақидаги файласуфларнинг фикрларини ўрганаётганда турли даврларнинг мутафаккирлари томонидан тақдим этилган бахтли кексалик рецептлари алоҳида аҳамият касб этишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, немис ва франсуз илоҳиётшуноси, маданий файласуфи Алберт Швейцер инсониятни эзгулик, раҳм-шафқат ва ўз-ўзини билишга чорлаб, жамият томонидан қарияларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги, яъни қарилик даврида кексаларнинг ҳаётий билимлари ва поклигини уйғунлаштирган ҳолда, улар учун ўзига хос мазмунли ва қизиқарли ҳаёт ташкил этишга кўмаклашиш кераклиги тўғрисидаги фикрни илгари қўллаб қувватлайди. Айнан жамиятнинг қарияларга нисбатан муносабати орқали кексаларнинг ушбу ижтимоий муҳитдаги ўрнини белгилайди. Бундан ташқари, ушбу муносабат қарилик қариялар учун муаммоли ёки уларнинг ҳар бири учун ривожланиш даври бўлиши мумкинлигини белгилайди. Қарилик муаммоси австриялик социолог Розенмайернинг ҳам диққатини ўзига жалб этган. У турли хил ёш гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни ўрганишга алоҳида эътибор берар экан, биринчи навбатда қариялар жамият учун кераксиз инсонлар эканлиги тўғрисидаги фикрларни шакллантиришга урғу беради.

Худди шундай тенденция замонавий рус жамиятида ҳам кузатилмоқда, чунки кекса ёшдаги ва қариётган инсонларнинг йиллар давомида тўпланган ижтимоий фаолият кўникмалари, ҳаётий тажрибаларига нисбатан талабнинг етишмаслиги, унинг ақлий салоҳиятининг самарасизлиги сабабли бу ёш тоифасидаги аҳоли жамиятнинг фаол қатлами таркибидан чиқади ва ижтимоий ёрдам ва ғамхўрлик объектига айланади. Файласуфлар қариш жараёнларини англаш тўғрисидаги фикрлари, мулохазалари ва мухокамаларини атрофлича ўрганиш қуйидаги хулосаларнинг келиб чиқишига имкон беради:

ХУЛОСА

Кексалик муаммосига мутафаккирларнинг энг кенг тарқалган қарашлари кекса одамнинг жисмоний, маънавий руҳий ҳолати ва унинг аввалги ҳаракатлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлигида ифодаланади. Мулоқотга, ижтимоий алоқаларни яратишга интилган, ақлий фаолият билан шуғулланиш асносидабилим ва тажриба тўплаган киши қалбан ёш бўлиб қолади, у қувонч ва ўз фаолиятидан қониқишнинг энг юқори чўққиси деб биллади, бунда жисмоний заифлик эҳтиёткорлик, маънавий бойиш билан қопланади.

REFERENCES

1. Абдукаримова, Г. Б. (2019). Научно-философский анализ современного этапа глобализации. *Наука, образование и культура*, (4 (38)), 36-37.
2. ГЛОТОВ, М. Б. (2004). Поколение как категория социологии. *Социологические исследования*, (10), 42-48.
3. Социологический энциклопедический словарь. – Москва, Издательство НОРМА , 2000. – С. 488.
4. Калиновский, Ю.И. Философия образовательной политики / Ю.И. Калиновский. – Москва, 2000. – С. 540.
5. Абдукаримова Г. Б. Научно-философский анализ современного этапа глобализации //Наука, образование и культура. – 2019. – №. 4 (38). – С. 36-37.
6. Умарова Р. Ш., Абдукаримова Г. Б., Тухтабоев Э. А. Вклад Абу Райхана Беруни в развитие философии Ближнего, Среднего Востока и мировой науки //Проблемы науки. – 2019. – №. 12 (48). – С. 65-66.
7. Абдурахмонова, З. Ю. (2021). ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИДА САМАРАЛИ ЁНДОШУВ. *Academic research in educational sciences*, *2*(CSPI conference 1), 1189-1193.

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

8. Aripov, N., Kamaletdinov, S., Tokhirov, N., & Abduraxmanova, Z. (2022). Simulation Modeling of Train Traffic Based on GIS Technologies. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 16, 73-82.
9. Ж. С. Раматов, Л. А. Валиев, & М. Н. Хасанов (2022). АУРОБИНДО ГҲОШ ТАЛҚИНИДА ИНСОН БОРЛИҒИНИНГ АНТРОПОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 688-695.
10. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Ҳ., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрниёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10), 376-386.
11. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Ҳ., Кушаков, Файзулла Абдуллаевич., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). ҲОЗИРГИ ДАВРДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (9), 647-656.

YOZMA MANBALARDA ORIFA AYOLLAR ZIKRI

Djurayev Habibullo Abdusalomovich
FarDU professori, f.f.d.
Maxmudjonzoda Zarnigor Dilshodjon qizi
FarDU2-kurs magistranti

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada mumtoz adabiyot namunalarida, jumladan. tazkiralarda nomlari bayon etilgan, ilm va taqvoda nom chiqargan so'fiy ayollar haqidagi tafsilotlar keltirib o'tilgan. Ularning tasavvufdagi o'rni, zuhd va taqvosi bir necha qo'shimcha manbalar orqali izohlangan.

Kalit so'zlar: *tasavvuf, so'fiylik, ma'rifat, orif, tazkira, taqvo, zuhd*

ANNOTATION

In this article, Sufi women whose names are mentioned in examples of classical literature, including tazkiras, who made a name for themselves in science and piety, are mentioned. Their asceticism and piety have been explained in several works.

Key words: *mysticism, Sufism, enlightenment, arif, tazkira, piety, asceticism*

АННОТАЦИЯ

В данной статье приводятся суфийские женщины, имена которых упоминаются в примерах классической литературы, в том числе тазкиры, сделавшие себе имя в науке и благочестии. Их аскетизм и благочестие были объяснены в нескольких работах.

Ключевые слова*: мистицизм, суфизм, просвещение, ариф, тазкира, благочестие, аскетизм.*

KIRISH

Hozirgi globallashuv jarayonida jamiyatimiz hayotida xalqimizning ma'naviyati, siyosiy hamda diniy savodxonligini oshirish davr talabi bo'lib qolmoqda. Bu borada esa ayollarning ijtimoiy hayotdagi masalasi alohida ahamiyat kasb etadi. Yurtimizda mazkur yo'nalishda sezilarli ishlar amalga oshirilmoqda. Shu jumladan, 2020-yildan boshlab, "Ayollar daftari" tizimi yo'lga qo'yilib, qanchadan qancha ehtiyojmand oila ayollariga yordam ko'rsatildi. 2022-2024-yillar uchun "Biznes ayollar" dasturi qabul qilinishi belgilandi. Prezidentimiz bu borada obro'-e'tiborli, bilimli xotin-qizlardan iborat "Oqila ayollar" harakatini tashkil qilish taklifini ham o'rtaga tashladi. Qizlarning yaxshi ta'lim olishi, kasb-hunar egallashi Prezidentimiz va hukumatimizni hamisha o'ylantiradigan masalalardan biridir. Yaqinda bo'lib o'tgan yig'ilishda ham ular uchun ta'lim sharoitlarini kengaytirish

bo‘yicha tarixiy qarorlar qabul qilindi. Har bir viloyat kesimida Gender markazlari tashlik etildi va ayollar ularning erkinligi, qadr-qimmati haq–huquqlarini himoyalash dolzarb masalaga aylandi. Tan olish kerakki, bu kabi tub yangilanishlar yaqin o‘tmish uchun orzu edi. Bugun esa barcha sohada ayollar o‘z o‘rniga, o‘z so‘ziga egadir. Zero Uchinchi Renessans asoschilari beshiklarda onalarinig allalarida, bag‘rida, mehrida, ta’lim va tarbiya topadilar. Statistik tatqiqotlariga ko‘ra onadan 75% IQ daraja farzandlarda ko‘rinar ekan. Shu bois daho siymolar ortida ularni yetishtirgan buyuk onalar, ayollar turadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Mumtoz asarlarda tahlilida ham o‘z zuhd va taqvosi, ilm va farzand kamoli yo‘lidagi fidoiyligi ko‘rsatilgan bir qator orifa ayollarni ko‘rishimiz mumkin. Tasavvuf ilmida so‘fiy deyilganda, ko‘pincha, erkaklar tushuniladi, lekin bir qator asarlarda so‘fiy ayollar haqida ham qimmatli ma’lumotlar keltirilgan. Ko‘pincha so‘fiy ayol sifatida Robiya Adaviyagina eslanadi, xolos. Tahlilga tortilayotgan manbaalarimizdan esa bir qator so‘fiy ayollar haqida ma’lumotlar berilgan. Bularni biz Fariduddin Attorning “Tazkirat ul- avliyo” “Ilohiynoma”, Abdurahmon Jomiyning “Nafahot ul-uns”, Alisher Navoiyning “Nasoyim ul-muhabbat” asarlarida uchratishimiz mumkin.

NATIJALAR

So‘fiy ayollar, jumladan, Robiya Adaviya haqida dastlabki batafsil ma’lumotlarni Fariduddin Attorning “Tazkirat ul- avliyo” asaridan olishimiz mumkin. Asarda Robiya Adaviyaning o‘sha davrning yirik olimlari, shayx va avliyolari bilan qilgan suhbatlari, savol-javoblari va ba’zi karomatlari ham keltirilgan. Bibi Robiya Adaviya asarda shunday ta’riflanadi: “U xoslar guruhidan bo‘lgan ixlos masturasi, ishq va ishtiyoqda kuygan, yaqinlik va ehtirosga oshufta edi:” [1.79] Asarda 69 ta so‘fiy haqida so‘z yuritilib ulardan faqat bittasigina ayol so‘fiy edi. Ammo boshqa so‘fiy ayollar haqida to‘xtalinmagan. Fariduddin Attorning “Ilohiynoma” asarida ham bir qator o‘z dini va maslagiga sodiq ayollar haqida gap ketadi. Jumladan, bu asarda ham Robiya Adaviya haqida ikkita hikoyat keltirilgan “Robiya” hamda “Hasan Basriy va Robiya” hikoyatlari shu jumlasidandir.

Edi chun Robiya sohibmaqom ul,
Necha kun totmadi tuz-u taom ul.
Ishi toat ibodat bo‘ldi yakkash,
Duo bo‘ldi, ibodat bo‘ldi yakkash. [2.208]

“Hasan Basriy va Robiya” hikoyatidan olingan ushbu parchadan ham ko‘rishimiz mumkinki, Robiya Adabiya ilm va fazlda sabr va taqvoda tengsiz deya tasvirlangan. Yana bir qator fazl-u kamolotda beqiyos ayollar haqida ham bir necha hikoyatlar keltirib o‘tilgan. Shulardan biri “Fotimaning bisoti” nomli hikoyatidir.

Ro‘molin boshiga soldi nurli pok,
Oyog‘ida kovush ilkida misvok
Usoma dedi: oldim kosani ul,
Keyin yurdik payg‘ambar boshladi yo‘l. [2.288]

Bunda ko‘tarilgan go‘ya ham bugungi kun uchun juda dolzarb masalalardan biridir. Ya’nikim, ayol uchun moddiyat emas, balki yuksak ma’naviy boylik uni yuqori pog‘onalarga ko‘taradi.

So‘fiy ayollar haqida ma’lumot berilgan yana bir tazkira bu Abdurahmon Jomiyning “Nafahot ul-uns” asridir. Bu asar boshqa tazkirlardan farqli ravishda tasavvufiy masalalar yoritilganligi bilan ahamiyatlidir. Bundan oldin yozilgan tazkiralarda ayol so‘fiylar haqida deyarli ma’lumotlar uchramaydi (Fariduddin Attorni “Tazkitatul Avliyo” asarida faqat Robiya Adaviyagina keltirilgan.) Bu asarda esa naq o‘ttiz to‘rtta so‘fiy ayollar siyrati, tarixi, hol-martabalari xususida so‘z boradi. [4.51] Har bir so‘fiy haqida aniq, to‘liq, batartib ma’lumot beradiki, natijada biror so‘fiyning silsilasini tiklashda bu jihat qo‘l keladi. Jomiy ma’lum bir shaxs hayotiga to‘xtalar ekan, uning tug‘ilgan makoni, piri murshidi, ta’lim olgan joylari, tasavvufdagi maslakdosh yaqinlarigacha xabar berib o‘tadi. Ayollar borasida ham alohida to‘xtalib, ularning karomatlarini ham berib ketadi. Shu jihatdan, mazkur manba ham ayol so‘fiylarni o‘rganish, ularni hayotlaridan ibrat olish uchun muhim asos hisoblanadi.

Alisher Navoiyning “Nasoyim -ul muhabbat” tazkirasi ham so‘fiy ayollar zikr etilgan muhim asardir. Bu manbada ilm-u hikmatda yuksak ayollar haqidagi bo‘limni “Erkaklar martabasiga yetgan orif ayollar zikri “deb nomlagan. Zikrlarning boshlanish qismida Navoiy shunday keltiradi: “Agar ayollar biz aytgandek bo‘lsalar, erkaklardan afzaldurlar. Quyoshning muannas ism ekanligi unga ayb emas, oyning muzakkar ism ekanligi unga faxr emas”. [3.234] Alisher Navoiy “Nasoyim ul muhabbat” tazkirasida orifa ayollar madhini Robiai Adaviyadan boshlaydi. Uni ta’riflashda quyidagi hikoyatni keltirib o‘tadi.

Robiai Adaviya r. t. Basra ahlidin erdi. Sufyon Savriy r. a. andin masoil so‘rar erdi va aning mav’izotu duosig‘a rag‘bat ko‘rguzur erdi. Bir kun Sufyon Robia q. s. qoshig‘a kirdi va ilig ko‘tarib dediki, [Allohim, sendan salomatlik so‘rayman]. Robia yig‘ladi. Sufyon so‘rdiki, ne uchun yig‘lading? Robia dediki, sen meni

yig‘latding! Sufyon dedi: Nechuk? Robia dediki, salomat dunyoda aning tarkidadur va sen dunyoga oludasen. Robia so‘zidurki, har nimaga samaraedur va ma’rifat samarasi yuz Tengriga kelturmakdur. Va ham ul debdurki, [oz sidq ila astag‘firulloh demoqlikdan astag‘firulloh deyman]. Sufyon andin so‘rdiki, banda Tengri taolog‘a taqarrub tilar nimalardin yaxshirog‘i qaysidur? Ul dedi, uldurki, bilgayki, dunyo va oxiratda andin o‘zgani sevmas. Bir kun Sufyon aning qoshida dediki, [vo alamo!] Ul dedi: yolg‘on aytma, agar sen mahzun bo‘lsang erdi, tiriklik senga xushguvor bo‘lmag‘ay erdi. Va ham ul debdurki, anduhum andin emaski, anduhingdurmen. Anduhum andindurki, anduhgin emasmen! [3.234]

Asarda Hazrat Navoiy Robiya Adaviya tavsifidan so‘ng birin-ketin so‘fiy ayollar tarifini keltirib o‘tadi. **Lubbobat ul-muta’abbida. Maryam Basriya, Rayhonai Voliha, Mu’ozai Adaviya, Ufayrai Obida, Sha’vona, Kurdiya, Hafsa binti Shirin, Robiai Shomiya,** kabi 35 orifa ayollarni o‘z hol va sifatlari bilan bayon etilgan. Umuman olganda, Navoiy tazkirada soliha ayollar xislat va fazilatlarini o‘ziga xos uslubda, sodda bayon tarzida yoritib bergan. O‘ttiz beshta ma’rifatli ayol talqini orqali tasavvufda ayollarning mavqeyi, ularga bo‘lgan munosabat asosli hikoyatlar orqali aks ettirilgan.

XIX asrda Rizouddin bin Faxruddin tomonidan Orenburgda yana bir tazkira shaklida “Mashhur xotunlar” asari chop etiladi. Bu asarda sosoniylar xonadoniga mansub ayollar tarixidan boshlab Ismoil Gaspiralining ayoliga qadar jami 550 ta ayol haqida ma’lumot beriladi. Uning nazaridan dunyoning har bir yerida yashab o‘tgan hech bir mashhur ayolning tarixi, tavsifi chetda qolmaydi. Tazkirada podshoh xonadoniga mansub ayollar, shoiralar, olimalar, ilm yo‘lida Allohni tanish va sevish yo‘lida nom chiqargan ayollar, mug‘anniylar, xullas, har jabhada ilg‘or ayolllar haqidagi tafsilotlar ketilgan.

MUHOKAMA

Deyarli ko‘p adabiyotlarda so‘fiy deganda erkak kishilarning tasavvufiy hayoti, zuhd-u taqvosi nazarda tutiladi. Manbalarda, afsuski, zohidona, obidona va so‘fiyona hayot kechirgan ayollar hayoti haqida juda kam ma’lumot uchraydi. Ilk avliyo tazkiranomasi hisoblangan “Tabaqotus sufiyya” nomli asarda 103 er so‘fiy haqida so‘z yuritiladi, ammo birorta ham so‘fiy ayol haqida gapirilmaydi.[5.3] Tasavvufiy mavzular tadqiq qilingan asarlarni o‘rganar ekanmiz, deyarli faqat mutasavvif so‘fiy (er kishi)larning so‘zlari, hollari, fikr-mulohazalari naql qilinadi. Bundan go‘yo ayol kishini zuhd va tasavvuf hayotiga kiritmaslik zuhd va tasavvufning taqozosidir, degan o‘y-xayolga borish ham mumkin. Aslida bu holat Sharqdagi hayot tarzi, andisha

natijasidir. Bu masalalarga aniq va ravshan izohni birinchi ayol so‘fiy haqida ma’lumot berilgan Fariduddin Attorning “Tazkiratul avliyo” asarida uchratishimiz mumkin. Asarda Bibi Robiya haqida ma’lumot berar ekan, erkaklar orasida zikr qilinish sababini Payg‘ambarimiz hadislari orqali izohlaydi: “Alloh sizlarning suratlaringizga boqmas, balki ko‘ngillaringizga boqar” [1.79] Yuqoridagi tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, oriflik darajasiga muyassar bo‘lgan ayollar tarixda ko‘pchilikni tashkil qilgan, faqat ularning juda mashhurlarinigina nomlari ayrim manbalarda saqlanib qolgan. Ba’zilarini otasi, akasi, turmush o‘rtog‘i yoki o‘g‘lining nomidan ijod qilganlar va shu yo‘l bilan o‘zlarini pardalaganlar. Shu sabab ham ko‘plab soliha ayollar haqidagi ma’lumotlar bizgacha yetib kelmagan.

XULOSA

Tazkiralarda keltirilgan ma’rifatli ayollar hayoti ilm va ibodati bilan tanishib chiqish mobaynida, Yaratgan o‘z ma’rifatini, ilmini xohlaganiga in’om etishi, bu borada erkak yoki ayolni ajratmasligi kabi xulosalarga kelish mumkin. Haqning nazari tushgan, mehridan, ilmidan bahramand insonlar orasida ayollar ham bor. Bunday orifa xotin-qizlar tasavvufda ma’lum bosqichlarni erkaklar qatorida bosib o‘tgan, Haqning ehson (karomatlar nazarda tutilmoqda) lariga loyiq bo‘lgan. Ularning hurmat bilan e’tirof etilgani, ma’rifatli ayollarning borligi esa, jamiyatda xotin – qizlarning mavqeyini yanada mustahkamlaydi. Mumtoz adabiyot namunalarida keltirilgan ayol siymolarni tatqiq erish, batafsil o‘rganib ularni kitobxonlar ommasiga taqdim qilish tadqiqotchilar oldida turgan muhim vazifalardan biridir.

REFERENCES

1. Gafurovich, S. A. (2021). Analysis Of The Poem" Autumn Dreams" By Abdulla Oripov. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(01), 556-559.
2. Sabirdinov, A. (2020, December). Askar kasimov in the uzbek poetry of the xx century the role and importance of creation. In *Конференции*.
3. Guzalkhan, M. (2020). The image of a creative person in the poetry of Erkin Vohidov. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume: 10, Issue: 11, November.
4. Mukhammadjonova, G. (2020, December). Artistic interpretation of the creative concept in world literature. In *the Conference*.

5. Abdurashidovich, K. A. (2018). Motivation and National Character of Foolishness in Uzbek Literature. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, *7*(4), 47-51.
6. Qayumov, A. (2018). Creating of a national character through means of literature. *Theoretical & Applied Science*, (1), 235-240.
7. Kayumov, A. A., & Isakova, J. B. (2022). DESCRIPTION OF A CHILD'S IMAGE IN UZBEK LITERATURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, *2*(02), 115-122.
8. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *3*, 9-13.
9. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *3*, 9-13.
10. Джураева, М. А. (2020). THE CONCEPT OF A NEW HUMAN-BEING IN MODERN UZBEK STORIES. *Ученые записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Серия гуманитарно-общественных наук*, (2), 85-89.
11. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. *Scientific Journal of Polonia University*, *32*(1), 116-120.
12. Murodilovna, O. G. (2019). The peculiarities of vazn meter in uzbek poetry of the independence period. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, *8*(2), 33-39.
13. Oripova, G. M. (2021). Genesis And Essence Of Genre Concept. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(12), 90-94.
14. Akhmadjonova, O. A. (2021). Symbolic And Figurative Images Used In The Novel "Chinar". *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(03), 389-392.
15. Ahmadjonova, O. (2020, December). THE ARTISTIC SKILL OF THE CREATOR. In Конференции.6. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 245-249.
16. Xasanova, X. (2020, December). THE MISSION AND LITERATURE OF LETTERS IN STORIES AESTHETIC FUNCTION. In *Конференции*.
17. Makhmidjonov, S. (2021). ARTISTIC INTERPRETATIONS OF THE EDGES OF THE HUMAN PSYCHE. Интернаука, (15-3), 75-76.

18. Yulchiyev, Q. (2019). The development of lyric chronotop in Uzbek poetry. *Scientific journal of the Fergana State University*, *2*(2), 77-81.
19. Юлчиев, К. В. (2020). ЛИРИК ШЕЪРДА БАДИИЙ МАКОН МУАММОСИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *3*(5).
20. Azimovich, R. Z. Chronotope Image in the Novel" Ulugbek Treasure" by Odil Yakubov. *International Journal on Integrated Education*, *3*(11), 183-186.
21. Rahimov, Z., & Gulomov, D. (2020, December). RETROSPECTIVE STRUCTURE IN FICTION. In *Конференции*.
22. Dehkonova, M. S. (2020). OYBEK'S POETRY THROUGH ANALYSES OF REPRESENTATIVES OF OYBEK STUDIES SCHOOL. Theoretical & Applied Science, (2), 13-17.
23. Hamidov, M. (2020, December). ARTISTIC FEATURES OF SHUKHRAT'S NOVEL" MASHRAB". In Конференции.
24. UMURZAKOV, R. (2018). Social environment and spiritual world of teenager in narrative "Saraton" by N. Fozilov. *Scientific journal of the Fergana State University*, *1*(4), 104-105.
25. Umurzakov, R. (2021). ERA AND SPIRIT IN THE STORY "TWICE TWO IS FIVE". *Journal of Central Asian Social Studies*, *2*(02), 26-35.
26. Kasimov, A. Albert Camus in Uzbekistan.
27. Kasimov, A. A. (2020). PECULIARITIES AND SIMILARITIES OF SYMBOLIC EXPRESSION IN THE NOVELS "THE PICTURE OF DORIAN GRAY" AND "THE MAN AT THE MIRROR". *Theoretical & Applied Science*, (5), 590-592.
28. JURAYEV, H., & ABDURAHIMOVA, J. (2018). Semantic layers of the expression in the Babur lyric. *Scientific journal of the Fergana State University*, *1*(3), 111-112.
29. Rustamova I.I. Rhythm Views on the Plot of the Work / / Badiy asar syujetida ritm ko'rinishlari. // International Journal of Innovative Research. – India,June, 2021, –P. 8355-8357.
30. Rustamova I.I. PORTRAIT AND ITS ARTISTIC-AESTHETIC FUNCTION IN THE WORKS OF ABDULLA QAHHOR//Abdulla Qahhor asarlarida portretning badiiy-estetik funksiyasi//AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. –America, December, 2021, –P. 230-234.

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ

Абдурашидова Нилуфар Абдурашидовна
Тошкент давлат транспорт университети
“Чет тиллар” кафедраси ўқитувчиси
Тел:+99897 752 45 95

Ҳасанов М.
Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ахлоқ ва диннинг ўзоро мутаносиблиги талқин қилинган. Инсон маънавиятининг шаклланишида диний ва ахлоқий нормаларнинг уйғунлиги қиёсий таҳлил қилинган. Жамиятнинг ижтимоий негизининг ривожида диний ва ахлоқий қоидалар ўртага ташланиб, қиёсий таҳлилланган. Ахлоқий ва диний меъёрларнинг жамиятдаги енг муҳим белгилари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: *Жамият, ахлоқ, дин, Ахлоқий ва диний меъёр, виждон, норационаллик, рационаллик, хулқ – атвор, комил инсон, ахлоқий қадрият, трансцендентал ахлоқ, насронийлар, буддистлар, яҳудийлар, атеистлар, секталар, умуминсонийлик, радикаллик.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается гармония между нравственностью и религией. Проводится сопоставительный анализ соответствия религиозных и нраветвенных норм в формировании духовности человека, религиозных и нравственных понятий способствующих социальному развитию обшества. Представляются самые важные признаки нравственных и религиозных норм обшества.

Ключевые слова: *обшества, нравственность, религия, нравственные и религиозные нормы, совесть, нерациональность, рационализм, поведение, совершенной человек, нравственные ценности, хрестьяне, буддисты, евреи, атеисты, секы, общечеловечность, радикальность.*

КИРИШ

Инсон ақлан ривож топган тирик зот бўлгани боис, унинг ахлоқий меъёрлари анча мураккаблашган. Бошқа ҳайвонларда эса у жўн ва оддий.

Демак, ахлоқий меъёрларнинг мураккаблик даражасига кўра спектрини ҳосил қилиш мумкин. Бу спектр барча жамоавий жонзотларни қамраб олади ва ахлоқ эволюциясини акс эттиради. Ҳамма тирик мавжудотларнинг овқатланишга қанчалик эҳтиёжи бўлса, муайян тартиб - қоидаларга ҳам шунчалик эҳтиёжи бор. Жамият ахлоқ қонун қоидаларига риоя этиши ва уни ҳурмат қилиши албатта зарур. Бордию ахлоқ қонун қоидаларига риоя этилмас экан, эволюция натижасида қирилиб кетган яъни адаптация қилолмаган жонворлар сингари жамият ҳам таназзулга учрайди. Инсонларда ҳам ахлоқ жамиятдаги айрим талаблар оқибатида пайдо бўлган. Аввал англанмаган шаклда вужудга келиб, кейин мифлар, динлар, давлат қонунлари кўринишида мураккаблашиб борган. Бу жараён минглаб йилларга чўзилгани аниқ.

Кўпчилигимиз ахлоқ деганда қандайдир мавҳум, минглаб йиллар муқаддам пайдо бўлган, ўзгармас, барча инсоний муносабатларимиз, ҳаттоки соф шахсий қилмишларимизни ҳам тартибга солиши керак бўлган “куч”ни тушунамиз. Бу “куч” асосан виждон ҳисобланадаи. Биз ахлоқнинг мутлақ эканлиги, ўзгармаслиги ва барча замонлар ва маконлар учун ягона бўлишини инкор қиламиз. Уни мавжуд шароит ва эҳтиёжларнинг ҳосиласи ва ўз навбатида ўша шароитга яна таъсир этувчи меъёрлар йиғиндиси сифатида кўрамиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ахлоқ муайян жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турувчи ва ўша жамиятдаги бирлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи меъёрлардир. Уларнинг шахс ва, асосан, жамият манфаати ва эҳтиёжига хизмат қилиши, амалда иш бериши уларнинг мавжудлигини оқловчи бирламчи мезондир.

Шу ўринда ахлоқ ўзи қандай пайдо бўлган деган масалага қисқача тўхталсак. Бунинг асосан икки тур изоҳи бор. Биринчиси, ахлоқий меъёрларни Худо ёки худолар жорий қилган дегувчи диний-теологик ёндашув. Ушбу ёндашувга кўра ахлоқ ҳозир қандай бўлса шундайлигича қачонлардир илоҳий куч томонидан инсонларга туширилган ва у ўзгармасдир. Улар турли муқаддас китобларда ёзиб қўйилган.

Иккинчи ёндашув эса эволюцион ёндашув бўлиб – унга кўра, ахлоқ аввалига примитив шаклда пайдо бўлган ва кейинчалик турлича кўринишга кириб ўзгариб, мураккаблашиб борган, турли даврларда яшаган инсонларнинг маъқул ижтимоий муносабатлар ҳақидаги қарашларини ўзида ифодалаб келган

меъёрлардир. Ахлоқий меъёрлар жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, бу жараённи тўхтатиб қолишнинг имкони йўқ. Тўхтатишга қаттиқ бел боғлаган миллатлар таназзулга учрайди ёки таслим бўлади. Бу каби ўзгаришлар, ҳаттоки, энг консерватив куч саналувчи динда ҳам кузатилади. Бу кўпинча диний матнларни қайта талқин қилиш йўли билан амалга ошириладиган, ўта зиддиятли, мўътадил ва радикал диний жамоалар ўртасида можароларга сабаб бўладиган жараёндир. Радикал қанот аста секин камайиб боради ва камайгани сари янада радикаллашиб, қатъий чоралар кўриш йўлига ўтади.

Антик даврнинг машҳур мутафаккири Арасту ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятига тўхталиб шундай деган эди: «Табиат инсон қўлига қурол – ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин; шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади»[241]. Шунинг учун ҳам ахлоқ инсонийликка ундовчи восита бўлиб, у диннинг ёрдами ила вужудга келади.

Ахлоқнинг асоси пухта ўйланган таълим тизими ва қонун устуворлигининг таъминланишидир. Бу хусусида немис классик фалсафаси асосчиси қуйидагича тафсифлайди. Кант “Амалий ақл танқиди” асарида инсон яхшилик ва ёмонлик ҳақида қалбининг ҳиссий иштиёқи ва интилишларига асосланиб эмас, ақл заковати ёрдамида хулоса чиқариш керак, деган назарияни ўртага ташлайди. Гносеологияда бўлгани каби ўзининг фалсафасида Кант кишиларнинг қилмишларини асословчи умумий ва зарурий ахлоқий қонунларни топишга ҳаракат қилган. Кант фикрича, мутлоқ, умумий, барча учун аҳамиятли бўлиши мумкин ва бўлиши шарт, яъни қонун шаклига эга бўлиши керак. Фақат императив ахлоқ - (лот.imperativus -фармон) тамойилларига ва қоидаларига мос келадиган хулқ-атворгина ахлоқийдир. У априор хараркторга эга синтетик ҳукук бўлиб, унинг асосий қонунига кўра, шундай максимал яъни, хулқ атворнинг субъектив томойили асосида ҳаракат қилиш керакки, у ўз навбатида барча учун умумий қонун бўлиб қолиши керак деб, шундай тарифни беради:“Ўзингга ва бошқа инсонларга ахлоқий восита сифатида эмас, ахлоқий мақсад сифатида қарагин, чунки инсон ҳаёт ўзида энг олий мақсадни мужассамлаштирилган”. Унинг маълумотига кўра, ахлоқий қонунларга ҳурмат билан қараш инсонларни ўз-ўзини ҳурмат қилишга, бурч тақозаси эса шахсий мукаммаллик ва бошқаларни бахтига сабаб бўлади.

[241]Аристотель. Политика. –М., 1911. С. 9.

Инсон ахлоқини шундайдеб ёзади Эрих Фромм, - “бир одам - обрў эгаси инсон учун нима яхшилигини белгилаб беради, ўзни тутиш қонун-қоидалари ва меъёрларини ҳам ўйлаб топади, ўрнатади. Инсонпарварлик ахлоқи эса бу қонун-қоидалар ва меъёрларни ўзи яратиши, ўзи бошқариши ҳамда уларга ўзи амал қилиши билан фарқланади»[242]

Фромм обрўпарварлик ахлоқининг икки асосини кўрсатиб ўтади: биринчиси – рационал обрўпарварлик, унга кўра, рационал обрў эгаси ўзига юкланган вазифани омилкорлик воситасида бажариб, мазкур вазифани юклаганлар томонидан ҳурматга сазовор бўлади. Бироқ рационал обрўпарварлик вақтинчалик ҳадиса, у обрў эгаси фаолиятининг самарадорлиги билан боғлиқ. Иккинчиси – норационал обрўпарварлик, у бир томондан ҳукмронликка, иккинчи томондан, қўрқувга асосланади ва узоқ муддат давом этади: муайян тарихий даврни ўз ичига олади. Норационал обрўпарварлик танқидни на фақат тан олмайди, балки тақиқлайди. Рационал обрўпарварлик обрў эгаси тамонидан субъектга нисбатан ахлоқий тенгликни тақазо этса, норационал обрўпарварлик айнан тенгсизлик асосига қурилади. Бунда обрў эгасига «гап қайтармаслик», «қулоқ солиш» - фазилат, «қулоқ солмаслик» - иллат ҳисобланади.

Асрлар мобайнида дин ва ахлоққа бир бутунлик ўлароқ қаралган; содир этилган гуноҳ учун жазо муқаррарлигига бўлган ишонч инсонларни ёмонликдан қайтариши бот-бот таъкидланган. Ҳатто баъзи ашаддий атеистлар ҳам динни жамият ахлоқини назорат қилувчи институт сифатида тан олган. Балки шундан бўлса керак, диний таълимотлар илдизини асосан ахлоқий масалалар эгаллаган.

“Инсоният тафаккури тараққиётида илк бора эзгу ният, эзгу сўз ва эзгуликка асосланган амалиёт бирлиги ҳар қандай ижтимоий ривожланишнинг асоси эканлиги тўғрисидаги буюк таълимот Зардўшт гоҳларида шакллантирилган эди. Фуқаролари бошқа фикрни ўйлаб, бошқа сўзларни айтишга ва яна бошқа амалий ишлар қилишга йўналтирилган жамият муқаррар тарзда таназзулга юз тутиши мумкинлиги тўғрисидаги инқилобий ғоя ҳам айнан ана шу таълимотга мансуб. Инсоният эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалиётга изчил амал қилибгина инқироздан қутулиши ва фаровон ҳаётга етишиши мумкин, деган пурҳикмат хулосалар чиқарилган”[243].

[242] Фромм Э. Человек для себя. Минск, Хорвест, 2004. С. 18.
[243]Ницше Ф. Зардўшт таваллоси.//Тафаккур. 1995. 1-сон. Б. 94

Зардўштнинг муқаддас диний китоби «Авесто»да баён этилган бу дурдона фикрлар замирида юксак ахлоқ, комил инсон қиёфасини акс эттирувчи ахлоқий фазилат ифода этилган. Дарҳақиқат, агар одамда эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал уйғун бўлмас экан, ундай одамнинг қадр-қиммати ҳам бўлмайди, ундай одамга ишониб ҳам бўлмайди, ундай одам кўпчилик назаридан қолади.

Европа уйғониш даврининг мутафаккирлари ахлоқий қадриятларга трансцендентал ахлоқ нуқтаи назаридан эмас, балки реал, амалий ахлоқ, ҳаётий, дунёвий нуқтаи назаридан қараладиган бўлди. Голланд файласуфи Спиноза ахлоқни илоҳийлаштириб талқин этишни танқид қилди. У ақлни ахлоқнинг асоси деб эътироф этиб, кишининг хатти-ҳаракатлари фақат унинг ўзига боғлиқ, одамнинг ўзи яхши-ёмонни ажратишга қодир эканлигини таъкидлайди, инсоннинг тафаккури қудратига ишонч унинг ахлоқий таълимотининг ютуғидир. Немис файласуфи Кант эса инсон ҳиссиёти орқали нарса ва ҳодисалардан қониқиш ҳосил қилади, бу қониқиш уни ҳатто фикрлашга чорлайди. Инсон ахлоқий бурч билан, яхшилик қилиш билан бахтга эришиш мумкин, дейди. Кант инсон билишининг имкониятларини кўрсатар экан, фаннинг билишдаги аҳамиятига катта эътибор беради. Шунинг билан Кант, ўз сўзи билан айтганда, “эътиқодга ҳам ўрин қўяди. Ишонч эътиқодгина инсон жонининг ўлмаслигига ишониш эркинлиги асосида худонинг мавжудлигини ақлий исботлайди”[244], дейди.

Аслини олганда, маълум маънода, динийлик ва ахлоқийлик бир-бирига чамбарчас тушунчалардир. Улар дунё ва инсон ҳаётининг моҳиятига турлича қараш усулларидир. Ҳар иккаласининг ҳам объекти битта – дунёда инсон ҳаёти. Дин ҳам бу дунёда қандай яшаш кераклигини ўргатади. Ғаззолий у дунёдаги дўзах азоблари ҳақида ёзар экан, бу дунёда қандай яшаш лозимлигини уқтиради, кишиларнинг ҳиссиётига таъсир қилиш орқали тарбиялайди. Динлардаги буюк умуминсоний ғоялар аслда дунёнинг ахлоқий масалаларига хизмат қилади. Ижтимоий ҳаётда шундай жараёнлар борки, ундаги муаммоларни ҳал қилишда динийлик кўпроқ самара беради. Аҳлоқий поклик, ўткинчи дунё лаззатларига ҳаддан ортиқ берилиб кетмаслик, инсонга хиёнат қилмаслик, Оллоҳ яратган яхши нарсаларга зарар етказмай, табиатни асраб-авайлаш каби муаммоларни ҳал қилишда диннинг аҳамияти салмоқли. Бундан ташқари кишилик жамиятининг маънавий такомиллик даражаси бевосита диний дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ. Чунки диний дунёқараш кишининг дунё тўғрисидаги тасаввурларини яхлит бир тизимга келтириб олам

[244] Schiepp P. I.Kants practical ethics Evanston, 1964. P. 71.

тўғрисида эътиқодга асосланган умумий изчил манзарани яратади. Бу эса ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичлари учун зарур бўлган маънавий такомиллашиш жараёнининг узлуксизлигини таминлашга хизмат қилади.

Маълумки жамият тараққиёти давомида турли дин шакллари вужудга келди. Дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни жонлантириб, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантира олган қудратли омил эканлигини доимо эсда сақлашимиз зарур. Бу эса ўз навбатида фуқароларимизда маданият, баҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Уларни муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларига руҳий мадад берувчи қудратли куч сифатида, қадриятларимизни сақлаб қолинишини таъминлаб авлоддан авлодга етказишда кенг имкониятлар очиб беради.

Деярли барча тарихий даврларда хусусан, ҳозирги пайтда ҳам давлат сиёсати даражасида диндан ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида фойдаланиб келинган. Динни вужудга келтирувчи ижтимоий, тарихий, гносеологик ва психолгик илдизларнинг ҳар бири унинг моҳиятини англаб олишимизга имкон туғдиради.

Бугунги кунда демократик жамиятларда диний ташкилотларнинг ғоявий ва амалий фаолиятини ижобий баҳолаётганлигини эътироф этмоқ керак.

Дин ва давлат ўртасидаги муносабатларда миллий, умуминсонийлик ва ахлоқийлик тамойилларининг ўзаро уйғунлигига амал қилиниши, дин ва диний муассасаларга холисона ёндашилиши давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида ўз аксини топаётганлигини қайд қилмоқ зарур. Бундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда содир бўлаётган демократик жараёнларда диний ташкилотларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортиб бориши кузатилмоқда.

Диний ташкилотларга хос ижтимоий-сиёсий фаолликнинг ортаётганини эътиборга олиб, уни икки йўналишда - ижтимоий ҳаётда ва дунёқарашда шахснинг фаоллигини ошириш кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунга кўра, диннинг ижтимоий илдизлари жамият аъзоларини фаолликка , эзгуликка, тинчлик ва хотиржамликка етакловчи омилга айланаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Маълумки, диннинг илдизлари бевосита инсон руҳияти билан боғлиқ тарзда талқин этилади. Бу ўринда инсоннинг ақлий ва ахлоқий имкониятларини ҳам ўзаро боғлиқликда олган ҳолда маънавий-маърифий тарбияда диннинг ҳам ўзига хос аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти “...диний дунёқараш тафаккурнинг,

инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарур”[245], деб такидлайди.

Чинакам ахлоқли инсон диндор бўлгани ёки дўзахдан қўрққани учун эмас, аксинча, айнан ахлоқли бўлгани учун ҳам Яратганнинг кўрсатмаларига амал қилади. Диндан мутлақо бехабар, бироқ “дин ҳимоячисиман” дейдиганлардан минг чандон ахлоқлироқ инсонларни кузатганимизда улардаги ахлоқ диндан эмас, бошқа бир асосдан келиб чиқаётганига амин бўламиз. Бундай инсонларни мусулмонлар, насронийлар, буддистлар, яҳудийлар, атеистлар орасидан кўплаб топиш мумкин.

Хўш, дин жамият ахлоқини яхшилай олмаса, у ҳолда нима бу вазифани бажаради? Бунга жавобимиз жуда оддий – тўғри йўлга қўйилган таълим ва қонунлар ижросининг қатъий таъминланишигина вазиятни ўнглаши мумкин. Бир томондан мустақил, танқидий фикрлай оладиган шахсни тарбиялашни бош мақсадга айлантирган дунёвий таълим тизими ва адолат тамойилларига содиқ ижроия ва суд ҳокимияти. Ана шу икки шарт бажарилгандан кейингина дин жамиятда ижобий роль ўйнай бошлайди, кишиларнинг маънавий-руҳий озуқасига айланади. Ислом давлатларида эса вазият бунинг акси. Давлат ўзининг энг муҳим функцияси – қонун устуворлигини таъминлай олмайди, етарлича дунёвий таълим кўрмаган омма эса дунёвий қонунлар ва ҳукуматни тан олмайдиган радикал воизларнинг итоаткор сомеларига айланиб қолган. Ваҳоланки, бундай радикал воизлар бошқа динларда ҳам бор. Бироқ уларнинг таъсири биз мусулмонлардагичалик эмас. Нима учун? Шунинг учунки, уларнинг сомелари бизлардагичалик ишонувчан эмас. Ишонувчанлари ҳам башарти ҳаддидан ошса, қонун уларнинг жойи қаерда эканини кўрсатиб қўяди. Биз биламизки, АҚШда радикал диний секталар анча фаол. Бунинг сабаби, бизнингча, у ерда мактаб таълими етарли даражада қониқарли эмас. “Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг 2010 йилги ҳисоботига кўра, АҚШ бу соҳада ривожланган давлатлар орасида 23-ўринни эгаллайди”[246]. Нуфузли университетлар ва баъзи хусусий мактабларгина хорижликлар эътиборини ўзига жалб эта олади. У ҳолда нега ўша секталар ижтимоий ахлоқсизлик ва тартибсизликларни келтириб чиқариб, хавфсизликка тахдид сололмайди? Бунинг сабаби оддий – у ерда конституция ва қонунларни бузганлар жазодан қочиб қутула олмайди. Мавриди келганда бир масалага

[245] И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Тошкент 1997. 36-бет.
[246] Қаранг: OECD Facebook 2010. International Student Assessment –http://www.oecd-ilibrary.org

тўхталиб ўтиш жоиз. Аввал дунёвий таълим бериш керакми ёки диний, деган мавзуда баҳслар бўлиб туради. Бу саволга жавоб қилишда аввал диний таълим кўрганлар кўпроқ экстремизмга мойилми ёки дунёвий таълим олиб сўнг дин билан қизиққанларми – мана шунга эътибор қаратишимиз лозим. Худо, нариги дунё, жаннат, дўзах, гуноҳ каби тушунчаларни энди таълим олишни бошлаётган, дунё ва инсонлар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлмаган боланинг онгу тафаккури қабул қилишга қодир эмас. Улар бола ақлини, таъбири жоиз бўлса, фалаж аҳволга солиб қўяди. Оқибатда эса эркинликдан, эркин ва танқидий фикрлашдан қўрқадиган, дунёвий фанлар борасида эса қуруқ ёдлашдан нариги ўтмайдиган чаламуллалар пайдо бўлади. Чунки дин тафаккурга эмас, балки авторитетга сўзсиз ишониш ва итоат этиш кўникмасини аввал-бошданоқ шакллантириб қўяди. Эркин ахлоқий тафаккур салоҳияти эса ҳали бўй кўрсатмасданоқ янчиб ташланади. Бундай таълим кўрганлар кейинчалик ҳам эътиқодига ва ахлоқига зид ёки ўзгачароқ фикрга дуч келса, ўша заҳоти ундан халос бўлишга интилади. Ундаги ижодкорлик қобилияти чекланиб қолади. Демак, диний таълим фақат юқори синф ўқувчиларига берилиши, шунда ҳам дарс тарғибот мақсадида эмас, билим бериш учун, хулоса чиқаришни ўқувчининг ўз ақлу тафаккури ихтиёрига қолдирган ҳолда ўтилиши, динлар ўзаро қиёсий ўрганилаётганда холислик ва танқидийлик тамойилига риоя этилиши, бизнингча, мақсадга мувофиқдир. Дин етарлича дунёвий таълим кўрган жамиятда ижобий роль ўйнаса, бунинг акси бўлган вазиятда аҳвол ўзгача тус олади.

ХУЛОСА

Демак, ёшларимизнинг динга бўлган муносабатларини ижобийлигини ҳамда унга нисбатан қизиқишнинг юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, маънавий-маърифий тарбияда диний омил ҳам ўзига беқиёс аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Зеро, мустақил давлатимизга, энг аввало, иймони бутун, қалби тоза инсонлар, биринчи навбатда ёшлар керак. Ҳар кунги фаолиятларида инсонларга эзгу амаллар, савоб ишлар қилиш, солиҳ хулқ соҳиби бўлган ёшларимиз дунёқараши-нафақат ўзини шу билан барча ёр-биродарларини ҳам эзгуликка етаклайдиган маънавий омиллардан бири эканлигига ёш авлодни ишонтиришнинг ўзи ҳам дунёвий маърифатдан ўзга нарса эмас.

Умуман олганимизда, диний ғояларни англаш ва ўрганиш, ҳозирги вақтда кенг қамровли ислоҳотларни ўтказиш жараёнида жамиятни маънавий бойитиш,

миллий онгимизни янада юксалтириш, келажаги буюк давлатни яратувчи ёш авлодни дунёвийлик руҳида, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган бўлур эди.

REFERENCES

1. Аристотель. Политика. –М., 1911. С. 9.
2. Фромм Э. Человек для себя. Минск, Хорвест, 2004. С. 18.
3. Ницше Ф. Зардўшт таваллоси.//Тафаккур. 1995. 1-сон. Б. 94
4. Schiepp P. I.Kants practical ethics Evanston, 1964. P. 71.
5. И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Тошкент 1997. 36-бет.
6. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. Ў., Кушаков, Ф. А., Валиев, Л. А., & Хасанов, М. Н. (2022). ЖАМИЯТДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *PEDAGOGS jurnali*, *19*(1), 13-18.
7. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 963-969.
8. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, *8*(1), 102-108.
9. Ҳасанов, М. Н., Бекмуратов, Б. Ж., Турғунов, Б. Ш., & Маматқулов, У. С. (2022). ФОРОБИЙНИНГ ТАЪЛИМОТИДА ЁШЛАР ВА ИНСОН ТАЛИМ-ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ.
10. Ҳасанов, М. Н., Зайниддинов, Б. З., Абдухалилов, О. А., & Джурайев, Д. Д. (2022). МЕҲНАТДА ИНСОННИ ШАКЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ.
11. Ramatov, J.S. va Xasanov, MN (2022). Ta'lim amaliyotida innovatsiyalarni jalb qilishning nazariy modelini tahlil qilish. *Sharq uyg'onishi: innovatsion, ta'lim, tabiiy va ijtimoiy fanlar* , *2* (6), 937-942.
12. У.К.Эрниёзов, М.Н. Ҳасанов, & Х.С.Машарипов. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, *4*(3), 130–136.
13. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Л. А. Валиев (2022). ИНСОН ДУНЁҚАРАШИНИНГНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИНИ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2 (7), 78-82.
14. J. S. Ramatov, M. Hasanov MAFKURAVIY AXLOQ TARBIYASINING AHAMIYATI // Pedagogik fanlar boyicha akademik tadqiqotlar. 2022 yil. 6-

son. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/mafkuraviy-ta-didlarni-oldini-olishda-ahlo-iy-tarbiyaning-a-amiyati (kirish sanasi: 04.10.2022).
15. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
16. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).
17. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 973-979.
18. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Лочин Азаматович Валиев (2022). АУРОБИНДО ГХОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 1161-1169.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ФОРС-МАЖОРГА ОИД ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИ ВА СУД АМАЛИЁТИ

Исанов Холмурод
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби докторанти, юридик фанлар номзоди, доцент.

АННОТАЦИЯ

Мақолада Россия Федерациясининг форс-мажорга оид фуқаролик қонунчилиги ва суд амалиёти таҳлил қилинган. Мазкур мамлакатда форс-мажор ҳолатларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: *Фуқаролик қонунчилиги, енгиб бўлмайдиган куч, форс-мажор ҳолати, форс-мажорга оид фуқаролик-ҳуқуқий нормалар, форс-мажор ҳолати белгилари.*

ГРАЖДАНСКОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО И СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ О ФОРС-МАЖОРЕ

Исанов Холмурод
Докторант Высшей школы судей при Высшем судейском совете, кандидат юридических наук, доцент.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются гражданское законодательство и судебная практика Российской Федерации о форс-мажоре. Даны научные выводы об особенностях гражданско-правового регулирования форс-мажорных обстоятельств в данной стране.

Ключевые слова: *Гражданское законодательство, непреодолимая сила, форс-мажор, гражданско-правовые нормы о форс-мажоре, признаки обстоятельства форс-мажора.*

CIVIL LAW AND JUDICIAL PRACTICE OF THE RUSSIAN FEDERATION ON FORCE MAJOR

Isanov Kholmurod
Doctoral student of the Higher school of judges under the Supreme judicial council, candidate of legal sciences, docent.

ANNOTATION

The article analyzes the civil legislation and judicial practice of the Russian Federation on force majeure. Scientific conclusions are given about the features of civil law regulation of force majeure circumstances in this country.

Keywords: *Civil law, force majeure, civil law rules on force majeure, signs of a force majeure circumstance.*

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ривожланиб бориши бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлигига боғлиқ бўлиб, бундай барқарорликни таъминлаш ўз навбатида фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Хусусан, ҳозирги даврда бутун дунёда содир бўлиб турган турли-туман табиий офатлар, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-иқтисодий вазиятлар ва пандемия оқибатлари натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажара олмаслик ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Бундай шароитларда мажбуриятни бузганлиги учун тадбиркорлик фаолияти субъектларининг жавобгарлигини белгилашда, мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қилган ҳолат сифатида форс-мажор ҳолатининг қонуний ва адолатли қўлланиши, тадбиркорлик субъектларининг истиқболдаги фаолиятида муҳим аҳамияткасб этади. Зеро, форс-мажор ҳолати мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликдан озод этиш ёки жавобгарликни истисно этишнинг муҳим асосларидан бири. Шундан келиб чиқиб айтганда, бир қатор хорижий мамлакатларнинг, жумладан Россия Федерациясининг форс-мажорга оид фуқаролик қонунчилигини илмий-назарий таҳлил этиш ва ундан миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича концептуал ғояларни ишлаб чиқишда фойдаланиш зарурати мавжуд.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Россия Федерациясининг фуқаролик қонунчилиги ва суд амалиётида форс-мажор (инглизча “force-major”, французча “force-majeure”) ҳолати тушунчаси енгиб бўлмайдиган куч таъсири натижасида зарар етказилишига олиб келадиган ҳолат сифатида қабул қилинган бўлиб, ушбу тушунча умумий қоида тариқасида мустаҳкамлаб қўйилган ва унинг барча белгилари ёки хусусиятлари кўрсатиб берилмаган. Жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 401-моддаси 3-қисмида таъкидланишича, “агар қонунда ёки шартномада

бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди" [247] . Ушбу ҳуқуқий норма шуни англатадики, мажбуриятни бузган шахс айбдор деб топилади ва айни пайтда, агар у ўзининг айби йўқлигини исботлай олса, жавобгарликдан озод этилади. Шунингдек, қонун ёки шартномада мажбуриятни бажармаган ёки уни лозим даражада бажармаган тақдирда қарздорнинг жавобгарлиги назарда тутилиши мумкин. Яъни, умумий қоида тариқасида, тадбиркорлик фаолияти жараёнида мажбуриятни бузган шахс айбдор ёки айбсиз бўлишидан қатъий назар жавобгар бўлади. Лекин, фуқаролик қонунчилигида мажбуриятни бузган шахс енгиб бўлмайдиган куч оқибатида юзага келган фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган шароит туфайли мажбуриятни бажара олмаганлигини ёки лозим даражада бажара олмаганлигини исботлаган ҳолларда, жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, форс-мажорга оид фуқаролик қонунчилигида мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қиладиган форс-мажор ҳолатининг муҳим белгилари сифатида унинг "фавқулодда" ва "муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган" каби белгилари кўрсатиб ўтилган. Демак, юзага келган вазият форс-мажор ҳолати деб топилиши учун, у бир пайтнинг ўзида ҳам фавқулоддалик, ҳам муқаррарлик, яъни муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган белгиларига эга бўлиши талаб этилади. Бу форс-мажор ҳолатининг вужудга келиши жавобгар шахс фаолияти билан боғлиқ бўлмаганлиги, у тарафларнинг хоҳиш-иродасига бўйсунмаслиги ва уни олдиндан кўра олиш имкониятлари ҳам йўқлигини билдиради. Жумладан, форс-мажор ҳолатининг "фавқулодда"лиги унинг тўсатдан пайдо бўлишини англатса, "муайян шароитларда олдини олиб бўлмаслиги" эса, унинг муқаррар эканлигини, яъни муайян шароитларда у билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишнинг техникавий ва бошқа воситалар ёрдамида имконияти йўқлигини англатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунга қадар Россия Федерациясининг илмий-ҳуқуқий таълимотида форс-мажор ҳолатининг

[247]Гражданский кодекс Российской Федерации.http://www.sgrc.ru/upload/legislation/11-2021/GK.pdf.

“фавқулодда” ва “олдини олиб бўлмайдиган” белгилари тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, рус тилининг луғатида[248] *“фавқулодда”* сўзи *“алоҳида, жуда катта, ҳаммадан устун”*, деган маъноларни англатса, илмий юридик адабиётларда ушбу сўз *“олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолат* ёки *кутилмаган ҳолат”*[249] сифатида талқин қилинади. Таниқли ҳуқуқшунос олим О.С.Иоффе эса, “фавқулодда ҳолат ўзининг объектив табиатига мос равишда ҳар қандай ҳаётий фактни форс-мажор ҳолати сифатида таснифлашга йўл қўймаслигига қаратилган”[250], деб таъкидлайди. Олимнинг ушбу фикри диққатга сазовор бўлиб, у “фавқулодда” сўзининг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш ва уни тасаввур этишга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, О.С.Иоффе билан келишиш мумкин, лекин рус тили луғатида кўрсатиб ўтилган *“фавқулодда”* сўзининг *“алоҳида, жуда катта, ҳаммадан устун”,* деган маъноларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, юзага келган ҳолат *“фавқулодда”* бўлиши учун у *“алоҳида, жуда катта, ҳаммадан устун”* бўлиши шарт эмас, балки *тўсатдан* пайдо бўлиши ва *мутлақ* характерга эга бўлиши, шунингдек *ноодатий* (ғайриодатий) равишда бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатда юзага келиши муҳим ҳисобланади. Фикримизни Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 401-моддаси 3-қисмига берилган шарҳлар[251] ҳам тасдиқлайди. Зеро, мазкур шарҳларда “форс-мажор ҳолатининг фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган белгилари, унинг ноодатий ва тўсатдан юзага келадиган вазият эканлигини англатади”, деб тушунтириш берилган. Шулар қаторида, Россия Федерациясининг фуқаролик қонунчилигида форс-мажор ҳолатларига тааллуқли бўлмаган айрим ҳолатлар ҳам кўрсатилган бўлиб, уларга қарздорнинг контрагентлари томонидан мажбуриятнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун керак бўлган товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг йўқлиги кабилар киритилган. Қонун чиқарувчи томонидан ушбу ҳолатларнинг ажратиб кўрсатилганлиги шуни англатадики, улар асосан тадбиркорлик фаолияти ёки ҳар қандай хўжалик-молия фаолияти жараёнининг таваккалчилиги натижасида юзага келиши мумкин. Шу сабабли, Россия Федерациясининг фуқаролик қонунчилигига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари форс-мажор ҳолатларига оид барча шартларни шартномага киритган ҳолда келишиб олишлари, жумладан мажбуриятни бажариш жараёнида юзага келадиган қандай вазиятлар форс-

[248]Ожегов С. И. Словарь русского языка. М., 1999. С. 872.
[249]Гутников О. В. Форс-мажорные обстоятельства в условиях кризиса // Главбух. 1998. № 17. С.60.
[250] Иоффе О. С. Избранные труды: В 4 т. Т. 1. СПб., 2003. С. 430.
[251]Гуев А. Н. Комментарий к части первой Гражданского кодекса РФ. М., 2003. С. 829.

мажор ҳолати сифатида тан олиниши мумкинлиги ва бунда қайси шартлар қаноатлантирилиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин.

Ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича[252], Россия Федерациясида қонун чиқарувчи томонидан форс-мажор ҳолатларини малакалаш ва уларга қарздорни жавобгарликдан озод этиш асоси нуқтаи назаридан ҳуқуқий баҳо бериш вазифаси асосан судларга юклатилган бўлиб, бунда судлар форс-мажор ҳолатлари билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, асосан тарафлар ўртасида юзага келган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик қонунчилиги нормалари ва шартнома шартларига таяниб низоларни ҳал этадилар. Масалан, Россия Федерациясининг Олий Арбитраж суди томонидан жавобгарнинг қарши даъвоси, жумладан, “даъвогарга етказилган моддий зарар шартнома асосида омборхонада сақланиб келинаётган товар-моддий бойликларнинг фавқулодда ва тўсатдан ёнғин келиб чиққанлиги натижасида йўқотилганлиги ва бунда унинг айби йўқлиги, ушбу ёнғин ҳодисаси форс-мажор ҳолати бўлганлиги сабабли, суд уни жавобгарликдан озод этиши лозимлиги” тўғрисидаги талаблари рад этилган. Суднинг ушбу қарори сақлаш шартномаси шартлари жавобгар томонидан бажарилмаганлиги, яъни “товар-моддий бойликларини сақлаш жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилмаганлиги” ва Фуқаролик кодексининг 901-моддаси (1-банди 2-хатбоши)да белгиланган сақловчининг жавобгарлиги асосларига оид “касбий сақловчи, агар ашёнинг йўқолиши, етишмаслиги ёки шикастланиши енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки сақлашга қабул қилинган ашёнинг хусусиятлари тўғрисида билмаганлиги ва билиши мумкин ҳам эмаслиги ёхуд юк берувчининг қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади”[253], деган ҳуқуқий нормадан келиб чиқиб асослантирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Россия Федерациясининг суд амалиётида манфаатдор тараф форс-мажор ҳолатини тасдиқлаш тўғрисида ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжатлар, жумладан, Савдо-саноат палатасининг сертификати, Гидрометеорология (сейсмология) хизмати, Фавқулодда вазиятлар ва Ички ишлар вазирликлари ва бошқа органларнинг маълумотномаларини тақдим этиши талаб этилади. Шунингдек, манфаатдор тараф форс-мажор ҳолати юзага келганлиги тўғрисида иккинчи тарафни

[252] Смирнова М.Г. Форс-мажорные обстоятельства в российском, зарубежном и международном праве // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2014. №1. С.137.
[253] Постановление Президиума Высшего Арбитражного суда Российской Федерации №3352/12 от 21.06.2012 года.

хабардор қилганлиги тўғрисидаги хатни ҳам тақдим этиши шарт. Судлар юзага келган вазиятни форс-мажор ҳолати деб топишда, асосан унинг фавқулодда ва тўсатдан юзага келганлиги, муайян шароитларда ноодатий бўлганлиги, шартнома тузилганда юзага келиши мумкин бўлган бундай вазиятни тарафлар олдиндан кўра билмаганлиги ва юзага келган вазият уларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаганлиги, ҳодиса оқибатлари олдини олиб бўлмаганлиги, яъни тарафлар учун у бартараф этиб бўлмайдиган ҳолат бўлганлиги, шунингдек мажбуриятни бажара олмаслик ва юзага келган ҳолат ўртасида сабабий боғланиш бор ёки йўқлигига эътибор қаратади. Масалан, Россия Федерацияси Олий судининг Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга кўра[254], судлар қарздор томонидан форс-мажор ҳолати юзага келганлиги тўғрисида шартномада белгиланган муддатда кредитор хабардор қилинган ёки қилинмаганлиги, етказилган зарарни камайтириш бўйича қарздор бутун имкониятлар доирасида барча чораларни кўрган ёки кўрмаганлигини ўрганиши, бундай шартлар бажарилмаган тақдирда, қарздор жавобгарликдан озод қилинмаслиги ва кредиторга етказилган зарар Фуқаролик кодексининг 307-моддаси 3-банди ва 393-моддаси 1-банди асосида қопланиши тўғрисида қарор қабул қилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бу эса, судлар қонун нормалари ва шартномада келишилган барча шартлар тўлиқ қаноатлантирилганда, юзага келган вазият юридик факт сифатида форс-мажор ҳолати эканлигини тасдиқлашга оид тақдим этилган ишончли далилларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қарор қабул қилишини кўрсатади. Шунингдек, судлар юзага келган вазиятга форс-мажор ҳолати сифатида ҳуқуқий баҳо беришда, унинг “фавқулодда”лик ва “бартараф этиб бўлмайдиган” белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига асосий эътибор қаратадилар. Яъни, ушбу белгиларнинг бир пайтда мавжуд бўлмаслиги, юзага келган вазиятни форс-мажор ҳолати сифатида қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади. Масалан, Россия Федерацияси Волга-Вятка округининг Федерал Арбитраж Суди қарори билан аппеляция инстанциясининг “Қиш фаслида юзага келган паст даражадаги об-ҳавони форс-мажор ҳолати деб топиш тўғрисида”ги қарори бекор қилиниб, суднинг қабул қилган қарори “паст даражали об-ҳаво натижасида юзага келган вазият мутлақ характерга эга эмаслиги, шунингдек у бартараф этиб

[254] Пункт 10 Постановления Пленума Верховного Суда Российской Федерации №7 от 24.03.2016 года ”О применении судами некоторых положений Гражданского кодекса Российской Федерации об ответственности за нарушение обязательств”.

бўлмайдиган белгиларга ҳам эга эмаслиги сабабли форс-мажор ҳолати деб баҳоланиши мумкин эмас”[255], деб асослантирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Россия Федерациясининг судлари томонидан тарафлар сифатида чет эл шахслари иштирок этган форс-мажорга оид низоларни ҳал этишда БМТнинг “Товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги Конвенцияси [256] (Вена, 1980 йил) 79-моддаси қўлланилади. Унга кўра, агар шартномада тарафлар томонидан форс-мажор ҳолатларига оид шартлар назарда тутилмаган ҳолларда, сотувчи тарафни шартномани натура шаклида бажариш (товарни етказиб бериш) мажбуриятидан озод қилинмайди, лекин у форс-мажор ҳолати туфайли ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бунда “назоратдан ташқари тўсиқлар” туфайли юзага келган фавқулодда ҳодиса, яъни форс-мажор ҳолати натижасида қарздор шартнома мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлса, унинг жавобгарлиги суд томонидан мажбурият ҳуқуқининг умумий нормалари асосида ҳал этилади. Агар, тарафлар шартномага форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги барча шартларни киритган бўлсалар, юзага келган вазият форс-мажор ҳолати сифатида тан олиниши учун, шартнома шартлари қай даражада (етарли ёки етарли эмас) қаноатлантирилганига суд томонидан ҳуқуқий баҳо берилади. Чунки, Россия Федерациясининг фуқаролик қонунчилигига кўра, шартномада қандай ҳодиса ёки вазиятлар форс-мажор ҳолати сифатида қабул қилиниши ёки қилинмаслиги тўғрисидаги шартлар батафсил кўрсатилиши мумкин ва истисно тариқасида, қонун ёки шартнома билан бошқача тартиб ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахс мажбуриятни бузганликда фақат айбдор бўлганда, яъни унинг айби қасд ёки қўпол бепарволик шаклида ўз тасдиғини топганда, жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Россия Федерациясининг фуқаролик қонунчилигига кўра, агар форс-мажор ҳолати ёки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари жавоб бера олмайдиган ҳар қандай вазият юзага келиши натижасида мажбуриятни бажаришнинг имконияти бўлмаса (ФК 416-моддаси 1-банди) ёки давлат ҳокимияти органининг ҳужжати қабул қилиниши натижасида мажбуриятни бажариш имконияти бўлмайдиган вазият юзага келганда, шартнома тугатилиши мумкин (ФК 417-моддаси 1-банди). Масалан, Москва шаҳри мэрининг

[255]Постановление Федерального Арбитражного суда Волго-Вятского округа от 24 октября 2003 года № А43-3767/2003-1-125 // СПС “Консультант Плюс”.
[256]https://uncitral.un.org/sites/uncitral.un.org/files/media-documents/uncitral/ru/v1056999-cisg-e-book-r.pdf.

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши чораларни кучайтириш мақсадида 2020 йил 16 мартда қабул қилган “Юқори тайёргарлик режимини жорий этиш тўғрисида”ги 21-УМ-сонли фармонига[257] кўра, Москва шаҳри ҳудудида иштирокчилар сони бир пайтда 50 кишидан ортиқ бўлган фуқаролар иштирокида маданият, жисмоний тарбия ва спорт, кўргазма, кўнгилочар ва маърифий тадбирлар ўтказилиши вақтинчалик (номаълум) муддатга тўхтатилганлиги натижасида, ушбу тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тузилган шартномалар бажариш имконияти бўлмаганлиги сабабли тугатилган.

ХУЛОСА

Юқорида келтириб ўтилганларга асосланиб, Россия Федерациясининг форс-мажорга оид фуқаролик қонунчилиги ва суд амалиёти бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

а) юзага келган вазиятни форс-мажор ҳолати сифатида малакалашда асосан шартнома шартлари ва фуқаролик қонунчилиги нормаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш;

б) форс-мажор ҳолати фавқулоддалик ва муқаррарлик белгилари мавжудлиги нуқтаи назардан баҳоланиб, бунда асосан юзага келган ҳолатнинг фуқаролик муомаласи иштирокчилари хоҳиш-иродасига бўйсунмаганлиги ва уни олдиндан кўра олиш имкониятлари йўқлиги, шунингдек муайян шароитларда унинг оқибатларини бартараф этиш имконияти бўлмаганлиги каби хусусиятларини эътиборга олиниши;

в) форс-мажор ҳолатига ҳуқуқий баҳо беришда қарздор томонидан мажбуриятни бажариш ёки кредиторга етказилган зарарни камайтиришга қаратилган барча чораларнинг кўрилганлиги, шунингдек қарздор ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигига эътибор қаратиш;

г) форс-мажор ҳолати амалда бўлган жараёнда қарздор томонидан шартнома шартларининг бузилган ёки бузилмаганлигини баҳоланиши ва форс-мажор ҳолатини тасдиқлаш тўғрисида ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжатларнинг мавжудлигига эътибор қаратилиши;

д) форс-мажор ҳолатининг асосий мезонлари сифатида фавқулоддалик ва муқаррарлик белгиларининг хусусиятлари тўғрисида фуқаролик қонунчилигида ҳуқуқий нормалар мавжуд эмаслиги сабабли, фавқулоддалик ва муқаррарлик

[257] Указ мэра города Москвы “О введении режима повышенной готовности” №21УМ от 16.03.2020 года. https://rg.ru/documents/2020/03/16/moscow-ukaz21-reg-dok.html

белгиларини фақат судлар томонидан мустақил талқин қилиниши ва баҳоланиши;

е) айрим тоифадаги ишлар бўйича форс-мажор ҳолати ва тадбиркорлик фаолиятининг таваккалчилиги чегарасини белгилашда, судлар томонидан фуқаролик қонунчилигида назарда тутилмаган форс-мажор ҳолатининг “тарафлар иродасидан мустақиллик”, “олдиндан билиб бўлмаслик”, “молиялаштиришнинг етарли эмаслиги ёки йўқлиги”, “адолат ва оқиллик” каби қўшимча белгиларидан мезонлар сифатида фойдаланилиши;

ж) форс-мажор ҳолатлари билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, иш бўйича юқори инстанция (аппелляция, кассация) судлари томонидан берилган кўрсатмалар ёки мазкур тоифадаги ишлар бўйича қонунчилик нормаларини қўллашга оид Олий суд томонидан берилган тушунтиришларнинг асос қилиб олиниши кабилар.

REFERENCES

1. Гражданский кодекс Российской Федерации. http://www.sgrc.ru/upload/legislation/11-2021/GK.pdf.
2. Ожегов С. И. Словарь русского языка. М., 1999. С. 872.
3. Гутников О. В. Форс-мажорные обстоятельства в условиях кризиса // Главбух. 1998. № 17. С.60.
4. Иоффе О. С. Избранные труды: В 4 т. Т. 1. СПб., 2003. С. 430.
5. Гуев А. Н. Комментарий к части первой Гражданского кодекса РФ. М., 2003. С. 829.
6. Смирнова М.Г. Форс-мажорные обстоятельства в российском, зарубежном и международном праве // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2014. №1. С.137.
7. Постановление Президиума Высшего Арбитражного суда Российской Федерации №3352/12 от 21.06.2012 года.
8. Пункт 10 Постановления Пленума Верховного Суда Российской Федерации №7 от 24.03.2016 года ”О применении судами некоторых положений Гражданского кодекса Российской Федерации об ответственности за нарушение обязательств”.
9. Постановление Федерального Арбитражного суда Волго-Вятского округа от 24 октября 2003 года № А43-3767/2003-1-125 // СПС “Консультант Плюс”.
10. Указ мэра города Москвы “О введении режима повышенной готовности” №21УМ от 16.03.2020 года.https://rg.ru/documents/2020/03/16/moscow-ukaz 21-reg-dok.html

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЛАЁҚАТИ (НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУШОҲАДА)

https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-10-1245-1252

Ж. Юлдашев
ТДЮУ «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси профессори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий лаёқати, моҳияти, ҳуқуқий лаёқатни амалга оширишнинг асосий услублари ва ёндашувлари таҳлил этилган. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мақсадида рақамлаштириш ва сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилинган ва бу борада ўз таклиф-мулоҳазалар баён қилинган.

Калитли сўзлар: *юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, АЖнинг универсал ва маҳсус ҳуқуқ лаёқати, ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш самарадорлиги, АЖ бошқарув органлари, сунъий интеллект.*

CIVIL-LEGAL CAPACITY OF JOINT-STOCK COMPANIES (IN THEORY AND PRACTICE)

J. Yuldashev
Professor of the "Civil Law" department of TSUL

ABSTRACT

This article analyzes the legal capacity of joint-stock companies, their essence, the main methods and approaches to the implementation of legal capacity. In order to improve the effectiveness of the corporate management system of joint-stock companies in Uzbekistan, opinions on digitization and wide use of artificial intelligence were presented, and their suggestions were presented in this regard.

Keywords: *legal capacity of a legal entity, universal and special legal capacity of JSC, effectiveness of implementation of legal capacity, management bodies of JSC, artificial intelligence.*

КИРИШ

Юридик шахсларнинг ҳуқуқ субъектлилиги унинг ҳуқуқий лаёқати билан боғликдир. Чунки унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдаги иштироки, ҳуқуқ субъектлилигининг асосий белгиловчи хусусияти айнан ҳуқуқий лаёқатига бориб

тақалади. Ҳуқуқий лаёқат масалалари ҳар бир субъектнинг ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилаётган пайтда алоҳида эътиборга олинади. Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқат ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари мажмуи бўлиб, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этади. Бундай лаёқатга эга бўлмаслик, мустақил субъект сифатида муносабатда иштирок эта олмаслик билан баҳоланади.

Юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларидан фарқланади. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида ҳуқуқий лаёқат масаласи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини ўрганиш жараёнида ҳамиша тадқиқот объектига айланади. Шу сабаб кўп адабиётларда "ҳуқуқ субъектлилиги ва ҳуқуқий лаёқат" тушунчалари бир хил маънода ишлатилади[258].

Умуман олганда ҳуқуқ субъекти ҳуқуқий лаёқатсиз мустақил мавжуд бўлмайди, шу сабаб уларни бир маънода ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқат юридик категория сифатида[259] шахсларга юридик имконият беради. Бу юридик имконият ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш имкониятидир.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгандан сўнггина ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлади. АЖ то рўйхатдан ўтгунча, гарчи таъсис этиш ҳаракатлари амалга ошса-да, бироқ мустақил ҳуқуқ субъекти бўлмаганлиги сабабли, унда лаёқатлилик мавжуд эмас, деб топилади. Бу даврда муассислар ўзлари номидан ҳаракат қилиб муносабатларга киришадилар. АЖларнинг ҳуқуқий лаёқати (ҳуқуқ ва муомала лаёқати) унинг субъект сифатида намоён бўлиши, уни амалга ошириш эса ҳуқуқ субъекти сифатида самарали фаолият юритиши билан боғлиқ. АЖлар ҳуқуқий лаёқатини унинг органлари амалга оширадилар. Унинг самарадорлиги ва АЖларнинг фаолияти эса корпоратив бошқарувнинг қай даражада шаклланиши билан боғлиқ.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, юридик шахслар умумий ва махсус ҳуқуқ лаёқатига эга[260]. Тижоратчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатидан кенгроқ бўлиб, умумий характерга эга. Айрим муаллифлар тижоратчи юридик шахслар умумий ҳуқуқ лаёқатига эгалигини таъкидлашади[261].

[258] Субъекты гражданского права./Под.ред. С.Н.Братус. -М.: Юр. лит, 1984. -10 с.; Баратов М.Х. Давлат – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -21 б.
[259] Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф. дисс… канд. юрид. наук. -Ташкент: 2002, -13 с.; Маткурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Автореф. дисс… канд. юрид. наук. –Ташкент: 2004. -8 с.
[260] Гражданское право: учебное пособие / Е.Г. Шаблова, О.В. Жев- няк ; под общ. ред. д-ра юрид. наук, проф. Е.Г. Шабловой.— Ека- теринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2015. – С. 36.
[261] Гражданское право. Общая часть. Отв.ред. Е.А.Суханов. -М.: Волтерс Клувер, 2005. Т.1. -292 с.

В.А.Рахмилович махсус ҳуқуқ лаёқати асосларини - қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мақсад ва фаолият предметини белгилайдиган таъсис ҳужжати ташкил этади деб ҳисоблайди[262]. И.Б.Зокиров махсус ҳуқуқ лаёқатни махсус юкланган вазифалар билан боғлайди[263]. Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, назаримизда, нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати ўз уставлари доирасида чекланганлиги боис, махсус ҳуқуқ лаёқатига мос келади.

Айрим олимларнинг фикрича, юридик шахсларнинг махсус ҳуқуқ лаёқати аввалгидай умумий принцип бўлиб қолмоқда. Универсал ҳуқуқ лаёқати умумий қоидадан мустасно характерга эга ва нодавлат тижоратчи ташкилотларига қўлланилади[264].

Фикримизча эса АЖ универсал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиб (айрим АЖ турларидан бошқа), бу умумийлик қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган исталган фаолиятни амалга ошириш билан бирга сармояларни тез ва узлуксиз муомалага киришини таъминлайди ҳамда сармоядорни қонуний ҳаракат доирасида даромад олишини кафолатлайди.

Тўғри, ҳар қандай тижоратчи ташкилот муассислари (таъсисчилари, ҳиссадорлари, агар умумий йиғилишда овоз берадиган ва ғолиб чиқадиган бўлсалар) юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқат ҳажмини қисқартириши, яъни махсус ҳуқуқ лаёқатига айлантириши мумкин. Лекин, айни ҳолатда АЖни махсус ҳуқуқ лаёқати умумий қоидадан истиснодир, аксинча эмас.

ФКнинг 41-моддасидан келиб чиқиб, АЖнинг махсус ҳуқуқ лаёқати устави ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин.

АЖнинг махсус ҳуқуқ лаёқатини устав орқали белгиланиши акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради ва бу диспозитив характерга эга.

Айрим адабиётларда бу лаёқатни “истисно ҳуқуқ лаёқати” деб ҳам номлашади[265].

Инвестиция фондларининг ҳуқуқ лаёқати махсус ҳуқуқ лаёқати бўлиб, инвестиция фондлари ва инвестиция компаниялари лицензия асосида фақатгина инвестициялаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатишлари мумкин[266].

АЖнинг айрим турлари (банк, суғурта ташкилотлари)нинг фаолият доираси

[262] Рахмилович В.А. Основные положения о юридических лицах в Гражданском кодексе РФ. Комментарий // Адвокат. –Москва, 1997. -№11. –С. 6.
[263] Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. -Тошкент: ТДЮИ, 2009.
[264] Гражданское право. Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. Ч.1. –125-126 с.
[265] Корпоративное право: учебный курс. Том 1 / отв. ред. И. С. Шиткина. М.: Статут, 2017 // СПС «КонсультантПлюс»., Гражданское право : учебник : в 2 т. / И. З. Аюшеева, Е. Е. Богданова, Б. А. Булаевский [и др.]; под ред. Е. Е. Богдановой. — Москва : Проспект, 2020. -110 с.
[266] Жумағулов А.Э. Инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. Юрид. фан. номз... дис. Автореф. - Тошкент: 2021

махсус қонунларда [267] белгиланади ҳамда махсус белгиланган вазифалар доирасидагина ҳаракат қилиш юкланади.

Бу Гарчи, улар қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланса-да, лекин асосий вазифа қонун доирасида белгилаб қўйилади. Шу боис уларни махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади, деб ҳисоблашимиз мумкин.

АЖнинг муомала лаёқати ўз номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳаракат қилиши, яъни битимлар тузиш, мажбуриятларга эга бўлиш ва бажариш, даъвогар ҳамда жавобгар бўлиш лаёқати тушунилади. Демак, жамиятнинг муомала лаёқати унинг хоҳиш-иродани амалга ошириш жараёнида вужудга келади. Унинг хоҳиш-иродаси фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаролик муносабатларида мулкий ва мулкий характерда бўлмаган ҳуқуқларни олиш, бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш орқали намоён бўлади. Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш ва унинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият доирасини, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтирди.

АЖнинг муомала лаёқати унинг хоҳиш-иродасини ифодалаш жараёнида намоён бўлар экан, бу лаёқатни ўз бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Чунки, АЖ ҳар қандай юридик шахс каби қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органи орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади (ФКнинг 45-моддаси).

АЖнинг ҳуқуқ субъекти сифатида ҳаракат содир этиши, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини амалга оширилиши, фуқаролик-ҳуқуқий субъект сифатидаги ҳуқуқий мақомини англаб етиш учун корпоратив бошқарув масаласини ўрганиш жуда ҳам долзарб масаладир. Корпоратив бошқарув АЖларнинг органлари томонидан ташқи ва ички муносабатда манфаатларини ҳимоя қилишдир. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув масалалари бир қатор олимлар томонидан ўрганиб чиқилган[268].

АЖнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, унинг бошқарув органлари орқали амалга

[267] Маълумки, қонун ҳужжатларида “махсус ҳуқуқ лаёқати” ибораси қўлланилмайди. Фақат юридик шахс фаолиятини маълум доира олиб боришини белгиланиши назарий жиҳатдан “махсус ҳуқуқ лаёқати” тушунчаси билан боғланади.

[268] Гулямов С.С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования. Автореф. дис… докт. юрид. наук. -Ташкент: 2005.; Вохидов М.М. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий муаммолари ва такомиллаштириш йўллари. Юрид. фан. номз... дис. Автореф. -Тошкент: 2007. -23 б.; Котова М.Д. Наблюдательный совет акционерных обществ: избрание, компетренция, ответственность. -Ташкент: ТГЮИ, 2004.; Карахаджаева Ш. Правовое регулирование раскрытия информации в акционерных обществах Республике Узбекистан. Автореф. дисс… канд. юрид. наук. -Ташкент: 2005. -22 с.

оширилади. У “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 57-моддасига асосан, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи орқали бошқарилади. Бунда жамиятнинг фуқаролик муомаласида муайян ҳуқуқларга эга бўлиши ёки мажбуриятларни зиммасига олиши ушбу уч звенодан ташкил топган бошқарув органларининг ваколат доирасидаги ҳаракати орқали амалга ошади.

Юридик шахс органи ва АЖ органи бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир[269]. АЖни бошқаришда корпоратив тамойиллардан фойдаланилиб, у оддий акциядорлар эмас, унинг органлари орқали бошқарилади[270].

Ҳақиқатдан ҳам АЖнинг органлари у давлат рўйхатидан ўтгандан сўнггина, ўз ваколат доирасида ҳаракат қилиши, жамиятнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини амалга ошириши мумкин, агар жамият рўйхатдан ўтмаса, у ҳолда бошқарув органлари ҳеч қандай ваколатга ва ҳуқуққа эга бўлмайди, уларнинг жамият номидан қилган ҳаракати ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Акциядорлик жамиятлари мураккаб таркибли, иштирокчилар сонининг чекланмаганлиги, катта миқдордаги мулкни бошқариш заруратининг мавжудлиги боис жаҳон тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, бошқарув тизимининг икки ва уч звеноли кўринишларига дуч келамиз. Е.Богатыхнинг фикрича, акциядорлик жамиятларини англиз-америка ҳуқуқ тизимида икки звеноли (умумий йиғилиш, бошқарув), роман-герман ҳуқуқ тизимида уч звеноли (умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқарув) бошқарув кўринишлари мавжуд [271] . Т.В.Кашанина АЖларнинг бошқарув органлари ҳатто тўрт звеноли (акциядорларнинг умумий йиғилиши, директорлар кенгаши, бош директор раҳбарлигидаги бошқарув, раҳбарий тузилма-бошқарувчи ваколатли шахс) бўлиши мумкинлигини таъкидлайди[272].

Акциядорлик жамиятларининг умумий йиғилиши унинг олий бошқарув органи ҳисобланади ва жамиятнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришишида асосий қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлади. М.М.Воҳидов буларни радикал аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ ваколатлар деб ҳисоблайди[273].

[269] Могилевский С. Понятие и порядок образования органов управления Акционерного общества // Хозяйство и право. -Москва, 2006. -№1. –С 60.
[270] Шиткин И. Соотношение интересов различных групп акционеров и менеджеров в управлении акционерным обществом. // Хозяйство и право. –Москва, 1998. -№11. –С. 126.
[271] Богатых Е. Гражданское и торговое право. -М.: Контракт, 2000. -83 с.
[272] Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник. -М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -458 с.
[273] Вохидов М.М. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги бўйича акциядорлар умумий йиғилиши фаолиятининг ҳуқуқий асослари // Ўзбекистон Қонунчилиги таҳлили. -Тошкент, 2006. -№.1. –Б. 10.

Жаҳон амалиётида кузатув кенгаши институти, гарчи турли номларда аталсада[274], ваколат доираси бир хиллигига амин бўламиз. Кузатув кенгаши ваколатлари фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади[275].

И.А.Ивановнинг фикрича, акциядорлик жамиятининг бошқарувчиси жамият билан меҳнат муносабатлари бўйича алоқадордир[276]. Ижро этувчи орган раҳбари жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш, устав ёки бошқа ҳужжатлар билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблағларини тасарруф қилиш, шартномалар ва контрактлар тузиш, ишончномалар бериш, банкларда ҳисоб-китоб счётлари ва бошқа рақамлар очиш каби ваколатларга эга.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 107-моддасида тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий ҳолати бошқарув органларидан ажралган ҳолда кўрсатилган. Унга кўра, жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) назарда тутилиши мумкин.

АЖ органлари ўз ваколатлари доирасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришар экан, унинг ҳар бир органи мустақил субъект бўлмай, балки жамиятнинг “бир бўғини”, “бир аъзоси” ҳисобланадилар. Улар мустақил бир-бирларига қарши ҳаракат қилишлари, қарорлардан норози бўлиб судга мурожаат этишлари мумкин эмас. Фақатгина юқори турувчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйи турувчи органнинг қарорни ҳаракатдан тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 82-моддасига асосан АЖда миноритар акциядорлар қўмитаси ташкил этилиши мумкин. Лекин бу қўмита бошқарув органлари доирасига кирмайди ва унинг ҳаракатлари АЖ ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш сифатида баҳоланмайди.

Унинг асосий вазифаси АЖ эмас, балки жамиятдаги миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

[274] Монголияда “кузатув кенгаши” атамаси “бошқарув кенгаши” деб номланади. Идэш И. Правовое положение исполнительных органов компании по законодательству Монголии // Юрист. –Москва, 2006. -№3. –С. 51.
[275] Котова М.Д. Наблюдательный совет акционерных обществ: избрание, компетенция, ответственность. -Ташкент: ТГЮИ, 2004. -20-22 с.
[276] Иванов И. Ответственность управляющих перед Акционерным обществом (опыт России и Германии) // Государства и право. –Москва, 1998. -№11. –С. 94.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

ХУЛОСА

Бугунги кунда барча соҳалар каби АЖларнинг фуқаролик-ҳуқуқий лаёқатини амалга оширишга ҳам рақамли технологиялар кириб келмоқда.

Аниқроқ айтганда бу борада инсон омилини имкон даражасида чеклаш ва рақамли технологиялар имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари замонавий рақамли технологиялар – сунъий интелект имкониятларидан фойдаланиш бўйича ривожланган мамлакатларда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган АЖлар ҳам аста-секин жамият ва бизнесни бошқаришдаги таваккалчиликларни, ички назоратни, ички аудит ва молиявий масалалар назоратини сунъий интеллектга ишониб топшир вақти келди.

Чунки инсон омили ва манфаатдорликдан ҳоли бўлган сунъий интеллект орқали бошқаришнинг муҳимлиги, унинг ўз таҳлилий имкониятлари ва тез ва оқилона қарор қабул қилиш имконияти билан боғлиқ.

Назаримизда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни айнан шу ракурсда қайта кўриб чиқиш лозим.

Бундан ташқари АЖларнинг ижобий тарафларидан аксарият ривожланган давлатлар каби самарали фойдаланилмаётганлиги, мамлакат иқтисодиётида унинг роли “сустлашгандай” тасаввур ўйғотаётганлиги, соҳага ахборот технологияларининг илғор тажрибаларидан унумли фойдаланиш заруриятининг ортиб бораётганлиги бу борада янгидан янги илмий тадқиқотлар амалга оширишни тақазо этмоқда.

REFERENCES

1. Субъекты гражданского права./Под.ред. С.Н.Братус. -М.: Юр. лит, 1984. -10 с.; Баратов М.Х. Давлат – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -21 б.
2. Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф. дисс… канд. юрид. наук. -Ташкент: 2002, -13 с.; Маткурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Автореф. дисс… канд. юрид. наук. –Ташкент: 2004. -8 с.

3. Гражданское право: учебное пособие / Е.Г. Шаблова, О.В. Жев- няк ; под общ. ред. д-ра юрид. наук, проф. Е.Г. Шабловой.— Ека- теринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2015. – С. 36.
4. Гражданское право. Общая часть. Отв.ред. Е.А.Суханов. -М.: Волтерс Клувер, 2005. Т.1. -292 с.
5. Рахмилович В.А. Основные положения о юридических лицах в Гражданском кодексе РФ. Комментарий // Адвокат. –Москва, 1997. -№11. –С. 6.
6. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. -Тошкент: ТДЮИ, 2009.
7. Гражданское право. Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. Ч.1. –125-126 с.
8. Могилевский С. Понятие и порядок образования органов управления Акционерного общества // Хозяйство и право. -Москва, 2006. -№1. –С 60.
9. Шиткин И. Соотношение интересов различных групп акционеров и менеджеров в управлении акционерным обществом. // Хозяйство и право. – Москва, 1998. -№11. –С. 126.
10. Богатых Е. Гражданское и торговое право. -М.: Контракт, 2000. -83 с.
11. Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник. -М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -458 с.
12. Abdixakimov, I. (2022). Cyber Crimes in Digital Economy.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ОСНОВ ПУБЛИЧНОЙ ДИПЛОМАТИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Тахиров Шухрат Шавкатович
Магистрант Ташкентского государственного
университета востоковедения
Международные отношения и мировая политика
legaladviser-2011@rambler.ru

АННОТАЦИЯ

Данная работа излагает краткую историю становления и развития основ публичной дипломатии Республики Узбекистан со времен государства Амира Темура до наших дней. В работе описываются проблемы, стоявшие перед дипломатической службой республики со дня приобретения независимости 1 сентября 1991 года, а также на современном этапе.

Ключевые слова: *Дипломатия, дипломатическая деятельность, дипломатическая служба, публичная дипломатия, Министерство иностранных дел, основные задачи и функции.*

ABSTRACT

This work sets out a brief history of the formation and development of the foundations of public diplomacy of the Republic of Uzbekistan from the time of the state of Amir Temur to the present day. The paper describes the problems that the diplomatic service of the republic has faced since the day it gained independence on September 1, 1991, as well as at the present stage.

Keywords*: Diplomacy, diplomatic activity, diplomatic service, public diplomacy, Ministry of Foreign Affairs, main tasks and functions.*

ВВЕДЕНИЕ

Дипломатией называется официальная деятельность глав государств, правительств и специальных органов внешних сношений по осуществлению целей и задач внешней политики государства, а также по защите его прав и интересов за границей. Дипломатия появилась в глубокой древности на заре человеческой цивилизации с появлением государств. История дипломатии Узбекистана также имеет многовековой период, но не все факты из этой истории дошли до наших дней.

Дипломатическая деятельность – это официальная многосторонняя деятельность органов внешних сношений государства по осуществлению

основных задач внешней политики государства на основе норм международного права, а также внутригосударственных нормативно-правовых актов. Дипломатическая деятельность направлена на реализацию внешней функции государства и является неотъемлемой частью деятельности независимого государства Узбекистан.[277]

Дипломатическая деятельность Узбекистана регулируется международными договорами, международно-правовыми обычаями, прецедентным правом, решениями международных органов, общими принципами международного права, доктринами, внутригосударственным законодательством, относящимся к международному праву.

Из исторических источников известно о том, что при дворе Амира Темура был установлен особый протокол и церемониал приема послов. Темур принимал послов лишь по прошествии пяти или шести дней, и чем более именитыми и важными были послы, тем позже он их принимал. Послы в это время вручали привезенные подарки, а придворные проверяли их и затем передавали Темуру до приема послов.[278]

Дальнейшее развитие дипломатической деятельности происходило и в других государствах, появившихся на территории бывшей империи Темура. Но источников об этом сохранилось очень мало.

Также развитие правовых основ дипломатической службы происходило в Узбекистане во времена бывшего СССР. В то время было создано Министерство иностранных дел Узбекской ССР, но оно не обладало самостоятельностью и его функции сводились главным образом к протокольным и церемониальным во время визита иностранных делегаций.

Если говорить о протокольных особенностях встречи официальных делегаций МИДом Узбекской ССР, то можно отметить следующее: аэродром украшался государственными флагами страны гостя, СССР и УзССР, а также приветственными транспарантами на языке страны гостя, русском и узбекском языках. Почетный караул не выстраивался, государственные гимны не исполнялись. Не предусматривался также обмен речами при встрече и проводах делегаций.[279]

[277] 1[277] Саидова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. Ташкент, 2001, с. 9
[278] 2[278] Хидоятов Г.А. Основы дипломатии. Ташкент, УМЭД, 2002, с. 86-87
[279] 3[279] Абдуллаева Л. Особенности дипломатического протокола и этикета: практика Республики Узбекистан. Ташкент, Zar Qalam, 2005, с. 14

АНАЛИЗ ЛИТЕРАТУРЫ И МЕТОДЫ

Данные вопросы изучались такими учеными как Дж. Най, Я. Мелиссен, Э. Гилбао, М. Цветкова, М. Лебедева, Сымен, Л. Саидова, С. Адылходжаева, Ш. Таджиев, Л. Абдуллаева и др.

При исследовании использовались эмпирические методы исследования.

РЕЗУЛЬТАТЫ

Результаты исследования привели к выводам о поэтапном и поступательном развитии публичной дипломатии во внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан. Публичная дипломатия Республики Узбекистан имеет перспективы дальнейшего развития и широкого распространения.

ОБСУЖДЕНИЕ

С приобретением Республикой Узбекистан государственной независимости 1 сентября 1991 года молодое государство начало формировать правовые основы своей дипломатической деятельности.

Обретение Узбекистаном государственной независимости открыло перед ним широкие возможности самостоятельно проводить свою внешнюю политику, вырабатывать собственные пути вхождения в мировое сообщество, определять направления и приоритеты межгосударственных отношений. Перед молодым государством встали задачи обеспечить международное признание, свою безопасность и территориальную целостность, включиться в международные экономические связи, существовала и такая проблема, как отсутствие органов внешних связей. Не было ни одного дипломатического представительства за рубежом, необходимо было формировать собственную внешнюю политику. Укрепление суверенитета, преодоление экономических трудностей, улучшение жизни народа требовали осуществления активной многосторонней внешней политики. Президент страны И. А. Каримов указал: «Чем глубже и шире будут связи Узбекистана с различными субъектами международных отношений, тем меньше будет оставаться неопределенностей, отчуждения, проблем и нерешенных вопросов, элементов непредсказуемости в отношениях с ними».[280]

За годы независимости нашей республике удалось не только проявить себя самостоятельным субъектом международных отношений, но и построить

[280] [280] Ш. Файзиев, Д. Туйчиев. Становление и развитие законодательства Республики Узбекистан о дипломатической службе. ТГЮУ, 2019

стройную систему внешнеполитических органов, развить дипломатические и консульские отношения на основе международных норм и стандартов с учетом передового зарубежного опыта и национального менталитета, исторических традиций и национально-государственных интересов.

С обретением государственной независимости в Узбекистане начала создаваться система внутригосударственных актов, регулирующих дипломатические отношения Узбекистана с зарубежными странами. Был заложен законодательный фундамент ведения внешнеполитической деятельности. Его составили Конституция, принятая 8 декабря 1992 г., и Закон Республики Узбекистан «Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан». Присоединение к Венской конвенции о дипломатических сношениях 1961 г. и Венской конвенции о консульских сношениях 1963 г. привело к открытию на территории Узбекистана дипломатических представительств зарубежных стран и дипломатических учреждений Узбекистана на территории иностранных государств.

Конституция Республики Узбекистан в Преамбуле признает приоритет общепризнанных норм международного права; законодательно закреплено, что Республика Узбекистан является полноправным субъектом международных отношений и ее внешняя политика исходит из таких принципов, как суверенное равенство государств, неприменение силы или угрозы силой, нерушимость границ, мирное урегулирования споров, невмешательство во внутренние дела других государств, и иных общепризнанных принципов и норм международного права. Данные принципы внешней политики государства нашли отражение в законах «Об основных принципах внешнеполитической деятельности» от 26 декабря 1996 г., «О международных договорах», а также принятой в 2012 г. Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан, других законодательных актах.

В Законе «Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» отражены основные принципы и стратегия внешней политики Узбекистана. Во внешней политике и международной деятельности Узбекистан основывается на нормах и принципах Конституции, Законах «О международных договорах Республики Узбекистан», «Об обороне», «Об оборонной доктрине Республики Узбекистан» и других законодательных актах, на принципах и целях ООН и ОБСЕ, а также на обязательствах, указанных в международных договорах и соглашениях Узбекистана, ратифицированных Олий Мажлисом Республики Узбекистан.

К группе национальных законодательных актов, регламентирующих внешнеполитическую деятельность, относятся законы Республики Узбекистан «О порядке назначения и отзыва глав дипломатических представительств Республики Узбекистан в иностранных государствах» от 2009 г. и «Об установлении дипломатических классов и рангов для дипломатических работников Республики Узбекистан» от 1992 г. В них впервые были установлены порядок назначения главы дипломатического представительства Узбекистана за рубежом, а также процедура начала и окончания деятельности главы дипломатической миссии в стране пребывания.

В 2012 г. был принят Закон «Об утверждении Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» (в связи с принятием этого законодательного акта утратил свою силу Закон Республики Узбекистан «Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» от 1996 г.). Его принятие было вызвано необходимостью дальнейшего совершенствования концептуальных основ внешней политики Узбекистана с целью своевременного и адекватного реагирования на угрозы и вызовы в регионе и мире, укрепления национальной безопасности страны. В Концепции изложена система положений, определяющих фундаментальные принципы и стратегические приоритеты внешней политики государства, цели и задачи на международной арене, механизмы продвижения национальных интересов Узбекистана на средне- и долгосрочную перспективу. Согласно положениям Концепции, главной целью внешнеполитической деятельности Узбекистана, основанной на приоритете национальных интересов республики и равноправном сотрудничестве, является укрепление государственной независимости и суверенитета, повышение роли страны в качестве полноправного субъекта международных отношений и создание вокруг Узбекистана пространства безопасности, стабильности и добрососедства.

Keywords: *philosophical-esthetic essays, historical-mythological images, the philosophy of stoicism, the concept of hero and spirit.*

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИСТОРИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ В ОЧЕРКАХ КАМЮ И ЧОЛПОНА

АННОТАЦИЯ

В статье сопоставляются философско-эстетические очерки в восточной и западной литературе. Обсуждаются сходные и различные аспекты очерков на исторические и социальные темы в мировой и узбекской литературе. Ещё одним примечательным аспектом статьи является то, что в

художественно-философских очерках Камю и Чолпона понятие исторического героя классифицируется по его сущностиб а главным героем принается человек.

Ключевые слова: *философско-эстетические очерки, историко-мифологические образы, философия стоицизма, концепция героя и психики.*

KIRISH

Sharq va g‘arb adabiyotshunosligida esse janri taraqqiyotini ikkiga ajratish mumkin: birinchisi, yozuvchilarning hayotdagi ma'naviy, axloqiy, ijtimoiy masalalar xususidagi fikr-mulohazalari bo‘lsa, ikkinchisi, badiiy ijod masalalari, adabiyotning ma'naviy komil shaxsni tarbiyalashda tutgan o‘rni xususidagi muhokamalardir. Shunga ko‘ra esse janri ikki yo‘nalishga ajratiladi:

1. Yozuvchi-shoirlarning ijtimoiy hayot haqidagi falsafiy, tarixiy, diniy, ma'naviy masalalar xususidagi esselar.
2. Yozuvchi-shoir, tanqidchi-adabiyotshunos, faylasuf, tarixchilarning maxsus fan maxsus fan tarmoqlari, xususan adabiyot mezonida oladigan bo□lsak, badiiy ijod sirlari haqidagi ilmiy, badiiy-publitstitik, biografik yo’sindagi esselar.

Quyidagi esse turlarida qahramon masalasiga va uning ruhiy kechinmalariga ko’proq izohlar berilgan:

1) San’at ahli haqidagi esselar;
2) jamoat arboblari haqidagi esselar;
3) tarixiy-ijtimoy mavzudagi esselar;
4) publitsistik esselar.

Albert Kamyu adabiyot maydoniga lirik mazmundagi esselar bilan kirib keldi. Uning falsafiy qarashlar evolutsiyasi tarixiy muxit, davr bilan uzviy bog’liq esselari ijtimoiy-falsafiy mazmunda yozilgan esselariga □Sizif haqidagi afsona□ va Do’zaxdagi Ptometey□ kabi asarlarini misol qilish mumkin. O’zbek adabiyotida Yevropa essechiligi tipidagi badi’aning go’zal barkamol namunasini Cho’lponning □Kleopatra□ asarida ko’rish mumkin. Ikkala ijodkorning ham asarlari tarixiy-ramziy obrazlar asosiga qurilgan bo’lib, bu asarlarda hayotiy haqiqatlar, real tarixiy shaxslar kechmish timsollari badiiy tarzda aks ettirilgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METOD

Esse, memuar adabiyoti, publitsistik asarlar bugungi badiiy-hujjatli nasrning yetakchi yo’nalishlaridan birini tashkil etadi. Hayotiy, haqqoniy va xolislikkka asoslangan realistik idrok va ifoda madaniyati takomilida hujjatli adabiyotning o’rni beqiyos.

Keyingi yillarda adabiy-ilmiy jamoatchiik tomonidan hujjatli nasrga qiziqish kuchayib bormoqda. Marhabo Qo’chqorova ilmiy izlanishlari orqali □O’zbek

adabiyotida esse janri va taraqqiyot tamoyillari va Esseda ramz va ma'naviy-intellektual masalalar kabi nazariy yo'nalishda sharq badi anavisligi hamda G'arb essechiligining o'ziga xos belgilari bilan umummushtarak tipologik xususiyatlarini yoritishga intilgan. Darhaqiqat, esse shaxs psixologiyasidagi ijtimoiy-siyosiy, falsafiy-estetik baholari orqali namoyon bo'ladi va ijodkorning meni ya'ni tafakkur madaniyati esse markazida turadi. Marhabo Qo'chqorovaning Badiiy so'z va ruhiyat manzaralari ilmiy monografiyasida esse janrining o'rganilishi va uning genezisi haqidagi ilk nazariyalarni beradi. Tadqiqotda esse janrida ijod qilgan Sharq va G'arb yozuvchilarining (Mishel Monten, Alber Kamyu, Cho'lpon, Sh.Xolmirzayev) asarlarini qiyosiy metodlar orqali tahlil etgan. Esseda paradoksli mulohazakorlik, erkin muloqot kabi belgilar o'zbek adabiyotshunosligida ilk bor tadqiqot obyektiga aylantirilgan.

MUHOKAMA

Cho'lpon va Kamyu eselarida uchraydigan Kleopatra, Sizif singari tarixiy-mifologik obrazlar bejizga kiritilmagan, ular ijodkorlar hayotidagi ma'lum bir realliklar bilan bog'lanib hayot haqiqatini ko'rsatishda ramziy belgi sifatida ahamiyatlidir. Cho'lpon sevgan ayoli Obidaning badiiy qiyofasi shoir ijodiga Kleopatra timsolida ko'chib o'tganligini adabiyotshunos N.Karimovning Cho'lpon va Kleopatra [1.74] maqolasida isbotlab bergan. Shoir o'zining sof ishqiy dil rozilarini, muhabbat iztiroblarini esse janrida aks ettirishga harakat qilgan, chunki bu janr chuqur mushohadali mutolaani talab etgan. Badiiy adabiyotdagi har bir kichik detall ham, yozuvchi hayotidagi badiiy voqelik asosida yuzaga keladi. Shu ma'noda Sizif va Kleopatra obrazlari ham bejizga tilga olinmagan.

Ayni paytda Sizif (yunon afsonasi) va Kleopatra esa (Misr malikasi) sifatida ham tarixiy, ham adabiy qahramonga aylanib qolgan. Demak, Kamyu va Cho'lpon qadim tarixga ega afsonaviy, folklor, tarixiy, adabiy qahramonga murojaat qilib o'zlarining yetuk uslub mahoratini namoyish etgan. Bu o'rinda N.V Vladimirovna ham o'z fikrini quyidagicha bayon etgan: Ko'p rus yozuvchilari g'arb va sharq mifologiyasi va qadimiy tarixga murojat qilib, ramzlardan foydalanar ekan, ularning maqsadi umuminsoniyatning madaniy-tarixiy dunyoqarashini ko'rsatishdan iborat edi."[2.7]

A.Kamyu esselari teran falsafa va jozibador so'z san'atini o'zida mujassamlashtiradi. Ularda hayot mashaqqatlari, azob-u qiynoqlar girdobiga tashlangan inson haqidagi adib fikrlari toboro chuqurlashganini, ayni shu teran o'ylar silsilasida ijodkor o'z shaxsiyatini, borlig'ini ham fosh etganini ko'ramiz. Bunday

sarosimali o'ylar ijodkorning «Sizif haqida afsona»sida yorqin ko'zga tashlanadi. Muallifning o'zi shunday yozadi: □Bu esse XX asr uchun hali noma'lum bo'lgan absurd falsafa haqida emas, absurd tuyg'ular, absurd dunyoqarash haqidadir□ [3.8]

Sizif jahannamning besamar zahmatkashiga aylanadi. Yozuvchi badiiy tasvirlaridagi xarsangtosh- hayotning cheksiz va bitmas-tuganmas azob-uqbatlari timsoli. Sizif esa kurashchan va sabotli inson timsoli, shuning uchun ham ijodkor Sizifni absurd qahramon, deb ataydi. Sizif nohaqlikdan, o'lim va zulmatdan nafratlanadi. U hayotni go'zallikni qattiq sevadi. Aslida, u bemani ishga mahkum qilingan shunchaki bir qahramon emas. Uning irodasi toshdan ham mustahkam, u yengilmas jismonan qiynoqlar ostida bo□lsa ham ruhan xudolardan ustun chiqadi. Bu ma□nisiz ishlarni takror-takror bajarishiga sabab: xarsangtosh □ Sizifning shaxsiy g□am-tashvishi. Shuning uchun ham u azobli taqdiridan voz kecha olmaydigan tarixiy obraz. U xudolarga qarshi ish qilgani sababli, mangu jazoga hukm qilinadi. Sizif singari bugungi kun odami ham xuddi shunday tuganmas azob-uqubatli har kuni,har soatda mehnat qilish, azoblanishga mahku qilingan. Eng qiziq tomoni shundaki, □xarsangtosh bugun ham dumalashda davom etmoqda□.

Kamyuning ko'p asarlarida ekzistensializm ruhida yozilgan bo'lsa-da, □Sizif haqida afsona□ essesida stoitsizm falsafasi ruhida yozilgan. Stoitsizm □ (yunoncha stoa □ peshayvon; yunon falsafiy maktabining yig□ilish o'tkaziladigan joyi) falsafiy oqim bo'lib, qadimgi Gretsiya va Rimda ratsionalistik ta'limot sifatida vujudga kelgan.[4.213] Bu falsafaning asosini hayotni mardlarcha, jasorat bilan yashash g'oyasi tashkil etadi. Kamyuning yunon mifologik qahramonlarini asarlariga tarixiy obraz sifatida olib kirishdan maqsad, afsonalar mohiyatini XX asr kuni bilan bog'laydi.

O'zbek adabiyotida Cho'lponning lirik kechinmalarini esse janrida ifoda etishining o'ziga xos sabablari bordir. Cho'lpon nafaqat o'z davrining ilg'or, taraqqiyparvar ziyolilaridan edi balki, jahon nasrini yaxshi bilgan dunyo adabiyotining go'zal namunalarini tarjima qilgan. □Kleopatra□asari yozuvchining badiiy niyatini shaxsiy ishqiy kechinmalarini timsollar tili bilan chiroyli bir yo'sinda ifodalashga xizmat qilgan. Badi'ada 3 ta obraz bo'lib:



Asarda Amu malikasi bo□lgan Kleoptra bevosita ishtirok etmaydi. Faqat uning nomini oshiq yigit qayta-qayta tilga oladi. Shoir shu usul vositasida yigitning Amu

malikasiga bo'lgan sevgisi oldida Sezar va Antoniy kabi sarkardalarning Kleopatraga bo'lgan muhabbati arzimas bir narsa va uning qadrsizligi kabi g'oyani olg'a surmoqchi bo'lgan. Asarning yana bir o'ziga xosligi Cho'lpon go'zallikda va sevgi bobida tarixda mashxur bo'lgan Kleopatraga o'z sevgilisinini qarama-qarshi qo'yilishi asardagi kolliziya konfliktni yanada oshirganligidadir. Badi'ada lirik qahramonning o'z sevgilisini Misr ma'shuqasidan ustun qo'yishini quyidagi sabablar bilan izohlash mumkin:

- O'zini haddan ortiq sevishi;
- Xushsurat shahzodalarni beayov jazolab, o'limga hukm etishi;
- Shahzodalarning muhabbatiga ishonmasdan, oshiqlariga sovuq nazar bilan qaraydi va yillar davomida sof muhabbatini kutib yashaydi.


Badi'adagi har bir kichik detall, asardagi ramziy timsollar harakat dinamikasini ifodalashga xizmat qilgan. Masalan: yozuvchi nilufar gulini bir necha o'rinda turli xil sifatlar bilan ifodalashga harakat qilgan va gulga □vafo hidli, □sevgi hidli" deb, ta'rif beradi.Asarda quyidagicha ta'riflanadi. □ Bu gul suvda o'sib, suvda yetishib, yana suvda bitadir□ Nilufar guli asarda sof muhabbat, pokiza sevgi timsolida aks ettiriladi. Kleopatra har kuni nilufar gullarini terdirib kelib, ularni boshini tepasiga osib qo'yilishi va malikaning aynan shu gul tarovatiga aldanib, uyquga ketishi bejiz emas. Malika har kuni uyquga ketar ekan, o'z oshiqlarini birma-bir xayolidan o'tkazadi. Bu o'rinda gul muhabbat ramzini ifodalaydi. Shu bois malika gulning muattar hidini hidlar ekan, o'z oshiqlarini eslab uyquga ketishi malikaning qalbida ham muhabbat uchqunlari borligini ko'rsatadi. Ammo uyqudan turganda, Nil bo'yidan keltirilgan go'zal nilufar gullarning so'lib qolganini ko'radi. So'lib qolgan gullar o'tkinchi muhabbat ramzidir. Lirik qahramon Kleopatra ko'ksiga tashlagan Amu guli so'lmaydi , chunki Amu guli so'nmas muhabbat ramzi. Ma'lumki, nilufar guli suvda o'sgani uchun ham lirik qahramon o'z qalbidagi sof muhabbatga □nili ko'zlarining yoshida yetishtirdim, o'stirdim □ [5.12] deya ta'rif beradi. Asardan keltirilgan quyidagi dialogda oshiq yigit va Kleopatra o'rtasidagi munozarali suhbatda oshiq yigitning o'z muhabbatiga sodiqligi aks etgan:

- Sevganing bormi?
- Ha, bor. U Amu bo'yida.
- Gul kim uchundir?
- U uchun□ U mening Kleo□patramdir. Amu Kleo□patrasidir□ [6.15]

Zero haqiqiy muhabbat ko'z yoshlarsiz, sog□inchlarsiz, orziqib visolga tashnaliklarsiz kechishi mumkin emas. Asarda yozuvchining xurmo daraxtiga suyanib kuzatishi ham bejiz emas. Behishtda o'suvchi jannatiy daraxtlarning biri

xurmodir. Bu daraxt badi□ada hayot ramzi ma□nosini ifodalaydi. Malika uyqudan uyg□ongach begona gulning hidini sezadi va lirik qahramon o□z muhabbatini yashirmay, sevgisiga iqror bo□ladi. Kleopatra o□z qarashlari bilan oshiq yigitda ehtiroslar uyg□ota boshlaganda, Amu bo□yidan keltirilgan gul haqiqiy muhabbat tarovatini sochib, oshiq yigitni aldamchi ehtiroslardan xalos etadi.

Mazmun-mohiyatiga ko'ra Cho'lpon badi□asi ishqiy nomaga o'xshasa-da, unda shaxsiy tuyg□ular, xasratlar, yolg'iz millat taqdiridan ustun turuvchi umuminsoniy masalalar o'rtaga tashlanadi. Cho'lpon badi'asida quyidagi ramziy timsollar asosiy bosh g'oya sifatida ya'ni teran ijtimoiy masalalar sifatida tasvirlanadi:



XULOSA

Har ikkala ijodkor- A.Kamyu va Cho'lpon essesida o'ziga xos poetik ohangdorlikni, badiiy shiralikni ko'rishimiz mumkin. Sharq va g'arb ijodkorlari bo'lishiga qaramay, ularning esselarida ezgulik va yovuzlik, muhabbat va nafrat, donolik va nodonlik kabi ruhiyatning ikki xil olamida harakat qiluvchi INSON □ bosh qahramon sifatida birinchi planda tasvirlangan. Kamyu fojealar zamonida yashayotganini chuqur his etadi va buni o'z esselarida turli obrazlar orqali aks ettiradi. Insoniyat kelajagi, hayotning tub mohiyati, baxt va baxtsizlik, qilich va aql-idrok singari tushunchalar har ikkala yozuvchini ham iztirobga soladi. Bu dardchil hislar ijodkorni inson o'tkinchi va aldamchi hayotni faqatgina mustahkam iroda, talabchanlik, metindek bukilmas sabot va g'urur, aqilli kishilarga xos bo'lgan sovuqqon vazminlik bilangina yengib yashash kerak degan xulosaga keladi. To'g'ri va noto'g'ri fikrlarning bosh sababchisi bo'lgan INSON Kamyu va Cho'lpon essechiligining metin o'zagini tashkil etadi.

REFERENCES

1. Gafurovich, S. A. (2021). Analysis Of The Poem" Autumn Dreams" By Abdulla Oripov. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(01), 556-559.
2. Sabirdinov, A. . (2021). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. *Конференции*, *1*(2).
3. Guzalkhan, M. (2020). The image of a creative person in the poetry of Erkin Vohidov. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume: 10, Issue: 11, November.
4. Mukhammadjonova, G. (2020, December). Artistic interpretation of the creative concept in world literature. In *the Conference*.
5. Abdurashidovich, K. A. (2018). Motivation and National Character of Foolishness in Uzbek Literature. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, *7*(4), 47-51.
6. Qayumov, A. (2018). Creating of a national character through means of literature. *Theoretical & Applied Science*, (1), 235-240.
7. Kayumov, A. A., & Isakova, J. B. (2022). DESCRIPTION OF A CHILD'S IMAGE IN UZBEK LITERATURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, *2*(02), 115-122.
8. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *3*, 9-13.
9. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *3*, 9-13.
10. Джураева, М. А. (2020). THE CONCEPT OF A NEW HUMAN-BEING IN MODERN UZBEK STORIES. *Ученые записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Серия гуманитарно-общественных наук*, (2), 85-89.
11. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. *Scientific Journal of Polonia University*, *32*(1), 116-120.
12. Murodilovna, O. G. (2019). The peculiarities of vazn meter in uzbek poetry of the independence period. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, *8*(2), 33-39.

13. Oripova, G. M. (2021). Genesis And Essence Of Genre Concept. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(12), 90-94.
14. Akhmadjonova, O. A. (2021). Symbolic And Figurative Images Used In The Novel "Chinar". *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(03), 389-392.
15. Ahmadjonova, O. (2020, December). THE ARTISTIC SKILL OF THE CREATOR. In Конференции.6. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 245-249.
16. Xasanova, X. (2020, December). THE MISSION AND LITERATURE OF LETTERS IN STORIES AESTHETIC FUNCTION. In *Конференции*.
17. Makhmidjonov, S. (2021). ARTISTIC INTERPRETATIONS OF THE EDGES OF THE HUMAN PSYCHE. Интернаука, (15-3), 75-76.
18. Yulchiyev, Q. (2019). The development of lyric chronotop in Uzbek poetry. *Scientific journal of the Fergana State University*, *2*(2), 77-81.
19. Юлчиев, К. В. (2020). ЛИРИК ШЕЪРДА БАДИИЙ МАКОН МУАММОСИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *3*(5).
20. Azimovich, R. Z. Chronotope Image in the Novel" Ulugbek Treasure" by Odil Yakubov. *International Journal on Integrated Education*, *3*(11), 183-186.
21. Rahimov, Z., & Gulomov, D. (2020, December). RETROSPECTIVE STRUCTURE IN FICTION. In *Конференции*.
22. Dehkonova, M. S. (2020). OYBEK'S POETRY THROUGH ANALYSES OF REPRESENTATIVES OF OYBEK STUDIES SCHOOL. Theoretical & Applied Science, (2), 13-17.
23. Hamidov, M. (2020, December). ARTISTIC FEATURES OF SHUKHRAT'S NOVEL" MASHRAB". In Конференции.
24. UMURZAKOV, R. (2018). Social environment and spiritual world of teenager in narrative "Saraton" by N. Fozilov. *Scientific journal of the Fergana State University*, *1*(4), 104-105.
25. Umurzakov, R. (2021). ERA AND SPIRIT IN THE STORY □TWICE TWO IS FIVE□. *Journal of Central Asian Social Studies*, *2*(02), 26-35.
26. Kasimov, A. Albert Camus in Uzbekistan.
27. Kasimov, A. A. (2020). PECULIARITIES AND SIMILARITIES OF SYMBOLIC EXPRESSION IN THE NOVELS □THE PICTURE OF DORIAN GRAY□ AND □THE MAN AT THE MIRROR□. *Theoretical & Applied Science*, (5), 590-592.

28. JURAYEV, H., & ABDURAHIMOVA, J. (2018). Semantic layers of the expression in the Babur lyric. *Scientific journal of the Fergana State University*, *1*(3), 111-112.

29. Rustamova I.I. Rhythm Views on the Plot of the Work / / Badiy asar syujetida ritm ko□rinishlari. // International Journal of Innovative Research. □ India,June, 2021, □P. 8355-8357.

30. Rustamova I.I. PORTRAIT AND ITS ARTISTIC-AESTHETIC FUNCTION IN THE WORKS OF ABDULLA QAHHOR//Abdulla Qahhor asarlarida portretning badiiy-estetik funksiyasi//AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. □America, December, 2021, □P. 230-234.

Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences
Scientific Journal Impact Factor
Advanced Sciences Index Factor

VOLUME 2 | ISSUE 10
ISSN 2181-1784
SJIF 2022: 5.947
ASI Factor = 1.7

ULUG'BEK HAMDAM HIKOYASIDA QAHRAMON XARAKTERI

Ibodat Rustamova Ikromovna,
FarDU,adabiyot kafedrasi dotsenti,
Filologiya fanlar nomzodi

Azimova Nodirabonu Baxtiyorjon qizi,
FarDU 2-kurs magistranti.

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Ulug'bek Hamdamning hikoyanavislik mahorati, hikoya qahramonining xarakteri, ruhiyati, yozuvchining uslubi haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: *xarakter, qahramon, ruhiyat, obraz, ong oqimi.*

ABSTRACT

In this article, Ulugbek Hamdam's story-writing skills, the character and spirit of the hero of the story, and the writer's style are discussed.

Keywords: *character, hero, stream of consciousness, spirit, image.*

KIRISH

Bugungi kunda mamlakatimiz yanada rivojlanib bormoqda. Ilm-fanning o'sib borishi ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy hayotimizda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Mana shunday kunlarda har bir shaxs o'z mamlakatida yuz berayotgan voqealarga befarq qaramasligi zarur bir holga aylandi. Yurtimizdagi har bir fuqaro mamlakatimiz tarixini, ya'ni ota-bobolarimiz kim bo'lgani, ular qanday yo'llarni bosib o'tganligini bilgan holda vatan kelajagi uchun oqilona yo'ldan borishayotgani muhim ahamiyatga ega bo'lmoqda. Birinchi Prezidentimiz I. A. Karimov: "Odamlarda o'zligini anglash, milliy g'urur, oriyat, o'tmishdan faxrlanish, porloq kelajakni o'z qo'limizga olganimizdan g'ururlanish kabi tuyg'ular kamol topmoqda, ularning bugungi va ertangi kuniga ishonchi ortib bormoqda"[284], -deb aytgan gaplari fikrlarimizning isbotidir. Istiqlol tufayli har bir sohada bo'lganidek, milliy adabiyotimizda ham muhim o'zgarishlar yuz berdi. O'zbek xalqining ma`naviy-axloqiy ideallarining o'sib borishi, umuminsoniy qadriyatlarimizning tiklanishi adabiyotimizda ham o'z aksini topib bormoqda. Agar sho'ro davri adabiyotiga nazar soladigan bo'lsak, bu davr adabiyotida erkin ijod qilish, inson ruhiyatini to'laqonli aks ettirish va o'z zamonasida yuz berayotgan voqea-hodisalarni adabiyotga olib kirish, ya`ni yozuvchilar ko'z o'ngida yuz berayotgan va o'tmishimizni aks ettirish,

[284]Karimov I. Bizdan ozod va obod Vatan qolsin. –T.: O'zbekiston, 1996. –B. 260.

shuning bilan bir qatorda, millatimizga xos bo'lgan qadriyatlarni o'z asarlariga singdirish ma`lum darajada siqib qo'yilgan bo'lsa, mustaqillik davriga kelib bu masalalar yuzasidan to'laqonli erkinlikka erishildi. Bu bilan sho'ro davri adabiyotida yaxshi asarlar yaratilmagan degan fikrdan yiroqmiz, aksincha, bu davr adabiyotida ham adabiyotimizning buyuk darg'alari yetishib chiqdi va o'zbek xalqining ko'zgusiga aylangan chinakam yaxshi asarlar yaratishdi. Bundan anglashilib turibdiki, muayyan jamiyat va ma`lum tuzum yo'q bo'lib ketishi mumkin, ammo adabiyot yo'q bo'lmaydi. Adabiyot har qanday vaziyatda ham o'zining rivojlanishidan umuman to'xtab qolmaydi. U har tomondan bo'g'iq muhitda ham ma'lum miqdorda rivojlanib, o'zini namoyon qilib oraveradi. Shunday qilib, mustaqillik davriga kelib, o'zbek adabiyoti rivojlanishning yuksak cho'qqisiga chiqdi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Adabiyotimizga yangicha qarashlar, yangicha uslublar kirib kela boshladi. Endilikda yozuvchilarimiz milliy qadriyat va madaniyatimizni o'z asarlarida ochiq-oydin yorita boshladilar, ya`ni bugungi kunga kelib adabiyotimiz millatning ko'zgusiga aylandi. O'zbek adabiyoti ham jahon adabiyotida o'ziga yarasha o'rin egallay boshladi. Zero, birinchi Prezidentimiz ta'kidlaganidek: "Agar biz O'zbekistonimizni dunyoga tarannum etmoqchi, uning qadimiy tarixi va yorug' kelajagini ulug'lamoqchi, uni avlodlar xotirasida boqiy saqlamoqchi bo'lsak, avvalambor, buyuk yozuvchilarni, buyuk shoirlarni, buyuk ijodkorlarni tarbiyalashimiz kerak. Nega deganda, ulug' adib Cho'lpon aytganidek, adabiyot yashasa millat yashaydi"[285].

XX asr o'zbek adabiyotida katta o'zgarishlar yuz berdi. Yozuvchi va shoirlarimiz ijodida g'arb adabiyoti an`analari asosida inson ruhiyatini va ong oqimini asarlaridagi qahramonlar xarakteri**ga** singdirishga harakat qildilar. Bu urinishlar o'z samarasini berib, yuksak saviyadagi asarlar dunyo yuzini ko'ra boshladi.. O'zbek adabiyoti nasrida epik turning bir bo'lagi bo'lmish hikoya janrida ham badiiy saviyasi baland asarlar yaratildi.

Hozirgi kun o'zbek nasrida ijod qilayotgan talantli adiblarimiz ham oz emas. Ular yaratayotgan asarlarning badiiy saviyasi yuqori cho'qqida desak, aslo, mubolag'a bo'lmaydi.Yozuvchilarimiz hikoya janrining ham saviyasini o'stirib bormoqdalar.Bu yo'lda o'zining mashaqqatli mehnati evaziga yutuqlarga erishayotgan:Nazar Eshonqul,G'ofur SHermuhammad,Abduqayin Yo'ldoshev,Luqmon Bo'rixon,Ulug'bek Hamdam kabi ko'plab yozuvchilarimizni

[285]Karimov I. Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch. –T: "Ma`naviyat". 2008. 140-b.

ko’rsatishimiz mumkin.Adabiyotshunos U.Normatov qayd qilganidek “So’nggi yillardagi bizdagi adabiy jarayonga xos eng muhim xususiyatlarda biri shundaki,adabiyotimiz chinakamiga xilma xil bo’lib borayabdi …bizda ham falsafiy asosi jihatidan xilma xil yo’nalishga mansub asarlar paydo bo’la boshladi”[286].

Hikoya janrining boshqa janrlardan asosiy farqlaridan biri, ya`ni uning markazida qahramon xarakteri turishini nazariy adabiyotlardan ko’rishimiz mumkin. Yozuvchilarimiz ideali asosida yaratilayotgan qahramonlar xarakteriga olam va odam botiniy dunyosida yuzaga kelayotgan yutuq va kamchiliklar singdirilib kelinmoqda. Bu esa, albatta, o’quvchi ongiga ta`sir etmay qo’ymaydi. Ijodkorlar ham ana shu maqsadni yanada kuchaytirish maqsadida insonning ongiga chuqurroq kirib borishga va unda yuz berayotgan o’zgarishlarni o’zlari yaratayotgan qahramonlar xarakteriga singdirib borishga harakat qilib kelmoqda. Qahramon xarakteri uning nutqida, portret tasvirida, muallif tavsifida va xatti harakatlar tasvirida namoyon bo’ladi. Ushbu omillar birlashib, kitobxon ko’z o’ngida real inson obrazi gavdalanadi. Har qanday badiiy asar yozuvchuning o’z davriga bo’lgan munosabatidan dunyoga keladi. Yozuvchi o’zini ruhiyatida kechayotgan tuyg’ularini shu yaratayotgan asari orqali yoritib berishga intilishi hech kimga sir emas, albatta. Ho’sh, yozuvchi idealidagi narsalarni qanday yoritib bera oladi? Albatta, o’z ideallini asardagi personajlarning ruhiyatiga singdiradi. Asardagi personajlarning qarashlari turli xil bo’lgani sababli ular orasida o’zaro ziddiyatlar vujudga keladi. Mana shu jarayon asar personajlarining sekin-astalik bilan xarakterini ochib beradi. Biz quyida istiqlol davrida yaratilgan o’zbek hikoyalarida xarakterni ochib berilishi haqida so’z yuritamiz. O’zbek adabiyotida, nasrida ko’zga ko’ringan adiblarimizdan biri Ulug’bek Hamdam hikoyalarini o’qib chiqar ekanmiz,adibning hikoyalarida inson ruhiy olamidagi nozik va hayajonli tuyg’ular mahorat bilan ochib berilgan.

Masalan, adibning “Bir piyola suv” hikoyasini olaylik, hikoyada hayot va o’lim, tiriklikning mohiyati ,odamning olamdagi vazifasi kabi g’oyalar ilgari surilgan..

Asarning asosiy bosh markazida -insoniyatning eng katta, azaliy dushmani bo’lgan nafs balosi turadi. Hikoyaning sarlavhasidan ham biz chuqur ma’no izlashimiz mumkin .Bir piyola suv .Suv o’zi nima.? Bu tiriklik ramzidir.Yozuvchi aynan nega bir piyola suv demoqchi. Hajmi kichik idishda. Boisi, u insonga berilgan qisqa muddat-umr o’lchovi, ikkinchidan esa, sabr timsoli. Insonning dunyoga kelishidan maqsadi nima? Odamning hayotdagi muqaddas vazifasi, burchi nimalardan iborat kabi savollar hikoya mazmunida mujassamlashgan. Hikoya qahramonining vazifasi shom tushkuniga qadar aravaga ortilgan yukni hech qayerga

[286] Normatov U.Umidbaxsh tamoyillar.-T. “Ma’naviyat”,2000.3-4-betlar.

chalg'imasdan manzilga olib borishdan iborat.Bu yerda arava ham ot ham ramziy ma'noda qo'llangan.

Inson-hayotning mazmunidir. Ya'ni inson bo'lmasa hayot ham yo'q degani. Yozuvchi hikoyada insonning bu olamga kelishdan to umrining poyoniga qadar bo'lgan davrni bir payola suv hikoyasi orqali ochib berishga harakat qilgan. Zero, bu foniy olamdagi sinovdan munosib o'tish insoniyatning muqaddas burchidir. Yozuvchi inson ruhiyatidagi evirishlarni, hayot tashvishlarini qahramonning qo'shiq hirgoyasi orqali ifodalagan." [287] Avvaliga ovozimni baland qo'yib qo'shiq aytaman .Kuch-quvvatni tejach zarurligini payqabmi ,beixtiyor hirgoyaga o'taman,bilgan-bilmagan qo'shiqlarimdan zam-zama qilaman.Keyin g'ing'illashga oro berib atrofga alanglayman".Bu yerda ham biz ramziy ma'noni ko'rishimiz mumkin .Ovozini baland qilib kuylash yoshlikka xos sho'xlikni aks ettirsa,g'ing'illash keksalikni belgisidir. Yozuvchi bu hikoyani shunaqangi mahorat bilan yozganki, bundagi har bir so'z mazmunida chuqur ma'no aks ettirgan."Bir mahal ichimga o'rmalab kirgan chanqoqni his qilaman".Bu yerda yozuvchi badiiy san'at o'xshatish sanatini qo'llamoqda .Ya'ni chanqoq bu yerda nafsini ifodalab kelmoqda.Inson doimo o'zidagi bor narsani boshqa joydan qidiradi .Natijada o'z umri bekorga o'tib ketganini tushunib yetmaydi.Tushunib yetganda esa,albatta, kech bo'ladi.Hikoya qahramonimiz ham huddi shunday hayoti davomida o'z yelkasida ortib borayotgan narsani-o'zligida mavjud narsani o'zga yoqdan qidiradi.Natijada butun hayotini sarsonlikda o'tkazib ,oynadek tiniq qalbi darz ketadi ."E voh,shu choqqacha boshimga tushgan ajobtovur bir yonu bunisi bir yon bo'ldi:ne ko'z bilan ko'rayki,aravaning ichida suv to'la ko'zalar qator tizilishib turar,ulardan bittasi yiqilib singan-u, suvi quyiga-asriy tashna qumliklarga chak-chak tomardi"[288].

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, yozuvchi bu hikoyasi orqali tiriklikning mohiyati, insonning bu foniy dunyoga kelishdan maqsadi kabi tushunchalarni ramziy-majoziy obrazlar tasviri orqali mohirlik bilan singdira olgan.Hikoya asosida yozuvchining uslubiy o'ziga xosligi haqida muayyan xulosaga kelishimiz mumkin.

REFERENCES

1. I. A. Karimov. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch. – T.: Ma`naviyat. 2008.
2. I. A. Karimov. Bizdan ozod va obod vatan qolsin. – T.: O'zbekiston, 1996.

[287] Hamdamov U.Bir payola suv//Sharq yulduzi 2011,2-son,105-bet.
[288] Hamdamov U.Bir payola suv//Sharq yulduzi 2011,2-son,108-bet.

3. Sh. Mirziyoyev. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birgan quramiz. – T.: O'zbekiston, 2017.
4. I. Sulton. Adabiyot nazaryasi. – T.: O'qituvchi nashriyot – Matbaa ijodiy uyi, 2005.
5. T. Boboev. Adabiyotshunoslik asoslari. – T.: O'zbekiston, 2002.
6. D. Quronov. Adabiyotshunoslikka kirish. – T.: A. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004.
7. Normatov U.Umidbaxsh tamoyillar _T."Ma'naviyat",2000. 4-5 bet.
8. Hamdam U.Bir payola suv //SHarq yulduzi 2011,2-son,105-bet
9. Hamdam U. Bir payola suv//Sharq yulduzi 2011,2-son,108-bet.
10. Gafurovich, S. A. (2021). Analysis Of The Poem" Autumn Dreams" By Abdulla Oripov. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(01), 556-559.
11. Sabirdinov, A. . (2021). ASKAR KASIMOV IN THE UZBEK POETRY OF THE XX CENTURY THE ROLE AND IMPORTANCE OF CREATION. *Конференции*, *1*(2).
12. Guzalkhan, M. (2020). The image of a creative person in the poetry of Erkin Vohidov. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume: 10, Issue: 11, November.
13. Mukhammadjonova, G. (2020, December). Artistic interpretation of the creative concept in world literature. In *the Conference*.
14. Abdurashidovich, K. A. (2018). Motivation and National Character of Foolishness in Uzbek Literature. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, *7*(4), 47-51.
15. Qayumov, A. (2018). Creating of a national character through means of literature. *Theoretical & Applied Science*, (1), 235-240.
16. Kayumov, A. A., & Isakova, J. B. (2022). DESCRIPTION OF A CHILD'S IMAGE IN UZBEK LITERATURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, *2*(02), 115-122.
17. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *3*, 9-13.
18. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *3*, 9-13.
19. Джураева, М. А. (2020). THE CONCEPT OF A NEW HUMAN-BEING IN MODERN UZBEK STORIES. *Ученые записки Худжандского государственного*

университета им. академика Б. Гафурова. Серия гуманитарно-общественных наук, (2), 85-89.

20. Oripova, G. (2019). UZBEK POETRY AND THE WORLD LITERATURE IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. *Scientific Journal of Polonia University*, *32*(1), 116-120.

21. Murodilovna, O. G. (2019). The peculiarities of vazn meter in uzbek poetry of the independence period. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, *8*(2), 33-39.

22. Oripova, G. M. (2021). Genesis And Essence Of Genre Concept. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(12), 90-94.

23. Akhmadjonova, O. A. (2021). Symbolic And Figurative Images Used In The Novel "Chinar". *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *3*(03), 389-392.

24. Ahmadjonova, O. (2020, December). THE ARTISTIC SKILL OF THE CREATOR. In Конференции.6. Oripova G. M., Tolibova M. T. Q. Composition Of Modern Uzbek Stories //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 245-249.

25. Xasanova, X. (2020, December). THE MISSION AND LITERATURE OF LETTERS IN STORIES AESTHETIC FUNCTION. In *Конференции*.

26. Makhmidjonov, S. (2021). ARTISTIC INTERPRETATIONS OF THE EDGES OF THE HUMAN PSYCHE. Интернаука, (15-3), 75-76.

27. Yulchiyev, Q. (2019). The development of lyric chronotop in Uzbek poetry. *Scientific journal of the Fergana State University*, *2*(2), 77-81.

28. Юлчиев, К. В. (2020). ЛИРИК ШЕЪРДА БАДИИЙ МАКОН МУАММОСИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *3*(5).

29. Azimovich, R. Z. Chronotope Image in the Novel" Ulugbek Treasure" by Odil Yakubov. *International Journal on Integrated Education*, *3*(11), 183-186.

30. Rahimov, Z., & Gulomov, D. (2020, December). RETROSPECTIVE STRUCTURE IN FICTION. In *Конференции*.

31. Dehkonova, M. S. (2020). OYBEK'S POETRY THROUGH ANALYSES OF REPRESENTATIVES OF OYBEK STUDIES SCHOOL. Theoretical & Applied Science, (2), 13-17.

32. Hamidov, M. (2020, December). ARTISTIC FEATURES OF SHUKHRAT'S NOVEL" MASHRAB". In Конференции.

33. UMURZAKOV, R. (2018). Social environment and spiritual world of teenager in narrative "Saraton" by N. Fozilov. *Scientific journal of the Fergana State University*, *1*(4), 104-105.
34. Umurzakov, R. (2021). ERA AND SPIRIT IN THE STORY "TWICE TWO IS FIVE". *Journal of Central Asian Social Studies*, *2*(02), 26-35.
35. Kasimov, A. Albert Camus in Uzbekistan.
36. Kasimov, A. A. (2020). PECULIARITIES AND SIMILARITIES OF SYMBOLIC EXPRESSION IN THE NOVELS "THE PICTURE OF DORIAN GRAY" AND "THE MAN AT THE MIRROR". *Theoretical & Applied Science*, (5), 590-592.
37. JURAYEV, H., & ABDURAHIMOVA, J. (2018). Semantic layers of the expression in the Babur lyric. *Scientific journal of the Fergana State University*, *1*(3), 111-112.
38. Rustamova I.I. Rhythm Views on the Plot of the Work / / Badiy asar syujetida ritm ko'rinishlari. // International Journal of Innovative Research. – India,June, 2021, –P. 8355-8357.
39. Rustamova I.I. PORTRAIT AND ITS ARTISTIC-AESTHETIC FUNCTION IN THE WORKS OF ABDULLA QAHHOR//Abdulla Qahhor asarlarida portretning badiiy-estetik funksiyasi//AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. –America, December, 2021, –P. 230-234.

UO'T;633.631

KUZGI BUG'DOY NAVLARINI SAQLASH DAVRIDA URUG'LIK NAMLIGINI UNUVCHANLIGIGA TA'SIRINI O'RGANISH

Davronov Qaxramonjon Alijonovich
q.x.f.d., dotsenti,
Farg'ona Politexnika Instituti
Email: q.davronov@ferpi.uz
Xoliqov Muxridin Baxromjon o'g'li
Farg'ona davlat universiteti
E-mail: muhriddinxoliqov995@gmail.com

ANNOTATSIYA

Dala ekinlarining hosildorligi va mahsulotning sifati ekish uchun ishlatiladigan urug'ning urug'lik sifatlariga bog'liqdir. Urug' tirik organizm hisoblanib, uning murtagidan kelgusida o'simlik rivojlanadi. Shuning uchun urug'lik bo'lajak o'simlikning biologiyasi, xo'jalik va nav xususiyatlarini o'zida mujassamlashtirgan bo'ladi.

Kalit so'zlar: *Bug'doyning Krasnodar-99, Semrug', Alikseich navlari, don, hosildorlik, nav tozaligi, namlik, saqlash, urug'lik.*

ПОСЕВ ПРИ ХРАНЕНИИ СОРТОВ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ВЛАГИ НА СОВЕРШЕНСТВО

АННОТАЦИЯ

От качества семян, используемых для посева, зависит урожайность полевых культур и качество продукции. Семя считается живым организмом, из которого в будущем разовьется растение. Следовательно, семя воплощает в себе биологию, хозяйственные и сортовые признаки будущего растения.

Ключевые слова: *сорта пшеницы Краснодар-99, Семруг, Алисеич, зерно, урожайность, сорточистота, влажность, хранение, семенной материал.*

SEEDING DURING STORAGE OF WINTER WHEAT VARIETIES STUDYING THE INFLUENCE OF MOISTURE ON THE PERFECTNESS

ANNOTATION

The yield of field crops and the quality of the product depend on the quality of the seeds used for planting. A seed is considered a living organism, from which a

plant will develop in the future. Therefore, the seed embodies the biology, economic and variety characteristics of the future plant.

Keywords: *Krasnodar-99, Semrug, Alikseich varieties of wheat, grain, productivity, variety purity, moisture, storage, seed.*

KIRISH

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7–fevraldagi PF-4947-son “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” gi farmonida “Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini mutassil rivojlantirish, mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini yanada mustahkamlash, ekologik toza mahsulot ishlab chiqarishni kengaytirish, ekin maydonlarini yanada maqbullashtirish, resurslarni tejaydigan zamonaviy agrotexnologiyalarni joriy etish” muhim strategik vazifalar sifatida belgilab berilgan. Qishloq xo‘jaligining muhim soxalaridan biri bo‘lgan g‘allachilik sohasida ham kuzgi bug‘doy navlari urug‘lik materiallarini tayyorlash ularni saqlash va dastlabki ishlash jarayonlarini o‘rganish asosida yuqori sifatli urug‘lik olish tizimini ishlab chiqish bo‘yicha ilmiy-tadqiqot va amaliy ishlanmalarni amalga oshirish bilan don hosildorligini va sifatini oshiruvchi omillarni aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi [1; 2017-y; 6-b].

Boshoqli don ekinlari inson hayotida muhim o‘rin tutadi. Undan olinadigan oziq-ovqat mahsulotlari (non, yorma, makaron va boshqalar) inson hayoti uchun zarur bo‘lgan muhim iste’mol mahsulotlarini tashkil qiladi. Dunyoda oziq-ovqat iste’moli bo‘yicha tekshirishlar shuni ko‘rsatadiki, 50% oqsil moddalari, 70% uglevodlar va 15% yog‘ moddalari don va urug‘lardan olinadi.

“O‘zdonmahsulot” aksiyadorlik kompaniyasi tarkibida yetishtirilgan donni sifatli qayta ishlov berib saqlaydigan urug‘lik sexlari va omborlar mavjud bo‘lib, bu respublikamiz kelgusi yil uchun urug‘likka bo‘lgan ta’labini to‘liq qoplaydigan miqdordagi g‘allani sifatli, sof saqlash imkonini beradi. Urug‘lik sexlarida qayta ishlov berilgan va saqlanayotgan bug‘doy urug‘lari kelgusi yil uchun ekiladigan asosiy manba bo‘lganligi sababli uni mavjud standartlar asosisda qayta ishlash va saqlash lozim.

Urug‘lik donlarni dorilash urug‘ni zang va ildiz chirish kasaliklariga chidamliligini oshiradi. Murtakni unish quvvatini yaxshilaydi. Saqlash jarayonlari to‘g‘ri tashkil etilsa mahsulot sifati buzilmaydi. Donni saqlashda sifatning salbiy o‘zgarishi asosan namlik, issiqlik, havo, mikroorganizm va hashoratlarning ta’siri, kemiruvchi va qushlar tomonidan, shuningdek, texnik zararlanishi oqibatida don

naturasi, shaffofligi, unuvchanligi, oqsil miqdori, kleykovina miqdori va donning hidi, rangida o‘zgarishlar yuz beradi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Dala ekinlarining hosildorligi va mahsulotning sifati ekish uchun ishlatiladigan urug‘ning urug‘lik sifatlariga bog‘liqdir. Urug‘ tirik organizm hisoblanib, uning murtagidan kelgusida o’simlik rivojlanadi. Shuning uchun urug‘lik bo‘lajak o‘simlikning biologiyasi, xo‘jalik va nav xususiyatlarini o‘zida mujassamlashtirgan bo‘ladi. Shu sababdan dehqonchilik tarixida urug‘likning sifat belgilariga katta e’tibor berib kelingan. Yurtimizda boshqa sohalarda bo‘lgani kabi qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlashda ham davlat standart talablari qo‘laniladi, hususan urug‘lik bug‘doyni qayta ishlash va saqlash jarayonlarida. Bug‘doy doni davlat standarti talablari asosida qayta ishlash va saqlash, tashish ishlarini O‘zbekiston Davlat Standarti O’zDst 2823:2014 talablari asosida olib boriladi [2; № 05-542].

X.N Atabayeva, J.B. Xudoyqulovlarning takidlashicha urug‘lar uch xil sifat belgilariga ega [3; 55-bet]:

1. Urug‘likning sifat belgilari, ya’ni ekishga yaroqli bo‘lishi (unib chiqish darajasi, energiyasi, o‘sish kuchi va tozaligi).

2. Nav tozaligi: urug‘ning ma’lum bir nav tozaligiga ega bo‘lishi, uning reproduksiyasi.

3. Urug‘likning hosildorlik xususiyatlari - urug‘ning ma’lum bir sharoitda yuqori hosil berish xususiyatlari. Urug‘lik va nav tozaligi sifat belgilaridan tashqari, 1000 dona urug‘ning massasi (og‘irligi), katta-kichikligi, yirikligi, zichligi, urug‘ning bir xil yiriklikda bo‘lishi ham katta ahamiyatga ega.

Kuzgi bug‘doy urug‘lik materiallarini saqlash davrida saqlash qoidalariga rioya qilinmaganda urug‘lik materialda salbiy o‘zgarishlar kuzatiladi. Bu o‘zgarishlar o‘z navbatida urug‘likning kimyoviy va fizik o‘zgarishlarga olib keladi.

V.L. Kretovich ning takidlashicha, tirik donning ferment tizimi namlik va haroratga bog‘liq holda o‘zining faolligini oshiradi yoki tushiradi. Bu donnning bioximik xususiyatlarida aks etadi, ularning yo‘naltirilganligi va o‘zgarish darajasi saqlashning uslub va tartibiga bog‘liq. Don 14% nam bo‘lganda faollashadi. Ularning o‘sish faolligi namlik 20% ga yetguncha davom etadi so‘ng sezilarli sekinlashadi, endospermada esa o‘sib boradi [5; 26-32 b].

Tatqiqotlarda o‘rganilgan kuzgi bug‘doyning Krasnodar-99, Semrug‘ va Alikseich navlarida 2018-2019-2020 yillar mobaynida saqlash davrida namlikning

unuvchanlikga ta’siri ustida olib borilgan laboratoriya tahlillari quydagicha bo‘ldi:

- 2018 yilda Krasnodar-99, Semrug‘ va Alikseich navlarining o‘rtacha namligi tegishli ravishda 3 takrorda 14,2-14,3-14,2 % ni, unuvchanlik esa 94-93-95 % ni;
- 2019 yilda Krasnodar-99, Semrug‘ va Alikseich navlarining o‘rtacha namligi tegishli ravishda 14,5-14,6-14,7 % ni, unuvchanlik esa 93-92-94 % ni;
- 2020 yilda Krasnodar-99, Semrug‘ va Alikseich navlarining o‘rtacha namligi tegishli ravishda 15,1-15,2-15,4 % ni, unuvchanlik esa 90-89-91 % ni tashkil etdi.

Olingan tatqiqot natijalariga muvofiq bug‘doyning Alikseich navi Krasnodar-99 va Semrug‘ navlaridan urug‘lik materiallarining saqlash davrida namlik foizi biroz yuqori bo’lsa ham o‘z unuvchanligi yuqoriligi bilan ajralib turdi. Bu ko‘rsatgich navga hos hususiyat bo‘lib olimlarning nav ustida olib borgan ilmiy izlanishlari natijasi mahsuli bo‘lib hizmat qiladi.

1-jadval

Kuzgi bug‘doy navlarini saqlashda urug‘lik namligini unuvchanligiga ta’siri. 2018-2019-2020 yillar

№	Seleksion navi	Tahlil o‘tkazilgan yillar											
		2018 yil				2019 yil				2020 yil			
		Namligi, %		Unuvchanligi, %		Namligi, %		Unuvchanligi, %		Namligi, %		Unuvchanligi, %	
		Haqiqatda	Standart talabi	Haqiqatda	Standart talabi	Haqiqatda	Standart talabi	Haqiqatda	Standart talabi	Haqiqatda	Standart talabi	Haqiqatda	Standart talabi
1	Krasnodar-99	14,2	**14**	94	**95**	14,5	**14**	93	**95**	15,1	**14**	90	**95**
2	Semrug‘	14,3	**14**	93	**95**	14,4	**14**	92	**95**	15,2	**14**	89	**95**
3	Alekseich	14,2	**14**	95	**95**	14,7	**14**	94	**95**	15,4	**14**	91	**95**

XULOSA

Kuzgi bug‘doy navlarining urug‘lik don sifat ko‘rsatkichlari Davlat standart talablari (DST) asosida belgilanishi sifatli urug‘lik olinishiga qaratilgan bo‘lib, kuzgi bug‘doyning Krasnadar-99, Semrug‘, Alikseich navlari saqlash jarayonida uning

namligini unuvchanligiga ta'siri ustida olib borilgan kuzatish va laboratorya tatqiqot ishlari natijasida olingan ma'lumotlardan quydagicha xulosa qilindi:

1. 2018 yilda olib borilgan tajribalarda namlikning standart talab (14%) ga yaqinligi Krasnadar-99, Semrug', Alikseich navlarini namligi tegishli ravishda 14,2-14,3-14,2 % ni, unuvchanligi 94-93-95% ni tashkil qildi. Bug'doyning Alikseich navining unuvchanligi qolgan navlarga qaraganda yuqoriligi o'z tasdig'ini topdi (95%).

2. 2019 yilda bug'doyning Krasnadar-99, Semrug', Alikseich navlarining namligi tegishli ravishda 14,5-14,6-14,7 % ni, unuvchanlik 93-92-94 % ni tashkil etgan holda olib borilgan tajribalarda qolgan navlarga qaraganda Alikseich navining unuvchanligi 94 % ni tashkil etib, qolgan navlarda namlikning yuqoriligi unuvchanlikga salbiy ta'sir ko'rsatdi.

3. Tajriba tizimining yakuniy 2020 yilda bug'doyning Krasnadar-99, Semrug', Alikseich navlarining namligi tegishli ravishda 15,1-15,2-15,4 % ni, unuvchanlik 90-89-91 % ni tashkil etgan holda namlikni standartdan yuqori bo'lganda unuvchanlikga salbiy ta'sir etishi o'z tasdig'ini topdi. Unuvchanlikning pasayishi Semrug' navida yorqinroq nomoyon bo'ldi (89%).

REFERENCES

1. Эшпулатов, Ш. Я. ВЛИЯНИЕ ОРОСИТЕЛЬНЫХ ВОД НА ПЛОДОРОДИЕ СВЕТЛЫХ СЕРОЗЕМОВ. *Актуальные вопросы современной науки*, 25.
2. Эшпулатов, Ш. Я., Турдалиев, А. Т., & Мирзаев, Ф. (2017). Почвенно-археологический метод для определения возраста древних орошаемых палеопочв. *Актуальные вопросы современной науки*, (2), 63-67.
3. Эшпулатов, Ш., Тешабоев, Н., & Мамадалиев, М. (2021). INTRODUCTION, PROPERTIES AND CULTIVATION OF THE MEDICINAL PLANT STEVIA IN THE CONDITIONS OF THE FERGHANA VALLEY. *EurasianUnionScientists*, *2*(2 (83)), 37-41.
4. Эшпулатов, Ш. Я., Тешабоев, Н. И., & Мамадалиев, М. З. У. (2021). ИНТРОДУКЦИЯ, СВОЙСТВА И ВЫРАЩИВАНИЕ ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТЕНИЕ СТЕВИЯ В УСЛОВИЯХ ФЕРГАНСКОГО ДОЛИНЫ. *Евразийский Союз Ученых*, (2-2 (83)), 37-41.
5. Эшпулатов, Ш. Я., & Джураева, Д. Э. (2021). Интродукция и выращивание лекарственных растений в условиях Узбекистана. *Тенденции развития науки и образования*, (71-1), 170-173.

6. Isag'aliyev, M., Obidov, M., & Matholiqov, R. (2019). Morphogenetic and biogeochemical features of the medicinal capparis spinosa. *Scientific journal of the Fergana State University*, *2*(4), 46-49.
7. A. Turdaliev, M. Usmonova, & R. Matholiqov (2022). ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОҲИЯТИ. Science and innovation, 1 (B6), 450-455. doi: 10.5281/zenodo.7164839.
8. Маматожиев, Ш. И., Тожимаматов, Д. Д. У., Камолов, З. В. У., & Холиқов, М. Б. У. (2020). ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОЦЕССЫ ХРАНЕНИЯ ЗЕРНА И НА ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА. *Universum: технические науки*, (12-4 (81)), 75-78.
9. Xayitmurotovich, K. I., Qizi, M. G. M., & Odiljon O'g'li, M. O. (2021). Root System Development And Its Activity. *The American Journal of Engineering and Technology*, *3*(03), 65-69.
10. Mamatqulov, O., Qobilov, S., & Abdullaaxatov, A. (2022). FARG 'ONA VILOYATI SHAROITIDA TOK KASALLIKLARIGA QARSHI KURASHISH. *Science and innovation*, *1*(D6), 307-311.
11. Sodiqova, Z. T. (2022, May). DANAKLI MEVA KASALLIKLARIGA QARSHI KURASHISH YO'LLARI. In *INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING* (Vol. 1, No. 8, pp. 240-244).
12. Ugli, M. O. O. (2021). RECYCLING OF THE CURVE PLANNING IN GAT TECHNOLOGY (Auto CAD) PROGRAM. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(11), 480-483.
13. Mamatkulov, O. O., & Numanov, J. O. (2021). Recycling of the Curve Planning in Gat Technology (Auto Cad) Program. *Middle European Scientific Bulletin*, *18*, 418-423.
14. Маматожиев, Ш. И., Тожимаматов, Д. Д. У., Камолов, З. В. У., & Холиқов, М. Б. У. (2020). ПРЕИМУЩЕСТВА НОВОЙ СИСТЕМЫ ПРИ ПРИЕМКЕ ЗЕРНА. *Universum: технические науки*, (12-2 (81)), 96-99.
15. Anvarjonovich, D. Q., & Ogli, X. M. B. (2021). The effect of grain moisture on grain germination during grain storage. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(5), 418-421.
16. Газиев, М. А., Мирзахмедова, Х., Арипжанова, М., & Омурзакова, Г. (2008). ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА ЗАЩИТЫ ХЛОПЧАТНИКА ОТ ЗАБОЛЕВАНИЯ ВИЛТОМ. *Известия*, (1), 84.
17. Эшпулатова, Г. Т. (2015). Гумус в древних палеопочвах сероземного пояса. *Проблемы современной науки и образования*, (8 (38)), 49-51.

18. Turdaliev, A. T., et al. "b. Physicochemical, geochemical features and their influence on the soil-ecological state of hydromorphic soils." Scientific Review. Biological sciences 4 (2019): 44-49
19. Turdaliyev A., Asqarov K., Xodjibolayeva N. Geoenergetic features of lanthanoids and radioactive elements in irrigated soils // Scientific journal of the Fergana State University. – 2019. – T. 2. – №. 4. – C. 53-57
20. Turdaliev, A. T., et al. "Influence of irrigation with salty water on the composition of absorbed bases of hydromorphic structure of soil." IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. Vol. 1068. No. 1. IOP Publishing, 2022
21. Turdaliev, A. T., et al. "b. Physicochemical, geochemical features and their influence on the soil-ecological state of hydromorphic soils." Scientific Review. Biological sciences 4 (2019): 44-49.
22. Турдалиев, А., & Юлдашев, Г. (2015). Геохимия педолитных почв. Монография. *Т." Фан*, 41-48.
23. Маматожиев, Ш. И., & Усаркулова, М. М. (2020). Определение процедуры, состава и методики процесса увлажнения пшеницы. *Актуальная наука*, (1), 18-21.
24. Маматожиев, Ш. И. (2020). Влияние минимализации до посевной обработки на агрофизические свойства почвы. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, *2*(3).
25. Маматожиев, Ш. И. (1990). *Приемы минимализации допосевной обработки почвы и их влияние на плодородие и урожайность хлопчатника в условиях луговых сазовых почв Ферганской долины* (Doctoral dissertation, ВНИИ хлопководства).
26. Маматожиев, Ш. И., Мирзаева, М. А., & Шокирова, Г. Н. (2021). Влияние технологии допосевной обработки на содержание влаги в почве. *Universum: технические науки*, (6-3 (87)), 46-49.
27. Маматожиев, Ш. И., & Усаркулова, М. М. К. (2020). Влияние изменения физико-химических свойств зерна в зависимости от влажности на равномерное распределение нагрузки по поверхности дробильного вала. *Проблемы современной науки и образования*, (4-2 (149)), 5-8.
28. Газиев, М. А., & Турдалиев, А. Т. (2019). Роль органических и минеральных удобрений в развитии физиологических групп микроорганизмов в системе севооборота. *Современные фундаментальные и прикладные исследования*, (2), 9-12.

29. Sobirov, A., Gaziev, M., & Gulomova, G. (2021, August). THE USE OF THE MEDICINAL PLANT OF THE LEONURUS L. AND ITS AGROTECHNOLOGY OF GROWING: https://doi. org/10.47100/conferences. v1i1. 1407. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).
30. Sobirov, A., Gaziev, M., & Gulomova, G. (2021, July). THE USE OF THE MEDICINAL PLANT OF THE LEONURUS L. AND ITS AGROTECHNOLOGY OF GROWING. In *Конференции*.
31. Газиев, М. А., Турдалиев, А. Т., & Тухтасинов, М. Р. (2018). Пути восстановлении биоценоза типичных сильно-зараженных вилтом сероземов. *Современные научные исследования и разработки*, (6), 168-171.
32. Закирова, С., & Газиев, М. (2010). ВЛИЯНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ОРГАНИЧЕСКИХ И МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА АГРОХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СПЛАНИРОВАННЫХ БУГРИСТО-БАРХАНИСТЫХ ПЕСКОВ. *Известия ВУЗов (Кыргызстан)*, (6), 175-176.
33. Idrisov, X. A., & Atabayeva, X. N. (2022). Loviya va mosh ekinlarining umumiy ahamiyati va biologik xususiyatlarini tahliliy o ‘rganish. In *international conferences on learning and teaching* (Vol. 1, No. 8, pp. 644-651).
34. Xalima, A., Xusanjon, I., & Abdulvosid, S. (2022). O ‘tloqi-botqoq tuproqlar sharoitida mosh (Phaseo1is aireis piper) ning o ‘sishi, rivojlanishi va don hosildorligi. *Research and education*, *1*(2), 373-381.
